

**Турсунов С.Н**  
**Пардаев Т.Р**  
**Турсунова Н.М**  
**Муртазоев Б.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ  
ШАКИЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИ**



**УЎК:398.3(575.1)**

**74.200.25**

**T91**

**Муаллифлари:**

тарих фанлари доктори. профессор Турсунов Сайфулла Нарзуллаевич

тарих фанлари номзоди. доцент Пардаев Тошкенбой Ражабович

илмий тадқиқотчи Турсунова Насиба Муҳиддиновна

филология фанлари номзоди, доцент Муртозаев Бобоназар

**Масъул муҳаррир:** тарих фанлари номзоди, доцент. Э.Қобилов

**Такризчилар:**

Филология фанлари доктори Омонтурдиев Анвар

Ўзбекистон халқ бахшиси Болтаев Шоберди

Филология фанлари номзоди Турдиев Тоштемир

Тарих фанлари номзоди А.Қурбонов

Монографияда бахшичилик ва дostonчилик тарихи, унинг маънавий асослари, миллий қадриятларимиз борасидаги ўрни, тарихий аҳамияти, бахшичилик мактабларининг долзарблиги, Совет ҳукмронлиги давридаги мафкуравий сиёсат таъсирда камситилиши, мустақиллик йилларида бахшичилик ва дostonчилик соҳасида эришилган маънавий-миллий ютуқлар, бу соҳада амалга оширилган ижобий натижалар каби масалалар кенг камровли таризда очиб берилган. Мазкур монография бахшичилик ва дostonчилик бўйича тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга, илмий жамоатчиликка, бахшичилик ва дostonчиликга қизиқувчи бахшиларга, шоир, ёзувчиларга, китобхонлар оммасига, талабаларга, профессор-ўқитувчиларга мўлжаллаб тайёрланган. Шунингдек ,мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган моддий-маънавий меросни ўрганиш, қайта тиклаш, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар бўйича ташкил этилаётган оммавий халқ байрамлари, маросимлари, халқ ўйинларини янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган дастур бўлиб хизмат қилади.

**УЎК:398.3(575.1)**

**74.200.25**

**T91**

**Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,**

**Узоқ синаб кўрдим , билсанг у китоб.**

**Сирни яширмагай ўқувчисидан**

**Хабар берар сенга ёзувчисидан**

**Хилватда сен билан бўлиб у улфат  
Жимгина куради ёқимли суҳбат**

**ISBN 978-9943-4268-3-2**

**“Fan va texnologiya” 2014**

**КИРИШ**

**“Китоблар бир авлоднинг бошқа авлодга қолдирган маънавий васияти, нуруний кексанинг ҳаётга энди қадам қўя бошлаган ўсмирга панд-насихати, узоқ тарихни кўз ўнгимизда жонлантирувчи ишонарли хикоя, келажакни тасаввур қилдирувчи ва уни яратишга ундовчи мохир муаллимдир”.**

**И.А. Каримов**

Ўзбек халқининг тарихини ўрганишда дастлаб маънавий кадриятларни холисона илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосини анъанавий дostonчилик ва бахшичилик санъати ташкил этади. Анъанавий дostonчилик тарихи халқнинг этник тарихи билан узвий ҳолда, анъанавий дostonчиликнинг ривожланиши оғзаки ижоднинг асрлар давомида шаклланиб келган чуқур ижтимоий тафаккур олами билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бойлиги ва ҳамиша навқиронлиги билан алоҳида ажралиб туради. Халқ оғзаки ижоди беқиёс хазина бўлиб, уларни ёшлар онгига сингдириш ўз халқига, ватанига, миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти каттадир.

Истиқлол шарофати туфайли маънавий қадриятларимиз қаторида халқ оғзаки ижодининг тикланиши ва янада кенг тарзда ривожланиши туфайли халқимизнинг асрий анъаналари бағоят даражада бойиди. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Инновация лойиҳасини давлат буюртмаси асосида №И-2013-11-3-сонли шартномасида қайд этилган “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи” мавзусидаги лойиҳа асосида ушбу монография яратилиб, монографияда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва ижодий юксаллишига оид манбалар илмий тарихий жиҳатдан таҳлил қилиниб, веб-сайт яратилди.** Ўзбекистон ҳукуматининг бевосита қўллаб-қувватлаши асосида ЮНЕСКО нинг қарори билан 1999 йили “Алпомиш” достони минг йиллигининг кенг нишонланиши, ушбу дoston келиб чиқиши тарихининг кенг миқёсда ўрганилиши ва қадимий қадриятларнинг тикланиши ниҳоятда унутилмас ҳодиса бўлди. Халқ дostonлари бахши шоирлар томонидан шу кунгача аждодлардан – авлодларга ва тагин авлодлардан - авлодларга ўтиб қўйланиб, ижод қилиб келинаётган бой маънавий хазинадир. Шунинг учун ҳам Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “Алпомиш” дostonининг минг йиллик юбилейида: “Бахши - шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Бахшили эл – яхшили эл” деб улуғланган. Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жумабулбул, Фозил Йўлдош ва Пулкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Саидмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир бахши, Шоберди бахши каби дostonчиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли Алпомиш бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда”<sup>1</sup>.

Бахши ва дoston сўзлари моҳиятан олиб қаралганда эгизак сўзлар, уларнинг бирдан иккинчисини ажратиб бўлмаганидек, ушбу сўзлар мазмунан ҳам бир-бирини тўлдириб туради. Бахши (baxsi, baqsi) сўзи луғатларда туркий сўз бўлиб, мураббий ва муаллим маъноларини англатади, умуман, тарбиячи, етакчи, йўлбошчи каби талқинлар ҳам унда мужассам<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан. Эркин ва пировард мақсадимиз. 8 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б. (Алпомиш дostonининг 1000 йиллик юбилейидаги маъруза. 1999 йил, 6 ноябрь.)– Б. 81.

<sup>2</sup> Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – С. 82.

Достон атамаси кенг камравлидир, муайян мазмунли тизимга эга назм ва насрдан ташкил топган катта ҳажмли асар, қаҳрамонлар силсиласи, воқеалар ҳалқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан диққатлидир. Масалан, Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достони ўн биринчи бобининг сарлавҳасига эътибор қилинг: “Шоҳ Баҳром достониға шуруъ қилурдин бурун бир неча сўзга муртакиб бўлмоқ ва ул достонда тағйир ва табдил воқеъ бўлғоннинг узрин қўлмоқ...”<sup>3</sup>. Алишер Навоий достон атамасини айтиши шу ўринда “Шоҳ Баҳром достони...” деганда “Шоҳ Баҳром қиссаси...” яъни достондан мурод қисса бўлиб, ривоят ва афсона маъноларига ҳам ишора мавжуд. Демак бахши ва достон ёки бахшичилик ва достончилик атамалари уйқаш маъноларни талқин этиб, эл ҳурматиға сазовор бахши ҳамда эл қалбига етиб борган достон тарзида олқишлар оламида устувор мақом эгаллаган.

Биз сўз юритган бахшичилик ва достончилик тарихи, унинг маънавий асослари, айтиши маҳалда миллий қадриятларимиз борасидаги ўрни ва унинг тарихий аҳамияти боғлиқ чамбарчас жиҳатлар ўз моҳияти эътибори билан қимматлидир. Биз таҳлилға жалб этган мавзуларнинг турфа хил олами ва турли хил кўлами бепоён, бахшичилик мактабларининг ёки достончилик мактабларининг илдизлари ва манзиллари масаласининг долзарблиги замон ва замин талабидан келиб чиқилади ҳамда шунга қараб белгиланади. Совет давлати ҳукмронлиги даврида адабиётшунослигимизда достон истилоҳи билан ёнма-ён поэма ва баллада атамалари қўллана бошланган эди, янги атамаларнинг кириб келиши яхши ҳодиса. Бу билан тил бойиб боради, лекин бу тилимиздаги мавжуд барқарорлашган истилоҳларнинг сунъий равишда сиқиб чиқариш ҳисобида бўлмаслиги лозим. Шукрки, Алишер Навоий асарларини ва бахшилар куйлаган оғзаки ижод намуналарини достон деб аташни қанда қилмаганмиз, оқибатда достон каломи тилимизда ўз жарангини сақлаб қолган.

Бизнинг сарзаминда яшовчи ўзбеклар орасида биргина бахши сўзининг турли атамалари учрайди ва уларнинг ҳар бири ўз маъноси билан ўша сўзнинг зеболигини таъминлайди. Чунончи бахшининг шоир, созчи, созанда, соқи, сановчи, юзбоши, халфа, жиров, жирчи, оқин, охун ва бошқалар<sup>4</sup>. Шундан уларни Жолмон бахши, Жоссоқ шоир, Йўлдош шоир, Биби шоира, Шерна юзбоши, Хонимжон халфа, Қурбон созчи, Қодир созчи, Ҳайбат соқи ва бошқа номларда аташган. Улар элнинг, улуснинг севимли кишилари бўлган, уларға доимо эъзоз ва эҳтиром изҳор этилган, улар туфайли тўйларға,

<sup>3</sup> Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10 –том. Ҳамса. Сабъаи сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. –Б.72.

<sup>4</sup> К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 227–232.

йиғинларга, сайилларга, базмларга файз кирган. Бахшилар ижросидаги “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Муродхон”, “Мискол пари”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Равшан”, “Интизор”, “Эрали”, “Ойсулув” ва бошқа кўплаб шу каби дostonлар эл ардоғига сазовор этилган. Дostonлар – халқнинг тарихи, эл-улус ўтмишининг баёни, орзу-армонлар кечмиши, бир сўз билан айтганда халқ тарихининг кўшиғи, тақдирининг оҳанги, қисматининг мунгли мусиқаси, келажакнинг шодон яллasi. Бахшилар эса ана шу халқ тарихининг куйчиси, тенгсиз ҳофиз, туғрироғи, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги олтин занжир, тарихни тарихга оғзаки кўчирувчи, тарихни тарихга муҳрловчи, тарихни тарихда қолдирувчи моҳир ижодкор.

Дostonлар ичида “Алпомиш” дostonи шоҳ дoston деб аталади, у айнан шу номга муносиб, лекин Совет тузуми замони 1950-йиллар унинг номига қанчалар таъна-дашном ва тухмат тошларини отилди. “Алпомиш” дostonи ҳукмрон синф манфаатини ҳимоя қилувчи ғоялар билан суғорилган, шунга мослаштирилган, унда халқчиллик, халқчил ғоялар бегона ёки йўқ ҳисобида деб, аюҳаннос солишгача бориб етдик! Лекин узок тортишув, баҳсу мунозарлардан сўнг дostonнинг халқчиллиги, унда халқчил ғояларнинг мавжудлиги исботини топди, дoston халқники эди ва у халқга қайтарилди. Истиклол йиллари “Алпомиш” дostonининг сирларини англадик, сеҳрларини намоён этдик, унинг ўзлигини тикладик, унинг борлиги бизнинг борлиғимиз эканини исботладик. “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллик тантаналари ўтказилди, илмий-назарий анжуманлар уюштирилди, кинофильмлар яратилди, дostonнинг янги нашрлари амалга оширилди. “Алпомиш” туркий халқлар ижтимоий ҳаёти билан чамбарчаслиги янада мароқли, дostonнинг ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд ва Олтой ўлкаси каби улкан заминда тарқалганининг ўзи ҳам буни тўлиқ тасдиқлаб турибди. Бу хил ходиса “Тўрўғли” туркум дostonларга ҳам тааллуқли, дoston ўз миқёси жиҳати билан Марказий Осиё ҳамда Кавказ халқларидан озарбойжон, арман, грузин ва ҳатто Туркия ва Эрон сингари кенг ҳудудда тарқалган.

Биз монографияда “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Равшан”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ёзи ва Зебо”, “Хулқар пари”, “Тошбосар” ва бошқа талай дostonларнинг яратилиш тарихига доир маълумотлар таҳлилида ўзбек фольклоршунос олимлари тадқиқотларига таяниб иш тутдик. Хусусан, “Алпомиш” дostonи бўйича Ҳ.Зариф, Т.Мирзаев, М.Саидов, “Тўрўғли” дostonи борасида Ш.Турдимовнинг янги изланишлари, “Юсуф ва Аҳмад” дostonининг нашри масаласида Б.Саримсоқов, “Тоҳир ва Зухра” йўналишида М.Жўраев ва Ф.Маматқулова кузатувлари, “Ёзи ва Зебо”нинг ёзиб олиниши ва чоп этилишида М.Муродов ва А.Эргашев хизматлари, Республикада таниқли адабиётшунос олим дostonчилик ва бахшичилик мактаблари ижоди мавзуида ўнлаб илмий асарлар муаллифи Тоштемир Турдиевнинг “Ўзбек халқининг сеvimли дostonи” рисоласи, “Тошбосар” дostonи, уни ёзиб олиш, нашр ишларида Р.Мустафоқулов саъй-ҳаракатлари ва бошқалардан унумли истифода этдик. Шунингдек, монографияда ёш тадқиқотчи Икром Умировнинг “Бадаш” номли анъаналаримизнинг фақат Кўҳитанг тоғ этакларида жойлашган қишлоқлардан Хатак қишлоғи учун хослиги ва унинг

турлари ҳақидаги таснифидан истифода этганимиз анча эътиборлидир. Абдуназар Поённинг “Рамазон чопагон” ва “Турсун мерган” дostonлари таҳлили ҳамда Сайфулло баҳши ижодига мансуб “Хулқар пари” дostonининг матни ва маълум тадқиқий баёнларига ҳам монографиядан жой берилган.

Монография бағрида “Ўзбекистонда баҳшичилик мактаблари”, “Сурхон баҳшилари”, “Оғзаки ижод турлари ҳамда мусиқа ва ижро услублари”, “Халқ баҳшилари ижодида термалар”, “Халқ оғзаки ижодига оид атамалар” фасллари жойлаштирилган. Муаллифлар жамоаси фойдаланган адабиётлар учун уларнинг муаллифларига ўз миннатдорчиликларини билдирган ҳолда, ана шу хил ажойиб анъаналарнинг давомийлигини ва собит қадамлигини истаб қоладилар.

Ушбу монографияни ёратишда таниқли фольклоршунос, адабиётшунос, рухшунос, файласуф, элшунос соҳасида кенг йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, И.Султонов, Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, А.Панов, Б.Н.Путилов, М.Афзалов, М.Саидов, Т.Мирзаев, К.Имомов, О.Сафаров, М.Муродов, Б.Саримсоқов, М.Очилов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, А.Эргашев, Т.Турдиев, А.Чориев, М.Неъматова, Ж.Қултоев, И.Ҳаққулов, М.Жўраев, Ф.Маматқулова, С.Рўзимбоев, А.Мусақулов, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмонов, О.Мадаев, Ш.Турдимов, этнограф-ботаник И.С.Сагитов, Т.А.Жданко, Л.Р.Задихина, А.Ходзико, Б.А.Карриев, П.Н.Баратов, Ш.Элчин, Соим Сока ўғли, Ф.Туркман, И.Ўзкан, О.Ўғуз, М.Экичи, Ҳ.Тамхасиб, М.Сейидов, Х.Корогли, А.Маргулон, К.Райхл, Ж.Эшонқулов, Ш.Орифий, Т.Турдиев, Ҳ.Оқбўтаев, Қ.Мамашуқуров, Р.Мустафоқулов, М.Олломурад, Н.Тўраев, С.Қурбонова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлардан кенг маънода фойдаланилди. Ушбу монографияни яратишда ва тааллуқли мавзуларни илмий таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистонда таниқли фольклоршунос олим Академик Т.Мирзаевнинг бевосита илмий тадқиқотлардан, ўзбек дostonчилиги, унинг маънавий тарбиявий аҳамияти борасидаги илмий ишлари натижалардан ҳамда таниқли фольклоршунос М.Афзалов, М.Саидов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, А.Эргашев, Т.Турдиев, Ж.Эшонқулов, Р.Мустафоқулов ва Ф.Маматқуловларнинг ижодий ишларидан ва илмий тадқиқотлардан унумли фойдаланилди.



Муаллифлар китобхонларнинг фикр-истакларини интизорлик билан кутадилар, билдирилган ҳар бир мулоҳаза, айтилган маслаҳат, билдирилган танқид келгуси нашрларда ҳисобга олинади. Аммо танқиднинг беғараз бўлишини хоҳлаган ҳолда, ҳар бир ишда ҳам кемтиклар бўлиши, маълум камчиликларга йўл қўйилиши табиий эканлиги ва уни тузатиш учун вақт талаб этилишини унутмаслик лозим. Биз бошлаган иш дебоча, бу соҳада келгусида қилинажак ишлар жуда кўп, ўша ишлар бизнинг йўл қўйган айрим камчиликларимизни тузатишлари ва ҳисобга олишлари муқаррар. Ҳали олдинда доvonлар кўп, бу доvonларни босиб ўтиш, забт этиш лозим бўлади, фақат ана шу хайрли ишларнинг амалга ошишига умид боғлаб қоламиз.

## БИРИНЧИ БОБ

### Бахшичилик санъатининг қадим илдизлари ва манзиллари

#### 1.1. Марказий Осиё бахшичилик мактаблари

Сурхондарё ва Қашқадарё мусиқа услуби – ўзбек анъанавий мусиқасининг маҳаллий услубларидан бири бўлиб, мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослигини белгилади. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланаётганлиги сабабли айнан, шу жараёнларга боғлиқ бахшилар томонидан кўйланган халқ кўшиқлари салмоқли ўрин тутди. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган бахшилар томонидан кўйланган “соғим кўшиқлари” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Деҳқончилик билан боғлиқ бахшилар томонидан ижро этилган кўшиқлар эса ер ҳайдаш (“Кўшчи кўшиғи”, “Шох мойлаш”, “Кўш ҳайдаш»), ҳосилни ўриш (“Ўзи”), хирмонда буғдой ёки арпани янчиш (“Маида”), баҳор келиши (“Наврўз” ва бошқалар) пайтларда куйланади. Айниқса, турли йиғин ва тўйларда бахшилар томонидан ижро этилаётган “қарсак” (“бешқарсак”) давра ўйин кўшиқлари машҳур. Анъанавий мусиқа чолғулари эса асосан бахши чўпонлар ижодига хос сибизға, ғажир най, лапарчи аёллар томонидан кенг қўлланиладиган чангқўбиз, бахшиларга жўр бўлган дўмбира (яқин ўтмишда-қўбиз) билан чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ бахши-шоирлар ва дўмбиракаш бахшилар асосий ўрин

тутади. Дўмбирада ижро этилаётган бахши чўпонлар меҳнати билан боғлиқ чолғу куйлар (“Чўпонча”, “Қўйларни судраш”, “Қўйларни йиғиш”, “Чўпонни чақириш” каби), дoston куй (“Бахши куй”) лар кенг тарқалган.

Бахшилар ижодидаги “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби қаҳрамонлик дostonлари ҳамда турли мавзудаги термаларнинг ижросида махсус «ички овоз» услуби қўлланилади. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услубида дostonчиликнинг 2 йирик маркази - Шахрисабз дostonчилик мактаби ва Шеробод дostonчилик мактаби шаклланган. Сўнгги даврларда бошқа маҳаллий мусиқа услубларига хос мусиқий анъаналар (масалан, мақом ижрочилиги санъати) ҳам ёйила бошлаган. Ҳозирда Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби кўпгина фольклор-этнографик ансамбллар (“Шалола”, “Бойсун” ва бошқа), эстрада хонандалари (М. Номозов, С. Қозиева, Ҳ.Раҳимова) ижодига асос бўлмоқда, бахшилар танловлари, 2002 йилдан ўтказиладиган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали орқали жаҳон сахнасига чиқмоқда<sup>5</sup>.

Қозоқ бахшичилиги ва мусиқа санъати. Қозоқ халқи адабиёти халқ оғзаки ижодида бахшичилиги асосида думбира усулида бахшилар томонидан кўшиқ, эртақ, мақол ва матал, қаҳрамонлик ва лирик-эпик дostonлар кенг кўйланган. Қадимги дostonлар ҳисобланган “Эр Тарғин”, “Қамбар батир” ва бошқалар халқ озодлиги, эрки ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари мадҳ этилади. “Қиз жибек”, “Баян Сулув”, “Айман-шолпан” дostonларида қозоқ халқининг эркесварлиги куйланади. Халқ эртақларининг Алдар кўса, Жиренши, Тазша, Аёзбиби каби қаҳрамонларнинг саргузаштлари бахшилар томонидан акс эттирилган эртақлар кенг тарқалган. XV асда Асн Кайси, Сипира, Қазтуған, XVI асда Дўстпамбет, Шалкииз, XVII асда Жиёмбет, Марғаска Жиров, Ақтамберди, XVIII асда Тетикора, Буқар каби

---

<sup>5</sup> Кароматов Ф., О локальных стилях узбекской народной музыки, М., 1964. ЎЗМЭ 2004 й 8 том 162-бет

оқин (жиров) лар ўз дostonлари билан машхур бўлдилар. XVIII-XIX асрларда козoқ маданияти, жумладан, козoқ бахшичилик адабиёти тараққиётида янги давр бошланди. Жанoқ Соғиндиқ ўғли, Мурат Мўнке ўғли, Абу Бакир Шўқон ўғли ва бошқаларлар тараққийпарвар халқ оқинларининг асарлари пайдо бўлди. Бу даврда этнограф ва фольклоршунос Ч. Валихонов адабиётда маърифатпарварлик ғояларини ёйди. XIX асрнинг 2-ярмида танқидий реализм адабиёти - қоғоз ёзма бадиий адабиёт ривожланди. Унинг асосчиси, шунингдек, миллий адабий тилнинг яратувчиси Абай Қўнонбоев бўлди. И. Олтинсарин маърифатпарварлик ғояларини яратди ва рус графиги асосида козoқ алфавитини ишлаб чиқди. XX асрда ёзувчилардан С. Кубаев, С. Тўрайғиров, С. Дунетаев, М. Сералин, С. Кулеев, Т. Жўмартбоев ва бошқаларлар маърифатчи-демократларнинг реалистик аъаналарини давом эттирдилар. XX асрнинг 20 - йилларида козoқ адабиётида Сакен Сайфуллин етакчи ўрин эгаллади. Бу даврда шеърият йўналишида Жамбул Жабаев, Н. Байгагин, Н. Байзаков, Т. Жарoков, А. Тожибоев, Ғ. Ўрмонов, А. Тоқмағамбетов ва бошқаларлар ва наср йўналишида М. Авезов, С. Муқонов, Ғ. Мусрепов, Ғ. Мустафин ва бошқаларларнинг ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қозoқ оила ва аймақларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи, яъни асосан, ярим кўчманчи чорвачилик ва кўчманчилик, козoқ халқи дуёқараш ва эътиқодлари акс этган шомонлик, тангричилик ва бошқалар асосида ривож топган. Анъанавий мусиқа амалиётида козoқ бақси, яъни шомон-бахши, темеши, оленши, жирoв, оқин, куйчилар анча халқ ўртасида шуҳрат топди. XVIII асрдан салсерэ (Сайёр ижодий гуруҳлари ташкил этган профессионал созанда, хонанда) ларнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир бақсининг ўзи ижод этган шахсий сарин (куй) лари илоҳий ҳисобланган, одамлар руҳига афсун-жоду, фол очиш, табобат ва бошқалар маросимлар жараёнида катта таъсир ўтказган. Халқ кўшиқлари мавсум ва диний (“тасаттиқ”, “навриз-олен”, “жарамазан”, “сахар-олен”), табобат (бадик, “арбау”), оилавий маросим кўшиқлари (“жар-жар”, “синсу”, “бет

ошар”, “танису”, “қоштасув”, “жоқтау” ва бошқаларлар), инсон ҳаёти туркумига оид “бесик жири”, “тусау кесу”, “жубату” “жиирма бес” ва бошқаларлар, терма, ўлан, жирлардан иборат. Халқ мусиқа чолғуси ҳисобланган кўбиз, чўпонлар ҳамда профессионал созандалар (Сармалай ва бошқаларлар) томонидан кенг қўлланилган сибизға оммалашган. Халқнинг энг севимли чолғуси бўлган дўмбирада турли мазмундаги (ўйноқи “акжелен”, фалсафий “талғау”, драматик “қосбасар”, лирик “қонир” ва бошқалар) куйларни Биржан-сал, Даулеткерей, Таттимбет, Жаяу-Муса, Қурмонғози, Дина Нурпеисова каби созанда ва бастакорлар ижро этган. Қозоқларда шунингдек, чангкўбиз, яқин ўтмишда шертер, жетиген (чорли чертма), карнай, довул каби чолғулар тарқалган.

**1930 йилларда янги (кўп овозли) мусиқа шакли ва жаранглари ривож топа бошлади. 1934-йил қозоқ халқ чолғулари оркестри ( 1944 йилдан Қормонғози номида), қозоқ мусиқали театри (1937 йилдан опера ва балет театри), 1935 йил Жамбул номидаги қозоқ давлат филармонияси, 1939 йил Қозоғистон композиторлар уюшмаси ташкил топди. Е. Брусиловский биринчи қозоқ операторларини (“Қиз-Жибек”, 1934 йилдан, “Жалбир”, 1935 йилдан, “Эр Тарғин”, 1937 йилдан), симфоник асарлар (“Сари арка” 3 – симфонияси, 1944 йил ва бошқалар), кантата (“Қозоғистон”, 1947 йилдан), В. Веленканов биринчи миллий балет (“Калкаман ва мамир”, 1938 йилдан) ларни яратишган. “Жолдастар” (Р. Елебаев), “Қозоқ вальси” (Л. Хамиди) каби оммавий кўшиқлар ижод этилган. 1944 йил Олмаотада консерватория очилди. Халқ мусиқа ижодини ўрганиш ва тўплаш ишларида А. Затаевичнинг хизматлари (“Қозоқ халқининг 100 куйлари», 1925 йилдан бошланган “Қозоқ халқининг 500 куйлари”, 1931 йил) катта. XX асрнинг 2-ярмида симфония (М. Тўлабоев, К. Кужамьяров, Г. Жубанова ва бошқалар), опера ва балет (С. Мухаммеджонов. Г. Жубанова, Е. Раҳмадиев, А. Серкебаев ва бошқалар), камер мусиқа (Брусиловский, Жубанова ва бошқалар), кўшиқ (Н. Тлендиев) ва бошқалар жанрлар ривож топди.**

**Туркман бахшичилик ва мусиқа санъати.** Туркман халқининг бахшичилик санъати жуда қадимий бўлиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида яшаётган туркманлар томонидан кўйлаб келинаётган Ўрта Осиё халқларининг қадимий муштарак асарлари бўлмиш “Шоҳсанам-Ғариб”, “Саёт ва Ҳамро”, “Гўрўғли”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо” каби дostonларнинг туркман вариантлари кенг тарқалган. XVIII асрда туркман шоирлари назм тилини халқ тилига яқинлаштирдилар. Махтумкули адабиётга бахшичилик санъатининг янги йўналишни бошлаб берди. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Озодий (Махтумкулининг отаси), Дурди шоир, Саидий, Зилолий, Мискинқилич, Андалиб, Шайдоий, Ғойибий, Камина туркман адабиёти ривожига катта ҳисса қўшдилар. XIX асрда яшаб ижод этган туркман шоирлари ижодида бахшичиликка оид лирика етакчи жанр бўлди. Асл муҳаббатни мадҳ этувчи “Зухро ва Тоҳир” дostonининг муаллифи Муллонафас туркман адабиётидаги лирика жанрининг ёрқин намояндасидир.

Туркман бахшичилик санъатига хос анъанавий шакллари қадимги эроний элатлар мусиқа ижоди ҳамда турк-ўғиз қабилаларининг мусиқа анъаналари негизида қарор топган. Туркман бахшичилик санъати Парфия пойтахти Нисо, Марғиёна пойтахти Марв, Сарахсдан топилган археологик ёдгорликлари исломгача бўлган мусиқа маданияти (мусиқа чолғулари) ҳақида тасаввур беради. Салжуқийлар давлати даври (XI–XII асрлар) да туркманларнинг мусиқа маданияти раванқ топди. Туркман бахшичилигида кенг кўйланган халқ кўшиқлари орасида деҳқон жамоалари ҳаётига хос мавсум ва маросим кўшиқлари (“Йилан ойни”, “Чемче гелин»” “Химмил”, “Хешелле” ва бошқа), шунингдек, оилавий маросим ва маиший (“Хушрой”, “Эдем-экрем”, “Ўлан”, “Азади»” “Чапак”, “Зикир”, “Хувди”, “Аги”) кўшиқлари, байрам ва сайилларда аёллар ижро этадиган “Ляле”, “Маврике” каби жанрлар кенг ўрин олган. Мусиқа чолғулари орасида қадимги бахшилар томонидан севилиб ишлатилган хизлавук, жулжул, гопуз (чангқўбиз) ҳамда пуфлама *туйдуклар*, доирасимон депрек, дотор ва ғижжаклар мавжуд. Айниқса, туркман бахшилари кенг фойдаланган дотор куйлари (Қирқлар, Салтиқлар, Муқамлар)

шакли мураккаблиги, нолаларга бойлиги билан ажралиб туради. Миллий профессионал мусика йўллари туркман бахши ва созандалар ижодида намоён бўлади. Бахшилар дутор (дутор ва ғижжак, баъзида гарги-туйдуклар) жўрлигида қахрамонлик ва ишқий мавзудаги (“Гўрўғли»” “Нежеб ўғлон”, “Саёт ва Ҳамро” “Шоҳсанам ва Ғариб” каби) дostonларни маҳорат билан, махсус куйлаш усулларида кенг фойдаланиб ижро этадилар.

Сурхон воҳасида аждодларимизнинг урф-одатларини ўзида сақлаб келаётган турли миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Воҳада яшаб келаётган турли миллатлар юрт равнақи, тараққиёти учун бир тану бир жон бўлиб курашиб келмоқдалар. Бир ариқдан сув ичиб, бир далада мол боқиб, тўй-ҳашамларда, халқ сайилларида, мотам маросимларида елкама-елка туриб, ўзларининг қадимий ва ибратли урф-одатларини сақлаб келмоқдалар.

Воҳада яшаб келаётган туркман халқ оғзаки ижоди ҳақида шуни айтиш мумкинки, дoston жанри ва бу жанрни куйлаб ижро қиладиган санъат эгалари бахшилар эканлигини биламиз. Шу нарсани айтиш мумкинки, воҳадаги туркман бахшиларнинг ижро услублари, уларнинг куйлаётган дostonлари ўзгача услубда янграйди, қўлида дутор (дугар) ушлаб куйлайди ва ўзига хос ижрочилик маҳоратига эга. Ўзбек бахшилари дўмбира жўрлигида дoston куйлашади, бу икки асбобнинг фарқли томони шундаки, дўмбирада овозларни ажратадиган соз пардалари йўқ, дуторда эса аксинча бу ҳолат мавжуд. Воҳада туркман бахшиларининг бу санъатни эгаллашида Туркманистондан маҳаллий халқнинг тўй - ҳашамларига ҳизматга келиб-кетиб юрган туркман бахшиларининг санъати мактаб вазифасини ўтаган. Бу ерлик маҳаллий бахшилар ўзларига устоз деб туркманистонлик Мавлонбахши Худойқуловни билишади. Изланишларимиз натижасида шуни билдикки, воҳада дostonчилик ҳақидаги дастлабки маълумотлар рус ориенталисти Е. Ф. Калнинг кундалик дафтарида қайд этилган. У 1890 йилда Термиз яқинидаги Солиҳобод қишлоғига келиб тўхтаганида, айинли уруғидан бўлган Омонназар бахши унга уч соат тўхтовсиз дўмбира жўрлигида дoston куйлаб берган. Е. Ф. Калнинг кундаликларини ўрганган

фольклоршунос олим Х. Зарифов, Омонназар куйлаган дoston “Алпомиш” эканлигини аниқланган<sup>6</sup>.

Бундан ташқари воҳа бўйлаб кўп экспедициялар олиб борилган, чунончи, XX асрнинг бошларига келиб воҳа халқ оғзаки ижодини, хусусан, дostonчиликни дастлабки ўрганаа бошлаган тадқиқотчилардан бири Ҳоди Зариф (1905–1972) эди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим дostonларни ёзиб олди<sup>7</sup>. Термиз туманига қарашли эски Болдир қишлоғида туғилган туркман бахшилари вакилларида ака-ука Чари бахши (1900 йилда туғилган) ва Жеббар бахшилар (1907–1990) ҳақиқий маънода ўз касбининг усталари эдилар. Изланишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, Жеббар бахшининг номи баъзи фольклоршунос олимлар олиб борган тадқиқот ишларида келтириб ўтилган. Жумладан А. Қаҳҳоровнинг “Келиной” туркуми дostonларининг ўзига хос хусусиятлари номли диссертациясида Жеббар бахши номи бир неча бор қайд этиб ўтилган. Илованинг “Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчиларининг шажараси” жадвалида энг пастки қаторда жойлашган. Табло ичига “Жаббор бахши Термиз Навшаҳар қишлоғи” деб ёзилган. Яна бир жадвалда “Саводсиз, саводли, кўп тилли ва кўчманчи шоирлар” деб номланган бўлимда Жеббор бахши саводли шоирлар қаторидан жой олган. Икки воҳа – Сурхондарё ва Қашқадарё халқ шоирларининг дoston айтиш маҳорат даражаси, ижрочилик қобилияти ва ижод этиш истеъдодларига қараб гуруҳлаштирилган жадвалда ҳам Жеббор бахши ижрочи дostonчилар гуруҳидан ўрин олган.

Термизлик Муқим бахши Шахторов (1905–1994) Туркменистоннинг Чоржуй (Ҳозирги Лебаб) вилоятидаги Керки туманининг Халач (Чўғтепа)

---

<sup>6</sup> Зарифов Х. Т. К изучения узбекского народного эпоса. // Вопросы изучения эпоса народов СССР. – М., 1958. – С. 110.

<sup>7</sup> Зарифов Х. Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.



кишлоғида туғилган. 1980 йили Термиз шаҳрининг ҳозирги “Бобур” боғида бахшиларнинг вилоят миқёсидаги кўрик танлови бўлиб ўтади. Муқим бахши Шахторов шу танловда қатнашиб, воҳа бахшилари орасида фахрли биринчи ўринни олишга мушарраф бўлади. Яна бир маҳоратли бахшилардан бири Турдиев Абдурахмон бахши бўлиб, у 1926 йилда Термиз туманининг ҳозирги Паттакесар маҳалласида дунёга келган.

Бу бахшилар “Гөрөгли”, “Шаҳсенам - Ғариб”, “Ашиқ – булбул”, “Зухра - Тахир” ва “Саядли Ҳемра” дostonларини ва Махтумқули, Зеллий, Кемина ва Саидий каби шоирларнинг шеърларини севиб ижро этиб халқ орасида танилганлар. Туркман устоз бахшиларнинг издоши сифатида Деврангелди Ҳайитов бахшичилик билан шуғулланиб катта ҳурматга сазовар бўлди. Бахши Деврангелди Ҳайитов 1954 йилда Термиз туманига қарашли бўлган “Навшаҳар” кишлоғида туғилган. Деврангелди ёшлигидан дutorнинг овозини эшитиб ва бахшичилик сирларидан бохабар бўлиб ўсди. Унга устозлик қилган инсон тоғаси Жеббар бахши эди, Жеббар бахшининг устози эса туркманистонлик Ақмурад Ямғиров бўлган. Деврангелди ёшлигида устози билан кўп давраларда бирга бўлган, устозидан ўрганган дostonларини бугунги кунда ёш бахшилар куйлаб келмоқда. Деврангелди бахшининг севиб ижро қиладан дostonи “Гөрөгли” дostonидир, бу дostonнинг сирасорларини обдан ўрганиб олади. Бу дostonдан ташқари “Саядли Ҳемра”, “Шаҳсенам - Ғариб”, “Ашиқ – булбул”, “Нажаб оғлан” ва “Зухра - Тахир” каби халқ дostonларини, туркман халқ шоирларининг шеърларига ўзгартиришлар киритиб, ўз термалари билан биргаликда куйлаб келмоқда.

**XX аср 20-йилларида бадий бахшичилик санъатининг замонавий услубида кўйланган насрчилик ривожлана бошлади. Шоир ва ёзувчилардан Ёқуб Носирли, Б. Кербобоев, Н. Сарихонов, А. Дурдиев, Х. Деряев, драматурглардан А. Карлиев, Б. Омонов ва бошқа адиблар ҳикоя, қисса, роман ва пьесаларида халқ ҳаёти, қувонч ва ташвишларини ҳаққоний тасвирлашга интилдилар. 1934 йил Туркманистон ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. 1928 йилдан ёзувчиларнинг ойлик адабий-**

бадий журнал нашр этила бошлади. Иккинчи-жаҳон уруши йиллари туркман адиблари боскинчиларга қарши халқ нафратини ифодаловчи назмий ва насрий асарлар яратдилар. Жумладан, Ё. Носирлининг «Лейтенантнинг ўлими», П. Нурбердиевнинг «Ватанпарвар чол» дostonлари, Қ. Сейтлиевнинг шеърлари, Д. Холдурдининг «Оқ халатли киз» дostonи ва бошқа асарларда уруш ва туркман халқининг фронт орқасидаги фидойилиги ўз аксини топган. Урушдан кейинги туркман адабиётида тинчлик учун кураш, одамлар ўртасидаги муносабат асосий мавзу бўлди. 1950 йилларда А. Отажонов, М. Саидов, К. Қурбоннапосов, А. Хаидов ва бошқа адабиётга кириб келдилар. 1960-1970 йиллардан йирик насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллади. Қилич Қулиевнинг «Қора карвон», Беки Сейтоқовнинг «Биродарлар», Х. Деряевнинг «Қисмат» романлари ва бошқа яратидди. Б. Кербобоев, Х. Исмоилов, М. Гарриев, К. Тангриқулиев, А. Боймуродовлар болалар адабиётига қизиқарли асарлари билан ҳисса қўшдилар.

XX асрнинг 2-ярмида бахшичиликнинг йирик насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллаган Б. Худойназаров, А. Қурбонов, О. Оқмамедов, Я. Маметиев, Т. Жумагелдиев ва бошқа адибларнинг романлари босилиб чиқди. А. Муродов, У. Абдуллаев, Ж. Аллаков, Р.Ражабовлар адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида баракали ижод қилдилар. Бошқа халқлар адиблари, жумладан, ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини туркман тилига таржима қилишга катта аҳамият бериб келинди.

Муסיқаси. 1929 йил Ашхободда бадий техникум муסיқа бўлими билан бирга очилди (1935 йилдан муסיқа билим юртига айлантирилган). Илк туркман композиторлари А. Қулиев, В. Мухатов, Д. Овезовлар етишиб чиқди. 1929 йил симфоник оркестр, 1934 йил хор, 1941 йил Опера ва балет театри ташкил этилди. 1941-1945 йилларда «Зухро ва Тоҳир», «Шоҳсанам ва Ғариб» опералари, «Алдар кўса» балети яратидди. Композитор А. Шапошников билан В. Мухатовнинг «Камина ва қози» ҳажвий операси, М.

Равич билан Н. Мухатовнинг «Зўраки табиб» балети, А. Қулиев, А. Шапошников, В. Аҳмедовнинг оркестр учун ёзган концертлари 1950- 1960-йиллардаги туркман мусикасининг ютуғи бўлди. 1970-1980-йилларда туркман мусикаси услубида янги силжиш содир бўлди. Композиторлардан Ч. Нуримов («Гармселнинг ўлими», «Қўхитанг фожиаси» балетлари, симфоник концертлари), Н. Холмамедов (вокал қўшиқлари), А. Агажиков («Сўна» ва «Тахликали тун» опералари, «Феруза» балети), Р. Оллаёров (оратория ва симфониялари) янги ифода усулларидан фойдаландилар. Ч. Ортиқов, Д. Нуриев каби ёш композиторлар ижод қила бошлади. Ижрочилар орасида дирижёр Х. Аллануров, хонандалардан А. Аннақулиева, М. Қулиева, М. Шахбердиева, раққос ва раққосалардан Г. Мусаева, А. Пурсияновлар машхур. Ашхобод ва Тошҳовузда мусикали драма театрлари, Ашхободда Миллий консерватория, Ашхобод, Мари ва Туркманободда мусика ва санъат билим юртлари, турли шаҳарларда мусика мактаблари бор<sup>8</sup>.

**Қирғиз бахшичилик ва мусика санъати.** Қирғиз халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари – эртак, дoston, қўшиқ, ривоятларни ўз ичига олган “Қурманбек”, “Кожожай”, “Эр-Тёштук”, “Жаниш Байиш” ва бошқалар бахшичиликнинг монументал қаҳрамонлик эпоси – “Манас” негизида ривожланган. Шоир Тўктағул Сотилғонов ижоди 1917 йилгача бўлган халқ шеърлятини замонавий бахшичилик шеърлят билан боғловчи ҳалқа бўлди. Барпи Алиқулов (1884–1949) шеърларида ижтимоий адолатсизлик, зулмга қарши норозилик туйғулари ўз ифодасини топди. Тўғалоқ Мулда ўз шеърларида қирғиз аёлларининг турмушини баён этди. Қирғиз миллий бахшичилик ёзма адабиёти асосчиси шоир Аали Тўкумбоев бўлиб, унинг дастлабки бахшичилик услубида ёзилган шеърлари 1924 йил биринчи қирғиз газетасида босиб чиқарилган.

Қирғизларнинг мусикаси бахшичилик кўйларини ўзида ифода этган мусика санъатини асрлар давомида сақлаб келган, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт шароитида ривож топган. Шу боис анъанавий мусикасида

---

<sup>8</sup> ЎзМЭ.4.Том.667 Бет.

ансамбль ҳамда жамоа ижрочилиги шакллари деярли учрамайди, якка хонандалик ва созандалик йўллари асосий ўрин тутди. Халқ кўшиқ (ир) лари маросим (“Қошоқ”– йиғи, “Жарамазан”, “Бешик ири” ва бошқаларлар), меҳнат (“Бекбекей”, “Ширилдан”, “Опмайда”), лирик (“Секетбай”, “Куйген”, “Армон”), ўйин (“Селкенсек”), шунингдек, “Қиздар ири” ва бошқаларлардан иборат. Қирғиш шомон-бахши (бахши, куучу, бюбу, эмчи ва ҳоказо) лар томонидан асун-жоду ва табобат айтимлари ижро этилган. Бошқа туркий халқларда бўлгани каби оқин, манасчи, жомокчу (терма ижрочилари) нинг ижоди кенг тарқалган. Оқинлар насихат (“Улгу ир”, “Санат”), бағишлов (“Арноо”, “Мақтоо”), кутлов (“Кутук тоо”) кўшиқлари, манасчилар “Манас”, “Семетей”, “Сейтек” туркумлари, “Курманбек”, “Кожожаш”, “Кедейхон” каби қахрамонлик дostonларини ижро этади. Мусиқа чолғулари орасида қадимий дилдерек, жекесан, шалдиروق, кўнғиروق, ооз кўмуз (чангкўбиз) каби идиофонлар, пуфлама сибизға, чоор (най), торли қиёқ, кўмуз ва бошқаларлар мавжуд. Айниқса, кўмуз ва бошқалар чолғулардан ижро этиладиган йирик шаклдаги куйлар (“қамбаркан”, “кербез”, “ботой” ва бошқаларлар) оммалашган. Халқ орасида манасчилар Сагимбой Оразбеков, Саякбой Қоралиев, оқинлар Тўракул Сотилғонов, Қалиқ Акиев, Олимкул Усенбоев, ирчилар Атай Огомбаев, Муса Баётов, кўмузчилар Музооке Жаманқариев, Куренкей Белеков, Карамолдо Орозов, Ибрай Туманов, Самарбюбу Тўхтаунова, қиёқчилар Муратали Куренкеев, Саид Бекмуротов ва бошқаларлар машхур.

**1920-йилларда дастлабки драма, қисса, дostonлари яратилган. Қирғиз адабиётидаги биринчи драматик асар М.Тоқобоевнинг (Бечора Какей) пьесаси (1927-йил сахналаштирилган ), биринчи насрий асар К.Бялиновнинг “ажар” ҳикояси (1928 йил) дир. 1930 йилларда адабиётнинг барча жанр ва турлари ривожланди. Т.Сидиқбеков, Қ.Жонтошевларнинг насрий, М.Елибоев, Қ.Маликов, Т.Уметалиев, А.Осмонов, дунган шоири Я.Шивазанинг шеърий Ж.Турсунбеков, Ж.Боконбоевнинг драматик асарлари босилиб чиқди. Иккинчи жаҳон**

уруши йиллари (1939-45) Қирғиз ёзувчилари ватан парварлик руҳида асарлар ёздилар (Ж.Боконбоев, М. Елибоев, А. Тўқунбоев, Қ.Маликов, Т. Сиддиқбеков, К.Баялинов, А.Осмонов, Т.Уметалиев ва бошқаларлар). Қирғиз адабиёти урушдан кейинги йилларда янада ривожланди. Адабиётга янги номлар биринчи қирғиз шоираси Н.Жетикашкаева, адиблар Ч.Айтматов, К.Бобулов, Шаҳри Абдираманов, С. Ералиев ва бошқаларлар кириб келди. Ёзувчилардан Н.Бойтемиров, Ш. Бешиналиев, Т.Қосимбеков ва бошқаларлар, шоирлардан Т.Абилқосимова, Т.Кожомбердиев, О.Султонов, Ж.Абдикаликов, С.Абиқодирова, Р.Рисқулов ва бошқаларлар, драматурглардан Р.Шукурбеков, Т.Абдимўминов ва бошқаларлар машҳур. Қирғиз адибларининг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган<sup>9</sup>.

Анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишлари, асосан, 1920–1930 йилларда бошланган (А. Затаевич, В. Виноградов ва бошқаларлар). Шу даврдан бошлаб миллий композиторлик мактаби ҳам шакллана бошлади, А. Молдебоев, М. Абдраиов, А. Тулеев, А. Омонбоев каби профессионал қирғиз композиторлари етишди

Мусиқали драмалар (“Олтинқиз”, А. Власов, В. Фере, 1937 йил, “Ўлим эмас, ҳаёт”, Власов, Молдибоев, Фере, 1938 йил) нинг сахнага қўйилиши опералар яратилишига йўл очди, балет, симфониялар ижод қилинди. “Манас” эпоси асосида биринчи қирғиз операси (“Ойгўзал”, 1939 йил, Власов, Молдибоев, Фере) яратилди. Власов ва Фере “Анор” (1940), “Арғимчок” 1943 йил биринчи қирғиз балетларини, қирғиз халқ куйлари асосида илк симфоник асарларини (Н. Раков билан) ижод қилишган. Власов, Молдебай, Фереларнинг “Манас” (1946 йил), “Тўқтағул” (1958 йил) ва бошқаларлар. Опералари, А. Омонбоев, С. Л. Германовнинг “Айдар ва Ойша” (1952 йил), А. Абраевнинг “Бўрон олдида” (1974 йил) ва бошқаларлар. Операларда қирғиз халқининг эрк ва бахт учун кураши акс этди. Истедодли ижрочилар етишди.

---

<sup>9</sup> ЎзМЭ. 18 бет

Хонандалардан халқ артистлари С. Кийизбоева, А. Молдебоев, А. Мирзабоев, Минжилкиев, Х. Мухторов, К. Сартбоев, Т. Сейталиев, қирғизистон халқ артистлари К. Чодронов, М. Мустаева, М. Махмутова, директорлардан халқ артистлари А. Жумахматов, К. Мулдабасан ва бошқалар машҳур опера ва балет театр (1942 йил), филармония (1936 йил), Қирғизистон радио ва телевидениясининг катта симфоник оркестри (1970 йил), Миллий консерватория (1993 йил), Санъат институти (1967 йил), Бишкек ва Ўшда мусиқа билим юртлири, юзга яқин мусиқа мактаби, халқ ижоди маркази мавжуд. 1939 йилда Қирғизистон композиторлар уюшмаси ташкил топган. Мўлда Басановнинг “Момо ер” балет оратореяси (1975 йил), Омонбоевнинг “Бўйдоқлар” (1961), Н. Давлесовнинг “Эҳтиёд бўлинг, келин” (1970 йил) ва бошқаларлар мусиқали драмалари, Тулеев, А. Жонибеков, Э.Жўмабоевнинг симфониялари замонавий қирғиз мусиқаси ютуғи бўлди<sup>10</sup>.

**Қорақалпоқ бахшичилиги ва мусиқа санъати.** Қадимги ва бой тарихга эга қорақалпоқ фольклорининг асосини бахшичилиги санъатига доир лирик ва эпик асарларнинг барча турлари ташкил этади. Лирик жанр асарларига халқ достонлари, термалар, маталлар ва маросим кўшиқлари ҳисобланган ёр-ёр, хаужар, жўқлов, ярамазон, гулапсан, бадик ва бошқалар, шунингдек, бахшичилиги йўналишига айтис (айтишув, кўшиқ-беллашувлар), матал ва мақоллар, масаллар, тез айтиш; эпик жанр асарларига эртак, тўлгов, терма, достонлар кирди. Достонлар қорақалпоқ фольклорининг асосий жанри бўлиб, тўрт тур (қаҳрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, тарихий достонлар) га бўлинади. Қорақалпоқларда кенг тарқалган достон “Алпамис” достони, шу каби “Едиге”, “Қублон”, “Қирқ қиз” машҳур достонлари кўйланиб келинмоқда.

Қорақалпоқ мумтоз бахшичилиги адабиётининг йирик намояндаси шоир Жиен Жировнинг (Тоғай ўғли 1730–1784) фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг “Улуғ тоғ”, “Пўсган ел” достонларида қорақалпоқларнинг

---

<sup>10</sup> ЎзМЭ.19.Бет.

Хоразмга кўчиб келиш тарихини куйлаган. Қорақалпоқларнинг Туркистондан кўчиб келишига шоирнинг яна бир “Хуш бўлинг, дўстлар” номли ажойиб бахшиёна шеъри бағишланган. Яна бир шоир Кунхўжанинг бахшичиллика хос шеърларида ўзи яшаган даврдаги халқ ҳаётини тасвирланади. Ажиниязнинг ижоди XIX асрда ижод қилган қорақалпоқ шоирлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг асарлари алоҳида тўпламлар сифатида қорақалпоқ, ўзбек, козоқ ва рус тилларида чоп этилган. Бердақ (Қарғабой ўғли (1827–1900) шоирнинг бахшичилик йўналишдаги лирик, сатирик, дидактик шеърлари, тарихий достон (“Айдос бий”, “Амонгелди”, “Эрназар бий”) лари диққатга сазовор. Шунингдек, Отеш Алшинбай ўғли (1828–1902), Қулмурот Қурбон ўғли (1845–1926), Қурбонбой Тожибоев (1876–1958), Омар Сугиримбет ўғли ва бошқа шоирларнинг шеър, достон ва турли асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Қурбонбой Тожибоевдан илк бор “Қирқ қиз” достони 1940 йили фольклорист А.Бегимов томонидан тўлиқ ёзиб олинади ва кейинги йиллар нашр этилади<sup>11</sup>. Машҳур “Қирқ қиз” достонининг дастлабки куйловчиларидан бири сифатида жиров Жиен Тоғай ўғли тан олинади. Достонда қорақалпоқ халқининг чет эл босқинчиларига (қалмоқ хони Суртайшо ва Эрон ҳукмрони Нодиршоҳ, умуман, қизилбошлилар) қарши кураши акс эттирилади, жангларда Гулойим бошлиқ қирқ қиз ва Хоразм баҳодирини Арслон чексиз қаҳрамонлик намуналарини намойиш этадилар. Қурбонбой жиров Қорқалғистоннинг Тўрткўл туманида яшаб ўтган, ёшлик онлари у даврининг кўзга кўринган бахшиси Холмурот (вафоти 1902) дан достон айтиш сирларини ва қисман мусиқа чалиш машқларини ўрганади. Қорқалпоқ жирови Холмурот Нурота (Самарқанд вилояти) да яшаган ва шу ерда умргузаронлик қилиб, маҳаллий бахшилар билан борди-келди қилиб турган. Бу шуни англатадики, демак Тўрткўл ва Нурота жиров ҳамда бахшиларининг достончилик анъаналари бир бешикда вояга етиб, бир

---

<sup>11</sup> Қирқ қыз. Қарақалпақ халқининг қаҳраманликдасътанани. Со слов Курбанбая жрау записал и подготовил к печати А.Бегимов. Издание второе, исправленное. – Нукус: Каракалпақгосиздат, 1956.

булоқдан баҳра олган. Икки ўртадаги ушбу хил алоқалар табиийки, кейинги давр дostonчилиги мактабларининг камолотига ўз таъсирини ўтказган, оқибатда муштарак дostonчилик анъаналари ривож топа борган.

XX аср бошларида қорақалпоқ адабиётида бахшичилик тааллуқли шеърят етакчилиги қилди. Ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётининг асосчилари А. Мусаев, С. Мажитов, К. Аvezов, К. Ёрманов, И. Фозилов, Н. Довқораев, А. Бегимов, Ж. Аимурзаев, Д. Назберганов, М. Дарибаев, А. Шомуратов, С. Қурбонниёзов ва бошқаларнинг ижодида маданият ва маърифат, таълим, меҳнат, табиат, халқлар дўстлиги, аёллар тенглиги ва бошқалар умуминсоний масалалар асосий мавзулардан бўлди. XX асрнинг 20–40-йилларидаги қорақалпоқ адабиётида Қози Маулик Бекмуҳаммад ўғли (1885-1950 йиллар), А. Дабилов, С. Нурибетовлар ижодида халқ дostonчилиги ва бахшичилик оғзаки ижодининг бой анъанавий мероси кенг тасвирланган.

Қорақолпоғистон мусиқа маданияти узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунда бой мусиқий фольклор, оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа ва, шунингдек, XX асрда ривож топган композиторлик ижодиёти намуналарига эгадир. Мусиқий фольклор шакллари асосини бахши кўшиқлари ташкил этади. Халқ маросимлари билан боғлиқ бир қанча жанрлар, яъни бахшилар томонидан айтиб келинаётган мавсум маросим кўшиқлардан “Айдар-айдар” шамолни чақириш, диний маросим “Ярамазан”, оилавий маросим ва маиший кўшиқлардан “Яр-яр”, “Ҳеужар”, “Ўлен”, “Синсиу”, “Жоқлау” ва бошқаларнинг энг қадимги қатламини ташкил этади. Бадиий мазмунига кўра халқ бахшилари кўшиқлари ишқий-лирик, тарихий, маросим, аёллар (қизлар), болалар кўшиқларидан иборат. Уларнинг аксарияти диатоник ладларга асосланиб, оҳанглари мелизматик безакларга бой, куйчанлик хусусиятларга эга. Қорақалпоқларда исломдан олдинги маданият ҳисобланувчи руҳларни чақириш, улар ёрдамида беморларни даволаш учун порхан (парихон) лар томонидан ижро этилган “Бадик”, “Гулапсан” сингари айтимлар ҳам сақланиб



колган. Фольклор мусиқасида аёллар (қизлар) нинг чангқўбиз мусиқаси, йигит-қизларнинг театрлашган ўйин-қўшиқлари, лапарлари (“Яғлы бахар”) мавжуд.

Қорақалпоқларнинг оғзаки анъанадаги профессионал мусиқасининг марказий қисмини дoston мусиқаси эгаллайди. Қорақалпоқ дoston ижрочилари 3 турга бўлинади: жировлар, бахшилар ва қиссахонлар, уларнинг хар бири ўзига хос маълум ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келган. Шунингдек, улар бир-биридан репертуаридаги дostonлар мазмуни, ижро услуби, дostonнинг махсус айтимлари ҳамда мусиқий чолғу жўрнавoзлиги жиҳатидан фарқ қилади. Жировлар фаолияти анъанавий ижоднинг энг қадимги катламига мансуб бўлиб, қахрамонлик дostonларни (“Қоблан”, “Шаръяр”, “Едиге”, “Алпамис”, “Маспатша”), тарихий тўлғовларни ички овозда қўбиз жўрлигида ижро этади. Бахши (бакси) лар ишқий-лирик ва қахрамонлик дostonларни (“Юсуф-Зулайха”, “Зауре-Тайир”, “Юсуф-Аҳмет”, “Тўрўғли”) ҳамда мумтоз шеърят асарларини очик овозда, дутор ва ғижжак жўрлигида (гоҳида бўламон ҳам қўшилади) ижро этишади. Куйлар мураккаблиги, ифода воситалар бойлиги билан жировдан фарқ қилади. Қиссахонлар кўпинча саводхон шахслар бўлиб, халқ йиғинларида дoston кўлёмаларини ўқиб ёки ёддан айтиб беришади. Улар шеърларни фақат ўзига хос, нутқ интонациясига яқин айтим куй (нама) ларга солиб, мусиқий чолғу жўрлигисиз очик овозда ижро этишади.

**Ғижжак (гиржек) ва бўламондан ташқари чангқўбиз, қамиш сурнай ва болалар хуштаги (“искирауик”) киради. Ўтмишда қорақалпоқларда чиндовул, сурнай, карнай, ноғора, дап (доира) каби чолғуларнинг мавжудлиги ҳақида қахрамонлик дostonларида маълумотлар сақланган. Булардан қўбиз ва дутор кенг тарқалган, уларда моҳир созандалар томонидан қорақалпоқ мумтоз чолғу куйлари чалинади. Айниқса, дутор куйлари орасида “Мухаллес”, “Налиш” каби туркумий куйлар шаклан мураккаб ва ифода воситаларининг бойлиги билан ажралиб туради. Қорақалпоқ халқ анъанавий мусиқа ривожланишига XX асрда Нурабулло жиров, Ерпўлат жиров, Хўқиз**

жиров, Жумабой жиров, Қиёс бахши Ҳайратдинов, Жапақ бахши Шомуротов, Есжан бахши Қоспўлатов, Кенжабой бахши Тилевмуротов, Қорақалпоғистон халқ артисти Т.Қурбонов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

1960–1980 йиллар қорақалпоқ драматургиясида П.Тўлегеновнинг «Оналар», «Кўланка», «Инсон тақдири», Ж. Аймурзаевнинг «Бердақ», «Қадрдон доктор», С.Хожаниёзовнинг «Суймаганга суйканма», «Аҳмоқ подшо», Т. Сейтжонов, И. Юсуповнинг пьесалари (А.Шамуратов билан биргаликдаги) муҳим аҳамият касб этади. Шу даврда лирик-эпик шеърят мазмуни ва мавзуси, унинг жанр жиҳатдан ўзига хослиги ривожланди ва бойиди. Ҳозирги замон қорақалпоқ шеърятини ғоявий-мавзули бадий-эстетик жиҳатдан бойитишга И.Юсупов салмоқли ҳисса қўшди. 1980 йилларнинг иккинчи-ярмида К.Мамбетовнинг «Хуждан», О.Абдурахмоновнинг «Бўсаға», А.Оттепбергеновнинг «Дўзах ичида», К.Раҳмоновнинг «Оқибат», Шаҳри Сейтовнинг «Халқобод» романлари яратилди. Шеърятга ўз овозига эга бўлган К.Каримов, К.Реймов, Н.Торешова, М.Жуманазарова, О.Сейтаев, О.Сатбаев, Ж.Хўшниёзов, Х.Даулетназаров, Ж.Избосканов, Х.Айимбетов каби истеъдодли ижодкорлар келиб қўшилди.

XX асрнинг иккинчи-чорагидан бошлаб миллий композиторлик ижодиёти шакллана бошлади. Мусиқали драмалар, кичик симфоник асарлар, хорлар, камер асарлар ва ҳоказолар ёзилди. Бу соҳага Жапақ бахши Шомуротов ва О. Ҳалимов салмоқли ҳисса қўшдилар. 1970-1990 йилларга келиб опера, оратория, симфония, концерт, соната каби йирик жанрлардаги асарларнинг илк тажрибалари пайдо бўлди: Н. Муҳаммеддиқовнинг «Ажинияз» операси (1974 йил), «Биринчи қорақалпоқ симфонияси» (1971 йил), биринчи миллий балети «Ойжамол» (1996 йил), Ғ. Демесиновнинг 2 симфонияси, фортепиано ва оркестр учун концертлари ва бошқалар О.Шомуротова, Г.Шеразиева, Р. Сеитов,

**С.Мамбетова, О.Отамуротова, И.Рафиқова, Д.Каипов ва бошқалар замонавий мусиқа маданиятига салмоқли хисса қўшдилар. Республиканинг маданий ҳаётида симфоник оркестр, катта хор жамоаси ва балет труппаси фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Бердақ номидаги филармония (1946 йил), Қорақалпоқ давлат телерадиоқўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестри, «Айқулаш» ашула ва рақс ансамбли, «Мухаллес» дуторчилар ансамбли ва бошқалар мусиқий жамоалар фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон оммавий (эстрада) мусиқаси соҳасида «Ўйнасин» вокал чолғу ансамбли, «Гулзор», «Саубет», «Мийрас», «Жигитлар» гуруҳлари, З.Хўжаназарова (1961-1992 йил), Р.Кутекеева, М.Сапаева, Д. Мамбетмуратов, Г.Мунтеева, М.Отамуродов, Г.Оллабергенова каби эстрада хонандалари машхур. Мусиқий билим соҳасида болалар мусиқа мактаблари, Нукусда мусиқа коллежи, маданият коллежи, олий ўқув юртлари (Нукус университети ва бошқалар)да мусиқий кафедралар фаолият кўрсатмоқда<sup>12</sup>.**

**Тожик бахшичилик ва мусиқа санъати.** Тожик халқининг адабиёти ва маданияти жуда қадимий ва бой тарихга эга. Тожик ёзма адабиётининг манбалари ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё худудида яратилган қадимий халқ оғзаки бахшичилик ижодидан бошланади. IX–XV асрларда форсий (дарий) тилидаги мумтоз адабиёт тожик ва форсий халқлар тарихий-маданий тараққиётининг ҳосиласи эди. Тожик дostonчилик адабиёти ва мактаби бир неча даврни ўз ичига олади: Биринчи давр – форслар, дарийлар ва тожиклар учун умумий бўлган форс тилидаги IX–XV асрлар адабиёти; Иккинчи давр - асосан, Ўрта Осиё худудида XVI–XIX асрнинг 1-ярмида мавжуд бўлган тожик адабиётини; Учинчи давр – XIX асрнинг 2-ярмидан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган тожик адабиётини; Тўртинчи давр – XX асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача бўлган тожик адабиётини ўз ичига олади.

IX–X асрларда форс-тожик тилидаги бахшичилик дoston билан боғлиқ адабиёт, айниқса, тез ривожланди, шу сабабли бу давр ҳақли равишда

---

<sup>12</sup> ЎзМЭ.98-99 Бетлар.

тожик мумтоз шеърятининг “олтин асри” ҳисобланади. Сомоний (875–1005) лар давлатининг маркази Бухорода форс тилидаги шеърят асосчиси Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий Самарқандий (858–940) ижод қилди. Шеърӣ, насрий, фалсафӣ-таълимий асарларда қадимий халқ анъаналари ва қаҳрамонлик воқеалари, адолатли шохлар қиёфалари қаламга олина бошлади. Абу Шукур Балхий, Абулҳасан Кисоӣ, Дақиқий (929–977) ижодларида инсопарварлик ва адолат ғоялари тарғиб қилиниб, зулму зулмат қораланди. X аср охири ва XI аср бошларида форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий Тусий (934–1020) ўзининг ўлмас “Шохнома”сини яратди. X аср охирида Эрон ва Ўрта Осиёга суфийлик – тасаввуф ғоялари кириб келиб, шу асосда диний-фалсафӣ таълимотлар, жумладан, исмоилийлар оқимининг адабиётга таъсири кучайди. Исмоилийларнинг ғоялари шоир ва мутафаккир Носир Хисрав (1004-1088) ижодида ўз аксини топди.

XIII аср бошларида мўғуллар босқини адабий ва фалсафӣ ғояларнинг ривожига икки аср давомида катта зарба берган бўлсада, Ҳиндистоннинг шимолий (Хусрав Дехлавий 1253–1325), Эроннинг жанубий (Саъдий ва унинг замондошлари), Кичик Осиё (Жалолиддин Румий 1207–1273) да форс-тожик тилидаги адабиёт ривожини давом этди. XV асрга келиб Ўрта Осиёда адабий-фалсафӣ ҳаёт аста-секин тиклана борди, Ҳирот маданий ва адабий ҳаёт марказига айланди. Бу ерда, айниқса, темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида атоқли шоир ва адиблар тўпланган эди. Адабий ҳаракат бошида форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва ўзбек шоири Алишер Навоӣ (1441–1501) турар эдилар.

Тожик халқ оғзаки ижодида ҳам “Тўрўғли” ва “Алпомиш” дostonларининг айрим шакллари ҳамда кўринишлари учрайди, масалан таниқли шарқшунос И.С.Брагинский (1905–1989) “Тўрўғли” дostonини Қурбон Сафар номли тожик бахшисидан 1933–35 йиллар ёзиб олади. И.С.Брагинский бу дostonни Данғара (эски номи Оқсу, собиқ Кўлоб вилояти) тумани далаларида бўғдой ўрими қизгин паллалар ўроқчиларнинг тунги дам олиш пайтида ёзиб олади. Бахши дostonни бўғдой ўримида атроф

кишлоқлардан ёрдамга келган ўроқчилар қуршовида кўлида дўмбира билан куйлайди. Достон шунингдек, куйидаги бахшилар Қурбон Жалил (1940 – 41), Бобоюнус Худойдодзода (1942 – 43), Ҳикмат Ризо (1945), Одина Шакар (1949), Қурбонали Ражаб (1961), Ҳақназар Кабуд (1962), Талбий Замир (1962) лардан ҳам турли даврларда ёзиб олинади. Шулардан Қурбон Жалил (1941), Қурбонали Ражаб (1962–63), Ҳақназар Кабуд (Ҳақназаров, 1976) лардан иншо этилган достонлар нашр этилган. Ҳалати томони шундаки, ана шу гўрўғлихонлар ёки гўрўғлигўйлар рўйхатида, нечундир достоннинг биринчи куйловчиси Қурбон Сафар номи кўринмайди, тўғрироғи кўрсатилмайди.

Чимган тоғлари этагидаги Бурчмулла қишлоғида яшаган эртақчи Карим Розикдан 1915 йили тожик тилида “Херс полвон” (“Айиқ полвон”) деган эртақ ёзиб олинади. Эртақда афсонавий Чамбул шоҳлиги, шоҳнинг қирқ баҳодир ва шоҳ юртига Херс полвон ҳамда парилардек чиройли хотини ташриф буюриши ҳикоя қилинади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу нечоғлик тўғри ёки нотўғри эканини билмадик, шу эртақнинг ғояси тожик “Гўрўғли” достонининг асосини ташкил этар экан. Бундан ташқари “Гўрўғли” туркум достонларининг, умуман, тожик халқ оғзаки ижодининг тадқиқоти тарихи XIX асрнинг сўнгги чорагида, яъни хийла илгари бошланган эди. “Искандаркўл экспедицияси кундаликларида” (1870) қайд этилишича, Шарқий Бухоронинг тоғли туманларидан юқори Зарафшон ҳудудлари (Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi арафаси) да олиб борилган (генерал-майор А.К.Абрамов экспедицияси) ҳарбий кузатувлар дафтарида Гўрўғли ҳақидаги бир қўшиқ ёзиб олинган. Гўрўғли ҳақидаги бу қўшиқ маҳаллий аҳоли вакили Варзиминорда яшовчи Мулло Бобобойдан ёзиб олинади, ёзувни таржимон Абдурахмон Мустажир амалга оширади. Энг қизиғи эса ўша ёзиб олинган матн ўзбек тилида экан, бу “Гўрўғли” ҳақидаги достон сюжетларининг тожиклар яшаётган ҳудудларга кириб боришининг илк қадамлари эди. Демак тоғли Варзиминор тожик деҳқонлари ўша ҳудудларда ўзбек чўпонлари билан тез-тез учрашиб турганлар, бу дегани ҳар бир чўпон кўлида дўмбира бўлиб, у ўзи билганча достонлардан қўшиқ хиргойи қилган.

“Алпомиш” достонининг тожикча шакллариининг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд, унинг биттаси назмда, бошқа биттаси насрда айтилган, лекин анча ихчам ва мухтасар. Эътиборлиси тожик халқ эртаклари орасида шеърый йўлда айтилган эртаklar учраб туриши одатий ҳол, муҳими тожик “Алпомиш” эртаги ўзбек эпосининг бевосита таъсирида вужудга келгани аниқ. “Алпомиш”нинг тожик тилидаги эртаги қисқа бўлиб, унинг воқеалар тизими ҳам лўнда ва тушунарли, Алпомиш зиндондан туриб, севгилиси Барчинга куш (каптар) лар воситасида мактублар жўнатиб туради. Худди шу хил алоқаларнинг пайдо бўлишининг ўзи кифоядек туюла-да, бу хил хайрли ишни давом эттириб, изланишлар кўламини кенгайтириш янада муҳим натижалар бериши муқаррар.

Бахшичилик саънатига оид анъанавий мусиқа маданияти бой ва хилма-хил, у бир неча маҳаллий бахшичилик услубдан ташкил топган. Суғд вилоятида азалдан ёнма-ён яшаб келган ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа анъаналари ўзаро қоришиб кетган. Иккала қардош халқ бахшичилик мусиқа ижодида меҳнат, маиший ва маросим кўшиқлари (“Майда”, “Ёр-ёр”, “Нақш” “Алла”, “Бойчечак”, “Садр”, ”Марсия” каби), лирик кўшиқлар (“Мухаммас”. “Байт” ва б.), лапарлар, бастакорлар ашула ва куйлари (Содирхон ҳофиз Бобошарифов ва б.), халқ ва профессионал созлардан дутор, ғижжак, чанг, най, сурнай, кўшнайн, доира ва бошқалар асосий ўрин тутади. Хатлон вилоятида “Фалак” (“Фалаки”) кўшиқ туркумлари лирик-фалсафий мазмундаги форсча шеърларга яққохон хонанда томонидан соз жўрлигида айтилади. Шу ерда яшаётган ўзбек (лақай) ларнинг бахшичиликка хос мусиқа анъаналари Ўзбекистоннинг Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услубига яқин достон ва терма жанрлар; дўмбира, чангқўнғиз, чўпон най ихрочилиги ва ҳоказолар. Тоғли Бадахшон вилоятида истиқомат қилаётган ванчлик, язгулемлик, рушонликлар каби элатларда ўйин кўшиқ ва куйлари (“Аспакбози”, “Рупцак базай” каби), мусиқий томоша (“Бобо сафар” “Мўғулбози”), “Дехқоннома” каби меҳнат кўшиқлари, “Чорбайтҳо”, “Ғазалҳо” каби лирик кўшиқлар, аёллар ижодида – “Булбулак”, “Даргилак” каби лирик

айтимлар ,чолғулардан эса сўрнак (чўпон най), ванч дутори, помир рубоби, баландзиком ва бошқалар машхур. Мумтоз мусика (мақом, ашула йўллари, чолғу куйлар) асосан шаҳар (Хўжанд ва бошқа) ларда шаклланган. XX аср ўрталаридан Фарғона-Тошкент мақом йўллари билан бирга Бухоро Шашмақоми ижрочилиги ҳам ривож топишига ўз хиссасини қўшган Ф. Шаҳобов, Ш. Соҳибов, Б. Файзуллаев ва бошқаларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эгадир.

**XVI асрдан тожик адабиёти форс тилидаги адабиётларнинг умумий оқимидан ажралиб, мустақил ривожланди. XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошларида тожик адабиётида маърифатпарварлик оқими вужудга келди. Бу оқимнинг асосчиси тожик ва ўзбек халқларининг мутафаккири Аҳмад Дониш эди. Шоир ва ёзувчилардан Раҳматулло Возех, Шамсиддин Шохин (1859-1893), Муҳаммад Ҳайрат (1878-1902 йиллар) ғоявий жиҳатдан Аҳмад Донишга яқин эдилар. Тожик маърифатчилик адабиётида янги жанрлар (реалистик ҳикоя, фалсафий-романтик қисса ва бошқа) пайдо бўлди, адабий тил халқ тилига яқинлаша бошлади. XX асрнинг бошларида Садриддин Айний, Тошхўжа Асирий, Сирож Ҳаким каби ёзувчилар маърифатчилик адабиёти анъаналарини давом эттирибгина қолмасдан, адабиётни халқ ҳаётига яқинлаштиришда катта ишлар қилдилар. 1920-1930 йилларнинг бошларида Абулқосим Лоҳутий ижоди муҳим ўрин эгаллади. Бу даврда С. Айний «Одина» (1924 йил), «Дохунда» (1930 йил) каби насрий асарларини яратди. 1930 йиллар бошида адабиётга Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий, Абдусалом Дехотий, Раҳим Жалил, Ҳаким Карим, Мирсаид Миршакар, Сотим Улуғзода ва бошқалар кириб келди. Иккинчи-жаҳон уруши йилларида тожик адабиёти ҳам бутун кучини фашизмга қарши курашга қаратди. Урушдан кейинги йилларда М. Турсунзоданинг «Ҳиндистон қиссаси» шеърий мажмуаси (1947-1948 йиллар), «Ҳасан аравакаш» (1954 йиллар), «Осиё садоси» (1956 йиллар), «Жонгинам» (1960 йиллар), «Гангадан Кремлгача» (1970 йиллар) дostonлари, Мирсаид Миршакарнинг**

«Жиловланмаган Панж» (1949 йил), «Тоғлик қизнинг ишқи» (1961-1962 йиллар), «Муҳаббатнинг варақлари» (1975 йил) тўпламлари ва «Ватан фарзандлари» пьесаси, Фотех Ниёзийнинг «Вафо» (2 қисмдан иборат. 1949-1958 йиллар), «Қуролсиз сарбозлар» (1985 йил). Сотим Улуғзоданинг «Янгиланган ер». Раҳим Жалилнинг «Шўроб» романлари нашр этилди. 1980-1990 йиллар адабиётга ёзувчи ва шоирларнинг янги авлоди кириб келди. Бу даврда Мўмин Қаноатнинг «Сино бешиги» (1980 йил), «Оловли муҳаббат» (1985 йил) достонлари, Лоик Шератининг «Оқ кун» (1984 йил), «Дил уйи» (1986 йил), «Офтобборон» (1988 йил), «Мозор тоши» (1996 йил) шеърий тўпламлари. Бозор Собирнинг «Тун киприги» (1981 йил). «Офтобнихол» (1982 йил), «Татиб, туйиб» (1987 йил) шеърий мажмуалари, Гулназар Келдиевнинг «Лангар» (1984 йил), «Дарё ўзани» (1986 йил), Гулрухсор Сафиевнинг «Ихлос» (1980 йил), «Суғд алангаси» (1981 йил), «Бохтар руҳи» (1987 йил) шеърий тўпламлари ва «Сабзабахор аёллари» романи (1991 йил) яратилди. 1990 йиллардан кейин адабиётга кириб келган Фарзона, Искандари Хатлоний ва яна кўплаб ёш қаламкашлар тожик адабиётининг ривожига муҳим ўрин тутди.

Тожиккистонда дастлабки мусиқа ўқув юртлари 1929 йил Хўжандда, 1934 йил Душанбада ташкил этилиб, 1939 йилда биринчи тожик операси «Восе кўзғолони» (композитор С.А. Баласанян) намоиш қилинди. Тожиккистонда Суғд вилоят мусиқали комедия театри, давлат филармонияси, «Гулшан» эстрада ансамбли (1966 йилдан) Борбад номидаги концерт саройи фаолият кўрсатади. Бастакорлардан Аҳмад Бобоқулов, Боймуҳаммад Ниёзов. Маъруфхўжа Баҳодуров, хонандалардан Зафар Нозимов, Ҳанифа Мавлонова, Шохиста Муллажонова, Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Нигина Раупова, Мастона Эргашева, Давлатманд Холов, Далер Назаров, Афзалшо Шодиевларнинг тожик санъатини ривожлантиришдаги ҳиссалари катта.



## 1.2. Ўзбекистонда бахшичилик мактаблари

Халқимизнинг турмуш тарзини юксалишида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти катта бўлиб, асрлар давомида бой маънавий эътиқодга эга мерос тўпланиб, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Халқ оғзаки ижодининг муҳим йўналиши бўлган дostonлар жуда чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилиб келинган ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланган.

Илк дostonлар Юнонистонда пайдо бўлди, уларда афсонавий қаҳрамонларнинг жасорати, худоларнинг каромати ҳақида куйланган. Гомернинг “Илиада”, “Одиссея”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” Алигъери Данте (Dante Alighieri 1265–1321) нинг “Илоҳий комедия”<sup>13</sup>(1307–1321 йиллар оралиғида ёзилиб, 1472 йили нашр этилган ва уч қисмдан иборат: биринчиси “Дўзах”, иккинчиси “Покланиш”, яъни “Аъроф” ҳам дейилади, бу дўзах билан жаннат оралиғи, билиш ва яхшилик ҳамдир, учинчиси “Жаннат”) асарлари дoston жанрининг қадимги намуналаридир. Дostonлар, ўз моҳиятига кўра, қаҳрамонлик (“Алпомиш”, “Фарҳод ва Ширин”), саргузашт-детектив (“Сабъаи сайёр»), ишқий-романтик (“Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”), жангнома (“Юсуф ва Аҳмад”, “Садди Искандарий”), тарихий-мемуар (“Шайбонийнома”, “Жиззах кўзғолони”), фалсафий (“Ҳайрат ул-аброр”), фантастик-аллегорик (“Лисон ут-тайр”), дидатик (“Қутадғу билиг”) турга бўлинади. Қаҳрамонлик дostonларида халқ, жамият тақдири тасвирланса, ишқий-романтик дostonларда ошиқ-маъшуқларнинг саргузашти бош ўринда туради. Тарихий-мемуар ёхуд тарихий-биографик дostonларда бирор тарихий шахслар рамзийлаштирилиб, бўрттириб тасвирланади. Умуман, дostonларда идеаллаштириш, муболағали тасвир устун бўлади, уларда турли афсоналар, асотирлар, ҳикоятлар, дев, пари, Хизр, аждар, ажаб-товур отлар (“Алпомиш”даги Бойчибор), сеҳр-жоду кўп иштирок этади. Халқ дostonлари

---

<sup>13</sup> Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи.–Тошкент:Ўқитувчи, 1973.–300 б.

бахши, дostonчи ва халқ шоирлари томонидан дутор, дўмбира ва бошқа халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади. Фольклордаги дostonлар билан ёзма адабиётдаги дostonлар шакл-шамойили жиҳатидан бир хил кўринишда бўлса-да, ёзма адабиётдаги дostonлар ёзувчининг дунёни ўзига хос тарзда идрок этиши, баҳолаши ва ўз фикр-ғоялари, орзу-армонларини ифодалаш тарзи, усули, услубида фарқланади. Гарчанд, Навоийнинг аксар дostonлари, жумладан, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” асарлари асосида фольклор мавзуи турган бўлса-да, шоир уларни ўз эстетик қарашлари ва бадиий ниятидан келиб чиқиб, тубдан қайта яратган. Дostonлар мазмунан қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, романтик, маиший турмуш йўналишларида бўлган. Дostonларни ижро этишда бахши шоирлар муҳим ўрин тутган.

Бахши сўзининг маъноси мўғулча ва бурятча бахша, бағша – устод, маърифатчи; санскритча бхикшу – қаландар, дарвеш деган маънони беради деб изоҳланади. Ўзбекистонда кўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан- авлодга етказувчи санъаткор. Бахши сўзи баъзан шаман маъносида ҳам қўлланади, умуман, дostonчилар, дoston айтувчиларни эса юзбоши, соқи, санновчи, жиров деб атайдилар. Бахшилар, асосан, икки тоифага – ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлинади. Ижрочи бахшилар, асосан, устоздан ўрганган дostonларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйласалар, ижодкор бахшилар оғзаки эпик анъана асосида янги дostonлар ҳам яратадилар. Бундай бахшилар шоир бахшилар деб ҳам юритилади, масалан Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Абдулла шоир, Хидир шоир ва бошқалар. Бахшилар дoston ва кўшиқларни кўбиз, дўмбира, дутор каби созлар жўрлигида куйлайди. Хоразм бахшилари дostonларни асосан, дутор, қисман тор билан ижро этадилар, уларга ғижжак ва бўламонда созчилар жўр бўлади. Дoston куйлаш, шогирд этиштиришда қатъий тартиб, қонун-қоидаларга риоя қилинади. Мўғуллар истилоси даврида будда динидаги қаландарларни, уйғур алифбоси асосида турли хужжатлар тузувчи идора ходимларини, мўғулларда жарроҳларни, Чиғатой улуси, Олтин Ўрда,

Қозон ва Қрим хонликларида котибларни, Бобирийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва уларга маош тўловчи йирик амалдорларни, Бухоро амирлигида маъмурий бинолар қуришда маблағ (сарф-харажат) ҳисобини олиб борувчи кишиларни, туркманларда уруф оқсоқолларини ҳам бахшилар деб атаганлар<sup>14</sup>. Бахшилик санъати маркази Ўзбек фольклоршунослигида Бойсун, Булунғур, Нурота, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шаҳрисабз, Шеробод, Чироқчи каби йирик дostonчилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, Қулбуқон, ўзбек-лақай ва бошқа шундай марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажралиб туради.

Қаҳрамонлик дostonларида халқнинг ўз эрки босқинчиларга қарши мардонавор курашлари акс эттирилган, шундай қаҳрамонлик дostonларидан бири “Алпомиш” дostonи эди<sup>15</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий анъаналаримизни ўзида аск эттирган ушбу дostonга баҳо бериб; “Алпомиш” ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир”<sup>16</sup>, деб қайд этган эди. Халқнинг сеvimли қаҳрамонларидан бири Гўрўғлининг жасорати ҳақидаги туркум дostonлар ўзбек, тожик, козoқ, туркман, қорақалпоқ, татар, озарбайжон, грузин, турк халқлари орасида кенг тарқалган. Жангнома дostonларда асар қаҳрамонларининг тарихий ва афсонавий урушларлардаги жасорати тасвирланган. “Жангномаи Або Муслим”, “Жангномаи Амир Хамза”, Фирдавсийнинг “Шохнома” асари, “Жангномаи Жамшид”, “Хушанг”, “Тўмарис” кабилар шулар жумласидан эди. Бахшилар репертуарларида ўтмишда бўлиб ўтган воқеа ва ходисалар, тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган дostonлар ҳам бўлиб, уларда тарихий ҳақиқат билан афсона, воқелик манба билан бадиий тўқима чатишиб кетган. XX аср бошларида тарихий мавзуларда яратилган “Жиззах қўзғолони”<sup>17</sup>,

---

<sup>14</sup> Раззоқов.Ҳ. Тўра Мирзаев. Собиров О, Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.,1980. Бахши. ЎзМЭ.1-том. 653 бет.

<sup>15</sup> Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonи. Тошкент, Шарқ нашриёти - 1998. 400 бет

<sup>16</sup> И.А.Каримов. Озод ва Обод Вата, Эркин ва пировард мақсадимиз. Т.,8 том,”Ўзбекистон”.2000.(525). (Алпомиш дostonининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузас.1999 йил 6 ноябрь).78.

<sup>17</sup> Дастагул. Узбекское народное творчество. Дастаны. Ташкент, 1965. стр. 57-106.

“Мардикор” каби достонларда 1916 йилда бутун Туркистонни камраб олган халқ кўзғолонлари воқеалари ўз аксини топган эди.

Ўзбек халқ достонларининг энг катта қисмини романтик достонлар ташкил қилган. Уларнинг сюжетлари ниҳоятда ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон гўзал қизга ошиқ бўлиб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ходисаларни бошидан кечиради, қийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади. “Кунтуғмиш” каби севги можаролари, саргузаштли воқеалар шундай достонлар сирасига кирган. “Сохибқирон”, “Орзугул”, “Эрали билан Шерали” достонларида халқнинг маиший турмуши билан боғлиқ воқеалар акс этган. Достонлар орасида мумтоз поэзия намуналарининг халқ оғзаки ижодида қайта ишланиши натижасида юзага келган, ёзма адабий манбага эга бўлган, яъни ёзма адабиёт таъсирида яратилган китобий достонлар ҳам бўлган. Алишер Навоий асарлари асосида яратилган “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом” достонлари, “Юсуф ва Зулайхо” “Рустами Достон”, “Маликаи Дилором” каби достонлар шулар жумласидан эди.

Достончилик Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида, Хоразмда ҳамда Самарқанд вилоятида кенг ривожланган. Бу даврда достон куйловчи бахшилар репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлари бўлган. Халқ орасида Йўлдошбулбул, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан, Ислом шоир, Берди бахши, Бола бахши, Аҳмад бахши каби достон куйловчилар машҳур эди. Фавқулодда хотира қудратига эга бўлган Пулкан шоир етмишдан ортиқ достонни ёддан билган. Ҳар бир достон икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни ўз ичига олганлиги халқ бахшиларининг катта салоҳиятга, кучли хотирага, ёд олиш ва эсда сақлаш қобилиятига, ижод қилиш қудратига эга бўлганлигидан далолат берар эди. Фозил Йўлдош ўғли 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та достонни ёддан айта олганлар, бахшиларнинг баъзилари фақат достон айтса, баъзилари ўзлари ҳам достонлар тўқиганлар.

Достон эшитиш учун махсус кечалар уюштирилган, тўй-ҳашамлар ҳам бахшиларсиз ўтмаган, тингловчилар бахшини тўрға ўтқазиб, уни диққат билан тинглаганлар. Иқтидорли достончилар икки-уч кеча мобайнида достон куйлай олганлар, чунки достонларнинг ҳажми ҳам икки-уч кеча муттасил ижро этишни тақозо этган. Бахшилардан Шерназар Бердиназар ўғли етти кеча давомида достон айта олган. Достончилик кечаларига ташриф буюрган бахшилар ўз иқтидорлари, сўзга чечанлиги, соз чалишдаги маҳорати билан ўзаро беллашганлар. Минтақада ўзига хос анъаналарга эга бўлган достончилик мактаблари шаклланган. Айниқса Булунғур, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шаҳрисабз, Шеробод каби йирик достончилик мактаблари машҳур бўлган. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажралиб турган.

**Булунғур достончилик мактаби** “Алпомиш” достонини куйлаш маҳорати билан ажралиб турган, бу ерга бошқа бахшилар келиб ўз маҳоратларини оширганлар. Унинг вакили Амин бахши “Алпомиш” достонини 3 ойгача куйлай олган. Қашқадарё воҳасидаги Қамай қишлоғида шаклланган Қамай достончилик маркази Дехқонобод ва Гузор туманлари атрофида яшовчи 60 га яқин бахшиларни бирлаштирган. Қўрғон достончилик мактаби Мангиштовдан Нуротага қадар чўзилган тоғлар этакларида яшаган бахшиларни бирлаштирган. Қўрғон достончилик мактабининг энг истеъдодли вакилларида бири Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937) ва Пўлкан шоир (1874–1941) бўлиб, улардан “Алпомиш”, “Якка Аҳмад”, “Ойсулув”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Авазхон”, “Ҳасанхон” каби достонлари ёзиб олинган<sup>18</sup>. Бу достончилик мактабида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота-боболари, Султон кампир, Тилла кампир, Жодмон бахши каби ўнлаб достончилар фаолият юритишган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1886 йил ҳозирги Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани Қўрғон қишлоғида туғилган. 1937 йил 12 майда

---

<sup>18</sup> Тўра Мирзаев. Ҳоди Зариф суҳбатлари. Тошкент, 2013. 181-бет.

Кўштамғали қишлоғида вафот этган. Ўзбек халқ шоири, дostonчи. Дехқон-дostonчи оиласида тарбия топган. Унинг етти ота-бобосигача, шунингдек, амаки ва момолари дostonчи-шоир ўтган. Авлодларидан Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул, Тилла кампир, Султон кампир, Жоссоқ, Ёрлақаб ва бошқалар XVII -XVIII асрларнинг таниқли дostonчилари бўлганлар.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг улкан шоир-дostonчи бўлиб етишувида оиласи ва Қўрғон қишлоғидаги дostonчилик мактабидаги бой адабий муҳит катта аҳамиятга эга бўлди. Дostonчилик таълимини отаси Жуманбулбулдан олган. Жуманбулбул ўз ўғли Эргашнинг ўқиш-ўрганиши, билим олишига катта эътибор берган. 1884-1886 йилларда Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олиб, форс, араб тилларини, Фузулий, Навоий, Машраб, Сўфи Оллоҳёр асарларини чуқур ўрганган. Бироқ моддий қийинчилик ва отасининг 1886 йил вафот этиши туфайли ўқишни давом эттира олмайди. Қишлоғига қайтиб келиб мустақил ўқиш, дostonчиликда маҳоратиини ошириш билан шуғулланади. Маълум муддат устози ва қайнотаси Ўтамурод хатибнинг ёрдами билан дехқонлардан кафсан йиғувчи бўлган. 1887-1889 йилларда Эргаш Жуманбулбул ўғли Бухоро амирлигига қарашли Нурота беклигининг амлокдорларидан бири Қўзибекка мирза бўлиб ишлайди. Ўлкада бошланган қаҳатчилик, чигирка ва вабо тарқалиши натижасида шоирнинг яхшигина дostonчи бўлиб етишаётган укалари Абдухалил ва Абдужалиллар, сингиллари ва фарзандлари бирин-кетин вафот этади. Бундай ғам-алам, ташвишда қолган шоир куйлашни ҳам ташлаб, тахминан 1904 - 1905 йилларда дарбадарликда ҳаёт кечирган. 1912-1922 йилларда Булунғур, Ғаллаорол, Ургут туманлари, Жиззах ва Панжикент атрофидаги қишлоқларда табиблик, қиссахонлик, шеърхонлик қилиб юрган, баъзан дostonлар куйлаган. 1923 йилда қишлоғига қайтиб келиб, 1924 йил Қорақиса қишлоғида бир хонали мактаб очди. Эргаш Жуманбулбул ўғли 1925 йил Самарқандга келиб 1926-1928 йилларда Булунғур тумани Қирқшоди қишлоғида Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли билан биргаликда ёд билган дostonларини ёздирш

ва ўзи ёзиб қолдириш билан шуғулланган. 1929 -1936 йилларда Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз қишлоғида, асосан, деҳқончилик ишлари билан шуғулланган ва дostonчиликда шогирдлар етиштирди. 1936 йилда Тошкент шахрига келиб, 1937 йил апрелгача Ҳ.Т.Зарифов уйида яшаб, апрел охирида қишлоғига қайтиб бориб вафот этди. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижоди ранг-баранг бўлиб, у қирқдан ортиқ дostonни ёд олган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Кунтуғмиш”, “Якка Аҳмад”, “Қизжибак”, “Алибек ва Болибек”, “Далли”, “Равшан”, “Қундуз ва Юлдуз”, “Хушкелди”, “Холдорхон”, “Авазхон”, “Хирмон”, “Нурали”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Вомиқ ва Узро”, “Варқа ва Гулшоҳ”, “Махтумқули”, “Тулумбий” каби дostonларни куйлаган Эргаш Жуманбулбул ўғли “ўзбек дostonларининг хазинабони” деган таърифга эга бўлган<sup>19</sup>. Эргаш Жуманбулбул ўғли анъанавий дoston ва термаларни куйлаб келиши билан бирга ўзи ҳам баракали ижод қилган. Унинг “Таржимай ҳол” дostonи. ”Келдим”, “Тошкент таърифида”, “Қизил”, “Турсуной”, “Ғози Олим”, “Отажон Ҳошим”, “Шоирларга раҳбар Ҳоди”, “Асов қизлар” каби термалари халқ ҳурматига сазовар бўлди. Эргаш Жуманбулбул ўғли мероси кенг миқёсда ўрганилиб, шоир ҳақида китоблар нашр этилиб, хужжатди фильм яратилди<sup>20</sup>.

Булунғур дostonчилик мактаби қаҳрамонлик дostonларини ижро этиш билан машҳур бўлган. Бу мактабнинг сўнги истеъдодли вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872–1955 йиллар) “Алпомиш”, ”Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Зулфизар”, “Маликаи айёр”, “Нурали”, “Муродхон”, “Ширин билан Шакар” каби дostonларни маромига етказиб айтган.

Хоразм дostonчилик мактаби санъати бошқа дostonчилик мактабларидан услуби жиҳатидан фарқ қилади. Хоразм дostonлари ёзма манбага эга бўлиб, баъзан айтувчи қўлида қўл ёзма матни ҳам бўлган, уларда мусиқа етакчи роль ўйнаган, кўпроқ ишқий-романтик дostonлар куйланган, жамоавий ижрочилик етакчилик қилган. Хоразм бахшилари дostonнинг ҳар

---

<sup>19</sup>Ўша ерда

<sup>20</sup> ЎзМЭ.2005. 10. том.240 бет. Эргаш Жуманбулбул ўғли. , 180-бет. Булбул тароналари, 1-5- жилдлар, Т., 1971-1973; Песни Бульбуля, т., 1-3, т., 1974. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни, Т., 1971..

бир кўшиғини муайян куйда ижро этганлар, дostonчилар буларни бахши йўллари ёки бахши наъмалари деб юритадилар. Бахши сўз ҳамда кўшиқни очик овозда, дотор ёки тор билан доира жўрлигида ижро этган. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари дўмбира жўрлигида бўғиқ, яъни ёпиқ овозда кўшиқ ижро этиб, очик овозда дoston жараёнига таъриф берганлар.

XIX асрда Қашқадарё, Қамаши туманининг Қамай қишлоғи билан боғлиқ Қамай дostonчилик мактаби мавжуд бўлган. Бу мактаб Деҳқонобод ва Гузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жуйруқ (XIX аср), Мулла Холназар ўғли (1910 йил вафот этган), Бозор Шеркул ўғли (1887–1953), Ҳазраткул бахши Худойбердиев (1920 йилда туғилган) каби 60 га яқин бахшиларни бирлаштирган. Улар Шаҳрисабз дostonчилик мактаби билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Қамай дostonчилик мактаби вакиллари халқ дostonларининг лирик йўналишига алоҳида эҳтибор беришган. Улар поэтик шакллар тараққиётида Шеробод дostonчилик мактаби вакилларига нисбатан илгарилаб кетганлар. Қамай дostonчиларидан “Нуралининг ёшлиғи” (1972–1977), “Хонимой” (1963) ва бошқа дostonлар ёзиб олинган. Пискент дostonчилик мактаби Берди бахши номи билан боғлиқ. Мазкур мактаб лирик йўналишга мойил, баъзи жиҳатдан Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота-боболари асос солган Кўрғон дostonчилик мактаби бахшиларига яқин поэтик услубга эга бўлган.

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари Данғара туманининг Жорубкўл қишлоғи билан боғлиқ. Ҳайбат Шамол ўғли (XIX аср), Тўла Ҳайбат ўғли (1884–1966), Мустафоқул Қундуз ўғли (1883–1966), Шомурод Шамол ўғли (1883–1964) ва бошқалар бу мактабнинг истеъдодли вакилларидан ҳисобланган. Бу бахшилар репертуарининг асосини “Гўрўғли” дostonлар туркуми ташкил қилган, уларнинг матни ниҳоятда қисқа, ихчам бўлган<sup>21</sup>.

---

<sup>21</sup> Раззоков Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.



Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани худудида Қўлбуқон дostonчилик мактабининг вакилари Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозок ўғли, Усмон Маматкул ўғли, Бўри бахши, Маллавой Ҳошимовлар ижодида Булунғур дostonчилик мактаби таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади.

Дoston халқ оғзаки ижодида маънавий қадриятларни ва эътиқодларни юксакликка кўтарувчи манба бўлиб, бахшилар томонидан куйланиш билан биргаликда, уни театрлаштирилган ҳолда сахналаштириш, кинофильмларга олиш, кўшиқ, терма ва лапар усулида айтиш йўналишлари ҳам ривож топиб бормоқда. Мустақиллик йилларида дoston ифодасида лирик-эпик жанрларни аҳамияти ошиб бормоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалган дostonда муайян воқеа лиро-эпик тасвир воситалари ёрдамида ҳикоя қилинади. Унда ҳаёт, воқелик кенг кўламда камраб олинади, бир ёки иккита бош қаҳрамон иштирок этади, персонажлар эса кўп бўлади (сюжети сертармоқ, ранг-баранг). Халқ оғзаки ижодидаги дostonлар назм ва насрда, ёзма адабиётдаги дostonлар назмда бўлади, бунда наср воқеаларини боғловчи вазифасини ўтайди. Ёзма адабиётдаги дostonларда лиризм кучлироқ, айниқса, ҳозирги замон дostonларида лирик асос янада салмоқлироқдир. Жаҳон мумтоз адабиётидаги дostonлар кенг қамровлиги ва ҳажмининг катталиги кўтариб чиққан ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммолари, сюжетининг сертармоқлиги ва драматизмининг ўткирлиги, персонажларининг кўплиги билан ажралади. Бундай асарлар марказида жамият ва халқ тақдири туради, жамият, халқ ва қаҳрамон яхлит бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди, балки шу халқ, шу қаҳрамон билан ташқи душманлар ўртасидаги кураш, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқ маънавий маданиятнинг ҳар томонлама тараққий этиши учун кенг қамровли ишлар бажарилиб, миллий ўзбек дostonларини омма онгига сингдириш борасида сезиларли

ишлар бажарилди. Достонларнинг моҳияти ҳамда мазмунини тарғиб қилиш учун сахналаштирилган ҳужжатли, бадиий ва театрлашган мавзулар яратилди. Шу мақсадда 1993 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг бевосита кўрсатмаси ташкил этилган “Достон” давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси 1996 йилда иш бошлади. Шу йиллар ичида студияда “Авлоднома”, “Уйғониш”, “Шоҳизинда”, “Хўр”, “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона” каби ҳужжатли фильмлар, Амир Темур 660 йиллик таваллудига бағишланган 12 номдан иборат туркум фильмлар суратга олинди. Бу туркум фильмларни яратишда М. Абзалов, М. Тўйчиев, Н. Аббосов, Ж. Қосимов, Д. Салимов, Х. Иброҳимов, Н. Маҳмудов ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Достончилик – халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимги эпик анъана. Дастлаб кўшиқ шаклидаги, мусиқа асбобисиз куйланадиган асарлар яратилган. X–XI асрларда достонларни дўмбира жўрлигида айтиладиганлари юзага келган. Достоннинг бундай намуналари Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги қадимги кўчманчи туркий қабилалар орасида вужудга келган. Эпик достонларни яратувчи ва куйловчи бадиҳагўйлар кўпайиб борган сари устоз-шогирдлик анъаналари вужудга кела бошлади. Натижада XV–XVI асрларга келиб кўпгина достончилик мактаби пайдо бўлди. XVII–XVIII асрлар достон тараққиётида жиддий кўтарилиш босқичи, XIX–XX асрлар эса унинг энг ривожланган даври ҳисобланади. Бу даврда бахшилар репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлари бўлиб, уларни Тилла кампир, Султон кампир, Жолмон бахши, Бўрон шоир, Жуманбулбул, Жоссок, Хонимжон халфа, Буви шоира, Суяв бахши, Амин бахши, Йўлдошбулбул, Султонмурод, Қурбонбек, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерна юзбоши каби машҳур бахшилар куйлаб келганлар. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Саидмурод Паноҳ ўғли, Берди бахши, Абдулла Нурали ўғли, Умир шоир, Бола бахши, Аҳмад бахши каби етакчи санъаткорлар ўзларига замондош бошқа бахшилар билан биргаликда бу эпик анъанани давом эттирдилар. Достонда қатъий тартибга риоя қилинган: достон эшитиш учун

махсус кечалар уюштирилган, тўй-ҳашамлар ҳам бахшиларсиз ўтмаган. Тингловчилар бахшини тўрға ўтқазиб, атрофида тўр тўкиб ўтирганлар. Бахши дўмбирасини сошлаб, тингловчиларга “Нима айтай” термаси билан муурожаат қилган, “Кунларим”, “Дўмбирам” термаларини айтиб, тингловчилар эътиборини ўзига жалб этган. Бахши ижро давомида дostonдаги ҳар бир тасвирга мос сўз топиб, ўша сўзларга монанд хатти-харакатлар қилган. Тингловчиларни қизиқтириш билан, ўзи ҳам тобора авжга чиққан. Иқтидорли дostonчилар икки-уч кеча мобайнида, ҳатто ойлаб дoston куйлай олганлар. Масалан, Шерназар Бердиназар ўғли етти кеча давомида дoston айта олган. Баъзи дostonларнинг ҳажми ҳам икки-уч кеча муттасил ижро этишни тақозо этган. Дostonчи, одатда, воқеа энг қизиқ жойга етганда куйлашни тўхтатиб, танаффус қилган, бу эса тингловчиларнинг қизиқишини яна ҳам оширган. Дoston кечаларига икки-уч бахши ташриф буюрган. Бундай ҳолларда дostonчилар ўзаро тортишувга киришганлар: бир-бирларининг иқтидорларини, сўздаги чечанлигини, соз чалишдаги маҳоратларини синаганлар. Тингловчилар уларга баҳо берганлар. Халқ олқишини ололмаган дostonчи даврадан чиқиб кетган.

### 1.3. Сурхон бахшилари

Сурхон воҳаси ўзининг дostonчилик соҳасидаги маънавий маданияти билан жаҳонга машҳур бўлиб, қадимги аجدодлармиз асрлар оша бахшилар ижоди билан миллий урф-одатлармиз, анъаналармизни янада мукаммал ривож топишга имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Сурхон воҳаси маънавий маданиятига юксак баҳо бериб: “Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғирилган, Имом Ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улуғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўғитлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубҳа йўқки, “Алпомиш”дек буюк обидалар, Алпомишдек мард паҳлавонлар айнан мана шундай муҳитда дунёга келади”<sup>22</sup>, деган эдилар.

Дoston ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик ва кенг тарқалган жанри. “Дoston” сўзи адабий атама сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги

---

<sup>22</sup> 79 бет.

йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Халқ достонларини дўмбира жўрлигида ижро этувчи ва куйловчи санъаткор шоир ёки бахши деб аталган. Бахшилар репертуаридаги достонларнинг катта қисмини ишқий-саргузашт достонлар ташкил этади. Бундай достонлар мазмуни, асосан, севги можароларидан иборат. Аммо уларда севги можаролари кўрқинчли саргузаштлар, эртаклардагидек хаёлий ҳодисалар, айти пайтда ҳаётӣ реал воқеалар билан аралаш тасвирланади. Бундай достонларда воқеалар тизмаси бир-бирига анча ўхшашдир, қаҳрамон кўпинча афсонавий гўзални тушида ёхуд унинг суратини (узукда, тўнда) кўриб, ғойибона ошиқ бўлиб қолади. Сўнг уни излаб хатарли сафарга отланади, сермашаққат ва таҳликали саргузаштларни, ажойиб-ғаройиб воқеаларни бошидан кечиради, турли душман кучлар билан тўқнашади, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ниҳоят, барча кийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадига эришади, ниятига етади.

Бахши – достон ва термалар куйлаб, бир вақтнинг ўзида ҳам актёрлик, ҳам шоирлик, ҳам созандалик маҳоратини намоён эта оладиган истеъдод эгасидир. Мана шундай истеъдод эгаларини етиштириб бераётган Сурхон воҳаси достончилик мактабининг ўрни беқиёсдир. Бу мактабда таниқли халқ бахшилар етишиб чиқиб, воҳа бўйлаб ўтадиган халқ байрамлари ва сайилларида, турли хил оилавий маросимларда иштирок этиб, ўз ижро услубларини сақлаб, давом эттирмоқдалар.

**Шеробод достончилик мактаби** Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва Туркменистоннинг жанубий, қисман шимолий Афғонистон (ўзбеклар кўп яшайдиган) ҳудуд сарҳадларида етишиб чиққан юзлаб бахшиларни бирлаштирган достончилик мактабидир. Шеробод достончилик мактаби туфайли Сурхондарё ва Қашқадарёда достончилик анъаналарининг изчил ривожланиши бугунги кунларда ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ҳам Шеробод достончилик мактаби вакилларида XX асрнинг 1940-йилларида ёзиб олинган достонларда достончиликнинг нисбатан қуйи босқич унсурлари, бадий тафаккурнинг унча

ривожланмаган шакллари учрайди. 1960-йилларидан бошлаб эса анъаналарнинг муайянлаша бориши, маълум маънода китобийликка интилиш кучаяди<sup>23</sup>. Бунда истеъдодли халқ бахшиси Қодир Раҳим ўғлининг (1936–1985) хизматлари катта бўлди. Шеробод дostonчилик мактабидан Қосимқўр бахши, Шерна Бекназар ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши, Бўрибой Аҳмедов, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб дostonчилар етишиб чикди. Бугунги кунда Хушбок Мардонакулов, Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Қора ва Чори Умировлар, Қахҳор Қодир ўғли, Абдуназар Поёнов, Шодмонбахши, Илҳомбахши, Мухаммадибахши, Сафарбахши, Зулхуморбахши каби бир қанча бахшилар Шеробод дostonчилик мактаби анъаналарини давом эттирмоқдалар<sup>24</sup>. Бу мактаб вакилларида ёзиб олинган “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Зайидкул”, “Оллоназар Олчинбек”, “Ойчинор”, “Шерали”, “Келиной” каби қатор дostonлар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида яшаб ўтган бахшилар репертуарида учрамайди<sup>25</sup>.

Шеробод дostonчилик мактаби ҳам ўнлаб бахшиларни бирлаштирган. Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Қора бахши, Мамарайим бахши, Боймурод бахши каби дostonчилар ижод қилган. “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Оллоназар Олчинбек”, “Тошбосар”, “Хурсўна” каби дostonлар фақатгина Шеробод бахшилари томонидан куйланган. Шеробод бахшичилик мактаби дostonлари ўзининг соддалиги, мадҳининг ихчамлиги, матннинг осонлиги ва ифоданинг раволиги билан ажралиб туради. “Алпомиш” дostonи қўнғирот версиясининг такомиллашишига катта хисса қўшган Сурхондарё воҳаси бахшичилигида учта дostonчилик мактаби, яъни Шеробод, Бешқўтон ва Бойсун бахшичилик марказлари мавжуд. XIX

---

<sup>23</sup>Қахҳоров А. Янги дostonлар – Тошкент: 1988; Ўз МЭ. 2005. 10 том 46-бет Тўра Мирзаев

<sup>24</sup>Эргашев А., Халилов Д., «Ёзи ва Зебо» ишқ дostonи, Қарши, 2000; Ўз МЭ. 2005 й 10 том 46-бет Тўра Мирзаев

<sup>25</sup>Муродов М., Алпомишнома, 1-2-китоблар, Т., 1999, 2000. Ўз МЭ. 2005.10 том 46-бет Тўра Мирзаев

асрнинг ўрталарида Шеробод туманида яшаб ижод этган Қосим шоир эл орасида “Қосим бахши”, “Қосим юзбоши” каби номлар билан машхур бўлган. Қосим шоир бошқа бир ажойиб сўз устаси Шерна бахши билан Шеробод дostonчилик мактаби анъаналарига асос солган катта устозлар сафида туради. Шерна бахши ёки Шерна юзбоши (Шерназар Бердиназар ўғли) Шеробод туманининг Истара қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Азон қишлоғидан этишиб чиққан ва эл олқишига, алқовига сазовор бахшилардандир.

Ўтмишда воҳада кенг тарқалган турли чолғулар орасида кўбиз алоҳида аҳамият касб этган, масалан, Рўзибой бахши ўз айтимларини кўбиз жўровозлигида ижро этган. Умир бахши ҳам дўмбира ва кўбиз чолғу асбобларининг моҳир созандаси бўлган ҳамда айни шу асбоблар жўрлигида элнинг тўй ҳашамларида дostonлар куйлаган. Лекин ҳозирги кунда кўбиз чолғуси воҳада удумдан чиқиб кетган, худди шундай ҳолат урма-зарбли асбоб дап (даф, яъни чилдирма) га ҳам тегишлидир. Дап-доирага ўхшаш бўлиб, гардиши (кашнок, асли қасмоқ) ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган ва эчки териси билан қопланган. Гардиши (доира, айлана атрофи) да халқачалар осилмаган, унинг товуши паст ва жарангсизроқ бўлиб, бахши хонишига ҳамоҳанглик касб этган. Бойсунда касал ва беморларни даволаш мақсадида ўтказиладиган “жаҳр” маросимида асосан дап (талаффузда дапп, яъни доира) кенг қўлланган. Хусусан, Каромат бахши, Саид бахшилар ўз айтимларида дапдан истифода этишиб, “жаҳр” маросимларини ўтказиб келишган. Боймурод бахши эса дostonларни ҳам дап ва ҳам дўмбира жўровозлигида ижро этиб, ўз маҳоратини кўз-кўз қилган.

Ўзбек дostonчилигида Шеробод дostonчилик мактабининг алоҳида ўрни мавжуд, ушбу дostonчилик мактаби ўзига хос таъсир кучи ва кенг тарқалиш доираси билан халқ оғзаки ижоди тарихида муҳим қирраларни намоён этади. Шеробод дostonчилик ва бахшичилик мактабининг донгдор намояндалари, қатор асосчилари бор, улар вужудга келтирган ҳамда яратган хос мактаб, ажойиб анъаналар ҳануз давом этиб келмоқда. Шеробод

бахшичилик мактабининг йирик вакилларидан бири **Шерназар бахши Бердиназар ўғли** (таваллуд ва вафоти саналари манбаларда турлича 1855–1915 ёки 1866–1920) дир. У эл орасида Шерна бахши номи билан машҳурлик оламига кириб, қадим Шеробод беклигининг Озон қишлоғида туғилган, айтишларича, 7-8 ёшлигидан дўмбира чертиб, дoston айта бошлаган экан. Унинг устози Қосим юзбоши 20 ёшлигидаёқ Бухоро амирлиги ҳамда Хоразм хонлигининг кўзга кўринган бахшилари билан айтишиб, уларни қойил қолдирган. Шеробод бахшиларининг ушбу силсиласи ва сулоласи аслида Бобо шоирдан ибтидо топади, туб шерободлик бўлган бу шоир XIX асрнинг бошларида ўтган. Қосим юзбоши ана шу Бобо шоирнинг шогирди бўлган, ўз навбатида Қосим юзбоши Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбоши ва Шерназар Бердиназар ўғли сингари бахшиларни тарбиялаб вояга етказишда хизмати улуғдир. Шерна бахши ҳам устози Қосим юзбоши изидан бориб, айна балoғатга етган 17 ёшида Шеробод беклигининг номдор бахшиси Ниёзали жебачи билан айтишади ва бу айтишувда ғолиб чиқади. Шерна бахши Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Ҳисор ва бошқа бекликларнинг бахшилари билан беллашади, беллашув ғолиби сифатида бахшилар сардорига айланади. Шерна бахши номи билан боғлиқ элликдан зиёд дostonлар мавжудлигини биламиз ва ундан 20 дан ортиқ дoston ёзиб олинган. У ўзидан кейинги авлодга мансуб кўплаб бахшиларнинг устози ҳисобланади, чунончи, Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли, Мамарайим бахши Сафар ўғли, Бўрибой бахши Аҳмад ўғли унинг шогирдларидир. Шунингдек, озонлик Нормурод бахши Шерна ўғли, гиламбоплик Аҳмад бахши, Нурали бахши Боймат ўғли, оққўрғонлик Юсуф бахши Ўтаган ўғли, ғўринлик Жўра Эшмирза ўғли каби илғор бахшилар ҳам Шерна бахшининг севимли шогирдлари қаторига киради.

XIX аср охири XX аср бошларида Шерна бахши, Умир бахши, Холиёр бахши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Қора бахши, Мамарайим бахши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Юсуф

Ўтаган ўғли, Боймурод бахшилар ана шу мактаб теварагида бирлашиб ижод қилишган. Шеробод дostonчилик мактаби Сурхон воҳаси, жанубий Тожикистон, жануби-шарқий Туркманистон ва Шимолий Афғонистон худудларини камраб олган.

Шеробод дostonчилик мактабининг вакилларида яна бири машҳур бахши **Шотўра юзбоши Бойқул ўғли** (1887–1947)дир. Шотўра юзбоши Шеробод тумани, Калламосор қишлоғида таваллуд топади, отаси Бойқул шоирдан бахшичилик сирларини ўрганadi. Бойқул бахши бир неча марта Бухоро амири Музаффархон ҳузурида дoston айтиб бахшичилик васикасига соҳиб бўлади. Шотўра бахши ота изидан бориб, элу улусга танилади, халқнинг тўю шодиёналарида хизмат қилади, ўз дostonлари билан кишиларни хушнуд айлайди. Шотўра бахши “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркумига оид қирққа яқин дostonларни юксак маҳорат билан куйлаган. Бундан ташқари “Ёдгор”, “Шодмонбек”, “Савдогар” номли бошқа қатор дostonлар ҳам унинг ижод бисотидан ҳисобланади.

Ўзининг бетакрор овози, ўзига хос сози билан Шеробод бахшичилик мактабида унутилмас из қолдирган ва шу мактабнинг янги ўзанини ярата олган бахшилардан саналмиш **Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли** (1889–1975) алоҳида ажрадиб туради. Шерободдаги Озон қишлоғида таваллуд топади, икки ёшида онадан етим қолади ва тоғаси Шерна бахши кўлида тарбия топиб, вояга етади. Мардонақул бахши Шерна бахшига ҳам жиян, ҳам фарзанд, ҳам куёв, ҳам шогирд бўлиб, у Шерна бахшидан дostonчилик сирларидан, бахшичилик сеҳрларидан таълим олади. Мардонақул бахши дostonчиликда ўз усулини ихтиро қила олган етук санъаткорлар сафида туради. Ундан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonи намунаси шу мавзудаги бошқа дostonлар ичида етакчи ўриндадир. Мардонақул бахшининг дostonчиликдаги анъаналарини деновлик бахшилардан Тошмурод Тўра ўғли (таваллуди 1897 йил), Эшмурод Шердон ўғли (таваллуди 1904 йил), ангорлик Раҳим бахши (таваллуди 1899 йил), Қиём бахши Чори ўғли (таваллуди 1907 йил), бойсунлик Улаш бахши



Ғози ўғли (1892–1969), шерободлик Али Саид Ҳайитназар ўғли (1902–1953), тожикистонлик Бўри бахши Аҳмад ўғли (таваллуди 1914 йил) ва бошқалар юксак маҳорат билан давом эттирдилар. Аслида Шотўра юзбоши, Мардонакул бахши, Мамарайим бахши, Умир бахши, Бўри бахши ижоди билан алпомишгўйликнинг янги босқичи бошланди. “Алпомиш” достони мавзусининг чинакам қирраларини намойиш этиш ҳозирда Сурхон воҳаси бахшилари томонидан ўша қадим ва устувор анъана асосида давом эттирил

моқда. Дарҳақиқат, Чорша бахши, Қора бахши, Боборайим бахши, Чори бахши, Хушбоқ бахши, Шоберди бахши, Абдуназар бахши, Жуманазар бахши, Шодмон бахши, Илҳом бахши, Равшан бахши, Зулхумор бахшилар тилида “Алпомиш” достони яна қайта жаранглаб иккинчи умрини бошлади. Булар орасида Чорша бахши, Хушбоқ бахши, Боборайим бахши, Шоберди бахши, Абдуназар бахши ва Жуманазар бахши сингарилар ўзига хослик жиҳатидан айрича табиатли ижодкорлар сирасига тааллуқлилик касб этади.

**Чорша бахши** (1932–2002, Шеробод, Каттатут қишлоғи) ижоди олдинги аجدод бахшилари билан кейинги авлод бахшиларини боғлаб турувчи занжир. У болалиқдан қўшиқ ва ашула айтишга қизиққан, қишлоғидаги Назар бахши, Эсон бахши, озонлик Мардонакул бахши, тақиялик Жўра бахшилар даврасида кўп бўлган, улардан дуойи фотиҳа олиб, терма ва дostonлар айтишни бошлаган. Чорша бахшининг юздан ортиқ термалари бор ва у элликдан ошиқ дostonни ёддан билади. Чорша бахши ижодига тегишли “Тошбосар” (1998), “Хурсўна” (1999), “Ёдгор” (2000) дostonлари нашр этилган, шундан, иккинчи ва учинчи дostonлар Алпомишнинг қизи ва ўғли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Бахшининг ҳали нашр юзини кўрмаган ва элга етиб бормаган “Кўнғирот” дostonи эса ғоя эътибори ила турфа мазмунга бойдир, дoston қаҳрамони Кўнғирот асли Бойсарининг ўғли. Шоҳимардон пирнинг айтишларича, Бойсари ёт

элда ўғил кўриши мумкин эди, шундан Бойсари қалмоқ элидан қайтмай, у ерда узок муддат қолиб кетади.

Чорша бахшининг қалби уммон қадар чексиз эди, у хурликдан қанча севинса, хўроикка шунча беписанд эди, унинг “Олпонбек” (Алпомишнинг ўғли), “Шоҳ Шайх Мардон бобо” номли ажойиб асарлари нашрга тақдим этилиш арафасида турибди. Чорша бахши касаллиги туфайли 2002 йили 20 февралда бу оламни тарк этган бўлсада, авлодларга катта бадий ва маънавий мерос қолдирди.

Шеробод дostonчилик мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби дostonларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари репертуаридаги “Олтин ковоқ”, “Малла савдогар”, “Олланазар Олчинбек”, “Тошбосар”, “Хурсўна” дostonлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди.

XX асрнинг бошларига келиб воҳа халқ оғзаки ижодини, дostonчиликни ўрганувчи дастлабки тадқиқотчилардан бири Ҳ. Зарифов бўлди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим дostonларни ёзиб олди<sup>26</sup>. Бундай экспедициялар бир неча бор ўтказилган, шулардан яна бири 1945 йилда Сурхондарёда фольклор-этнографик экспедициясидир. Фольклоршунос М. Афзалов “Ўзбек халқ шоирлари” мақоласида экспедиция ҳақида ахборот бериб, Шеробод дostonчилик мактаби, унинг устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида қимматли маълумотларни фанга етказди.

Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва

---

<sup>26</sup> Зарифов Ҳ. Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.

анъаналарини, бадий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул, зотан ўтмишни тафтиш қилиб эмас, балки тадқиқ қилиб ўрганиш савоб ҳисобланади. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш – халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, уй-фикр, андиша-кечинмалари ҳамда руҳиятини ўрганиш демак. Бундай ижод саҳнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ғаройиб санъатдир. Хар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана хар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган. Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур (1370–1405) ҳукмронлиги йилларида Давлатшоҳ бахши деган киши бўлган. “Акбарнома”да эса Мирбахши деган бош бахшининг номи тилга олиб ўтилади,” Қутатғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Мероснома” каби адабий меросимизнинг нодир намуналари ҳам “бахши” (уйғур тилида хаттот, котиб, умуман, маърифатчи, маънавиятчи) деб аталувчи котиблар томонидан кўчирилган.

Бахшилик ва бахшичиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз ва шогирдлик анъаналаридир, аждодлар ва авлодлар, мерос ва ворислик, кеча билан бугуннинг, бугун билан эртанинг ўзаро алоқалари унда тажассумдир. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Гузар, Дехқонобод туманлари, Туркменистонни Чоршанги тумани, Тожикистонни Қабодиён ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган бахшилар, асосан, Сурхон бахшичилик мактабининг ижодий маҳсулидир. Булар юқорида эслатганимиз Бахши Шерназар Бердиназар халқда Шерна бахши номи билан танилган, у Қосимкўр бахшидан таълим олади, Қосимкўр бахши ўз навбатида Бобо бахши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Мардонакул Авлиёкул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши,

Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирзо ўғли, Худойкул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар Шерназар бахшининг шогирдларидир.

Сурхон бахшилари орасида яна бир бахши Алим юзбоши ўз услуби билан бошқалардан ажралиб турганлиги давра гурунглирида кўп гапирилади, минг таассуф, у ҳақда маълумотлар ўта кам. Алим юзбошининг шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда фольклоршунос олим Ҳоди Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан “Амир қочди” достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олади. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабининг асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та достон ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун бахшичилик мактаби бахшилари Шерна бахши, Холиёр бахши, Умир бахшиларнинг давомчиларидир. Замонавий бахшичиликда Мунчок қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев, Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёнов ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари Шодмон Эгамберди, Урал Раҳимов, Йўлдош Сувонов, Бахтигул Бобоева ва бошқалар. Бахшичилик нафақат Бойсун туман марказида ривожлани қолмай, балки туманнинг чекка қишлоғларида Мунчок, Тўда, Тангимуш, Даштиғозда ҳам бахшичилар етишиб чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида Халқ оғзаки ижодини илмий ўрганиш билан бирга миллий маънавий маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бахшилар бўйича танловлар ўтказиш ҳамда уларнинг саънатини улуғлаш мақсадида муҳим ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли қарори ижроси бўйича Сурхон воҳасида 2013 йилда миллий маданиятини, хусусан, номоддий-маданий меросини муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва унинг аҳамиятини тарғиб этиш мақсадида муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2013 йил 20 январ куни Шеробод туман марказий маданият уйига қарашли 5-сон

“Зарабоғ” филиалида номоддий маданий меросимизни келажак авлодга етказиш мақсадида “Бахшичилик – бизларга мерос” мавзуида Шодмон бахши Эгамбердиев билан бадий-муסיкий учрашув кечаси ўтказилди ва халқ терма дostonларидан ижро этилди.

Шунингдек, “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан Шеробод тумани марказий маданият уйида 2013 йил 3 феврал куни “Миллий кўшиқларимиз – олтин меросимиз” мавзуида кўрик-танлови ўтказилиб, унда 22 нафар бахши-шоир иштирок этди. Танловда иштирок этганлардан маданият уйи ходими Хуррамов Жалолиддин 1-ўринни, Юсупов Равшан 2-ўринни, Улашов Суннат 3-ўринларни эгаллашди. 2013 йил 14 март куни Қизириқ туман марказий ўйингоҳида “Наврўз” умумхалқ байрами ўтказилди. Унда тумандаги барча бадий ҳаваскорлик жамоалари, “Кўнғирот” фольклор-этнографик халқ ансамбли ҳамда “Бахшиси бор юртнинг – бахти бор” номли бахшиларнинг айтишувлари намойиш этилди. Байрам сайлида 11 та ўтовлар тикилиб, миллий урф-одатларимиздан келин салом, ўланлар, лапар ва айтишувлар бўлиб ўтди.

2013 йил 21 мартда Термиз шаҳридаги Амфитеатрда байрамнинг асосий тантаналарида Термиз шаҳар “Баркамол авлод” маркази иштирокчилари, Бойсун туманидан “Қуралай” намунали болалар фольклор-этнографик жамоаси, Бойсун туман “Бойсун” ҳамда Шўрчи туман “Булбулигўё” фольклор-этнографик халқ ансамбллари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2013 йил 20 мартдаги “Она алласида Ватан мадҳи” мавзуида алла ижрочиларининг 28–29 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика кўрик-танловига Сариосиё туман марказий маданият уйи қошидаги “Зевари” фольклор-этнографик халқ ансамбли иштирок этди. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг ижро санъатининг ўзида сақловчилари Бўри Жумаев, Абдунаби Қодиров, аллачи ва ўланчи Сайёра Қосимова, чеварчи Шарофат Жўркулова, темирчи Рустам Мусулмонов ва Хурсанд Мусулмоновларни 2013 йилда ташкил этилган Ижодий санъати

намояндалари Республика илмий экспедицияси аъзолари томонидан тасвирга олишди.

Номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганувчи Республика соҳа мутахассисларидан ташкил топган экспедиция яқунларига бағишланган Республика Миллий семинари Бойсун туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида 2013 йил 4 апрелда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг 2013 йил 13 майдаги “Бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий Республика кўрик-фестивалининг ўтказиш тўғрисида”ги 29-сонли буйруғи асосида танловнинг вилоят босқичи 2013 йил 17 май куни вилоят кўғирчоқ театрида бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-фестивалда вилоятнинг барча туманларидан 30 нафар бахшилар иштирок этишди. Ҳакамлар хайъати ҳулосасига кўра 1-ўринга Қизириқ туман маданият уйи бахшиси Муҳаммади бахши Эшбоев, 2-ўринга Бойсун туман маданият уйи бахшиси Болтаев Рўзиқул, 3-ўринга Шўрчи туман маданият уйи бахшиси Ортиқов Бахтиёрлар сазовор бўлишди. Ангор туман маданият уйи бахшиси Бойқўчқоров Хуррам, Олтинсой туман маданият уйи бахшиси Муҳаммадиев Қобил, Музробот туман маданият уйи бахшиси Қораев Боймурод, Денов туман маданият уйи бахшиси Ҳамидов Бегзод, Бойсун туман маданият уйи бахшиси Оллаев Аъзамлар фаол иштирок этиб, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар вилоят илмий методик марказининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар. Кўрик-фестивалнинг вилоят босқичида ғолиб ва фаол иштирок этган бахшилар 2013 йил 7-8 июн кунлари Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ўтказилган кўрик-фестивалнинг Республика босқичида иштирок этдилар. 2013 йил 4-5 май кунлари Навоий вилоятининг Навбахор туманида бўлиб ўтган “Асрлар садоси” анъанавий маданий фестивалига Қизириқ туман маданият уйи қошидаги “Кўнғирот” фольклор-этнографик халқ ансамбили фаол иштирок этиб, фестивалнинг сертификати ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Сурхон воҳасида ижод қилаётган бахшилар ҳаётида унитилмас ҳаёт эсдаликлари ўз ичига олган 2014 йил 5

сентябрда Қизирик туманидаги “Офтобли Қуёш” маҳаласидаги маданий илмий анжуман тадбир алоҳида аҳмиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Инновация лойиҳасини давлат буюртмаси асосида №И-2013-11-3-сонли шартномасида қайд этилган “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тааққиёти тарихи” мавзусидаги илмий анжуманда воҳада ижод қилаётган бахшилар ўзларнинг маҳоратини намоён қилдилар. Ушбу анжуманда халқ оғзаки ижодида бахшилар томонидан кўйлаб келинаётган мавжуд дostonлар, термалар, лопарлар, айтушувлар билан бирга янги дostonлар, термалар, лопарлар ҳамда бахшилар томонидан яратилган кўйлар намоён этилди.

**Умиров Қора** Музробод туманида 1934 йил туғилган, “Ўзбекистон халқ бахшиси”. Ижро этадиган дostonларининг номи “Кунтуғмиш”, “Сулувхон”, “Алпомиш”, “Авазхоннинг туғилиши”, “Малла Савдогар”, “Туркистон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ойпарча” кабилар, халқ оғзаки ижоди намуналари, термалар ва айтушувларни ижро этиб халқ хурматига сазовар бўлган.

**Боборайим Маматмуродов** 1936 йил туғилиб, 2013 йил 7 майда вафот этиб, Денов шаҳри Дадабоев кўчасида яшаб келган, “Ўзбекистон халқ бахшиси”. Ижро этган дostonларининг номи “Алпомиш», “Кунтуғмиш”, “Сулувхон”, “Мала савдогар”, “Зарнигор»” “Маликаи Айёр”, “Балогардон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Хасанхон”, “Якка Ахмад”, “Ойпарча”, “Нуралининг ёшлиги”, “Бўтакўз”, “Рустамхон”, “Равшанхон”, ”Ширин билан Шакар” сингарилар ва термалардан иборат. Боборайим бахши Маматмурод ўғли ўз услуби жиҳатидан, ўз ижодий фаолияти билан бошқа бахшилардан тубдан фарқ қилади. У хониш қилганда эшитувчини лол қоддиради, ўзига ром этади, унинг овози тингловчининг қалбини сурурга тўлдиради, дилига хушнудлик солади, унинг қўшиқлари кишини худудсиз оламга етаклайди. Боборайим бахшининг отаси Маматмурод бобо дўмбирани тилга кирита оладиган етук санъаткорлар сафида турган, у соз

чалганда эшитувчининг қалбини тирналаган. Шундан бўлса керак, Маматмурод бобо хонадонида бахшилар жам бўлишиб дostonлар куйлашган, термалар айтишган. Уларнинг хонадонида Мирзокул бахши, Чори бахши, Абдуллахон эшон каби машхур бахшилар тез-тез меҳмон бўлиб туришар эдилар.

Ана шуларнинг барчаси Боборайимнинг келгусида истейдодли бахши бўлиб етишувида замин ҳозирлади. Унга устозлари Мирзокул бахши ва Чори бахшилар бахшичилик сирларидан сабоқ беришди. Боборайим ёшлигидан дўмбирани хонишга келтира олар эди, бу унга отаси Маматмурод бободан ўтган бўлса ажаб эмас. У дўмбирада “Сарвиноз”, “Ғарибнома” куйларини қиёмига етказиб чалади ва атрофдагиларни доимо қойил қилади. Боборайим бахши Маматмуродов 1991 йили Республикамизда бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Қозоғистон бахши-шоирлари иштирокидаги нуфузли танловнинг бош совриндори бўлди. Бахшининг “Сарвигул” ва ”Авазхон ота юртида” номли дostonлари нашр этилди. “Авазхон ота юртида” дostonи “Тўрўғли” туркуми дostonларига қўшилган янги бир асар сифатида ўз ардоғига эга. Зеро, ушбу дoston анъанавий “Тўрўғли” туркуми дostonлари орасида янги мавзу, янги мазмун талқинлари эътибори билан ҳам ажралиб туради.

**Эшбўриев Хуррам** Узун туманида 1940 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли”, “Алпомишнинг қалмоқдан қайтиши”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Қундуз билан Юлдуз” каби дostonлар ва термаларни ижро этган.

**Мардонақулов Хушбоқ** Қизириқ тумани Кунчиқиш маҳалласида 1942 йил туғилган. “Ўзбекистон халқ бахшиси”, Хушбоқ бахши Шерободнинг Озон қишлоғидаги машхур Мардонақул бахшининг фарзанди, унга бахшичилик она сути билан кирган, у талай бахшилар танловининг ғолиби. Хушбоқ бахши “Соқи булбул”, “Малла савдогар”, “Сув пари”, “Зарнигор”, “Балогардон” дostonларининг янги кўринишларини яратди. Хушбоқ бахши ижросидаги “Алпомиш” ўзига хос қирраларга эга ва “Алпомиш” дostonи



айни шу ижро туфайли ўзининг иккинчи умрини бошлади, десак муболаға бўлмайди.

“Алпомиш” киносценарияси ҳам Хушбоқ бахши томонидан ёзилди, айна пайтда у қатор шогирдларнинг устозидир. Элга танилган атоқли куйчи, республикада биринчи “Ўзбекистон халқ бахшиси” номли юксак унвон соҳиби Шоберди бахши Болта ўғли ҳам худди шу Хушбоқ бахши Мардонакул ўғлидан бахшичиликнинг илк сабоқларини олган эди. Хушбоқ бахши 1986 йил 8-жаҳон фестивали лауреати ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва маърифий ишлар аълочиси” унвони соҳиби. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойпарча”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Олчинбек”, “Сулувхон”, “Малла савдогар”, “Санамгавҳар”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Соқи булбул”, “Оқил маҳрам” каби дostonлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, термалар ва латифалар.

**Абдисалом Эргашов.** 1942 йил Тожикистонда туғилган, 1962 йилдан Шеробод туманида яшайди. Тоғалари бахши Бўри Аҳмедов ва Хушбоқ бахшидан дўмбира чертиш, терма айтиш, дoston айтиш сирларини ўрганайди. Шодмон Хўжамбердиев, Чори Бойқобилов, Халил Эргашов, Абдимўмин Эргашов каби ёш бахшиларга устозлик қилган.

**Шоберди Бахши Болта ўғли** (Болтаев Шоберди). Бойсун туманидаги Мунчоқ қишлоғида 1944 йилда туғилган. Термиз давлат педагогика институтини 1972 йилда битирди. Мунчоқ қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Бахшилик ва созандалик маҳоратини, яъни бахшиик ҳамда дўмбира чалиш сирларини отаси Алиев Болтадан ўрганган. Отасининг тоғалари Давлат юзбоши ҳам бахши бўган. Кейинги дostonчилик ҳамда терма айтишуви бўйича устози Қизирик туманида истиқомат қилаётган бахши Хушбоқ Мардонакуловдир. Таникли саънаткор ўзи яшаб ижод қилаётган Мунчоқ қишлоғида, ёш бахши ижрочиларини йиғиб, уларга дўмбира чалиш сирлари ҳамда бахшичилик санъати билан таништириб, устозлик қилиб, шу билан биргаликда Ўзбекистонни, ўз она қишлоғини мадҳ этиб, термалар ижод қилиб келмоқда. Бахшининг ижодий меҳнати 1993 йил 4-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا асосан 2000 йил 7-декабрда “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони, 2000 йил 24-майда бўлиб ўтган “Бойсун бахори” халқаро фольклор фестивали ғолиби, 2007 йил 25-август “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди. Ҳозирги кунда ижод қилиб келаётган кўпчилик бахшилар Ш. Болтаевнинг шогирдлари ҳисобланади. Улар Исмоилхон Анваров, Бахшулла Тоғаев, Сафар Шоимқулов, Рўзиқул Болтаев, Сафар Хапинов, Жовли Аннаматов, Бўрон Авазов, Ўрал Раҳимов шулар жумласидандир. Шобердининг бахшичиликдаги фаолияти аллоҳида жихатларга эга, унинг ижодига тааллуқли терма ва дostonларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушоҳадаларга бой ҳолда долзарб муаммоларни қамраб олиш билан ўта муҳимдир. Унинг ижод бисотиغا тегишли “Алпомиш”, “Олтинқовоқ”, “Қунтуғмиш”, “Малла савдогар”, “Сулувхон”, “Санамгавҳар”, “Ойпари”, “Оллоназар Олгинбек” дostonларни эл севиб тинглайди ва бу дostonларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг “Меҳмондур”, “Тилар”, “Нима ёмон”, “Қунларим”, “Думбира”, “Ойпари” ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асар намуналари қаторига киради.

Хассос ижодкор Хидир шоир 2009 йил “Ўзбекнинг ўз алпи бор” дostonини айнан Шоберди бахшига бағишланган. Шоберди терма айтадимиз, дoston куйлайдимиз ҳаммасини юракдан куйлайди, куйлаганда ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига маҳлиё этиб дўмбирасини сайратади. Ўзининг тиришқоқлиги туфайли ҳозирги кунда кўзга кўринган халқ бахши ҳисобланади, оз эмас, кўп эмас 50 йилдан буён дoston ва термалар ижро этиб келмоқда.

**Нормурат Шойдилов** 1950 йил 1 апрелда Тажикистон Республикасининг Қўрғонтепа вилояти Колхозобод тумани Коммунизм колхозида ишчи оиласида туғилади. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикасида яшаб келмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижодига оид 10 дан ортиқ дostonларни, жумладан “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Тўрўғли” кабиларни ижро этган.

**Поёнов Абдуназар.** Қизирик тумани, “Хомкон” маҳалласида 1954 йил туғилган. “Ўзбекистон халқ бахшиси”. Ижро этадиган дostonларининг номи “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Алланазар Олчинбек”, “Хомкон”, “Алпомиш”, “Келиной”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув”, “Малла савдогар”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Ойпарча” “Олтин қовоқ”, “Санамгавхар”, “Равшанхон”, “Рустамхон”, “Хондалли”, “Ҳонойим пари”, “Турсун мерган”, “Давркул полвон” каби дostonларни куйлайди. У ўзи яратган “Алпомиш” дostonига кировчи “Турсун мерган” ва “Давркул полвон” дostonлари 2000 ва 2003 йилларда нашр этилди. Шеробод-Бойсун бахшичиликда “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ҳурсўна”, “Кунтуғмиш”, “Ёзи билан Зебо”, “Келиной ва Гўрўғли” дostonига кировчи “Нурали” дostonларини куйлаб келмоқда. Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёновнинг репертуарида “Дўмбира нағмаси”, “Келиной нағмаси”, “Сарбоз нағмаси”, “От хайдаш нағмаси”, “Кўнғирот нағмаси”, “Қайғу нағмаси” каби куйлар ҳам ўрин олган.

**Сапаров Жўра.** Термиз тумани Учқизил қўрғонида 1957 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув” “Малла савдогар”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Ойпарча” каби дostonлар ва термалар.

**Мирзаев Гулбой.** Қизирик тумани Истиклол маҳалласида 1958 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Жархун мастон”, “Малла савдогар” каби дostonлар ва термалар.

**Эшимов Мамарасул** 1959 йили 20 ноябрда Бойсун туманида туғилган. 1967 йил мактабга боради, 1975 йил 8-синфни тугатиб, орада 6 йил чорвачилик билан шуғулланади. 1986 йил бахшичилик билан эл назарига тушди. 1989 йилда вилоят бахши- шоирлар кўрик танловида ғолиб бўлади.

**Хўжамбердиев Шодмон.** Бойсун туманида 1967 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхон”, “Нурали”, “Келинойи”, “Ҳасанхон”, “Хон Далли”, “Гўрўғли”, “Балогардон”, “Нуралининг ёшлиги”, “Кунтуғмиш” каби 20 дан ошиқ дostonлар ва “Мусталлик туфайли”, “Устоз”, “Ўзбекистон”, “Бахшилар келиб кетди”,

”Дўмбирам”, “Сурхондарё қизлари”, ”Қодир бахши – устозим” каби термалар билан халқимиз ҳурматиға сазовар бўлди. 2010 йил Шодмон бахшининг “Хон Далли”, 2012 йил “Сурхонданман, Сурхондан” номли китоблари чоп этилди. 1984 йилда Хоразмда ўтказилган “Бахши шоирлар ва оқинлар”, 1985 йилда Ўзбекистон телевидениесида ўтказилган “Бахшилар айтишуви”, 1989 йилда Озарбайжонда ўтказилган “Бутун Иттифоқ халқаро фольклор фестивалида”, 2006 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро “Бахши шоирлар”, 2006 йилда Бойсунда ўтказилган “Бойсун – баҳори” номли кўрик-танловлар иштирокчиси ва ғолиби, махсус совринлари билан тақдирланди. 2011 йил 10 июнда ўтказилган “Бахши шоир ва оқинларнинг Республика кўрик –танлови, 2011 йил 30 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Бахши-шоир ва оқинларининг анъанавий Республика кўрик-фестивали” иштирокчиси.

**Тоғаев Бахшиқул.** Қумқўрғон тумани Янги шаҳар маҳалласида 1960 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Малла савдогар”, “Ойпарча” каби дostonлар ва термалар.

**Турсунов Рўзибой.** Шерободнинг Кампиртепа қишлоғида 1964 йил туғилиб вояға етган. Рўзибой дostonчилик сир-асрорларини отаси Жаҳонгир Турсуновдан ўрганган, отаси дўмбирани турли усулларда сайратган. Бахши томонидан “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Сулувхон”, “Келиной”, “Ғубонак”, “Ойпари”, “Малла савдогар” каби дostonлар севиб куйлаб келинмоқца. Шунингдек, “Сурхондарём”, “Мустақил Ўзбекистон”, “Устозим ҳақида”, “Дўмбира мақтови”, “Шеробод ҳақида”, “Гулла-яшна Ўзбекистон!” номли термалари тингловчиларға анча манзур бўлиб келмоқца.

**Тангиров Жовли.** Қизириқ тумани, “Истиқлол” маҳалласида 1967 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхоннинг ота юртиға қайтиши”, “Малла савдогар”, “Ойпарча”, “Хон Далли”, “Саксон нор”, “Кунтуғмиш” каби дostonлар ва термалар.

**Раҳимов Ўрол.** Бойсун тумани Мунчоқ қишлоғида 1968 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув” “Малла савдогар”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Ойпарча” ва термалар.

**Равшан Маматмуродов** 1969 йил туғилган. Денов тумани Э. Ғозиев кўчаси, 20 –уй, Боборайим бахшининг фарзанди. Дўмбирани хонишга келтиришда отасидан қолишмайди, терма айтишда ва дoston куйлашда анча тажриба тўплашга улгурган, кўплаб дostonларни ёддан билади. У 1987–1992 йилларда Термиз давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кундузги бўлимида таълим олди, мактабда ишлади, бахшиларнинг жами кўрик танловларида ҳамиша иштирок этишни канда қилмайди. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув”, “Малла савдогар”, “Гўрўғлининг туғилиши” каби дostonлар ҳамда термалар ижрочиси.

**Эшбоев Махаммад Темиралиевич** Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Усмондора қишлоғида 1970 йил 20 апрелда туғилган. Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида бахши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими марказий маданияти уйи режиссёри ва мусиқа раҳбари бўлиб ишлаб келмоёда. Устозлари Қодир бахши Раҳимов, Қодир ўғли Қаҳҳоров, 1993 йилдан Абдуназар бахши Пояновлар ҳамкорлигида бахшичилик санъатини мукамал ўрганиб келмоқда. 1999 йил май ойида Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган Республика “Ёш бахшилар” танловида иштирок этиб, 2010 йил 15 июлда Н.Аминжонов бошчилигидаги “Бахшилар баёти” эшиттиришда “Авазхон” дostonини илк бор кўйлаб эл назарига тушиди, бахшининг ижоди намуналарида “Алпомиш”, “Ойпарча”, “Малла савдогар”, “Туркистон”, “Хондали” ва “Кунтуғмиш” дostonлари ўрин олган. Шунингдек, бахшининг “Шундай юрт борми”, “Мустақиллик”, “Қодир бахши ҳақида “Устоз”, “Авжун”, “Дўмбирам”, “Деҳқонободим”, “Сурхоним” каби термалари халқимиз томонидан муносиб кутиб олинди.

**Маматқулов Дониёр.** Шўрчи тумани “Оқкамра” маҳалласида 1970 йил туғилган. Устози отаси Маматқул Шафоатдан кўпгина термалар ўрганиб, вилоят ва республика танловларида иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2006 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган “Барҳаёт наволар” миллий чолғу ижрочиларининг иккинчи анъанавий Республика кўрик- танловида иштирок этиб фахрли ўринни олди.

**Анваров Исмоил.** Қумқўрғон тумани, Аққопчиғой маҳалласида 1970 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув” “Тўрўғлининг туғилиши”, “Ҳасанхон”, “Ойпарча” каби дostonлар ва термалар.

**Шерназарова Зулхумор.** Ҳа, Сурхон воҳасида қиз-аёллар ҳам дoston куйлайди, дўмбира чалади. Ўзбекистонда ҳозирча ягона ана шундай аёл бахшиларимиздан бири. У 1971 йили Жарқўрғон туманида туғилган, 1988 йили ўрта мактабни тамомлаган, шу кунларда мактабда муаллималик қилмоқда. Зулхуморда бахши шоир бўлишга ички бир интилиш ёшлиқдан бор эди, бу унинг беҳос қўлига дўмбира олишига туртки бўлди. қараса, қўли дўмбирага келишиб бораяпти, овози ҳам ёмон эмас, ўзига яраша жозобага эга. У илк сабоқни акаси Омон бахшидан олди, кейинроқ Шоберди бахши, Қора бахши ва марҳум Қодир бахшилардан дostonчилик, бахшичиликдан таълим ўрганди. Зулхумор устози Қора бахши ўргатган “Алпомиш”ни ички бир эпкишлик ва нозик туйғулар билан куйлайди.

**Тожиев Панжи.** Қизириқ тумани, “Кунчиқиш” маҳалласида 1972 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Сулувхон”, “Малла савдогар” каби дostonлар ва термалар.

**Артиқов Бахтиёр Абдимуратович.** Шўрчи тумани, “Ободон” маҳалласида 1972 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Авазхон”, “Тўрўғли” каби дostonлар ва термалар. Устози Шоберди бахши Болтаевдан кўпгина термалар ўрганган. 2011 йил вилоятда ўтказилган Бахшилар танловида 1- ўринни эгаллади. 2011 йил Республика бахши шоирлар танловида 1-ўрин совриндори бўлди.

**Шайдилов Сафар.** Бандихон туманида яшайди, 1977 йил 10 февралда Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа вилояти Кумсангир туманида ишчи оиласида туғилган. **1991 йилдан** Ўзбекистон Республикасида яшайди, 1994 йили Бандихон тумани, 16-ўрта таълим мактабини тамомлаган. Бахшичиликга болаликдан қизиқади, 9 ёшидан “Алпомиш” дostonларини ёд олиб парчалар айтиб бошлаган. 1996 йилдан устози Шоберди бахши Болтаевдан бахшичилик санъати ва думбира чалиш сирларидан таълим ола бошлаган. 1998 йил май ойида Қарши шаҳрида ўтказилган Республика “Ёш бахши-шоирлар” кўрик танловида илк бор иштирок этиб совриндор бўлади. 1998 йил май ойида Термиз шаҳрида ўтказилган “Алпомиш – боқий асар” номли Марказий Осиё бахши шоирлар, оқинлар ва жировлар Халқаро фестивалида иштирок этиб, 35 ёшгача бўлган ёшлар орасида 3-ўрин совриндори бўлади. 1998 йил Хоразм вилояти Хива шаҳрида Бола бахшининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган Республика ёш бахши шоирлар кўрик танловида фахрли 2-ўринни эгаллайди.

2005 йил март ойида ўтказилган вилоят Бахши шоирлар кўрик танловининг ғолиби булгади. 2013 йил Хоразм вилояти Хива шаҳрида ўтказилган “Республика бахши шоирлар, оқинлар ва жировлар анъанавий фестивали”да совринли 3-ўринга сазовор булдим. Ижро этадиган дostonларининг номи “Тўруғлининг туғилиши”, “Ойпарча”, “Алпомиш” каби дostonлар ва термаларни ижод қилган.

**Муҳаммадиев Қобил.** Олтинсой туманида 1981 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Сулувхон”, “Малла савдогар” каби дostonлар ва термаларни кўйлаб келмоқда.

**Болтаев Рўзиқул .** Бойсун тумани Мунчоқ қишлоғида 1982 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхоннинг ота юртига қайтиши”, “Олланазар-Олчинбек” ва термаларни ижро этиб келмоқда.

**Жумаев Шерали.** Олтинсой тумани, “Карсаган” маҳалласида 1984 йил туғилган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхоннинг ота юртига қайтиши”, “Олланазар-Олчинбек”, “Тўруғли”, “Ойпарча” каби дostonлар ва термалар.

**Норов Илхом** 1985 йил 1 мартда Музработ тумани “Навбахор” жамоа хўжалигида туғилган. 1997 йил Қора бахши Умировга шогирдликга тушади, устоз кўлида бахшичилик сир-синоатларини ўрганади. 1999 йил вилоят миқёсида ўтказилган “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллигига бағишланган ёш бахшилар кўрик танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллайди. 1999 йил 29 июлда “Алпомиш” дostonига бағишлаб ўтказилган Республика ёш бахшилар ва мусаввирлар кўрик танловида фахрий ёрлик билан мукофатланади. 3- анъанавий Халқаро кўрик фестивалида фаол иштирок этганлиги учун халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий услубияти маркази томонидан нуфузли ҳакамлар хайъатининг 2003 йил 14 майдаги 2-сонли қарорига асосан кимматбаҳо соврин ҳамда фахрий

ёрлик билан тақдирланади. Устоз бахшилар Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди бахши Болтаев, Ўзбекистон Халқ бахшиси Қора бахши Умировлар ва Абдуназар бахши Поёновларнинг кўшиқларини, дostonларини ва термаларини севиб эшитган.

2002 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивалида ҳар йили катнашиб келади. 2004 йил 16-20 май кунлари ўтказилган “Бойсун баҳори” 3-очик фольклор фестивалида қатнашиб “Бахши шоир ва оқинлар” йўналиши буйича Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистондаги UNESCO ваколатхонасининг Ташкилий кўмитаси томонидан UNESCO бош соврини ҳамда дипломи билан мукофотланади. 2004 йил вилоятда ўтказилган Ўзбекистон кўшиқ байрами кўрик танловида 1 ўринни эгаллайди ва диплом билан тақдирланади. 2006 йил Қозоғистон Республикасида ўтказилган “Шабьд2» кўрик танловида Марказий Осиё бахши-шоир-оқинлар айтишувида лауреат бўлиб келади. Туркия Республикасида ўтказилган ёш ижодкорлар фестивалида фахрли 2-ўринни эгаллайди ва қимматбаҳо мукофотларга сазовор топилади. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик Бахши-шоирлар ва оқинларнинг 1У-анъанавий Халқаро фестивалида фаол иштироки учун нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг 2005 йил 18 майдаги 5-сонли қарорига биноан 2- даражали ДИПЛОМ билан тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият Спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази “Бахши-шоирлар, жировлар ва оқинларнинг анъанавий Республика кўрик танлови”да юқори бадий савиядаги дастур ҳамда мукамал ижро маҳорати учун ҳакамлар ҳайъатининг 2007 йил 28 апрелдаги 3-сонли қарорига асосан 1-даражали диплом билан тақдирланади. 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган “Нихол мукофоти” совриндори бўлади. 2011 йил “Асрлар садоси” фестивалида Бахшилар кўрик- танловида фахрли биринчи ўринни олади. Ўзбекистон давлат Санъат ва Маданият институтини тамомлаган.

Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойпарча”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Авазхоннинг туғилиши”, “Олтин қовоқ”, “Санам Гавҳар”, “Равшанхон”, “Рустамхон”, “Ойсулув”, “Хондалли”, “Сулувхон”, “Малла Савдогар”, “Алланазар-Олчинбек”, “Ҳонойим пари” каби дostonлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, термалар ва айтишувлари билан эл назарига тушди.

**Мамаражапов Акрам.** Денов тумани, “Пистамозор” маҳалласида 1995 йил туғилган. 2012 йил 1 февралда бўлиб ўтган “Ёш бахши-шоирлар” кўрик-танловида Республикада 3-ўринни эгаллаган. Ижро этадиган дostonларининг номи “Алпомиш”, “Авазхон билан Зулҳумор”, “Рустамхон” каби дostonлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари.



**Холматов Чашма.** Шўрчи тумани, “Култепа” маҳалласида, 1995 йил туғилган. Устози Бахтиёр бахши Ортиқовдан дўмбирада куй чалиш ҳамда термаларни айтишни ўрганган. 2007 йил “Ягонасан муқаддас Ватан” кўриктанловида туман босқичида фахрли ўринни эгаллаган.

**Алланазаров Норали .** Жарқўрғон маданият уйига қарашли “Дилрабо” ашула ва рақс Халқ ансамблининг бадиий раҳбари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1965 йил туғилган, маълумоти олий. 1989 йилда Тошкент А.Қодрий номидаги маданият институтининг “Маданий-оқартув ишлари, хореография” бўлимини тугатган. Халқ оғзаки ижодиётни қайта ўрганиш ва тиклаш бўйича катта амалий ишларни бажарган. Халқ оғзаки бахшичилик ижоди намуналарида илк бор мустақилликни тарранум этувчи термаларини куйлаб, “Мустақиллик”, “Наврўз” байрамларида иштирок этиш билан бошлади. “Ўзбекистон Ватаним маним” кўшиқлар кўрик танловида 1-ўрини эгаллаб эл назарига тушди. Унинг дастлабки бахшичиликга оид кўшиқлари “Тўйинг муборак” номи билан Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйида, 1999 йил Термиз шаҳрида “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган оммавий байрамда, “Алпомиш авлодлари” номли ёш бахшилар чиқишида, 2006 йил Фарғонада ўтказилган “Алла” Республика кўриктанловларида юксак ўринларга эга бўлди.

Вилоятда кўп йиллардан буён воҳа халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, уларни нашр эттириш билан шуғулланиб келинмоқда. Бу соҳада фольклоршунос олимлар қишлоқ ва овулларни кезиб ёдкаш, зукко қариялар билан учрашиб, улардан халқимиз ўтмишини, руҳиятини, кайфиятини, маросимларини, удумларини, ҳар хил қизиқарли ўйинларини акс эттирувчи терма, кўшиқ, мақол, маталларни ёзиб олиб, тўпладилар. Олимлардан Ҳ. С. Оқбўтаев (марҳум), Қ. У. Мамашукуров (марҳум), Р. Б. Мустафоқулов, шоир М.Олломурад, журналист Н. Тўраевлар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса, фольклоршунос олим Р. Мустафоқулов (1946) халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналарини жамлашда баракали меҳнат қилмоқда. Унинг саъй-ҳаракати самараси ўлароқ, Чорша бахши Раҳматулла

Ўғлидан “Тошбосар”, (1998), “Хурсўна” (1999), Хушбоқ бахши Мардонакул Ўғлидан “Соқи булбул” (2002) дostonлари ёзиб олиниб, нашр ишлари амалга оширилди ва китобхонларга тақдим этилди. Олимнинг халқ оғзаки ижоди соҳасидаги изланишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бу йўналишда у катор рисоалар яратди, чунончи, “Халқ педагогикаси сарчашмаси” (1995), “Алпомиш” талқинлари” (Б. Ёриев билан ҳамкорликда, 2000) шулар жумласидандир.

#### **1.4. Ўзбек халқининг сеvimли дostonи**

**“Бу довюрак ва ўктам халқнинг – Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди”.**

**И.А.Каримов**

Тоштемир Турдиев Республикада таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, устоз, илм-тафаккурнинг етук намояндаси, Сурхон илм-фанига муносиб хисса қўшиб келаётган, халқ оғзаки ижоди бўйича чексиз илмий тадқиқотлар олиб бораётган, дostonчилик ва бахшичилик мактаблари ижоди мавзуида ўнлаб илмий асарлар муаллифи. Олимнинг “Ўзбек халқининг сеvimли дostonи” рисоласи 1978 йилда Гафур Гулом номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти”да чоп этилган эди. Биз муаллифлар жамоаси ўзимиз яратаётган монографиямиз учун устоз Т.Турдиевнинг ижодидан фойдаланишни мақбул топдик. Шунга биноан олимнинг “Ўзбек халқининг сеvimли дostonи” асарини китобхонлар оммасига тўғридан тўғри тақдим этишга жазм этдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Сурхон воҳаси халқига ва унинг маънавий меросига алоҳида эътибор бериб қўйидаги фикрни таъкидлаган эди; “Бу довюрак ва ўктам халқнинг – Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди”<sup>27</sup>. Юқоридаги фикрга эътибор берган устоз Т.Турдиев ўз фикрини Алпомиш юртга қайтди деб бошлаб...

---

<sup>27</sup> . И.А.Каримов. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва пировард мақсадимиз. Т.,8 том,”Ўзбекистон”. 2000. (525). (Алпомиш дostonининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузас.1999 йил 6 ноябрь.).79 бет.

Гўё остида учар тулпори Бойчибор, ёнида севикли ёри – Ойбарчин. Тоғ-тошларни, коронғу дараларни гумбирлатиб, Алпомиш юртга қайтди!

Аслида... 1950-йилларнинг бошида ушбу дoston қатағон қилиниб, уни ўқиш, ёзиш маън этиб қўйилганди. Асар қаҳрамони Ҳақимбек катта давлат эгаси, феодал ахлоқий қарашларининг ҳимоячиси сифатида камситилганди. Достоннинг ўзи феодал урушларни мадҳ этувчи, “миллатчилик ғоялари”ни тарғиб қилувчи асар сифатида қаттиқ қораланганди. Ҳар бир яхши инсон, ҳар бир эзгулик бошига қора булут соя солганидек, ушбу эпос ва унинг қаҳрамонлари ҳам қора кунларга қолган эди.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, замон эврилиб, серқуёш диёримиз осмонидан ўша «булут»лар ҳайдалди. Бугун “Алпомиш” ўзида оламшумул анъаналарни тараннум эта олиш салоҳияти билан “Маҳобҳорат”, “Рамайна”, “Одиссея”, “Шоҳнома” каби буюк эпослар қаторига кўтарилмоқда. Фольклор-ўтмишнинг акс-садоси, бугунги куннинг баланд овозидир, дейишади. Ўтмиш эса бу макон ва замонда олис-олисларга бориб туташади. Орадан қанча сиру-синоатлар кечгани ёлғиз Оллоҳгагина маълум. Инсон эса бу сиру синоатларнинг айримларинигина улар қолдирган из, ёдгорликлар орқали ўрганиб, пайқаб олади. Уни ҳам вақти-соати этиб келгандагина, холос.

Ҳа, инсон табиат мавжудотлари ичида энг сараси, ноёби бўлгани холда ақл ва яратувчилик кучига эга: қўлга киритган ютуқлари билан фахрланади, нуқсонлари билан ташвишланади. Шу маънода қўшиқ унга қадим-қадимдан йўлдош. Қўшиқ орқали ўтмишимиз-аждодларимизнинг расм-русумлари, орзу-армонлари бизгача этиб келган. Илк болаликдаёқ ўқиганларимиз – “Тўмарис”, “Широқ”, “Зарина ва Стриангия”, “Зариандр ва Одатида”, “Рустам”, “Тоҳир ва Зухра”, “Сиёвуш” афсоналари, “Уч оғайни ботирлар”, “Эгри ва Тўғри” эртаклари, яқин-яқинда ҳам эшитиб турганларимиз – “Хирмон қўшиғи”, “Майда” ва бошқа Меҳнат, Маросим термалари, марсиялар шулар жумласидандир.

Бобокалонларимиздан бири Махмуд Кошғарий X асрлардаёқ ўзидан олдинги халқ кўшиқларини бир неча жилдда тўплаб, бизга мерос қолдирган. Бунга биргина мисол келтириш кифоя.

**Кеча туруб юрир эрдим,  
Қора-қизил бўри кўрдим.  
Қатиғ ёни қўра кўрдим,  
Қоя кўруб баку оғдн.**

**Ўзи бориб укуш эвдим,  
Таълим юруб кучи гавдим.  
Отим бирла тагу авдим,  
Мани кўриб эси оғди.**

**Итим тутиб кўзи чолди,  
Онинг тусин кира юлди.  
Бошин олиб кўзи солди,  
Бўғоз олиб тугал бўғди.**

**Мазмуни:**

**Кечаси турнб (кезиб) юрардим,  
Қора-қизил бўри кўрдим.  
Бақувват ёйни (отишга) ҳозирладим,  
(У) кўрқиб қоянинг орқасига яширинди.**

**Шошилинич (бўрининг) кетидан тушдим,  
Кўп қувлаб бориб, кучидан толиқтирдим.  
Отим билан теварагида айланиб турдим,  
Мени кўриб эси оғди.**

**Итим тутиб бўғиб ётқизди.**

**Унинг жунини юлди (терисини шилиб олди),  
Бошидан тишлаб, қуйига судради,  
Бўғзидан тишлаб бутунлай бўғди (ўлдирди),**

Кўришиб турибдики, бунда ўша замон овчилигига тегишли ёрқин бир манзара берилади. Аммо қўшиқ жанри замоннинг ҳамма ҳолатларини ҳам қамраб ололмасди. Кенг кўламли ана шу ҳолатларни-элининг орзу-армонларини бахшилар ўз дўмбиралари билан куйлаб, неча-неча дostonларга жо қилдилар. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Фозил Йўлдош, Абдулла шоир, Ислом шоир ва бошқалар бирин-кетин “Тўрўғли”га тегишли қирк дostonни, “Орзигул”, “Ширин билан Шакар”, “Кунтуғмуш”, “Ойсулув”, “Алпомиш” дostonларини яратишди.

Биз бу дostonлар орасидан “Алпомиш” ҳақида тўхталамиз. “Алпомиш” бахшиларнинг энг севимли дostonи, шоирлик бешиги саналади. Уни ўзбеклар Алпомиш, қозоқлар Алпамис, қорақалпоқлар Алпамиз деб куйлайдилар. Асарнинг қозоқча вариантида жанжал чиқмайди. Қултой Бойбўрининг амакиваччаси. Ултон Қултойнинг никоҳсиз чўрисидан туғилган ўғли. Фарзандсиз Бойбўрининг уйида асранди ўғли Ултон баҳайбат, бесўнақай бўлиб ўсади (Кўкраги ғарамдай, бурни тепадай, ҳар тиши кетмондай, оғзи катта ўчоқдай, кўзлари чуқур зиндондай). У Бойбўрига кулоқ солмайди. Боласизлигини юзига солади. Шунинг учун ҳам Алпомиш катта бўлгач, унинг товонини қирқади. Ултонни ҳеч ким хуш кўрмайди, шу жумладан, Сарибий ҳам. Унинг ваъдасини бузиб, кўчага чиқиб кетишига сабаб битта: Алпамис Бойбўрининг ягона ўғли. Мабодо тақдир бевафолик қилиб, у ўлиб-нетиб қолса, элнинг қонуни бўйича Гулбарчин Ултонкулга қолади.

Ўзбек дostonчилигида, бу сал ўзгачароқ: воқеалар Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул талқинида хом сапчаларни узиш, Бойбўрининг «Бойсари ўлиб, моли ўғлимга қолади», дейиши билан, Эгамберди бахшида эса сув талашини атрофида кечади.

Фозил Йўлдош қуйидагича бошлайди:

“Қадим ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Олпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Олпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Иккови ҳам катта бўлди. Бойсари бой эди. Бойбўриси эса шоҳ эди, иккови ҳам фарзандсиз бўлди”.

Мана шу мисралар остида тинч, осуда ҳаёт ётибди: ота ўлиб, ўғли ўрнига ўтаяпти неча йиллар мобайнида шу ходиса такрорланадию, аммо халқ ўша-ўша бир зайлдаги меҳнат, уч маҳал қорин тўйдириш, эртанги кун умидида яхши тилак тилаб, уйқуга кетиш.., Лекин Бойбўри ва Бойсари салтанатга келиб, қандайдир ўзгариш сезилади: Бойбўри шоҳ бўлсада, Бойсари ҳам мустақил одам, “ўн минг уйли қариндош”нинг “улуғ тўраси”.

### **Муна элда мен ҳам бекман тўраман...**

**Ёки:**

**Муна элда ўзинг улуғ -тўрасан,**

**Ҳар не қилсанг, шоҳим, ўзинг биласан...**

Демак, бир элда, бир шоҳликда икки айри ҳокимлик, аммо қай жиҳатдандир бир ҳокимликнинг иккинчисига мутелик жойи бор. Добонбийларнинг шоҳлик даврида тўйлар бўлган, аммо ака-ука давридаги “бир чупарон тўй” бу шоҳлик салтанатида сифат ўзгаришининг содир бўлишида катта роль ўйнайди. Тўйда ака-ука илгаригидек иззат қилинмайди. Уларга ошнинг «кетини-бетини» тортадилар.

“Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй уллининг улидан, қизликнинг қизидан қайтади. Сенларнинг нимангдан қайтади? Улсаларинг молларингга ҳар меросхўр чиқадики, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан буёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-бети бўлади, Биз сенларнинг давлатингдан бўлиб оламизми?” Улар хафа бўлиб, чупаронларга саксон тилладан ташлаб, тўйдан чиқиб кетадилар. Фарзанд хусусида Шоҳимардон Али мазорига бориб

сиғинадилар. Қирқ кечаю-қирқ кундуз мозорни зиёрат қилганларидан сўнг гўрдан овоз чиқади:

“Бойбўри, худо сенга ул билан қиз юборди, бирданига эгизак юборди. Бойсари, сенга ҳам худо фарзанд ато қилди. Лекин эгизак эмас, битта қиз ато қилади, Энди уйингизга кетинглар, болалар туғилганда халққа катта тўй беринглар. Тўйга қаландар бўлиб ўзим бораман. Болаларнинг ҳар бирига исм кўяман”. Шу ерда бир чекиниш қилишга эҳтиёж туғилади. Бу фарзанд туғилиши билан боғлиқ бўлган “чекиниш”. Зеро, фарзанд туғилишини изоҳламай ўтиб бўлмас. Достонда қаҳрамон туғилиши диний ақидалар Шоҳимардон Алига, баъзи вариантларда ҳам қайд қилганимиздек, “яхши ният”га боғланади. Бу ерда биз қаҳрамон туғилиши ҳақидаги халқ тасаввури тўғрисида сўзлагумиз бор.

Фозил Иўлдош вариантыда қаҳрамон Шоҳимардол Али қудрати билан туғилади ва Алининг ўзи қаландар қиёфасида келиб, қаҳрамон икки курагининг ўртасига панжа уради, қаҳрамоннинг «ўтда куймаслиги, сувда чўкмаслиги, қилич чопмаслиги» шу билан изоҳланади ва етти ёшида бобосидан қолган 14 ботмон парли ёйни отиб, Асқар тоғининг чўққисини учиради. Демак, “Алпомиш”га ҳар бир бахши ўзича ёндошади. 1991 йил севимли диёримиз Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди ва БМТнинг тенг ҳуқуқли давлатларидан бирига айланди. Бу тўпланиб ётган муаммоларни (жумладан, маънавият соҳасида ҳам) ҳал этишга катта ва бебаҳо имконият яратди.

Ҳа, энди халқимизни қизиқтирган масалаларни чинакам ўрганишнинг вақти-соати етиб келди. Баҳор кириши билан табиат бағридан янги ўт-ўланлар, гул-чечаклар, турфа мавжудотлар бош кўтариб, атрофга бўй-қоматларини ростлаганидек, кўз ўнгимизда азиз Ватанимизнинг қайта туғилиши жамиятда, табиатда бетакрор ва улкан ҳодиса бўлди, башарий оламда тафаккур янгиланди. Шу маънода “Алпомиш” тафаккур мевасидир.

Эҳтимол, достоннинг урвоқ ҳамиртуруши қадим халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналари-термалар, кўшиқлар, афсона ва ривоятлар “Авесто”, “Девону луғотит турк”, ҳинд эпоси “Панжа тантра” (“Беш китоб ” ёки

“Калила ва Димна”), Энасой дарёси хавзаси руник ёзуви ёдгорликларига бориб туташар. Аммо бизнинг уларни ўрганишга, манбаларни мушохада этишга ҳозирча имконимиз йўқ. Гапни тўғридан-тўғри Хушбоқ бахши кўйлаган “Алпомиш”дан бошлайверамиз. “Хов-ва-ва! Азизлар, айтмоқ биздан, эшитмоқ сиздан. Ўн минг уйли Қўнғирот элидан, қавмларнинг тоза, хешу-хилидан. Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани илгари Хўжаиканд бўлган. Хўжаулкан деган жой бор: Шерободнинг устида. Хўжаларнинг улкани бўлган у кишилар олти оғайни бўлиб, бирлари Хўжа ал-Ҳаким ат-Термизий, Хўжа Исо Термизий. Хўжаикон туз кони чиқиб турибди у ерда, тўртинчилари Хўжаипок ота. Хўжаипок отадан сув чиқиб турибди. У кишининг сувларидан кимки ичса иймони пок бўлғай, ювинса дарддан фориғ бўлади. Бойсуннинг бундан минг йиллар илгариги номи Хўжаиканд эди. Япроқларидан қанд-шакар ёғиб ётар. Халки нон ўрнига шакарқанд еб, корин тўйғазар, шунинг учун бу ерлар Хўжаиканд деб аталар эди. Кейинчалик Хўжанд бўлиб кетди.

Хўжандда Добонбий деган ўтди. Добонбийнинг Олпинбий деган фарзанди бор эди. Олпинбийдан иккита ўғил қолди: бирини Бойбўри, иккинчисини Бойсаридегич эди. Бойбўри шу ерда бек. Бойсаридеги беш минг кўйли бой бўлди... Уларнинг давлатдан-савлатдан ками йўқ, фақат “тирноқ”қа ул-қизга зорлиги алам қиларди, оҳ-у зори шул эди. Ака-ука шул дард билан овда ухлаб ётганда, тушларида уч киши келиб, Бойбўрига сен ул-қизли бўласан, Бойсаридеги сен какликдай қиз кўрасан, деб башорат қилиб кетади. Улар шодон қайтишиб, элга тўй беришади...

Ана шунда, ху қаранг, раста-раста одам тўлиб кетди баланд-пастда, кўй сўйиляпди, сурнай чалиняпди, қозон кўйиляпди. Қўнғирот-Дўрмон, бутун Ўзбек мамлакати Чилвир чўлини, Ховдак кўлини босиб кетди... “Шундай адолатли пошшага ҳам Худо фарзанд берсин-а”, “Хушхабарига 6 ой тўй берса, зурёдлари дунёга келгач, боз 6 ой тўй беради, етим-есирларнинг бари тўйиб қолади”, “Худоё, яхшига берсин!...” дейишиб, баччағар ҳамма далага чиқиб кетди... Қозон кўйилган, кўй сўйилган,



одамлар гала-гала келаяпди, товоқлар тўртов ора кўйиляпди. Нафси ёмоннинг мурти куаяпди, “Жувонмарг ўлгур калвачча, нарироқ тур”, деб тумшуғига туртаяпди, ул эса онажон, билмасам, деб оғзини дастурхонга суртаяпди... Ҳов унда Бойбўри билан Бойсари курашга бойлик берса, бирови кўпкарига соврин қўяпди. Шуйтиб, тўй ўтаверсин, Оллоҳ таолонинг карами билан тўққиз ой тўққиз кун ўтиб, Бойбўрига аввал биргина фарзанд ато этди. Бойсари қиз кўрди. Улга Ҳакимбек, қизга — Барчин деб исм қўйишиб, иккинчисига қизга бўлинглар, дея эл ака-ука Бойбўри, Бойсариларга дуо беришди...”

Севимли достонимиз шундан бошланади.

Лекин бахшидан, “Бахши” аталган яхшидан достон тугул, биргина кўшиқ, терма, марсия айттириб ола билиш ҳам ўз-ўзидан бўлмаган. Омонулла Мадаев деган олим илмий ишни тайёрлаш арафасида Бола бахшини излаб, Хивага боради. Бола бахши нима сабабдандир ўша кунлари достон куйлашни ташлаган, торни қўлига олмасликка қасам ичган эди. Омонулла аканинг барча саъй-ҳаракатлари бекор кетади. Аммо Бола бахши-меҳмондўст киши, меҳмонни хафа қилмайди, ёр-жўраларини чақириб, меҳмон шарафига тўкин дастурхон ёзади. Аския, кўшиқ, куй осмонга ўрлайди. Устоз яхши рубобчи. У бир куй чалиб бериш баҳонасида рубоб сўраб, “Роҳат”ни, сўнг “Муножот”ни чалади. Бола бахши куйга берилиб, икки тиззасига урганча “ваҳ-ваҳ”га тушиб кетади. Ҳали “Муножот” тугамасданоқ қўлига тор олиб, терма бошлайди: унинг томирларида қотиб қолган завқ энди ҳайқириб оқаётган эди...

Бошқа бир ҳикоятни профессор Баҳодир Саримсоқов давом эттиради: “Маросим кўшиқларини тадқиқ қилаётган йилларим. “Хур қиз” кўшиғи борлигини эшитганман-у, қўлимда на матн бор, на қай тарзда, қай оҳангда айтилишини билмайман. Тасодифан (бу кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин!) қариндошлардан бирининг бўйга етган қизи қазо қилди. Таъзияга бордим. Менга яқин аёллардан бири мен билан йиғлаб кўришди, бўйнимдан кучоқлаб олган. Ўзимнинг бокира қиз учун дилим эзилиб турарди-ю, шу

пайтда мавзуни ўйлаганимни қаранг. Биламан, ҳали мурда ювилмаган. Ҳозир кизнинг янгалари кириб, уни ювиб, кафанлашлари керак. Ҳамиша ёнимда гугурт қутисидек магнитофон юради, ўшани таваккал қилиб, йиғлаб кўришаётган хотиннинг камзул чўнтагига солиб юбордим. Билиб қолса, шармандам чиқади. Нима қилай? Азага борган кампир ўз дардини айтиб, йиғларкан, ўлик кафанланди. Хаёлим ҳалиги хотинда. Аста яқинлашдим. У-бу, деб гапга солиб, чўнтагига қўл суқдим. Иш қилни хамирдан суғургандек битди”. Бизгача етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўпчилиги шу хил “тақдир”га эга. Аммо ўз бахшимиз Хушбоқ Мардонакул ўғли “Алпомиш” достони янгидан яраляпти...

Асарда, ошиқ кўнгилларни жазавага солган Барчиннинг қирқ канизи билан келишида шундай кўриниш бор... Элчилар, ҳа, айтганларингизни албатта, Тойчахонга етказамиз, деб, отларига минишаётганди, иттифоқо Сайрибоққа чиқиб кетган Барчин канизлари билан ёниб-товланиб, гулдай соланиб, аммо ўзи ҳам билибми-билмай, уларга яқинлашиб қолса бўладим-а?

**Бу оламда бир ўзи,  
Олло суйиб яратган  
Атрофда қирқ канизи,  
Ҳуснин яна таратган.  
Товусдай соллониши  
Тўрт томонни қаратган.  
Хайла Барчин хур нигор,  
Кўзлари хумор-хумор.**

**Дуо бериб юборган,  
Оқ сут берган энаси.  
Яқин келган одамнинг  
Тўкилади гуноси.  
Зар кўйлакка ярашиқ**

**Қўш мугизли сийнаси.  
Ўзи гул, парнрухсор,  
Кўзлари хумор-хумор:**

**Кўриб қолган одамнинг  
Олти ойлик озиғи.  
Кўрмай қолган бўлса-чи,  
Улам тақдир ёзиғи.  
Бир кўрганга белгили  
Қўлидаги узуги,  
Қелаётир дилафгор,  
Кўзлари хумор-хумор;**

**Зулфни тоблаб қўйдилар,  
Кўрганларни куйдирар,  
Кўкрагидан искасанг,  
Қирқ кунгача тўйдирар.  
Бир жилмайиб боқиши,  
Қайлиғингни куйдирар.  
Кимларга насиб бу ёр,  
Кўзлари хумор-хумор:**

**Босган ери миннатдор,  
Босмагани гинадор.  
Укчасини ўпмоққа  
Не маконлар зор-зор.  
Бизга ҳам етсин қадам,  
Деган жойлар бор-бор.  
Кимга шайдо Барчии ёр,  
Кўзлари хумор-хумор.**

**Руян текан келига,  
Шохи белбоғ белига.  
Бугун оро хусинда  
Ўзбекларнинг элига.  
Ман-ман деган парилар  
Сув қуёлмас қўлига.  
Зор тикилди жигитлар,  
Мақтал кетган йўлига.**

**Ҳавас қилганчалик бор,  
Кўзлари хумор-хумор.  
Қорли товлар газаси,  
Сочма милтиқ дазаси.  
Хайла келаётирлар,  
Сулувларнинг тозаси,  
Битга кучиб ўпсангиз,  
Ҳафта кетмас мазаси.  
Бахтли бўлсин пойдор  
Кўзлари хумор-хумор.**

**Нафсиятинг нақтаро.  
Қийқиллашиб кетаро.  
Доғда қолган жазманлар  
Кундан кунга баттаро,  
Оқ суягини отиб,  
Кўкса тошга етаро.  
Шундай бу Лайли ишор,  
Кўзлари хумор-хумор.**

**Гапнинг созин қидирсак,  
Сози йўқдир ростидан.  
Тиниб оқар жилғалар  
Оқ қорларнинг остидан;  
Бизнинг ўша Барчиной,  
Осмонимизда чин ой.  
Келиб қолди-ку хай-хай  
Ясовуллар устидан.**

**Не тонг, шуйтиб тўқнашди,  
Бойсарининг хур қизи.  
Бир зум каловлаб шашти,  
Юзи бўлди қирмизи.  
Энди ёри қўлласин,  
Тўғри йўлга йўлласин.  
Қочмоққа осмон-ер тор,  
Кўзлари хумор-хумор.**

Ясовуллар Барчинни кўришиб, ақлидан бегона бўлди. Баччағар Қўнғиротнинг шундай сулувлари бор экан-а? Булам бировнинг шўрида. Бизнинг Тойчахон мамлакатада тўқсонга алп бор. Таърифини эшитса борми, ақлидан адашади, бир-бири билан талашади, савашларга тушиб, савалашади. Алпларга айтамузи, кимлардан суюнчи оламиз, дейишиб, барининг кўнглига ғулғула тушиб, бораётибди...

Ҳа, шу “ғулғула” асарнинг бундан сўнгги барча боблари ва ғолибона ҳаракатларини белгилаб беради; Барчинни-вафоли ёр, алп аёл; Ҳакимбекни эса Алпомиш сифатида оламга танитади. Гап бунда ҳам эмас... Гап келтирилган таърифнинг қўшиқ бўлиб жаранглашида, тилининг равонлигида.

\* \* \*

“Алпомиш”нинг кўпгина халқларга кенг тарқалиши ва севимли асарга айланишига моҳияти бор: тарбиявий ва бадиий савияси бениҳоя юксак ва

халқчилдир. Халқ ҳаёти кенг кўламда кўрсатилган: қаҳрамонларнинг эҳтирос – ҳаяжонлари жўшқин, дўстларга нисбатан муҳаббатлари самимий ва ҳаётий.

Бошқаларида бўлганидек, унинг ҳам ўз нақорати бор: бу қаҳрамон ва персонажларининг сўнмас журъати, ҳар бир машаққат олдидан ҳам ўзини йўқотмаслиги, дўстга-меҳр, душманга-қаҳр, элига-содиқ бўлиш туйғуларида кўринади. Ҳар бир шоир ўзича ёндошган, Эргаш Жуманбулбулда ҳам сапчаларни узиш, Бойбўрининг “Бойсарини ўлиб, моли улимга қолади”, дейиши. Эгамберди бахшида-сув талашини. Хушбоқ бахшида-қий супуриш, икки овсин можароси мазмун мундарижасини очишга хизмат қилади. Пўлкандан-Ҳақимбек ҳам, Бойчибор ҳам, нортун ҳам бир кунда туғилади. Ҳақимбек бўталокнинг онасини эмиб, вояга етади. Диний руҳдан қатъий назар халқ донишмандлигида халқни бало-қазолардан сақлайдиган, унинг манфаатлари учун курашадиган баҳодирлар одатий тарзда туғилмаслиги керак, ва аксинча; уларнинг туғилиши ҳам катта бир воқеа сифатида кўзга ташланиши, ғаним кўнглига ваҳима, ларза солмоғи лозим. Баҳодир етти ёшида парли ёй отганда, рақибни кўкрагини захга бериб ётади, унинг етилиши ҳам ғайри табиий. Қоражон билан кучоқлашиб кўришиши, алпларнинг зўрини енгиши, мерганлиги, Сурхайилнинг қўлидан омон кутилиши, минглаб душманларни бир ўзи даф эта олиши баҳодирлик «санъат»ини оча боради.

Асардаги муҳим нуқталардан бири Закоат муаммосидир. У Абдулла шоир, Фозил шоир ва бошқаларда куйидагича талқин этилади. Айниқса, Ҳақимбек «шоҳлик, сипоҳлик илми»га қизиқса, Барчин «қўй соғмоққа уста» бўлмоқчи эди. Кунлардан бир кунини Ҳақимбек китоб ўқиб ўтирганда бахилликдан, саҳийликдан гап чиқиб қолди. Бойбўри Алпомишдан: “Киши нимадан бахил бўлади, нимадан саҳий бўлади”, деб сўрайди.

Хўш, Алпомишга қадар Бойбўрининг ўзи шоҳлик салтанатида ўтириб, мусулмон шариатининг “бахил”, “саҳий”, “закоат” деган тушунчаларини билмасмиди? Алпомишдан сўраган экан, унгача албатта, китоб кўрган, шариат қонун-қоидаларини билган зодагон давлат кишиси йўқ эди.

**Қурсин Ҳакимбеги мулла бўлибди,  
Безакот молларни харом билибди.**

Демак, дoston бошлама қисмининг бутун тайёргарлиги «закот» учун...

Хўш, аслида, закот солиш Бойбўрига нима учун керак бўлиб қолди? “Бу элларда закот йўқ” экан; бундан кейин ҳам закотсиз яшайверса бўлмасмиди? Бойсарининг молларини (Абдулло шоир нусхасида, айниқса) закот қилиш Бойбўрининг хаёлига дафъатан урилган нарса эмас. Ахир “Бойсари бой эди. Бойбўри шоҳ эди”. Бир элда иккови ҳам мустақил эди. Табиийки, шоҳ Бойбўрига бу ҳол ёқмас эди. Чунки, унинг бир эмас, икки устунлиги бор: “ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи... ҳам шоҳи, ҳам Барчиннинг қайин ота бўлмиши”.

**Сен эшитгин Бойсарининг тилини,  
Акам бизга миннат қилди улини.**

Зеро, Бойбўри Ҳокими мутлоқ бўлишни истар, Ҳакимбекнинг ўқиётган китобидан чиққан “закот” кўл келиб қолди. Бойбўри Бойсарининг молига муҳтож эмас, ўзиники ачиб ётибди. Лекин “давлати”да “ёлғиз иниси Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин”, шунга кўра Бойбўрига закот бериши керак. Майли, “ўз розилиги билан бир ориқ улоқни закот деб... берсин. Закот ўрнига ўтар”.

Закот деб бергандан сўнг бир ориқ улоқ берадими, бир йилқи подасини берадими, барибир қарамлигини намойиш қилган бўладида! Бойбўрининг закотдан ва «бир ориқ улоқ» найрангидан тутган мақсади шу. Шунинг учун ҳам кўчиб кетаётган укасини йўлдан қайтармайди, «закот» деган одатини тарк этмайди. Алпомиш Барчинга бораман деганда қаршилиқ кўрсатади,

Достон икки қисмдан иборат, бунинг ҳикмати бор: биринчи қисмнинг давом этиши-янгилик билан эскиликнинг ўртасидаги кураш, давлатчиликни қарор топириш учун ҳаракат, марказий давлат барпо қилиш учун ва Ҳокимиятга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш акс этади — Алпомиш енгиб чиқади. Афтидан ана шу икки қисм бир вақтда яратилганмас. Эҳтимол, улар икки қаҳрамон ҳақидаги достон бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик Алпомиш номи билан боғланиб, бир бутун достон шаклини олган бўлса, ажабланадиган жойи йўқ. Бу, албатта, асосий муаммо “закот” масаласидан келиб чиққан.

Эътибор беринг:

**Бойсарига энди хабар елибди,  
Элатидан катта-кичик келибди.  
Бир даврада маслаҳатни қилибди,  
Барчинни кузатиб қайтмоқ бўлибди.  
Халқни айтсак, гапнинг шу борасида,  
Бойсарибой икки ўт орасида.  
Қўйиб берса, бормайман деб турибди,  
Эли эса уни “зўрлаб” кўрибди:  
Сен қоларсан, кетар шундан элатинг,  
Сўнгра учмоқликка йўқдир қанотинг.  
Ўн минг уйли Қўнғирот эди қувватинг,  
Айт-чи, ёлғиз неларга сиғар ҳаддинг.  
Шу ер билса неча вақт тургансан,  
Қизинг талаш бўлиб, изза кўргансан.  
Бизнинг гапни ҳеч ҳам малол олмагин,  
Оқсоқолми, элдан ажраб қолмаган.**

Қавму қариндошнинг гапига қараб, Бойсари ҳам бир оғиз сўз айтиб турган экан:

**Қариндошлар эшит айтган сўзимни,**



**Қерак бўлса олиб кетсин қизимни.  
Бориб мен акамга таъна бўлгунча,  
Қалмоқ ўйиб олсин икки кўзимни.**

Бойсари Барчинни узатишда дейди:

**Тойрилиб бошимдан тожу давлатим,  
Бойбўрига танҳо қолди элатим.**

Демак, Бойсари акасининг “зарбидан сарсон бўлган”, “тож-давлат” бошидан кетган шоҳ эди. “Зақот” деган одатини қўймаган» акасига ўз мустақиллигини топтатишни, уруғларнинг бирлашувини истамаган бир шахс эди. Хўш, уруғлар бирлашдимиз? Давлат барпо бўлдими?.. Ҳа, Алпомиш ўзи билан бутун уруғни бошлаб кетди. Элат Бойбўрига танҳо қолди. (лекин бу билан ҳали-ҳануз муаммо тўла-тўқис ҳал бўлгани йўқ. Ҳа, худди шундай).

Бойсари ҳам ҳаётдан ўз “муқофот”ини олди, уни Тойчаҳон берди: ўз молларига ўзи етим бўлиб қолди. Шу ҳақда дейди:

**Чиқиб эдим, мен акамдан ўпкалаб,  
Ҳозир менга Қалмоқ бўлгандир тараф.  
Душман экан, билмаганим билдирди,  
Ҳар на деса айтганини қилдирди.**

**Арза берай Бойсун -Қўнгирот хокига,  
Элтсин Бойбўридай меҳрибонига.**

Лекин Бойсари ўз гапини яна ўзи қайтиб олади:

**Янглиш айтибман сенга сўзимни,  
Эсима олмапман Барчин қизимни.  
Ҳаялласанг оша оғир олмагин,  
Қизима бер, Бойбўрига бермаган.**

Бойсари жуда яхши биладики, уни кутқариш учун Барчин эмас, ё Алпомишнинг ўзи келади, ё Бойбўри лашкар тортиб келиши керак. Лекин, оғир аҳволда турганида ҳам, арзани Бойбўрига эмас, Барчинга бер, дейди. Тўғридан-тўғри Бойбўрига беришга бўйни ёр бермай, Барчин орқали аҳволини билдирмоқчи бўлади. Мағрурлик сина бошлайди. Аммо Бойбўри ҳам Бойсарини олиб келишга “кўзи учиб турган” эмас. Шоҳ анойилик қилмайди — Алпомишни йўлдан уради: “Бойсарининг қизини олиб келдинг, ўзини бошингга урасанми”, дейди.

**Бойсари ҳам тақдирдан кўрар-да,**

**Куни битса охир бир кун ўлар-да.**

**Тавқир «ўйин»лари шуйтиб кўп бўлар.**

**Ўлмаса бир куни кириб келар-да.**

Бойбўри Бойсарининг ўзи келишини, акаси оёғига бош уриб сиғинишини истайди. Асар ечимида Бойбўри фаолиятсиз туради: Бойсарига ўн одамани Алпомиш юборади.

Иккинчи қисм яратилишининг, тўғрироғи, мустақил бўлган бир дostonнинг 1-қисмига бириктирилиб, бир бутун асар ҳолига келтирилишининг яна бир ҳикмати бор. Биринчи қисмдаги мазмун асосини ташкил этувчи Алпомиш қиёфаси бошқа романтик, ишқ-муҳаббат дostonларидаги қаҳрамонлардан фарқ қилмайди. У етти ёшида Асқар тоғининг чўққисини ёй отиб, учуриб юборган алп бола. Ўн тўрт ёшида бир ўзи Қалмоқ юртига бориб, не-не паҳлавонлар орасидан ёрини олиб келган уддабурон ўспирин, куч-қувватига ишониб, учраган одамига дўқ қиладиган (Қоражон билан учрашув эпизодига қаралсин) елгагай чапани. У фақат паҳлавонгина эмас, аввало, инсон эканлиги намоён бўлади, инсоний ҳислари, дилидаги эзгу кечинмалар зоҳир бўлади. У халқ ҳаётини, муҳаббат, соғинч деган энг муқаддас туйғуларни бутун қалби билан ҳис қилади. Бу қисмда Алпомиш қиёфаси сайқал топади. Аниқ қиёфадаги қаҳрамон инсон бўлиб гавдаланади.

Фольклорда “севги” мавзуси одамни одам қиладиган, кишини қаҳрамонликларга ундайдиган воситадир. Барчин муҳаббатни доноликнинг бир қисми сифатида қабул қилади. Ҳақиқатда ҳам муҳаббат ҳаёт мундарижасининг бир қисмидир. Муҳаббатсиз ҳаёт йўқдир... Алпомиш ва Барчин муҳаббатни шундай тушунадилар ва шунинг учун Барчин ўз севган кишисининг қаҳрамонлик курашида ғолиб чиқмоғини юракдаи тилайди. Бу жойда Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асари ёдга тушади (Изоҳ: Шота Руставелининг таваллуди, вафоти йиллари ноаниқ, Малика Тамара 1184–1207 ҳукмронлиги даврида яшаган, малика саройида хазиначи бўлган, асарини ҳам Тамарага бағишлаб ёзган. Б.М.). Бу асар қаҳрамони Нестан, Дорижон ҳам худди Барчин сингари ўз севгиси Тариелни қаҳрамонликка ундайди.

**Наҳотки муҳаббатда ёлғиз ўлим, алам бор,  
Севганингга иш кўрсат, ўзингни қилмагин хор.  
Оқ йўл бўлсин жангга бор, душманни тўғра тошда,  
Шараф ва шон билан қайт, қудрат бордир қуёшда**

Барчин Алпомишга айтади:

**Бу душманни кўкка отсанг не, бўлар,  
Иш кўрсатсанг менниг кўнглим топилар.  
Мардлар олитмайди: силтаб отади,  
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.  
Бўш одамнинг нияти ланж, иши ланж,  
Бўш одамда омад, қарор нетади!...**

Достондаги шартлар бошқаларида ҳам ўз ифодасини топган. Лекин бунда ва талқинларнинг кўпчилигида шарт учта: қирқ кунлик пойга, кураш, ёяндоз. Пўлкан ва Берди бахшида шарт иккита: пойга ва кураш. Бекмурод Жўрабой ўғлида (Қорақалпоқ талқинида ҳам). Баъзи бахшиларда тўртинчи шарт ҳам ифода қилинган. Бу шарт бўйича Алпомиш Барчинни аравадан

кўтариб олиб, тўй бўладиган жойгача қўлида кўтариб кетиши керак эди, ammo у урф-одат бўйича қўйилган бу шартни бажара олмайди. У шартни ўринлата олмагач, Барчиннинг қўлидан тортади. Барчин қимир этмайди, кейин Барчин унинг қўлидан тортса, чайқалиб кетади. Кейин ўлан айтишуви бўлади. Барчин ўланнинг-айтган шеърий топишмоқларнинг мағзини Алпомиш айтиб бергач, қиз ўзини енгилган ҳисоблайди. Бошқа вариантларда учрамаган бу ҳолат, эҳтимол, қадимий афсона шаклини ифода қилар.

Биз. дostonдаги бир қатор ниятларнинг юксак руҳият билан қўйланганлигини ва бу асарнинг ниҳоятда халқчиллигини кўриб чиқдик. “Алпомиш”нинг кўпгина халқларга кенг тарқалиши ва сеvimли асарга айланишининг маълум сабаби бор. Дostonнинг ғоявий-бадий қиммати бениҳоя юксак ва халқчилдир. Унда халқ ҳаёти кенг кўламда кўрсатилади, қаҳрамонларнинг ҳаяжонлари, жўшқин қалблари, дўстларига бўлган оташин муҳаббати жуда ҳаётий, ифодали қилиб тасвир қилинади.

Алпомиш фақат қаҳрамонгина эмас, аввало инсон эканлигини намоён қилади, инсоний ҳислари, дилидаги эзгу кечинмалар зоҳир бўлади. У халқ ҳаётини, муҳаббат, соғинч деган энг муҳим муқаддас туйғуларни бутун қалби билан ҳис қилади. Дoston давомида Алпомиш қиёфаси сайқал топади. Эл ҳурматиға сазовор қаҳрамон, етук инсон бўлиб гавдаланади. Қарама-қаршилиқлар билан тўлган жамият, турмуш Алпомиш билан Барчин бошиға жуда катта кулфатлар солади, уларға ҳар қадамда бахт ўрниға мусибат ёпишади. Ниҳоят Барчин... ўз замонидан нолийди:

**Бузилеин, йиқилсин, бу чархи қошод,  
Дунёнинг ғамидан бўлмадим озод.**

Алпомиш зиндонға тушиб, етти йил банди бўлиб ётади. Кўзига жаҳон қоронғу бўлиб кўринган ботир подшоларнинг ишидан шикоят қилади:

**Оҳ тортсам тўкилар кўзимнинг ёши,  
Илоҳим, қурисин подшолар иши.**

Алпомиш одамзод хақида, унинг озодлиги тўғрисида ўйлай бошлайди. Алпомиш калмоқ шоҳи, унинг давлати билан курашади, уни йиқитади, ўз элида бўлганида ҳам Алпомиш юртда тинчлик ўрнатиш, халқининг осойишта яшаши учун уринади. Достонда Алпомиш билан Барчин орасидаги муҳаббатнинг софлиги ва тиниқлиги йигитнинг қаҳрамонлигида, қизнинг садоқатида кўринади, шаклланади. Достоннинг қимматли хусусиятларидан бири шуки, Алпомиш билан Барчин орасида муҳаббат бор, улар бир-бирисиз туролмайдилар, деб қуруқ изоҳ берилмайди. Уларнинг бир-бирига бўлган садоқати, ички кечинмаларида яққол кўринади.

**Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси,  
Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси.  
Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,  
Мени билсанг Қўнғирот элнинг тўраси.  
Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим,  
Суқсурни излаган лочин бўламан.  
Боғларим зумраддан, чанғалим пўлат,  
Қўнғиротдан қўйилган шунқор бўламан.  
Бойлигидан бедов отни бойлаган,  
Таянчга ташлаб Олатоғни ёйлаган.  
Камбағал қирқ минг бир гала ҳайдаган,  
Шу галага бизнинг бир туя келган.  
Шу туянинг йўқчиси, нори бўламан,  
Ҳаератдан ғамга тўлдим оҳ уриб.  
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб...**

Бу ўхшатма орқали айтилган гапларда Алпомишнинг дил изтироби, соғинчи зоҳир. “Алпомиш”да муҳаббат-дўстликнинг асосидир. Бир-бирига бўлган севги ва дўстлик Алпомиш билан Барчин учун ёмонлик устидан бўлган тантанани таъмин қилади. Достонда муҳаббат тасвири жуда чиройли

чизикларда кўрсатилади. Бошқа дostonлардан фарқ қиладиган томони шундаки, унда йигит билан қиз тенг кўрсатилади, иккови ҳам ўз тақдирини ўзи хал қилади, бу жиҳатдан Барчиннинг мукамал ишланган қиёфаси билан боғлиқ сюжет чизиғи жуда характерлидир.

Шоир Барчин қиёфасини сатрма-сатр, воқеадан-воқеага ривожлантириб боради ва бу қиёфа ўқувчи кўз олдида чинакамига ва халқчил бўлиб гавдаланади. У Алпомишдан ҳам кўра садоқатлироқ, ботирроқ, фаолроқ қилиб тасвир этилади. Барчин озод ва эркин ишқ тарафдори. Бу йўлда уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Унинг учун ер юзида ҳақиқат, чин муҳаббат, одамшавандалик бўлса бас, шу йўлда у ҳамма нарсадан кечади.

**Молу мулку, хону моним керакмас,**

**Фасли баҳор-гулистоним керакмас.**

У бу жиҳатдан Алишер Навоий яратган ўлмас Ширин қиёфасини эслатади. Ширин ҳам Хисрав чанғалида қолганда:

**Менга не ёру, не ошиқ хавасдур,**

**Агар мен одам ўлсам ушбу басдур,**

дейди.

Барчин қалмоқ полвонлари ўртасида талаш бўлиб қолганда, Бойсари гангиб қолиб, оқсоқолларга маслаҳат солади. Оқсоқоллар ўз маишатининг бузилмаслигини истаб, Барчинни қалмоқларга беришни маслаҳат берадилар. Аммо, Барчин ўз мустақиллигини топтатиб қўядиган, тақдирини оқсоқоллар кўлига топшириб қўядиган мунгли, муштипар эмас. У эски турмушнинг тағ заминига ўт қўйиб, оқсоқолларни лол қолдиради:

**Жуда ҳам гангиди бой ота бошинг,**

**Маслаҳат берди-ку, қавми-қардошинг.**

**Кўп йиғлама жоним отам, дарвешим,**

**Эшитмагин қариндошлар сўзини...**

**Сен йиғладинг, ота, кўнглим бузилди,**

**Дийда-гирён бўлиб бағрим эзилди.**

**Қўябер алпларга менинг ўзимни,**

**Қалмоқларга жавоб бермагим даркор.**

**Хафа бўлсанг менинг кўнглим бузилар,**

**Ул алпларга мен бўламан баробар.**

**Хафа бўлма, ота, ўзимга ташла:**

**Жазосини кўриб кетсин қалмоқлар.**

**Ярашиққа мен зулфимни терарман,**

**Қалмоқларга гапирмакка ярарман.**

**Нима деса, ота, жавоб берарман,**

**Хаёлингда кийин бўлгандир игаинг.**

**Мен биламан жуда гангиган бошинг,**

**Хафа бўлма, жоним отам, дарвешим.**

**Ҳар на деб амр этсанг ани қилайин,**

**Бу алпларга ўзим жавоб берайин.**

Барчиннинг чуқур лиризм билан суғорилган монологи шунчаки ғамгин отага тасалли бериш, ёки лоф эмас, ўз кучига ишониб, шундай дегани учун ҳам “маслаҳатгўй”ларнинг кути учади. “Бу ҳам ўзбошимча жувонмарг... алпларга баланд-паст гапирар, касофатига ҳаммамизни оёқ ости қилиб, босиб кетар. Жавоб бергич бўлса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда жавоб берсин”, дейди оқсоқоллар.

Барчиннинг юқоридаги монологда ҳам, қалмоқларга айтган “баланд-паст” гапларида, бутун хатти-ҳаракатида ор-номус учун, самимий муҳаббат учун кураш ғояси барқ уриб туради ва бу ғоя Барчин қиёфасини халқчил қилиб кўрсатади. Барчин ўзигагина мард, ўзигагина ор-номусли бўлиб қолмайди, у севгилисидан ҳам қаҳрамонлик кўрсатишини, ўз ор-номуси учун курашишини талаб қилади. У ахир, Алпомишнинг мукамал одам эканлигини, муҳаббати, эл-халқи, ўз ор-номуси учун ўлимдан ҳам қайтмаслигини бутун элга намоиш қилгиси бор. Инсоний ҳислардан тубан, фақат ўз билагига ишонган Кўкалдошлар эмас, балки гўзал инсон эканлигини айтгиси бор. Шунинг учун ҳам Алпомиш келиши билан этагидан ушлаб, эргашиб кетавермайди, унинг олдига тўртта шарт қўяди.

Хушбоқ бахшидаги шартларнинг тўртта бўлиши ва уларнинг бири (пойга) Қоражон ва Бойчибор орқали амалга ошиши, иккитаси қаҳрамоннинг ўзи томонидан қилиниши ўқувчининг қаҳрамон қиёфаси атрофидаги воқеалардан чалғитмайди ва бу шартларнинг бажарилиши, биринчидан, Алпомиш ва Барчин қиёфаларининг очилмаган қирраларини кашф этса, иккинчидан, асарнинг иккинчи қисмига замин ҳозирлайди.

Достоннинг Хушбоқ бахшидаги нусха шартлари тўртта бўлишининг яна бир хусусияти шундаки, улар орқали Алпомиш қиёфаси яна ҳам маҳобатлироқ кўринади. Шундай қилиб, Алпомиш билан Барчин муҳаббати асарнинг бош мазмуни билан йўғрилиб кетган: чин инсоний муҳаббат эскилик устидан ғалаба қозонади. Душманни. ер билан яқсон қилади. Асарнинг бош мазмунини белгиловчи яна бир мотив бор: бу муҳаббат билан чамбарчас боғланган дўстлик мотивидир. Дўстлик достон ғоявий асосининг бош мотивларидан бири бўлиб, халқ руҳига ва қаҳрамонлик эпоси характериға мос тушади. Бу мотив барча талқинларда ҳам достон сюжетининг ажралмас қисми бўлиб кўринади.

Алпомиш билан Қоражон орасидаги самимий дўстлик бу халқлар дўстлигининг рамзий ифодасидир. Тарихий манбаларнинг берган маълумотларига қараганда, XV-XVII асрларда қўнғиротлар билан қалмоқлар бир-бирларига ўт билан сувдек душман эканлар. Бу душманликни босқинчилик урушлари олиб боришдан манфаатдор бўлган ҳоким синф вакиллари ўт олдириб турган. Маълумки, ўзаро уруш ва талашларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халқ зиммасига тушарди. Мамлакат ичидаги талонтарождик, ўзаро келишмовчиликларнинг ўзи етиб ортар, ҳоким синф вакиллари келишмовчиликларни ҳам ўт олдиради, ота билан бола, ака билан ука орасига нифоқ солиб, ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилар эдилар.

“Алпомиш” достони сюжетида оқсоқоллар қиёфаси муҳим рол ўйнайди. Оқсоқолларнинг мунофиқлиги юксак бадий маҳорат билан фош қилиб ташланади. Уруғчилик даврининг зодагонлари Бойбўри билан Бойсари ўртасидаги келишмовчиликни авж олдирадидилар. Бойсари Қашалга кетаман деганда, оқсоқоллар уни қувватлаб, юрагидаги аламини аланга олдирадидилар.



Улар ака-укани яраштириб қўйишдан манфаатдор эмас. Эл тинч бўлса-тўкинлик бўлади, оқсоқол ва уларнинг бозори касод бўлади, лекин бу зодагонлар шундай мунофиқки, ўзлари ишни қилиб қўйиб, четда турадилар ёки бировларнинг қўли билан иш қиладилар. Уларнинг аниқ маслаҳат бермаганларида жон бор. Бойсарининг бошига бирор мусибат тушса, ҳеч ким уларга таъна қилолмайди. Дарҳақиқат, Барчин талаш бўлиб қолганда: “Бу элларга бошлаб келган ўзингдир”, деб мум тишлайдилар. Аммо, улар бу мунофиқлик билан чекланмайдилар. Бойсарининг номусини, орини ҳам оёқости қилиш билан бойимоқчи, эркин яшамоқчи бўладилар.

Икки ўринда эпизодик тарзда кўринган зодагонлар сюжети зиддиятнинг кескинлашувида жуда катта рол ўйнайди. Зодагонларнинг мужассамлаштирилган қиёфасига қарама-қарши ўлароқ, Алпомиш билан Қоражоннинг самимий дўстлигини тараннум этувчи ажойиб бадиий лавҳалар берилади. Ички ва ташқи душманларнинг-зодагонлар ва Тойчахонларнинг ана шундай мунофиқликлари, босқинчиликлари шароитида халқ оммасида золимларга қарши биргалашиб курашиш учун бошқа халқлар билан дўстона яшаш нияти туғилиши табиий эди. Ана шу соф ва эзгу ният Алпомиш билан Қоражон дўстлигида ўз аксини топади. Қоражоннинг Алпомишга дўст сифатида таърифланишида катта бир ижтимоий манфаат кўзда тутилган: иккови ҳам ҳаётда қаллоблик нималигини билмайди. Озодлик, фаровон ҳаёт кечиришдек умумий мақсад учун Тойчахонлар, Ултонларга қарши кураши уларнинг дўстлиги, бинобарин, икки халқ дўстлигининг негизидир.

Ҳақиқий дўстлик ҳамиша катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қизиқиш, мақсад ва вазифаларнинг умумийлигидан келиб чиқади. Бу сиз ҳақиқий ва мустаҳкам дўстликнинг бўлиши мумкин эмас. Алпомишнинг бирор мамлакатга, бирор халққа ёмонлик қилиш нияти йўқ. Қалмоқ юртига икки марта сафар қидади, биринчисида севимли ёрини қутқариш учун борса, иккинчисида зулм остида қолган Бойсарини қутқариш учун сафарга отланади. Ҳар икки сафарда ҳам қалмоқларнинг ўзлари Алпомишни турткилайдилар. Шундай зўрлик ишлатилган пайтда Алпомишнинг қарши туриб, куч синашиши табиий эди.

Алпомиш ор-номус майдонида ҳақиқат учун курашади. Алплар майдонда ер билан яксон бўладилар. Алпомиш ўз юртига ғалаба билан қайтаётганда қалмоқ лашкарини Қалмоқ шоҳига алданган, лақма деб билади ва уларга ҳужум қилмоқчи бўлган Қоражонни қайтаради. Аммо, қалмоқ лашкарбошилари уруш очадилар ва мағлубиятга учрайдилар. Алпомишнинг кўнглида Тойчахонга, золим шоҳга нисбатан қаттиқ нафрат уйғонади. Маълумки, қаҳрамоннинг жисмоний қудрати, унинг баҳодирлик кучи “Алпомиш”нинг барча нусхаларида поэтик айтишув хусусияти қаҳрамон маънавий қиёфасини, баҳодирлар дўстлигини белгилайди.

Дарҳақиқат, шундай. “Алпомиш”нинг уч талқинида ҳам яккама-якка курашда Алпомиш енгиб чиққач, Қоражон билан Алпомиш ўртасида дўстлик иплари уланади ва бу дўстлик бир умрга етади. Қоражон Алпомишнинг кучига тан беради, аммо қўрққанидан қаҳрамон билан яқинлашмайди. У Алпомиш билан онгли равишда дўст бўлади ва онгли равишда кўнғиротлар манфаати учун курашади. Бу билан у ўз юртига, халқига хоинлик қилаётгани йўқ. У золимларга қарши, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун курашади. Қоражон пойга маҳалида Кўкалдошнинг насиҳатига кулоқ солмайди, у худди ана шу ҳақиқат ва адолат учун ўз акаларидан воз кечади. Бу жуда муҳим нуқта. Ўқувчи Қоражонни айбламайди, чунки ўқувчининг меҳри Алпомиш тарафида ҳақиқат ва адолат томонида тасвирланади. Бу дўстлик инсон дунёқарашидаги буюк одамий гўзаллик, кишилар ўртасидаги мураккаб ўзаро алоқалар орқали ёрқин намоён бўлади.

“Алпомиш” достони аввало, қаҳрамонлик эпоси бўлиб қолар экан, бу хусусият Фозил шоир ижросида дўстлик руҳиятининг соясида қолмайди. Яъни, Алпомиш ва Қоражон ўртасидаги дўстлик Алпомишнинг қаҳрамонлигини кўрсатиш масаласига мутлақо салбий таъсир кўрсатмайди. Айни чоқда фольклоршунос олимларнинг диққатини ўзига тортган ва катта мунозараларга сабаб бўлган эпизодни мисол қилиб келтириш ўринли бўлур эди.

Маълумки, Алпомишга насбатан бўлган дўстликка ҳамиша содиқ қолган Қоражон Ултозтознинг майлига қарама-қарши ҳолда Қалмоқ юртига

боради ва зиндондаги Алпомишни қутқаришга ҳаракат қилади. Аммо Хушбоқ шоир фикрича, қаҳрамонлик эгасининг бош қиёфаси дostonда тасвирланувчи кураш давомида энг муҳим тўсиқларни ўзи енгиши лозим эди. Барчин шартларнинг бажаришда Бойчиборни Қоражонга берган Алпомиш энди унинг ёрдами билан озодликка чиқишни ўзига эп билмайди. Маълумки, Барчин шартларига кўра қаҳрамоннинг ўзи эмас, балки унинг оти мусобақада енгиб чиқиши керак эди ва пойгада Қоражоннинг катнашуви у қадар муҳим аҳамиятга эга эмасди. Кейинги эпизодда эса Қоражон Алпомишни зиндондан қутқазса, унинг енгишмас куч-қудратига, сабр-матонатига бўлган ҳурматини маълум даражада йўқотар эди. Шунинг учун ҳам Алпомиш Қоражоннинг хизматидан бош тортади.

Икки халқ вакили бўлган қаҳрамонларнинг жанговар дўстлик мотиви жаҳон эпосида кенг тарқалган мотивдир. Лекин бу мотив «Алпомиш»дан бошқа ўзбек дostonларида учрамаган ҳодиса. Кўриняптики, «Алпомиш» дostonида дўстлик, қаҳрамонлик, ҳаётга нисбатан гўзал муносабат билан ахлоқни мужассамлаштирмоқда. Замон ва маконда фаолият кўрсатувчи инсон ва унинг ижтимоий-тарихий конкретлиги санъатдагидек, фольклорнинг ҳам манбасидир. Инсон ва унинг моҳияти эса ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.

Ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган инсон санъат турларининг қай бирида бўлмасин, замон ва маконда ҳаракат қилади. Демак, у ижтимоий муносабатларнинг биронтасидан-сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик ва ҳоказолардан ҳоли бўлмайди. Фольклор қаҳрамонлари ҳам, шу жумладан, Алпомиш, Барчин, Қоражонлар қанчалик муболаға билан тасвирланмасин, воқеа-ҳодисаларга қанчалик романтик жило берилмасин, барибир ҳаммаси замон ва маконда ҳаракат қиладилар. Зеро, замон ва маконсиз ижтимоий ҳодиса йўқдир. Демак, халқ дostonларидаги асосий ғоялар-дўстлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик-замондан узилмаган. Фақат бу ғоялар бўрттирилган ҳолда ифода қилинади.

Бу жиҳатдан “Ёдгор” достони жуда характерлидир. “Алпомиш” туркумига кирувчи ушбу дostonда Алпомишнинг ўғли Ёдгор ва Ойдиной муҳаббати орқали дўстлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик сингари бир қатор жуда муҳим ахлоқий масалалар кўтарилади. “Ёдгор” романтик дoston. Унинг сюжетида янги мотивировкалар ёрдамида эски мотивировкалар такрорий ишланади. “Алпомиш” дostonидан тамомила фарқ қилувчи янги қиёфалар талқини берилади, янги-янги ижтимоий ҳодисалар акс этади.

Бу дostonда ҳар бир мотив, ҳар бир персонаж янги сюжет комбинацияларида зоҳир бўлади, ҳар бир эски мотив янги мазмун кашф этади. “Ёдгор”ни романтик дoston деб атадик. Маълумки, романтик дostonнинг ўзи икки хил: ишқий-романтик, қаҳрамонлик-романтик. “Ёдгор” қаҳрамонлик-романтик дostonдир. Романтик дostonда дostonчининг муҳаббат, ор-номус эркинлиги орқали эр-хотиннинг, ота-она ва боланинг ўзаро ҳурмати орқали бирлашган патриархал оила ҳақидаги ғояси акс этади. “Алпомиш”нинг тадқиқотчилари кўрсатганларидек, “Алпомиш”да эпик ва лирик мазмун муштарак ишланган. Ҳар бир мазмун ўз ечимига эга. Аммо, бу муштаракликда эпика мазмуни лирикани етаклайди. “Ёдгор” дostonида аҳвол буткул бошқача; дoston асосида лирик мазмун ётади, эпик тасвир лириканинг кўмакчисидир. Бу дostonда ҳар бир мотив, ҳар бир персонаж эски сюжет комбинацияларида зоҳир бўлиб, ишқий мазмун кашф этади.

Шундай бир савол туғилиши мумкин: жуда кўпчилик ўзбек дostonлари романтик характерда бўлиб, ишқий мазмун кашф этадику? Тўғри, ҳақиқатдан ҳам ишқий мазмун касб этмаган дoston йўқ: “Алпомиш”да ҳам, “Маликаи Айёр”да ҳам, “Ширин билан Шакар”да ҳам, “Рустамхон”да ҳам ва ҳоказоларда ишқий мазмун гоҳ етакчи, гоҳ кўмакчи чизик бўлиб келади. Аммо, “Ёдгор”даги ишқий мазмун буткул ўзгача характердалиги билан бошқа дostonлардан фарқ қилади. Бу ўринда “Ёдгор” дostonини Фозил Йўлдош ўғлининг ўз репертуаридаги “Зевархон” дostonи билан қиёс қилиш ўринлидир.”

Маълумки, “Зевархон” дostonи соф ишқий романтик дoston бўлиб, унда Зевархон деган бир шахзданинг ишқий саргузаштлари ҳикоя қилинади.

Аммо, дoston мазмунидан шу нарса англанишиладики, Зевархоннинг мухаббати интиқ мухаббат, у фақат севгилисига эришмоқ учун интилади.

Қаҳрамон, хатто, ватан, дўстлик деган буюк тушунчалар бу ёқда турсин, ўз мухаббат, ўз юраги учун ҳам кураша олмайди, у бунга қодир ҳам эмас. У хамиша йиғлайди, кимнингдир ёрдамига мухтож. “Ёдгор” достонида эса муҳим ҳаётий муаммолар кўтарилади: бу муҳим муаммолардап бири аёллар жасорати, қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигидир. Ҳа, “Ёдгор” достони батамом мустақил дostonдир. Унда “Алпомиш”дан фарқли равишда бошқа муаммо кўтарилади. Бу эрк учун курашдир. Бу дostonда зулмдан қочган ота-она ҳам, Ойдиной билан бутун эл ҳам она-юрт соғинчи билан яшайдилар, шу йўлдаги барча ғояларга қарши курашадилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асардаги зиддият инсонийлик билан вахшийлик ўртасидадир.

Қаҳрамонлар Ойдиной, Ёдгор, Шомурод, Ойжамол ва бутун кўнғирот эли чин инсоний мухаббат ва садоқат учун, Урозали, Чандана, Анор кампир, Жайнар полвонлар эса вахший хирс учун курашадилар. Бу кескин курашда инсоний мухаббат ва садоқат тантана қилади. Бундай зиддият Ислom шоир ижодидаги “Орзигул” достони асосини ҳам ташкил қилади. Лекин, икки дoston тубдан фарқ қилади. “Орзигул”даги зиддиятнинг кўлами воқеага ўтиб ривожлана боради, қаҳрамонларнинг манфаати кенгайиб боради. Қорахон асар бошида курашган бўлса, кейинги воқеалар ривожини ўларок, мустабид ҳукмронлигини сақлашга тиришади. Орзигул ва Сувонхоннинг ор-номус учун кураши катта ижтимоий аҳамият касб этади. Орзигул, Сувонхон ва уларнинг болалари ҳам Қорахонлар салтанатига қарши аёвсиз кураш олиб борадилар, бу қараш адолат билан жаҳолат орасидаги кескин зиддиятга айланади.

Энди яна “Ёдгор” достонига қайтайлик.

Шомурот элат билан кўчганда унга монелик қилинмайди. Бундай қилишга асос йўқ. Масалан, Ойдиной, Барчин сингари кўчишни қораламайди, отаси билан «бий бобо»сини келишувга чақирмайди. Агар Ойдиной ҳам Барчин сингари сафарга қарши чиқса, бу мотив мантиқсиз бўлиб қолар эди. Зеро, икки сафар бир-биридан фарқ қилади: Алпомиш бўлмаганда, Ёдгорнинг кўлидан ҳеч

нарса келмаган чоқда, бошни бекордан бекорга болта остига қўйиш беъманиликдир.

“Алпомиш”да қаҳрамонни Барчиннинг ўзи хат билан чақирса, “Ёдгор”да Шомурот қаҳрамонга хат йўлламайди. Икки ҳолат ҳам сюжет талабларидан, дostonларнинг ғоявий йўналишидан келиб чиққан: бинобарин, совчиларга жавоб беришда “Алпомиш”да Барчин биринчи бўлиб, ҳеч қандай ёрдамсиз қалмоқлардан ўзини ҳимоя қила олади. Иккинчидан, Бойсари Алпомишга бўйин эггиси келмайди... “Алпомиш”да Барчиннинг онаси сюжет ривожига унча катта рол ўйнамайди ва ўзида маълум ғоявий юклама ташиydi. Ойжамол содда хотинларнинг, ўзи қизининг бахтини нақд... қилишни хаёл қилган оналарнинг типик вакили. У келган совчиларни Шомуротга тўлиб-тошиб мақтайди. Шомурот эса, бу масалани ҳал қилишни қизнинг ихтиёрига ташлайди, қизни ҳал қилувчи ўринга қўяди. Лекин, бу ерда ихтиёрни қизга ташлашнинг икки дostonда икки маъноси, фарқи бор.

Бу ерда аввало, сиғиндилик масаласига тўхтайлик. Бойсари қалмоқ Юртига сиғинди бўлиб бориб, ўз мустақиллиги учун “зарини ҳам, қизини ҳам” ўртага тикади. Чунки, у оқсоқоллар маслаҳатига кўра қалмоқ шоҳидан паноҳ тилаб келган. Қизи талаш бўлганда ҳам шулар билан маслаҳатлашади. Улар эса, мунофиқлик қилишади. Бойсари гангиб қолиб ихтиёрни қизига ташлашга мажбур бўлади. Жуда эҳтиёткорлик билан шундай хулосани ўртага ташлаш мумкин: агар сюжет мантиқи, тўғрироғи, Бойсари қиёфаси мантиқи нуқтаи назаридан қаралса, мабодо Тойчахон совчи қўйса, Бойсари кўнган ва Барчиннинг фикрини сўрамаган бўлур эди. “Мол етмаса берай, Барчин қизимни”, деган гапини эслаш кифоя.

Шомурот аймақлар юртига сиғинди бўлиб борганда Арасхонни паноҳ тутиб бормаган, Арасхонга тиз букмоқчи ҳам эмасди. У Арасхоннинг ўзига шундай дейди:

**Бу юртларни, элни ҳавас қилганмиз,  
Аймақ халқи бизни дўстдек кўрар деб.**

## **Юртингизга биз сиғиниб келганмиз,**

Арасхоннинг Тойчахонга ўхшаб, ўзга халққа қутқу солиш нияти йўқ. У элибойларни бирон ғараз билан эмас, дўстона қабул қилади. Шомурот ва унинг оиласига хатар бошқа ёқдан туғилади: Урозали қушбеги ва подшо давлатида семириб, тўқликка шўхлик қилган аймақ подшолари уни кўрқитиб, қизини олишмоқчи.

Аммо Шомурот тап тортмайди: тили қисиклик жойи йўқ. У “Ота пири” Чандана чолни хайдаб солади. Чандана чол кўрқитиш йўлига ўтганда ҳам Шомурот қизини қушбегига беришга рози бўлмайди:

**Менинг сўзим ола бердинг қиёма,**

**Айтиб бориш у суянган тоғингга.**

Қушбеги хийла йўлига ўтади. У кампирлар орқали Ойжамолнинг кўнглини топади. Шомурот бу ерда хийлани сезгандек бўлади ва ихтиёрни Ойдинойнинг ўзига ташлайди. Лекин, ўзи рози эмас, фақат қизининг садоқатини билмоқчи: “Қизингнинг ўзи билан гаплаш, деди у хотинига. Қизинг Алпомишнинг, Барчиннинг таърифини эшитган. Ёдгорга кўнгил қўйиб юрган, бўйи етиб, умиди ортиб турганда, Ёдгордан кечиб, ҳозиргисини маъқул билса, мен нима дейман”. У қизига муштипар, заифа деб қарамайди, балки қизини ўз тақдирини ўзи ҳал қилувчи етук одам деб билади. Ойдиной отанинг мана шу катта ишончига, ҳурматига сазовор қиз бўлиб гавдаланади, Ойдиной биринчи кўринишданок, худди Барчин сингари алп қиз бўлиб намоён бўлади ва ўзига дарҳол ўқувчининг меҳрини товлайди. Ойдиной онасига шундай жавоб қилади:

**Опа, бунча ночор қилма ўзингни,**

**Етаклаб юрмагин мендай қизингни.**

**Асло ташлаб мен кетмайман Бойсунни,**

**Менга айтма, эна, бундай сўзингни.**

**Эна, аёллик қил кўнглинг бўласан,  
Мени ҳам ўзингдай мунгли биласан,  
Куч-қувватим Барчинойдан кам эмас,  
Аймоқлардан нега, ҳадик оласан?  
Қўя бергин ўз холима ўзимни!**

Шомурот “Мен шунинг учун сенга қизинг билан гаплаш, деб эдим. Бу бола нима деса қилади. Жуда алп жасадли, сахти келган, асли ақлли қиз”, дейди оталик ғурури жўш уриб. “Менинг бу қизингизга гапиргилим қолмади”, дейди Ойжамол бўшашиб.

Ойдинойнинг бу жавоби изсиз қолмайди. У ҳақиқатан ҳам аймоқ полвонларининг “жонига жафолар солади”. Ойдиной Ёдгорни банди қилиб, “ўлдирдик”, деб келган полвонларга қарши қирғинбарот уруш очади:

**“Ёдгор учун кечай жондан,  
Ўчим олай сен душмандан.  
Юз қайтармайин майдондан”,  
Бу сўзларни айтиб Ойдин.  
Бир ўзи ўртага тушди,  
Қайтмади, ёлғиз савашди.  
Қаранг, марднинг савашига,  
Номард тоб бермас ишига.  
Юрак бетлаб нечовлари,  
Келолмас Ойдин қошига.  
Шу замон белидан ушлаб,  
Полвонни отидан узди.  
Айналтиб отди далага,  
Бирор майдон уруш қилди.  
Бу майдонда юриш қилди,  
Бешта-ўнта полвон ўлди.**



## **Бу Ойдиной хўп иш қилди.**

Сюжетдан ажратиб бўлмайдиган бу эпизод, ҳатто, моҳият эътибори билан Барчиннинг қалмоқларга қарши кураш эпизодига ўхшайди. Фарқ қиладиган томони шундаки, Барчин қалмоқ полвонларидан ўзини ҳимоя қилганда, иложсиз қолиб Алпомишга элчи юборганда, Алпомиш олдига тўрт шарт қўйиб, шу шартларда Алпомишнинг ғолиб чиқишини чин юракдан истаганда умуман, унинг бутун кураш тарихида бир ғоя: уруғларнинг бирлашиши ва қудратли бўлиши учун интилиш, тараққийпарварликнинг тантана қилиши учун тилақдошлик яққол кўзга ташланиб турарди. Ойдинойнинг бу муҳорабасида эса ёрга садоқат, инсоннинг эркинлиги учун кураш ғояси ўртага ташланган. Худди Барчин сингари Ойдиной ҳам дoston сюжетида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Лекин, Ойдиной қаҳрамонга нисбатан ортиқроқ иш кўрсатади: у Ёдгорни қаҳрамонликка ундамайди, унга караганда ўзи фаолроқ кўринади.

Бу қиёфа кўп ҳолларда Тўмарисни эслатади.

Маълумки, Тўмарис ўз элатини Кир (Куруш) дан ҳимоя қилиш учун қатта қаҳрамонлик кўрсатган, босқинчи Кирнинг қалласини қонли мешга тикан эди. Тўмарис ҳақидаги афсонадан биламизки, Тўмарис баҳонасида душман зулмидан эзилган элат қасос олади. Ойдиной эса, Ёдгор баҳонасида, биринчидан ўз элининг шавкати ҳимоя қилса, иккинчидан ўзининг орномусини, муҳаббатини душмандан ҳимоя қилади.

Фозил Йўлдош ўғли айтган дostonларида кўзга ташланадиган бу ҳолатни типик ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Дostonларда тасвирланувчи йигитлардаги қаҳрамонлик, ботирлик, жасорат кўрсатиш хусусиятлари аёлларга ҳам хосдир. Жумладан, юқорида қайд қилиб ўтган қаҳрамон аёллар қатори Барчин назокатли ор, гўзал аёл, садоқатли маҳбуба сифатида тасвирланади. Шу билан бирга у кези келганда кураш иштиёқида ёнган мард қиёфасига киради.

Бир эпизодда Барчиной Бойчиборга қарата қуйидаги сўзлар билан муурожаат қилади:

**Қурри-ё, қур хайда, тўрамнинг оти!**

**Оқ тўшим яйловинг, сочим шипирги.**

**Куйганимдан гапни гапга улайман,**

**То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.**

**Эгам раҳм айласин қонли ёшима,**

**Сабаб бўлиб қўшгин тенги-тўшима,**

**Олмосдай тўғинг қордай тушима.**

**Қурру-ё қур хайда, тўрамнинг оти!**

Бошқа бир ўринда, у Алпомишни Кўкалдош билан кескинроқ кураш қилишга чақиради. У ўз ёрига далда беради:

**Йиқолмасанг, тўра навбат тилайин.**

**Эркак либосини ўзим кияйин.**

**Бор кучимни биллагимга йиғайин.**

**Бу қалмоқни пора-пора қилайин.**

Тингловчи Барчиннинг шижоатига қойил қолади ва тўла ишонади. Чунки, у ўрни келганда тўқсон ака-ука алплар олдида ўз ботирлигини кўрсатган ва уларни тан беришга мажбур этган эди. Ўзбек халқи ўз тарихида асрлар давомида чет эл босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Эрон шоҳлари, араб, мўғул, босқинчилари ўзбек халқини куллик асоратида сақлаш мақсадида бир неча бор Марказий Осиёга хужум қилган. Бошқа халқлар оғзаки ижодида бўлгани каби ўзбек фольклорида, шу жумладан, дostonларда ватанпарварликнинг акс этиши табиий бир ҳолдир.

Ватанпарварлик минг йиллар ва асрлар давомида алоҳида мамлакатлар халқларига сингиб кетган энг чуқур ҳиссиётлардан биридир. Ватанпарварлик халқ дostonларидаги ижобий қаҳрамонларнинг умумий хусусияти бўлиб

ҳисобланади. Чунки, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик каби қатор туйғулар диалектик бирликка эгадир.

Халқ оғзаки ижодини кенг ўрганиш унда Ватан мавзуининг қуйидаги масалалар асосида ёритилганлигини кўрсатади.

- Ватанга, халққа садоқат ва чет эл босқинчиларига қарши кураш;
- Қаҳрамон томонида ўз маҳбубасининг ватанини ҳимоя қилиш;
- Ўзга Юртлардан Она-Ватанга қайтиш.

Бу масалалар бахши дунёқарашининг, ватанга бўлган муносабатининг бадий инъикоси сифатида халқ дostonларига сингдириб юборилган. Айрим ҳолларда тингловчиларни қизиқтириш учун атайлаб киритилган қисмларда ҳам ана шу масала етакчи ўринни эгаллайди. Бу фазилат билан Фозил Йўлдош ўғли бошқа дотончилардан фарқ қилади. Масалан, Пўлкан ўз дostonларида ишқий саргузаштлар баҳонасида ахлоқий масалаларга мурожаат қилади. “Маликаи Айёр” дostonида Авазнинг сафарга чиқишдан мақсади Туркистон мамлакатидан Маликаи Айёрни Гўрўғлига олиб келиб бериш, бинобарин, у йўлида учраган душманни четлаб ўтиши мумкин. Аммо, Авазнинг кўнглига шубҳа тушади: “Душман Чамбилга қараб кетмаётганмикан?” “Қел-э, бу бадбахтдан бир савол сўрайми, қайси мамлакатга бораётганини, нима иш билан юрганини билай-ми”, деб Аваз дўқ уриб, бир сўз деди:

**Остимда бедовим ўйнар юз алвон,**

**Сўзимга жавоб бер фил минган душман!**

**Қайдан чикдинг, қайси элга борасан?**

**Мақсадингни баён айла бу замон!**

Фил минганнинг кўнглига келди: «Бу ўроқчига ош бериб келаётган ёш бола экан. Бизнинг подшоларимиз: Ўзбекнинг чивиндиғи ҳам дўқчил бўлади, дўқидан кўркма, дер эди. Дарвоқе, подшомизнинг айтгани рост экан. Шундай болалар менинг тарзимни кўриб, кўрқиб, шайтонлаб қолмай, мендан “Қаёққа борасан?” деб гап сўрайди: “Айтганда нима гапни билади бу”, деб бир сўз деди:

**Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,**

**Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча.  
Биров ўннга, биров сўлга юради,  
Мендан савол сўраб ишларинг қанча?!  
Отга солиб арпа билан ийирни,  
Қор ёққанда карвон солар чайирни.  
Арботининг шоҳи бизни буюрди,  
Мени сўрсанг Арботидан келаман.  
Сафар қилиб кўрай Чамбил белини,  
Вайрон қилай Гўрўғлининг элини.  
Арботида шоҳдан бўлди фармонлар,  
Улжа қилай Ғирот, Аваз улини.  
Эшит Макотилнинг айтган сўзини,  
Олиб келсам; Чамбилнинг Авазини.  
Шоҳим билан ваъдалашган шартим бор,  
Оламан юз-бешга кирган қизини.**

Аваз бу сўзни эшитиб, тўхтаб, ўзига-ўзи ўйлаб, айтди:

“Бу ёмон душман экан. Буни қўйиб юборсам, Чамбилга борар, тинч ётган элга ташвишни солар, халқни бесаранжом қилар, таваккал қилиб, ўзимни танитайин, бу балони элга ўтказмайин”, деб душманга қараб, ўзини маълум қилиб, бир сўз деди:

**Чамбил элда элнинг ғамин еганман,  
Сендан зўрни излаб, шикор қилганман.  
Душман излаб элдан чиқиб келганман!  
Мен бўламан Гўрўғлининг Авази!**

Шундан кейин Аваз Макотилнинг орқасидан келаётган Арботи қўшинларига қарши якка ўзи қирғинбарот уруши очади.

**Олти ёшда эр атаган,  
Йигирмада шер атаган.**

**Тоғларни отиб юборган,  
Полвон отамнинг ҳурмати.  
Учраса ёрнинг мардин,  
Кўзга дори пойи гарди.  
Бизлар Чамбилнинг жўмарди!  
Кирмаганлар номард бўлсин!  
Учраса ёри қабул,  
Ҳар маҳал ваъдадан топил.  
Майдонда кун пўлат довул,  
Тўймаганлар номард бўлсин!  
Душманни қилмоқ нобуд,  
Ичига ёқмоққа зўр ўт.  
Оқ кировка, олтин совут,  
Киймаганлар номард бўлсин!  
Эрлик билан бу майдонга,  
Кирмаганлар номард бўлсин!  
Қилич силтаб, бедов қистаб,  
Турмаганлар номард бўлсин!  
Олмосидан қизил қонни,  
Қуймаганлар номард бўлсин!  
Аваз ўғлон бунда тонҳо савашди,  
Турган душман ақли хушдан адашди.**

Бу ўринда Авазнинг ватанпарварлиги табиий эди. Чунки, Гўрўғлининг арзанда ўғли, Гўрўғли таъбири билан айтганда; “Чамбилнинг эгаси”, ўз ватанини душмандан ҳимоя қилиши, ватан йўлида лозим бўлганда жон фидо қилиши, шубҳасиздир. Аммо, дostonчи “Маликаи Айёр”да ватанпарварлик ҳислатини бўрттириб кўрсатади. Бундай бўрттиришда Асад ва Шодмон қиёфалари муҳим роль ўйнайди. Асад билан Шодмон Аҳмад Сардорнинг буйруғи билан Авазни ўлдиргани ва Ғиротни ўлжа қилиш мақсадида йўлга чиққанлар. Аммо, ватанга

душман хужум қилганда икковининг виждони тинч турмайди. Асад мерган кўрқоқлик қилиб чекинганида Шодмоннинг Асадга қилган таънаси, дўки, жуда характерлидир,

Асад мерган тала-тўпни эшитиб, уйғониб кетиб, Шодмонга айтади:

**Азон бўлмай боғда гуллар сўлипти,  
Аваз бориб, танҳо саваш қилипти.  
Тоғнинг нарёғига лашкар келипти,  
Кун туман, илғовли кунлар бўлипти.  
Журинг оға, Чамбил элга борайлик,  
Душманлар кесмасин танда бошимни.  
Сулайтмасин гавда билан лошимни,  
Кўрса албат қилар менинг ишимни.  
Бориб кўрай элда тенгу тўшимни,  
Журинг оға, Чамбил элга жўнайлик.**

Шодмон мерган Асад мерганга қараб бир сўз деди:

**Майдонда кесилар душманнинг боши,  
Қиёматга бўлар марднинг савашни.  
Бу майдондан қочган номарднинг иши,  
Жургин, Авазхонни излаб борайлик.**

**Бу ишларни қилган Чамбил Авази,  
Ўлимдан кўрқмайди Чамбил шоввози.  
Билмам қаён кетди бекнинг ёлғизи,  
Жургин, Авазхонни излаб борайлик.**

**Сенга айтай мен сўз билан жавобни,  
Майдон кўриб, ўлмоқ элга савобдир.**

**Мард йигит олдида майдон чиққан сўнг,  
Номард бўлиб қочмоқ, бизга не бўпти?!  
Жургин, Авазхонни излаб борайлик.**

**Чамбил элда баҳодирлик қиласан,  
Гўрўғлидан от-у анжом оласан.  
Майдон кўриб, қандай қочиб борасан,  
Чамбилда сўраса баҳодир беклар.  
Уялмайин қандай жавоб берасан?  
Жургин, Авазхонни излаб борайлик!**

Мен бир ўзим ёлғиз майдонга борадиган бўлсам, аввал сени ўзим ўлдириб, сўнгра ёлғиз ўзим борайин, деб қўлини олмос пўлатига узатиб, қилични қўлига олаборди. Шодмондан Аваз мерган қўрқиб: “Ундай бўлса, юрсанг юрабер, майдонга борамиз”, деб Шодмон мерганнинг орқасидан юраберди.

Биз юқорида Гафур Гуломнинг “халқ учун ватаннинг жуғрофий чегараси йўқ”, деган бир гапини келтирган эдик. Дарҳақиқат, дostonлардаги қахрамонларнинг ватани фақат Чамбил ёки Бойсун-Қўнғирот эмас, бутун башарият макони Ер юзидир. Аваз ва Шодмон, Асадлар дoston бошида бир-бирларига зид, душман сифатида тасвирлансада, аммо Чамбил манфаати ўртага тушганда яқдил бўладилар. Умуман, адабиёт ва санъат учун ватан, дўстлик, қахрамонлик тушунчалари тор доирада эмас, балки кенг манъода халқлар манфаати тушунчасидир. Навоий учун унинг асарлари учун Хуросон торлик қилар эди: унинг асарлари Шарқ учун ардоқлидир. Ватан бу халқлар манфаати, она ер тушунчасидир.

Фозил Йўлдош ўғли дostonидаги Фарҳод Алишер Навоийнинг шу номли дostonидаги Фарҳод сингари Ширин мамлакатига келиб, ўз юртини севмаганлигидан эмас, балки халқлар манфаатини кўзлагани учун фидокорлик кўрсатади. Иккинчи томонидан, севимли ёр адабиётда муқаддас

тушунча сифатида талқин этилади. Зотан, севмоқ ва севилмоқнинг ўзи инсон учун жуда ҳам юксак бахтдир.

Ўзбек халқининг “Алпомиш”дек буюк достони баҳонасида бошқа дostonлар ҳақида ҳам фикр юритдик. Жаҳон эпослари қаторидан муносиб ўрин олувчи бу буюк мумтоз асар минг йиллар бурун қандай яратилган бўлса, ҳозир ҳам халқимизнинг сеvimли дostonи бўлиб қолмоқда.

## **1.5. Ўзбек миллий дostonлари қаҳрамонларининг маънавий асослари**

**(Ўзбек миллий дostonчилигимизда акс этган қаҳрамонлар ва уларнинг маънавий қиёфаларининг тарихий таҳлили)**

Таниқли фольклоршунос олим Маматқул Жўраев “Алпомиш” дostonининг Сурхондарё талқинлари бўйича мукамал илмий тадқиқотлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришиб келмоқда. М.Жўраев ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос дурдоналаридан бири “Алпомиш” дostonи миллий эпик анъананинг кўп асрлик бадиий эволюциясини ўзида ифода этган дoston ҳақида кўйидаги манбаларни баён этади. Бу дoston сюжетининг архаик қатлами қадимги туркийларнинг мифологик тасаввурлари ва эпик анъаналарига бориб тақалади. Ўзбекистон Республикаси Президенти .И.А.Каримов ушбу дoston ҳақида тўхталиб; “Алпомиш” ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танги халқимизнинг юрак - юрагидан чиққан, ота - боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир<sup>28</sup>.

Дostonнинг ўзига хос талқинлари Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли ва бошқа кўплаб машҳур бахши - шоирлардан ёзиб олинган. “Алпомиш” дostonи Жанубий Ўзбекистон эпик ареалида, хусусан, Сурхондарё вилояти бахшилари репертуарида ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, жонли ижро ҳолатида ривожланиб, янада такомиллашиб

---

<sup>28</sup> . И.А.Каримов. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва пировард мақсадимиз. Т.,8 том, “Ўзбекистон”. 2000. (525). (Алпомиш дostonининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузас.1999 йил 6 ноябрь.). 78 бет.



бормоқда. Достоннинг Сурхондарё воҳаси достончилик мактаблари вакилларининг репертуарида мавжуд бўлган вариантлари сюжет қурилишининг ўзига хослиги, матнининг бадий жихатдан мукамаллиги ва Алпомиш ҳақидаги бир неча достонни ўз ичига олган наслий туркумлик сифатида шаклланганлиги билан ажралиб туради. “Алпомиш” достони кўнғирот версиясининг такомиллашишига катта ҳисса қўшган Сурхондарё воҳаси бахшичилигида учта достончилик мактаби, яъни Шеробод, Бешқўтон ва Бойсун бахшичилик марказлари мавжуд. XIX асрнинг ўрталарида Шеробод туманида яшаб, эл орасида “Қосим бахши”, “Қосим юзбоши” каби номлар билан машҳур бўлган Қосим шоир, Шеробод туманининг Истара қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Азон қишлоғида етишиб чиққан улкан сўз устаси Шерназар Бердиназар ўғли (Шерна бахши, Шерна юзбоши) – Шеробод достончилик мактаби анъаналарига асос солишган.

XIX асрнинг ўрталари - XX асрнинг бошларида Шерободнинг Бешқўтон қишлоғида яшаб ўтган машҳур достончи Алим бахши “Алпомиш”, “Оллонзар Олчинбек”, шунингдек, “Гўрўғли” туркуми достонларини маҳорат билан ижро этиб, кейинчалик ўзига хос эпик репертуари ва ижро усули билан фарқланиб турадиган “Бешқўтон достончилик мактаби”нинг асосчисига айланган. Бойсун достончилик мактабига эса 1827–1902 йилларда яшаб, ижод қилган Абдурасул юзбоши исмли машҳур бахши асос солган.

“Алпомиш” туркумидаги достонлар Сурхондарё воҳаси достончилик мактабларининг вакиллари эпик репертуарининг жавоҳири саналсада, улар халқ сайиллари, тўй-томошалар ва бошқа тантаналарда “Гўрўғли” туркумига қирувчи романтик достонларни, шунингдек, “Ёзи билан Зебо”, “Оллоназар-Олчинбек”, “Келиной” сингари достонларни ҳам куйлашган. 1890 йилда Термиз шаҳри яқинидаги Солиҳобод қишлоғида рус ориенталисти Е.Ф.Каль илк бор кўнғирот қабиласининг ойнали уруғига мансуб Омонназар бахшидан уч соат давомида “Алпомиш” достонини тинглаган. У ўз кундалигида “кўнғирот уруғининг ойнали шохобчасига мансуб Омонназар бахши уч соат мобайнида дутор жўрлигида “Алпомиш” достонини куйлаб берди”, деб ёзган.

Ўзбекистон илмий-текшириш институти Фольклор экспедицияси таркибида 1929 йил 17 июль куни Бойсун туманининг Паданг қишлоғида бўлган этнограф Л.П.Потапов, тилшунос Ғ.О.Юнусов ва фольклоршунос Ҳ.Зарифовлар “Қўнғирот ботири Алпомиш” ҳақидаги дostonни эшитишган. 1945 йилда Ҳ.Зарифов ва Қ.Мухамедовлар Шеробод туманининг Чигатой қишлоғида яшаган Мардонакул Авлиёкул ўғлидан “Алпомиш” дostonининг иккинчи қисмини ёзиб олишган. Шунингдек, “Алпомиш” дostonининг Сурхондарё вариантлари 1956 йилда Умир шоир Сафаровдан, 1958 йилда Мамадрайим юзбоши Мухаммадсодиқ ўғлидан, 1966 йилда шерободлик Бўри бахши Аҳмедовдан ҳам ёзиб олинган.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё воҳаси бахшилари репертуаридаги “Алпомиш” дostonи вариантларини тўла ёзиб олишга киришилди. Натижада шерободлик Хушвақт бахши Мардонакулов, ангорлик Чоршанби бахши Раҳматуллаев, деновлик Бобораҳим Маматмуродов, кизириклик Абдуназар Поёнов, музрабодлик Қора бахши Умировлардан “Алпомиш” ва “Ёдгор” дostonлари ёзиб олинди. Бундан ташқари, Алпомишнинг баҳодирлиги тўғрисидаги эпик асарларнинг фақат Сурхондарё воҳаси бахшилари репертуаридагина мавжуд бўлган ва бошқа ҳудудларда учрамайдиган “Бева Барчин”, “Ойтовка”, “Йўлчибой” сингари намуналарини ҳам ёзиб олишга эришилди.

“Алпомиш” дostonининг Сурхондарё вариантлари ўзига хослиги билан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ёзиб олинган вариант ва версияларидан жиддий фарқ қилади. Масалан, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Шеробод туманида Мардонакул Авлиёкул ўғли ижросида ёзиб олинган “Алпомиш” дostonи икки минг мисрадан ортиқ шеърый қисми ўз ичига олган. Мардонакул Авлиёкул ўғли талқинича, қалмоқшоҳнинг қизи Товка сайр қилиб юрганида тасодифан Алпомиш ётган чоҳнинг устидан чиқиб қолади ва сочи билан уни тортиб олмоқчи бўлади. Аммо Алпомиш унинг таклифини рад этади ва ўзининг учқур тулпори - Бойчибор ёрдамида чоҳдан халос бўлади. Бу вариантнинг ўзига хослиги шундаки, унда оти кўмагида

чоҳдан чиқиб олган Алпомиш қалмоқ шоҳининг қизи Товкага уйланиб, ундан Қаллочбек исмли ўғил кўради. Гарчи достон кўплаб иқтидорли ўзбек бахшиларидан ёзиб олинган бўлсада, бу мотив мазкур достоннинг энг мукамал нусхаларидан бири Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшаган Фозил Йўлдош ўғли вариантида ҳам учрамайди. “Алпомиш” достони Сурхондарё вариантларига хос энг муҳим белги - Алпомиш қайтиб келгандан кейинги ўлан айтишиш мотиви учрамаслигидир.

Умир шоир Сафаров ижро этган намуна 382 саҳифадан иборат бўлиб, Сурхондарё бахшилари репертуарида қайд қилинган “Алпомиш” достони вариантларининг энг мукаммали ҳисобланади. Бу вариантда Алпомиш Барчин тўғрисидаги хабарни чархи синган кампирдан эшитади. Шундан кейин Алпомиш Қултой билан кураш тушиб, уч марта йиқитгач, Бойчибор отни олишга муваффақ бўлади. Алпомиш билан Қоражоннинг дўстлашиши воқеалари туш кўриш воситасида эмас, балки яккама-якка куч синашиб, олишув тарзида тасвирланган. Достонда Барчин томонидан уч шарт: кураш тушиш, пойга ва олтин қобқни нишонга олиб отиш шартлари кўйилса-да, кураш мотиви талқинида Алпомиш барча алплар билан эмас, балки фақат Кўкалдош билангина кураш тушиши тасвирланади, холос. Сурхондарё бахшилари ижро этган “Алпомиш” достонининг ўзига хослигини кўрсатадиган энг асосий жиҳати, воҳа достончилигида бу эпос шу мавзудаги бир неча асарни ўз ичига олган туркум сифатида шаклланганлиги билан белгиланади. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги достончилик мактабларида Алпомишнинг ўғли ҳақидаги “Ёдгор” достони мавжуд, холос. Сурхондарё воҳаси бахшичилигида эса ушбу қаҳрамонлик эпосининг узвий давоми бўлган “Бева Барчин”, “Йўлчибой”, “Шомурод” достонлари ҳам ижро этилади. “Алпомиш” достонини асрлар давомида куйлаган бахшиларнинг импровизация қилиш маҳорати натижасида XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида алоҳида эпик асар сифатида ажралиб чиққан “Бева Барчин” (ёки “Барчин бекач”) достони 10214 мисра шеърӣ ва насрий қисмдан иборат. Бу

достон Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида яшовчи Чори бахши Умировдан ёзиб олинган.

Сурхондарё воҳаси достончилиги, жумладан, “Алпомиш” достонининг ижрочилиги бугунги кунга қадар ўзининг қадимий анъаналарини давом эттириб келмоқда. ХХІ аср бошларида “Алпомиш” достони бойсунлик Шоберди бахши, Исмоил бахши Анваров, деновлик Бобораҳим бахши Маматмурадов, қизириқлик Абдуназар бахши Поёнов, термизлик Илҳом бахши Норов ва бошқа бахшилар томонидан тўй-ҳашамларда, йилбоши - Наврўз сайлида, ҳосил байрамларида ижро этилиши бундан минг йил бурун юзага келган бу буюк достон тарихий-фольклорий жараёнда фаол яшашда давом этаётганини кўрсатади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг маънаода талқин қилинган, жаҳон адабиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Алпомиш” достони миллий маънавий жиҳатдан юксак тўйғуларни ўзида жам этиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, севги-садоқат, ор-номус, вафодорлик тимсоллари асосида яратилгандир. Достон ўзбек халқининг она-ватанга садоқати, ватан тупроғини муқаддас сақлаш, ватанни соғиниш, уни кўз қорачиғидек асраш, душманларга нафрат, жисмоний бақувватлик, тинчликка асосланиб, ҳар бир нарсани маслаҳат асосида ҳал қилиш ғояси сингдирилган<sup>29</sup>. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган. “Алпомиш”нинг қорақалпоқ<sup>30</sup>, қозоқ<sup>31</sup>, олтой версиялари достон шаклида<sup>32</sup>, татар ва бошқирд версиялари эртак ва ривоят шаклида бизгача етиб келган<sup>33</sup>. Ўзбеклар “Алпомиш”, қорапоқлар “Алпамис”, қозоқлар “Алпамис батир”, олтойликлар “Алип-Манаш”, қозон татарлари “Алпамша”, бошқирдлар “Алпамиша ва Барсин, ҳилуу” деб номлаганлар<sup>34</sup>. Ўзбек достончилиги таъсирида Алпомиш достони дастлаб эртак ва ривоятлар шаклидаги тожик вариантлари ҳам юзага

---

<sup>29</sup> Алпомиш, Т., 1998; Алпамис, Т., 1998;

<sup>30</sup> Алпамис, Нукус, 1981.;

<sup>31</sup> Алпамис-батмир, Алма-Ата, 1961

<sup>32</sup> Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т., Узбекский народный героический эпос, М., 1947;

<sup>33</sup> Об эпосе “Алпамыш”, Т., 1959; Жирмунский В. М., Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., 1960;

<sup>34</sup> “Алпомиш” — ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”.– Т, 1999.

келган. Ўрта аср ўғуз эпосининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган “Китоби дадам Кўркут” таркибидаги “Бамси Байрак” (Изоҳ: “Китоби дадам Кўркут” – “Кўркут бобом китоби” ёки “Кўркут бобом ҳақида китоб”, “Китоби дада Кўркут” – “Кўркут бобо китоби” ёки “Кўркут бобо ҳақида китоб”, гоҳо қисқача “Дада Кўркут” – “Кўркут бобо”, унинг таркибида “Бойбўри ўғли Бамси Байрак ҳақида қўшиқ” номли катта қисм мавжуд. Б.М.) асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан “Алпомиш” достонига яқин туради<sup>35</sup>.

“Алпомиш” дунё эстетик тафаккури тарихида камдан-кам учрайдиган фавқуллодда ва ноёб бадиий ҳодисалардан биридир. Унинг фавқуллодда ва ноёблиги шундаки, қадимиятда яратилган бу улкан эпос бахшилар томонидан асрлар давомида қуйланиб, жонли эпик анъаналарда оғзаки равишда бизгача етиб келди. Шунинг учун ҳам у бугунги кунда қадимиятнинг буюк бир эҳсони, ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айна пайтда жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида халқ оммаси руҳининг объектив ҳолатини даврлараро ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, кўплаб вариантларда ва хилма хил кўринишларда аждоодлардан авлодларга етиб келган адабий ёдгорлик, халқ миллий тарихидаги қаҳрамонлик воқеаларининг афсоналар қобиғига ўралган ўзига хос бадиий ифодаси, буюк эпос сифатида баҳоланади.

“Алпомиш” достони бундан минг йил олдин туркий халқларнинг қадимги достончилик анъаналари асосида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида яхлит достон шаклини олган бўлсада, аслида “Алпомиш” достонининг энг қадимги қатламлари миллиоддан аввалги юз йилликларда юртимизда кечган жараёнларнинг бадиий талқинини ўзида акс эттирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маънавий салоҳияти кучли бўлган достон хусусида тўхталиб: “Алпомиш” достони – бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Негаки, Сурхон воҳаси, аввало, ”Алпомиш” достони туғилган қутлуғ маскан. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда,

---

<sup>35</sup> Хош Ниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳрамонлик дастанн “Алпамис”.– Нукус, 1992.

баланд тоғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол кўлларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган”<sup>36</sup>.

Кўнғирот қабиласининг турли худудларга силжиши ва уларнинг янгидан шаклланаётган халқлар таркибига кира бориши натижасида дoston бошқа уруғ ва элатларга ҳам ўтиб, уларнинг эпик аъаналари асосида қайта ишлана бориб, жуда кенг тарқалди ва ниҳоят, унинг яратилишида ота-боболари иштирок этган ҳар бир халқнинг ўз эпосига айланди. “Алпомиш” дostonининг оғзаки эпик аъаналарда бизгача етиб келган нусхалари 9-10 вариантлари асосида Алпомиш дostonлари яратилган. Аммо бундай хулоса дostonга асос бўлган сюжет ва етакчи мотивларнинг мифологик ва тарихий-хаётий илдизлари қадимги даврларга – милoddан аввалги замонларга тақалишини инкор этмайди<sup>37</sup>. Дoston сюжет таркибида исломгача бўлган карашлар ва мифологик қатлам мавжуд. Ундаги мифологик қатлам эса, қадимги турмуш тарзининг бадийлаштирилган ва идеаллаштирилган кўринишларидир. “Алпомиш” 1922 йилдан ёзиб олина бошланган. Ҳозиргача Фозил Йўлдош ўғли, Маҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Бўри бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умир бахши, Ҳайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Ҳодир Раҳим ўғли каби ўттиздан ортик дostonчилардан қирққа яқин вариантлари ёзиб олинган. Дostonнинг ёзиб олинган кўлёмаларининг асл нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади. Бу вариантлар орасида энг мукаммали, бадий жиҳатдан энг юксаги Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олингани ҳисобланади. “Алпомиш”нинг Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўра дostonлари қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлиги ва уруғ

---

<sup>36</sup> . И.А.Каримов. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва пировард мақсадимиз. 8 том.–Т.:Ўзбекистон.,2000. – 525 б.). (Алпомиш дostonининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузас.1999 йил 6 ноябрь.).–Б.79 .

<sup>37</sup> “Алпомиш” — ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”.– Т, 1999.

бирлигини куйловчи улкан эпосдир. Республикамиз Президенти Ислон Каримов “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида айтганидек: “Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, орномусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”<sup>38</sup>.

Достон кўнғирот уруғи бошлиқлари ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг фарзандсизлиги тасвири билан бошланади. Унда Алпомиш, Барчин, Қалдирғочларнинг бир кунда туғилиши, Барчиннинг Алпомишга бешик-кертти қилиниши, Бойсарининг Бойбўридан аразлаб ўн минг уйли элат билан қалмоқ элига кўчиши, қаҳрамоннинг ёрини олиб келиш учун ўзга мамлакатга сафари, Қоражон билан дўст тутиниб, Барчин шартларини бажариши ва ёрини олиб ўз юртига қайтиши, кейин яна етти йил тутқунда қолиши, зиндондан оти Бойчибор ёрдамида қутулиб, ўз элига умр йўлдоши Барчиннинг зўравон Ултонтоз билан бўлаётган мажбурий тўйи устига келиши ҳам рақибини енгиб, мурод-мақсадига эришиши воқеалари жуда қизиқарли, эпосга хос ранг-баранг бадиий бўёқларда тасвирланган. Алпомиш ва Қоражон, Қултой ва Ёдгорларнинг ўзаро муносабатлари, ҳатто қаҳрамоннинг оти Бойчибор билан, энчи ҳарвона туя билан муносабати тасвирида жамият тараққиётининг достонда тасвирланган босқичига хос олижаноб соддалик, улуғвор вазминлик, патриархал инсонийлик, болаларча беғубор самимийлик ғоятда гўзал мужассамлашган. “Алпомиш” достони бадиий баркамол асар. Унда ўзбек халқи шеърининг даҳосининг буюк қудрати тўлалигича намоён бўлган. “Алпомиш”нинг словак тилида насрий баёни, рус тилида бадиий таржимаси нашр этилган. Ундан парчалар инглиз тилида эълон қилинган. Достон турк тилига таржима қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги қарори ҳамда ЮНЕСКО нинг 1999 йилдаги тадбирлар режасига

---

<sup>38</sup> Мирзаев Т., “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари.– Т., 1968;

биноан Ўзбекистонда 1999 йил 6 ноябрда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда халқаро илмий конференция ўтказилди, Алпомиш номидаги боғ барпо этилди ва халқ қаҳрамониغا ҳайкал очилди. “Алпомиш”нинг атоқли халқ бахшилари куйлаган вариантлари қайта нашр этилди. Достон ҳақида хужжатли ва бадиий фильм, унинг мотивлари асосида театр спектакллари яратилган<sup>39</sup>.

“Алпомиш ўйинлари” фестивали Ўзбекистоннинг энг йирик миллий спорт ўйинлари мусобақалари ҳар 2 йилда бир марта ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги»ги 1998 йил 13 январдаги қарори асосида ташкил қилинган. Мақсад – халқ ўйинларини кенг оммалаштириш, Ўзбекистонда Алпомиш келбатли ёшларни кўпайтириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялаш. Фестиваль низомига кўра, у 3 босқичда ўтказилади. 1-босқич туманлар миқёсида ташкил қилинади. Туман мусобақаси ғолиблари 2-босқичда вилоят мусобақаларида қатнашадилар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри мусобақалари ғолиблари 3-босқич-республика финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. “Алпомиш ўйинлари” фестивали миллий спорт тури: миллий кураш (бухороча, фарғонача усуллар), “Турон”, камондан ўк отиш, тош кўтариш, армрестлинг (билак кучи кураши) ҳамда халқ ўйинлари: “тортишмачоқ”, “минди” (“эшак минди”), “бўрон”, “елкада кураш” бўйича ўтказилади. Мусобақаларда 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишилар иштирок этиши мумкин. Оилавий жамоаларнинг қатнашишига ҳам рухсат берилади. “Алпомиш ўйинлари” фестивали ғолиблари паҳлавонлик, мардлик ва орият тимсоли сифатида ҳурматга сазовор бўладилар. Биринчи “Алпомиш ўйинлари” фестивали 1998 йил 13–14 ноябрда Термиз шаҳридаги “Алпомиш” стадионида бўлиб ўтди. Унда умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари ғолиб чиқди, 2-ўринни Андижон вилояти, 3-ўринни Тошкент шаҳар жамоаси олди.

---

<sup>39</sup> Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари– Т., 1968.



## **Барчин, Барчиной, Ойбарчин, Гулбарчин, Барчин сулув.**

“Алпомиш” достонидаги етакчи образлардан, Бойсарининг қизи. Алпомишнинг севгилиси. Барчин – мард ва довиорак қиз. У халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик эпосига хос ботир (алп) қиз ҳақидаги анъанавий киёфа орқали хотин-қизларга ўз самимий муносабатлари, катта эъзоз ва хурматларини билдирганлар, аёллар ҳам юксак инсоний қудрат ва шон-шарафга эга эканлигини куйлаганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу достондаги қаҳрамонларга алоҳида эътибор бериб; “Шунинг учун ҳам Барчиной душманларига қарата ғурур билан: “Менинг ёрим билсанг Бойсун Султони”, деб айтади деган масалага тўхталиб ўзбек аёлининг ватанпарварлиги, мардлиги, оиласига вафодорлигининг юксак кадрлаган эди<sup>40</sup>. Баъзи тарихий ривоятларда Барчин ўғуз қабилаларига беклик қилган аёл, деб таърифланди, унинг макбараси Сигноқдан 5 км жанубий- шарқда жойлашган<sup>41</sup>. (Изоҳ: Абулғозий Баҳодирхон 1603–1664 “Шажарайи тарокима” асарининг охириги қисми ушбу хилда номланади: “Ўғуз элина беклик қилган қизларнинг зикри”. Ундан парча келтирамыз: “...етти қиз барча ўғуз элини оғзина бақиндуруб, кўп йиллар беклик қилдилар. Анларнинг бири Олтин Кўзача, Сундун бойнинг қизи ва салур Қазан Алпнинг Ҳали (Хили) бўйи узун бўлур эрди. Иккинчи Қаромиш бойнинг қизи ва Мамашбекнинг ҳали (хили) Барчин Салур эрди, анинг қабри Сир сувининг ёқасинда турур ва халқга машҳур турур, ўзбек анга Барчиннинг Кўк кашона дер, кошинкорли яхши каниз турур,...” . Қаранг: Баҳодирхон, Абулғозий. Шажарайи тарокима. –Тошкент: Чўлпон, 1995.–48 б. Салур сўзи кичик ва бош ҳарфларда берилади, асли солор, сипоҳсолор, яъни

---

<sup>40</sup> . И.А.Каримов. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва пировард мақсадимиз. Т.,8 том,”Ўзбекистон”. 2000. (525). (Алпомиш достонининг 1000 йиллик юбилейидаги маърузас.1999 йил 6 ноябрь.)

36. ЎзМЭ.1 том.

<sup>40</sup> ЎзМЭ.1 том. 642 бет. Барчин. 642 бет. Барчин.

лашкарбоши, ҳали ёки ҳили – дўст, йўлдош, хотин маъносида. Салур (солор) Қазан Алп “Дада Кўркут” қахрамонларидан бири, Қаромиш (Қоражон) ва Мамашбек (Алпомиш, Алпомша, Алпманаш) номларига эътибор қаратиш лозим. Нашр матнида “яхши” сўзи икки ўринда учрайди, асл матнда яхшининг бири “бахши”дир. Чунки, Абулғозий охириги қисми “Туркманнинг тарих билатурған бахшилари ва яхшилари айтиб турурлар” деб бошлайди. Б.М.).

### **“Алпомиш” достонида жой номлари талқини**

Ўзбек халқининг маънавий-маданий мероси ниҳоятда бой ва қадриятларга тўла амал қиладиган урф-одатлар тимсолидир. Бунда миллат эътиқоди, ору-номуси, улуғ аждодларнинг яратган бебаҳо маданий-миллий хазинаси мужассамлашгандир. Унинг ҳаёти тарихий - адабий, бадиий хазиналарда, битмас-туганмас манбаларда тўпланган, уларни аниқлаш, таҳлил этиш ва элга етказиш лозим. Шулардан бири “Алпомиш” достонидир, тўғри бу достон кўп ўрганилган, том-том илмий асарлар яратилган, аммо Сурхон диёри билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилмай сирлигича қолиб келмоқда. “Алпомиш” достонида кўнғиротларнинг тортувли уруғига хос воқеалар акс эттирилган, тортувли уруғига ҳозирда, асосан, Бойсун, Жарқўрғон, Шеробод ҳудудларида яшайди.

Достонда акс этган воқеаларга хос тарихий - бадиий тўқималар сўз ифода услуби, миллий урф-одатларнинг акс этиши, айнан Сурхон воҳаси ҳаётига хос “Алпомиш” достони қаерда, қачон ёзилганлиги ҳақида турли хил фикрлар бўлсада, достондаги терма айтишувлар, жой номлари этник гуруҳлар ҳамда табиатга оид манбаларнинг асосий ўсиши ҳудудий нуқтаи-назардан Бойсун, Шеробод туманларига оиддир. Туркий халқлар Шарқий Сибир, Муғилистон томонларга кўчиб борган бўлиши керак. Маълумки, “Алпомиш” достонида ака-ука бир-биридан Закоат учун Бойсун, кўнғирот элининг бир қисми Бойсарини бошчилигида қалмоқ-Қашор элига кўчиб кетган, деган сўз иборасини ишлатади. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки достонда қалмоқ эли Бешқўтон номига боғлаб қўлланади. Қалмоқ номи билан бевосита боғлиқ Комук этимологиясига хос сўздир.

“Алпомиш” достонининг кўнғирот версияси Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар X-XI асрда Орол денгизи атрофларида, Сирдарёнинг қўйи оқимида, Дашти қипчоқда яшовчи туркий қабилалар орасида юзага келган деб ёзади<sup>42</sup>. Достончилигидаги бахшичилик санъати, ундаги анъанавий дўмбирани Кушон давридан то ҳозирги вақтгача ўтган вақтда Амударёнинг ўрта ва қўйи қисмида бир хил ишлатилганлигини қайд этиш шарт. Ўз навбатида бахшичилик санъатида сўз услубининг оғзаки айтишув орқали

<sup>42</sup>. Алпомиш. Рустамхон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 448 б.

элдан-элга кўчиши муҳим бўлиши билан бирга қаҳрамон шахслар номига жойларни кўйиш одатий бир ҳолдир.

Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф “Алпомиш” достонининг яратилишини мўғуллар истилосидан олдин яратилган деган фикрни билдиради. Чунки достонда учрайдиган Барчинкент, Барчканд, Барчин ва Бойсун шаҳри ҳам Сирдарёнинг кўйи оқимида жойлашган, деб кўпчиллик олимлар фикрлайди. “Алпомиш” достонининг яратилиши X-XI асрлар деб тахмин қилинади, лекин достонда юқорида қайд этилган номлар шаҳар, овул, қалъалар тўғрисида сўз юритилмаган. Шунингдек, тарихий таҳлил оғзаки ижодиётни ўрганиш даврида шу масалага алоҳида тухталадики, бахшичиликда яқин ҳудудий масофани узоқлаштириш бўрттириш, куч бирлигини ҳаддан ошириш қайд этилади. Масалан Бойсарини кўчиб қалмоқ юртига бир кунда бориши мисоли бунга асос бўлади.

“Алпомиш” достонини кўнғирот версияси Чингизхон Мовароуннаҳрга бостириб киришидан 100-200 йил олдин ҳам мавжуд бўлган. Кўнғирот ва бошқа туркий уруғлар Марказий Осиёда яшаб келган. “Алпомиш” достонининг яратилиши даври профессор М. Саидов ва С.Раззоқовларнинг фикрича, патриал-уруғлик даврининг тугаб бораётган вақтига тўғри келади. Бу ўринда баъзи бахшилар ҳамда фольклоршуносларнинг Чингизхон ва кўнғирот бобо мисолидаги фикри унчалик ҳақиқатга мос келмайди. Мовароуннаҳрдаги ёки Марказий Осиёдаги кўнғирот ва бошқа туркий уруғлар қадим-қадим замонлардан буён яшаб келганлар. Аммо Бойсун шаҳри Сурхондарё вилоятида “Алпомиш” охири (отга озиқа берадиган “охур”) ҳам Шерободдан Бойсунга кетадиган йўлда жойлашган. “Алпомиш” достони аслида Амударё соҳилларида (бундан Сирдарё ҳам мустасно эмас), Шеробод-Бойсун-Ҳисор тоғ этаклари ва кенг ҳудудларида яратилгандир. Чунки достонда учрайдиган айрим жойлар масалан: Кўкқамишкўли, Элибой ёки Бешбойлидир, кўнғиротларнинг қадим-қадимдан Ғузор, Дехқонобод, Бойсун, Шеробод, Ҳисор воҳасида яшаган деган фикрлар ҳақиқатга мос. Чунки достонда ишлатилган жами топономик жой номларининг асосий қисми ҳудудий нуқтаи-назардан Шеробод воҳасидаги Бойсун адирлик-қирликларга хосдир. Марказий Осиёда яшаётган кўнғирот қабиласининг асл ватани “Жийдали, Бойсун” сўзи “Алпомиш” достонида кенг қайд этилиб, бу тўғрисида Жданко Т. А. (1950), К. И. Задихина (1952) лар “Жийдали Бойсун” Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида деб фикр юритса, Х. Т. Зарипов (1959) Л.С. Толстой (1963) лар “Жийдали Бойсун” Орол бўйи билан боғлиқ Барчиннинг кошонаси, Барчинкент, Барчиканд, Барчин деган жой номлари билан боғлайди. Туркий халқларда жой номларининг бир-бирини такрорлаши, номларнинг табиий, айнан, ўхшашлигига келсак, туркий тиллар этимологияси ўзагининг туб маъноси бирдир. Алпомиш ва Барчиной киёфаларига келсак, бу икки ном илк бор бахшичилик достон айтишувида дўмбира ториға киритилиб, бошқа туркий уруғлар, улардаги бахшичилик мактаблари Алпомиш-Барчинойдан қиёс олиб, уларнинг ватанпарварлик,

мардлик, озодлик ор-номус туйғулари асосида ўз қахрамонларини яратиб Алпомиш-Барчиной қиёфасида баъзилари эса бошқа номларда баён этганлар.

Этнограф-ботаник И.С.Сагитов (1968) “Алпомиш” достонидаги барча ўсимлик номлари, “Жийдали Бойсун” тушунчаси Сурхондарёнинг Бойсун воҳаси билан боғлиқлигини таъкидлайди. С.И.Сагитов “Алпомиш” достонида қайд этилган ўсимликлар фақат Бойсун, Шерободда ўсишини исботлаб берди. Бу изоҳга қўшилмасдан илож йўқ, чунки қадимги бошқа тадқиқотга оид ишларга назар ташласак, уларда ҳам табиатга тааллуқли худди шу фикрлар берилган.

Топономик таҳлил шуни кўрсатдики, достонда ишлатилган номларнинг деярли ҳаммаси Сурхон воҳасига оид бўлиб, бу номлар деярли бошқа жойларда учрамайди. Масалан: Хўжаиканд-Бойсун илгариги номи, Хўжаулкан деган жой Шерободнинг юқорисида хўжаларнинг улкан яшаган жойи. Хўжаикон, Хўжаипок, Хўжабулғон, Хўжаиканд, Хўжанқо (Хўжа анқо) бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин. Чунончи, достонда Хўжаикандда Довонбий бўлиб унинг Олпинбий деган фарзанди бўлиб, ундан икки ўғил – Бойбўри ва Бойсари туғилди, деб қайд этилади. Бу исмлар Сурхондарёда яшовчи кўнғиротлар орасида оммавий қўйиладиган исмлар сирасига киради. Кўнғирот-Дўрмон, бутун ўзбек мамлакати Чилвир чўлини Ховдак кўлини босиб кетди, деган сўз термаси эса Шеробод воҳасига тааллуқли, ҳозир ҳам бу номлар ўзининг номланишини йўқотмаган. Қорлитовлар газаси-қалмоқ бўлгандир тараф-Бойсун-Шеробод тоғлар Кўхитанг, Боботоғ тоғ тизмалари ишлатилган. Айнан ўрқачли тоғ тизмалари ҳам худди шу ҳудудга оид.

**“Рамозон Чобоғон” ва “Турсун Мерган” достонлари** Сурхон бахшичилик санъатининг фидойиси, таниқли бахши, сўз устаси Абдуназар бахши Поён ўғлининг томонидан ижро этилган. Ушуб достонлар Республикамизда мустақиллик эълон қилинган, халқ оғзаки ижоди янги паллага кириб, оғзаки ижод намуналари, хусусан, достонларда халқ орзу-умидларининг ушалиши баён қилинмоқда. Сурхон воҳаси достончилик мактаби катта ижобий натижаларга эришиб, Абдуназар бахши Поён ўғлининг “Рамозон Чобоғон” ва “Турсун Мерган” достонлари ҳақида филология фанлари намзоди А.Алимбеков қўйидаги фикрларни баён қилади. Ушбу достондан парча илк бор профессор М.Муродов ва доцент А.Эргашевнинг “Алпомишнома” (1 -китоб) китобларида эълон қилинган эди.

Абдуназар бахши Поён ўғлининг “Рамазон чобағон” достонида уч тарихий давр воқеалари ўз аксини топган. Бу дoston қахрамонларининг совет инқилоби тўнтаришигача, сўнг совет ҳукумати давридаги ҳаёти ҳамда марҳум Рамазон чобағонинг мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан кейинги даври таҳлил қилинган. Бахши қахрамонларнинг совет инқилоби тўнтаришигача бўлган ҳаётини, уларнинг совет ҳукумати давридаги тақдирига қарама-қарши қўяди, мазкур тўнтариш туфайли улар каби одамлар чеккан машаққатларни тасвирлайди. Дoston мустақилликдан сўнг совет даврида мудҳиш сиёсат таъсирда амалга оширилган қатағон қурбонлари, хусусан, Рамазон Чобағон оқланиб, унинг ватан, элу халқ, ёру биродарлари ва фарзандлари олдидаги шаъни тикланиши билан яқунланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 22 июлда юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни хурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини адабийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Фикримизча, ушбу дoston шу йўлда ташланган илк қадамлардан биридир.

Дoston Сурхондарё дostonчилиги анъаналари асосида яратилган. Бошқа дostonлардан фарқли равишда, унга Менгнор Олломураднинг “Арзимни ўғлимга еткар” номли бадий қиссаси асос бўлганки, бу ҳақда бахши:

Олломурад Менгноржон,

Китоб қилиб ёзган қиссадан.

Бу дostonни олиб айтдим,

Озгина қушиб ҳиссадан, - дейди.

Достонни нашрга тайёрлаш жараёнида, фольклоршунослик анъаналарига кўра, достончилик услуги, ушбу достонни айтган бахши мансуб бўлган жойнинг маҳаллий шеvasи гўзаллигини кўрсатиш мақсадида унинг тил хусусиятлари сақлаб қолинди. Бинобарин, бу достон ўзбек диалектологияси фани учун ҳам ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Лекин айни маҳалда, тор шевага хос, маҳаллий талаффуз хусусиятлари туфайли юзага келган айрим сўзларга изоҳ берилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, бундай изоҳларни ҳаддан ташқари кўпайтириш мумкин эди. Лекин ўзбек фольклоршунослиги анъаналарига нисбатан ҳам, китобхонга нисбатан ҳам хурматсизлик бўлмасин, деган ўй билан бу иш қилинмади. Чунки айрим масалаларни ўқувчи ихтиёрига ҳавола қилиш, уни ўйлашга, изланишга чорлаш муҳим масаладир. Достоннинг назмий парчаларида, айниқса, вазнда сохталиклар учрайди. Бу табиий, лекин бахши дўмбирани қўлга олиб куйлаганда, бу сохталик бўғинларнинг узун-қиска ўзариш қилиниши ҳисобига билинмай кетади.

Абдуназар бахши ўзига Хушвакт бахши, Чорша бахши, Кодир бахшиларни устоз деб билади, бахшининг репертуарида қирқдан ортиқ достон бор. Абдуназар бахши 1985 йилдан буён бахши - шоирлар кўрик - танловларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келади.

“Турсун Мерган” достоннинг чоп этилишида ҳомийлик қилган Турсун мерган ва Рамазон чобағоннинг авлодлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Рамазон чобағондан уч ўғил, тўрт қиз қолди. Катта ўғли Норсоат ака “Сурхон” хўжалигининг оқсоқоли. Унинг катта ўғли Зокиржон китобнинг дунё юзини кўришида бевосита жонбозлик ва ҳомийлик кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўртанча ўғли Менглимурод ака тадбиркор. Кенжа ўғли Суюн полвон вилоят “Сурхон” ичимлик сув бошқармаси бошлиғи бўлган. Ва яна уларнинг қатор фарзандлари бари эл, ватан хизматида. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган одамлар. Турсун мерган, Рамазон чобағонга хос саховат, элни суюш, фуқаропарварлик уларга ҳам ўтган. Бобокалонлари каби элдан ҳеч нарсани аяшмайди Уларнинг

ниятлари ижобат бўлиб, валломат боболари ҳақида дoston яратилди, бахши куйлаганидек: “Халқимизга бир гул бўлди”. Бу дoston мустақиллик даври халқ оғзаки ижоди хазинасига қўшилган ўзига хос ҳиссадир.

Алпомиш авлодининг тортувли уруғидан етти авлоди алп паҳлавон, чобағон, бой-бадавлат бўлиб келган, оғир катағон замонда Бойсун томонда, яшаб жаннат макон Кофрун қишлоғида, Соритор ёнбағрида Турсун мерган деган зўр паҳлавон бўлган. Бой - бадавлат, серсавлат, серфарзанд, шеркомат, олиҳиммат, ширин тилли, сахий қўлли, овул элли, сўзи толли<sup>43</sup>, мурувватли, саховатли, меҳр-муҳаббатли, адолатли, куч-қудратли, юраги ўткир, ўткир сиёсатли, иймон-ибодатли, ақл-фаросатли, меҳргийё, зиёли, сўзи лаззатли, эл-юртининг тинч-омонлигини тилаган, ночор қолган етим-есирларнинг пешонасини силаган. Нажот излаб келганни қўллаган, оҳ, деганнинг дарду ғамини тинглаган, оч қолганни туйдирган, яланғочни кийдирган, шишак<sup>44</sup> тухли суйдирган, меҳмонига уча, тўш қўйдирган, кўк чой узатиб, сариқ мой қўйдирган, гул манзара жойи бор, тўққиз сурув қуйи бор, икки уюр йилки-тойи бор, олтита ўтов уйи бор, зар қамишдан чийи бор, тўқсон говмиш сийири бор, қанча буқа-хўкиз уюри бор, тўкин-сочин дастурхони, базм-тўйи бор, сахийликда доврўқ солган Турсунбой, Турсун мерган, Луқмон табиб деган ном олган, хаста-беморлар дардига малҳам-шифо бериб, олқишу дуосини олган, инсон кадр-қимматини билган, кўзи ўткир, қўли луқмон, доно, сахий Турсунбой уч ёшида ов қила бошлаган эди. Ов-овлаб, тов-товлаб<sup>45</sup>, эрта саҳар қўй-қўзиҳайдаб, каклик, товушқон отиб, гоҳида тириклай тутиб, олиб келган овининг гўштидан тўйиб юарди.

Кунларнинг бирида саҳар вақти тушида тоғнинг шифобахш ўтларидан дори-дармон қилиб, бир заиф хастани даволаётир, бир нуроний чол кўз олдида пайдо бўлиб: “Эй ўғлим, бу касб сенга қилсин насиб, Ҳазрати Луқмони Ҳакимга сиғиниб иш бошлаб, ишларинг ўнгидан келиб шул касбдан ҳам эл-юртингдан ҳурмат-обрў олиб, қўлинг шифо, дилинг чароғон, йўлинг

---

<sup>43</sup>. Толли — тотли

<sup>44</sup>. Шишак — бир ёшдан утган кузи.

<sup>45</sup>. Тов-торлаб-тоғма-тоғ ошиб.

равшан бўлади, омийн. Хастали ожизларнинг дардига малҳам бўлсин қўлларинг”, деб кўздан ғойиб бўлди. Ана эрталаб тонг отди, мулла азонни айтди, намозхон мачитга кетди, бенамоз ухлаб ётди, кун чиқиб чашгоҳга етди, уйқуси қаттиқ бепарво шаввозлар оёқ узотиб хуррак тортди, сахарда уйғонган Турсун мерган кеча кўрган тушига бир жонлик садақа этди. Тоат-ибодат қилиб, бомдод намозини ўқиб, паранг милтиғини қўлига олиб, Соритор томон йўл солиб, кеча кўрган тушини ўйлаб, белини маҳкам бойлаб, дадил қадам тайлаб<sup>46</sup>, шул касбни ҳам қилсаммикан, бўйнимга олсаммикан, деб фикр-хаёллари ойдинлашиб, қалби жўшиб шул сўзларни айтиб бораётган экан:

Якка Оллоҳ паноҳ берсин бошима,  
Ёлғаз қолсам Хидир<sup>47</sup> келсин қошима.  
Кеча сахар бир чол кирди тушима,  
Кирдим ўзим энди ўн беш ёшима.  
Тавиблик касбини ҳам қилсаммикан,  
Чархин қулнинг чорраҳаси тош бўлар.  
Қўшиқчининг қўлларида соз бўлар,  
Бўй етишган қизда тўқсон ноз бўлар.  
Бир кишига қирқ ҳунар ҳам оз бўлар,  
Пирларимдан оқ дуо олсаммикан.  
Тушимда кўрдим бир нуроний ҳазрат,  
Сўзларига қилай энди итоат.  
Кўрсатган ўтларни тоғдан терайин,  
Худойим бандам деб қилсин ижобат.  
Тавиблик илм сирини билсаммикан,  
Узилмасин инсоннинг умид тори.  
Ҳам мустаҳкам бўб улансин иплари,  
Хасталига терайин шифо зари.  
Дардларига топайин излаб дори,

---

<sup>46</sup> Тайлаб-ташлаб.

<sup>47</sup> Хидир-Хужайи-Хизр



Элу юртим тавиби бўлсаммикан.  
Бировлар телбаю бировлар онгсиз,  
Нечовлар қулоқсиз, нечовлар тилсиз.  
Ўйласам бу дардлар бари давосиз,  
Бошқа эсига илож чора топасиз.  
Ноёб ўтни товдан ахтарсаммикан,  
Разнаси кўп тоқлар сирли.  
Зар чўкқили, баланд қорли,  
Гиёҳлари бор ҳар турли.  
Нодир ноёб шифо ўтлар,  
Бўлар эмиш ёниб нурли.  
Кечаси кеб терсаммикан,  
Чубир<sup>48</sup> отни чошиб бўлмас.  
Кўпкарига солиб бўлмас,  
Қанча урсанг улоқ олмас.  
Мардлар бир сўзидан қолмас,  
У гиёҳ кундуз топилмас.  
Шу кеч тоққа борсаммикан,  
Ишларим бўлмасин хато.  
Мақсадга етай, албатга,  
Орзу- ниятларим катта.  
Оллоҳ қилсин насиб отти,  
Шул касбни ҳам қилса ато.  
Луқмон қўлин тутсаммикан,  
Одам жони омонатли.  
Фақир поклар барокатли,  
Серфайзли, сердавлатли.  
Ҳар қадамим бўлсин қутли,  
Зўр ҳаким бўб юрсаммикан.

---

<sup>48</sup> Чубир от -кирчанги

Гоҳ кўзламай ўқ отаман,  
Оху олқар кулатаман.  
Борлаб елкамга ортаман,  
Овул-улусни чақираман.  
Элга дастурхон тортаман,  
Касбимни ардоқласаммикан.  
Нимани олсам нишонга.  
Тушиб қолади кишанга,  
Садақа назр бераман.  
Фақирларга ҳам эшонга,  
Йўлим ўхшайди гулшанга.  
Тавибликни қилсаммикан,

Алқисса, Турсун мерган бу сўзларни айтаб, хаёл дарёсига шўнғиб кетиб, йўл тортиб тоққа бориб қолди етиб. Бир томони қараса узоқдан кўринади, Бойсунтоғ, Ҳисор тоғ, Боботоғлари кўзга ташланиб турарди. Лекин Соритор ўз уйидай бўлиб қолганди, бу тоғнинг ҳамма жойини кезиб, неча дара, неча сой, неча қоя-қат, қайси томони қандай жой, архарларига ҳам кириб борар эди тап тортмай, бугун яна қалбида туғён ураётган орзутуйғулари чашмадай мавжланиб, севинч қувончлари кўксида чойқолиб<sup>49</sup>, дили бир олам севинчга тўлиб, қўлга анжом-милтиғини олиб, тоғнинг баланд қатларига, жилға қояларига, баланд чўққиларига кўз ташлаб, Гулдара деган оромбахш жойдан юриб, Соритор шаънига шул сўзларни айтиб, бораётган экан:

Болаликдан сен томон бошлаб йўлим,  
Сенга келсам гулдай яшнайдим дилим.  
Хушманзара сенсан менинг манзилим,  
Қанча юрсам баррингда толмас белим.  
Менга севинч илҳом берган Соритор,

---

<sup>49</sup> Чойкалиб — тўлкинланиб.

Билмадим нечада бўлган ёшларинг.  
Товланади дур-гавхардай тошларинг,  
Шўх сайрашар турли-туман кушларинг.  
Қувонада келган қанча кишиларинг,  
Юрагимга малҳам берган Соритор.  
Тўти, каклик, кумри сайроқи кушлар,  
Хониш қилиб сени доим олқишлар.  
Назокат, латофат меҳригиёйин,  
Сехри сириг мени йўлларга бошлар.  
Оҳ деганга дармон бўлган Соритор,  
Сориторим, сахий ҳам саховатли.  
Молга тўяр арчазор қовдан ўтли,  
Чорвадору бойларинг садоқатли.  
Турсун мерган сенга келса омадли,  
Менга мадад ҳамдам бўлган Соритор.  
Қўзиқорин ҳамда хушбўй чуқури,  
Кийик ўт, эл баҳоси, исмалоқ дори.  
Ипори, нўш пиёз жуда кўп тури,  
Қоқи, қуёни сут ёнғоқ дори.  
Еган ҳавас қилар бўлиб хумори,  
Армурон хазинага қон Соритор.  
Сен томонга боқсам кўзим ёнади,  
Ҳузуригга келсам меҳрим қонади.  
Ов қилсам ишим ўнгидан келади,  
Ҳамиша ҳар дам омадли бўлади.  
Ҳам берарсан қўлай имкон Соритор,  
Қўлай жойсан шаънингга сўз айтаман.  
Сайр қилиб дилимни яйратаман,  
Какликларни маст қилиб най тортаман.  
Товуқ, товушқон, кийикларинг отаман,

Катта ўлжа билан уйга қайтаман.  
Хайрингдан сендан шодмон Соритор,  
Таъриф қилиб бўлмайти айтиб барин.  
Сўлим гўшаларингда туради қоринг,  
Сенга келсам излайман дунё сири.  
Кўраман ўтларнинг минг хилда турин,  
Гиёҳларинг дардга дармон СОРИТОР.

Ўзбек халқи оғзаки ижодини мукаммал ўрганган таниқли олим профессор Эркин Худойбердиев илмий тадқиқотларда Абдуназар бахши Поён ўғлининг бахшичилик санъатини ўрганиш масаласида муҳим ииларни амалга оширмоқда. Тадқиқотчининг илмий хулосасида миллий маънавиятнинг улкан бир қисмини ўзида мужассамлаштирган бахшичилик санъати узок, асрлар мобайнида шаклланиб, ривожланиб, камол топиб келгани ва жонли ижрода сақланиб туриши маданий ҳаётимизда катта ҳодиса эканлигини таҳлил қилган. Жумладан, Сурхондарёнинг Шеробод дostonчилик мактабига мансуб Абдуназар бахши Поён ўғли ҳам ана шу санъатни бадихағўй, куйчи - шоир сифатида маромида давом эттириб келаётганлиги ҳақида қўйидаги фикр- мулоҳазаларни тақдим этган.

Абдуназар бахши доврқли устозлари - Қодир бахши Раҳимов, Чоршанби бахши Раҳматуллаев, Хушвақт бахши Мардонакулов ва бошқа улуг бахшилардан ўттиздан ортиқ дoston (“Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Гўруғлининг туғилиши”, “Келиной” ва бошқалар), юзлаб термалар ўрганган. Бахши уларни ўзига хос ва ўзига мос тарзда ижро қилиш билан бирга, сўнгги пайтларда “Алпомиш авлодлари” замонавий туркум дostonларини ижод этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларни мустақиллик даври дostonлари дегимиз келади. “Даврқул полвон” дostonи Абдуназар бахшининг бу йўлдаги иккинчи уриниши. Биринчиси “Турсун мерган” ва “Рамазон чобағон” 2000 йили “Меҳнат” нашриётида чоп қилинган эди. Агар муаллиф аввалги дostonда, асосан, асар қахрамонларининг икки

мустабид тузум - чор ҳукумати ва совет давлати тузуми давридаги аянчли қисматлари ҳақида ҳикоя қилган бўлса, бунисида кўпроқ . Даврқул полвон ва унинг авлод-аждодлари, салафлари, сафдошларининг октябрь тунтаришидан то мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган тақдирларини тулақонли ифодалашга ҳаракат қилган.

Асарни мутолаа қилар эканмиз, аввало, Бойсуннинг тоғли Хомкон қишлоғида вояга етган Даврқулнинг бутун Жанубий Ўзбекистонда машҳур полвону чобағон сифатида доврқ солганига, айна чоғда таниқли ўқитувчи бўлганига ўзингиз амин бўласиз. Қолаверса, Даврқул полвон Абдуназар бахшига бегона эмас, катта амаки бўлади, буни асар мазмуни ва унинг якунидаги:

Оллоҳимга минг! шукр,  
Юртимиз озод, мустақил.  
Даврқул полвон бободан,  
Айтиб бердим бир шингил,

каби мисралардан яққол пайқаб оламиз. Бахши дostonда ўз бобоси – полвоннинг отаси Эшқурбонбой ҳақида тўлқинланиб куйлайди. Шунингдек, асарда Даврқул полвоннинг укалари Поёнқул (бахшининг отаси), Рўзиқул, тоғалари, амакиваччаларининг кўпқари, курашлардаги шижоату жасоратлари ҳақида ҳам завк- шавк. билан куйланади. Бу марду майдонларни бахши: “Курганлар: “Ана, гала зўрлар, гала шерлар, гала бўрилар, гала ботирлар, чобағонлар, полвонлар, Алпомиш авлодлари келяпти”, дейишарди”, дея таъриф у тавсиф этади.

Асарда Даврқул полвоннинг умр йўлдоши Хонимой қиёфаси ҳам таъсирчан ёритилган. Полвон ҳаётдан кўз юмгач, тўрт ўғил, икки қизни вояга етказиш унинг зиммасига тушади. Қийинчиликларга қарамай, у фарзандларини эл-юрт хизматиға камарбаста кишилар қилиб тарбиялайди. Ушбу китобнинг дунё юзини кўришида уларнинг фарзанди – Абзоир Эшқурбоновнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинға лойиқ, шунингдек, халқ оғзаки

ижодининг фидойи мухлиси Олтибой Останакуловнинг ҳам хизматлари диққатга сазовордир. Айни чоғда дostonда ибратомуз воқеа-ходисаларга, панд-насихатларга ҳам кенг ўрин берилган. Бахши уларни маҳаллий шевага хос бетакрор ташбихлар, бадий ўхшатишлар, сифатлашлар, яъни сўз сеҳри ила дилларга жо этар экан, бир ўринда ёшларга қарата шундай мурожаат қилади:

Ўз халқига ҳурматли,  
Қайга борса иззатли.  
Тоғ бардош, сабр-тоқатли,  
Қўли очик, саховатли.  
Ўз юртига садоқатли,  
Давркулдай полвон бўл.

Хуллас, Абдуназар бахши Поён ўғлининг “Давркул полвон” дostonида ифодаланган миллий қадриятлар, урф-одатлар, расм-русмлар, халқона тарбия усуллари, мардлик, жасурлик, адолатпарварлик, юртсеварлик, халқпарварлик, инсонга муҳаббат, садоқат ҳақидаги ғоялар, ахлоқий қарашлар баркамол инсонни жисмонан ва маънан вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бахши ижодида баён қилинган “Давркул полвон” дostonидан кўйидаги намуналарни тақдим этамиз. Бахши думбирасида таралган куй асосида дostonлар баён этилиб, унда ўтган замонда, Бойсун товга томонда, яшаб жаннат маконда, ўқиб билганлар бўлсин омонда, олтмиш олти уруғ кунғиротда, Алпомиш деган зўр авлодда, кўпларга зарбасин ўтказган сиёсатда. боболар меросини сақлаб ёдда, келин-қизлари оқ ўтов тикиб, бўйнига тилла хапамат тақиб, мисоли тўлғон ойдай ўтовда балқиб, ошиғининг юрагига ўт ёқиб, мулла-эшони Қуръондан сура ўқиб, бахши-шоири ғазал-досгондан тўқиб, чўпон-чўлиқлари қўй боқиб, баҳорда яйловга кетиб, кузда қиш қўтонига қайтиб, момолари эртақ, жумбоқлар айтиб,

боболари урф-одатларини маҳкам тутиб, неча-неча аждодлари ўтиб, ҳар бири ҳар томонга тарқалиб кетиб, охири навбат Гудрай бийга етиб келган эди. Боболари бадавлат бой бўлиб, ҳам юртга бий бўлиб ўтганди. Гудрай бий кўнғарот элининг қорақалпоқ уруғидан эди.

**“Хулқар пари” достони** Шеробод туманидаги “Бойбулоқ” маҳалласининг Боботепа қишлоғида яшовчи Сайфулло бахшининг меҳнати натижаси бўлиб, энг кенжа достонлар қаторида халқимиз оғзаки ижодига кириб келмоқда. Халқ оғзаки ижодида достончилик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўтмиш авлодлармизнинг орзу-ниятлари, миллий урф-одатлари, анъанлари, қадриятлари ҳамда маросимлари акс этиб келган. Достонларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳамкорлик туғулари ҳақида сўз санъати қўлланган. Энг муҳими достонларда севги, вафо, бир-бирга меҳр қўйиш, юракдан чин кўнғил бериш, севги садоқат, унга етишиш учун кураш, севгини асраш, ҳар лаҳзада унга интилиш ғоялари тараннум этилган. Ана шундай достонларидан бери, узоқ асрлардан буён халқ меҳрига сазовор, чин муҳаббат рамзи бўлган “Хулқар пари” достони севги - муҳаббат куйчиси сифатида эл ардоғида бўлиб келмоқда. Хулқарпари севги садоқатни ниҳоят даражада улуғлайдиган, вафоли, меҳр муҳаббатни ардоқлайдиган, қурқмас жасур, мардонавар, фидойи халқпарвар, ёрига чексиз ҳурмати бўлганлигини унинг қўйидаги сўзларидан билиш мумкин; “Менинг сизга бўлган Муҳаббатим сўз бойлигингиздан ҳам кучли, биласизми? Мен учун достонингиз Тожмахал қурган билан тенг деган фикрни юрагига сингдирган севги тимсоли; деб дўмбирада кўйланган оташин севгини қадрлайди. Достон бахши сўзи ва дўмбираси тори билан Садоқатбекнинг вужуди, қалби қуёши, ойу- юлдузи, тонги, баҳори, ёзиқболи бўлган севган ёр Хулқар ёрига интилиши ва бу йўлдаги ҳижронлари акс этгандир:

Юрагимга севги сирин жойладингиз,

Ғуруримга меҳригиёҳ айладингиз.

Кўзларимга хурсандчилик ийладингиз,  
Севган ёрим дилдан сизни соғиндим.

Ҳар лаҳзадан соғинаман нозингизни,  
Кўксимга ўт бўлиб кирган ёғдингизни.  
Олов бўлиб ёндирган жон сеҳрингизни,  
Соғинаман, соғинтирган жамолинингиз.

Сочларингиз қирқ кокилига шайдоман,  
Лабларингиз шакарига жоним ошиқман.  
Дудоғингиз оташига таслимман дилим,  
Чин меҳрингиз оғушида таслимман.

Оқ -қордай гўзалдир тани жамолингиз,  
Тўлин ойда нур сочади ҳилолингиз.  
Юлдузлардай мавж уради кўзларингиз,  
Соғиндим чин юракдан суюқлим Хулкарим.

Сиз тонгим, шафақ бўлиб, нур сочасиз,  
Қалбларимига ғурур бўлиб оташ ёнасиз.  
Кўзларимига нур олам берасиз чексиз,  
Истарангиз чин юракдан соғиндим Хулкарим.

Яратганим сизни менга нур ёғду қилди,  
Белимга куч, йигитлигим қайта берди.  
Қоши ҳилол нурли гўзал қиз берди,  
Юракдан ҳис этиб жамолгинам соғиндим.

Боғлар кезсам гулларининг раъноси ўзингиз,  
Чаманларда очилган менинг атиргулимсиз.



Муаттар хидларингиз қалбимга шифодир,  
Тушларимда-хаёлимда юракдан соғиндим.

Севгини муқаддас билган Садоқатбек ўз ёрига интилиб, унинг соҳиб жамол юзларига боқиб, унга етишмоқ йўлида, бутун юрак бағрини доғлаб, Боботепадан отга қамчи босиб, Бойбулоқ йўлидаги тусиқларига бардош бериб, олдинга интилар эди. Қоронғи зулмат кечалари, совуқ изғиринли юлдузли осмонга боқиб, жамоли ошиғини улар ичидан ахтариб, унинг висолига ташна бўлиб, қўлларни узок осмонга чўзар ҳамда Яратгандан илтожи қилиб, Такасақраган тоғ этагига келиб, Қоратепа баландлигидан ўтиб, қия жарликларни ёқалаб, ўнг томонидан шиддат билан югириб келаётган бўрига ҳам парво қилмай ёр истиқболи сари интилмоқда эди. Кўк тулпорнинг ҳадиксирган пишқириқларига эътибор бермай, ширин севги хаёлларига берилиб олдинга интилар, фақат севган ёри Хулкарни майин сочларни сийпалаш, уни тезроқ ўз бағрига босиш хаёлари туфайли у бутун дунёни унитиб, ёлғиз оёқ йўлдан тоғ чуққисига чиқиб, хаёлидан минг фикр ўтиб бир сўз айтиб бораётган эди:

Яратганим яратдинг инсон аҳли зотини,  
Куч ақл бердинг, лабзи ҳалол покликни.  
Бердинг унга касб -корлик саховатингни,  
Уни сийладинг севги вафо билан сўзини.

Инсон зоти яралда азалдан севги билан,  
Бир-бирига меҳри соғинч сеҳр билан.  
Шундан буён излашади қалб нури билан,  
Нурингизди соғиндим жон меҳригиём.

Йўлингизга ошиқаман ҳижрон билан,  
Бошим эгиб бораман мен сиз томон.  
Севган ёрим суҳбатинингиз соғиндим,  
Юрагимга ўт солган дудоғингиз соғиндим.

Изларингиз излайман гўзалларни ичидан,  
Камолингиз ахтараман сулувларни сўзидан.  
Нафасингиз қидираман малакларнинг тилидан,  
Сулувгинам қизғанаман соҳиблардан ўзингни.

Садоқатбек хаёллар қуршовида узоқ юртни яқин қилан севги хумори, марди майдон чавандозни севган ёри висолига тезроқ етишга ундаб, Такасакраган тоғидан ўтиб, Қирқиз афсонавий дарасини кечиб, ой яримлаган кечада Бешэркак қишлоғини оралаб, жилғаларни кечиб, мисли бепоён адир, даштликларни босиб ўтиб, кучига-куч, ғайратига -ғайрат қўшиб, паҳлавон мисол, йўлига дуч келган тўсиқларни бузиб, ғанимларни қўйган тузоқлардан эсон - омон ўтибди. Тонг саҳарлаб Калламазор, Чилонзорни оралаб, итлар қувғинини парво қилмай, Мунчоқ орқали Тиллакамарга, кўзлаган манзилига етиб келди. Дўмбирани қўлига олиб, торларни таранг тортиб, овул ёнидаги тепаликка чиқиб, ёрни ўтовдан чиқишни бўзлаб бир сўз айтиб турган экан:

Сизи излаб келдим гўзал ёрим эшитинг,  
Юрагим дардга тўла ошиқ тўлинойим.  
Сизга айтай жамолингиз таърифи йўқ,  
Излаб келдим тоғу-тошдан Хулкарим.

Қизлар ичида ҳилол юзли ўзингиз,  
Юрагимга оташ берган нури сўзингиз.  
Ўтовдан чиқиб кўриниш берингиз,  
Мен бечорага минг бир раҳм қилингиз,

Шунчалар бераҳм бўлманг Хулкарим.  
Сизни кўрсам юракларим куч олар,  
Дўмбирам сизга атаб ошиқ куйини чалайди.  
Келинг ёрим чин юракдан соғиндим.

Ёрни келганини юракдан сезган Хулкар ўтовга сиғмай хижрон соғинчи билан аста эшиқдан қараб, ёри турган тепаликка секин кўз илғаб қўйди. Дилдан ошиқ ёрини соғинган, кеча-кундуз Яратгандан ёлвориб сўраган ёрини излаб келганлигини билиб, ўзини кўярга жой тополмай, дардини кимга айтишин билмай нола қилиб турган жойи экан:

Севган ёрим тўра бўлиб излаб келдингизми,  
Севгимизни асраб меҳрибоним келдингизми.  
Юрагимга малҳам бўлиб ўзга юртдан келдингизми,  
Соғинганим дилларимни шод этмоқга келдингизми.

Ўтовимни тепасида турибсизми қуёшим бўлиб,  
Қишлоғимнинг қизлари юрагига ўт солиб.  
Юрагимга олов чўғин алангасин қиздириб,  
Ўтовимга келинг юрагимга қайноқ ўт солиб.

Кута-кута тоқатларим тоқ бўлди тўрам,  
Борай десам эл-улусдан уяламан тортиниб.  
Отам келса қамчи зарбидан кўрқиб, сесканиб,  
Кела қолинг юрагимни қийнамай севган ёрим.

Келганингиздан юракларим шод бўлди эркам,  
Қувончимдан кўзларимга ёш келди тўрам.  
Қўлларингизга сувлар қўйайин менинг ботириб,  
Жисми- жоним бағрингизга босинг султоним.

Садоқатбек ёрининг соғинчлар ила айтган байтларидан куч олиб, чарчоқларни унутиб, арслондай ғайратга тўлиб, Алпомишдай қоматини тик тутиб, паҳлавон келбати билан тепадан тушиб, ўтов сари йўл олди. Тиллакамар қишлоғини оралаб, эгри кўчалардан йўл тортиб, ўтган-кетганни назаридан ўзини панага олиб, мусофир эканлигини сездирмасликка ҳаракат қилиб, ёр чорлаб турган ўтов сари отланиб, хаёлидан минг фикрлар ўтиб бораётган жой экан:

Сизи кўрдим тонг тушимда Хулкарим,  
Хур паридай журъат бердингиз жон қалбимга.  
Шундан буён уйқу - холават йўқ бу бошимга,  
Излаб келдим ойжамолим Тиллакамар юртига.

Нелар деркан эл-улусинг, қариндошинг, улуғинг,  
Сизи излаб келдим соғинганим дилбандим.  
Нор йигитлари сен учун ор талашиб турибди,  
Ойбарчиндек товланиб турган сулув Хулкарим.

Садоқатбек интизор бўлган онлар яқинлашаётгани сезиб, юрагини безовталиги ошиб, гуё яқин йўл яна ҳам узоқ бўлиб туюлаётгандек бўлиб, худди кучоқлари очилиб, бағрилар кенгайиб, гўзал ошиғи сари талпиниб, севгини кучига дош беролмай хаёлидан нималар кечиб бормоқда эди. Садоқатбекнинг севгиси юракни шифоси, унга умр бахшида этадиган ҳаёт лаззатлар бўлиб, севги юраклар учрашуви, қалблар туташуви, севги инсонга хос бетакрор умр мазмуни эканлиги кўнгилдан ўтиб борар эди. Не-не ботирлар бу йўлда ўз мақсадига етишиш учун оғир синовларни бошидан кечирганлигини ўйлаб, Садоқатбек хаёлида севгига камдан-кам одамлар эришганлиги, шу туфайли қолган одамлар шу йўлда қурбон бўлганлигини хаёлидан кечириб, бироқ не бўлса ҳам Хулкар висолига етиш учун ўлимга ҳам тайёр эканлигини билиб, унинг лаззатига эришишга ошиққиб бир сўз айтиб турган экан;

Ҳилол юрагига ошиқман жоним,  
Улкан севги бахтин берган юлдузим.  
Лайли мисол ягона жону-жаҳоним менинг,  
Кўркам баҳор каби ўзинг ҳаёт илҳомим.  
Айланай сенга бағишлаб ёздим достоним,  
Раҳминг келсин менга вафоли севган ёрим.

Садоқатбек севги ҳамиша инсонни яшашга ундаб, ғам-андуғларни, чарчок, азоб- ўқибатларни енгиб ўтишга куч- мадат беришни юракдан ҳис этиб, дадил кадам ташлаб, севган ёри йўлида ҳамма нарсага тайёр эканлигини билиб, ҳатто энг қудратли давлатлар ҳам оддий севги қурбонга айланганлигини кўнгилдан ўтказди. Севги кучсизларга қудрат, кучлиларга мағлубият бахшида этувчи синов бўлиб, сувсиз чўлларни боғу-бўстонга айлантирадиган куч – бу севги эканлигини билиб, севгисиз қурилган оила-пойдеворсиз уйдир деган фикрни ҳаёлидан ўтказиб бир сўз айтиб турган экан..

Тонг шамолидан сўрайман дудоғингизни,  
Ҳеч кимда йўқ тоза қалби сиздадир жоним.  
Севдим чин кўнгилдан меҳрингиз жамолин,  
Сиз юрагим ишқининг-муҳабат шайдосисиз.

Сиздаги меҳр, сиздаги лаззат юрагимга дармон,  
Сиз берган куч юрагимга малҳам, билагимга куч.  
Ташна бўлоғингиз суви, бошқаларда йўқ асалим,  
Йўқ сизсиз ҳаёт қувончим, дил ошиғим менинг.

Сиз туфайли ҳаётда борман дили гавҳарим,  
Юрагимга ўт-муҳаббат солдингиз меҳрибоним.  
Сизга ҳадия юрагим жони-қалбим, соғинганим,  
Сиз ишқ-муҳаббат булоғим, севган Хулкарим.

Сиз узоқдасиз, масофа йироқ дил азобда,  
Юрагим беролмас билсангиз бардош жамолим.  
Севги ҳижрони чексиз берар азоб қалбимга жоним.  
Сизга етмоқ оғир шунчалар гўзал Хулкарим.

Ўйқу йўқ ҳижрон азоби қийноқ, дил армоним,  
Уйқим келса тушимда сиз дил чироқ, офтобим.  
Тушим оғушида сиз қалби қайноқ, баҳорим.  
Ўйғонсам йўқ ёнимда сиз дили озор Хулкарим.

Ўтов ёнига етиб келган Садоқатбек соҳибжамол Хулкарига кўзи тушиб, йигитлик ғурури ўн марта ошиб, тушида кўрган Хурпаридан ҳам чиройли, гўзал экани учун Аллоҳга шукрлар айтиб, отдан тушишни билмай беҳол бўлиб, анча вақт ўзини қўлга олаолмай қолди. Эс -хушини йиғиб олиб, Хулкари нури моҳитобонига тикилиб, эс-хушини тўплаб бир сўз айтиб турган экан:

Мен ўргилай сизнинг сочу-тароқларингиздан,  
Ёқут кўзли сирға жон қулоқларингиздан.  
Қошларингиз кифоядир кўзларингизга жоним,  
Мени мафтун этган бодом қовоқларингиздан.

Кўкрагингда қатор -қатор гавҳарлар,  
Гулзорингизда жон оралайин сахарлар.  
Иккала юзинг бир -бирига ҳамсоя, меҳрибоним,  
Мени мафтун этган тугма томоқларингиздан.

Қаторлашган садаф жуда ярашган, гўзалим,  
Кулишингга парилар сизга қарашган асалим.  
Қани айтгин саргузаштингиз ҳикоя,  
Сўзлаб беринг нелар ўтди кўнглингиздан.

Сахий экан, хайр қилган қўлларингиз,  
Гулга тўлсин сизди юрган йўлларингиз.  
Садоқатбекга асло қилма киноя севганингга,  
Қабул айла излаб келдим севганим.

Ўтовингга кадам кўйдим соғиниб, ёрим,  
Сизи кўрдим гул очилди йўлимизга жаҳоним.  
Дийдор мени олиб келди бу жойга, Тиллакамарга  
Қабул айла соғинганим жон ўтовингга.

Садоқатбек ёр жамолига тикилиб, нафасини ростлаб, ўтган  
мушкилотларни унитиб, чанқоқларни эсдан чиқариб, олдида турган  
Парипайкарни ҳуснига шайдо бўлиб, хушуми-тушуми деб, ўзини ошиқ  
бағрига отмоқчи бўлган арслондек тўлғаниб турганда Ҳулкарпари бир сўзни  
айтиб турган экан:

Тўрам билсангиз сизни соғиниб,  
Юлдузларга сирим айтганим.  
Саҳар чоғи дарё бўйида сизни излаб,  
Сизга атаб жамбул териб қайтганим.

Билсангиз юракгинам қанчалар ёниб,  
Кўшиқларга номингиз куйлаб айтганим.  
Тушларимда кўриб сизнинг сиймонгиз,  
Соғинган юрагимга таскин олганим.

Фироқингиз шунча узоқ бўлирми,  
Келинг тўрам, изларингиз соғиндим.  
То келмасангиз, кўнгил тўлурми,  
Садоқатбегим қора кўзларингиз соғиндим.

Икки юрак бир -бирига соғинч бирла кўзлари меҳрларга тўлиб, қўллари  
аста қўларига улашиб, бармоқларда иссиқ нур кўчиб, ошиқлар сеҳрланган  
муҳаббат қалбларига боғланиб, сўз айтаолмай кўзлар-кўзларга тикилиб  
қолди. Садоқатбек қизнинг беғубор тиниқ ой юзларига боқиб, сумбул  
сочларига маҳлиё бўлиб, қадди- қомати париларга мос сулувлигига суқланиб  
қараб, рашк оловида товланиб, ёрига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Сени севдим, эй ёрим фақат,  
Севолмайман бошқа ҳеч кимни.  
Нима қилай қалб экан шундай  
Жондан ортиқ кўрарман сени.  
Севилиб севганим муборак эй ёр,  
Оламда йўқ сендан бахтли гулчирой.  
Бошингдаги оппоқ харир рўмолинг,  
Бош эгиб келдим гўзал чиройим.

Қишлоқни катта-кичиги, ёши-қариси, аёли кекса момоси, Хулкарпарини излаб, бегона юртдан нотаниш бир ботир, кучли бақувват, ўзига ишонган, Алпомиш мисол калбатли, қалблари севинчга тўла, билаклари тоғни кўтарадиган, муштлири харсанг тошни эзадиган, бир кўзғалса катта нор туяни даст кўтарадиган йигит келганлигини сезишиб, бир-бирлари билан гап таллашиб қолишибди. Хулкарпарига ошиқ не бир қишлоқ йигитлари ор таллашиб, муштлирини қаттиқ қисиб, олишмоқда шайланиб, камон ўқи билан минг чақиримдан тангани уриб, курашда бир –бирдан устин чиқиб, ўзларини билаклари кучи билан ор-номусни ҳимоя қилиб, қишлоқ қизларини қўлини бегонага ушлатмай келаётган эканлар. Паҳлавон қишлоқ йигитлари Хулкарпари ўтовига келган Садоқатбекга чопарнома жўнатиб, ҳў йигит шаштингдан қайт, қишлоқни орини ерга уриб, ўтовга кўрқмай ўтиб кетибсан, ўзингни бизга танитмай, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, паналаб, ўғри мисол, оримизни, урф-одатлармизни менсимай, шартимизни қабул қилмай Хулкарпари ўтовига кириб яширинибсан, деб турган жойи экан:

Мард бўлсанг, ўзингни кўрсат эй полвон,  
Ботир бўлсанг, курашинг намоён эй мард.  
Арслон бўлсанг босган изингни яширмай,  
Кучинг бўлса синов майдонига кел эй йигит.  
Ёр орлашиб олинар, сўз айтилиб куйланар,  
Зўр бўлсанг, кел Алини майдонига паҳловон.  
Паналаб кирибсан ҳеч ким танимайди деб,



Ўзингни кўрсатгин эл майдони бўлган курашда.

Қишлоқ Алпларини номасини эшитган Садоқатбек ғурурни сақлаб, ботирлиги жўшиб, Хулкарпари жамолига ошиқ -мошиқ бўлган йигитларни ор талашиб курашга чақирганини сезиб, мард майдонга синалади, орсиз номард бўлгандан кўра мард бўлиб севган ёрини висолига етиш эл дуосини олиш паҳловонларга хос одат, деб чопарга розилик берибди. Вужуди ошиққа айланган Садоқатбек, кучни синаб кўришга hozирланиб, қалби мардлик намунасига тўлиб, энди висол нурини кўриб, ҳилол каби мисоли ой бўлиб турган Хулкарпарига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Хаёлимда бўлдинг узун куни-тун,  
Сени излаб келдим, узоқ юрт Боботепадан.  
Булутли осмонда ёмғир ёққан тунда,  
Топиб бер деб, ойга ёлвордим жони.  
Дўмбирамга куй чалиб йўлда ҳилолим,  
Сен сари от чоптирдим, кўкламзор даштда.  
Севган ёрим топдим деган чоғида сени,  
Алплар номасини олдим Хулкарим қўлга.  
Ор-номсудир ҳар бир элга орият жоним,  
Мардлар мардлиги синалади шу курашда.  
Алплардан қолган бу одат қадимдан мерос,  
Чин юракдан бергин дуо, дил Хулкарпарим.

Тушларида кўриб, соғиниб, кечалари уйқуси қочиб, тўлин ойдай тўлғаниб, қачон ёрим келиб хуморига тўяман деб, кўзларига ишонмай, юраги қалбига сиғмай, Садоқатбекни кўриб, Яратганга шукрлар айтиб, энди мақсадимга етишдим деб турганда, Алплар номасини келганини кўриб, лаблари учиб, қошлари чимирилиб, кўзларига ёшлар тўлиб Хулкарпари бир сўз айтди:

Бугун қалбим шод бўлганида тўрам,  
Соғиниб сизни дийдорингизга етганимда.  
Ойдин тунда юлдуз учса, сўраб сизни,

Орзум энди ушалди деганда хой бегим.  
Соғиниб кўксингизга қўйганимда бош,  
Алплар номаси вужудимга солди ҳаёжон.  
Элни одатини тарк этиш кўрқоқликдир тўрам,  
Аллоҳим асрасин, мадаткор бўлсин сизга.  
Севгимиз ҳурмати мард вафодор бўлинг,  
Курашда ҳалол, жасур, чопқир бўлинг.  
Устози, пирлар, азизлар ҳамроҳ бўлсин,  
Курашда Аллоҳим қўлласин Садоқатбегим.

Бир-бирларини дийдорига тўйиб, кучоқлари соғинч оловларига отилиб турган чоғда, Алплар номасини чорлови туфайли йўлдаги чарчоқларни унитиб, Садоқатбек отга сакраб миниб, қилич қалқонини жойлаб, камон ўқини елкасига маҳкамлаб, севган ёридан дуо олиб, севганига етишиш мушкуллигини ҳис этади. Аллоҳдан мадат сўраб, азиз-авлиёларга сиғиниб, кучига-куч қўшиб, қаердасан Алплар кураш майдони деб, йўлдаги учраган одамдан сўраб, белгиланган майдонга келиб, қир -адирга зимдан қараб, анча -мунча одам йиғилганини кўриб, кураш тортушуви оғир бўлишни сезиб, Алплари турган манзилга қараб Садоқатбек бир сўз айтиб турган экан:

Овулингизга келдим, ёр излаб чин юракдан,  
Инояти улуғ йўл берди яратган Аллоҳими.  
Тушларимда аён бўлди, сулув Ҳулкарпари,  
Сизларга оға-ини, қариндош бўлгим келди.  
Ор-номус учун чорлабсиз эй Алплар мени,  
Мана мен келдим, бел боғлаб кураш майдонига.  
Не шартингиз бор айтинг бирма-бир энди,  
Курашми, кўпқари, ёй отиш ёки қўл кучи.  
Ҳаммасига тайёрман, сизларга ё ака -укаман,  
Ҳалоллик, мардлик. жасурлик синалар бунда.  
Келганман фақат севган ёрим излаб бу юртга,  
Ғиромлик, хиёнат, нопоклик йўқ аслида менда.

Эл удуми бу, ҳалоллик ору-номусли ёрга етишмоқ.

Садоқатбекнинг чорлови, юракдан айтган сўзлари қишлоқ аҳлига хўп мос ва хос бўлиб, қишлоқ оқсоқоли бу орли, номусли, полвонларга ёндош, кўп фикрли, ақл зикрли йигитга жой кўрсатиб, кураш талабларни тушунтириб,, ҳар икки тараф алпларига ҳалол курашни айтиб катта дуо бериб, кузатувчи, белгиловчи, хабарчиларни ажратиб, ҳаммасидан ҳалолликни талаб қилиб курашни бошлашга икки зўрни Садоқатбек ва Норбекларни чорлабди. Алплар бошлиғи Норбек кўксини кенг қилиб, билакларни, жуссасини кучга тўлдириб, кураш жиҳозларни жойлаб, Ҳулкарпари висолига ошиғиб, қишлоқ сулувни ор талашиб, ёр қилиб олиб қолишга, бутун кучни синаб кўришга, ўзига ишониб, Садоқатбекни устидан ғалаба қозонишига қодир эканлигини ўйлаб бир сўз айтиб турган экан:

Бекор кепсан ёр излаб бу юртга,  
Алплар бермас орни, номусин.  
Ҳар бирида бор ғурур, мардлик,  
Сен кучингни бекор сарф этмагин.  
Ҳеч биримиз кам эмасмиз курашда,  
Синалганмиз давра куриб зўр олишда.  
Келганларни кўпи майиб бўлган даврада,  
Маслаҳатим ҳали бордир чорак вақтинг.  
Жумормак бўлмагин, белинг мертилиб,  
Ҳеч ким йўқ сенга малҳам бўлгани,  
Тезроқ кетгин бўлмай десанг шарманда.

Эл оқсоқоли бутун халқига жар солдириб, ўзга юртдан полвон зотли, насли тоза, бек авлодидан бўлган Садоқатбек Ҳулкарпарига ошиқ бўлиб, ўзи юраги дов бериб, ўртага ўзига -ўзи совчи бўлиб келганлигини бақиртириб, чақиртириб, элни мардлар синаладиган сайилгоҳга чорлаб келтирди. Мардларга қўйилган биринчи шартда Тиллакамардан Шеробод Даҳнасига от чоптириб, даҳна туташган қоядага харсанг тошга камонда ўқ отиб, тоғ қиррасидаги улкан тошни тушурганга, қайтишда Чилонзордан икки

ёшли новосни отга ўнгариб келганга талаб қўйилди. Хулкарпари жамоли, меҳри-муҳаббати, садоқатига эришиш, ёрини ўз бағрига босиш учун рақиблари устидан қўйилган шартларни бажариб, орзу-умидлари ушалиб икки фарзанд Гулпари ва Шохжаҳонлар дунёга келиб, мурод -мақсадларига эришдилар. Достон ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, жасурлик, ўзаро ҳамкорлик, маслаҳатлашув, кадр -қиммат, урф-одатларга, анъаналарга содиқлик, ёрга вафодорлик, севги-садоқатни ҳимоя қилиш, асраш, муҳаббат асосида оила қуриш, меҳнаткашлик ҳис-тўйғуллари билан боғлангандир. Достоннинг якуни икки севишган қалбнинг орзу-умидлари ушалиб, бирга турмуш қуриб, фарзандли бўлиб, бахти-саодатга эришиб, мўътабар оила сифатида эл ҳурматга сазовор бўлиши билан ниҳоясигав етади..

**“Тошбосар” достони.** Шеробод қадимий оғзаки ижодиёти, маънавий маданияти ривожланган воҳа сифатида машхурдир. Шеробод халқи машхур афсоналар, ривоятлар, мақоллар, донолар бисоти билан ҳамда бахшичилик санъати билан дунё санъатига ва маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган. Ана шундай халқ достонларидан бири “Тошбосар” достони қадим вақтлардан буён халқимиз дилида ва тилида куйланиб келинган. Машхур бахши Чоршанби Раҳматуллаев (Чорша бахши) дўмбирасига хос бўлган “Тошбосар” достони Мардоноқул бахши, Нормурод бахши, Худойқул бахши, Қиём бахши ва бошқа бахшилар томонидан терма сифатида айтилиб келинган. Филология фанлари номзоди, доцент Рўзиқул Мустафоқулов “Тошбосар” достонини тўлиқ ўрганиб, қайта тиклаб, халқимиз орасида мавжуд бўлган термаларни йиғиб, ушбу достонни мукамал тарзда ниҳоясига етказиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб бориб, Чоршанби бахши Раҳматуллаев билан ҳамкорликда “Тошбосар” достонининг якуний хулосасини яратдилар. “Тошбосар” достони Шеробод халқининг ватанпарварлик ғояларини улуғлаган бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни яхшиларга ёндашишга, ёмонлардан ҳазар қилишга чорлайди.

Фольклоршунос Рўзиқул Мустафоқуловнинг тадқиқотларида достон воқеалари Сурхон-Шеробод худудида бўлиб ўтганлиги, “Ўтган қадим замонда, Кўҳитанг тоғ томонда – Музработ-Оқтошда, Ғоздан нари ёндошда, Тошқишлоқ деган қишлоқда, Зиё мерган ўтганлиги” автилади. Зиё мерган 60 ёшга тўлиб, ўғил кўриб унга Тошбосар деб исм қўйди. Худди шу даврда Тошқишлоқда яшаган Норкелдибойнинг Бибисора исмли эркатой қизи туғилганлиги, қиз вояга етиб Тошбосарнинг бўйи бастини кўриб хуштор бўлиб қолганлиги, Тошбосар эса уни хуш кўрмай Шоқосим тегирмончининг қизи Зилолани ёқтирганлиги достонда терма сифатида куйланади. Умуман асарда ижобий ва салбий қиёфалар ўртасида ўзаро рақобатлар билан бир

каторда давлатни адолатли бошқариш, халқнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш масалалари илгари сурилади. Бош қаҳрамон Тошбосар оғир табиатли, мулоҳазали, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, меҳнаткаш йигит тимсолида тасвирланади. У оилада яхши тарбия кўради, мерганлик, полвонлик, қаҳрамонлик сифатларига эга бўлиб, у бутун фаолиятини яхшиликка йўналтириб, халқ манфаатларини юксак кўяди. Тошбосарнинг тараф билмас полвонлиги, бекнинг тўйида кўпқари чоғи ҳам билинади, у улоқни ҳалол олиб чиқади. Тошбосар куч ва маҳоратда тенгсиз, ўзининг юксак иродаси, меҳрибонлиги, дўстга садоқати, ота-онага ва яқинларига ҳурмати юқори, ана шу хил кўпдан-кўп фазилатларга эга.

Достонда Норкелдибой қиёфасида камбағалларга нотўғри муносабат кўзга ташланади, унинг алдамчилиги, айёрлиги, ёлғиз қизи Бибисоранинг эрканантиқ қилиб ўстирганлиги ҳикоя қилинади. Бибисоранинг Тошбосарга нисбатан қилган инжиқликлари дастлаб ёш қалбни ўртаган чинакам муҳаббатдай туюлади. Аммо у рад этилган севгиси учун босиқлик, вазминлик кўрсата олмайди, ақл-фаросат билан иш тутиш ўрнига шаддодлик, баҳаёлик, жоҳиллик ва душманлик йўлига киради. Достондаги асосий ғоя халқни зулмдан қутқариш, давлатни адолат билан бошқариш, тенг ҳуқуқлилиқ асосида сиёсат юргизиш билан боғлангандир. Тошбосарнинг адолати қуйидаги термада аск эттирилади:

Меҳнаткашни қилмоқ даркор ҳимоя,  
Ҳар кишида бўлсин халқга меҳри гиё.  
Барчадан қолади бир кун дунё,  
Қалбда шапқат бўлсин, сўзларда зиё.

Достонда Тошбосарнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги алоҳида ўз аксини топади:

Юрт соҳиби яхши бўлса халқига,  
Дев хиёнат қилолмайди мулкига.

Достонда қаҳрамонлар қиёфасининг кўтаринки муболағали тавирлар воситасида ифода этувчи ўринлар анчагина ва у қуйидагича таъриф-тавсифларда акс этади:

Қаҳрланса, тоғлар қулар кўлидан,  
Арслон-шерлар қочар келган йўлидан.  
Дев-парилар кўрқар мерган улидан,  
Тошбосардир асли мардлар хилидан.

Достонда бош қаҳрамоннинг адолатли сиёсатига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ўтмишда қанча хон-султонлар, қанча жаҳонгирлар ўтганлиги, уларнингш амалга оширган ишлари, сиёсати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Достонда Бибигавҳарнинг гўзаллиги, унинг кун сайин куч ва ғайратга тўлиб бораётганлиги, акаси Тошбосар каби мардлиги алоҳида

таъкидланади. Зиё мерган фарзандларидан кўнгли чоғ эканлиги, бир ўринда умр йўлдошидан – хотинидан маслаҳат сўраб икки оғиз гап айтаётгани алоҳида қайд этилади:

Вафо кушим, ўзинг умр йўлдошим,  
Олтмишни оралаб борганда ёшим.  
Тоғлардай залворли яна бардошим,  
Фарзанд севинчидан кўкларда бошим.  
Энди тўкилмагай ҳасратли ёшим,  
Иккиси бири ой, бири қуёшим.  
Элу юртга тўй берайлик Бибижон.

Демак Зиё мерган ўз ҳаётидан мамнун, фарзандларининг тарбияси, мардлиги, меҳнатсеварлигидан кўнгли тўқдир, шу маънода у хотиржам, зинҳор дили ғаў билмайди. Достонда севги-муҳаббат, ёшлар орзусининг ушалиши, янги оиланинг вужудга келиши, Тошбосар ва Зилола ўртасидаги муносабатларда алоҳида куйланади:

Ҳамма етсин орзу-умид, мақсадга,  
Муяссар бўлсин ҳузур-ҳаловот, роҳатга.  
Эга бўлсин кенг хазинали давлатга,  
Қизлар тегсин ўзи севган йигитга.  
Сирдош дўстим, қўшгинанг қутлуғ бўлсин!  
Сенинг ёринг йигитларнинг сараси.  
Ҳаммадан ортиқ тушгандир суволаси,  
Ўзи лочин, Зиё мерган боласи.  
Ёш бўлса ҳам юртимизнинг доноси,  
Серфайз бўлиб уйларинг нурга тўлсин!  
Бузилмасин ёш кўнгилнинг қалъаси.  
Поёни йўқ, бордир ҳар ким ҳавоси,  
Турмуш қуриш қадимдандир мероси.  
Олтин бўлсин ўтовинг остонаси.

Достонда Шеробод халқининг орзулари, дилкаш, меҳрибон одамийлиги, оқкўнгил, доно фикрли зўр халқ экани, қайғу-кулфатга, текинхўрликка, ғаламислик, маккорликка қарши доимий тарзда кураш олиб бориши алоҳида жиҳатларга эга. “Тошбосар” достони Шеробод халқининг қадимий ўтмишини акс эттирувчи энг ноёб, бебаҳо асарлардан бири бўлиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари билан тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Авазхон” достони Махаммад Эшбоев томонидан янгидан кўйланган дoston бўлиб, бахшининг мукаммал изланишлари туфайли дostonнинг “Авазхоннинг ота юртига бориб келишдан” қисми янги талқин асосида тўлдирилган қисмидан парчалар тақдим этилмоқда; Бурунги ўтган замонда, элу юрти омонда, ўзи қибла томонда, Чамбил деган юрт бор эди, подшоси зўр эди, мисли айдаҳар эди, гуркираган шер эди, ҳар бир ийни қир эди, икки бети нур эди, қирқ йигитга пир эди, тиши оппоқ дур эди, юрагида сир эди, таърифини қилаберсак, қизлари жаннатдаги ҳур эди. Подишосин дер Гўрўғли, Чамбил юрти чортоғли, оромгоҳи гул боғли, бе фарзанд юраги доғли, душманин қилган бир ёқли, кўрар кўзга кўноқли, эли жуда иноқли, кўй эчкиси чиноқли, чибиҷлари улоқли, товлари ҳам булоқли, йигитлари нор, билакли, кўркмас кўшша юракли, муллалари алакли, эшони чепган желакли, бахшиси қум қулоқли, супураси ун элакли, новкори ёв яроқли, ўрдаси шам чироқли, китоблари кўп бороқли, ўқиб кўрсангиз мароқли, хуш манзара тол теракли, кўрпа ёстиғи қуроқли, ота-бободан қолган урфи-расм ҳам керакли. Таърифини айтдим ростдан, соҳибқирон Гўрўғли султон, юрти обод гулустон, жиловдори қирқ чилтан, қойил бўлган дев пари мастон, душмани келалмаган бехосдан. Шундай қилиб, Гўрўғлибек Чамбил юртининг атрофини оқ тошдан кўк тошдан жўндириб, зўрлиғини кенг дунёга билдириб, деу парининг шаштини синдириб, қирқ ботир йигитни қирқ шаҳардан келдириб, Оға Юнус пари Мисқол парини хотинликга кўндириб, номойишга бўлсин деб Чамбилнинг пештоқиға олтин дорбозалардан кўндириб, юрган пайтлари эди. Гўрўғли султон қирқ чилтанлар васияти билан ғиротни миниб, тақдирига кўниб, икки кўзи чироқдай жониб, юрар йўлини тониб, Асқар, Полопон, Сулдуз тоғидан тикка ениб, Ваянган юртидан Холдор ўғли Ҳасанхонни Гуржустондан “Авазхонни” (Булдуруққассоб ули Авазхонни) олиб қочиб Чамбил юртига об келиб яхшилаб тарбиялаб фарзанд қилаберди. Гўрўғлининг катта ёри Оға Юнус пари Авазхонни, киччи ёри Мисқол пари Ҳасанхонни ёқасидан солиб, этагидан чиқаришиб биз ҳам фарзанд кўргандай бўлайик деб ирим қилиб ният қилишиб бор меҳрини икки ёш болаларга беришдилар. Эндиги гапни Гўрўғлидан эшитинг, шунда Гўрўғлибек менинг шу икки фарзандим илимли одобли фorasатли кенг фикирли зукко зиёрак хушт муомулали бўлсин деб ёшлигидан мадрасага ўқишга берган эди. Гапни Авазхондан эшитинг, бир куни Аваз варақлаб китоб ўқуб турса бир сўзга ҳадиси шарифга кўзи тушди, бунда бундай деб ёзилган экан “Ота рози худа рози”, “Она рози Пайғамбар рози” деган экан, Авазхон бу сўзнинг маъносини тушуниб, ҳай аттанга мен Гўрўғлининг юртига олти-етти ёшда келган бўлсам, келганимга етти йил бўлган бўлса ёшим ҳам ўн тўрт ёшга тўлди,

мендан кўп хатолик ўтибди меҳр оқибат кетибди, Гуржистонда отам Булдуруққассоб, энам Болойим, синглим Гулойимлардан бир хабар олмасам, оқ дуосин олмасам, шуларнинг иззат кадрили билмасам, ҳурматини қилмасам, қиёматим куяр экан, менга лаънат тияр экан, дўзах ўтига кўяр экан, агарда оқ дуосин кўнглин олсам, мени яратган ҳақ суяр экан деб, шу гапларни юрагига жойлаб, савоб ишларни ўйлаб, калла чайқаб ҳай-ҳайлаб, Гўрўғлининг ўрдасини пойлаб, аста секин қадам тайлаб келаётган эди. Авазхоннинг олдидан бе хосдан икки пари Гўрўғлининг севган ёри, жуда эсли оқлдори зар рўмолли какулдори қоботига қирқ канизагини ияртиб боғи сайилга ўйин кулгуга кетаётганида Авазхонга дучор бўлишди, ана шунда Оға Юнус ва Мисқол пари қораса Авазхон қадди букулган, икки кўздан ёшлар тўкилган, хафа бўлиб музтар бўлиб келаяпти, шунда Авазнинг олдини ўраб, аҳволига қораб, боласининг дардини сўраб, турган жойи экан,

Эътибор қил доим ҳар бир сўзларга,  
Хушёр бўл элда суху-кўзларга,  
Музтар бўлиб кетаяпсан Авазжон,  
Тўхта болам дардинг айтгин бизларга.

Дучор бўлдик аҳволинга қораймиз,  
Айтгин Аваз биз кунинга яраймиз,  
Сут бермадик жилик бердик қўлинга,  
Биз энангмиз сенинг дардинг сўраймиз.

Роҳати бор, аввал одам қийналсин,  
Қалб-юрақдан ширин тиллар сўйлансин,  
Хаёл суруб келаяпсан йўлларда,  
Ростин айтгин сендан энанг айлансин.

Ўлим ҳақдур билгин шоҳу гадога,



Не иш қилсанг таваккал қил худога,  
Эна гулдур фарзанд эса лоладир,  
Сиринг айтгин энанг сендан садога.

Эй Авазжон сенсан жону дилбандим,  
Ширинликда шакар асалу-қандим,  
Айланайин дардинг айтгин бизларга,  
Меҳр қўйиб эркалатган фарзандим.

Не дардинг бор айтгин бизга барисин,  
Азиз бошдан қайғу алам орисин,  
Тортинмайин айтабергин жон болам,  
Бе фарзанднинг кўрган куни қурисин.

Гўрўғлига қайдан ҳам биз ёр бўлдик,  
Наслим пари ростин айтсам хор бўлдик,  
Сен йиғладинг бизда мадор қолмади,  
Чамбил келиб бир тирноқга зор бўлдик.

Беш кун дунё хасратидан куйганмиз,  
Тақдир экан сенга меҳр қўйганмиз,  
Икки пари сенинг дардинг сўрайди,  
Қиёматлик сени, фарзанд деганмиз.

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмайди,

Ажал тўлмай ҳеч бир жонзод ўлмайди,  
Меҳр қўйиб болам дедик Авазжон,  
Бир хил номард фарзанд қадрин билмайди.

Бутун бўлсин дастурхонда нонимиз,  
Дард кўрмасин гулдай бўлган танимиз,  
Сенинг учун содоғалар бўлсинда,  
Оллоҳ берган бизнинг ширин жонимиз.

Пухта бўлгин болам ҳар бир ишинга,  
Ҳайрон қолдик кўздан оқган ёшинга,  
Айтгин болам кимдан ўтди тоадди,  
Не савдолар тушди азиз бошинга.

Икки парининг бу сўзларини эшитган Авазхон сирини айтмайин деса ҳам сира эланиб қўймаётир, охири Авазхон париларга қараб бор сирини Юнус пари билан Мисқол парига айтиб берди. Шунда парилар каниз қизларига жавоб беришиб, Авазхоннинг дардини тушунишиб, Авазга ҳам жавоб беришиб, икки пари ишга киришиб, Гўрўғлининг давлат хонасига юришиб, аркони қабул хонасига боришиб, Гўрўғлибекка дучор бўлишиб, ийилиб салом беришиб, юзлари ойдай ёришиб, тўраси билан кўришиб, орқа сочлар бурам-бурам, мард йигитга уйқу хорам, бу дунёда кўрмадик орам, юракда бўлмасин жорам, арзимизга қулоқ солинг бек тўрам, обод бўлсин элатингиз, ҳосил бўлсин муродингиз, нозаркарда ғиротингиз, баланд бўлсин ҳурматингиз, сиздай султоним турганда хафа бўлама Авазхондай фарзандингиз дийишди, шунда Гўрўғлибек икки паридан бу гапларни эшитиб, хаёл суриб, жойидан туруб, у ёқ-бу ёқга юриб, Авазжонга меҳр бериб, роса ўйлаб кўриб, ҳай аттанга Авазхонни етти ёшида Гуржистондан олиб келдим, умид қилиб ота бўлдим, тарбият қилиб йўлга солдим, шу орада етти йил ўтиб Авазнинг ёши ҳам ўн тўрт ёшга тўлди, боламнинг йигитлик даври келди, ақилини қизлар олди, бу ёғи ҳам қизик бўлди, деб вазирларини

олдига чақиртиб, маслаҳат қилишиб, Гўрўғлибек фармон қилиб қирқ йигитига буйириб, ҳаммасини уйириб, от-отинга миначан, қорчиғайдай кўнасан, ҳар кўчага от чопдириб, Авазнинг кўнглин топдириб, Чамбил элининг кўл тиймаган қизларидан тўдалаб қатта сайри боқга жийасилар, шоҳ супанинг устига Авазни ўтирғизиб, олдидан қизларни қаторлаштириб ўтқаринглар Авазхон йигит эмасми буравини сойлаб олсин, хўширайидан ўйлаб олсин, осовини бойлаб олсин, соч бовини мойлаб олсин, тахминига тайлаб олсин, юрагига жойлаб олсин деди. Ана шу кеча ётди, эрталаб яна тонг отди, карнай сурнайин торди, кийинтирди Аваз мардди, кетгарсак деб юрак дардди, қилаётир ғайратди, толотўп қилди Чамбил элотди, қирқ йигит чопдириб бедов отди, кўп қизлар ҳам боғга етди, Аваздан қилишиб умидди, кўрсак деб шу йигитди, мисоли шунқор бургутди. Ана шундай қилиб Авазхонни бол ҳавузга чўмилириб, роса кийинтириб, торантириб, кимхоб тўнларга ўрантириб, хийли безаб, ҳамма томонини тузаб, хушрай қилиб, кўзмунчоклардан илиб, ўйнаб кулуб, икки пари қоботига келиб, бол Авазнинг дардини билиб, икки кўлтиғидан суяшиб Авазжонга қорашиб, бир-бирига ярашиб, эй Авазжон улим, боғда очилган гулим, сен билан обод элим, булбулдай сайрасин тилим, энангда бор кўп илм, сочлари зар сумбулим, сенсан тулпор дулдулим, сени кўриб ўйланайин, ширин тилдан сўйланайин, қоботингда бўлайин, хизмат қилиб қийналайин, боғу сайилда қизлар кўп сендай марддан айланайин, ойтганимизга кирагай, жойингдан урчиб турағай, гапга жавоб берағай, биз билан бирга борағай, сайри боғга кирағай, қизлар ҳуснинг кўрағай, даври-даврон сурағай, тезироқ болам журағай деб икки пари энаси Авазни ғиротга миндириб жиловидан ушлаб жеталашиб сайри боғга оббориб Авазни отдан тушириб ғиротни бек соқига бериб ўзлари Авазхонни холи гиламлар тўшалган, зар кўрпалар тайланган, дастурхонга турли тоам жойланган, созандалар куйланган, карнай сурнайга айланган, шоҳ супага авайлаб аста секин эркалатиб суяшиб ўтирғиздилар. Ана шунда Авазхон шоҳ супага жойлашиб ўтиргандан икки пари ҳам боғдан чиқишиб кетишдилар. Добилбоз-добулини урди, санам қизлар боғга кирди, қизғалдоқдай қотор турди, кўз қисишиб берман юрди, қилиқсишиб имо берди, бек Авазни синаб кўрди, шунда қизлар кулишиб, худди ойдай тўлишиб, мард Авазни билишиб, чонқобузин чолишиб, гоҳи пайит олишиб, ҳар хил ўйин қилишиб, ёрга яқин келишиб, Авазнинг олдидан бирма-бир қаторлашиб ўтиб бораётган жойи экан,

Шер Авазни сўрашиб,

Зар какулин бурашиб,  
Севган ёрга қорашиб,  
Гала қизлар жўнади.

Келар бир хили шошиб,  
Кетсак дийди гаплашиб,  
Умид қилар тиклашиб,  
Бўта кўзлар жўнади.

Кимга қиларкан насиб,  
Хусни ойдаи муносиб,  
Мушку-анбари сасиб,  
Сарвинозлар жўнади.

Рухсат қилса ўпишиб,  
Қолсак дийди ёпишиб,  
Ўтиб борар чопишиб,  
Гўзал қизлар жўнади.

Бир-бирига суяниб,  
Кўзи чироқдай ёниб,  
Ёрнинг меҳрига қониб,  
Ойдаи қизлар жўнади.

Қўйнин гулга тўлдириб,

Чин севганин билдириб,  
Кетсак дийди илдириб,  
Паризодлар жўнади.

Тишлари оқ дурдай бўп,  
Жаннатдаги ҳурдай бўп,  
Кўкдан тушган нурдай бўп,  
Ширин сўзлар жўнади.

Қилиқсийди кулишиб,  
Хусни ойдек тўлишиб,  
Тийсак дейди келишиб,  
Нурдай қизлар жўнади.

Сумбул сочларин туйиб,  
Ўсма сурмасин қўйиб,  
Ҳар хил кийимдан кийиб,  
Гулзор қизлар жўнади.

Оқ юзига хол қўйиб,  
Тилига ширин бол қўйиб,  
Зулфагига гул қўйиб,  
Чебар қизлар жўнади.

Тилида бор ғазали,

Эшитганга мазали,  
Чамбил элнинг гўзали,  
Дилбар қизлар жўнади.

Лабига қўйиб лолаб,  
Келар қизлар эркалаб,  
Мос каликдай йўрғалаб,  
Хумор кўзлар жўнади.

Шу қизлар ҳам парилар,  
Товусдайин керилар,  
Қўхна дардга дарилар,  
Санам қизлар жўнади.

Йўрғалайди ғоздай бўп,  
Жузукдаги кўздай бўп,  
Шоир айтган сўздай бўп,  
Ғазал қизлар жўнади.

Шундай қилиб боғу сайилда хушрай қизлар шоҳ супада ўтирган Авазхоннинг олдидан бирма-бир қаторлашиб ўтаберди, синовдан ўтганлари боғдан чиқиб кетаберди, Авазхон ҳам томоша қилиб гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаб ёта берди, Оға Юнус Мисқол парилар ҳам Авазга билдирмай онглиб паналашиб томошадан бирор-бир натижа кутаберди. Икки парилар паналашиб Авазжонга билдирмай қорашиб турдилар, қизлар билан кўнгли топилар деб синашиб кўрдилар, лекин Авазхон қизларнинг хусни жамолини томоша қилган билан ҳали ҳам қадди букулиб, икки кўзидан қатор-қатор ёшлари тўкилиб турубди, бу аҳволни кўрган парилар Гўрўғлининг олдига келишиб, салом бериб таъзим қилишиб, омонатдур танда жоним,

дастурхонда бутун ноним, обод бўлсинда маконим, сира қолмасин армоним,  
бир арз билан бизлар келдик қулоқ солинг султоним, айтайик сизга  
хурматингиз, камаймасин давлатингиз, сайри боғга борган билан ҳалиям  
хафа фарзандингиз, дийишдилар. Бу гапни эшитган подиша вазирларига  
буйириб Авазхонни аркони давлатига об келишни буйирди, шунда Авазхон  
Гўрўғлининг давлатхонасига келиб, одаб билан таъзим қилиб, отасига солам  
берди. Ана шунда соламига алик олиб, Авазхоннинг олдига келиб, икки оғиз  
гап сўраб турган жойи,

Бек отангнинг мардлигини биласан,  
Мени десанг айтганимни қиласан,  
Доим сени хурсандликда кўрганман,  
Бугун нега хафа бўлиб келасан.

Тергов қилиб мен сўрайсам қайтасан,  
Тўғри айтсанг муродинга етасан,  
Отанг сени ҳузурига чоқирди.  
Болам бўлсанг бугун ростин айтасан.

Ким хиёнат қилди сенинг ишинга,  
Не савдолар тушди азиз бошинга,  
Отанг бўлмай мен ўлайин Авазхон,  
Раҳмим келди кўздан оқган ёшинга.

Болам айтгин сенинг дардинг билайин,  
Нима десанг айтганингни қилайин,  
Ёлғизман деб кўнглинга ҳам келтирма,  
Душманингни тандан бошин жулайин.

Бир хил хумса билмас қилган хурматди,  
Кўнгли очик элга қилар хизматди,  
Хафа бўлиб юришинга ҳайронман,  
Кўзим қиймас сендай арслон фарзандди.

Зарб етмайин темир пўлат букулмас,  
Фармон бўлмай кўкдан ёмғир тўкилмас,  
Аслим билсанг синчилардан бўламан,  
Ҳар қандай зўр сендай бўлиб туғулмас.

Гумбурлаган тўпдай бўлар юраги,  
Қайга борсам йўлдош ғирот пирогим,  
Хон отанга дардинг айтгин жон болам,  
Авазжоним сенсан менинг керагим.

Фармон бўлмай ой қиблага ботмайди,  
Камтар бўлса ундан давлат қайтмайди,  
Суянчиғим овунчоғим сен болам,  
Сенсиз менинг сира куним ўтмайди.

Кўнглинг тусаганин болам қилдирай,  
Нима десанг ер юзидан келтирай,  
Кўзим тири Гўрўғлихон ўлган йўқ,  
Ким тийинса мансур дорга илдирай.



Қиш келмайин товнинг боши қорламас,  
Кам дармонлар ўзин ишга зўрламас,  
Мендай отанг подшо бўлиб турганда,  
Аваз мардни билгин ҳеч ким хўрламас.

Ким йиғлатди болам сендай кўзини,  
Мен турганда баланд қипди ўзини,  
Чамбил элга у эгами мен эга,  
Ер юзида йўқ қилайин изини.

Қирқ йигитни отлантириб чопдирай,  
Ким ҳам бўлса ажал тўнин ёпдирай,  
Тортинмасдан айтабергин бирма-бир,  
Қайга қочса уни излаб топдирай.

Алқисса: Гўрўғлихон қаҳри келиб, худду илондай захри келиб, ғайрати дарёдай тошиб, баданда туклари совутни тешиб, очувланиб жуда шошиб, Авазхонга ёқинлашиб, боласи билан дардлашиб, ҳар томондан гаплашиб, чечанликдан гапни-гапга улаб, фарзандининг монглайини силаб, яратгандан тинчлик тилаб, отасининг меҳри топлаб Аваз турди эркалаб, шунда Авазхон қораса отасининг тоза очуви келгандай, хиёс қилди бир нерсани билгандай, шунда отасига қораб Авазхон очувингиз келмасинда отажон, сиз бўлдингиз менга меҳрибон, бу юртда йўқ сиздайин қадрдон, мусурмон қилдингиз бўлдим номозхон, отажон Чамбилдан давлат қайтган йўқ, ҳеч ким менга ёмон гап айтган йўқ, деб отасига қораб икки оғиз сўзлаётган жойи,

Мен ўқийман суннатини фарзини,  
Қутулай деб яратганнинг қарзини,

Қўймадингиз мен айтайин отажон,  
Энди тингланг Аваз марднинг арзини.

Кўрганимни билганимни сўзлайман,  
Ғаним кўрсам ушлаб бағрин тузлайман,  
Ота рози худа рози деганлар,  
Рухсат қилинг ота юртим излайман.

Ният қилдим Гуржистонга борайин,  
Лекин, ота сиздан рухсат сўрайин,  
Она рози Пайғамбар ҳам розидур,  
Жавоб беринг меҳрибоним кўрайин.

Шу сафарга беринг ота ғиротди,  
Боз устига қилинг менга рухсатди,  
Яхши ёмон ўтар экан дунёдан,  
Ҳар бандага берсин қобил фарзандди.

Қиблагўйим сиз ишанинг сўзимга,  
Хизмат қилай доим Чамбил дўзимга,  
Китоб олиб ўқиётсам бек ота,  
Ҳикматли сўз кўриндида кўзимга.

Ўн бешида осмонда ой тўларкан,  
Ўқимишли кўп нарсани биларкан,

Отасини кимки хурсанд айласа,  
Яратган ҳақ ундан рози бўларкан.

Ким ўқиса китоларда кўп кон бор,  
Савоб учун суртилади мушк-анбар,  
Онасини фарзанд рози айласа,  
Умматидан хурсанд бўлар Пайғамбар.

Оллоҳ берсин ҳар нарсанинг мевасин,  
Эътиборга олсин банда ҳавасин,  
Она ойдур ота эса қуёшдир,  
Қобул фарзанд олар улар дуосин.

Яхши сўз ҳам тушунганга давлатдур,  
Ному нишон қолувчи бу фарзандур,  
Ота қадрин билиб яшаш даврондур,  
Она гулдур ҳар бир изи жаннатдур.

Эл дуоси одамзодга тияркан,  
Мард одамни яхши ёмон суяркан,  
Ота-она меҳрибонин ранжитган,  
Но қобулнинг охирати куяркан.

Гуржистонга эсон бори келайин,  
Ота сиздан оқ дуони тилайин,

Ёлғизлигим асар қилди ғамгин бўп,  
Рухсат қилинг мен ҳам хурсанд бўлайин.

Шунда Авазхоннинг ҳар бир айтган сўзига, худди ойдаи бўлган юзига, жовдираб термилган икки кўзига, Гўрўғлихоннинг раҳми келиб, фарзандининг ҳар бир гапини инободга олиб, ақилига ҳайрон қолиб, жуйруклигини билиб, гапчиноз бўлганлигига кулиб, эй Авазжон болам мана шу кеча ётасан, ширин уйқуга кетасан, эрталаб қоботимга жетасан, агар ғиротни созлатиб бермасам мени номард экан деб айтасан деб Авазхонга жавоб бериб юборди. Эртаси тонг отди. Гўрўғлибекнинг долғиротини бир сайиси бор эди, шунда Гўрўғлихон саис деб чоқирди, тезроқ кел деб бақирди, ў ғиротнинг сайиси бек соқи, саксон тилла бир ойлик ҳақи, кулуб юборса гулли қоқи, созлаган отинг ўйнақи, отга ёқмайди қийноқи, қоботимга келасан, очувимни биласан, қобоғинг очиб куласан, ғиротни созлаб келасан, айтганимни қиласан, табланинг кулфини жуласан, кирнам кирса ўласан, хизматимда бўласан, бир куни ойдаи тўласан, ҳушёр бўлиб турасан, от хонага борасан, ғирни созлаб берасан, айтган вақтда келмасанг кўргулигингни кўрасан, тезроқ ғиротга борғин нега бўзирайиб юрасан, деб, соқини буйириб юборди, сайиснинг кўнгли қобарди, ғайрат қилиб боради созлайин деб тулпорди, бек соқи боради шошиб, йиқилиб монглайи шишиб, ақлидан одошиб, таблага борди етишиб. Шунда бек соқи тош таблага борса, имтилиб узалиб кўрса, от абзалин ушлаб турса, ғиротга яқинлашиб борса, долғирот ҳам қобоғини уйиб, тенасига бор кучини жийиб, ўз бошига ўзи жумуюб, соқини қошига жонаштирамай қувуб, ойёқларин сермаб отиб, тоза ўзидан кетиб, сайисни роса қийнаб, кийикдай сакраб ўйнаб, қозик айланиб чопаетир, агар яқинлашса тепаётир, соқини кўриб ҳуркаётир, бундан сайис кўрқаетир. Яқинлаштирамади долғирот, ҳайрон қолди соқи мард, Гўрўғлига оббормаса яна бўлар қиёмат, эгар абзални ерга қўйиб сайис қилди тоҳорат, бе тоҳорат борса соқи билди бўлар фолокат, нима бўлса кечикмай деб қилаберди ҳаракат, тозолик ҳам яхши бўлар доим бўлсин борокот, деб тоҳоратни қилиб, ғирнинг сирини билиб, қобоғин очиб кулиб, нордай билаги толиб, икки кўлига тилла жугонни олиб, ғир тулпорга яқин келиб, бир майдон таъриб қилиб, турган жойи экан,

Сени минган ботир кўнглин топасан,  
Чамбил элнинг обрўйини ёпасан,

Яқинлашсам нега мени тепасан,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Кел жонивор бўйнинг жуганга узат.

Тош табланга маъшал чироқ ёқилган,  
Жолларинга кўз туморлар тоқилган,  
Сендай тулпор ўз кўлимда боқилган,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Манглайингдан мен қилайин зиёрат.

Райҳон олди бек Аҳмаднинг ёрини,  
Сен оп келдинг Зайдинойдай парини,  
Қайтиб олдинг Холжувоннинг орини,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Жолларингдан мен қилайин зиёрат.

Хизир чиқган сендай тулпор йўлидан,  
Шароб ичдинг қирқ чилтанлар кўлидан,  
Пари олдинг қўҳи-қофдай элидан,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Босган изинг мен қилайин зиёрат.

Кенг майдонда қирдинг минглаб жаллодни,  
Юртим дединг тинмай қилдинг хизматни,  
Олиб келдинг Ҳасан, Аваз фарзандни,

Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Какулингдан мен қилайин зиёрат.

Ўйғанасан кишнайсан ҳар саҳардан,  
Қолишмайсан ҳушрайликда баҳордан,  
Қирқ ботирни олдинг қирқта шаҳардан,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Туёқларинг қилай ўзим зиёрат.

Гўрўғлининг камчилигин битказдинг,  
Қўлга тушса элга хабар етказдинг,  
Довруғини кенг дунёга кетказдинг,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Эл юртинга ҳеч қилмагин хиёнат.

Олиб келдинг пари жузум кўзини,  
Ваянгандан олдинг Далли қизини,  
Босиб ўтдинг дулдулнинг ҳам изини,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Яратгандан сенга бўлган марҳамат.

Чамбилимга сен абадий чироқсан,  
Назаркарда номи чикқан буроқсан,  
Яхши ёмон кунда доим керақсан,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,

Меҳри гиянг элга берган борокат.

Қора товда Қирон девни ўлдирдинг,  
Юз йигирма девнинг гулин сўлдирдинг,  
Оқ дев шерни якка ёлғиз қолдирдинг,  
Моҳма дийман-моҳма дийман долғирот,  
Қайга борсанг сендан бўлган барокат.

деб, соқи булбул шу сўзларни долғиротга айтаберди, сўз маънисин тушуниб жонивор шоштидан қайтаберди. Хўжай Хидирнинг тарбиясин олган, қирқ чилтанлар суҳбатида бўлган, душманларни ер билан яксон қилган, уч кунлик жойдаги душманнинг добирини билган, ғирот жонивор, отлар ичида зўравор, гуркираган мисли айдахар, ўз эгасига вафодор, шунда бек соқига қораб, тўрт оёғини ерга тираб, эй сайисим қоботимга келмайсанма, менга меҳрибон бўлмайсанма, қирқ чилтанинг эгар абзалин нордай белимга солмайсанма, ўз билганингдан сира қолмайсанма, деган имо ишорани қилиб, соқининг кўрқанлигини билиб, эркалаб саиснинг қоботига келиб, худди кулундай кишнаб, гулдай очилиб яшнаб, ўзининг яхши хунарларини бошлаб, ҳамма томонларини билқиллатиб, ёл-қуйруғуни селқиллатиб, ювош бўлиб тураверди, соқини синаб кўраверди, соқи ҳам отга қораб юраверди, от абзалин олиб бораверди, ана шунда хунсанд бўлиб, ғайрати тошиб авжи келиб, отнинг жуловидан ушлаб, бор хунарини бошлаб, отни яланғочлаб ташлаб, баданини қошилаб, отнинг кўнглини топиб, устини созлаб ёпиб, тургани,

Кўш билакга кучлар келди жийиниб,  
Очувланар ич-ичидан куйиниб,  
Долғиротни созлаётир бек соқи,  
Ихлос қилар яратганган сийиниб.

Уста олар яроғининг қиловин,

Раҳбар қилар элу юртнинг тилавин,  
Абжиллик қиб етиб борди бек соқи,  
Ғайрат қилиб ушлар отнинг жиловин.

Жуйрук одам билар элнинг дардини,  
Номард камситади юртнинг мардини,  
Долғиротнинг терин артар бек соқи,  
Суртиб тозалайди чонги гардини.

Дона раҳбар элда қилар бирликди,  
Чорвадорлар эъзозлайди қирликди,  
Меҳрланиб солаётир бек соқи,  
Отга ёпди майингина терликди.

Яхши сайис билар отнинг фарқини,  
Соз бўлганда кўринг ғирот кўркини,  
От абзалга зовқланади бек соқи,  
Ёпаётир тўқимали чиргини.

Ювош бўлди ғирнинг қаҳри тўкилди,  
Одамзодга Оллоҳ берсин ақлди,  
Завқи келиб ёпаётир бек соқи,  
Чиразланган зар сочоқли дигилди.

Меҳнат қилган элда обрўй топади,



Алп йигитлар юрт орига чопади,  
Тулпорларга сайис бўлган бек соқи,  
Ният қилиб тоқим чирги ёпади.

Долғиротни чилтан берган қўлига,  
Устоз бўл деб Бибиҳилол улига,  
Шу гапларни эсга олиб бек соқи,  
Жаҳанликни қўйди отнинг белига.

Тош таблага Гўрўғлихон юборди,  
Соқи келмай ғирот билди хабарди,  
От устига қўяберди бек соқи,  
Бўри калла тилла карсан эгарди.

Тош табладан долғиротди об чикди,  
Шошаётир мухлатидан кечикди,  
Эгарига қоплайберди бек соқи,  
Чинмочиндан келган банот кўпчикди.

От абзали тартиб билан қўйилди,  
Ғир белига тортди пуштон ойилди,  
Қаҳри келиб тортаётир бек соқи,  
Зарба етиб ғирот бели ийилди.

Шоир одам ўз ватанин мақтасин,

Таърифига учар қушлар тўхтасин,  
От белини маҳкам тортиб бек соқи,  
Ечиб олди долғиротнинг нўхтасин.

Сахий дийди меҳмон бўлинг деганни,  
Бохил қўймас уйга меҳмон бўганни,  
Сер ғайрат бўп гуркирайди бек соқи,  
От бошига солди тилла жуганни.

Шундай мардни яхши сайис дийишган,  
Қаттиқ тортса отнинг бели ийишган,  
Думғўзадан айлантирар бек соқи,  
Ўн саккиз қуббали карки қуюшқон.

Қобортириб қўл бармоғин шиширди,  
Пухта экан қайтса ишин пиширди,  
Бисмилла деб қўлга ушлаб бек соқи,  
Узангини икки томон туширди.

Шундай бек соқи долғиротни созлаб, отнинг кўнглини излаб, хам югуриб тезлаб, яхши созланганлигини кўриб, қовотида туруб, бор меҳрини бериб, икки оғиз сўз айтаётган жойи экан,

Чилтан мени саис қилди ўзинга,  
Мендан бошқа тушунмайди сўзинга,  
Эл бахтига омон бўлгин ғиротим,

Ҳеч бир тулпор ийяралмас изинга.

Сени минган етишади ёрига,  
Сабаб бўлдинг Юнус Мисқол парига,  
Чамбил юрти обод бўлди сен билан,  
Хизмат қилдинг элу юртнинг орига.

Ҳеч бир тулпор сендай юруб тўримас,  
Гўрўғлининг сенсиз иши аримас,  
Қирқ чилтанга ҳамроҳ бўлган тулпорсан,  
Сен хизмат қилган сира қаримас.

Хўжай Хидир пешонағни силаган,  
Райҳон араб қирқ минг тилла тилаган,  
Гўрўғлихон бераман деб айтганда,  
Ўзбек-туркман қайғуришиб жилаган.

Тулпор бўлдинг яратганнинг фармони,  
Сенга қурбон мендай сайиснинг жони,  
Гўрўғлига фарзанд бўлдинг ҳам давлат,  
Сени минган ботирнинг йўқ армони.

Дулдул бўлиб кўринасан тушимда,  
Сайис бўлиб мен юрубман ҳушимда,  
То ўлгунча хизмат қилай ғиротим,

Худди қиздай эркалайсан қошимда.

Сен элисан меҳригиянг сезилар,  
Қўлтиғингдан қўш қонотинг жозилар,  
Тўрт туёғинг пўлатдан ҳам мустаҳкам,  
Агар тийса метин тошлар эзилар.

Донг торатиб дулдулдайин ўтасан,  
Гоҳ тепасан-гоҳи тишлаб отасан,  
Донғи кетган нозоркарда тулпорсан,  
Форга кириб ғойиб бўлиб кетасан.

Сен жуйруксан яратганнинг нурисан,  
Гўрўғлининг давлатисан сирисан,  
Сенинг эганг қирқчилтаннинг йўлдоши,  
Ўзинг ўйла сен ҳам шулар бирисан.

Хизмат қилиб доим кўнглинг олайн,  
Ҳар бир босган изинг тавоб қилайин,  
Мен ҳам чилтан сенга сайис бўлибман,  
Эл юртимга бахт иқбол тилайин.

Шундай қилиб бек соқи ғирот билан дартлашиб, бир майдонга гаплашиб, бир-бирига жоплашиб, иккови интифоқ бўлиб, роса шайтонни боплашиб, ғиротни жеталаб келаётгани экан,

Жулов ушлар беркитиб,  
Ҳазил қилар хуркитиб,  
Долғирот ҳам ўйнақлар,  
Бек Соқини қўрқитиб.

Сайис келар шердай бўп,  
Шопоқланган нурдай бўп,  
Жеталайди ғиротди,  
Қадам ташлар бирдай бўп.

Илҳомланиб ўзидан,  
Олов чиқиб кўзидан,  
Йўрғалайди долғирот,  
Борар соқи изидан.

Арча ўсар питолаб,  
Иш кетмасин хатолаб,  
Хурсанд бўлди бек соқи,  
Келар отди жеталаб.

Ентикиб келар шошиб,  
Аркнинг йўлига тушиб,  
Яқин келди манзилган,  
Тобладан берман ошиб.

Тилла жуган бошида,  
Кумуш сувлуқ тишида,  
Тулпор келар йўрғалаб,  
Зўр сайиснинг қошида.

Тош талбада тўрваси,  
Баланд ғирнинг зарбаси,  
Бек соқига бош бермас,  
Гўрўғлининг йўрғаси.

Ғирот келар тенг бўлиб,  
Босган изи чанг бўлуб,  
Шердай бўлди бек соқи,  
Бугун иши ўнг бўлуб.

Келаётир изма-из,  
Обод бўлсин Чамбил дўз,  
Гўрўғлидай султонга,  
Бўлаберди юзма-юз.

Соқи булбул долғиротни созлаб эгарлаб олиб келаберсин, буни кўрган Гўрўғли хурсанд бўлаберсин, Авазхон учун тарадди қилаберсин, эндиги гапни Чамбил юртидан эшитинг. Чамбил мамилакати катта юрт бўлиб, Чамбил чортоқли мамилакат дер эди, бир томонида ўзбеклар, бир томонида туркманлар яшар эди. Туркманларнинг бошлиғини Аҳмат қари дер эди, бу қари Аҳмат, кимни кўрса қилар тўхмат, бундан ҳеч ким эшитмаган раҳмат, ёмонликга қилган ҳаракат, юруш туруши фалокат, бу иймонсиздан қочган эди баракат, нима бўлса эсон омон бориб келсин Аваз мард. Аҳмат қари

Чамбил элининг ярим эгаси эди, лекин Гўрўғлининг асил тоғаси эди, шундай улуғ бўлсаям ҳеч тўғри юралмас эди, бировга ёрдам бералмас эди, Гуржистондан келган Авазни кўралмас эди, шунинг учун Авазхоннинг қоботида сира эркин туралмас эди, тўсатдан Аваз дучор бўлса ҳатто юзини ҳам буралмас эди, Аваз аждар қобоғин уйса олдиға ҳам боралмас эди, бунинг ҳаммасини сир қилиб буравға ичини ёралмас эди, ана шунда Аҳмат қари Гўрўғли жиянимдан юрт эгасидан бир хабар олиб келайин деб, агар иш буюрса тортинмасдан қилайин деб, Чамбил элда нима гап бор уни сўраб билайин деб, ҳамишаги ҳийлагарлигимни қилиб жияннинг бир галини олайин деб, шу ишларни қилмасам Аҳмад бўлмай ўлайин деб, яхшиликликдан нима фойда ёмонликни тилайин деб, қилган ишим наф бермаса соқолимни жулайин деб, ўзининг бир қошқа оти бор эди, абзаллари зар эди, ювош эмас шор эди, бир қулоғи кар эди, кўкираги тор эди, ана шу отини миниб, икки кўзи бирдан тиниб, қилган тоҳорати синиб, ҳай аттанг деб тақдириға кўниб, Гўрўғлининг давлатхонасига бориб, отини химаткорларға бериб, арқони тўдона эшиқдан кириб, Гўрўғли султонни кўриб, юраги сувдай эриб, тилдан саломин бериб, тинмай таъзимин қилиб, қобул қилганин билиб, Гўрўғлининг олдиға келиб, мийиғидан бир кулиб, хорманг солومات қилиб, бир биридан ҳол аҳвол сўрашди. Омонатдир танда жоним, ҳамирай бўлсинда иймоним, қандайин хуш хабар бор менға айтгин жияним деб Гўрўғлидан сўрайверди. Шунда Гўрўғлибек барорли бўлсинда овим, маҳкам бойласин белбовим, Аҳмат тоғам орқа товим, сиз бўласиз юрак жовим, ёлғизлик ҳам қийин экан бошимдан кетмади ғовим, эй тоғожоним Авазхон Гуржистонға бораяпди, Гўрўғли ғиротди бераяпди, кучини синаб кўраяпди, элидан дуо сўраяпди гапнинг қисқаси тоғажон болам сафарға юраяпди, дегандан Аҳмаднинг ҳисоби житиб, икки қулоғи чиппа битиб, иймонсиз пелидан кетиб, икки қўллаб тоғасин тутуб, тоға жиянликни ҳам унутиб, Гўрўғлибекға кораб бир сўз айтаётгани,

Но қойилман сенинг қилган ишинга,  
Аваз бадрак келди Чамбил дашинга,  
Ҳар бир ишни ўйлаб қилгин жияним,  
Бир кун савда тушмасинда бошинга.

Ирисқини элдан олар мўлтони,

Кун узоғи тўлдирар халтани,  
Танимасни сийламас деб айтаркан,  
Сўз маъносин англа элнинг султони.

Ғирот кетса элга бўлар қобоҳат,  
Кеча кундуз ётолмайсан бир соат,  
Тоға зоти йигитга пир бўлади,  
Мен берайин жиян сенга маслаҳат.

Агар ишинг тушар бўлса бир мардга,  
Шундай одам етқаради муродга,  
Авазхонга сен бермагин ғиротди,  
Ундай номард қолдиради уятга.

Сабрлилар ҳар бир ишга шошилмас,  
Зарба етмай метин тошлар тешилмас,  
Авазхонга кўп ҳам берилиб кетма,  
Унинг меҳри асло сенга қўшилмас.

Иш маънусин билмас элдан колоқдур,  
Менинг сўзим сенга яхши тилақдир,  
Авазхоннинг чил каби ҳеч эликмас,  
Ўйладингма унинг қони бўлақдир.

Эй султоним айтай сенинг ҳурматинг,



Пушт камолдан бўлмадида фарзандинг,  
Аваз қулга сен миндирма тулпоринг,  
Шу ғиротку, сенинг сину-синбатинг.

Хаёлгинанг кетмасинда ҳар ёна,  
Сени ўйлаб кўнглим бўлди вайрона,  
Аҳмад тоғам бузди деб ҳам ўйлама,  
Бегонани дийди санги девона.

Аваз зийрак унинг ақли зиёда,  
Ундай номард борми ушбу дунёда,  
Ғирот кетса давлат қайтар Чамбилдан,  
Сўнг афсус қиб юрмагинда пиёда.

Сенга айтдим бугун қайғу войимни,  
Агар ўлсам ким кавлайди жойимни,  
Ўзинг ўйлаб яна фикр айлагин,  
Тоғам десанг қайтармассан райимни.

деб ҳайрон қолмагин жияним Гўрўғли, эй султонун бакарам, олдинда ўчсин қорам, сира қилмайман ғиррам, тилимда бордир сурам, ёлғон айтмадим бир гирам, ё насиб кўпайсин набирам, уйимда қолибди дўмбирам, кўзимни босибди ширам, юракда қолмасин жорам, тоғанг ҳам топсинда ором, деб тулқудай оланглаб, бўридай жоланглаб, икки кўзи дўланглаб, бутлари ҳар томонга пуланглаб, ўзини гўлликга олиб, тавур бўлиб ирғалиб, ўзига базим қилиб, ниятини ҳазим қилиб, Гўрўғлига тинмай таъзим қилиб, айтганимга турғуздим деб, шу ҳийламга киргиздим деб, қайтсам йўлга юргиздим деб, жуда хурсанд бўлаберди, қаҳ-қаҳ отиб кулаберди, Авазхонни қолдирдим деб ичи куйиб ўлаберди, Гўрўғлининг галин олиб қоботига келаберди.

Гүрүҗлихон товдай тенгсалиб, нордай ирғалиб, Ахмат тоғасига ҳайрон қолиб,  
ў тоға менга сира яқин келманг, хийламга юрди деб кўп ҳам аҳмоқ бўлманг,  
Авазхонни лодон деманг, боринг билганингиздан қолманг, очув қилсам сўнг  
пушаймон бўлманг, Авазхон ғиротни миниб Гуржистонга боради, ота онасин  
кўради, олти ойдан нормоғон Чамбилимда тўради, агар майдонга кирса  
душманларни қиради, менман деган золимнинг тазирини беради, ота юртини  
билади, менинг кўнглим тўлади, Авазжонга тийинган билгин тайин ўлади,  
Чамбил элнинг тузуни болам ҳурмат қилади, шунинг учун билиб қўй Аваз  
эсон келади, элу халқнинг бахтини бир худойдан тилади, Аваз билмай  
тезироқ кет келса калланг жулади, каллахаминг шилади, тенанг жерда  
қолади, дегандан Ахмат қари ўз бошига-ўзи шошиб чопиб отига яқинлашиб,  
қолди ақлидан одошиб, бир оёғи узангида бурави кетди нормон ошиб, отга  
миниб олган пайт салла кетди бирдан тушиб, кўзларини сузиб қолди, очуви  
ҳам кўзиб қолди, қиммат баҳа салласи ҳам ерга тушиб тўзиб қолди, салласига  
қорамайди, нархини ҳам сўрамайди, эгар ушлаб ётиб олган сакраса  
нурамайди, Аҳмад бели толиб кетди, уйга оти олиб кетди, тўксон қўйлик  
салласи ҳам пириб тўзиб қолиб кетди, Ахмат қари кетаберсин, арнасойдан  
ўтаберсин, уйига ҳам жетаберсин, эндиги гапни Гүрүҗлибекдан эшитинг,  
Ахмат тоғасига тутулиб, яна қолди қутулиб, иймонсиздан қутулганча кетди  
бирдан жетилиб, лекин Ахматнинг бир хил габига юраги кетди тутулиб, ҳай  
атанга Ахмат тоғам кўп ёмон гапни ўйламай айтди, кўнглимни хижил қилиб  
уйига қайтди, энди бир бошқа иш қилмасак бўлмайди ўлса ҳам Ахмат тоғам  
бу ерга қайтиб келмайди, тўкилганим яна қайтиб тўлмайди, бу қилган  
ишимга бурав кулмайди, менинг сир асироримни ҳеч ким билмайди, энди  
Гүрүҗли ҳам билганидан қолмайди, деб вазирларига буюриб қирқ йигитини  
мажлисхонаси жийдириб, қобоқ бошини уйдириб, гулгун косага шаробдан  
қуйдириб, нордай белини маҳкам чийдириб, гапини-гапга улаб, худадан  
мадад тилаб, пешанасин созлаб силаб, Ахмат тоғасидан ўпкалаб, бир сўз  
айтиб турган жойи экан,

Нақириснинг доим кўзи оч бўлди,

Аҳмад тоғам кеча менга дуч бўлди,

Хасис одам бахиллигин қиларкан,

Авазхонга шу иймонсиз ўч бўлди.

Фармон билан ой қиблага ботаркан,  
Келган одам охур бир кун кетаркан,  
Ажал етиб Аҳмат кетса дунёдан,  
Кирган гўрда тоғам қайтиб ётаркан.

Бе маҳалда совда тушди бошимга,  
Кўп ўйландим келалмадим ҳушимга,  
Ёмон одам сира яхши бўлалмас,  
Аҳмад қари оролашди ишимга.

Хоримтолнинг сира битмайди иши,  
Тугамайди бу дунёнинг ташвиши,  
Агар сендан унга озор етмаса,  
Билгин тиймас унинг сенга қарғиши.

Бир хил номард айиб билмас ўзидан,  
Ўғирини билсанг бўлар кўзидан,  
Мен ўйласам Аҳмад экан иймонсиз,  
Авазжоннинг гўр кавлайди изидан.

Кўролмаснинг қилган иши ўнг эмас,  
Ичи торнинг доим фели кенг эмас,  
Беш бормоқ ҳам беш хил бўлар эканда,  
Ҳар қандай зўр Аваз мардга тенг эмас.

Қирқ йигитим кучни жийинг билакга,  
Овозангиз кетди беклар ҳар ёкга,  
Гўрўглихон бугун фармон этади,  
Қўрғошиндай қуйиб олинг қулоқга.

Отни миниб ораланг ҳар кўчага,  
Иш буйирманг тилга тушмас ғолчага,  
Элу халқни айтиб келинг тўдалаб,  
Фармонимни ўқиб беринг барчага.

Отни ҳайданг сира чарчаб толмасин,  
Мард сирини номард одам билмасин,  
Қари ёшни ҳаммасини айтингиз,  
Эшитмадим деган сира қолмасин.

Айтиб келинг эл келганин кўрайлик,  
Яратганган илтижо қиб турайлик,  
Шу Аҳмаднинг гапи шатал жесинда,  
Ирим қилиб созлаб дуо берайлик.

Аваз минсин долғиротнинг белига,  
Кўз тиймасин Гўрўглининг улига,  
Дуо билан эл кўқарар деганлар,  
Болам борсин Гуржистондай элига.

Соғ-саломат бориб келсин илойим,  
Мард номардни шундай кунда билайин,  
Кўли очик йўли очик деганлар,  
Таваккални сенга қилдим худойим.

**Достондан парчалар давоми;** Авазхон Гўрўғлидан рухсат олиб йўлга чиқач бошидан ўтган воқеалар баёни тавсиф этилади. Авазхоннинг ҳеч бир акаси ё укаси йўқ эканда, ҳай аттанга ёлғиз эканда, мерганлар ҳам ёлғиз қушни ирим қилиб отмайди, отган одам мақсадига етмайди, ажал тўлмай ҳеч бир жонзод кетмайди, дийишиб келган аскарлар Авазхонга раҳми келишиб бир хиллари кўнгли бўшаб йиғлайверди, бир хиллари зардаси қайнаб, икки кўзи ўйнаб, эй лодонлар шу банди Авазхон куни битган бўлса ўлади, ажали тўлмаса тири қолади, у ёғин яратган билади, кўлингдан нима келади дийишиб Авазхонни зиндондан чиқаришиб Хунхор подишонинг олдига об келишди. Хунхоршоҳ бандининг икки кўзини ечинглар деб икки оғиз сўзлаётган жойи экан,

Тегиб уруб хайдаб келдинг ўзини,  
Эй номардлар ечгин Аваз кўзини,  
Ўлар чокда нафасини ростласин,  
Кўриб ўлсин бугун дунё юзини.

Бе раҳимлар нега тегиб урасан,  
Ўзи банди яна озаб берасан,  
Тегирмон ҳам навбат деган билсанглар,  
Замон қайтар кўргилигинг кўрасан.

Ҳайрон қолдим бирор кўнгил тўкмеди,  
Кўз бойлаган ўзича бир бекмеди,  
Қаҳринг келиб нега уни урасан,  
Бола чақанг оға ининг йўкмеди.

Яхши билан ёмонни сен билдингма,  
Менинг диним Аваз қобил қилдингма,  
Олти ойлаб зиндон бўлдинг қўлимда,  
Кўп қийналиб яна менга келдингма.

Гапга кўнсанг сени озод қилайин,  
Қандай одам бўлганингни билайин,  
Гўрўғлидан агар ўзинг кечмасанг,  
Оёмасдан тандан бошинг жулайин.

Гапга кўнсанг берай харна боримни,  
Боз устига яна, тилла заримни,  
Сен кечмасанг агар чамбил элингдан,  
Ишга солай бугун мансур доримни.

Майли десанг женгил қилай ишингни,  
Кўп ўйланмай жийиб олгин ҳушингни,  
Қирқ йигитдан сен кечмасанг Авазхон,  
Мансур дорда кўравергин бошингни.

Паришталар нури бўлади ойда,  
Пухта одам ўзин тутар ҳар жойда,  
Ота энанг Гуржустонда турганда,  
Чамбил элга боришингдан на фойда.

Қадиригни хон Гўрўғли билмади,  
Қирқ йигитинг назар писанд қилмади,  
Ўзга юртдан нима фойда кўрасан,  
Ўзинг ўйла бурав излаб келмади.

Дол сўзимда бугун қаттиқ тураман,  
Майли сенга тилла тахтим бераман,  
Шу сўз билан билганингдан қолмасанг,  
Ўлигингни дор бошида кўраман.

Шундай қилиб тилла тахтида ўтирган Хунхоршоҳ Авазхонга ҳар хил савол беравқерди, писанд қилмай тергап кўраверди, Авазхон ҳам дор остида ҳайрон қолиб тураверди, шароб берсам ичасан, булутдайин кўчасан, парилардан қучасан, чамбилингдан кечасан, деган гапни эшитиб Авазнинг ғайрати тошиб, ақилидан одошиб, орияти келиб ўзини босолмай, шайтон очувин тўсалмай, кўш оёқлаб ерни тепкилаб, Хунхордан ўпкалаб, ҳар бир кўзи касадай бўлиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, шу сўзларни айтиб, Гуржустондан кўнгли қайтиб, подишога қораб икки оғиз сўзлаётган жойи экан,

Ўзим якка қоботимда кўп киши,  
Ғийбатчининг тугамайди миш-миши,  
Қўлдан келса майли осгин доринга,  
Ўлим учун йиғлармекан мард киши.

Дор остида шердил бўлиб тураман,  
Куним битса кўркмай жоним бераман,

Эй Хунхор шоҳ аждаҳардай вошқирма,  
Нима бўлса тақдирдагин кўраман.

Ё ўламан ёки тирик қоламан,  
Кетар куним сезганимда биламан,  
Тилим бор деб катта кетма Хунхор шоҳ,  
Мансур дорга аввал ўзинг иламан.

Олти ойлаб менга озоб бергансан,  
Элни жийиб бугун тергап кўргансан,  
Кимлар ўлиб-кимлар қолар шу бугун,  
Тилла дорни ажалинга қургансан.

Ҳеч ким тиёлмайдим менинг тилимни,  
Йигит киши писант қилмас ўлимни,  
Ажал тўлмай билгин одам ўлмайди,  
Душманамга сотмайман ҳеч элимни.

Вақти келмай ой қиблага ботмайди,  
Бесабрлар мақсадига етмайди,  
Яхши билан ёмонни сен англагин,  
Орли йигит ватанини сотмайди.

Омонат жон гул тенанинг меҳмони,  
Ҳар одамнинг бўлар дўсти душмани,



Ўлсам майли чамбилимдан кечмайман,  
Дуо берди Гўрўғлидай султони.

Қўлимни еч зўшрлиғимни билабер,  
Ёлғиз дема тўда бўлиб келабер,  
Лашкарингнинг бир четидан қирмасам,  
Мен розиман кейин дорга илабер.

Билмай қолдим босдимекан фалокат,  
Жон борича қилиб қолай ҳаракат,  
Бир арзим бор қулоқ солгин Хунхор шоҳ,  
Ўлар бўлсам қилай ғусул таҳорат.

Шунда подишо айтди, эй Авазхон сен энди чини билан ўларинг ўзинг билибсан, шўйтиб товба қилибсан, бир қарорга келибсан, ҳа болома сен яхши ишни қилмадинг, менинг кимлигимни билмадинг, балки кўзга илмадинг, агар билсанг осмону фалакда худа бўлса, шу худонинг соёсидан подишо бўлади, сен подишо билан тиллашдинг, сира қайтмай беллашдинг, ўз гапингни ўзинг мақуллашдинг, шўйтиб гуноҳга яқинлашдинг, хо майли, ўзинг экансан чиройли, сени жиним сўймаётир, шайтон туртуб қўймаётир, лекин ўлдиришга кўзим қиймаётир. Авазхон болам, боғда очилган лолам, қолмасин юракда алам, тўғриси айт сенинг менда нима арзинг бор деб, Авазга айтди, эй подишой олам мен энди чини билан ўлаётган бўлсам обдастага сув келтирсин, бир ёпинчик тўн бўлсин созлаб таҳорат қилайин, шукурона номоз ўқуб Оллоҳдан розилик тилайин, ундан кейин ўлайин, нима бўлсам бўлайин деди. Доно вазир ийилиб таъзим қилиб Хунхор шоҳга қораб бир сўз айтаётир,

Ақиллида булар уят андиша,  
Раҳмат олар бир хил ишга яраша,

Вазирингман мени кечир хунхорим,  
Бир гап айтай қулоқ солгин подишо.

Эл тингласин майли Аваз арзини,  
Ўқиб кўрсин суннатини фарзини,  
Таҳоратга майли рухсат берайлик,  
Қутулсинда бўйнидаги қарзини.

Сабр қилиб бир мақсадга етайлик,  
Қўлин ечиб бир янгилик кутайлик,  
Шунча одам турса Аваз қочалмас,  
Ховфни сезсак мансур дорга тортайлик.

Телмиради кўздан оқиб кўп ёши,  
Ёлғизликдан гангиб боради боши,  
Орқасидан бурав излаб келмади,  
Юрагимни эзди шунинг йиғлаши.

Ўзи хушрай кўрар кўзга қўнақдай,  
Мағзи ширин яхши пишган данақдай,  
Овозини бир эшитган қизиқар,  
Дўмбирага қўйилган зўр чаноқдай.

Ҳеч бир одам унутмасин устозин,  
Дона вазир боён қилди кўп озин,

Айтган гапим маъкул бўлса Хунхоршоҳ,  
Аваз ўғлон ўқуб олсин номозин.

Ҳар одамда бўлсин доим номус ор,  
Ёлғиз экан шоҳим қилма хору зор,  
Кўрганимни билганимни сўйладим,  
Нима қилсанг ўзингдадур ихтиёр.

Ўқиганлар илим олар китобдан,  
Бандасига Оллоҳ берсин офтобдан,  
Мусофирга раҳим қилсанг Хунхоршоҳ,  
Бул ишинга сен оласан савобдан.

Яхшилик қил бир Авазни суяда,  
Абирўйинг яна бўлар зиёда,  
Хунхор шоҳи адолатли экан деб,  
Ном қолдиргин ўтар беш кун дунёда.

Эсли одам зиён бермас қушларга,  
Фармон бўлмай совда тушмас бошларга,  
Қаҳринг келмай раҳим қилгин подишом,  
Келажакга ўрнат бўлгин ёшларга.

Алқисса: Дона вазирнинг гапини эшитган Хунхоршоҳ эй вазирим Дона,  
бўлибсан сен девона, ақилингдан бегона, нима дийсан сен яна, қилма менга  
баҳона, сенга бўлдим ҳайрона, қилма мени вайрона, иш бажарма хуфёна, тур  
жойингдан кет жўна, сенга ёзилди гуна, қилган айбинг сана, текин томоқ

гардона, кўп гердайма мардона, яхши гап айт бир дона, деб гап чечанлигини килаберди, Донанинг устудан кулаберди, очуви ҳам келаберди, кўрган хайрон қолаберди, шунда подишо айтди, вазирим тўғри айтади шу ўлаётган Авазга бир чепган билан обдастага сув келтиринглар бу банди таҳорат қилиб яратган билан бир розилашиб олсин, кейин биз унга бор ҳунаримизни кўрсатамиз деди. Авазхон чепканни ийнига ташлаб тоза таҳорат қилиб, азон айтиб Оллоҳ йўлига икки ракиат шукурона номозини ўқуб, яратгандан гуноҳини кечиришни сўраб, товба келтириб, қобтида турган Гулойим синглисига қораб икки оғиз сўз айтаётир,

Кўп ўйланиб гангиб қолди азиз бош,  
Қадримга кўздан оқар селоб ёш,  
Бир дардим бор келгин сенга айтайин,  
Маҳрагимсан меҳрибоним эмчакдош.

Очувланма сўзинг қилгин мулайим,  
Авазхонга сирдош бўлгин Гулойим,  
Кун битмаса одамзодга ўлим йўқ,  
Шу оғанга раҳбар бўлсин худойим.

Эгачим деб мен ишонай ўзинга,  
Сир билмасин бурав қораб кўзинга,  
Кўрганларинг айтбергин бирма-бир,  
Билдирмасдан қулоқ солай сўзинга.

Иш битмайди одам шунда эринса,  
Ойга чиқар агар ҳар ким урунса,  
Хабар бергин билдирмасдан ҳеч кимга,

Кўзларинга бирор кимса кўринса.

Кўчманчилар танлаб юрар кўнишни,  
Кийиклар билади зовдан енишни,  
Махрамимсан айтабергин кўрганинг,  
Агар билсанг эл ичида тонишни.

Мен оғангман асло қилма гумонни,  
Хунхор билса қилар охир замонни,  
Кимни кўрсанг айтабергин тортинмай,  
Билдир менга яхши билан ёмонни.

Нима қилай менинг ақил ҳушим йўқ,  
Сендан бошқа жудаяқин кишим йўқ,  
Кўрганларинг баён айла ўзимга,  
Яшаш керак ўлим билан ишим йўқ.

Ажал тўлса мансур дорга тортилай,  
Кун битмаса шу ўлимдан қутулай,  
Отажоним келган бўлса чамбилдан,  
Элим учун қўнглим ўсиб жетилай.

Фарзанд керак Гўрўғлининг тахтига,  
Мен ўлмайин элу юртим бахтига,  
Қирқ йигитим билса менда армон йўқ,

Қадирдонлар келса айна вақтига.

Авазхоннинг дардини билган Гулойим оғасининг гапини тинглаб, нима деганини тез онглаб, қилар ишини ўнглаб, қоботида олчанглаб, разм солиб ҳар томонга қоради, эл ичида қирқ қаландарни кўради, жойидан урчуб туради, Авазга яқин боради кўрган билганларидан, бирдан хабар беради,

Шу майдонда кўрдим қирқта бўрини,  
Билишимча берар хунхор шўрини,  
Кўрганларим сенинг айтганинг бўлса,  
Менга бергин суюнчининг зўрини.

Ўлма Аваз эл бахтига қўп яша,  
Қирқ қаландар сени қилди томоша,  
Биливимда хунхор тойин ўлади,  
Озоб кўрсин қилмишига яраша.

Кўриб билдим кепди чамбил ғироти,  
Бир мўйсафид кўрдим баланд ғайрати,  
Тўда бўлиб агар майдонга кирса,  
Аниқ айтсам вайрон хунхор элоти.

Сиёсати Гуржустонга ўтгудай,  
Хиёс қилдим икки ялмаб ютгудай,  
У ёғидан хавфланмагин оғажон,  
Қутултурув шулар олиб кетгидай.

Қаландар бўп қирқ жандани кийгандай,  
Ҳийла билан шунча элни жийгандай,  
Шу ўлимдан қолар бўлдинг оғажон,  
Душманингнинг бугун уйи куйгандай.

Ҳар бирининг кўзи чўқдай жонади,  
Жамолини қўрган одам қонади,  
Аваз сени олиб кетар чамбилга,  
Гўрўғлининг қилган иши ўнади.

Қилич солиб дуч келганин ўлдирар,  
Хунхор шоҳни созлаб дорга илдилар,  
Гирот сени кўриб кўзи ўйнайди,  
Озод айлаб белига ҳам миндилар.

Элга жоёр сиринг айтма ёмонга,  
Сен кетасан энди чамбил томонга,  
Шу кўрганим агар Гўрўғли бўлса,  
Мансур дорни силтаб отар осмонга.

дегандан Авазхон хурсанд бўлиб, подишога яқин келиб, Хунхор шоҳнинг ўлганига куламан, Аваз озод бўлганига куламан деб икки оғиз сўз айтаётган жойи экан,

Гуржустонда кўрдим жаллод қаззобни,  
Авазхонга бердинг қанча азобни,

Қиличини қўчқил қонга безабди,  
Гўрўғлихон келганига куламан.

Сен эшитгин энди гапнинг чинини,  
Кийяр бўлдинг бугун ажал тўнини,  
Сенга солай охир замон кунини,  
Хунхоршоҳнинг ўлганига куламан.

Тартиб олай дастурхонда нонингни,  
Мен қийнайин сенинг ширин жонингни,  
Селдай қилиб оқизайин қонингни,  
Тандан бошинг жулғанига куламан.

Озод бўлдим мен устингдан кулайин,  
Шу доринга ўзинг созлаб илайин,  
Гуржустонни бир талотўп қилайин,  
Райҳон гулинг сўлғанига куламан.

Сен билиб қўй бугун ўлар вақтингни,  
Аваз ўғлон қайтаради бахтингни,  
Мен оларман сенинг тилла тахтингни,  
Ажалгинанг тўлғанига куламан.

Мол дунёнгни чамбилимга об кетай,  
Хазинангни орабога соп кетай,



Шу азобдан мен ҳам хурсанд бўп кетай,  
Бандинг озод бўлганига куламан.

Бошларинга қора булут уйирай,  
Подишо бўп мен жойингдан буюрай,  
Озоб бериб терингни ҳам сийирай,  
Юртинг вайрон қилганига куламан.

Ният қилдим мақсадимга етарман,  
Ғайрат қилсам сендан бугун ўтарман,  
Хурсанд бўлиб чамбилимга кетарман,  
Сенга Аваз кулганига-куламан.

Хунхор шоҳга Авазнинг гапи ботиб кетди, қоқ суягидан ўтуб кетди,  
юрагигача етиб кетди, қулоғи чиппа битиб кетди, бир озироқ армон қилди,  
бетини ҳам нармон қилди, яна ўзига дармон қилди, қаҳри келиб фармон  
қилди, юрак бағрини ўсинглар, кўкайини кесинглар, ҳар томондан қисинглар,  
сандироқлаган Авазни мансур дорга осинглар деб буйруқ бериб юборди, бу  
гапни эшитган Гўрўғлихон қирқ йигитига қараб бир сўз айтаётгани,

Бир кун ўтар давронларим,  
Қолмасин ҳеч армонларим,  
Қоботимда полвонларим,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Ҳам лочиним бургутлари,

Силарлардан кўп умидларим,  
Қирқ бўридай йигитларим,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Яхши ёмонни кўрганлар,  
Душманни қўймай қирғанлар,  
Номлари чиқган мерганлар,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Авазни озод қилинлар,  
Хунхорнинг бошин жулинлар,  
Ғанимнинг сирин билинлар,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Худди шердайн тикланлар,  
Паранг милтиқни ўқланлар,  
Берган тузумни оқланлар,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Ор номусни ҳам ўйланлар,  
Қўрқмай майдонга тайланлар,

Ушлағаннинг қийнаглар,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Устингдан номард кулмасин,  
Душман сирингни билмасин,  
Аваз фарзандим ўлмасин,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Қилинглари турли ўйинди,  
Ечиб ташланглари туйинди,  
Осант қилинглари қийинди,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Ботирнинг тайёр нон оши,  
Қўрқоқнинг кесилар боши,  
Эр йигит юртининг қуёши,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Тўзимай борғин тўда бўп,  
Номардлар ўлсин одо бўп,  
Эл учун жонинг пидо бўп,

Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Қирқ чилтаннинг мен изиман,  
Соҳибқироннинг ўзиман,  
Ғайрат қилсанглар розиман,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Юрт ошиб келган бўрисан,  
Ўзбек туркманнинг зўрисан,  
Мендай султоннинг бирисан,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Қўрқсин хунхорнинг қўшини,  
Оёмай кесгин бошини,  
Ғожирга бергин лошини,  
Тайлагин майдон устига,  
Тушгин душманнинг қасдига.

Яхшининг юзи жаннати,  
Ёмоннинг иши миннати,  
Авазжонимнинг ҳурмати,  
Тайлагин майдон устига,

## Тушгин душманнинг қасдига.

Шундай қилиб Гўрўғлибек қаландар сифат кийимда турган йигитларига қораб ҳеч кимга билдирмасдан шу сўзларини айтиб далда бераверди. Бу гапни эшитганлар ҳам эшитмасликга ўзини солиб булар бир қаландарда ўз тилида гапиришяпди деб эътибор ҳам қилишмади, буларнинг ниятини билишмади, олдига бирор киши келишмади, бизга гап онглигандан на фойда томошадан қуруқ қолмайлик, гап онглиб гуноҳкор бўлмайлик, томошада одам кўп, оёқ остида ўлмайлик, агар томоша шундай бўлса бундай жойга ҳеч келмайик деб, ёшлари бир-бирига осилиб, кўкайлари кесилиб, мойда одамлар орода қисилиб, қарилари от туя устида томоша қилаётир, кўргани хурсан бўлаётир, кўрмагани қуруқ қолаётир, ичи ҳам куйиб ўлаётир, бўйи узунлари имтилиб келаётир, давра одамга тўлаётир. Бутун одамларнинг тўда бўлиб томоша қилаётганини хунхор кўриб, Авазхоннинг гапларига қаҳри келиб, элга бир томоша бўлсин деб, бандини дорга тортинглар деб, фармон қилган эди, шунда Авазнинг бўйнига сиртмоқ солиб дорга тортган эди, буни кўрган Гўрўғли ғиротига хамчи уруб, от бошини дорга буруб, йигитлари билан майдонга кираётгани,

Мард одамнинг эл манглайин силасин,

Ками борлар яратгандан тиласин,

От устида Гўрўғлихон қоради,

Мансур дорда кўрди Аваз боласин.

Ғайрат қилиб отга хамчи уради,

Болам дийди тезлаб кетиб боради,

Гўрўғлихон қиличини ўйнатса,

Кўз очгунча юзта душман нуради.

Дучор бўлган қораёлмас кўзига,

Яшиндаин ўтлар чақнаб юзига,

Қаҳри келиб от хайдайди Гўрўғли,  
Ҳеч бурулиб қорамайди изига.

Дорга бориб қиличини сермади,  
Шамолига йиқилганлар турмади,  
Шовиллайди Авазхон кетди тўшиб,  
Чонгиб қолди бир-бирини кўрмади.

Гўрўғлининг кўзи тушди улига,  
Миндиради долғиротнинг белига,  
Орқангдагин қирабергин дедида,  
Бир қилични берди Аваз кўлига.

Қорғани қувғандай бўлди бургутлар,  
Кўрқмаслардан кўрган қилар умидлар,  
Ота бола от хайдайди майдонда,  
Урралашиб борар қирқта йигитлар.

Гўрўғлининг очувлари қўзийди,  
Томошабин ҳар томонга тўзийди,  
Хунхоршоҳ ҳам ҳайрон қолди ўйланиб,  
Энди майдон роса бугун қизийди.

Хунхор қолди заҳарини сочолмай,  
Галдирайди ҳеч томонга қочолмай,

Имо қилиб ғулдурайди шошилиб,  
Шибирдайди оғзин сира очолмай.

Буни кўриб Авазхонга куч келди,  
Ўлдирай деб хунхор шоҳга ўч келди,  
Гўрўғлихон отни ҳайдар шу томон,  
Қайга қочсин шундай зўрга дуч келди.

Қочма шоҳим шу жойингда турасан,  
Авазхоннинг ғайратин бир кўрасан,  
Азирайл келди сенинг қошинга,  
Қистаб келар омонатинг берасан.

Деди шунда етиб борди қошига,  
Шайтон оралашди булар ишига,  
Ё Али деб қилич ушлаб қўлига,  
Билмай қолди соб юборди бошига.

Тена қолиб узулибди калласи,  
Тўзиб кетди қимматбаҳо салласи,  
Вазирлари йиғлашади изиллаб,  
Пириб қолди белидаги тилласи.

Сон-саноксиз ажал тўлган ўлади,  
Хунхор кетиб Дона вазир қолади,

Отдан тушуб таслим бўлди золимлар,  
Шундай қилиб уруш тамом бўлади.

Мард одамдан сира чиқмас ёмонлик,  
Кўнгли бузуқ элдан қилар гумонлик,  
Бир хил анқов ўлиб кетди сабабсиз,  
Қолганига Аваз берди омонлик.

Шундай қилиб ўлгани-ўлиб, бир хили тири қолиб, хунхорнинг бошини жулуб, дона вазир, подишо бўлиб, ўйнаб кулиб, эл жийилиб, достурхонга тоҳам қўйилиб, тўй томоша бўлаберди, дўслари шодмон душманлари ғамгин бўлаберди, тўй торқогандан кейин, шунда Авазхон отаси Гўрўғлибек билан маслаҳатлашиб, қирқ йигити ҳамда яқин кишилари билан фикирлашиб, гапни бир жойга қўйиб, ана хунхор шоҳ ўлиб кетди, мамлакат бе эга бўлмасин деб, аввал яхши бўлган кейин ҳам яхши бўлар деб Дона вазирни подишо қилиб оқ дуо беришдилар. Эндиги гапни Булдуруққассобдан эшитинг Авазхонни бағрига босиб, эй Авазхон болам мен сенинг ақлинга қойил қолдим, мана сенинг айтганинг келди, менинг касофатимга хунхор шоҳ ўлди, энди болам нима бўлса мендан ўтди, ёмон кунлар ўтди кетди, деб дардлашабердилар. Шундай қилиб Гўрўғлибек қирқ йигити билан қирқ отнинг белига инишиб, ораболарга ўлжалардан олишиб, намоёишга карнай срунайлардан чолишиб, Гуржустон эли билан хўшглашиб турган жойи экан,

Яхши бўлди бандиликнинг мойиби,  
Ҳар банданинг бўлар гуноҳ айиби,  
Яхшилигинг унутмайман дунёда,  
Меҳрибоним Доно элнинг сойиби.

Озод юртда обод бўлди ҳамма жой,  
Тинчлик бўлсин ўзинг сақла бир худой,



Чамбил элга кетар бўлдим хўш энди,  
Дуогўйим қассоб отам қиблагўй.

Гуржустонда иш ўргандим Донодан,  
Қайғу ғамлар чиқсин энди тенадан,  
Энажоним то кўргунча хўш энди,  
Фарзандингман доим бўлгин меҳрибон.

Кенг дунёга нурин берар ой қуёш,  
Соғинганда кўздан оқар селоб ёш,  
Келган эдим кетар бўлдим хўш энди,  
Сингилжоним сирдошимсан эмчакдош.

Обод бўлар энди Дона эллари,  
Канал қозиб чорбоғ бўлар чўллари,  
Ўз юртимга кетар бўлдим хўш энди,  
Кампир билан қувалашган чоллари.

Бизлар бўлдик Гуржустоннинг меҳмони,  
Сир очилар гапнинг бўлса ёлғони,  
Йўлга тушдим то кўргунча хуш энди,  
Ор толашган шер юракли полвини.

Тор зиндонда менга азоб берганлар,  
Қўлим боғлаб тепиб яна урғанлар,

Бераҳим жаллодлар айтай хўш энди,  
Милтиқ олиб соқчиликда турғанлар.

Гаплашганда болдан ширин сўзлари,  
Ой юлдузни хира қилар юзлари,  
Кўрамизма-кўрмаймизма хўш энди,  
Гуржустоннинг йигитлари қизлари.

Ота қилди бизга нону ошлари,  
Интифоқли бўлсин қари ёшлари,  
Кўзим қиймай кетаяпман хўш энди,  
Тоғу тошлар ҳамда лочин қушлари.

Авазхон ото энаси синглиси билан ҳамда бутун Гуржистон аҳли билан хўшшлашиб розилашиб, ҳар бири-бир тулпорнинг белига минишиб, ораболарга ўлжалардан ортиши, Гўрўғлихон Аваз, Ҳасан фарзандларини қоботига олиб қирқ баҳодир йигитлари билан Гуржистондан Чамбил юртига қараб жўнаётган жойи экан,

Карнай-сурнай ҳар хил тусда чалиниб,  
Оробога тилла анжом солиниб,  
Олтой бўлар келиб кетиш муҳлатга,  
Мусофирга юртнинг қадри билиниб.

Мамиз бериб ҳайдади тулпорини,  
Борган беклар олиб қайтди орини,  
Гўрўғлихон от ҳайдади шошилиб,

Хўп соғинган Юнус, Мисқол парини.

Ёд айлайди пирим дийди чилтанин,  
Қирқта йигит йўл бошчи қиб султонин,  
Ғайрат қилиб от ҳайдайди арслонлар,  
Излашади ўйнаб ўсган ватанин.

Хунхор ўлди Аваз билан тирашиб,  
Беклар келар неча довон қир ошиб,  
Фарзандини олиб қайтди Гўрўғли,  
Кенг майдонда ғаним билан курашиб.

От шамоли изғириндай шовуллаб,  
Товушига қулоқ битар ғовуллаб,  
Бошларида дубулғаси ярашган,  
Ойна каби ялтирайди ловуллаб.

Аваз келар бағри гулдай очилиб,  
Хурсанд бўлиб дард алами сочилиб,  
Доралардан ўтиб борар ботирлар,  
Туёқларга тошлар кетар янчилик.

Гўрўғлихон ияртиб қирқ йигитди,  
Жар келганда тўхтамасдан ирғитди,  
Ҳаммаси ҳам от ҳайдайди тинмасдан,

Чамбил элдан қилиб борар умидди.

Ўтиб борар баланд сулдуз товидан,  
Сувлар ичиб Полопоннинг новидан,  
Қиёлатиб от ҳайдади йигитлар,  
Ўтиб олди Асқар товнинг зовидан.

Учта товданўтганида кун ботди,  
Дам олишга отларини тўхтатди,  
Қирқта ботир хушёр бўлиб ётади,  
Жўнаш керак юлдуз кетиб тонг отди.

Ҳамма хурсанд кўнгли гулдай яшнайти,  
Дам олишти энди юруш бошлайти,  
Чамбил юртнинг исин олди жонивор,  
Элин кўриб ғирот шунда кишнайти.

Тови чўлдан ғайрат қилиб ўтишти,  
От овози париларга етишти,  
Дурбин тутуб қораётир бирма-бир,  
Интиқ бўлиб тўрасини қутишти.

Соғингандан икки кўзи ёш бўлиб,  
Парилар ҳам кулар вақти хуш бўлиб,  
Дурбин тутуб кўриб қолди султонин,

Келаётир қирқ йигитга бош бўлиб,

Баланд бўлиб келаётир дарғоси,

Шу долғирот асил тулпор йўрғаси,

Бандиликдан озод бўлди Авазхон,

Ҳар кимнинг ҳам бўлсин экан орқаси.

Кўзи тушди Авазхондай фарзандга,

Эна бўлиб юрган шундай дилбандга,

Кўзни очиб юмганича парилар,

Азаматлар келиб қопди элотга.

Келганига ҳайрон қолиб турушди,

Бир-бирига салом алик беришди,

Отдан тушди қирқта йигит ширпиллаб,

Таъзим қилиб паризодлар кўришди.

Шундай қилиб Гўрўғлихон йигитлари билан уч ой йўл юриб Чамбил элига совға салом билан эсон омон етиб келдилар, тоза таҳорат қилиб яратганга шукуроналар айтиб тилла тахтига ўтириб, Гўрўғлининг Аваз билан қирқ йигитнинг Чамбилга келгани маълум бўлиб, шунда Гўрўғлихон вазирларига қараб бир сўз айтаётган жойи экан,

Ботир йигит кўриқлайди ватанин,

Хасис одам ёмон кўрар меҳмонин,

Мен айтайин ёзабергин бирма-бир,

Элга етказ Гўрўғлининг фармонин.

Нима десам шошилмайин ёзинглар,  
Жуйрук бўлиб кўнглимдагин сезинглар,  
Қийинчилик ўтди кетди ботирлар,  
Эркин бўлдинг энди дунё кезинглар.

Ҳар ким олар яхшилиқни ҳисобга,  
Жовринимиз тияр бўлди офтобга,  
Фармонимни элга баён айланглар,  
Ниятимиз чиқар бўлди рўйобга.

От чопдириб элу халқни жийинглар,  
Кўнглин топиб меҳмонимни суйинглар,  
Келган одам кўнгли гулдай яйрасин,  
Дастурхонга турли тоҳам қўйинглар.

Номойишга карнай-сурнай тортилсин,  
Давр келди аждар тўплар отилсин,  
Иш билармон чиқсин менинг юртимдан,  
Савдогарлар моли қайтмай сотилсин.

Меҳмонларга тўн сарполар ёпилсин,  
Тўй баҳона элим кўнгли топилсин,  
Полвонлар ҳам келсин кураш майдонга,  
Кўпқарили бўлсин отлар чопилсин.

Қизик қинглар бугун элнинг тўйини,  
Яхши ўтсин ошиқ чилик ўйини,  
Мерган келсин майли бугун ҳар жойдан,  
Алп йигитлар тортсин парли ёйини.

Эшитганлар ҳурматимга келишсин,  
Қиз келинлар чонқовузин чолишсин,  
Ер юзида тинчлик бўлсин ниятим,  
Келган одам созлаб дуо қилишсин.

Онғ қонгманглар ҳушёр бўлгин шу палла,  
Вазир бўлсанг сўзларимни моқулла,  
Оқсоқоллар тўйнинг қилсин тартибин,  
Ўз улушин қўшсин ҳар бир маҳалла.

Замон келди ҳар ким ақлин ростласин,  
Бековуллар тўйни юртга мостласин,  
Гуллатинглар обод қилиб даврани,  
Биздан кейин авлодоарим эсласин.

Айтиб кенглар масхарабоз, дорбозни,  
Ҳар хил ўйин қилсин дея морбозни,  
Келган меҳмон қуруқ оғиз қайтмасин,  
Тандир гўштга сўйсин саб зўр ширбозни.

Нонвойчилар ишлатсинда женгасин,  
Ҳар ишга қўйманглар ёлқов хумсасин,  
Қат патирлар қалломалар қилинсин,  
Ош пиширсин лочир манти сомсасин.

Ранжитмангалр келган ҳар бир одамни,  
Келган кўрсин урфу-расм қадамни,  
Асал қанддан навоглардан қўйинглар,  
Писта ёнғоқ, тўкаверинг бодомни.

Вақти келиб элим даврон сурсунлар,  
Йиллар ўтар ҳур замонни кўрсинлар,  
Гўрўғлихон кетар бир кун дунёдан,  
Эшитганлар дoston қилиб юрсинлар.

Юрти учун ҳар ким хизмат қилсинлар,  
Ботир бўлиб эл орини олсинлар,  
Яхшидан боғ, ёмондар доғ қоларкан,  
Ўқиганлар сўз манисин билсинлар.

Шундай қилиб Гўрўғлибек аркани давлатига ҳамда тилла тахтига эгаллик қилиб тўйига келган фуқароларни хурсанд қилиб, элнинг кўнглини дуосини олиб, вазирлари билан суҳбат қуруб, ҳар сўзида маҳкам туруб, парилар билан давр суруб ўтган экан, шундай қилиб дoston муродига етган экан, бу дostonни Қодир устоз айтган экан, энди навбат шогирдларга етган экан, терма қилай қулоқ солинг ҳалойиқ, юртга тинчлик, элга соғлик



тилайлик, мутақиллик то абадий бўлсинда, икки оғиз биз ҳам таъриф қилайлик.

Дўмбирасин юз нағмада чертарди,  
Жўшиб айтса кун ботиб тонг отарди,  
Ёшлигимдан менинг ёдимда қолган,  
Авазхоним Қодир устоз айтарди.

Қирқ чилтан деб айтар эди пирини,  
Хўжай хидир тилга берган нуруни,  
Шу дostonни айтар эди ўн хил қиб,  
Мен ҳам айтдим вариантин бирини.

Махаммаджон сен ҳам давир сур деди,  
Достон айтиб элга меҳринг бер деди,  
Шогирдликга сени қобил айладим,  
Лекин болам Қахҳор билан юр деди.

Ижод қилдим гоҳи саҳар ўёниб,  
Бел боғладим устозларга тоёниб,  
Хўштбоқ устоз дуо берди чин дилдан,  
Йўлга солди Абдуназар Поянов.

Тулпор отлар сиртмоғидан ечилди,  
Озод юртга кут барака сочилди,  
Бахшилар ҳам ижод қилар тинмасдан,

Элим хурсанд ипак йўли очилди.

Курилдилар яна қасир қалъалар,  
Жаннат бўлди чанғиб ётган далалар,  
Ўзбегимни бутун дунё тан олди,  
Келажакга интилишар болалар.

Нурли бўлди мустақиллик куёши,  
Юртимиз тинч дастурхонда нон оши,  
Спортчилар олди ватан орини,  
Ижодкорга имкон берди юрт боши.

Ҳар ким яшар лекин унда ор бўлсин,  
Юрт қадрин билмаганлар хор бўлсин,  
Ёзай десам дostonларим кўп менинг,  
Ҳар бандага Оллоҳ мададкор бўлсин.

Бу эркинлик кўплаб аср йил кўрсин,  
Элим хурсанд янгиликни мўл кўрсин,  
Махаммад ҳам айтди билганларини,  
Ўқиганлар алп қоматли ул кўрсин.

## 1.7. ДОСТОНЛАР ОЛАМИ

“Тоҳир ва Зухра”. Таниқли олим филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев ва илмий тадқиқотчи Феруза Маматқулова илмий тафаккурига оид сўзбоши ва луғат билан нашрга тайёрланган, 2011

йилда “Мухаррир” нашриётдан чоп этилган “Тоҳир ва Зухра” достони муҳим аҳамиятга эга. Миллий халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган “Тоҳир ва Зухра” достонини айтувчи Зоҳир шоир Қўчқор ўғли, ёзиб олувчи Шарофжон Орифий тақдим этган достонда филолог олим Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг илмий таҳлилига кўра ўзбек халқ оғзаки ижодиёти дурдоналари жуда қадим замонларда яшаган аجدодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, зукко халқимизнинг бетакрор ижодий салоҳияти ва заковати туфайли яратилган бебаҳо достонлар, ранг-баранг сюжет силсиласини ўз ичига олган марокли эртаклар, беғубор осмон остидаги обод ва озовод юртимиз узра таралаётган ҳаётбахш қўшиқлар ва бошқа турфа жанрларга мансуб боқий қадриятларни ўз ичига олган ғоят бой бадиий тизимдир. Асрлар давомида яратилиб, ҳар бир авлод бадиий даҳоси туфайли бойитилиб, сайқалланиб келган улкан маънавий қадриятларда халқимиз бадиий тафаккурининг бир неча минг йиллик тарихий-тадрижий ривожини ўз аксини топган. Миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий манбалардан бири сифатида ёш авлод дунёқарашини камол топтириш ва инсон руҳий оламини бойитишга хизмат қилиб келган ана шу бадиий қадриятлар силсиласида “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Тоҳир ва Зухра” сингари ажойиб достонлар муҳим ўрин тутди.

Олимларимизнинг илмий таҳлилига кўра чечанликда тенги йўқ зукко бахшилар томонидан маҳорат билан ижро этилган “Алпомиш” сингари қаҳрамонлик достонларида юксак ватанпарварлик, мардлик, жасорат, оила кўрғони ва она юртни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, ватан тупроғининг муқаддаслиги, элу юртнинг ҳамжиҳатлигини улуғлаш сингари эзгу ғоялар ўз ифодасини топган бўлса, “Орзигул”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби достонлар ўз моҳиятига кўра, “халқ муҳаббатнома”си бўлиб, соф севгининг боқийлиги, садоқат ва вафодорликни бадиий тараннум этганлиги учун ҳам халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган. Шу боис, бу каби достонлар асосида яратилган сахна асарлари ва кинофильмлар ҳам миллий қадриятларимиз кўзгусига айланган. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов

Ўзбек кино санъати соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратилганини қайд этар эканлар, “Шахсан мен ҳар сафар “Тоҳир ва Зухра”, “Ўтган кунлар”, “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қиламан. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал кадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда”, – деб ёзган эдилар. Дарҳақиқат, “Тоҳир ва Зухра” достони икки қалбнинг покиза муҳаббатини бадиий сўз қудрати ила барҳаёт қўшиққа айлантирган асардир. Сокин қиш оқшомларида бувиси айтиб берган “Тоҳир-Зухра” эртагини тинглаётиб, хаёлан дарё тўлкинлариаро сандиқ билан бирга қўшилиб оқмаган ким бор, дейсиз?! Ҳар гал “Тоҳир ва Зухра” фильмини кўрганимизда Зухранинг кўшки остида куйлаётган Тоҳирнинг кўшиғини эшитиб, юрагимиз фоний орзулар оғушида титраб кетади. “Тоҳир ва Зухра” достонини бахши ижросида тинглаган ёки бу асарнинг нашр этилган намунасини ўқиган ҳар бир киши бир-бирига етишолмаган ошиқ-маъшуклар мазоридан ўсиб чиққан оқ ва қизил гулларга қараб муҳаббатнинг боқийлигига имон келтиради. Бу асарни муҳаббат ва садоқатнинг боқийлигига қўйилган бадиий ҳайкалга қиёс қилса бўлади. Унинг кўнглимизга бениҳоя яқинлиги ва барҳаёт миллий кадриятга айланганлигининг боиси ҳам ана шунда. Тоҳир ва Зухранинг соф муҳаббати ҳақидаги бу қадимий эпик сюжет ўзбек, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, уйғур, қрим-татар, турк, қозоқ ва бошқа туркий халқлар орасида афсона, эртак, достон ва қисса тарзида ғоят кенг тарқалган. Бу достон сюжетининг ўзига хос эпик талқинлари қорақалпоқ, гагауз, қўмиқ, дарғин ва бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжудлиги маълум.

Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг илмий таҳлилига кўра Ўзбек фольклоршунослари томонидан XX асрнинг 30-йилларидан то ҳозирга қадар ушбу сюжет асосида яратилган 40 дан ортиқ эртак ҳамда Ислом шоир Назар ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли каби бахшилар ижросидаги достон вариантлари ёзиб олинганлиги, ЎЗР ФА Шарқшунослик

институтининг Қўлёмалар фонди, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳамда мамлакатимизнинг бошқа музейларида "Тоҳир ва Зухра" достонининг кўплаб қўлёмма ва тошбосма нусхалари сақланаётганлиги, хоразмлик Қаландар Норматов, Норбек Абдуллаев сингари бахшилар томонидан бу дoston хозир ҳам ижро этиб келинаётганлиги, шунингдек, Тоҳир билан Зухранинг оташин муҳаббати хақида ҳикоя қилувчи афсоналар кенг тарқалганлиги ва "Тоҳир ва Зухра" фильми миллий кадриятларимиз хазинасидан муносиб ўрин олганлиги мазкур эпик сюжет асосида юзага келган фольклор асарлари халқимиз эпик ижодиётида жуда муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. "Тоҳир ва Зухра" достонининг ўзбек фольклоридаги оғзаки, қўлёмма ва литографик усулда чоп этирилган вариантлари яхлит ҳолда фундаментал илмий тадқиқ этилмаган бўлса-да, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов, М.Саидов, Т.Нишонбоева, О.Мадаев, Ҳ.Оқбўтаев, М.Жўраев, С.Қурбонова каби олимлар бу асарнинг жанрий мансубияти, тарқалиш доираси, вариантлари, сюжет тизимидаги мотивлар таркиби ва образлар силсиласи таҳлиliga доир муҳим илмий қарашларни илгари суришган. Маълумки, "Зухра ва Тоҳир" достони туркий халқлар эпосининг ишқий-саргузашт типига мансуб бўлиб, "Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув" достони билан муштарак негизга эга. Фольклоршуносликда бу дoston сюжетининг генезиси хусусида бир неча хил илмий фаразлар илгари сурилган бўлса-да, бизнингча, озарбайжон олими М.Тахмасибнинг "бу эпик сюжетнинг қадимий асослари астрал мифологияга бориб тақалади", деган хулосаси эътиборга моликдир. Унингча, осмон ёритқичлари ва юлдузлар билан боғлиқ астрал мифлар таъсирида юзага келган эпик ривоя XIV–XV асрлардаёқ ошиқ-маъшуклар хақидаги афсона ёки эртак сифатида оммалаша бошлаган.

Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг илмий таҳлиliga кўра XVI асрдан эътиборан дostonнинг бахши ва эртакчилар репертуаридаги оғзаки вариантларининг ижодий қайта ишланиши натижасида мазкур эпик сюжетнинг қисса шаклидаги намуналари юзага кела бошлади. Жумладан, Мулла Сайид Муҳаммад Сайёдий томонидан яратилган "Тоҳир ва Зухра"

достони ҳам ўзбек фольклоридаги анъанавий сюжетни қайта бадиий идрок этишнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Ана шу асар кейинчалик мазкур эпик сюжетнинг нафақат ўзбек фольклорида, балки бошқа туркий халқлар орасида ҳам кенг кўламда оммалашшига асос бўлган. Достон халқимиз орасида бахшиларнинг жонли ижроси орқали, шунингдек, кўлёзма холида ва кейинчалик, литография усулида китоб чоп этирилиши йўлга қўйилгач, босма нусхалар тарзида қиссахонлар репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади. Достон сюжети асосида бири-бирига ўхшамайдиган кўплаб эртақлар ҳам юзага келганки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан шу номдаги эртақлар ёзиб олинганлигининг ўзи Тоҳир билан Зухранинг чин муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи фольклор асарлари халқимиз томонидан қанчалик ардоқданганлигини кўрсатади.

Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг фикларига биноан "Тоҳир ва Зухра" достони ўзбек халқ бахшилари томонидан севиб қуйланган. Атоқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовларнинг маълумот беришларича, "Алпомиш" достонининг энг мукамал намунасини ижро этган таниқли бахши Фозил Йўлдош ўғли репертуарида ҳам "Тоҳир ва Зухра" достони мавжуд бўлган. Гарчи бу вариант ёзиб олинмаган бўлса-да, ана шу фактнинг ўзи "Тоҳир ва Зухра" достони Булунғур достончилик мактабига мансуб бўлган бахшилар репертуаридан мустаҳкам жой олганлигига далил бўла олади.

Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг кузатувларига кўра ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида "Тоҳир ва Зухра" достонининг қуйидаги вариантлари мавжуд: Таниқли халқ бахшиси Абдулла шоир Нурали ўғлининг:

"Жума ", "Чоршанба " бозори,

Бозоргон кўнглин ёзори,

Тоҳир-Зухронинг мозори,

Шу ердан Ойхон ўтдими? мисралари самарқандликларнинг “Тоҳир ва Зухра мозори” билан боғлиқ афсоналари бахши-шоирларнинг термаларида ҳам ўз ифодасини топганлигидан далолат беради. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида “Тоҳир ва Зухра хиёбони”, шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам шу дoston билан боғлиқ жой номи мавжуд бўлгани сингари Туркменистон Республикасининг Лебап вилоятига қарашли Хўжамбас этрап (туман) идаги Бурдалиқ кишлоғидан 30 км. узокликда, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қадимги ва ўрта аср археологик обидаси – Навидах қалъасини маҳаллий аҳоли “Зухра-Тоҳир кўши” деб юритади. Қалъа деворлари ёнида олиб борилган қазилмалар чоғида сўнгги кушонлар даври (III–IV асрлар) га оид археологик материаллар топилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу қалъада IX–XII асрларда ҳаёт гуллаб-яшнаган. “Тоҳир ва Зухра” дostonининг истеъдодли шоир Муллонафас Қодирберди ўғли талқинидаги ажойиб намунаси, шунингдек, шу мавзудаги хилма-хил эртақлар туркман халқи орасида ҳам кенг тарқалганлиги боис, одамлар бу ўрта аср иншооти қолдиқларини ана шу эпик асар қаҳрамонлари фаолияти билан боғлаб, “Зухра-Тоҳир кўши” деб атаганлар. Шунингдек, Туркиянинг Кўня шаҳрида “Тоҳир ила Зухра масжиди” деб аталган тарихий ёдгорлик мавжуд бўлиб, халқ орасида тарқалган афсоналарга кўра, ана шу иншоотнинг ёнидаги мозорга Тоҳир ва Зухра дафн этилган эмиш.

Маматқул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг илмий таҳлилида айтилишича, албатта, Тоҳир ва Зухра номи билан боғлиқ бундай зиёратгоҳлар рамзий бўлиб, халқнинг икки севишган қалб соҳибларига бўлган улкан муҳаббатининг ифодасидир. Қолаверса, эпик асарлар, хусусан, халқ дostonларида тасвирланган воқеаларнинг муайян жўғрофий ҳудуд доираси локаллашиши ҳолати Сурхон воҳасида ҳам бор. “Товқа кўрғони”, “Алпомишнинг чоҳи”, “Таллашкан” (пойга бўлиб ўтган жой), “Муродтепа” каби жой номлари “Алпомиш” дostonининг кенг оммалашганлиги билан боғлиқ бўлса, Хоразм воҳасидаги “Шоҳсанам қалъа”, “Аёзқалъа”, “Ваянган қалъа”, “Ёрбекирқалъа”, “Гулдурсун”, “Ҳалабқалъа” сингари тарихий-археологик обидаларнинг номлари воҳа бахшилари ижро этган дostonларда

тасвирланган воқеалар билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Айни ҳолатни “Тоҳир ва Зухра” достони талқинлари мисолида ҳам кўрамыз.

Маматкул Жўраев ва Феруза Маматқуловаларнинг илмий изланишларига кўра кўнглида бокира туйғулар ғунчаси гул очган икки қалб соҳибининг оташин севги саргузаштларини тараннум этган бу дoston асрлар давомида бахши-шоирлар тилидан тушмай, дўмбира наволарига эш бўлиб, ҳақиқий ишк қиссаси – халқ муҳаббатномасига айланган. Ҳар бир бахши, ҳар бир қисса-хон-шоир, ҳар бир эртакчи-ровий Тоҳир билан Зухра муҳаббати ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий эпик сюжетни янгилаб, бойитиб, бадий жиҳатдан сайқал берган ҳолда такомиллаштириб бориши натижасида бу асарнинг бири-биридан гўзал, мазмунан ранг-баранг ва халқ қалбига ғоят яқин намуналари юзага келган. Муҳаббат тароналари тараннум этилган бу фольклор асарларини ўзидан анвойи бўй таратиб турадиган ажойиб гулдастасига қиёс қилса бўлади. Достоннинг шахрисабзлик Зоҳир шоир Қўчқор ўғлидан ёзиб олинган қуйидаги варианты ҳам ана шу гулдастанинг чечакларидан биридир.

**Тадқиқотчи олимлар Маматкул Жўраев ва Феруза Маматқуловалар достонни нашрга тайёрлаш чоғида ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган филология фанлари докторлари, профессорлар Тўра Мирзаев, Сафарбой Рўзимбоев, филология фанлари номзоди, доцент Абдуолим Эргашев, қарийб ўттиз йилдан буён “Ўзбекистон” радиоканалида халқ достонларини тарғиб қилиб келаётган таниқли журналист Нуриддин Аминжонов ҳамда “Тоҳир ва Зухра” достонига оид манбаларнинг фотоматериалларини тайёрлаган Беҳзод Жўраевларга самимий миннатдорчилик билдиради.**

Достондан парчалар ўқувчи кўз ўнгида дoston ҳақида тасаввур пайдо қилади; Подшо сўзини тамом қилди, вазир унинг хафа бўлганлигини билди. “Эй, садағанг кетойин подшоҳим, бу кийикни отмаганимни сабаби бор”, - деб подшога қараб бир сўз деди:

**Ёмонлик йўлини ҳаргиз тутмадим,**

**Яхшилик йўлидан юрдим, йитмадим.**



**Жони бор жонворни бежон этмадим,  
Шунинг учун бу кийикни отмадим.  
Ҳар кимсанинг ҳаққа етар ноласи,  
Ғунчадан очилар боғнинг лоласи.  
Жониворнинг қорнида бор боласи,  
Шунинг учун мен кийикни отмадим.  
Ҳар кимнинг кўнглида бордур ҳаваси,  
Изласа топилмас ўлим давоси.  
Ёдингдами олма берган бобоси,  
Шунинг учун мен кийикни отмадим.  
Икки жонни отсам увол бўлмасми,  
Офтоб тегса боғнинг гули сўлмасми.  
Бу ишга худонинг қаҳри келмасми,  
Шунинг учун жониворни отмадим.  
Тинглаб олгин Қамбар вазир сўзини,  
Меҳнат қилган топар ризқу-рўзини.  
Қутқариб юбордим кийик ўзини,  
Шунинг учун мен жайронни отмадим.**

**- Қамбар вазир сўзини айтиб бўлди, вазирнинг гапи подшога маъқул келди. Вазирнинг ва ўзининг хотини ҳомиладорлигини билди, бу жойдан подшо-ю вазир отланишиб кетдилар. Йўлда бир неча каклик, қирғовулларни отдилар, бир чашманинг бўйига тушиб маскан тутдилар, олов ёқиб, ов-шикорнинг гашти деб, қилган овларини сўйишиб, кабоб қилиб еб олиб, ўлтиришиб суҳбат қилдилар. Подшонинг хотини ҳам ҳомиладор эди. Подшо вазирига деди:**

**- Эй, Қамбар вазир, кўп йиллардан буён хизматимда бўлгансан. Подшолик ишларимга кўп яхши маслаҳатлар бергансан. Энди мени сенга айтадиган бир сўзим бор. Бу сўз иккимизнинг ўртамызга шарт бўлсин, агар иккимизнинг аёлимиз ҳам ўғил туғса, иккови ўрнимизга подшо-вазир бўлсин, агар иккиси қиз бўлса опа-сингил бўлсин, агар менинг аёлим ўғил**

туғиб, сеники қиз бўлса, қизинг менинг келиним бўлсин, агар сеники ўғил,  
меники қиз бўлса, менинг қизим сени келининг бўлсин.

Подшонинг бу айтган сўзига вазирнинг кўнгли тўлиб, бенихоят  
хурсанд бўлиб, вазир “Маъқул”,- деди. Шу жойда подшойи вазир аҳду  
паймон қилишдилар. Худди шу замон шаҳардан бир чопар отлик келиб,  
икковидан севинчи олмоқчи бўлиб, икковига қараб, севинчи сўраб, бир  
сўз айтгани:

Фарзанд бўлар одамзоднинг қувончи,

Уйнинг ярашиғи, орқа таянчи.

Фарзандликнинг бозор бўлар уй ичи,

Иккинги хам беринг менга севинчи.

Икки элчи бирликишиб сўз берди,

Одамзодга аввал ёруғ юз берди.

Хоним, сизга ойдаи гўзал қиз берди,

Хушнуд бўлиб беринг менга севинчи.

Боғларда очилган тоза гул берди,

Одамзодга сўйламоққа тил берди.

Қамбар вазир, сизга эрдек ул берди,

Сиз хам беринг энди бизга севинчи.

Қутлуғ бўлсин ўғлингиз хам қизингиз,

Эл ичида ёруғ бўлди юзингиз.

Ўлганда эгалик эли-тузингиз,

Икковингиз беринг менга севинчи.

Очилди мухтасар ойдин йўлингиз,

Эл ичида бурро бўлди тилингиз.

Ҳар ёнга узатса етар қўлингиз,

Севинчига келди Аҳмад қулингиз.

Тоҳир сўзини айтиб бўлди, Зухра айтди:

Достон инсонийик, мардлик, ватанпарварик, жасурлик, севги вафо каби  
хислатарни ўзида мужассам этиб, ёшларни бир-бирларига хурмати,

оилавий эътиқодлари, ўзаро меҳр- садоқати билан янада ўқувчини ўзига жалб этади. Уларни бир-бирларига ҳурмати қўйидаги маънода таҳлил қилинади;

-Эй, Тоҳиржон, онангиз соғ-омон, хабарга кетди канизим Замон, ҳеч нимадан қилманг гумон, келиб қолади ҳали замон. Мен онангизни табибларга қаратиб дори-дармон бердирдим, егулик овқатини доим етказиб турдим, сиз туфайли онангизга қарашиб турдим.

Зухра қизнинг сўзидан кейин, "бир гап бўларда" деган гап шу ерда тўғри келди, Тоҳир гуноҳидан ўтганлигини билди, ўлмаслигига ақли етиб, ўзини сал дадилроқ тутиб, Қорахон подшо бир сўз айтгани:

Сенга бердим муҳр билан хатимни,  
Манов салтанатли тожу тахтимни.  
Ҳар кимнинг охири берсин худойим,  
Топширдим қўлингга Тотар юртимни.  
Қорахон шоҳ дер эдилар ўзимни,  
Қабул айла менинг айтган сўзимни.  
Эгаси бўл ўзинг элу тузимни(нг),  
Топширдим қўлингга Зухра қизимни.  
Сен сийладинг менигдайин қарини,  
Худо сийлар бўлди энди барингни.  
Мен сенга берайин ҳарна боримни,  
Топширдим қўлингга Тотар шахримни.  
Тоҳир-Зухра ўлманг, даврон сурунглар,  
Эвали-чевали бўлиб юрунглар.  
Кеча кундуз дуо билан бўлай ёр,  
Сизларники бўлсин бутун кирдикор.

Қорахон подшо бошидаги тожини, қўлидаги муҳрини, хазиначидан қирқ битта қалитни олиб Тоҳирнинг қўлига берди, Устидаги шоҳона шоҳлик либосини ечиб, ерга қўйди, ўзи дарвешлик кийимини кийди. Қаландархонага боргунча бошини эгди, дўстлар қувонишиб, вазир-

вакилларнинг димоғи куйди. Икки томон бу ахволни кўриб хайратга қолди. Тотар мамлакатининг халойиқи Тохирга эътиқод қилди, ҳамма қувониб ўйнаб қолди. Тахтнинг пойига бориш учун, Тохирни олиб кетиш учун маслаҳат қилинди. Тохир мирзо ўз отини, Қиронхон ўз отини, Олтиной ўз отини миниб, уч оғайни ботир бўлиб, халойиқ олқишлаб атрофини олиб Тотар шахрига кираяпти. Энди сўзни Зухра юборган Замоной каниздан эшитинг.

Замоной каниз Тохирнинг онасини ёнига келиб, қувончга тўлиб, “Ассалом бувижон, сизга хушхабар келтирдим”, — деб бир сўз айтди:

Очилган гул лоланг келди,  
Бошга қўрғон-қаланг келди.  
Айтиш учун келдим сизга,  
Тохир отли боланг келди.  
Сенинг жони-дилинг келди,  
Боғчадаги гулинг келди.  
Қулоқ солинг айтган сўзга,  
Тохир отли улинг келди.  
Етти йиллар айро бўлган,  
Ғам билан ҳасратга тўлган.  
Соғ-саломат қайтиб келган,  
Тохир отли жонинг келди.  
Жуйрук бедови остига,  
Пўпакли найза дастига.  
Қорахон шоҳнинг қасдига,  
Сенинг пахлавонинг келди.  
Саф тортиб аскар қошига,  
Тўлган биёбон даштига.  
Зухра парвона бошига,  
Ўғлинг эсон-омон келди.  
Қорахон шоҳ етиб келди,

**Зухрани Тохирга берди.  
Халойиқнинг кўнгли тўлди,  
Бизга соҳиб замон келди.  
Замоной сўйлар хушхабар,  
Сўзларимга қилинг бовар.  
Юзларинг бўлди мунаввар,  
Фарзандингман кўргин дийдор.**

**Замоной каниз сўзини айтиб бўлди. Тохирнинг онаси бу хушхабарни эшитиб, ўрнидан тура кетди, худди шу пайт дарвозадан Тохир кириб келди.**

**–Онажон мен келдим, деб онасини кучоқлаб бағрига отилди, онаси билан парвонадай кўришди. Онаси боласи Тохирни кўриб бир сўз дегани:**

**Карвон етаклаган лўкча нор экан,  
Айрилганлар бир кўришга зор экан.  
Душманлар ўлган деганди ўзингни,  
Шукур, сени кўрар кўзим бор экан.  
Айланайин тани-жонинг сиҳатми,  
Кўрган азобимнинг кейни роҳатми.  
Она деган тилгинангдан айланай,  
Минг мартаба шукур, болам бор экан.  
Уйимнинг зийнати бошимнинг тожи,  
Бермайман берсалар дунё хирожи.  
Мендай муштипарнинг орқа таянчи,  
Келиб мени яна она дермикан.  
Айланайин қошинг билан кўзингдан,  
Ўргилайин Зухра отли юзингдан.  
Кўзларим тўрт бўлди қараб изингдан,  
Болам дейиб қон оқиздим кўзимдан.  
Зухра хабардори бўлди ўзимдан,  
Ҳақиқатдан билдим сенга ёр экан.**

**Болам, деб йиғлаб дармоним қолмади,**

**Барбод бўлиб хони моним қолмади.**

**Сени кўрдим ҳеч армоним қолмади,**

**Яратган ягона бизга ёр экан.**

**Тоҳир онасини анча юпатди,**

**Онасига қараб шу сўзни айтди:**

**Меҳрибоним, мени жоним онамсан,**

**Бошимдан айланган сен парвонасан.**

**Бу савдолар тақдиримда бор экан,**

**Куйганларга бу кенг дунё тор экан,**

**Йиғламагин сен она бўлгин ҳушёр.**

**Лутф айлади ўзи кўрсатди дийдор,**

**Бундан буёқ энди даврон бизники,**

**Тахти-тожи кўшки айвон бизники.**

**Тоғларга чиқмасанг дўлона қайда,**

**Жон куйдирмасак жонона қайда.**

**Яна тикландику кўнгил иморат,**

**Хоки пойингни айладим зиёрат.**

**Бахт иқболли бу давронга етишдик,**

**Ўлмадик, йитмадик, етдик муродга.**

**Лойиқат айлади бизни давлатга.**

**Тоҳир сўзини айтиб турган пайти, Зухра билан Олтиной, Замоной, Омоной канизлар ичкарига киришиб, Тоҳирнинг онаси билан кўришиб, Тоҳир билан Қиронхон тахти пойига келишиб, уч юз жазоил бўшатди, тўрт юз тўп отди, элга қирқ кеча-кундуз тўй, деб хабар этди. Тоҳирнинг онасини Зухра давлатхонага олиб кетди, жумла халойиқ тўйга йиғилди. Бир томонда созанда, бир томонда кураш, Тоҳир Тотарга подшо бўлди, Зухра унга вазир бўлди. “Эр подшо, хотин вазир” деган шундан қолди. Қирқ кеча-кундузлик тўй шодиёналик билан ўтди. Олтиной, Қиронхон билан ишни битказиб жавоб олиб, аскарини қайтариб мамлакатларига**

**кетди. Қиронхон ҳам Олтинойни олиб мақсад-муродларига етди. Тохир Зухра билан ўлмай-йитмай умрларининг борича даврон суришди. Шундай қилиб, булар ҳам муродларига етди. Ушбу йўл Шерна шоирдан Тош шоирга ўтди, Тош шоирдан Зоҳир шоир эшитиб ушбу дostonни айтиб тугатди, шундай қилиб Тохир билан Зухра дostonи охирига етди.**

“Гўрўғли” дostonи қадимий ва машҳур ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди ёдгорлиги бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ халқлари орасида кенг тарқалган қахрамонлик эпоси дostonлар туркумига киради. “Гўрўғли” дostonи мазмун ва моҳияти ҳамда тарбиявий аҳамияти тўғрисида таниқли фольклоршунос олим Шомирза Турдимовнинг ижоди алоҳида таҳсинга сазовардир. Олимнинг “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” асарида 60 дан зиёд дostonлар таҳлил қилиниб, “Гўрўғли” дostonнинг мифологик асосида бадий-эстетик ўзанга кўчиш жараёни қаби қатор масалалари илмий тадқиқ этилган. Дostonда қадимги авлод-аждоғларимизнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқараши, маънавий бойликлари, ҳудудий географик жойлашуви ишонарли маънода баён қилингандир. Гўрўғли шахси қиёфасида ўзбек халқининг миллий қахрамони, мард, жасур ўғлонлари, ахлоқий фазилатлари, рақибларга муносабат, Ватанга муҳаббат, ор-номус учун, инсоний қадр - қиммат учун кураш туйғуси, ёш авлодга муносиб устоз - шогирд бўлиш ғоялари асарда акс этган. Энг муҳими дostonда Гўрўғли хон мисолида миллат ва давлатчилик ғурури, давлатчилик анъаналарининг моҳияти ёритиб берилган. Асарда Гўрўғлининг жонсиз онадан тирик фарзанд бўлиб туғилиб, гўрдан чиқиб, ғорга кириб, Така-Ёвмитнинг ёви ҳисобланган юртда вояга етиб, ўз ватанига қайтиб, тарқалиб кетган ўз халқини йиғиб, топталган ор -номусни тиклашдаги воқеалар ҳақида мазмунли фикрлар асарда ўрнини топган. Дostonда ўз она юрти Чамбил мамлакатининг етти иқлимга машҳур қилиб, умри охирда ҳамиша баҳор дарахти тагида жойлашган, сут булоғи оқиб турувчи сирли ғорга кириб, ғойиб бўлиш ишонарли тарзда таҳлил қилиб берилган. Асарнинг асосида икки санам ёри – Юнус пари ва Мисқол пари икки қаптар суратида ғор олдида

келиб, Гўрўғлининг ҳаёти, шону шавкати етмиш икки шоҳга достон қилиб баён қилганлиги, яқин орадаги чўпон-чўлиқлар бу достонларни ўрганиб, эл орасига куйлаганлигини изоҳлайди. Муаллим “Гўрўғли” достони қачон пайдо бўлганлиги хусусида сўз юритиб, фольклоршунослар Ҳ.Т.Зарифов, Б.А.Карриев, В.М.Жирмунский, М.Саидов, Т.Мирзаев ва бошқаларнинг илмий фикр - мулоҳазаларидан кенг маънода фойдаланиб, Гўрўғлининг туғилиши, унинг исми, вояга етиши, мард, жасурлиги, ижтимоий келиб чиқиши ҳақидаги хулосаларни таҳлил этган. Ушбу фикр мулоҳазаларни баён этиш жараёнида фольклоршунос олим шоир Ўлжас Сулаймонов, озарбайжон фольклоршуноси Мирали Сейидовнинг умумтуркий “Гўрўғли” (Кўрўғли) генезисидagi маъноларга эътибор берганлиги қайд этилади. Ўлжас Сулаймоновнинг фикрича, Гўрўғли сўзининг маъноси “Қуёш ўғли” деган маъно беради деган фикрни келтирган. Мирали Сейидов талқинида Гўрўғлининг номи “тоғ ўғли” деб талқин қилинади. Бу достонлар тахминан XVII асрдан бошлаб бир туркумга бирлаша бошлаган. “Гўрўғли” туркумига кирувчи барча достонлар муайян мустақилликка эга. Улар оғзаки эпик анъанада якка-якка ижро этилади ҳамда эшитувчи ва китобхон уларнинг ҳар бирини алоҳида асар сифатида қабул қилали. Аммо бу силсида достонлар Гўрўғли қиёфаси унинг доимий йўлдоши Фирот эпик озодлик ўлкаси Чамбил юрти ва анъанавий қиёфалар Соқибулбул, Ҳасан Кўлбар, Аҳмад Сардор кабилар орқали бир-бирлари билан ўзаро бирлашади. “Гўрўғли” достонларини шартли равишда 2 катта гуруҳга бўлиш мумкин: Жанубий Кавказ ва Яқин Шарқ версиялари (озарбайжонлар “Кўрўғли”си асосида яратилган арман, грузин, турк, курд ва бошқалар) ва Марказий Осиё версиялари (ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, туркман, тожик ва бошқалар). Барча версиялар мавзуи асосини озодлик, адолат ва халқ бахт-саодати йўлида курашувчи баҳодир Гурўғли (Марказий Осиё версиясида) ёки Кўрўғли (ғарбий версиясида)нинг жасоратлари ташкил этади.

Жанубий Кавказ ва Яқин Шарқ версияларига хос бўлган умумий хусусиятлар “Гўрўғли”нинг озарбайжон вариантларида ўз ифодасини



топган. Унда тасвирланишича Кўруғли 40 йигитга бош бўлиб, адолатсиз тузумга қарши чиқади. Душман савдогарлар карвонига кутилмаганда хужум қилади. Нодўст подшоликлар билан бўлган жангларда ажойиб жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатади. Чўпон, отбоқар, дарбадар бахши дуохон, фолбин қиёфаларида душман ичига кириб, асир тушган йигитларига тадбиркорлик билан ёрдам беради, ўзига ва йигитларига маъқул бўлган гўзал париларни олиб қочади. Кўруғлининг жасорати ва мардликлари ҳақидаги ҳикоялар ярим тарихий, ярим афсонавий ҳолатарга эга бўлиб, мустақил подшоликлардаги турли найрангбозликлар, ҳукмдорлар ҳаёти, катта карвон йўлларидаги жанглар озарбайжон вариантларининг тарихий мавзуи ҳисобланади. Бу версияга кўра, Кўруғли, Эрон шоҳи Аббос I нинг (1585–1628) замондоши қилиб кўрсатилади. Чиндан ҳам, арман тарихчиси Аракел Тавризий (вафоти 1670) нинг кўрсатишича, Эрон шоҳи Аббос I ва Туркия султониغا қарши қўзғолон кўтарганларнинг бошлиқлари орасида Кўруғли деган шахс бўлган деб, озарбайжон вариантыда аниқ шахс ва давр билан боғлиқ воқеалар тенгсиз куч-қудрат ва шижоат тасвири билан уйғун ҳолда баён этилади. Аммо бунда умумлаштириш ва рамзийлаштириш муайян давр ва тарихий воқеаларни инкор этиш даражасида эмас. Марказий Осиё версиялари, хусусан, ўзбек версияларида умумлаштириш ва рамзийлаштириш юқори даражага кўтарилган. Бунда қаҳрамонона ўтмиш аниқ тарихий воқеалар кўламида эмас, балки орзу даражасида, халқнинг юксак мақсади кўламида тасвирланган. Ўзбек дostonларида Гўруғли туркман ва ўзбекларнинг беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи, ватани учун қайғурувчи ва уни душманлардан ҳимоя қилувчи енгилмас баҳодир, кўплаб халқ ботирларини тарбиялаб етиштирган мураббий сифатида тасвирланган.

Ўзбек халқи Гўруғли ҳақида “Кунларим”, “Гўруғли”, “Гўруғлибек – зўр ботир”, “Армоним қолмади”, “Борми жаҳонда” каби унинг қаҳрамонона курашини мадҳ этадиган қатор термалар, 80 га яқин дostonлар яратган. Хусусияти, мавзуи, ижодий услуби ва куйланиш тарзи жиҳатидан ажралиб турадиган 20 дан ортиқ дostonдан иборат Хоразм туркуми бу сирага

кирмайди. Бу ҳол “Гўрўғли” туркуми ўзбеклар орасида 2 версияда тарқалганини кўрсатади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислон шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли каби халқ шоирларидан 200 дан ортиқ дoston (вариантлари билан) ёзиб олинган. Туркумни тўлалигича биладиган бирор бахши бўлган эмас. XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг бошларида Султонмурод шоир (Самарқанд вилояти), Нишон ота (Тошкент вилояти) каби бахшилар “Гўрўғли” туркум дostonларини куйлашда донг таратган. Бироқ улардан биронта ҳам дoston ёзиб олинмаган. Ёзиб олинган “Гўрўғли” дostonларига куйидагича тартиб бериш мумкин: 1. Гўрўғлининг туғилиши. 2. Гўрўғлининг болалиги. 3. Чортоқли Чамбил. 4. Зайдиной. 5. Юнус пари. 6. Мисқол пари. 7. Гулнор пари. 8. Қирқ йигит билан қирқ қиз. 9. Ҳасан Кўлбар. 10. Соқибулбул. 11. Райҳонараб. 12. Шоҳдорхон. 13. Замонбек. 14. Хидирали Элбеги. 15. Бердиёр оталиқ. 16. Эломон. 17. Холдорхон. 18. Гўрўғлининг Қримга бориши. 19. Говдароз дев. 20. Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши. 21. Шоқаландар. 22. Рўзахон. 23. Ёсқила. 24. Ҳасанхон. 25. Чамбил қамали. 26. Далли. 27. Авазхон. 28. Гулқизой. 29. Гулқизойнинг вафоти. 30. Интизор. 31. Малика айёр. 32. Машриқо. 33. Зулфизар. 34. Бўтакўз. 35. Қундуз билан Юлдуз. 36. Сарвиноз. 37. Балогардон. 38. Авазнинг арази. 39. Аҳмад Сардорнинг ўлимга буюрилиши. 40. Аваз ўғлоннинг Румга қочиши. 41. Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши. 42. Гирдоб. 43. Хонимой. 44. Хушкелди. 45. Олтин қовоқ. 46. Зайидкул. 47. Гулихиромон. 48. Зарнигор. 49. Оға Юнуснинг олиб қочилиши. 50. Равшан. 51. Нурали. 52. Нуралининг ёшлиги. 53. Балхивон. 54. Жорхон мастон. 55. Сумбулсоч бека. 56. Нурали ва Қари Аҳмад. 57. Нуралининг ютилиши. 58. Малла савдогар. 59. Жаҳонгир. 60. Эрўғли (Шаҳиднома, Гўрўғлининг ўлими, Гўрўғлининг ғойиб бўлиши). Бу дostonлар вариантлари билан биргаликда Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номилагии Тил ва адабиёт институтида сақланади.

Пўлкан шоирдан ёзиб олинган “Гўрўғлининг туғилиши”, “Гўрўғлининг болалиги” дostonларида тасвирланишича, Гўрўғлининг бобоси Тўлибой синчи Мари юртининг беги Ковиштихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигида Ёвмит

подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибой синчининг хизматларидан кўнгли тўлган Одилхон қизи Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан Гўрўғлининг отаси Равшан туғилади. Така-Ёвмит юртининг доимий душмани Шохдорхоннинг навбатдаги босқинларидан бирида Равшан, шунингдек, Такатуркман беги Жағалихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юртига асир тушиб кетади. Зангарда Равшан билан Биби Ҳилол тасодифан учрашиб қолиб, бир-бирларини севадилар ва турмуш курадилар. Бу орада Равшаннинг синчилигидан Шохдорхон хабар топади, уни саройга чақиртириб, отларини кўрсатади ва фикрини сўрайди. Равшан бу отлар орасида тулпор йўқлигини айтиб, бир ҳолвачининг отини мактайди. Бундан аччиқланган хон Равшаннинг кўзларини ўйдиради. Равшан эса кўр кўзининг хунига ҳолвачининг отини тилаб олади, шу от ёрдамида қайнағаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Равшаннинг Зангарда қолган хотини Биби Ҳилол олти ойлик ҳомиласи билан вафот этади. Гўрда ўлик онадан бўлажак қаҳрамон Гўрўғли туғилади. Чўпон Рустамнинг уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Гўрўғли Рустам ёрдамида шу байталда Ёвмитга қочиб келади. Туркумнинг илк дostonларида ёш қаҳрамоннинг чилтонлар билан учрашуви, истиқболининг олдиндан белгиланиши, эпик Чамбил юртининг бунёд этилиши. Ёвмит элига хон қилиб кўтарилиши каби воқеалар тасвирланган. Туркумдаги “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Гулнор пари” дostonлари Гўрўғлининг уйланиши ва шу билан боғлиқ қаҳрамонликларига бағишланган. Эпик анъанага кўра, Гўрўғлининг икки хотини Юнус ва Мисқол (Пўлкан шоир варианты бўйича учинчиси — Гулнор) парилар Кўҳиқофда Эрам боғида яшаганлар, уларни ғайри табиий кучлар - девлар кўриқлаган. Парилар Гўрўғлига илгаридан «белгиланган», «аталган» бўлсаларда, Гўрўғли уларни машаққатлар билан, куч, ақл, фаросат, тадбиркорлик билан қўлга киритади.

Туркумдаги “Зайдиной”, “Райҳон араб”, “Чамбил қамали”, “Бектош араб” ва бошқа дostonларда Гўрўғлининг Чамбил юртининг ташқи душманларига қарши курашлари, босқинчи ва талончилар сифатида Райҳон

араб, Бектош араб, Хунхоршоҳ ва бошқалар тасвирланади. Туркумда Гўрўғлининг баҳодир 40 йигити (Замонбек, Шодмонбек, Хидирали, Тўлак ботир, Холдорхон ва бошқалар) фаолиятига алоҳида-алоҳида дostonлар “Холдорхон”, “Замонбек”, “Хидирали элбеги”, “Бердиёр оталиқ», “Қирк йигит билан қирк қиз”, “Дониёр хўжа” ва бошқаларга бағишланган. Улар эпик ўлка – Чамбилнинг озодлиги, халқининг фаровонлиги учун Гўрўғли билан бир сафда туриб кураш олиб борадилар. Туркумдаги анчагина дostonларда Гўрўғлининг асранди ўғиллари Ҳасан ва Аваз, неваралари Нурали ва Равшан ҳамда эвараси Жаҳонгирнинг қаҳрамонона саргузаштлари хикоя қилинади. Бу дostonлар ўзаро муайян туркумчаларни ташкил этади. Бу ички туркумлар асранди фарзандларнинг олиб кетилишини тасвирловчи дostonлардан “Ҳасанхон” ва “Авазхон” билан бошланади. Ҳасан ва Авазнинг мустақил эпик таржимаи ҳоли ҳар бир туркумда муайян ўрин тутаяди. Ҳасанхон туркумда фақат бир дoston “Далли”ида, Авазхон эса “Балогардон”. “Интизор”. “Бўтакўз”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Зулфизар билан Аваз”, “Гулихиромон”, “Малика айёр”, “Машриқо” ва бошқалар дostonларда бош қаҳрамон сифатида иштирок этади. Туркумнинг сўнгги дostonи “Эрўғли”да Гўрўғлининг кексайган даври ва Сулдузи тоғида ғойиб бўлиши тасвирланади. “Гўрўғли” туркуми дostonлари халқ ҳаёти ва турмушини, унинг орзу-умидлари ва юксак мақсадларини, маънавий-эстетик оламини кенг миқёсда бадиий акс эттирувчи асар сифатида бебаҳо мерос саналади<sup>50</sup>.

**“Юсуф ва Зулайҳо”** Шарқ халқлари орасида машҳур ва кенг тарқалган ишқ қиссаси, дoston. Асл манбаи-илоҳий муқаддас китоблар Таврот ва Қуръони карим. Қуръондаги талқини бирмунча ихчам ва бадиий шаклланган. Тавротдагиси фольклорга яқин ва қадимги Миср афсоналарига бориб тақалиши тахмин қилинади. Шарқда кенг тарқалган қиссанинг бу варианты Қуръони каримнинг “Юсуф” (12-) сураси асосида шаклланган бўлиб, жамики “Юсуф ва Зулайҳо” қисса ва дostonларининг илҳом манбаи ушбу сурадир. Ушбу қисса Қуръонда “аҳсан ул-қисас”, яъни “қиссаларнинг энг

---

<sup>50</sup>.Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Т.; “Фан”.2011.4-39 бетлар.

гўзали” дея таърифланади<sup>51</sup>. Мазкур қисса даврлар ўтиши билан Шарқда гўзал адабиёт намунаси сифатида кенг тарқалди, кўплаб янги воқеалар билан бойиб, алоҳида асар ҳолида қаламга олина бошлади. Шарқда IX асрда 150 дан ортиқ “Юсуф ва Зулайҳо” достону қиссалари яратилди. Хусусан, энг машҳурлари қаторида Фирдавсий, Абулмуаййид Балхий, Шаҳобиддин Амъак, Шоҳин Шерозий, Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Масъуд Ироқий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларни қисса-достонларини кўрсатиш мумкин. Худди шунингдек, турли даврларда туркий адабиётда ҳам шу мавзуда 150 га яқин асар ижод қилинган. Жумдадан, Қул Али, Носиридин Рабғузий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салоҳий, Андалиб, Ҳозиқ каби ижодкорлар қисса ва достонлар битганлар. Асрнинг кенг тарқалиши ва шуҳрати қозонишига сабаб унинг мазмун-моҳиятидаги муҳаббат талқинидир. Асар “Юсуф ва Зулайҳо”, “Қиссаи Юсуф алайҳиссалом” ёки “Қиссаи Юсуф пайғамбар” дея турлича номланишига ва турли ижодкорлар томонидан ёзилишига қарамай, унда ишқ мавзуи суфиёна талқиннинг энг жозибадор намунаси бўлиб қолаверди. Шу билан бирга “Юсуф ва Зулайҳо” достонлари ўзига хос соф инсоний муҳаббатни тараннум этувчи дунёвий адабиёт намунаси ҳамдир. Масалан, муаллифи номаълум “Юсуф ва Зулайҳо” 1469–70 йил Ҳусайн Бойқаро бағишлаб ёзилган достонда Ўрта Осиё халқларнинг турмуш тарзи, ошиқларнинг муҳаббат тўла саргузаштлари жуда ёрқин бўёқларда гўзал тасвирланган. Умуман, даврлар ўтиши билан “Юсуф ва Зулайҳо” достони сюжети асосида яратилган асарларда ўз даврининг турли ахлоқий ва фалсафий қарашлари, ижтимоий ва сиёсий тушунчалари акс этиб бораверади.

**“Юсуф ва Аҳмад”**- ўзбек халқ достони. XVI – XVII асрларда Хоразмда яратилган. Достон дастлаб оғзаки анъанада яратилган бўлиб, кейинчалик XVIII асрда туркман шоири Қурбонали Маъруфий қаламига мансуб ёзма варианты юзага келган. Достоннинг оғзаки вариантлари халқчил ғояларни ўз

---

<sup>51</sup> Қуръони карим, Т., 1992; Дурбек, Юсуф ва Зулайҳо, Т., 1959. Отабек Жўрабек. Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 16-ж.. Т.. 2000;346-бет.

ҳолича салаб қолганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарда ўзбек халқининг қаҳромонлик, севги-садоқат, ёр-диёр меҳри, тинчлик учун кураш ғоялари ифодаланган. Достон туркман, козоқ, уйғур халқлари орасида ҳам машҳур. Достонда Исфаҳон юрти ҳукмдори Бўзўғлонхоннинг ўз жиянлари, опа-сингил ва болалари бирга Юсуф билан Аҳмадни Исфаҳондан ҳайдаши, уларнинг Урганч шаҳрида паноҳ топиши ва вояга етиши, хийла йўли билан Миср подшоҳи Гўзалшоҳга асир тушиши, 7 йиллик тутқунликдан кейин ўз юртига қайтиши ва душманлардан ўч олиши воқеалари тасвирланган. Достоннинг Хоразим варианты немисча таржимаси билан билан биргаликда венгер олими Ҳ.Вамбери томонидан дастлаб ундан олинган парчалар ҳолида Лейпциг шаҳрида 1867 йил, сўнг тўла равишда Будапештда шаҳрида 1911 йилда чоп этилган. 1927 йилда Фолиз Йўлдош ўғли ва Пўлкан шоирдан Ҳоди Зариф ёзиб олган варианты эса, 1987 йилда Б.Саримсоқов томонидан нашр этилган. Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида достоннинг жуда кўп қўлёзма нусхалари ва литографик нашрлари, Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивда эса, халқ бахшиларидан ёзиб олинган вариантлари мавжуд эди<sup>52</sup>

**“Ойсулув”**-ўзбек халқ достони. Эргаш Жумабулбул ўғлидан Ҳ. Зарифов ёзиб олган. Бош қаҳромон Ойсулув-Турон мамалакатининг подшоси. Достон чуқур ижтимоий- сиёсий мазмунга бой бўлиб, унда халқнинг орзу-умидлари, ватанпарварлик туйғулари, босқинчиларга қарши кураш акс этган. Ой сулув ўз халқи ва юртига содиқ, ватанпарвар, мард, жасур, курашда тенгсиз, душманга аёвсиз афсонавий қаҳромон қиёфасидир. Ойсулув Эрон подшоси-босқинчи Доро лашкарларига қарши қаҳромона жанг қилади ва уни тор-мор этади. Ойсулув Ўрта Осий халқлари афсоналаридага қаҳромон аёли Тўмарси қиёфасини эслатади<sup>53</sup>.

---

<sup>52</sup> Зарифов Ҳ., Узбекский народный героический эпос, М., 1947; Жуманиёзов Р., Донг қозонган достон, Т., 1993.

<sup>53</sup> Ўз МЭ.6- том. Бет- 479. “ Ойсулув”

**“Равшан”- “Гўрўғли”** туркуми достонларидан. Ҳ.Зарифов Эргаш Жумабулбул ўғлидан 1928 йил ёзиб олган. Достон бир неча марта нашр этилган. Достон Гўрўғлининг невараси Равшаннинг хосиятли узукда Ширвон маликаси Зулхуморнинг суратини кўриб, ошиқ бўлиши ва уни излаб сафарга отланиши воқеасидан бошланади. Асрда қаҳрамоннинг маъшуқасига эришиш йўлидаги саргузашталари орқали эркин муҳаббати, вафо ва садоқат улуғланган, ватанга меҳр, эл-юрт душманларига шафқатсизлик ғоялари илгари сурилган. Драматург К.Яшин шу достон асосида “Равшан ва Зулхумор” асарни 1957 йилда ёзган<sup>54</sup>. “Равшан” ғоявий-бадий пишик ишқий-саргузашт достондир. Халқ орасида у ўтган асрда ҳам машҳур бўлган. Факат 1928 йилдагина достонни биринчи бўлиб Ҳоди Зариф (1905–1972) Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937) оғзидан ёзиб олган ва 1941 йилда нашр –тирган. Эргаш шоир “Равшан”ни отаси Жуманбулбулдан, у эса устози Кичик Бўрондан ўрганган. Достоннинг сайқал топиб, ғоявий етук, бадий гўзал асар шаклини олишида Жуманбулбул ва ўғли Эргашнинг алоҳида хизматлари бор. “Равшан” пок ва самимий муҳаббатни куйловчи, мақсадга эришиш йўлида мардлик ва ботирликни улуғловчи, зулм ва адолатсизликни қораловчи асардир. Достон қаҳрамонлари Ҳасанхон ва Равшан пок қалбли, адолатпарвар, ҳамиша зулмга, ноҳақликка қарши курашган, жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзган мард кишилардир. Равшан Зулхуморни қўлга киритиш ниятида икки ойлик олис йўлга якка ўзи кўркмай жўнайди. Ёш ва тажрибасизлиги, оқкўнгиллиги туфайли банд этилиб, зиндонга ташланган

---

<sup>54</sup> ЎзСЭ 1977..140 бет.

Равшан дор остига ҳайдаб кетаётганларида ҳам ўзини дадил тутди. Дор тагида эса Қорахон аъёнларининг таклифини рад этиб, ўз элидан кечмаслигини айтади. Чин муҳаббат эгаси бўлган ботир йигит ўлимдан ҳайиқмайди.

Ҳасанхон Гўрўғлининг тарбиясини олган донгдор полвон. Зулхумор майна орқали йўллаган мактубни олган Ҳасанхон Ғиротда икки ойлик йўлни йигирма кунда босиб ўтади. Достонда шу ўринлар ниҳоятда ҳаяжонли, таъсирчан ва гўзал тасвирланган:

От боради ариллаб,  
Отган ўқдай шариллаб.  
От алқими -тонг шамол,  
Мис карнайдай зариллаб.  
Сувсиз чўлда Ғиркўк от,  
Бораётир париллаб.

Ҳасанхон Равшан осиладиган кун дор олдига етиб келади, золим Қорахон лашкарига қарши жанг майдонига киради, чинакам қахрамонлик намуналарини кўрсатади. Ширвонлик тўрт оға-ини ботирлар - Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсақлар кўмагида Қорахон кўшинини енгади, ўғлини ўлимдан қутқаради. Золим хон ўлдирилгач, қолганларга омонлик беради. Достон шеърий санъатларга, бадиий тасвир воситаларига жуда бой. Зулхумор, Оққиз қабиларнинг портрети, феъл-атвори, табиат манзаралари юксак маҳорат билан чизилган. Зулхуморнинг боғи тасвирини ўқисангиз, улкан эътибор ила парваришланган, ногоҳона кўшк ва қасрли сўлим маскан, жаннатмонанд бир оромгоҳ кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ёки Ширвон бозорининг 145 мисралик тасвирини олайлик. Достонда сершовқин, тўс-тўполон Шарқ бозорининг ўта табиий, жозибадор тасвири берилган. Шеърий парчалар анвойи поэтик тасвир воситаларига ниҳоятда бой, қофиялар турлича сўзлардан моҳирона тизилган. “Равшан” достони қофияли наср (сажъ)нинг гўзал намунасидир. Деярли ҳар бир насрий парча қофияли. Достоннинг вазни



хам ўзига хос. Шеърӣ қисмлар асосан 7, 8 ва 11 бўғинли бармоқ вазнида. Шоир қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжони, воқеа ривожининг суръатига ҳамоҳанг, айти шу ҳолатга мос вазни қўллайди. Уруш ва жанговарлик ҳолатига мос 8 бўғинли вазнга мисол:

Келинг, каллар, кечинг жондан,  
Умидинг бўлса майдондан.  
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,  
От қўй ғанимнинг устига.

7 бўғинли бармоқ вазни воқеа ё ҳаракат суръати тезлашган ҳолатларга жуда мос:

Қуш учмаган чўллардан,  
Сўна юзган кўллардан.  
Одами йўк ерлардан,  
Дим учи йўк чўллардан.  
Томоша қинг, мард Ҳасан,  
Қистаб ўтиб боради.

Бундай ўринларда тингловчи ўзини асар қаҳрамони билан ёнма-ён от қўйиб бораётгандай ҳис этади. Достоннинг тили содда, ранг-баранг. Унда адабий тилимизни бойитишга хизмат қиладиган сўз ва атамалар жуда кўп. Қўплаб мисраларда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари ўринли қўлланган. Масалан:

Зинҳор-зинҳор бир мискинни йиғлатма!  
Кечсанг ёмон бўлар ота-энадан.  
Қўлингдан келганча ёмонга кетма!  
Зинҳор манманликнинг йўлини тутма!

Суюкли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг улкан меҳнати, истеъдоди туфайли авлодларга мерос бўлиб қолган «Равшан» достони китобхонларни чин ва покиза муҳаббат, қаҳрамонлик, она юрт ва халққа садоқат руҳида тарбиялайди.

“Равшан” достонидан парчалар: Бурунги ўтган замонда, Бухородан тубанда, Чамбил юртида Гўрўғлибек даврини суриб, душманнинг додини бериб ўтди. Қирқ йигитни йиғиб, эл-халқнинг кўнглини топтириб, Юнус билан Мисқол парини Кўхи Қофдан, Эрам боғидан келтириб, умр ўткарар эди. Гўрўғлибекка худо фарзанд бермади. Ҳасанхонни Ваянгандан, Авазхонни Хунхордан олиб келиб, икковини ўғлим деб, ўлсам меросхўрим деб, «болам-бўтам» деб парвариш қилар эди. Иккиси ҳам паҳлавон, ботир йигитлар бўлишди. Ҳасанхон Арзрумдан хон Даллини олиб келиб уйланди. Авазхонга Гулқиз деган сулувни олиб беришди. Ҳасанхон Даллидан ўғил кўрди. Отини Равшан қўйдилар.

Авазхон қизли бўлди, исмини Гуланор қўйдилар. Болалар вояга етди. Гўрўғли Авазхон билан Ҳасанхонни қуда қилмоқчи бўлди, Авазхон ўғлининг қошига совчи бўлиб борди. Лекин, Авазхон Равшанни қизига тенг кўрмай, Гўрўғлига рад жавобини берди. Авазхоннинг сўзларини эшик ортида туриб эшитган ёш Равшан қаттиқ хафа бўлиб, бувиси олдига боради. Юнус пари «овунсин» деб, қўлидаги сеҳрли узукни Равшанга беради. Равшан узукни томоша қилар экан, унинг кўзида гўзал бир қизнинг суратини ва «Зулхумор» деган ёзувни кўриб, суратдаги қизга ошиқ бўлиб қолади. Жийронқуш деган тулпор отини миниб, отаси Ҳасанхондан рухсат олиб, Қорахон подшонинг қизи Зулхуморни излаб, Ширвон юртига йўл олади. Тоғу тошлар, чўлу биёбонларни босиб ўтиб, Ширвонга келади. Бу ерда бир кампирга ўғил бўлиб юриб, кунларнинг бирида шаҳарни айланар экан, бозорнинг устидан чиқиб қолади. Зулхумор қалпоқ тикиб, ҳар бозор кунини йигитларга сотишни расм қилгани, бозордаги кўшкнинг, устида юзини очиб ўтириши, йигитлар кўрманасига бир лаълидан тилла ҳадя-қилиб, уни томоша қилишларини билиб олади.

**...Равшанбек бозорнинг устидан келиб қолиб, «Ёрим  
Зулхуморжонни кўраман» деб, димоғи чоғ бўлиб, вақти хуш бўлиб,  
бозордаги одамларга қараб, бир сўз айтиб турибди:**

**Узоқдан келаётибман,**

**Ғамнинг лойига ботибман.**

**Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!**

**Мен ёримни йўқотибман.**

**Э ёронлар, биродарлар, халойиқ!**

**Мен ёримдан адашибман...**

**Элда даврон сурган борми?**

**Ўз давриман юрган борми?**

**Бизнинг ёрдан кўрган борми?**

**Ёр дарагин берган борми?**

**Тоблаб зулфин ўрган борми?**

**Ёрман суҳбат қурган борми?**

**Ёки бирга юрган борми?**

**Боғидан гул терган борми?**

**Бизнинг ёрдан кўрган борми?**

**Ёр дарагин берган борми?..**

**Ёримни кўрсам деб келдим,**

**Бир дам ўлтирсам деб келдим.**

**Лаъли шакар лабларидан,**

**Сўр деса, сўрсам деб келдим.**

**Шундай асов тойдай ёрни,**

**Қўлга келтирсам деб келдим.**

**Ошиқлигим шу барнога,**

**Энди билдирсам деб келдим.**

**Элдан ўзган чин сулувни,**

**Ишқиб илдирсам деб келдим.**

**Айтганима кўнмаса-чи,**

Алдаб кўндирсам деб келдим...  
Бизнинг ёрдан кўрган борми?  
Ёр дарагин берган борми?  
Паст-пастгина паст кўчалар,  
Ҳолин билмас бир нечалар.  
Бедов минган бойваччалар,  
Бойваччалар, бекваччалар.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?  
Бозор келган бозорчилар.  
Йўлни кезган гузарчилар,  
Тинмай элни кезарчилар.  
Жўн савдони бузарчилар,  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Мардикорлик — иш бозори,  
Чўян бозор, мис бозори.  
Манов пишиқ ғишт бозори,  
Қассоб бозор-гўшт бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Чангиб ётган ун бозори,  
Қўқиб ётган жун бозори.  
Анов мурсак, тўн бозори,  
Пичоқ бозор, қин бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р) ?..  
Анови қовун бозори,  
Боққоллик, совун бозори.  
Саллоҳ сотиб калла-почча,  
Қассобга товун бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Четда турган қўй бозори,  
Йилқи бозор, той бозори.

**Қурт билан сармой бозори,  
Қоғоздаги чой бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Бўз билан алак бозори,  
Атторда элак бозори.  
Ранг-бўёв, лок бозори,  
Паранжи, желак бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Бугдой ҳам арпа бозори,  
Пахтали кўрпа бозори.  
Қўй тери-сурпа бозори,  
Серсавдо турпа бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Эчки ҳам улоқ бозори,  
Телпак ҳам тумоқ бозори.  
Қавоб, қовурдоқ бозори,  
Нася эмас, нақ бозори.  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..  
Қалпоқ бозори қайсиди (р)?..**

**Равшанбек маст бўлиб, «қалпоқ бозори қаерда» деб, бақириб бораётгир эди. Шу ерда бир нашаванд туриб эди, кайфи учиб кетди. Равшанбекка қараб айтди: «Эй ўзбек! Мунча бақирасан, кайф деган нарсадан қолмади-ку! Сен ўзинг бурун ҳам ҳеч бозорга борибмидинг, илгари бозорни кўрибмидинг? Анов чангиб ётган ун бозори, нариги қўқиб ётган жун бозори, ҳу анав, катта дўкон - тўн бозори, нариги турган-пичоқ билан қин бозори, ундан ўтдинг - қалпоқ бозорида, юртни буздинг-ку»,— деётгир.**

**Равшанхон бозорни оралаб ўтди, калпоқ бозорига етди. Қараса, қирқ зиналик кўшкнинг устида Зулхумор ойим канизлари билан қалпоқ сотиб турибди. Зулхумор бетидан ниқобини олиб, кўп канизлар ўртага**

олиб турибди. Равшанбек Зулхуморнинг жамолини, нав дарахт камолини кўриб, томоша қилди. Равшанбек қараса, Зулхуморнинг камоли, ойдаи жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдаи икки қоши хилоли. Равшанбек зехнини кўйиб қараса, ясанган, хурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, кошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдаи, тарлон-қарчиғай-учадиган қушдай, мухрланган қоғоздай ялт-ялт этиб ўтирибди. Зулхуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш-ўн кам икки юз кокили бор, бир оёғини тилла сувига ботирган, бир оёғини қумуш сувига ботирган, тонг шамолига қотирган. Жамоли чилланинг қоридай тинжираб, ялтираб ўтири. Ана, Зулхуморнинг кўзи жовдираб, зулфи шовдираб, зулфининг шуъласи бетига урса, ярқ-юрқ этиб, бетининг шуъласи зулфига урса, яшин тушгандай бўлиб ўтирибди. Равшанбек қараса, мусича, сўпитўрғай, ғазалай, симча қушлар Зулхуморнинг жамоли жилвасига чидамай, баланд қуйилиб келиб, эгнига, каптига тегиб-тегиб, учиб бораётипти. Равшанбек Зулхуморни бу шаъну шавкатда кўриб, юз жону дил билан ишқивоз бўлиб, юз жону дил билан харидор бўлиб, караб қолди...

...Равшанбек масти беихтиёр бўлиб, икки кўлини кўтариб, булғаб, оёқни узангига тираб, баландга қараб бақириб, қизларни чақириб бир сўз айтади:

Куйган алвон-алвон сўзлар,  
Айрилган бир-бирин излар.  
Кўшқида ўтирган қизлар,  
Баринг бирдай ботамизлар.  
Туринглар, Чамбил кетамиз,  
Журинглар, Чамбил кетамиз!  
Ширвон элнинг барнолари,  
Сулувларнинг подшолари.  
Йигитларнинг дилхоҳлари,

**Юзлари меҳру моҳлари.**

**Журинглар, Чамбил кетамиз,**

**Туринглар, Чамбил кетамиз!..**

**Зулфин тоблаб ўрган қизлар,**

**Элда даврон сурган қизлар.**

**Каптардай бўб юрган кизлар,**

**Қалпоқ сотиб турган қизлар.**

**Журинглар, Чамбил кетамиз,**

**Туринглар, Чамбил кетамиз!**

**...Унда ҳамма кизлар ҳайрон қолиб кулаётир. «Хў-хў», дейишиб караётир. «Нега ундай қилади», деб бир-биридан сўраётир... Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди... Бир пилла Равшанбек хушига келиб караса, қоронғи бўлиб қолибди, бозор тарқаб кетибди, кизлар тушиб кетибди. Равшанбекнинг ўзи қолибди. Ҳеч ким йўқ... У ёқ-бу ёққа қараб, қизларнинг қаёққа кетганини билмай, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб... не пиллаларда уйига келди...**

**Энаси Равшанбекнинг жойини солиб бериб, ухлагали жойига ўтиб ётди. Боланинг уйқуси қаёқдан келсин, болани илон, чаён чакқандай Зулхуморнинг ишқи куйдириб бораётипти. Уҳ дейди бўлмайти, уйқу келмайти... Бир пилла уҳ деб далага чиқди. Боланинг кўзига даланинг шуъласи баланд кўринди. Томнинг устига чиқиб қараса, катта йўл билан бояги кўшқда кўринган қизлар, қанча канизлар келаётир... Буларнинг орқасидан бояги кўшқда кўрган хоссаки канизлар билан Зулхумор ойим ўтиб бораётипти.**

**... Равшанбек томдан ўзини ташлаб кетди. Қампир: «Ҳа боласи курғур, қайтчи-қайт!» - деб қичқира-қичқира қолди. Равшанбек пиёда йўртиб, кўчанинг юзи билан, қизларнинг изи билан уриб югуриб, қизларни излаб кета берди.**

**...Бир қанча йўл юриб эди, олдидан чиқди катта бир боғ, бир ёғи чорбоғ, жуда катта-калондимоғ, кўрганлар фароғ, шундай жойга бориб**

қолди. Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар, хайхайлашиб, ўн-бир, беш-бир, тўп-тўп бўлиб, бир хили оз, бир хили кўп бўлиб, юрибди сайилбоғ қилиб.

Равшанбек билди, кечаги қизлар шу ерга келган экан... Равшанбек астагина писиб бориб, гулнинг ичига яширинди... Боғда битта ҳам эркак йўқ. Қизлар ўйнашиб, қизғалдоқдай яшнашиб... бир хиллари бир-бировининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди... Қизлар бир базмлар, тапир-тупур ўйинлар қилаётир, қизиғи кейин бўлаётир...

\* \* \*

Шу аснода бир тўп қизлар ўйнашиб-кулишиб, гул теришиб-талашиб, Равшаннинг устига келиб қолишади. Бегона йигит пусиб ётганини кўрган қизлар кўрқиб кетиб, қий-чувлашиб, энтикиб, дод-вой солиб Зулхуморнинг олдига боришади. Гап нимадалигини билгач, Зулхумор Оққиз деган канизини йигит ким, қаерлик экани, нимага келганини сўраб, кўрманасини олиб келишга жўнатади. Равшан кўрмананга тилласи йўқлиги учун бармоғидаги Юнус пари берган сеҳрли узукни Зулхуморга юборади. Зулхумор узукни томоша қилар экан, унда ўзининг исми ва суратини кўради, узук сеҳрли ва бебаҳолигини билиб, бундай узук ҳар кимда ҳам бўлавермаслигини андиша қилиб, йигитни хузурига олиб келишларини буюради.

Қизлар Равшанни иззат-ҳурмат билан зиёфат қилиб, сўнг ясантиришиб ўрдага олиб боришади. Зулхумор билан Равшанга тилла тахт устида жой қилишиб, қизлар, чиқиб кетишади. Бир неча кунни Равшанбек Зулхумор билан шод-хуррам ўтказди. Оққиз бўлган воқеани онасига айтиб беради. Онаси ҳамма гапни Қорахонга етказди. Қорахоннинг мирғазаблари Равшанни Зулхумор билан тўшакда ухлаб ётган жойида банд қиладилари Золим подшоҳ йигитни ошишга буюради. Шунда Ширвоннинг катталари: йигитни ўлдиришга шошмаслик керак, ёш йигит экан, қирқ кун муҳлат бериб, зиндонга ташласак, сўнг чиқариб



сизнинг динингизга киришни сўрасак, кўнса, сизга куёв қилсак, деб маслаҳат солишади. Бу гап подшога маъкул келади.

Равшан зиндонга ташланади. Зулхумор ҳам қизлари- канизлари билан бир ҳовлига қамаб ташланади, теварагига беш юз сарбоз қоровул қўйилади. Зулхумор кизлари орқали яширинча бир-икки лаҳмчини топади. Ҳовлидан зиндон бошигача лаҳм қовлатиб, Равшандан хабар олиб туради. Қиз у билан маслаҳатлашиб, Равшаннинг ота-онасига хат ёзади ва хатни ақлли майна қушининг бўйнига боғлаб, майнани Чамбилга жўнатади. Майна Чамбилга етиб, аввал Ҳасанхоннинг томига тушади, нола-фиғонларидан Далли Равшаннинг онаси эканини билиб, қаттиқ сайрайди-да, унинг қўлига келиб қўнади. Хатни олиб ўқиб, ҳамма воқеадан хабар топган Ҳасанхон Гўрўғлининг Гиркўк отини миниб, зудлик билан Ширвонга жўнайди. Хатдан аён бўлишича, Қорахон берган қирқ кунлик муҳлатнинг роппа-роса йигирма кунни ўтган. Йигирма кундан кейин Равшан дорга осилиши керак.

Ана энди Гўрўғлибек шошиб, суриниб, йиғлаб-инграниб Ҳасан мардга оқ фотиҳа бериб юборди. Ҳасанбек ҳайт деб Гиркўкни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб, душманларнинг зардасини қайнатиб, «Ширвон, қайдасан?» деб, якка-танҳо саваб кетиб бораётир, хув деб кетиб бораётир:

Совутини бўктариб,

Қалқонини дўнгтариб.

Йўлга тушди мард Ҳасан,

Ширвон элин ахтариб...

От боради ариллаб,

Отган ўқдай шариллаб.

От алқими-тонг шамол,

Мис карнайдай зариллаб.

Сувсиз чўлда Гиркўк от,

Бораётир париллаб.

**Тонглар отиб боради,  
Қунлар ботиб боради.**

**Сувсиз чўлда мард Ҳасан,  
Якка кетиб боради.**

**Душманларнинг қонини,  
Бўз тупроққа қотсам деб.**

**Қорахондай подшони,  
Ерман яксон этсам деб.**

**Юрагин қон этсам деб,  
Бек Равшаннинг устида.**

**Қатта тўфон этсам деб,  
Қулон юрмас ерлардан.**

**Қувиб ўтиб боради,  
Булон юрмас ерлардан.**

**Бўғиб ўтиб боради,  
Қарсоқ юрмас ерлардан.**

**Қалқиб ўтиб боради,  
Бўри юрмас ерлардан.**

**Бўзлаб кетиб боради,  
Полвон Ҳасан довушин.**

**Созлаб кетиб боради,  
Бек Равшанни тинмасдан.**

**Излаб кетиб боради...  
Йўлбарс юрмас йўллардан,**

**Йўртиб ўтиб боради.  
Бек Равшаннинг аламин,**

**Тортиб ўтиб боради...**

**Ҳасан мард йўлни қичаб ола берсин, Ширвонга яқин кела берсин,  
шу сўз шу ерда қола берсин. Энди- Равшанхоннинг энасидан... эшитинг.**

Равшан Ширвон элида ўғил тутинган кампирнинг аввал олти ўғли бор эди, олтови аждаҳор эди, ҳар биридан Қорахон подшо кўркар эди, олтови олти ерда қалъа-қўрғон қилиб турар эди. Олти ўғли ўлиб кетди. Кампир болаларининг ўтига қуйиб-ёниб, ўртаниб, тутаниб, жизиғи чиқиб қолган эди, Равшанбекни ўғлим деб, ўлсам меросхўрим деб қўйган эди. Бу ҳам подшога банди бўлиб, кампирнинг аввалги аламларидан шуниси ўтди... Ана шу кампирнинг катта ўғлининг бир нонхўр полвони бор эди, ўзи жуда зўр эди, уруш-суриш бўлса, мингга баробар эди. У полвоннинг отини Айноқ кал дер эди. Лекин ўзлари тўрт оға-ини эди, тўртлови ҳам кал эди, бариси ҳам боҳунар эди. Каттаси Айноқ кал зўр эди. Айноқ кал шундай эди: от, туя, арава кўтаролмас эди. Доим бир ёққа кўчирмоқчи бўлса, пиёда кетар эди... Укаларининг отларини Жайноқ кал, Эрсак кал, Терсак кал деб юритишар эди. Жайноқ жуда масхарабоз эди, ҳар тусли бўла берар эди. Агар бировни алдамоқчи бўлса, ҳар тусли бўлганда ўзининг жўралари ҳам танимас эди.

Эрсак кал шундай эди: оқшомлари камонни қўлига олса, қушни кўзидан урар эди. Жуда мерган эди...Терсак кал синчи эди. Йилқининг тулпорини суягидан танир эди, қиличнинг ўткирини қинидан билар эди. Кампир йиғлаб, инграб Айноқ калга борди: Айтди: «Айноқжон! Менинг қариган вақтимда худо менга тағи бир ғамни солди, у болаларимнинг ғамидан зиёдароқ бўлди. Сен илгари, ўғлимнинг борида, давлатимнинг кўпида менинг ош-нонимни кўп единг. Энди менинг ишим сенга тушиб қолди. Шу Равшанбек боламни айириб оламан десанг, сенинг қўлингдан келади».

Айноқ... айтди: «Хў, эна!.. Асло ғам ема! Шу ўғилларингнинг менда ҳақи кўп. Сенинг тузингни мен кўп еганман... Катта ўғлинг мени кўп парвариш қилар эди... Энди шунинг арвоҳи учун эртага майдонга кираман, ...Равшанни айириб оламан»... Шундай қилиб, каллар маслаҳатларини битириб, шаҳардан хабардор бўлиб, бориб-келиб юра берди. Эрта муҳлат тамом бўлади, бек Равшанни шу ерга олиб келади.

Каллар тўртови барвақт бориб, гаштагини қилиб, паловини еб, чойини ичиб, кайфини қилиб, баҳузур димоғини чоғлаб, «Эртага кудағай кимга қўй сўяди», деб тўртови ўтириб эди. Шу куни кун пора-пора бўлиб ерга ўтирган вақтда жонивор Ғиркўк сузилиб, буйри-буйрига қапишиб, қорни қорнига ёпишиб, тер билан қотган чанглар ёнғоқдай думалок бўлиб, юнгига ёпишиб, Ширвонга кириб борди.

Шаҳарнинг ўртасида бозоржой. Дўконларни шипириб-сидирган. Бозоржойнинг ўртасида бир янги дор қурилган. Ҳасан кўнглида: «Шу дор бек Равшанга деб қурилган чиқар; бўлса-бўлмаса, эрта шу ерга келадиган бўлсам, кел, шу бугун шу ерда туриб дамимни олайин», деб тушиб, бир дўконга отини тортиб ўтира берди. Энди гапни каллардан эшитинг. Тўртови ўтириб эди, Ҳасан мард ҳам шуларнинг қаватига томон бориб қўнди, у ҳам ўтира берди. Шунда масхарабоз кал айтди: «Айноқ, ишимиз яхши бўлди, ўнг келди. Равшанни энди айириб оладиган бўлдик, балки айириб олдик. Ана, қара, Ҳасан мард ҳам келди. Шу ўтирган йигит Чамбилнинг белидан, Евмитнинг элидан келган Ҳасан марднинг ўзи шу».

Шунда Айноқ айтди: «Э, учангдан ургур, ҳар кимни ҳам одам дейберасанми! Худо ургани йўқ, Ҳасан мард шундай бўлса, Ғиркўк от-овозаси оламини тутиб юрган от; бу от Ишрат девонанинг отидан ҳам ёмон, ўлибдими шунда бўлса! Мен эртага уруш бўлса, боядан бери шуни чоғлаб-қўзлаб ўтирибман; анов толни, мана бу қайрағочни суғуриб олиб, эртага тўдада «қадама оғоч» қиламан деб ўйлаб ўтирибман. Агар эртага баданим қизиса, шу девона отини қўйнимга солиб, куни билан югуриб юрсам ҳам, бир нонча салмоғи бўлмас, қандай қилиб бу Ҳасан мард бўлади, у Ғиркўк от бўлади?! - деб укасини уришди. Шунда Терсакка қараб айтди: «Терсак! Шу одамни сен бир синла, қани қаёқнинг одами экан. Агар сенинг ҳам дидингга келмаса, ундан кейин қўямиз». Терсак дамани ичига олиб, тишини тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди. Туриб-туриб, анча вақтдан кейин дамани чиқариб, «ух» деди.

Эрсак айтди: «Э, Терсак, синладингми, қаернинг одами экан, шу от қаернинг оти экан?» Шунда Терсак оға-иниларига қараб, Ҳасан марддан хабар бериб, бир сўз деб турибди:

... От чопилар баланд тоғнинг пастига,

Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига.

Шу от кепти Қорахоннинг қасдига,

Энди майдон бек Равшаннинг устига.

Қесгир исфиҳонни олиб дастига,

Қараб бўлмас чин ботирнинг бастига.

Еби дема, шу от тулпор эканди,

Шу ўтирган Ҳасан шунқор эканди.

...Ана энди тўрт мард Ҳасанхон полвоннинг олдига келди. Салом бериб, кўришиб ўтирди. Айноқ қараса, бир «девона» ўтирибди: девсифат, бир аждарҳодай, ҳеч нарсани кўзига иладиган эмас, балки назарига келтирмай, писанд қиладиган ҳам эмас; шундай ҳайбатли, сиёсатли Айноқ ичида айтди: «Ҳасанхон экан, бечора Терсакни бекорга уришган эканман»...Айноқ жойидан ирғиб турди, укалари ҳам тура келди: мард Ҳасан билан қучоқлашиб, қайтадан кўришиб айтди: «Яхши келибсан, жўра, жуда яхши келибсан. Бизлар ҳам, шу ерга Равшан келади деб, сенинг ўғлинг учун ўтирибмиз. Ана энди сен келдинг, ишимиз ўнг келади. Энди, жўра, эртага Равшанхонни шу ерга ҳайдаб келади, насиб қилса, талотўп бўлади, тахти вайрон бўлади», - деб Ҳасан мард билан каллар суҳбатлаша бердилар.

Айноқ укаларини юбориб, Ғирқўк отга беда, ем олдириб келди. Ҳасанхон полвонга палов, гўшт, манти, барак бериб сийлаб, зиёфат устига зиёфат қилиб, чойни дамлаб, Ғирқўкни емлаб, эртаги урушнинг ғамини ғамлаб, хотирни жамлаб ўтира берди. Қирқ кун муҳлат тамом бўлди. Қорахон подшога: «Тақсир подшойим, кечаги гуноҳкорнинг муҳлати битди, ажали етди, энди олиб бориб дорга осиб, бошини кесиб, додини бермок керак», -деб амалдорлари арз қилди.

... Равшанжонни зиндондан чиқариб, бўйнига ғул-занжир солиб, теварагини кўп душман олиб, бўтадай бўзлатиб, кўзини бойлаб, кўп зулмларни айлаб кела берди. Равшан чиққан куни Зулхумор ойим канча канизлари билан дод деб йиғлаб, Равшаннинг ўнг тарафидан келиб, тўрасининг доғига куйиб, бетини юлиб, довшининг борича чирқираб йиғлаб келаётпти. Бир тарафида кампир энаси дод деб, боласининг доғига куйиб, бетини юлиб, вой болам деб Равшаннинг бўйнига осилиб келаётпти. Золимлар дорнинг остига яқинлашиб қолди. Ҳасанхон Ғиркўкнинг устига миниб, ёв-яроғини чоқ қилиб, устига эски тўн кийиб, бир девона бўлиб туриб эди. Даста-даста, баланд-пастда, одам босиб кела берди аста-аста, майдон сипоҳига тўлиб кетди. Қорахон подшо салтанати билан, бир бўлак амалдор-умаролари билан келиб, бир яхши жойни олиб, тушиб ўтира берди. Баланд ҳам одам, паст ҳам одам.

Шунда жаллод, мирғазаблар Равшанни хайдаб кела берди: Ҳасан мард буни кўриб, кўзлари ёшга тўлиб, жазавалари қўзғалиб, полвонлик томирлари уйғониб, ўзини тузаб, тезлана берди...Равшанхонни ...жаллодларга хайдатиб, дорнинг остига олиб келди. Шунда Қорахон подшонинг амри билан икки ҳудайчи, салом оғаси келиб, Равшанбекни дорнинг остида тўхтатиб, Қорахон подшонинг тили бўлиб, Равшанхонга қараб бир сўз айтди:

Бўйинсунсанг Ширвон элнинг хонига,

Қўнсанг агар вазирлар деганига.

Сени дордан айириб олиб кетайлик,

Агар кирсанг Қорахоннинг динига...

Эшитиб ол вазирларнинг сўзини,

Ширвон элда подшо дейди ўзини.

Агар кирсанг Қорахоннинг динига,

Олиб берай сулув Хумор қизини.

Шунда Равшанхон полвон вазирларнинг бу гапини эшитиб қаҳри келиб, илондай захри келиб «сен айтган одамнинг мен эмасман, ...

ўлимдан кўрқадиган одамнинг бошқадир», деб Ширвоннинг амалдорларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Сен айтган одамнинг, золим, мен эмас,

Бир нечалар ўз холини ченгамас.

Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!

Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...

Равшанбек айтди: «...Сизлар менинг кўзимни бойлаб, ... хайдаб келдинглар. Энди менинг кўзимни очсанглар ... мен ҳам ёруғ дунёни бир кўрсам... Сизлардан менинг тилагим шу, бошқа сўзни демайман». ...Равшанбек кўзини очиб қараса, бир ёғида Зулхумор ёри, қанча канизлар... дод деб турибди; бир ёғида энаси-кампир... Вой болам деб ўзини ураёттир. Ширвон эли катта-кичик, яхши-ёмон,, югрук-чабон, қизу жувон-жами одамнинг бари томошага йиғилган, Равшанбекка қарашиб турибди. Ана энди Ҳасанхон полвон Ширвон одамларидан омон тилаганларига омон бериб, қўшиннинг у ёк-бу ёкқа қочганлари йиғилиб, ҳаммаси бир ерга уйилиб, қилич, садоқларини бўйнига солиб келиб, Ҳасанхон полвонга эланиб, ёлбориб итоат қилди. Эл-юрт омон-омон бўлди...

Ширвон катталари, маслаҳатдор кайвонилар-кенгаш бошилар Зулхуморни, Равшанбекни, Ҳасан полвонни, тўртта жўраси: Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак калларни иззат-икромлар билан шаҳарга олиб жўнади.

Энди Ширвон мамлакатига ... шодиёна қўйдириб, Қорахон подшонинг хазина-дафиналарини бўшатиб, элни йиғдириб, очни тўйдириб, яланғочни кийдириб, балабон, ғижжак, карнай, сурнай қўйдириб, кирк кун тўй қилиб, Зулхуморойни Равшанхонга никоҳ қилиб берди. Тўй тарқади. Ҳасанхон полвон Ширвоннинг катта-кичигини йиғиб, шу Ширвонни калларга топширди. Айноқ жўрасини Ширвон шаҳрига подшо қилди, укаларини вазир, махрам қилди.

**Зулхумор ойимни ... олиб, Равшанхон полвон йўлга тушди ...  
Ҳасанхон бошлиқ неча кун йўл юриб, қанча сувсиз чўл юриб, озгина  
эмас, мўл юриб, ахири Чамбилга етдилар. Отаси Гўрўғлибек, энаси  
Юнус, Мисқол парилар, ёри хон Далли, қирқ йигит жўраси бари олдиға  
чиқиб, Ҳасанхон билан, Равшанбек билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб,  
Зулхумор ойим билан, неча каниз қизлари билан танишиб, иззат-  
икромлар билан Чамбилга олиб бордилар. Гўрўғлибек Ёвмит-таканинг  
элиға одам кўйиб, Зулхумор ойимға тўй бошлаб, қирқ кун тўй қилиб,  
қанча ўйин қилиб, тўйни тарқатди, кўп инъом-эхсонлар билан тўйни  
тамом қилиб, мурод-максадларига етди.**

**“Кунтуғмиш”**- ўзбек халқ достони, Нурмон Абдивой ўғли, Эргаш  
Жумабулбул ўғли, Эгамберди Олламурод ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли ва  
бошқалардан ёзиб олган. 1971 йил Эргаш шоир ва 1975 йил Бекмурод  
бахши вариантлари нашр этилган. XII асргача Туркистон ва Талас атрофида  
яшаган турк-ўғиз қабилаларининг турли нақл, афсона ва тарихий қўшиқлари  
заминда, қадимий ўғиз эпик анъаналари асосида пайдо бўлган. Достонда  
нўғайлар подшоси Авлиё Қарохоннинг ўғли билан Зангар шаҳри вазирининг  
қизи Холбека орасидаги севги ҳикоя этилади. “Кунтуғмиш” мукаммал  
композицион бирликка эга. Унда зулм ва ҳақсизлик қораланган, севги, вафо,  
садоқат ва адолат улуғланган. “Кунтуғмуш”нинг ёзиб олинган турли  
вариантлари Ўзбекистон фанлар академияси Тил ва адабиёт институти  
фольклор архивда сақланади. Достон 1972 йилда “Булбул тароналари”, 1975  
йилда “Ўзбек халқ ижоди” каби тўпламларида киритилган. Ушбу достон  
таниқли тадқиқотчилар Ҳ.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, М.Саидов,  
Т.Мирзаев ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>55</sup>.

**“Ёзи билан Зебо”**- ўзбек халқ достони. Достон ҳақида дастлабки  
илмий маълумотни Ҳоди Зарифовнинг таъкидлашичаб “Ёзи билан Зебо”  
ҳақидаги ривоят ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган бўлишига қарамай, ўзбек

---

<sup>55</sup> ЎзМЭ.5 том.138 Бет. Т.Мирзаев. “Кунтуғмиш”. Т.Мирзаев.Т., Халқ бахшиларининг эпик репертуари.Т.,  
1979. Муродов М. Эргашев А. Алпомишнома. Т..”Меҳнат”, 1999.383,385.386. Б етлар



фольклористлари томонидан тўла ва тугалланган дoston ҳолида қўлга киритилган эмас, бироқ ёзиб олинган, тўла бўлмаган вариантлари, парчалари асосида у ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Илмий ходим О.Собиров унинг йиғма вариантларини тузиб, оммавий нашрга тайёрлади ва босилиб чиқди. Бу соҳада ишларни давом эттириш, янги тўпламини тайёрлаш зарур”, деб кўрсатган эди. Бу масалани таниқли фольклоршунос олимлар М. Муродов ва А.Эргашевлар ота-бола Қодир Раҳимов ва Қахҳор Қодир ўғилларидан тўлиқ вариантни ёзиб олдилар. Ёзи Зебони тушда кўриб, унинг қўли билан тикилган дўппини илоҳий ҳомийлари ёрдамида бошига кийгандан сўнг муҳаббатнинг кучли тугўни кўтарила бошлайдики, бу унинг руҳияти билан боғланади.

Буғдой тушар тегирмоннинг тошига,  
Ўт кўкарар кўздан оққан ёшимга.  
Қайда келиб сени кўрдим, нигорим,  
Ошиқликнинг доғи тушди бошим,

Зебонинг етти қават ҳарир тўсган жамоли ҳам нур билан чулғанган. Ошиқ Ёзининг юрагига ошиқлик доғини қолдирган ҳам ўша нурли сиймо. Зебо ўз жамоли-нур билан ошиқ Ёзи қалбига чўғ солади ва у ишқ алангасига айланиб ошиқни ёқади. Ёзи ҳам ишқ йўлида оловга айланади. Юракка тушган чўғ уни тамоман алангага айлантиради.

Оҳ деганда юрак куяр қадамим йўқ,  
Боғ олдидан боғ яратсам бодамим йўқ.  
Ошиқликдан ора чўлда куйиб кетсам,  
Сув сепгали, дардлашгани одамим йўқ.

Бу висол, бу ёр жамоли. Висол-маъшуқа, маъшуқа - Аллоҳ. Бу Ёзи учун Зебо учун Зебо қиёфасида намоён бўлади. Тасаввуфда ҳақиқий ошиқ учун ишқдан маъшуқа васлидан ортиқ ҳач нарса йўқ. Бойлик, мол - дунё, мансабу мавқе унга бегона. У эзгу ният, пок имон билан маъшуқага интилади. Шу боис Ёзи ҳам:

Яхши - ёмон кунда мен ҳам яйрайман,

...Кетиш - кетмаслигим сиздан сўрайман.

Хўп десангиз хизмат ҳақи не керак,-

деб Поёндабой берадиган ҳақини ҳам рад этади. Унга бойликдан кўра Зебо уйининг “бурга”си ҳам саждагоҳ каби муқаддас.

Ёзининг ошиқлиги охир –оқибатда уни ўзгалар англашига, бутун гўзал сурат ва сийратда улар кўз ўнгида намоён бўлишига олиб келади ва шу фурсатда у Ҳақга эришди:

Зебо учун Ёзи шунқор зорлади,

Муҳаббатдан сўнг юраги порлади.

Ёлғончидан кун бермайди Поён деб,

Саҳоболар чин дунёга чорлади.

Ошиқлар юраги, вужуди, ишқда ёниб порлаганда бу оламни тарк этиб боқийликка эришдилар. Ёзи билан Зебонинг ғорда ғойиб бўлиши, ўлмаслиги улар ишқининг кучлилигини ҳам қадимий эпос анъаналарини ҳам кўрсатади.

“Ёзи билан Зебо” дostonда меҳнатни улуғлаш, меҳнатсеварлик ҳамда инсонпарварлик ғоялари ҳам кенг миқёсда талқин қилинади. Бизга маълумки, ўзбек халқи азалдан зироатчилик билан шуғулланиб келган. Зироатчиликда ғалла экиш муҳим ўрин тутиб, етилган ғалла қўлда ўриб олинган. Бундай оғир ва айни пайтда мароқли меҳнат пайтида ўроқчилар ўзларини овутиш учун махсус қўшиқлар тўқиб куйлаганлар. Ана шундай қўшиқлар «ўрим қўшиқлари» деб юритилади.

Ўрим қўшиқлари якка шахс ва кўпчилик томонидан ижро этилган. Уларда баҳорнинг инжиқ, ёзнинг жазирама иссиқ кезларида қилинган меҳнатнинг самара берганлигидан қувонган деҳқоннинг кўтаринки руҳи, етилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга бўлган кучли иштиёқ тараннум этилади.

Ўроғим олмос,

Ўришдан қолмас.

Сира ҳам толмас,

Ўрмасам бўлмас.

Маълумки, ўтмишда ғалла ўрими ҳашар йўли билан амалга оширилган. Чунки одамларнинг якка хўжаликлари, ҳосилдор ерлари катта ва сермеҳнат бўлиб,

деҳқондан кўп кўл кучи талаб қилган. Илгари ҳашарнинг айниқса, бева-бечораларга, камбағал оилаларга катта ёрдами теккан. Ҳашарнинг ўзига хос хусусияти, у беминнат, бепул, бетаъма бажарилган. Ҳашар пайтида ўримчиларни зериктириб қўймаслик, иштиёқ билан меҳнатга чорлаш мақсадида сўзга чечан кишилар турли лирик қўшиқлардан ва қизиқарли дostonлардан парчалар куйлаб, ўроқчиларга далда берганлар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Сурхондарё, Қашқадарё ва Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбеклар ўрим пайтида «Ёзи билан Зебо» дostonидан парчалар куйлашган. Чунки Ёзи билан Зебонинг ишқий саргузаштлари ўроқчиларга завқ бағишлаган:

Зебижон эрта кетади сой билан,

Қўлида чинни пиёла мой билан.

Чиннини нодонга берманг, синдирар,

Яхшини ёмонга берманг, куйдирар.

Дostonда Ёзи Поёндоз исмли бойнинг Зебохон деган қизига ошиқ бўлади. Ошиқ Ёзи кал Поёндозбой агар қизини берса, унинг ҳамма ишларини қилишини, севгилиси учун жонини беришга ҳам тайёрлигини куйидаги мисраларда ифодалаган:

Поёндоз бой боқаман улоқ билан кўзингни,

Қайтармайман сенинг айтган сўзингни.

Менга берсанг Зебохондай қизингни,

Ғўданглатиб бек кўтарай Майманага ўзингни.<sup>1</sup>

«Ёзи билан Зебо» дostonининг айрим парчаларида Ёзининг Зебохонни кўриш илинжида олти ойлаб Поёндозбойнинг қўй ва туяларини боққанлиги, лекин Зебохоннинг висолига етишолмаганлиги, агар уни кўрса армони йўқлиги ва махбубага интизорлиги мотивлари тараннум этилади:

Олти ой боқдим Поёндозбой қўйини,

Бир кўрмадим Зебохоннинг бўйини.

Олти ой боқдим Поёндозбой туясини,

Бир кўрмадим Зебохоннинг уясини.

Бир кўрганимда Зебохоннинг уясини,

Боқмас эдим Поёндозбой туясини.

«Ёзи билан Зебо» достони парчалари баъзан айтишув шаклида, савол-жавоб тарзида ҳам айтилган:

Зебохон:

Тоғ белидан ўтин олган Ёзимисан,

Ўтинингни ололмайин ётибмисан.

Отам Регистон<sup>2</sup> кўчиб боради,

Регистоннинг йўллари кўрибмисан.

Ёзи:

Отанг кўчса, кўчаверсин Регистон,

Регистоннинг нарисиди Хиндистон.

Хиндистоннинг йўллари ҳам кўрибман,

Хиндистонлик қизларни ҳам кўрибман.

Ғалла ўрими пайтида ўроқчилар бу қўшиқларни завқ-шавқ билан куйлашиб, ғайрат-шижоат билан ғаллани ўришган. Бу эса ўз навбатида деҳқоннинг кайфиятини кўтаришга ёрдам берган.

Ҳозирги кунда ғалла ўрими билан боғлиқ «Ёзи билан Зебо» достонининг айрим парчаларигина бобо-момоларимизнинг хотирасида сақланиб қолган бўлиб, улар ҳам аста-секин унитилиб бормоқда. Бу қўшиқларни кексаларимиздан суриштириб тўплаш, уларни келажак авлодга қолдириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Меҳнат ва муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари, севгида мард, саботли бўлиш, инсон эрки, бахт-саодати учун кураш ғоялари билан чатишиб кетади. «Ёзи билан Зебо» парчалари деҳқончилик билан боғлиқ ишларда меҳнат қўшиқлари сифатида куйланади. Достон ўзининг халқчил руҳи, инсонпарварлик ғоялари билан тингловчи ва ўқувчиларга маънавий ва ахлоқий завқ бағишлайди. Бу достон парчаларини куйловчилар ёзигўй, ёзикаш деб аталади. Ўйгирмадан ортиқ варианты 1936-1986 йиларда яшаган Қодир бахши Раҳимовга тааллуқлидир. 1962 йилда

достоннинг бир неча нусхалар асосида тайёрланган йиғма варианты нашр қилинган<sup>56</sup>.

“Ширин билан Шакар” (“Эрали ва Шерали”) –ишқий романник достон. Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бекмурод бахши Жўрабой ўғли, Ёрлақаб бахши Бекназар ўғли каби халқ шоирлари куйлаган. Фозил Йўлдош ўғлидан 1929 йилда ёзиб олган. Асарда эмикдош Ширин билан Шакарнинг ўғай она тухмати билан хон оталари томонидан ўлимга ҳукм қилиниши ва уларнинг узоқ муддатли айрилиқ ва дарбадарликда юрган Шакарнинг тилсимли тоғда аждар кўриқлаб ётган Гулгун парига ғойибона ошиқ бўлиши ва унга етишиш йўлида аждар ҳамда золим шоҳ Қорахонга қарши кураши ҳам қамраб олинган. Достонда эл-юртга муҳаббат, севгида садоқат, инсонпарварлик, баҳодирлик каби фазилатлар улуғланган. Достон 2 марта мустақил китоб бўлиб 1941 ва 1955 йилларда нашр қилинди. 1975 йилда “Орзигул” халқ оғзаки ижоди туркумида 19-китоб сифатида қайта нашр қилинди<sup>57</sup>.

“Зевархон”-ўзбек халқ достони. Мазмун ва услуби жиҳатдан ёзма адабиётдаги саргузашт асарларга яқин. Достонда муҳаббат, садоқат ва дўстлик ғоялари тараннум этилади. Унда Боғдод шаҳзодаси Зевархон ов вақтида Шамшод подшосининг қизи Маликаи Хубонни учратиб, унга ошиқ бўлиб қолиши, икки ёш бир-бирларига етишгунга қадар бошдан кечирган саргузаштлар ҳикоя этилади. Маликаи Хубон тимсолида гўзал, ақл-идрок, фаҳму фаросат ва куч-қувватда эркаклардан қолишмайдиган аёллар қиёфаси мужассамланган. ”Зевархон”нинг турли вариантлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти архивда сақланади. Фозил Йўлдош ўғли айтган вариант 1970 йил нашр этилган<sup>58</sup>.

## **Ўзбек достонларида туш ва унинг бахшилар томонидан бадий талқини**

---

<sup>56</sup> Ўз МЭ. 3 том. 467 Бет. 2002. Т., “Ёзи билан Зебо”. Муродов М. Эргашев А. Алпомишнома. Т..”Мехнат”, 1999.387. Б ет

<sup>57</sup> ЎзМЭ.Т., 2005. 10 том.76 бет. “Ширин билан Шакар”.

<sup>58</sup> Ўз МЭ.4 том.6.бет.”Зевархон”.

Ўзбек дostonчилигида ниҳоятда мазмунли ва эътиборли жараёнларидан бир дostonда ўрин олган қаҳромонларни туш туфайли бир-бирларига ҳурмати, дўстлиги, мардлиги, жасорати, севги-муҳаббати, ўзора ҳамкорлиги, оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, ғанимлар устидан ғалабаси, ўз мурод мақсадларига етиши, фарзандли, оилали ёхуд ғанимлар қаршида ожиз-нотавон бўлиб қолиши, мағлубиятга учрашиши, зиндонбанд бўлиш, давлати, мол-дунёсидан ажралиш ҳамда халок бўлиш каби ҳолатлар ҳақида маълумотларни баён этилишидир. Дostonлардаги тушлар ва унинг натижалари ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган, бўлсада, ушбу тадқиқотлар орасида таниқли ўзбек фольклоршунос олим филология фанлари доктор Жаббор Эшонқуловнинг “Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини” монографияси ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш масаласидаги энг долзарб илмий тадқиқотни ёритиб берди. Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг ушбу монографиясида фольклоршунос, адабиётшунос, руҳшунос, файласуф, элшунос соҳасида кенг йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, И.Султонов, Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, Т.Мирзаев, М.Афзалов, М.Саидов, К.Имомов, О.Сафаров, Б.Саримсоқов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, М.Муродов, И.Ҳаққулов, М.Жўраев, С.Рўзимбоев, А.Мусақулов, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмонов, О.Мадаев, Ш.Турдимов каби олимларнинг илмий тақиқодларининг давомчиси сифатида ўз фикр мулоҳазаларни фанда илк бор янги тадқиқот сифатида баён этди.

Ўзбек миллий дostonчилиги ниҳоятда кенг қиррали, турли-туман воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олган ҳолатлар асосида тарихийлик, изчилик, кетма-кетлик йўналишда баён қилинадиган жараёндир. Дostonчилик мактаблари ҳар бир воқеани ёритишда қутилмаган сўз воситасида китобхонга янгиликлар тухфа қилади. Энг муҳими фольклоршунос олим Жаббор Эшонқулов ижодига мансуб Туш ҳақидаги мифологик қарашлар ўзбек адабиётшунослигида янги фан йўналишни китобхонга тақдим қилди. Фольклоршунос олимнинг тадқиқотда қайд этилган илмий тарихий фикрлардан тўғридан-тўғри манба сифатида фойдаланишни мақул топиб, ушбу тақиқотлари учун филология фанлари доктори Жаббор Эшонқуловга самимий минатдорчилик билдирамиз. Олимнинг илмий тадқиқотида халқ оғзаки ижоди дурдонаси саналган дostonлар маълум тарихий даврнинг интиқоси саналади. Умуман халқ асотирлари, ривоятлари, мифлар,

афсоналар борки барчасининг заминида бирор-бир тарихий воқеалик ётади.

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқулов ўзининг монографиясида дostonчилик санъатида кенг ишлатилган туш ва унинг ўзига инсон омили билан боғлиқ жараёнларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, жасорат, севги муҳаббат, ишонч, орзу-умид ва ҳавасларнинг амалга оширишда тушнинг башоратли хусусиятлари ҳақида илк бор илмий таҳлилни яратди. Тадқиқотчи ўз монографиясида «Алпомиш» дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли баёнида Алпомишнинг дунёга келиши, улғайиши, уйланиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиб мурод-мақсадига етиши туш орқали очиб берилиб, бахши дostonдаги бефарзандлик, улғайиш, синов, сафар, уйланиш ва уйга қайтишни бевосита туш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келадик, туш бу ўринда воқеалар ривожини учун асосий пойдевор вазифасини ўтаганини кўрамиз деб изоҳ беради тадқиқотчи. «Алпомиш» дostonида Алпомиш, Барчин ва Қоражон бир вақтнинг ўзида айни бир тушни кўради: «Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Кашал ёрида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин кейин, дўғулиш кўрди» деб изоҳ беради. Жумладан, тушда олдиндан дўстлик риштаси ҳақида башорат қилиниб, Қоражон ана шу туш туфайли Алпомиш билан дўст тутинади. Синовда ўз туғишган акалари ёнида туриб эмас, Алпомиш томонида туриб даврага тушади. Алпомишнинг дўсти, сирдоши, яқин кўмакчисига айланади. Шунинг учун ҳам ана шу туш парчасини дoston сюжетининг «ядроси» деб баҳолаш мумкин, деб китобхонларга амалий ишонч воқеасини баён этади.

Ўзбек дostonларидаги туш туфайли синов, уйланиш, сафар, қайтиш каби кейинги воқеалар билан чамбарчас боғланган ҳолда келади. Масалан олимни ижодида қайд этилган Алпомиш, Барчин ва Қоражон ана шу тушни кўрмаганларида, Қоражон Алпомиш билан дўст тутинмаган ва воқеалар тизими бошқача ривожланган бўларди. Бу ҳолат барча вариант ва версияларнинг ичида энг мукаммали ҳисобланган Фозил Йўлдош ўғли вариантнинг бадииятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмасди. Фозил Йўлдош ўғли вариантидаги туш мотиви барқарор мотивларга тааллуқли бўлиб, бу мотивнинг ўзгариши

бошқа мотивларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бироқ шу дostonнинг Пўлкан ва Эргаш Жуманбул вариантыдаги воқеа якунида келган туш мотивининг ўзгариши ёхуд тушиб қолиши сюжетда айтарли даражада катта ўзгаришларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам унга нобарқарор мотив намунаси сифатида қарашимиз мумкин.

Олимни фикрича барқарор ғоя туфайли туш ички хаёл асосида янги қарашларни пайдо қилади, мисол учун, «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Гўрўғлининг ўлими» каби дostonларда ҳам туш барқарор воқелик бўлиб келади. Лекин «Кунтуғмиш» дostonида сафар, «Рустамхон»да уйланиш, «Гўрўғлининг ўлими»да ўлим билан боғлиқ ҳолда келадик, бу боғлиқлик вазиятга қараб ўзгариши мумкин. «Кунтуғмиш»да қаҳрамон тушида ёрини, «Рустамхон»да она ўз қизини, «Гўрўғлининг ўлими»да Гўрўғли ўз пирини тушида кўради. Ўзбек халқ дostonларида бадий тасвирланган тушлар синчиклаб ўрганилса, уларда халқимизнинг туш ҳодисаси ва бу ўзига хос тизим ҳақидаги эътиқодий қарашлари янада ойдинлашади. Ушбу ҳолат, авваламбор, туш кўриш билан боғлиқ тасаввурлар тасвири мисолида яққол намоён бўлади. Маълумки, халқнинг қадим дунёқарашига кўра, киши уйқудалиги вақти унинг руҳи танани маълум муддатга тарк этиб, ташқи дунё, ўзга олам ва ўлчамларда сайру саёҳатда бўлади. Руҳнинг ана шу саёҳати давомида кўрган-кечирган, эшитган, билганлари туш дейилади.

Бу ҳодиса «Абдуллахон ва Қулбобо кўкалдош» ривоятида жуда аниқ акс этган. «Абдуллахон билан Қулбобо кўкалдош иккови амакивачча экан. Ҳали Абдуллахон подшо бўлмасдан аввал Қулбобо кўкалдош иккови полиззорга кириб, қовун ва тарвуз сўйиб ебди. Кун кузги иссиқ экан. Шу ерда кигиз устида Абдуллахон билан Қулбобо кўкалдош чўзилиб ухламоқчи бўлибдилар. Абдуллахон дарров ухлаб қолибди. Аммо Қулбобо кўкалдош ухлай олмабди. Бир палла Қул-бобо кўкалдош қараса, Абдуллахоннинг бурнидан чивин чиқиб, бир тарафга равона бўлибди. Учиб бора туриб ерда ётган пичоқ устидан ўтиб, бир жирранда (сув ўпириб кетган чуқурлик)га кириб, кейин жирранданинг ичидаги бир ёриққа кириб кетибди. Пича вақтдан кейин чивин ёриқдан чиқиб ортига қайтибди. Келган йўлидан юриб, қайтиб Абдуллахоннинг бурнига кириб кетибди. Бир маҳал Абдуллахон уйғониб, Қулбобо Кўкалдошга қараб:

- Мен бир туш кўрибман. Тушимда бир ёқларга борибман. Йўлда бир темир кўприқдан ўтибман. Кейин жуда катта жардай чуқурлик бор экан.



Ўша чуқурликда катталиги тепадай келадиган кўза бор экан. Кўзанинг ичидан ҳар бири ғалвирдай келадиган сон-саноксиз кўп тилло бор экан, - дебди. Боядан бери бу воқеани кузатган Қулбобо кўкалдош Абдуллахондан айрилиб қолибди. Кейин ҳалиги ёриққа маҳсус белги қўйибди-да, Абдуллахоннинг хизматида юраверибди. Давр айланиб Абдуллахонга Бухоро подшолиги тегиб қолибдан чиқариб, тайин манзилларга олиб бориб, тегишли рух билан учраштириши ва яна тана қайтариши натижасида олган маълумотлари эканлиги ва аини ҳолатнинг реал воқелик сифатида англашилуги изоҳ қилинади.

Жаббор Эшонқулов туш тўғрисидаги изоҳида «Кунтуғмиш» достонида шундай тасвир берилган: «Кунлардан бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди. Чилтонлар ва мардон ғойиблар бир тонгда суҳбат қилиб ўтириб эди, бир чилтон келиб Холбеканинг руҳини олиб борди, биттаси келиб Кунтуғмишнинг руҳини олиб борди. Чилтонлар тўй қилиб Холбекани тўрага топширдилар. Иккови бир тўшакда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг кимдир? Тўра айтди: «Отим Кунтуғмиш, отамнинг оти Авлиё Қорахон, отам Нуғойга подшо, Нуғой тўраси бўламан. Сен кимсан, отинг кимдир, юртинг қаерда?» Холбека айтди: «Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангирда». Иккови бир-бирови билан ўйнашиб, тўранинг узугини Холбека олиб кўлига солди. Холбеканинг узугини тўра олиб кўлига солди (Шу кеча Кунтуғмиш ҳам шундай туш кўрди). Шу ишда иккови ҳам уйғонди. Тўра охтортиб, бу дардини ҳеч кимга айтмай, нигинига қараса, бошқа нигин: қоғозга муҳр қилиб босса, Холбеканинг оти чиқди».

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг қайд этишча, «Кунтуғмиш»да узукларнинг алмашиши туш ва ҳуш боғлиқлиги ўта реал воқеа сифатида қаралиб, ғайб иши деб тушунилганлигининг анъанавий тус олганлигини ҳам исбот этади. Тушда кишиларнинг кўриши ҳам руҳларнинг учрашуви натижаси сифатида талқин этилади. Масалан, Қоражон Алпомишга илк бор Муродтепада дуч келганида кўрган тушини эслаб: «...Магар қирқ чилтон билан расул пайғамбар мени мусулмон қилиб, қавм-қариндошини тушимда руҳима кўрсатиб мени дўст қилган, Қўнғиротдан келадиган Алпомиш деган комилбачча шул бўлмаса», - деб Алпомишга қараб бир сўз деб турган экан» тасвирида ҳам руҳий ҳолатга алоҳида урғу берилмоқда. Фольклоршунос олим тушлар таъбири билан шуғулланиб, Барчиннинг эса Суқсурой канизга ўз тушини сўзлай туриб: «Жон жасаддан бир беқарор бўлганда»,

- дейиши замирида ҳам худди ана шу тасаввурлар олами турибди. Руҳи равон кўчиши ва воқеалар кечиш жараёнининг файзи саҳар вақтида рўй бериши. Чилтонлар Алпомиш ва Барчин, Кунтуғмиш ва Холбека руҳларини саҳар пайти учраштиргани аниқ айтилган. Раҳмоний тушларнинг саҳар пайти кўрилиши «Алпомиш» достонида Барчиннинг иккинчи туши баёнида янада мукаммал тасвирланган: «Барчин ҳам кўрган тушини Суқсурой канизга айтиб турибди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганда,

Жон жасаддан бир беқарор бўлганда.

Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,

Раҳмат дарё айна тошиб келганда.

Туш кўрибман файзу саҳар бўлганда...»

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг илмий таҳлилида баён қилинган одатда, саҳар пайти барча зиён-захматлар, яъни тун (зулмат) кучлари чекиниб, ёруғлик (кун) ҳукми қарор топади ва шу пайт кўрилган тушлар албатта рўёбга ошади деб англанади. «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Рустамхон» ва бошқа дostonларимиздаги қароматли тушларнинг саҳар пайти кўрилди деб тасвирланишининг бош сабаби ҳам шундан. Туш кўрувчиларнинг уйғониб, бўлган воқеани эслашлари ва таъбир излаб, тадбир белгилашлари дostonларимиздаги деярли барча тушларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Фольклоршунос олим фикрида кўриб чиқилган туш намуналарининг ўзбек халқ дostonлари таркибида келувчи аксарият тушлардан ажралиб турувчи муҳим бир жиҳати - бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ кишининг бир хил мазмундаги туш кўришининг тасвирланишида. «Алпомиш» дostonининг икки ўрнида, аввало, Алпомиш ва Барчин, сўнгра Қоражонлар, «Кунтуғмиш» дostonида Кунтуғмиш ва Холбека, «Юнус билан Мисқол» (Раҳматулла Юсуф ўғли варианты)да Гўрўғли ва Юнус, Мисқол парилар бир хил туш кўришади. Қаҳрамонларнинг бу тартибда бир пайтда бир хил туш кўришлари уларнинг ягона руҳий иқлимга мансуб бўлиб, орзу-интилишлари, тақдирларида боғлиқлик мавжудлигидан ҳам далолат беради. Ўзбек халқ дostonларида тушларни кимлар, қайси ҳолатда кўришларидан қатъи назар, дoston сюжети ва воқеалар баёнига алоқадорлигига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Бутун асар давомида ўз тасдиғини топиб борувчи, қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирини деярли тўла қамровчи тушлар. Сюжет

халқаларининг маълум бўғинлари, қаҳрамонлар ҳаётининг у ёки бу даврига тааллуқли тушлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тушларнинг ёрқин намунаси сифатида «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Шохдорхоннинг кўрган тушини келтириш мумкин. «Ана энди, Шохдорхон подшодан эшитинг: Шохдорхон бир куни ёмон туш кўрди, тушида бир ажойиб иш кўрди. Шунда қуръаандоз мунажжимларини, ҳукамо таъбирчиларини йиғди. Йиғилганларга қараб Шохдорхон бир сўз айтди:

Губурларим, бугун ухлаб туш кўрдим,

Мен тушимда кўп қабоҳат иш кўрдим.

Ё билмайман, ўзи манглайнинг шўри,

Ёвмит элдан келди иккита бўри.

Келган бўри, қуръаандозлар, ким бўлди?

Икки бўри товда икки шеър қувди.

Шербаччалар қўйга оралаб қолди,

Қўйимнинг ўлигин ҳар ёққа отди.

Тутуним бурнимдан чиқиб кетди,

Бу тушимнинг таъбири не бўлди?

Тепамдан бир лаган тиллам сочилди,

Оғзимдан бир толпир қушим училди.

Иморатим бари теп-текис бўлди,

Шуъласи оламни ёп-ёруғ қилди.

Қуръаандозлар, айтинг, таъбир на бўлди?

Бир чинор элимдан кўкариб кетди,

Ғалт уриб шохаси осмонга етди.

Қурай, қурай соялаган ким бўлди?

Сочларингни тол-тол қилиб таранглар.

Бу гапларни ким кўргандан сўранглар,

**Туши курсин, таъбирлари кўп ёмон.**

**Бу тушимнинг таъбирини йўринглар.. .»**

**Юсуф қуръа андознинг таъбири:**

**Билмаганинг билдирайин, билмасанг,**

**Подшоҳим, мақсадга етгин, ўлмасанг!**

**Бу тушингнинг таъбирини айтайин,**

**Тагин-а, кўнглингга оғир опмасанг.**

**Зимистон айрилмас тоғларнинг қори,**

**Тушинг қурсин, билдим, манглайнинг шўри!**

**Ёвмиш элдан кепти иккита бўри:**

**Икковидан яхши фарзандлар бўлар,**

**Қўйингни ўлдирган бўри - иккови.**

**Бошларингга неча савдолар солар,**

**Фуқоронгнинг кўнгли қаролар бўлар.**

**Тушингнинг таъбири шулдир, подшойим,**

**Шу бирови элатингга шоҳ бўлар.**

**Тушингнинг таъбири шулдир, подшойим!**

**Тепангдан сочилган тилланг қонингди(р).**

**Оғзингдан учган қуш жонингди(р),**

**Қулаган иморат сенинг танингди(р).**

**Тушингнинг, курсин, таъбирлари шу бўлди».**

**Шохдорхон кўрган тушида аён бўлганидек, Гўрўғли туғилиб, вояга етиб, куч-қудратга эниб кўр қилинган отаси учун Шохдорхондан ўч олади.**

**Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг монографиясида баён этилган «Юсуф ва Аҳмад» достонида Гўзалшоҳ кўрган туш ҳам моҳиятан Шохдорхон тушига уйғун: «Икки йўлбарс Миср элига келиб Гўзалшоҳга тикилади. Ейман деб унга ташланади, тирноклари шоҳнинг**

этига ботади. Эл оралаб иморатларни бузади. Бир чинор кўкариб шохлари осмонга етади. Мисрнинг одамлари чинор тагида ётади. Йўлбарснинг бирови чанг солиб, Гўзалшоҳнинг тепасидан тиллалар сочилиб, қуши учади. Иморати текис бўлади. Бобо қамбар: Икки йўлбарс- Юсуф ва Аҳмад, тўкилган тилла - қон, учган қуш -жон, қулаган иморат - тана, ёп-ёруғ ой - ўзим деб таъбир қилади. Гўзалшоҳ уни бу таъбири учун зиндонга ташлатади. Достон воқеаларининг изчил баёнида бу туш ўз тасдиғини топади. Асар охирида Юсуф ва Аҳмад келиб Бобо қамбарни зиндондан озод қилади. Гўзалшоҳ мағлуб бўлади.

Моҳиятан достон ўта тимсолий шаклда келувчи бу хил тушлар асар бадий қимматини ошириш баробарида, ушбу гуруҳга алоқадор тушлар достон воқеалари бошидан ёки воқеа ривожининг аввалидан ўрин олади. Иккинчи гуруҳ достон воқеалари баёнининг деярли барча бўғинларида кўпчилик ҳолатда воқеа ривожи ва сўнгида келади. Ушбу гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида «Алпомиш» достонининг Пўлкан ва Эргаш шоир вариантыдаги воқеа якунида Бойбўри кўрган тушни келтириш мумкин: «Шунда туш кўрганини айтиб, Бойбўрибек бир сўз деди:

Оғайнилар, бугун ухлаб туш кўрдим,  
Мен тушимда хўп ажойиб иш кўрдим.  
Кашалнинг элидан бир шунқор учди,  
Қултойнинг олдига парвоз қип тушди.  
Ултонтозга кабоб чангаллар солди,  
Ўтирган ҳовлиси теп-текис бўлди.  
Қўнғиротнинг шаҳари ёп-ёруғ бўлди,  
Тос тепамга икки жуфт чироқ ёнди.  
Ҳамма одам атрофимга келдилар,  
Мен ўзимни бир баландга олдилар.  
Ҳамма одам қулли бўлсин дедилар,  
Атрофимни олиб турган ким бўлди?  
Давлат берса, яхши рўмол ўрагин,

**Қора зулфинг гарданингга тарагин.**

**Хобнома китобни олиб кел, Қалдирғоч,**

**Бу тушимнинг таъбирини жўрагин.**

**Шунда Қалдирғоч бориб китобни олиб келиб, отаси Бойбўрининг тушини жўраб ётибди:**

**Ўйласам, омонат банданинг жони,**

**Ҳамроҳ бўлгай мўмин қулнинг имони.**

**Гоҳи туш раҳмони, гоҳи шайтони,**

**Тушман фолнинг бўлмас экан баёни.**

**Давлатберса, балхи рўмол ўрагин,**

**Ўлмасам, элимда даврон сурагин.**

**Айтганимга қулоқ солинг, отажон,**

**Тушингизнинг таъбирини жўрагин.**

**Шукр, обод бўпти Қўнғирот элингиз,**

**Сайрайди боғларда булбулингиз.**

**Бир шунқор давра олиб учса Кашалдан,**

**Аввал келиб Қултой билан кўришибди.**

**Алхамдуллоҳ, келибди ёлғиз улингиз,**

**Оқизибди Ултонтознинг ёшини.**

**Итларга торттириб, унинг гўшини,**

**Кесибобди Ултонтознинг бошини.**

**Минг мартаба шукр этай худога,**

**Акажоним кепти Қўнғирот элимга.**

**Фольклоршунос олим келтирган мисолдан аниқ кўриниб турибдики, бу гуруҳга мансуб тушлар дoston сюжетининг маълум қисми ва вақт жихатидан ходисалардан қахрамонларга тегишли маълумотларни, хабарларни илоҳий мактуб сифатида етказишга хизмат қилади. Ўзбек**

фольклори, хусусан, эртак ва дostonлардаги тушларнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари, умумий жиҳатлари уларни ўзаро ниҳоясига етганда янада яққолроқ намоён бўлади.

Таниқли олим илмий тадқиқотларида қайд этилган туш эртак ва дoston жанри таркибидаги фольклордаги тушларнинг зуваласи ҳам бевосита ҳаётдан, одамлар кўрувчи тушлардан олинади. Ҳар икки ҳолатда ҳам туш руҳи равоннинг ўзига ёнма-ён замон ва маконга саёҳати сифатида англаниб, ўз мантиғи билан воқе бўлади. Ҳаётдаги ва эртак, дostonлардаги тушлар келаётган хабарнинг амалга ошувидаги муддатларнинг шартли бўлишига кўра ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Фольклоршунос олимнинг изоҳига кўра, 1. Киши (ҳаётда), қахрамон (асарда) тақдирини тўла қамровчи тушлар. Бу хил тушларнинг амалга ошишида узок муддатлар кўпинча кўрувчининг умри давомидаги вақт ўтади. Бу кенг қамровли даврдан хабар берувчи тушлар ўта тимсолий, умумий тарзда намоён бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳукми давомида бу хил тушларни кўради. Бу тушлар бевосита кўрувчининг ўзи ёки яқинлари тақдирига боғлиқ келиши мумкин. Намуна сифатида машҳур созанда Турғун Алиматовнинг оталари кўрган тушни келтирамиз. «Алима т субҳи дамда уйғониб, ибодатини қилиб, онаси хузурига кирди. - Она, бир туш кўрдим. Тушимда осмондаги ой ҳовлимиздаги мана шу толга кўнибди. Қўл узатсам етгудек экан. Олиб, яктагимнингкўйнига солдим. Биров кўриб қолмадимикан деб, у ёқ-бу ёққа қарасам, ҳеч зоғ йўқ, уйғонсам, тушим.

- Сенга худойим кўчқордай ўғил бераркан, болам. Толеи ойдек мунаввар, номи етти иқлимга машҳур бўларкан, болам». Ҳақиқатан ҳам, Алиматовнинг отаси кўрган туши кейинчалик, қарийб ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб ўғлининг тақдирини сифатида ўз тасдиғини топди. Фольклоршунос олим илмий тадқиқотида «Мусофирбек» эртаги, «Гўрўғлинингтуғилиши» дostonида Шохдорхон ва «Юсуф ва Аҳмад»да Гўзалшоҳ кўрган тушларни ушбу гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида келтириб ўтади.

2. Вақт ва амалга ошуви жиҳатидан қисқарок муддатни қамровчи тушлар. Бунда уч кун, уч ҳафта, уч ой ва уч йилгача вақт оралиғида туш билдирган хабар амалга ошади деб англанган. Ҳаётда рўй берувчи айни турдаги тушларга ёзувчи Абдулла Қодирий кўрган тушни мисол қилиб келтирамиз. «У киши: - Бугун бир бемаза туш кўрдим, Ҳайбулла, - дедилар паришон холда. Мен дафъатан нима дейишимни билмай

қолдим. Чунки, юқорида айтганимдек, у киши бировлар ҳақидаги тушларни кўп ҳикоя қилган бўлсалар ҳам, ўзлари ҳақида биринчи гапиришлари эди. Кўнглимдан: «Энди юрак бўшатишга бибим йўқларда, - деган андиша кечди...

- Қанақа туш, ада? - дедим ва негадир бир нарса сезган-дай сесканиб қўйдим.- Тун эмиш, - дедилар дадам, - осмонда тилла жабдукли от устида учиб борар эмишман. Кўкда юлдузлар чарақлар, от жабдуғига ўрнатилган жавоҳир тошлар жилоланар эмиш...

Пастда эса ҳамма мени қўл силкиб олқишлар эмиш. Шу вақт бирдан ҳаво айнади, ҳалиги мусаффо осмон зулматга айланди. Оқ отим гўё тубсиз жаҳаннам, унда мудҳиш махлуқлар ғужғон ўйнар, оғизларини очиб, узун тилларини чиқариб гўё менга ташланмоқчидай бўлар, баъзилари оғизларидан худди мушак отилган каби ўт сочар, мен бўлсам зўр бериб отни қамчилар эмишман. Лекин у энди қанот ёйиб уча олмас, чунки ўтлар ҳарорати уни куйдира бошлаган эмиш... Ниҳоят, от «шу-увв» этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди... Чўчиб уйғондим, терлаб кетибман... Вужудимни аллақандай кўрқув қоплади. Бир нарса дея олмай дадамга тикилиб ётар эдим. Дадам кулиб дедилар:

- Бир кўнгилсиз гап бўладиганга ўхшайди, Ҳабибулло...» Шу тушдан икки кун кейин, 31 декабрь куни Абдулла Қодирийни қамокқа олишди ва оила аъзолари ёзувчини қайта кўришмади.

Эртак ва дostonлардаги аксарият тушлар ушбу гуруҳга мансуб, уларнинг кутичилигида хабар ва ахборотлар тимсоллар билан келиб, маҳсус таъбир талаб этса, маълум қисмида бўлажак воқеа аниқ-тиниқ айтилади. «Алпомиш» дostonида Алпомиш кўрган иккинчи туш бунга мисол бўла олади:

«Ҳақимбек кирганда ўн тўрт ёшига,

Меҳмон бўлди чўпонларнинг қўшида.

Ул кечаси файзи сахар бўлганда,

Расули худони кўрди тушида.

Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,

Ғафлатидан кўзини очди Искандар,

Кўзига кўринди расул пайғамбар.



**Бу сўзларни расул пайғамбар айтди:**  
**«Адашган умматим, шафқатдорингман,  
Таниб қолгин расул пайғамбарингман.  
Умматларни мудом йўлга солурман»,**  
**Бу сўзни эшитиб Ҳаким шу замон:**  
**«Пайғамбарим, эшит оҳу зоримни,  
Сабил қилмам элда кирдикоримни.  
Ҳали ололмайман Барчин ёримни,  
Кўролмадим Шоҳимардон пиримни».**  
**«Ғам ема умматим, - дейди пайғамбар,  
Остида дулдули, белда зулфиқор.  
Жиловида Бобоқамбар жиловдор,  
Ғамингда отланди Шоҳимардон пирлар.  
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,  
Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар.  
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор»,**  
**Бу сўзни эшитди ётган Искандар.**  
**«Раҳм айлаб юборди хол қилган жаббор,  
Ҳамма пирлар бўлди сенга мададкор.  
Кўнглингдан кетади бир зарра губор»,**  
**Бу сўзларни айтиб расул пайғамбар».**

**Достондаги Барчин кўрган иккинчи туш ҳам айти турнинг намунаси бўла олади. Одатда, бу хил тушлар ўз таъбири билан бирга берилади. Туш кўрилгандан сўнг кўпи билан бир кунча вақт ичида рўй берувчи тушлар. Бунда тушга бирор-бир хомий руҳ, эран ёки азиз авлиё кириб, мушкул ахволда қолган туш кўрувчига йўл-йўриқ ёки каромат кўрсатади. Ҳаётда камдан-кам ҳолатларда рўй берувчи бундай тушларга Бобур Мирзонинг ёв таъкибида, ночор қолган вақти кўзини**

уйқу олиб, Хўжа Аҳрори Валини тушида кўриши билан боғлиқ воқеани келтириш мумкин.

Фольклоршунос олимнинг таҳлилида эртақ ва дostonларда ҳам қахрамон ночор аҳволда қолган вақти ғайб эранлар унинг тушига кириб шундай маслаҳатлар берган, йўл-йўриқлар кўрсатган ҳолатлар мавжуд. Масалан, «Ғуломбачча» эртагида Ғуломбаччага тушида бир одам аждарни қандай даф қилиш йўлини кўрсатса, «Беш қиз»да Хизр, «Маликаи Хуснобод»да маликанинг тушига кирган доно вазир айнан шундай вазифа бажаришади. «Гўрўғлининг туғилиши» достони (Пўлкан шоир варианты)да ота юртни излаб йўлга чиққан ёки Гўрўғли чўлда беҳуш йиқилганда Хизр ёрдамга келиб, Така-ёвмит йўлини кўрсатиб қўллаб юборади. Кишилар ҳаётда кўрувчи ва фольклордаги тушларнинг тимсоллари, уларнинг таъбирларида ҳам уйғунлик бор. Энди эса бевосита эртақ ва дostonларда келувчи тушларнинг қиёсий таҳлилига ўтсак.

Аввало, эртақ ва дostonлардаги тушлар ушбу жанр намуналарининг таркибий қисмини ташкил этиб, халқ бадий даҳосининг маҳсули сифатида юзага чиқади ва яхлит бадий-эстетик вазифа бажаради. Туш мотивининг ҳар бир жанрда ўзига хос равишда намоён бўлиши, уларнинг фарқли жиҳатларида янада яққолроқ кўринади. Эртақларда туш етакчи мотив сифатида келиши билан бир қаторда, бевосита туш асосига қурилган эртақ сюжетлари ҳам мавжуд. Масалан, «Мусофирбек», «Сирли туш», «Хон билан камбағал деҳқон», «Ибратли туш» каби эртақлар бунинг мисолидир. Дostonларда туш сюжет воқелигини юзага келтирувчи асосий мотив сифатида иштирок этсада, бироқ бутун сюжет тушдан иборат бўлган дoston учрамайди. Тушнинг баёни, тафсилоти ва таъбирларининг ифода шакли ҳам ҳар бир жанрда ўзига хос равишда берилади. Эртақлардаги тушлар нисбатан қисқа, баъзи ўринларда бир-икки жумладан иборат насрий шаклда ифодаланса, дostonларда тушлар батафсил, назм ва наср аралаш, баъзан бутунлай шеърий шаклда айтилади.

Фольклоршунос олим фикрча бир баҳши ва ягона дostonчилик мактаби вакиллари ижро этган дostonлардаги тушлар қиёс қилинса, уларда маълум анъанавий ифода қолиплари шаклланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Юсуф ва Аҳмад» дostonларида келган тушлардаги қиёфалар ва тимсоллар, анъанавий эпик

қайтариқлар фикримизга далил бўла олади. Тушлар сюжетининг навбатдаги мотив билан ўзаро боғлиқлиги даражасига кўра ҳам маълум фарқларга эга. Достон жанрига хос эпик кўлам ундаги туш мотивининг эртақдаги қамровига нисбатан фаол иштирокини ҳам таъминлаганлиги қуйидаги кўрсаткичда аниқ кўриниб турибди. Достонларда туш асосан қуйидаги мотивлар билан алоқадор: уйланиш (15), синов (9), туғилиш (5), ҳомий (5), хатар (3), тирилиш (2), қайтиш (2), фарзандсизлик(1), сафар (1), ўлим (1). Эртақлардаги мотивлар сони нисбатан кам: синов (8), сафар (7), уйланиш (5), ҳомий (3), хатар (3), ўлим (1).

Ушбу кўрсаткичлар ўзаро чоғиштирилганда эртақ ва достонларда туш фаол алоқадор мотивлар сирасига уйланиш, синов, ҳомий ва хатар мотивлари кирмоқда. Ўз навбатида, эртақларда энг кўп келувчи синов мотиви (8) достонда бир бор келса, достонлардаги туғилиш мотиви билан алоқадор тушлар эртақларда кам учрайди. Айни ҳолат ҳар бир жанр сюжет қурилишида у ёки бу мотивнинг мавжудлиги, уларнинг фаоллик даражаси бевосита ушбу жанр табиати билан алоқадор воқе бўлишини намоён этмоқда.

Ўзбек халқ достонлари ва эртақлари таркибида келувчи бадиий туш намуналарида иштирок этган асосий образлар маълум белги ва ўзига хос хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилиб, тасниф қилинса, эпик асарлардаги тушларда қандай қиёфа ва деталлар фаол қўлланиши ойдинлашади. Шунингдек, уларнинг қандай рамзий маънолар ташишини белгилаб олиш имкони туғилади.

Фольклоршунос олимнинг илмий тадқиқотларида ўзбек халқ достонлари ва эртақларида келувчи тушларда қўлланган етакчи қиёфаларни қуйидаги тарзда яхлитлаштириб тасниф этиш мумкин.

#### **I. Халқ достонларида келувчи қиёфалар:**

**1.Илоҳий кучлар, пайғамбар ва азиз-авлиёлар: тангрининг овози, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в), Хизр, Шохимардон пир, чилтон, Бобо Қамбар, Ғовсул Ғиёс, Шохи замона, Ойдин Юсуф.**

**2.Турли шахслар: қиз кўринишидаги кампир, уч киши, мўйсафид, сулув, отли киши, 360 жаллод.**

**3.Осмон ёриткичлари: қуёш, ой, юлдуз.**

**4.Достон қаҳрамонлари: Алпомиш, Барчин, Қоражон, Бойбўри, Бойсари, Гўрўғли, Юнус пари, Кунтуғмиш, Холбека ва ҳоказо.**

5. Табиат кўринишлари: тоғ, ғор, кўл, гўзал боғ, хазонли боғ.

6. Қушлар: давлат қуши, шунқор, бургут, тарлон, қарчиғай, ўрдак, қузғун, қарға, бошқа қушлар.

7. Ҳайвонлар: аждарҳо, маст туя, йўлбарс, шер, шербачча, от, кўк бўри, қўй, балиқ.

8. Табиат унсурлари: ўт, сув, шамол, туман, тутун,

9. Иморат ва уй жиҳозлари: ўтов, чонғороқ, ҳовли, иморат, чироқ, ўрин-тўшак.

10. Буюм, кийим ва тақинчоқлар: чочбовмат, тулуғ, узук, тилла тақинчоқ.

11. Инсон аъзолари: юз, соч, тирноқ, яланғоч тана, қон.

12. Рўзғор буюмлари: тузоқ, қамчи, лаган, қилич, ўқ.

13. Рақамлар: 2, 3, 39, 40, 360.

14. Ичимлик ва таомлар: май, овқат.

15. Йиғин, тантана: тўй, маърака.

II. Ўзбек халқ эртақларида келувчи қиёфалар:

1. Илоҳий кучлар: азиз-авлиёлар, фаришталар, Хизр, мўйсафид чол.

2. Осмон ёритқичлари: ой, юлдуз, қуёш.

3. Турли шахслар: ота, қиз, фарзанд.

4. Табиат кўринишлари: тоғ, мевали боғ, ҳовуз, кўприк.

5. Қушлар: бургут, мурғ, қуш тухуми.

6. Ҳайвонлар: аждар, шоқол, тўнғиз.

7. Иморат ва уй жиҳозлари: уй, ҳовли.

8. Буюм, кийим, тақинчоқ: мунчоқ, таёқ.

9. Инсон аъзолари: кўл, оёқ.

10. Рўзғор буюмлари, қурол-аслаҳа: милтиқ, қилич.

11. Рақамлар: 1, 7, 13, 20, 40, 80.

**12.Ичимлик ва таомлар: кабоб, ёнғоқ, довучча. Юқорида келтирилган тасниф натижаларига кўра, халқ достонлари ва эртақларидаги туш тафсилотида келувчи асосий қиёфалар ўзаро солиштириб чиқилса, қуйидаги ҳолат аниқ бўлади:**

**биринчидан, эртақларга нисбатан достонларда туш мотиви мукамалроқ кўринишда келиши улардаги қиёфалар миқдорига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда; иккинчидан, биз шартли равишда ажратган ўн беш гуруҳдаги қиёфалардан ўн биттаси эртақларда ҳам учрайди. Лекин достонлардаги қиёфаларга солиштирилганда уларнинг сони кам эканлиги маълум бўлади; учинчидан, бир қатор қиёфалар фақат достонлар таркибида келса, бошқа хил қиёфалар эса фақат эртақлар таркибида келади. Ушбу ҳолатлар тушдаги образлар маълум эпик жанрлар орасида ҳам ўзига хос равишда намоён бўлишидан далолат бермоқда.**

**Фольклоршунос олимнинг таъкидлашишича, ўзбек фольклоршунослигида, хусусан, халқ достонлари ва эртақлари таркибида келувчи тушлардаги етакчи қиёфаларнинг маънолари, авваламбор, бевосита туш таъбир этилган ўринда айтилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан достонлардаги тушлар характерлидир. Масалан, фольклордаги бадий тушнинг мумтоз намунаси сифатида келтириш мумкин бўлган «Алпомиш» достонидаги Алпомиш ва Барчиннинг кўрган тушларини, Барчин тушининг Суксурой канизи томонидан таъбирланган ўринларни семантик нуқтаи назардан қараб чиқайлик.**

**Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг таъкидлашича, энг аввало, шуни айтиш керакки, туш - ғайбдан келувчи хабар. Хабар ғайб олами вакиллари воситасида олинади. Баъзан тизимнинг ушбу халқаси аниқ кўрсатилмасда, билвосита анланади. Ғайб олами вакиллари кўкка тегишли ва улар кўк (осмон) тимсолларида намоён бўлади. Барчиннинг кўрган тушида тизим тўлиқ ва осмон (кўк) ёритқичлари - ой-юлдузлар -пайғамбар, чориёрлар деб таъбир этилмоқда. Айни ҳолат туш таъбирлари учун анъана эканлигини унутмаслик керак. Тушлардаги осмон ёритқичлари кўп ўринларда ҳомий кучлар бўлиб келади. Эски инончларга кўра, осмон кучлари ердаги ҳар бир воқеадан воқиф бўлиб, инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқариб туради. Иккинчидан, қадим тасаввурга кўра, ғайб олами билан инсон бевосита мулоқотга киришиши қийин. Аксарият ҳолларда икки ўртада боғловчи**

-воситачи кучлар мавжуд деб ишонишган. Барчиннинг тушида ана шу воситачи кучлар зооморфик тимсолларда ифодаланган. Булар аждархо, туя ва бургут тимсолларидир. Аждархо - мифологик қиёфа. Ҳаётда аждархога айланиши мумкин бўлган илонлар ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд.

Суксурой таъбирида аждархо - қулли эран, қирқ чилтон деб айтилган. Барчин тушидаги аждархоларга аралаш келаётган маст туя, исломий таъбирлар нуқтаи назаридан қаралганда, оддий туя эмас. Ўзбек халқ амалий санъати нақшларида, турли суратларда ҳам акс эттирилган қанотли туя -айнан ушбу туянинг сурати дейиш мумкин. Халқона таъбирда туя - азиз авлиёлар, баъзи ўринларда ажал фариштаси деб айтилади. Достондаги таъбирда асосий маъно, яъни азиз-авлиё мазмуни берилмоқда. Таъбирда: «...Мадинада ўттиз уч минг саҳоба, Фотма дер, Зухра дер канизи дарға...», - дейилмоқда. Бургут тимсоли таъбирда Бойчибор деб изоҳланган. Анъанавий талқинда тушда кўрилган от-муроднинг ҳосил бўлиши, мақсадга етишдир. Бургут тимсоли семантик қамрови айна мазмунни ҳам қамрайди.

Барчин тушидаги воситачи, боғловчи кучларни ифодалайдиган тимсолларнинг умумий боғловчи жиҳати ҳам борлигини назардан қочирмаслик керак. Бу уларнинг барчаси қанотли мавжудотлар эканлигида. Қиёфадаги қанот муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар таъбир олинувчи кучлар қудрати, вазифасини аниқ тасаввур этишга хизмат қилади. Барчин тушидаги шартли учинчи бўғини бевосита ер оламига, инсон ҳаётига боғлиқ тимсол, рамзларда кўринади. Бу ўринда зооморфик қиёфалар билан бир қаторда халқ маросими, удумлари, иримлари, турмуш анжомларига кўчма маъно юклатилган. Жумладан, Йўлбарс- Алпомиш, йўлбарснинг белдан сиқиши-висол, «чанғароқ ўйилиши», «чочбовматтуйилиши», «тўшакжийилиши» каби бирикмалар ҳаётий-маиший мазмун касб этмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Барчин кўрган туш тизимида дастлабки икки қатлам анъанавий тимсолларга таянган бўлса, учинчи бўлимда хусусий ҳолат билан боғлиқ ифодалар шартли рамзий маъно ташимокда. Мазкур туш парчасини руҳий таҳлил методидан келиб чиқиб таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Тушда «ой ва юлдуз кўриш» достонда пайғамбар, чорёрларни кўриш тарзида шарҳланади. Бу ғоят баҳсли таъбир. Зеро, тушдаги рамзлар мантиқан бир-бирини тўлдирмоғи зарур. Бизнингча, «ой кўрмоқ» қизнинг балоғатга етганини

англатаяпти. Чунки вазият айнан Барчиннинг қалмоқлар «қўл сўраб келиши» кутилаётган пайтда содир бўлаяптики, воқеан туш рамзлари ҳам шунга боғлиқдир.

Тушдаги ой қизнинг балоғатга еганини билдириши - халқ ичидаги гап. Танадаги ўзгариш тушда ҳам акс этиши фанда ҳам маълум. Юлдузни эса халқ гоҳ фарзанд, гоҳ яхши кунлар таъбири сифатида баҳолайди. Халқ достонида халқ руҳияти акс этар экан, тушга ҳам халқ таъбирини қўллаган маъқул. Шунда биз кейинги рамзлар билан мантикий узвийликни кўрамиз: балоғатга етган қизга совчи келди, унинг кўнгли бошқада. Парчада, кўриб чиққанимиздан ташқари, яна ўн учта рамз бор. Бу тушни Барчин қирқ алп уни қайлиқликка сўраб-зўрлаб турган пайтда кўрган. Шу сабабли зўрлик бир неча рамзда - маст туя, қирқ аждарҳо човут солмоқ, чўл, аждарҳоларнинг Барчин тилини тишлаб тургани тарзида намоён бўлмоқда. «Маст туя» билан «йўлбарс» айнан бир маънони англатмоқда. Аммо тушда ҳам қалмоқларнинг Барчин кўнглига, майлига ёқмаганлиги сабабли бу ҳиссий майл «маст туя» шаклида келаётир. Масттуянинг совчи бўлиб келган қалмоқларнинг умумий талабларига алоқаси йўқ, аксинча, шу талаб остида турган ишқий истак рамзидир. Бу истак қалмоқларда қанчалик мастона бўлса, Барчин тушига ҳам маст туя қиёфасида кираяпти.

Бу шарҳ бир оз баҳсли бўлиб туюлиши мумкин, бироқ шуни айтиб қўйиш лозимки, ҳар қандай балоғатга етган қиз ўзини ҳар хил ишқий майллардан ҳимоя қилиш инстинкти билан тарбияланади. Бу инстинкт совчи бўлиб келган кишини кўриши билан қизнинг шуурида уйғонади ва майл билдирган эркак билан қиёсланади. Барчиннинг тушида ҳам худди шу ҳолат акс этган. «Масттуя» ва «йўлбарс» майл ва акс майлларнинг рамзларидир.

Ёрнинг майли, яъни Ҳакимбекка Барчинни боғлаб турувчи ришта дostonда бургут ва йўлбарс қиёфасида кўринган. Бу туш Барчиннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини ғоят яққол ифодаламоқдаки, бу парча дostonнинг маҳорат билан чизилган психологик парчасидир. Эътибор берсак, бургут Барчиннинг олдида, йўлбарс орқасида пайдо бўлаяпти. Барчиннинг руҳий кечинмаларига бу манзара жуда мос. Чунки Барчин мусофир сифатида иккиланган, журъатсизланган пайти, бу ерда аждарҳодан кўрқув, шунингдек, Ҳакимбекдан умид акс этган. Бундан ташқари, яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқ зарур. Аёлнинг ишқий

майлини таҳлил қилган З.Фрейд аёллар ўзлари ишқий майл билдирган кишиларни тушларида таёқ, ханжар, ёғоч, қалам, болға ушлаб турган ҳолатда ёки ўзларига ёқимли бўлган қуш ва ҳайвонлар қиёфасида кўришини таъкидлаган эди. Йўлбарс Барчиннинг ишқий майли рамзики, бу унинг тарбияси ва феъл-атворидан келиб чиқади. Барчин дашт ва кенглик ҳамда ботир ва жасур кишилар орасида тарбия топган қиз сифатида майлини ҳам ботир, кўркмас киши -йўлбарсга билдираяпти.

Қахрамоннинг ишқий майлига қараб тадқиқ қилиш бизнинг адабиётшуносликда расм бўлгани йўқ. Бироқ тушдаги рамзларни шарҳлашда биз бу хил тадқиқотдан ҳам ўзимизни четга торта олмаймиз. Чунки туш ўзида бошқа кишиларга айтиб бўлмайдиган интим муносабатларни ҳам акс эттирадики, биз тушни тўғри шарҳлаш учун бу муносабатларга ҳам мурожаат қилишимизга тўғри келади. Нега йўлбарс Барчиннинг орқасида пайдо бўлаяпти? Бу тимсолни икки хил шарҳлаш мумкин ва иккала ҳолда ҳам рамз ўзини оқлайди. Биринчи шарҳ муддат маъносида: Барчин ишқий майл билдирган киши унинг ўтмишида қолган, шу сабабли йўлбарс орқада турибди. Фақат Ҳақимбекка боғлиқ туйғу ва кечинма (бургут) Барчиннинг олдида, қошида турибди.

Келтирилган парчада яна учта рамз борки, уларда ака-ука жанжалидан сўнг қалмоқ юртига келиб қолган Бойсарининг яқин орада яна кўч-кўрони йиғиштирилиб, кўчишга тушишига ишора бор. Барчин ўз тушида яқин вақтларда яна унинг «чон-ғороғи ўйилиб», «зулфи ёйилиб», «тўшаги жийилиб», қайта кўчиш бошланишини олдиндан кўраяпти. Достоннинг бошдан-охиригача бўладиган бутун жараён ана шу парчада – тушда аён бўлмоқда. Аввало, тушда халқнинг туш кўриш ҳақидаги тасавури ва унинг қандай рўй бериши билан боғлиқ дунёқараш акс этмоқда. Маълумки, халқнинг кўҳна тасаввурларига кўра, ҳар бир кишида икки рух бор: бири - руҳи сокин, иккинчиси - руҳи равон. Руҳи раёон киши>йқуга кетган вақтда танани маълум муддатга тарк этиб, турли маконларга сайр этиши мумкин. Ана шу саёҳат кишига туш сифатида маълум бўлади. Руҳи сокин танани тарк этса, киши ҳалок бўлади. Кунтуғмиш ва Холбека, Аппомиш ва Барчинларнинг руҳи равонини чилтонлар танадан олиб, бир-бири билан учраштиради.

Иккинчидан, тушни бир вақтнинг ўзида икки киши баробар кўрмоқда ва тушдаги кўрсатмаларга амал қилмоқда. Учинчидан, туш - бу хабар, реал воқелик эса келажакда, ўз маромида рўй беради. Достонларда бу



мантик ҳам бузилган эмас. Шу сабабли ҳам Холбека ва Барчин тақдирим эгаси келди деб ёрларининг олдига тушиб кетишмайди. Қахрамонлар ёрга муносиблигини қўйилган шартларни бажариб исбот этишиб мурод-мақсадига етишади. Тўртинчидан, очик хабар шаклида келган туш эпос сюжетида ўта муҳим ўрин тутади ва унинг таъбири бутун эпик воқелик яқунида, яхлит бадий мазмун сифатида юзага чиқади. Бешинчидан, бу хил очик хабар шаклидаги тушлар миқдор жиҳатидан камчиликни ташкил этади ва улардаги тимсоллар бевосита тақдир, қадар мазмунига уйғун ёки шу кўламдаги мазмунни ифодалайди. Масалан, «Кунтуғмиш» достонидаги узук тимсоли, «Алпомиш» достонидаги антахур шаробининг рамзий маъноси биргина никоҳ узуги ёки меҳмондорчилик зийнати бўлмиш май эмас. Узук кўкда белгиланган тақдир ҳалқаси, антахур шароб илоҳий ишқ мазмунига эга.

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг илмий тадқиқотларида ҳаётда бўлгани каби бадий матндаги тушлар, аввалам-бор, хабар беради. Ушбу хабарлар айнан ҳаётий тушлардан бадий асар таркибида икки хил, тимсол ва рамзларга йўғрилган ҳамда очик ахборот тарзида намоён бўлади. Лекин ҳар қандай асар, авваламбор, эртақ ва дostonларимиздаги тушлар асардаги воқеликка чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бадийлик касб этади.

Худди «Алпомиш» ва «Кунтуғмиш» достонидагидек «Гўрўғли» туркум дostonларида ҳам туш мотиви алоҳида ўрин тутади. Маълумки, «Гўрўғли» туркум дostonларининг тарқалиш географияси Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ мамлакатлари каби жуда катта ҳудудни қамраб олади. Неча асрлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бу эпик ижод намунасининг ўзбек, озарбайжон, турк, туркман, қорақалпоқ, татар, қозоқ, тожик, арман версиялари анчайин машҳур бўлиб, бугунги кунда ҳам бахшилар томонидан севиб куйлаб келинмоқда. «Гўрўғли» дostonи туркий халқлар орасида ҳам, хорижда ҳам анчайин кенг ўрганилган. Булар орасида А.Ходзико, В.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, Б.А.Карриев, Т.Мирзаев, П.Н.Баратов, Ш.Элчин, Соим Сока ўғли, Ф.Туркман, И.Ўзкан, О.Ўғуз, М.Экичи, Ҳ.Тамхасиб, М.Сейидов, Х.Корогли, А.Маргулон, М.Сайидов, К.Райхл ҳамда Ш.Турдимов каби олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Пўлкан ижодига назар ташлайдиган бўлсак, асосан «Гўрўғли» туркумидаги дostonларни куйлаганини кўрамиз. «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Юнуспари», «Мисқ-ол пари», «Гулнор пари»,

«Авазхон», «Авазхоннинг уйланиши», «Ҳасанхон», «Темирхон подшо», «Бўтакўз», «Авазни излаш», «Ҳиломон» каби ўнлаб дostonлар бунингмисолидир. Улар орасида Пўлкан куйлаган «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи юксакбадиияти, образларнинг мувафаққиятли талқини, мифологик мотивларнинг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Гўрўғлининг туғилиши» бутун туркум учун дастурий асардир. У қахрамон ва эпик отининг бутун ҳаёт йўлини аввалдан белгилаб беради. Фольклоршуносларимиз қайд этишганидек, гарчи туркумга кирувчи ҳар бир дoston мустақил сюжетга эга бўлсада, уларнинг барчасини Гўрўғли, Ғирот, Чамбил бирлаштириб туради. Бизнингча, бу яхлитлаштирувчи учликни Хизр, ғойиб пирлар, Соқибулбул, Юнус ва Мисқол пари образлари, қахрамонга Хизр берган оқ ва қора патлар каби бадиий деталлар ҳисобига янада кўпайтириш мумкин. Ушбу дostonда биз уларнинг барчасини, жумладан, Чамбил, Ҳасанхон, Авазхон ҳақидаги хабарларни ҳам биринчи марта учратамиз. Дostonдаги Бобо Қамбар ва Хизрнинг Гўрўғлига мурожаатларида қахрамоннинг келажақдаги бутун ҳаёт йўли, барчаси бўлмаса ҳам, Пўлкан шоирга маълум бўлган Гўрўғли туркум дostonлари ҳақида формула - код шаклидаги ахборотлар берилади. Ҳатто унинг ўз фарзанди бўлмаслиги ҳам бадиий асосланади. Қолаверса, афсонавий Бобо Қамбарни бахшилар пири деб ҳам билганларки, жуда кўп дostonларда Гўрўғлининг бахшилиқ -шомонлик сифати ана шу қараш билан боғлиқ. Яна бир эътиборли томони шундаки, бу дostonда серқатлам Хизр образининг исломгача бўлган талқинлари ҳам кўзга ташланади, яъни у Ғиротнинг ҳомийси бўлади. От култи эса туркий халқларда жуда қадимдан мавжуд бўлган.

Ўзбек фольклорининг бошқа намуналари, хусусан, эртақ, кўшиқларимизда ҳам уй, иморат, том қиёфаларига бот-бот дуч келамиз. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonидаги Шохдорхон кўрган тушдаги «Иморатим бари текис бўлди» мисраси ва «Дада Қўрқут китоби»даги «Солор Қозон уйининг талон-торож қилиниши» номли кўшиқда Солор Қозон тушидаги «уй» қиёфалари ҳамда «Ирқ битиги»даги иморат тимсолини яхлитликда олиб қарасак, ушбу манбалардаги «уй» қиёфасининг умумий тимсолий мазмунга эғалигини кўраимиз.

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг фикрида туш тили - рамзлар тили, яъни Э.Фромм айтганидек, «Бу-барча халқлар учун

бирдек тушунарли бўлган ягона умумий тилдир». Аммо дostonлардаги туш мотивларида бу тилнинг мураккаблиги турлича даражада бўлади. Жумладан, Шохдор-хоннинг туши мураккаб рамзли бўлса, Зайдиной туши жуда содда:

Э энажон, бугун сахар туш кўрдим,

Мен тушимда бир қабоҳат иш кўрдим.

Шу ерга кеп мен кир ювиб ётганда,

Ўн бешяшар баччани йўлдош кўрдим.

Фириб билан ушлаб олди қўлимдан,

Зўрлик билан олиб кетди элимдан.

Бир шаҳарга олиб борди ўзимни,

Бир қари одам қучиб ётди белимдан..

Бу ерда рамзийлик жуда кучсиз. Агар унинг тушлиги айтилмаса, у бадий воқеликдан заррача фарқ қилмайди. Унинг аҳамияти ҳам Шохдорхон ёки Гўрўғлининг тушлари даражасида эмас. Туш тушириб қолдирилса ҳам, асарнинг умумий моҳиятига зарар етмайди. Дoston билан танишиб чиққан одам бачанинг - Гўрўғли, қари одамнинг-Ахмад, бир шаҳарнинг-Ёвмит эканлигини жуда тез илғаб олади. Туш мотивининг бундай қиёсий таҳлилларидан дostonлардаги тушлар қанчалик кенг ва рамзларга қанчалик бой бўлса, уларнинг дoston сюжетидаги ўрни шунчалик баланд ва аҳамиятли, бадий-эстетик жиҳатлар юқори бўлади деган хулоса келиб чиқади. Тушда шартлилик мавжуд. Шартлилик- поэтик санъатга хос хусусият. Тушдаги қиёфалар таъбири, улардан келиб чиқувчи мазмун ҳам шартлилик асосида юзага келади. Бу эса тушдаги қиёфалар поэтик санъатларга уйғунлигини кўрсатади. Тушдаги рамз ва тимсол деб қўлланилишига сабаб ҳам, авваламбор, ана шу уйғунликка таянади. Тушдаги «Ирқ битиги - Таъбирнома»да ҳам келганини юқорида айтиб ўтган эдик.

Фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг ўзининг илмий мулоҳазаларида тушда шартлилик мавжуд. Шартлилик- поэтик санъат табиатига хос хусусият. «Хосиятли туш» эртагида ўтинчи кал бола тушида «ўнг томонида қуёш, чап томонида ой боқиб турганини, у гоҳ қуёшни, гоҳ ойни қучиб бағрига босаётганини кўради...» Кал бола онасининг маслаҳати билан тушини таъбирлаб бериш учун маликанинг

олдига боради. Ошиғи билан ўтирган малика эса уни саройдан хайдайди. Кал маликанинг бу ҳолатидан хайрон бўлиб, уни пойлайди. Малика ошиғига: «Агар туши рост бўлса, тез орада шу кал мени хотинликка олади. Унинг ўнг томонидаги кун мен бўламан. Менинг устимга мендан ҳам чиройли бир паризодни олар экан. Калнинг чап томонидаги ой ўша паризод», - деб айтганини эшитиб қолиб тадбирга киришади. Малика таъбирига кўра, кал кўрган туш осмон ёритқичлари - қуёш ва ой - малика ва паризод деб таъбир қилинмоқда. Умуман олганда, фольклор асарлари таркибида келган тушлардаги рамзий, тимсолий мазмун ташувчи деталларнинг туб маънолари таъбирда аниқ айтилади. Шу жиҳатдан улар ҳаётдаги тушлардан фарқлидир. Ҳаётда эса тушни таъбирчигина таъбирлай олиши мумкин. Бу ўринда анъанавий халқ таъбирлари таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Илмий тадқиқотчи фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг илмий таҳлилида «Хосиятли туш» эртагида қуёш ва ойга малика берган талқин ўзбек халқининг анъанавий туш таъбирномаларидаги ўзак маънога уйғун. Жумладан, таъбирномалардан бирида «қуёш чиқиши» - тухфа, ҳаётдаги ўзгариш, яхши дараклар, «ой» - катта даромад, «тўлин ой» - совчилик деб кўрсатилган. Жумладан, «Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом» китобида: «Ҳар ким тушида офтобни кўрса, қиёматда пайғамбарлар қаторида бўлғай. Ҳар ким тушида моҳи тобни кўрса, подшоҳлар қаторида бўлғай», - дейилган.

Ўзбек фольклори яхлит тимсоллар тизимига эга бўлишига қарамай, ҳар бир асар, мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак, дoston ва ҳоказолар таркибида ўзига хос қисқа ёки мукамал семантик маъно, тимсоллар миқдорига эга бўлади. Шу боис кўпинча оғзаки анъанадаги туш символлари талқини фольклордаги талқинлардан фарқ қилиши мумкин. Ўзбек фольклоридаги энг мукамал бадий тушлар намуналари Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги «Алпомиш», Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Кунтуғмиш», Пўлкан шоирнинг «Гўрўғлининг туғилиши» дostonларида учрайди. Илмий тадқиқотчи фольклоршунос олим Жаббор Эшонқуловнинг хулосасига кўра мукамал бадий тушлар тимсолий қиёфалар, деталларга бой бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос бадий-эстетик маъно ташиди. Тушлар дoston аввалида ҳам, воқеалар ривожидида ҳам келиб, уларнинг асосий, таянч семантик

**маъноси қахрамонлар тақдирини аввалдан белгилаб беришидадир. Тақдир эса азалу абад инсониятни ўйлантириб келган масаладир<sup>59</sup>.**

## **ИККИНЧИ БОБ Достончилик тарихи, анъаналари ва йўллари**

### **2.1. Достончилик тарихига бир назар**

**“Одамзод борки, авлоди, аждоди, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди”.**

**И.А.Каримов**

Миллий маданиятимизнинг маънавий асослари ўтмиш аждодларимизнинг машаққатли меҳнатининг натижаси бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг пайдо бўлишига ва ривожланишга пойдевор бўлди. Илк миллий маънавий тафаккур куртакларининг ғунча очиши туфайли халқ оғзаки ижоди ўтмиш аждодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий турмуш тарзини ўзида акс эттирган ижобий натижаларга эга бўлиб борди. Миллий маънавият ватан озодлиги, мустақиллиги, унинг тараққиёти учун олиб борилган курашлар натижасида янги-янги юксак зафарларга эришиб борди. Мамалакатимиз худудида илк бора шаклланган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг хос тарзда юксалишида халқ оғзаки ижодиётнинг ўрни бениҳоят кучлидир. Халқ оғзаки ижодини ўрганишда 1920-1930 йилларда таниқли фольклоршунос тадқиқотчилар Ғози Юнус, Ҳоди Зариф, Буюк Каримий, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов (1910–1973) ларнинг хизматлари биқиёс бўлиб, уларнинг шойиста жонбозликлари туфайли миллий маданиятимизнинг бебаҳо хазинаси бўлган халқ достонлари, термалари ва айтишувларини йиғиш, тўплаш, нашр этиш имконияти яратилди. Ўзбек фольклор ёдгорликларнинг йиғиш катта меҳнат эвазига юзага келди, чунки халқимизнинг ўтмиш турмуш тарзи ниҳоятда қадимий бўлиб, аждодлармиз милоддан аввалги биринчи минг йилликда юксак маданиятли, катта ирригация ва қурилиш иншоотларини яратган, ажойиб ҳунармандчилик сирларини билган, юксак маънавий кадриятларга эга бўлган халқ сифатида дунёга танилган эди. Халқимиз тарихини ўзида мужассам этган энг қадимги ўзбек достончилигида катта шуҳрат қозонган “Алпомиш” достоннинг “Қўнғирот” талқини ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ туркийлари хос услуби, “Ўғиз” талқинига оид озор, туркман, ўзбек услуби, “Дада Қўрқут”

<sup>59</sup> Жаббор Эшонқул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. Т.; “Фан”, 2011.(302 бет).153-172, 216-251 бетлар.

достони ва унинг таркибидаги “Бамси Байрак” достони ҳамда “Қипчоқ” талқинига оид татар, бошқирд, абхаз услуби ҳамда уларга яқин бўлган “Барчин Сулуу” достонлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган тоғли Олтойда шаклланган “Алип –Манаш” достони Олтой талқинга оиддир. Халқ оғзаки ижодида бой маънавий мазмунга эга “Алпомиш”, “Алпамыс”, “Алип –Маниш”, “Барчин сулуу”, “Дада Қўрқит” (“Бамси Байрак”) каби достонлар, уларнинг қаҳрамонлари, бебаҳо манбаларни йиғиш, илмий ўрганиш ҳозирги кунда долзарб масалага айланиб қолди. Тадқиқотчиларнинг бевосита хизматлари туфайли “Алпомиш” достоннинг тўлдирувчи туркуми ҳисобланган “Барчин Бека”, “Ёдгор”, “Шомурод” достонлар ҳам халқимизнинг ор-номуси, мардлиги, жасорати ва инсонпарварлигини тараннум этишга хизмат қилиб келмоқда. “Алпомиш” достонни мукамал ўрганишга хизмат қилган Умир Сафар ўғлининг фарзанд - шогирдлардан Қора бахши ва Чори бахшилар, Ёдгор бахши, шунингдек, “Алпомиш” достонини тўлиқ ўрганишга Мардонакул Авлиёкул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир Сафар ўғли, Бўри Аҳмад ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Ҳамро Эргаш ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Қодир Раҳим ўғилларининг хизматлари таҳсинга сазовордир. “Алпомиш” достони халқимизнинг севимли, мазмунли, ўзига жалб этувчи, жозибали оҳанги билан ажралиб турганлигини буюк достончи Қодир Раҳим ўғлининг; “Имкон ва вақт бўлиб ижро этсанг, “Алпомиш” достони 1000 кечалик достон”, деб айтган сўзи ҳақиқатдир.

Шунингдек, Бухоро амири Насрулло ҳузурида асли деҳқонободлик бўлган Эрназар Қобон “Алпомиш”ни олти ой айтгани, аммо шунда ҳам тугатмаганини ривоят қилишади<sup>60</sup>. Сурхондарё вилоятида мавжуд достончилик мактабларида бири бўлган Кофирун достончилик мактабининг устози Абдурасул юзбоши, Шеробод достончилик мактабининг устози Шерназар Бердиназар ўғли, Бешқўтон достончилик мактабининг устози Алим юзбошилар ўз услублари билан ажралиб турган. Абдурасул юзбошининг шогирдлари Шердан Мардонакул ўғли, Мирза Хўжамурод ўғли, Исмоил Тўра ўғли, Норбой юзбоши, Очилди шоир, Ҳасан Қора ўғли каби шогирдлари халқ ҳурматида сазовор бўлди. Бу мактабнинг кейинги авлодлари Улаш Ғозиев, Эшмурод Шердан ўғли, Исмоил Тўра ўғли, Тошмурод Тўра ўғли каби шогирдлар ўз ижоди ҳамда достон куйлаш маҳорати билан танилган. “Алпомиш” достони нафақат халқ оғзаки ижодини ўрганиш манбаи бўлмасдан, балки табиий фанларни илмий ўрганишга ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Достонда келтирилган жой номлари топономик, географик фанларни ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бахшилар томонидан куйланиб келаётган достондаги жой номларидан Кўлқамиш, Аждартепа, Бештепа, Қўрғонзов, Жийдали ота, Жийдали Бойсун, Каттакамар, Туякамар, Бужуркамар, Кичкина камар, Терскай камар, Туйник камар сингари жой номлари, Дасторқоя авлиё, Оқтош ота қабристонини билан боғлиқ афсона ва ривоятлар ҳозиргача халқ дилида сақланиб, ушбу номлар

---

<sup>60</sup> Муродов.М. Эргашев А. Алпомишном.а. Т., “Меҳнат”, 1999.29-30 бетлар.

асрлароша яшаб келмоқда<sup>61</sup>. Қорақалпоқ, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Сирдарё худудлардаги қадимги обидалардан топилган буюмларда тасвирланган турли афсонавий образлар ўша даврда мифологик жанрда халқ ижоди намуналари мавжудлигидан дарак беради. Шарқ халқларининг классик дурдонаси бўлмиш Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида куйланган айрим ривоятлар ҳам асли “Авеста”да келтирилган афсонавий қиёфаларни эслатади. Зардуштийлик динининг бу муқаддас китобидаги кўпгина мифологик сюжетлар халқ оғзаки ижодининг маҳсули десак хато бўлмайди. Геродот, Страбон ва бошқа қадимги муаллифлар ўз тарих асарларида таърифлаган сак-массагетлар, сўғдий ва бактрийларнинг бой оғзаки ижодга эга эканлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Айни шу маълумотлар жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналаридан бири “Роланд ҳақида кўшиқ” номли француз эпосида тилга олинади.

**Адабиёт танқидчиси В. Г. Белинский таърифлаганидек, «халқ поэзияси унинг тарихи билан узвий боғлиқдир: поэзияда ҳам, тарихда ҳам халқнинг сирли руҳияти мужассамланган, шу сабабли унинг тарихини поэзия билан, поэзиясини эса тарихи билан тушунтириш мумкин». Бу фикрни тасдиқлагандай А. М. Горький ҳам «халқ оғзаки ижодини билмай туриб, меҳнаткаш халқнинг чинакам тарихини билиш мумкин эмас», деб бежиз айтмаган. Чунки фольклор халқ маънавий маданиятининг муайян қисми ҳамда унинг жамоага хос руҳияти ва дунёқараши сифатида тарихий воқеликни халқнинг эстетик ғоялари таъсирида бадиий қиёфалар орқали ифодалайди.**

Тарихий манбалар ҳам ҳозирги Ўзбекистон худудида яшовчи элатлар эрамиздан аввалги V-IV асрларда бой оғзаки поэтик ижодга эга эканлиги тўғрисида хабар беради. Бундай маълумотларнинг Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи яратган баъзи оғзаки ижод намуналарида, ҳатто айрим асарларида акс садоси сезилади. Ўзбек дostonларида қадимги сак-массагет қабилалари эпосидаги баъзи воқеалар сақланган, чунончи, “Ойсулув” достони шулар жқмласидандир. Бу дoston сюжети эрамиздан аввалги VI асрда рўй берган массагетларнинг қаҳрамон маликаси Тўмариснинг истилочи Эрон шоҳи Кирга қарши курашини эслатади. 1928 йили атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Роҳия ва Сухонгул” номли ўзбек дostonида ҳам Тўмарис тўғрисидаги ривоятнинг айрим ҳолатлари келтирилган.

Ўзбек фольклористлари ёзиб олган айрим дostonларда Каспий денгизидан то Сирдарёгача бўлган катта худудни эгаллаган мамлакатнинг ҳокими Зариандр ва сак подшосининг қизи Одатида севгиси тўғрисида милетлик Харес ёзиб олган сак эпосида ҳам ўз аксини топган. “Авеста”нинг қадимий қисмида тасвирланган мамлакатни вайрон қилган даҳшатли дев Ажидахака билан муқаддас китоб қаҳрамонининг кураш эпизодлари ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида ҳам кўп учрайди. Ўзбек эпосига ўзининг

---

<sup>61</sup> Муродов.М. Эргашев А. Алпомишнома. Т., “Меҳнат”, 1999. 48. бет.

чексиз жасурлиги ва буюк олижаноблиги билан халқ онгига сингиб кетган Рустам образи сак ривоятларидан ўтган бўлса ажаб эмас. “Шоҳнома”нинг муаллифи Фирдавсий ўзининг бу ўлмас асарини яратишда сўғдлар ва саклар яшаган Чоч (Тошкент) да истиқомат қилувчи бир деҳқон тўплаб берган материаллардан фойдаланган экан. Кўпгина ўзбек дostonларининг қадимги илдизларини, масалан “Ширин ва Шакар”даги сюжет унсурларини ўғай она тазйикларига чидай олмай ўз ватанини тарк этиб, бир қанча қаҳрамонликлар кўрсатиб мусофирликда ўлиб кетган Сиёвуш қиёфаси тасвирланган афсоналардан топиш мумкин. Археологик тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, мазкур афсонавий шахс Ўзбекистоннинг, тасвирий санъат обидаларида ўз аксини топган. X асрда яшаган тарихчи олим Наршахий ўрта асрларда Бухорода Сиёвушга бағишланган ашулалар борлигини қайд қилади.

Сиёвуш қиёфасининг Турон афсонавий қаҳрамони Афросиёб қиёфасига жуда яқинлиги ҳам тасодифий эмас. Ўзбек фольклорида машҳур бўлган Афросиёб тўғрисидаги (уни яна Алп Эртангу деб ҳам атаганлар) ривоятлар XI асрга оид туркий тиллардаги манбаларда учрайди. Атоқли тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Юсуф Балосоғунийнинг “Қутадғу билик” асарларида Афросиёб ҳақида маълумотлар учрайди. Мазкур қадимий асарларда ўзбек халқининг маиший турмуши ва маданияти, умуман, ижтимоий ҳаёт хусусиятлари, унинг асрий ўй-фикрлари ва орзу-умидлари, юксак умуминсоний қадриятлари ва миллий ҳис-туйғулари акс эттирилган.

Ўзбек фольклори ниҳоятда бой ва турли жанрларга эга, уларда халқимизнинг маиший турмуши, кўп қиррали маданияти, одамгарчилик хосияти ва яхши ниятлари, озодлик, эркинлик, биродарлик, ватанпарварлик ғоялари, эзгулик билан ёвузликнинг муросасиз кураши, олий инсонпарварлик ва душманга чексиз нафрат каби олижаноб фазилатлар куйланади. Халқ орасида кенг тарқалган Насриддин Афанди ва бошқа латифалар, мақол ва масаллар, сатирик ва кулги афоризмлар ўзбекларнинг жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий, ахлоқий ва ғоявий ҳодисаларга бефарқ бўлмасдан ўз муносабатларини билдирадиган ажойиб оғзаки ижод намуналаридир.

Халқ орасида энг кенг тарқалган ва севимли жанрлардан бири эпик асарлар, дostonлар бўлиб, улар бизнинг давримизгача узок ўтмиш замонлардан оғзаки поэзия анъаналари воситасида етиб келган. Дostonларни авайлаб сақлаб келган ва зўр санъат билан ижро этувчи шоирлар ёки бахшилар асли меҳнаткаш аҳоли орасидан чиққан деҳқон ёки чўпонлардир. Улар, табиийки, меҳнаткаш халқнинг ўй-фикрлари ва орзу-ниятларини зўр маҳорат билан ифодалаб келганлар. Ҳозирги ўзбек халқ шоирлари гўзал ва бой эпик меросимизни ота-боболардан ўрганиб, уларнинг сақлабгина қолмай, балки давр талабига ҳамоҳанг жўшқин ижодларида бадиҳагўйлик (импровизация) қилувчи истеъдодли ажойиб куйчилар ҳамдир. Ўзбекистондаги машҳур бахши ва шоирлардан Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1936), Фозил Йўлдош ўғли (1872–1955), Муҳаммад Жамрад ўғли Пўлкан (1874–1941 йиллар), Ислом Назар ўғли (1874–1953 йиллар), Абдулла



шоир Нурали ўғли (1870–1975 йиллар), Қурбон Исмоил ўғли (1869–1940 йиллар) қабилар жуда бой эпик меросни қолдирганлар.

Ўзбекистонда қадимдан бир қатор истеъдодли бахшиларни вояга етказган машҳур қишлоқлар мавжуд. Шулардан бири Самарқанд вилояти Нурота туманидаги Қўрғон қишлоғи бўлиб, унда XIX аср ўрталарида 20 дан ортиқ эркак ва аёл халқ достончилари яшаган. Бу қишлоқдан чиққан атоқли бахши Пўлкан шоир 70 дан ортиқ достонни ёддан билиб қуйлаган. Аёл бахшилардан Эргаш Жуманбулбулнинг катта бувиси Тиллакамбир жуда машҳур бўлган. Яна бир эпик ижод маркази Булунғур туманининг Лайқа қишлоғи ҳисобланган, бу ердан энг йирик бахши Фозил Йўлдош ўғли ярим кўчманчи қирқ қабиласидан чиққан. Унинг отаси Йўлдош шоир ҳам бахши бўлган ҳамда кўпгина бахшилар етиштирган ва тарбиялаб берган устоз сифатида танилган. Фозил шоирнинг репертуарида 43 та достон бўлиб, уларнинг кўпчилиги ёзиб олинган, баъзилари чоп этилган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқ бахшиларининг ижоди гуллаб яшнади, улар эски достонларни қайта тўплаб такомиллаштирибгина қолмай, замон талабига мос келадиган янги асарлар ҳам яратдилар. Замонавий халқ шоирларидан Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Ерлақаб Бекназаров, Эгамберди Оллабергенов, Тоштемир Чоршанба ўғли, Отахон Матёкубов, Шоберди бахши, Қодир бахши ва бошқалар халқимиз орасида катта обрўга эга бўлганлар. Маълумки, достонлар назмий баён этилган, насрий изоҳлар билан дутор ёки рубоб жўрлигида ижро қилинадиган яхлит бир асардан иборат, унда қаҳрамонлик ва романтик мавзулар чатишиб узвий боғланган. Ўзбек достонларини кўпчилиги халқнинг тарихий ўтмишини акс эттиради, аммо асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган достонлардаги тарихий манбалар халқнинг ижодий хаёли (фантазия)дан ўтиб умумлаштирилган ва шоирона бадиийлаштирилган. Алоҳидалик томони шундаки, ундаги узоқ ўтмиш қаҳрамонларини назмий ғоялаштириш мақсадида афсонавий фантастика ҳолатларидан фойдаланилган. Бунга ёрқин мисол сифатида ”Алпомиш” достонини олиш мумкин, унинг ғоявий мазмунини ярим кўчманчи ўзбек элатларининг илк феодализм даврда шаклланган турмуш хусусиятлари белгилаб берган. Мазкур халқ достонининг асосий сюжетини баҳодир қаҳрамон Алпомиш билан жасур қиз Барчиной орасидаги шиддатли синовлардан ўтган катта муҳаббат ташкил этади. Алпомиш ва Барчинойнинг ўлмас қиёфасилари орқали соф севги, жасурлик, биродарлик, ўз бурчига садоқатлик ва буюк ватанпарварлик каби фазилатлар зўр маҳорат билан қуйланган. Бу ажойиб асарда қадимий аждодларимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий аҳволи ва муносабатлари, никоҳ ва оила, урф-одат ва маросимлари, диний тасаввурлари каби тарихий-этнографик маълумотлар ҳам сақланиб келган.

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги чет эл истилочиларига қарши қаҳрамонона кураши “Юсуф ва Аҳмад”, “Маликаи Айёр”, “Интизор”, “Райҳон араб”, “Орзигул”, “Ширин ва Шакар”, 40 га яқин Гўрўғли йўналишига кирган бир қатор қаҳрамонлик ва романтик достонларда акс эттирилган. **Бундай ажойиб оғзаки ижод намуналари Ўрта Осиё туркий**

халқлари ўртасида жуда кенг тарқалган. Барча эпик асарларда халқнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрати ифодаланади.

Ўтмишда халқимизнинг маиший турмуши ва ижтимоий ҳаёти жуда кенг тарқалган оғзаки ижод жанри халқ кўшиқларида ҳаяжонли ва жўшқин тасвирланган. Уларда инсоннинг юксак туйғулари, пок севгиси, садоқатлилиқ, дўстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулмлар, бевафолик, тушкунлик, алам-ситамлари қайғули равишда куйланади. Айниқса, хазин кўшиқлар хотин-қизлар аҳволига оид бўлиб, уларнинг оилада ва жамиятдаги фожиали турмуши тасвирланган. Кенг тарқалган ашулаларда ижтимоий жабр-зулм ва адолатсизликлар ўз ифодасини топган. Масалан, ўтган XIX асрда хонликларда яратилган ашулаларда “еганим заққум, ичганим захар, кийганим кафан” ёки “Исфандиёр хон бўлди, халқнинг бағри қон бўлди” каби ибораларнинг пайдо бўлиши тасодифан эмас эди. “Ботир хон”, “Хон зулми”, “Қонхўр золим” каби ўзбек халқ ашулаларида адолатсиз ижтимоий тузумга нисбатан қаҳр-ғазаб, нафрат, ғам-ғусса, алам туйғулари изҳор қилинади. Масалан, Хоразмда ўтмишда кенг тарқалган “Хон зулми” халқ ашуласидаги надоматли ва қайғу-ҳасратли саҳифалар кишини ларзага келтиради:

Умрим ўтди қон ютиб,  
Қобирғам ерларга ботиб.  
Кулбам, айвоним йиқилди,  
Уйимга қора тикилди.  
Болаларим етим қолди,  
Дунёда иззат кўрмадим.  
Завқи сафо ҳеч сурмадим,  
Гуноҳим надир билмадим.  
Найлайин армонли ўтдим ...

Шу билан бирга инсоннинг маънавий руҳдаги ижобий тилак-орзулари, яхши фазилатларини куйловчи ашулалар ҳам халқ орасида қадимий даврлардан бери сақланиб келган.

Бизгача етиб келган жуда кўп мақол ва латифаларда, масал ва термаларда барча ижтимоий адолатсизликлар ва зулм, хурофий тасаввурлар ва иллатлар очикдан-очик масхараланади ва фош қилинади. Масалан, “Бой ҳам бойга, худо ҳам бойга”, “Шариатда шарм йўқ, шариатнинг йўли кўп” ёки “Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма” кабилар хурофий тасаввурларнинг ижтимоий моҳиятини сезган ўзбек халқининг хур фикрли эканлигидан далолат беради. Айрим дин пешволарининг шариатни рўкач қилиб, ваъзлар, панд-насихат ўқиб амалда ўз нафси кетидан югуриб, хийла-найранглар ва ҳаёсиз ишлар қилганликлари “Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма”, “Қийшиқ арава йўл бузар, қози, мулла эл бузар” каби мақолларда дадил фош этилган. Фақат пок қалбли меҳнаткаш ҳалойиқ жамиятдаги текинхўр фирибгарларни очик қоралайди, уларнинг очкўзлиги,

хасислиги ва таъмагирлигини, ҳар хил кирдикорларини қўрқмай ўткир танқидга олинади. Шу билан бирга жуда кўпгина масал ва мақолларда, афоризм ва латифаларда инсон бахтини ва тақдирини ўз меҳнати ва ақл-идроки билан яратиши, ғойибдан келадиган куч ва мадад ҳаёлий эканлиги очиқ-ойдин ифодаланади.

## 2.2. Халқ оғзаки ижоди турлари ҳамда мусиқа ва ижро услублари

Воҳа аҳолисининг оғзаки ижоди ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси оғзаки ижодиёти айтилиш маросими, ўрни, маъно ва мазмун хусусиятларига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат қўшиқлари (деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар).
2. Тўй маросимлари билан боғлиқ қўшиқлар
3. Халқ байрам ва сайиллари билан боғлиқ қўшиқлар
4. Мақоллар, маталлар, латифалар
5. Топишмоқ ва тез айтишлар
6. Достонлар ва бахшичилик
7. Марсия ва йиғи-йўқловлар
8. Маросим қўшиқлари

Меҳнат қўшиқлари воҳа аҳолисининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, кундалик юмушларни бажариш жараёнида ижро этилган ўзининг соддалиги, равонлиги ва бир хил ритми билан ажралиб туради. Жумладан, воҳа деҳқонлари ўз фаолияти давомида “Қўш қўшиқлари” (ер ҳайдаш жараёнида), “Ўрим қўшиқлари” (ғалла йиғим-терими пайтида), “Янчик қўшиқлари” ёки “Хўп ҳайда қўшиқлари” (ўрилган донни янчиш жараёнида), “Ёрғучоқ” қўшиқлари (буғдойни қўл тегирмонида ун қилиш жараёнида) ни ижро этишган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси чорва молларини яйловга ҳайдашда, яйловда боқиш жараёнида чўпон қўшиқларини куйлаган. Воҳа аёллари сигирларни соғиш жараёнида “хўш-хўш”, қўйларни соғишда “турей-турей”, эчкиларни соғишда эса “чурия”ларни айтиб ўз юмушларини бажаришган. Ҳунарманд усталар ўз касбининг турига қараб “Кулол қўшиқлари”, “Темирчи қўшиқлари”, “Чарх қўшиқлари”, “Кашта қўшиқлари”, “Бўзчи қўшиқлари”, “Ўрмак қўшиқлари” каби қўшиқларни хиргойи қилишган. Воҳа аҳолиси тўй маросимларида бир қатор лирик қўшиқлар ижро этилган. Бу қўшиқлар яқкаҳон ва жўровоз шаклида куйланган. Бундай қўшиқ турларига “Лапар”, “Ўлан”, “Ёр-ёр”, “Терма”, “Яллама ёрим”, “Чорқарсак”, “Бешқарсак” каби қўшиқларни санаб ўтиш мумкин.

Воҳа аҳолиси байрамлар ва оммавий сайилларда ҳам қўшиқ куйлашади, бу хил оммавий сайилларда жарчи қўшиқлари ҳам муҳим ўрин тутган. Мақоллар, маталлар, топишмоқлар, халқ донолиги ва ҳаётий тажрибасининг маҳсули бўлиб, кундалик турмуш тарзида кенг қўлланилади ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Воҳа аҳолиси табиат ва коинот билан боғлиқ бир қанча магик маросимларни ҳам амалга ошириб келган. Ушбу

маросимлар, албатта, қўшиқлар ва чолғу асбоблари орқали ижро этилган. Воҳа аҳолиси ёмғир сўраб “Суст хотин”, шамол сўраб “Ё Хайдар”, шамолни тўхтатишни сўраб “Чой момо”, ёвуз руҳларни қувишда “Алас-алас”, “Кинна”, “Жаҳр” қўшиқларини ҳам ижро этишган.

Мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодини янада қайта жонлантириш ва ривожлантириш учун анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги қизғин нишонланди. Республикамизда 2000 йилда халқ бахшиси унвони ташкил этилди. Қолаверса, 2001 йилда Бойсун ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилди ва 2002 йилдан Бойсунда “Бойсун баҳори” очик фалкълор фестивали ўтказила бошланди.

Бугунги кунда воҳада халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш борасида фольклор этнографик дасталарнинг ўрни ҳам ўзига хосдир. Жумладан, Бойсундаги “Бойсун”, Шўрчидаги “Булбулгўё”, Қизирикдаги “Кўнғирот” ҳамда Термиз давлат университетининг “Жайхун” фольклор - этнографик ансамбллари айнан воҳа аҳолисининг турмуш тарзига хос бўлган жараёнларни ўзида ифодаловчи қатор қўшиқлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Қуралай” болалар фольклор - этнографик ансамбли республикадаги фольклор - этнографик ансамбллар орасида ягона саналади.

Умуман, воҳа аҳолисининг халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда мавзуларга бой, серқирра ва ўзига хос хусусиятлари билан муҳим аҳамият касб этади. Ана шу пурмаъно мавзулар ичида она алласи – “Алла” қўшиқлари, мавзуларнинг ҳам сарчашмаси ва ҳам ибтидоси ҳисобланади. Умуман олганда, шунини алоҳида қайд этиш керакки, аллалар халқ оғзаки ижодининг муҳим қирраси саналади.

**Алла.** Она юрагидан табиий яралган алла инсоният пайдо бўлгандан буён ривож топиб, юксалиб, янги-янги мафтункор жилоланиб, ўзининг маънавий кудрати билан одамзоднинг улуғликка чорлаб келаётган буюк қўшиқдир. Халқ оғзаки ижодиётида, унинг бағрида ранг-баранг турлар бўлиб, бир-бирига ўхшамайдиган, бироқ жўшқин, мулойим, мафтункор, сеҳрли, ҳушёрлик- огоҳликка чорловчи кучли, кудратли оҳангдир. “Алла” айтиш махсус ўргатилмайди, у ҳар бир она юрагидан ўзига хос усулда баралла, хурсандчилик, сокин, шиддатли, мунгли, қайғули, олқиш, алқаш оҳанглирида айтилади. Халқ асрлароша аллани такомиллаштириб, унга хос сайқаллар беришган, кўпинча лапар айтувчилар тўй ва маросимларда, халқ даврасида аллаларни ҳам махсус ижро этиб, айтиб келишган. Лапарчилар аллани турли усулларда, оҳангларда айтиб келган ва келмоқда, шу тариқа аллалар достонларда, термаларда, маталларда, халқ қўшиқларида ўзини намоён қилиб борган. “Алла” – қадимий, миллий халқ қўшиғи, у ибтидоий даврлардан бери мавжуд, Ер юзида одам ва она пайдо бўлибдики, алла бор, бола бор жойда “Алла” айтилиши табиий. “Алла” сўзини кексаларимиз муқаддас Аллоҳ сўзидан олинган ва Яратгандан чақалокни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбат бериб, қутлуғ, кадрли, қимматли қўшиқ деб ҳисоблайди.

аллаларда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Оналар қадимдан ўз болалари тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин алла айтиб келишган. “Алла” ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради, гўдакни хотиржам қилади, элитади, ором олиб ухлашига имкон беради.

Сурхон воҳаснинг ҳамма қишлоқларида “Алла” кўшиғи кенг тарқалган бўлиб, кексаларнинг айтишларига кўра “алла эшитган боланинг дунёқараши кенг доирада бўлади, у руҳан ва жисмонан бақувват бўлади”. “Алла”нинг ўз оҳанги, ўз куйи, ўз хиргойи йўли бор, яратилиш асослари ва драматургияси кўшиқнинг маъносида ва она нафасида жамулжамдир. Чунки, “Алла”лар онанинг фарзандга бўлган меҳру - муҳаббати, умид ва орзулари, кўнглидаги яхши ният, эзгу тилақларини ифодалаш билан бирга унинг руҳий кечинмалари, изтироб ва бошидан кечирганларини ҳам ифодалайди. Шу тарзда айрим “Алла”лар шакл жиҳатдан мураккаб, оҳанги, куйи ривожланган, ижро услуби “йиғи-сиғиларга” ўхшаш ва яқин бўлиши мумкин. Бойсун худудларида “Алла” кўшиқлари “хувди” ёки “хувва, хув” номи билан ҳам юритилади.

Фақат аёллар эмас, гоҳо эркеклар ҳам ижро этадиган “Алла” кўпинча яқка тарзда бадиҳа шаклида намоён бўлади. “Алла” кўшиқнинг қадимий тури бўлиб, фарзандни ухлатиш, ором олдириш учун бешикка белаб, беланчакка солиб, тебратиб, оналарнинг аллалаб куйлайдиган кўшиғидир.

Кўшиқнинг бу тури ҳам чолғу жўрлигисиз майин ором берувчи оҳанг билан куйланади. Унинг куй тузилиши, ривожини, услубини ва ритмик ҳолатлари эркиндир, бадиҳагўйликка асосланган (ижрочи – она ўзи куй, сўз матни ва ижро услубини муаллифидир). “Алла” кўшиғи ўзбек мусиқа меросида катта аҳамият касб этади, гўдак руҳга ҳаловат келтирувчи бу кўшиқ асрлар оша сайқал топиб келмоқда. “Алла”ларга оналар ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, истак-ниятларини, дард-хасратларини ҳам кўшиб айтганлар:

Дардларимини сенга айтай, дармоним бўл, болам алла,  
Армонларим сенга айтай, орзуйим бўл, болам алла.  
Қоронғуда топинчиғим, совқотганда ёпинчиғим,  
Қариганда суянчиғим, овунчоғим аллаё-алла.

“Алла”лар ижтимоий эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси - унинг тарбиявий-эстетик моҳият касб этишида кўзга ташланади. Бу унинг эмоционал таъсирчанлигидан келиб чиқувчи хусусияти бўлиб, болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш, оҳанглар воситасида ҳаёт маъносини англашига йўл очиш, шу зайдда эстетик дидини шакллантириш ва ўстириш мақсадига қаратилганлигидир. Буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино “Алла”нинг шу хусусиятини минг йиллар илгариеқ пайқаб, шундай ёзган эди: “...боланинг миждозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири – болани секин - аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил

қилинади”. “Алла”нинг иккинчи вазифаси – болаларни ухлатиш; аслида “Алла” сўзининг луғавий маъноси ҳам “овутиб”, “авайлаб” болани ухлатишдан иборат.

“Алла”лар одатда боланинг эмизикли давридан то уч ёшни тўлдиргунларигача айтилади., қолаверса, боланинг ёшига қараб, унинг оҳанги ўзгариб боради ва турлича куйланади. “Алла”лар оналарнинг минглаб аجدодидан минг йиллар давомида авлодларга аста-секин ўтиб, қайта ишланиб, ҳар бир давр хусусиятларини ўзига сингдириб, оналик меҳрини, армонини ифодалаб келган. Шу жумладан, Сурхон воҳасида “Алла”ларнинг ўзига хос, ажойиб намуналари оналаримиз томонидан ижро этилган. Бола бир ёшга тўлгунча айтилган энг қадимий “Алла”лардан бири қуйидагича бўлган:

Аллалар бўлсин адига, алла-ё, алла,  
Сувлар опкесин кадига, алла-ё, алла.  
Кадилар бови узилсин, алла-ё, алла,  
Мунчоклари тузилсин, алла-ё, алла.  
Куёв бўлиб сузилсин, алла-ё, алла,  
Аллалар алла айтайин, алла-ё, алла.  
Бахмаллар кўрпа ёпайин, алла-ё, алла.

Бизга маълумки, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, бешикка биринчи марта боғланганда, яъни “Бешик тўйи”да, илк тиши ёриганда, биринчи марта мустақил ўтирганида, оёқ босганида, қизалоқ сочини илк бор ювиб-тараганда, ўғил бола сочи биринчи марта олинганда, бола шаънига исириқ тутатиб, шундай расм-русумлар ўтказилган, ана шундай урф-одатлардан бири чақалоқни илк бор ота-онаси ва қариндошларига таништирилганда қуйидагича “Алла” айтилган:

Оқ чойнакнинг шаммаси, айлансинда аммаси, алла-ё, алла,  
Кўк чойнакнинг шаммаси, айлансинда момоси, алла-ё, алла.  
Совлиқ қўйнинг сабоси, айлансинда бобоси, алла-ё, алла,  
Жавкачакнинг лотаси, айлансинда отаси, алла-ё, алла.  
Катта тутнинг тепаси, айлансинда опаси, алла-ё, алла,  
Жона ернинг тўласи, айлансинда бўласи, алла-ё, алла.  
Қизил шудгорнинг лоласи, айлансинда холаси, алла-ё, алла,

Ҳатто боланинг шаклланишида эл-улуснинг ҳам муҳим ўрни бордир. Шунинг учун чақалоқни уруғлар ҳам қўллаб-қувватлаб турсин деб оналаримиз “Алла”ларга уларни ҳам қўшиб куйлашган:

Чакка-чакка чочингдан чор тарафлар айлансин, алла-ё, алла,  
Елка-елка чочингдан етти уруғ айлансин, алла-ё, алла.  
Тўба-тўба чочингдан тотрувлилар айлансин, алла-ё, алла,  
Қора-қора чочингдан қорақасмоқлар айлансин, алла-ё, алла.  
Бешигингнинг остидан беш уруғлар айлансин, алла-ё, алла,  
Қўлбовингнинг остидан қўнғирот эллар айлансин, алла-ё, алла.

Таниқли олим, тафаккур, илм, ижод устози Қурбон Эшбоевнинг маънавий ижодида Онажон мана йиллар ўтди, бугун, ота бўлдим, келинингиз она бўлди. Ўша ўтли юракдан тўкилган самимий сўзларнинг қудратини энди тушунаяпман деб, қўйидаги фикрларни баён қилади;

Она – болани аллалаб боқган буюк зотдир.

Алла – уни ҳеч замонда ҳеч бир шоир ёзолмаган.

Бахшилар тўқиб чиқара олмаган, созандалар ўз мулки сифатида ўзлаштира олмаган.

Бу – жон билан бирга, қон билан инсон жонига сингиган кўшиқ – нидодир.

Уни ҳар бир юрак ўзича куйлайди.

Борлиқни тир - тузгитувчи нола оналарнинг фарёди ҳисобланади. Ҳамма нарсага чидаш мумкин. Бироқ онанинг йиғиси, онанинг ҳайқириғи олдида тошга айланиб қолган одам ҳам бардош беролмайди.

Оналар ўзларида меҳр ва бардош туйғуларини кўтариб юрганлиги билан ҳам тириклик, салтанатлик улуғларидир.

Алла – фарзанд тарбияси учун битилган шоҳ асар. Кўз олдимизга келтирайлик.

Бешиқ, Бешиқда гўдақ, аёл бешиқни тебратиб, алла айтаётибди.

Бундан гўзал ва бундан чиройли ҳолатни топиш қийин. Онанинг алласида буткул чарху дунё чайқалиб айланаётгандай.

Фарзанд учун ўз онасидан меҳрибон зот йўқ. Демак унинг алласидан, унинг оҳангидан-да ёқимли куй- кўшиқ ҳам бўлиши мумкин эмас.

Таниқли олим, тафаккур, илм, ижод устози Қурбон Эшбоевнинг маънавий ижодида акс этган воқелиқда қўйидаги масала акс эттади: Олой маликаси деб ном олган саркарда Қурбонжон додхоҳнинг ўғлини осиб ўлдиришга ҳукм этади. Дор қурилган. Бутун халқ йиғилган. Ҳамманинг дилида ваҳима. Ана шундай бир пайтда майдонга от суриб, Қурбонжон момо кириб келади ва шитоб билан дорга яқинлашади. Сиртмоқ остида турган фарзандининг рўпарасига келиб: “Ўғлим, шаҳид кетиш бизга меросдир”, – дейди ва отини шарт буриб, майдондан чиқиб кетади.

Боласига қурилган дор тагига куч топиб кела олган – аёл, онадур у. Фарзандининг жон бериш олдидаги кўзларига тик қараб ризолик айтаолган аёл – она у?

Ўлим олдида жавдираб турган ўғлонига орқа ўгириб кетолган, дўстудушман қошида жиловни қўйиб юбормасликни, отдан беҳуш йиқилмасликни эплолган аёл – она у.

У аёл она эмас, у – ирода, у – орият, у – шижоатдир.

**Алла.** 1) Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида болани ухлатиш жараёнида яккахонлик усулида айтиладиган кўшиқ. алла номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, баъзида бешиқ ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик, ижро услуби эркин, бадиҳагўй. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилақларини англатиш билан бирга руҳий кечинмаларларини ҳам ифодалайди. Шу боис баъзи алла намуналари йиғи оҳангларига яқин бўлади; 2) Бешиқ тўйи жараёнида бешиқни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган кўшиқ. Ижро хусусиятлари байрамона кўтаринки руҳда, маросим кайфиятига мос, усули тантанвор бўлиб, доира жўрлигида куйланиши мумкин; 3) Ўзбекистоннинг баъзи ҳудуларида алла номи билан айтиладиган маросим кўшиқлари. Масалан, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманлари ҳамда Хоразмда дафн

маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки махсус чақирилган аллачи – гўянда, халфа) томонидан бадиха услубида айтиладиган кўшиқ ва бошқалар. Анъанавий алла хусусиятларидан ўзбек бастакорлари Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов ва композиторлар А.Мухамедов, И.Акбаров, С.Юдаковлар турфа мавзуларда мусиқали ижодий куй-кўшиқлар яратганлар<sup>62</sup>.

Ўзбек халқ ижоди йўналишда муҳим аҳамиятга эга илмий тадқиқотлар олиб бораётган таниқли олим филология фанлари номзоди, доцент Рўзикул Мустафокуловнинг “Халқ педагогикаси сарчашмаси” номли (“Насаф” нашриётида чоп этилган) рисоласидаги қайд этилган манбалар, этнографияга оид маълумотлар анча эътиборли. Ижодкор олим томонидан халқ орасидан ёзиб олинган маълумотлар, асосан, термалар, лопарлар, мақоллар, халқ кўшиқларидан иборат бўлиб улар кўйидаги мазмунни ўзида мужассам этган. Тадқиқотчи тўпланган жавоҳирлар ҳақида сўз юритар эканмиз шўрчилик 80 яшар Турсунжамол момонинг ёш оналарга қарата айтган куйидаги икки мисра шеъри эса тушади:

Аёл бўлиб айтолмасанг аллангни,

Қора ерга кўмибсанда, қалбингдаги тиллангни.

Ҳа, алла – она қалбидаги бебаҳо хазина. Алла – Онага табиат инъом этган олий бахт. Алла – бола учун эса тарбия мактаби.

Бундай олиб қараганда, алла айтиш болани алдаб ухлатишга ўхшаб туюлади. Она алласи фақат болани эмас, балки оламини аллалайди, сеҳрли мусиқий оҳанглар қанотида бутун борлиқ бола билан ором оғушида кетади. Шу фурсатда ёруғ дунё юзини илк дафъа кўрган чақалоқдан тортиб инсон умрининг охиригача бўлган давр бахтли куйланади. Бу куйдан онанинг қувончи ва ташвишлари, ўй ва ҳаёллари ҳам четда қолмайди.

...Аллаларим одатдир,

Авлиёлар мадатдир.

Ўссанг соғлом болажон,

Биз учун саодатдир...

деб куйлаган она боланинг соғлом ва бекаму-кўст ўсиши, оила ва ватан, эл-халқ учун ҳам бахт-саодат эканлигини таъкидлайди.

Алла, алла айтайин,

Кўтариб катга қилайин.

Мен соянга ётмасам,

Жойимдан туриб кетайин.

Эътибор қилсангиз тўртликда инсон умрининг икки дунё оралиғидаги ҳаёт фалсафаси ўз ифодасини топган. Она бор орзу-умидларини шу бир парча этдан кутмоқда. Фарзанд деб дунё зийнати онанинг қанчалар меҳнат машаққати, уйқусиз тунлари эвазига вояга етади. Ҳаётда ўз ўрнини топгач, мунис ва мўътабар она қарзи ва фарзандлик бурчини адо этиб, хурматини

---

<sup>62</sup> ЎзМЭ.1 том. Т.,2000 .228 Бет.Алла. Алавия.М.Ўзбек халқ маросим кўшиқлари, Т., 1974; Романовский Е., Статьи и доклады. Записи музыкального фольклор,Т.,1959; Турсунов Н., Бухоро удумлари, Т., 1994.



жойига қўйса хуби-хуб. Бўлмаса-чи? Она! Кексайиб қолганда фарзанддан соя кутяпти:

... Ёшлиқдаги ёпинчим, алла-ё,  
Қариганда суянчим, алла-ё.  
Йиқилганда таянчим, алла-ё,  
Қўчқор болам, алла-ё, алла.

Биз ёзиб хатга туширган аллаларнинг деярлик барчасида қуйидаги тўртлик иштирок этганлигининг гувоҳи бўлдик.

Аллалар айтайин адига,  
Сув олиб келсин кадига.

Кади бови узилсин,  
Келин (куёв) бўлиб сузилсин.

Биз онахонларимиздан бунинг сабабини сўраганимизда, улар бу тўртлик алланинг “калити” деб жавоб беришди. Она алласидан бола оламини англайди, унинг қалби миллий ифтихор туйғуси билан суғорилади. Унда жисмоний баркамоллик, ақлий ва ахлоқий сифатлар шаклланади. Оламда қўшиқлар кўп. Бирининг умри ўн йиллик, бирининг умри бир кунлик. Фақат алланинг умригина боқийдир. Алла бетакрор қўшиқ, деганларидек у яна абадий жаранглайверади<sup>63</sup>.

#### АЛЛАЛАР

Болажоним ўтирсин, алла-ё,  
Қўлини гулга ботирсин, алла-ё.  
Қўролмаган душманлар, алла-ё,  
Ўзини уриб ўлдирсин, алла-ё.  
Болажоним от чопсин, алла-ё,  
Отига бахмаллар ёппсин, алла-ё.  
Қалпоғини қайирсин, алла-ё,  
Оти улоқ айирсин, алла-ё.  
Ёшлиқдаги ёпанчим, алла-ё,  
Қариганда суянчим, алла.  
Йиқилганда таянчим, алла-ё,  
Қўчқор болам, аллаё-алла.

#### Айтувчи: Очилой момо Бобоқул қизи

Ёта қолгин ноз уйқугга,  
Алла, укам, алла.  
Ёта қолгин соз уйқуга,  
Алла, укам, алла.  
Алла айтиб ухлатаман,  
Алла, укам, алла.  
Ширин сени юпатаман,  
Алла, укам, алла.  
Алла, алла, орастасан,  
Алла, укам, алла.

<sup>63</sup> . Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси. –Термиз:

Ғами йўқ норастасан,  
Алла, укам, алла.

\*\*\*

Алла болам, алла,  
Жоним болам, алла.  
Икки кўзим, алла,  
Ширин сўзим, алла.

\*\*\*

Алла қилсин, болам-о,  
Уйқуда ором олсин-о.  
Алла-алла деганда,  
Шугина ухлаб қолсин-о.  
Алла болам, алла,  
Икки кўзим, алла.  
Қўли арслон билаклим,  
Ботир, қоплон юраклим.  
Яхши-ёмон кунимда,  
Менга жуда кераклим.  
Алла болам, алла,  
Ширин сўзим, алла.  
Оқ уйимнинг ойнаси,  
Дарв кўрмасин сийнаси.  
Кўрганда кўз қувонсин,  
Хонам сайроқ майнаси.  
Пахлавоним, алла-ё,  
Ширин жоним, алла.

**Ушбу аллалар Ангор туманининг “Озод Бухоро” маҳалласидаги момоларимиздан ёзиб олинган.**

Ёт, болам, ухла, кўзим,  
Уйларда ўчди чирок.  
Ухлар асаларилар,  
Ухлар балиқлар тинчроқ.  
Кўкда ой ярқирайди,  
Деразадан қарайди.  
Ёт, қувончим, қундузим,  
Алла-алла, алла-ё.  
Юм кўзингни, юлдузим,  
Юм кўзингни, қундузим.  
Ухла, кўзим, алла-ё,  
Алла-алла, алла-ё.

**Айтувчи: шўрчилик Зулайхо момо.**

**Халқ кўшиқлари.** Таниқли олим филология фанлари номзоди, доцент Рўзиқул Мустафоқуловнинг “Халқ педагогикаси сарчашмаси” борасида тўпланган манбалардан шу нарса аён бўлдики, олтмиш ва ундан катта ёшдаги кексаларимиз орасида халқ кўшиқларини билмайдиганлари камчиликни

ташқил қилади. Улар жуда кўплаб халқ кўшиқларини ёддан билишади. Ҳатто айрим айтувчилар кўшиқни куйга солиб куйлаб ҳам беришди.

Халқ кўшиқларида инсоннинг руҳий кечинмалари, дунёқараши ранг-баранг ўйноқи тасвирларда берилган. Халқ маънавиятининг бу тури оммани руҳан тетикликка, жасорат ва меҳнатсеварликка, элпарварлик ва ватанпарварликка, севгида садоқатга чорлайди. Ҳар бир сўз ўз ўрнида салмоқли ва жарангдор куйга мос ҳолда кўшиқдан ўрин олган. Сўзларнинг маъноси тўқ, мазмун доираси кенг.

Ҳаводаги ҳулқарман,  
Бадавлатга ўхшайман.  
Уч кунликка ишим бор,  
Тўрт кунликка бекорман.

Юқоридаги кўчирмада инсоннинг руҳий психологик кайфиятлари сержило сўзларда ўз ифодасини топган. Айниқса, ўтмишда ҳақсизлик ва қабоҳат кўринишларидан инсонга етган жабр-зулм, хўрлик кўринишларидан жирканиш туйғуси мужассам. Қуйидаги шеърини тизмада эса қора кунларнинг жирканч кўринишлари сатрлар қатига яширинган:

Туя ўттар ўрнида,  
Қўнғироғи бўйнида.  
Қиз болани сўрасанг,  
Етмиш яшар қўйнида.

Инсон қалби жароҳатларининг битмас доғлари халқ оғизаки ижодининг кўшиқ жанридан қаноат топганлигининг гувоҳимиз. Уларда гоҳо ғам-ғусса куйланса, айримларида инсон ўз бахтига етишганлиги қуйидагича мадҳ этилган.

Ҳаво жавор, тов-товга,  
Жилқилар келар матовга.  
Ҳайданг дўстлар ўйнаймиз,  
Бахмал жопқан ўтовга.  
Биздан жўғори Бойсун,  
Қизлар рўмолин жойсиин.  
Дуо беринг оталар,  
Ҳар ким суйганин олсин.

### **Халқ оғзаки ижодида Ёр-ёр мусиқий оҳанглари**

Халқ оғзаки ижоди ривожланган юртимизда тўйларни ёр-ёрларсиз тасаввур этиб бўлмайди деб изоҳ беради таниқли олим филология фанлари номзоди, доцент Рўзикул Мустафоқуловнинг “Халқ педагогикаси сарчашмаси” рисоласида. Вилоятимиз туманларининг ҳар бирида ўзгача урф-одат, ўзгача расм-русум, ҳатто қалин қисмат ҳам ҳар хил. Бу эса ўлкада хилма-хил миллат, элат ва уруғлар яшашидан далолат беради. Келин-куёв қандай замонда бўлмасин, унга ота-боболаримиздан қолган халқ мероси ва либоси ярашиб тушади. Ёр-ёрларда келин, куёв томонларининг бир-биридан қолишмаслиги серзавқ, ҳазил-мутойиба орқали ўз аксини топади. Ҳақиқатдан ҳам икки қуда бир-бири билан тенг туриб янги ўтовни бунёд этадилар.

Узоқ йиллар орзу-умид қилган кунни эл-халқ билан бирга ўткадилар:

Икки сандиқ ёнма-ён,  
Бўй беради ёр-ёр.  
Икки қуда тенг туриб,  
Тўй беради ёр-ёр.

Ҳа, хонадонга келин келса ким ҳам хурсанд бўлмайди, дейсиз! Ҳатто, ўзгалар қалбига ҳам ғурур бағишлаб, беихтиёр дилрабо ёр-ёр қўшиқлари сеҳридан маст бўлиб, куёв хонадонига келинлик либосида тушиб келиш ҳар бир ота-онанинг қизига насиб этсин дейсан.

Мана, келин ўйнаб-ўсган ота-онаси уйдан товусдек товланиб, олтин зар либосларга ўрганиб остонадан чиқмоқда:

...Ота-она уйини,  
Сув олдириб, ёр-ёр.  
Дугоналар кўнглини,  
Қувонтириб ёр-ёр.

Айрим “ёр-ёрлар” тизимида кўпроқ даврнинг номаъкул урф-одатлари ота-онанинг қизи хоҳиш-иродасига йўл қўймаслик каби норозиликлар ўз мужассамини топган. “Ёр-ёр”лар келин тушиб келган хонадонга илк қадам кўйишидан бошланади.

...Йиғлама қиз, йиғлама,  
Тўй сеники ёр-ёр,  
Остонаси тиллодан.  
Уй сеники ёр-ёр.

“Ёр-ёрлардан” кейин келин саломларга ўтилади. Келин саломларда куёвнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, дўст-биродарларига ҳазил мутойибали шеърлар тўқилади. Ёр-ёр, келин салом ҳамда ўланлар вилоятимизнинг Термиз, Шеробод, Жарқўрғон, Олтинсой, Шўрчи, Сариосиё, Денов, Узун, Бойсун сингари туманларида кўпроқ оммавий тус олган. Дунёда барча мавжуд гўзаллик келинчакка қиёс қилинади. Масалан:

...Хусн элининг подшоси,  
Сен эмишсан ёр-ёр.  
Сабо билан субҳидамнинг,  
Гули эмишсан, ёр-ёр.  
Сўзлаганда оғзидан,  
Дур сочилур ёр-ёр.

Қандай латиф ва кўркем гўзал ўхшатишлар! У авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб, келинчак фахри ва ғурурини ўзида ифодалай боради<sup>64</sup>.

### **Ёр-ёрлар**

Токчадаги қайчини занг босибди, ёр-ёр,  
Келин ойим онасини ғам босибди, ёр-ёр.  
Токчадаги қайчини занг босмасин, ёр-ёр,  
Янги тушган келинни ғам босмасин, ёр-ёр.  
Қат-қатгина қатлама қатланибди, ёр-ёр.

<sup>64</sup> Мустафоқулов Р. “Халқ Педагогикаси Сарчашмаси”. Термиз.

Қизни олиб дугонаси отланибди, ёр-ёр,  
Қизни олиб дугонаси тура турсин, ёр-ёр.  
Оқ сут берган онаси рози бўлсин, ёр-ёр,  
Тоғда тойчоқ кишнайди от бўлдим деб, ёр-ёр.  
Уйда келин йиғлайди ёт бўлдим деб, ёр-ёр,  
Йиғлама қиз йиғлама-ё, тўй сеники, ёр-ёр.  
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр,  
Карнай сурнай чалинган тўй сеники, ёр-ёр.  
Қоматлари келишган ёр сеники, ёр-ёр,  
Қат-қатгина қатлама қатланади, ёр-ёр.  
Қизни олиб янгалари отланади, ёр-ёр,  
Қизни олиб янгалари тура турсин, ёр-ёр.  
Қиёматли оталари рози бўлсин, ёр-ёр,  
Тахта-тахта кўприк тахтинг бўлсин, ёр-ёр.  
Ҳазратимнинг қизларидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр,  
Ҳазратимнинг қизларини Али олди, ёр-ёр.  
Ёр-ёр айтиб қиз бермаклик андин қолди, ёр-ёр,  
Чимилдиқнинг боғини боғлайди қиз, ёр-ёр.  
Онасини бағрини доғлайди қиз, ёр-ёр,  
Дока кўйлак енгини сўтдим, она, ёр-ёр.  
Оқ сутинга рози бўл, кетдим она, ёр-ёр,  
Тол ёғочга арқон солиб учган сиглим, ёр-ёр.  
Оқ ўтовлар қурилсин айвонингда, ёр-ёр,  
Ўғил-қизлар ўйнасин тўрт ёнингда, ёр-ёр.  
Ўн беш червон пул бердим керилмангиз, ёр-ёр,  
Берган пулингизни ҳаржлаб келдик, ёр-ёр.  
Ойдек қулган қизимизни бошлаб келдик, ёр-ёр,  
Тўйга берган қўйингиз ориқ экан, ёр-ёр.  
Терисини ошлаб келдик, пўстни қилинг ёр-ёр,  
Суягини олиб келдик, устун қилинг, ёр-ёр.  
Қуда пошша, алвон бўлинг, ёр-ёр,  
Бир кеча-ю-кундузлик меҳмон бўлинг ёр-ёр.  
Сандиқ очиб қудаларни кузатишга полвон бўлинг ёр-ёр.  
**Айтувчи: Зулайҳо момо Эрмат қизи**

### **Келин салом ва ўланлар**

Рўмолим бор ҳарбидан, ёр-ёр,  
Қизил гулнинг баргидан, ёр-ёр.  
Ўтирсам туropolмайман, ёр-ёр,  
Ошиқликнинг дардидан, ёр-ёр.  
Осмонда ой ботмасин, ёр-ёр,  
Жалокда қон қотмасин, ёр-ёр.  
Келин келган кечаси, ёр-ёр,  
Тонглар сира отмасин, ёр-ёр.  
Келин келган кечаси-ё, ёр-ёр,

Ҳаволар жовиб ётмасин-а, ёр-ёр.  
Тўйга келган момолар-а, ёр-ёр,  
Лойга ботиб ётмасин, ёр-ёр.  
Толдан оба, ёр-ёр,  
Уйдан товоқ, ёр-ёр.  
Тўйга келган момоларнинг ёр-ёр,  
Дарди томоқ ёр-ёр.  
Толдан қошиқ, ёр-ёр,  
Қуёв йигит олгани, ёр-ёр.  
Тиллодан ошиқ, ёр-ёр,  
Боботовнинг бетини.  
Тош дейдилар ёр-ёр.  
Келин ойнанинг қошини,  
Қалам қош дейдилар, ёр-ёр.  
Келин ойнанинг туфлиси бор, ёр-ёр,  
Ўрдак билан ғозлар ўтсина, ёр-ёр.  
Худойимнинг кўшган ёр билан,  
Умри ўтсин созгина, ёр-ёр.

**Айтувчи:                   Зимир                   момо                   Маматкарим                   қизи.**

### **Халқ оғзаки ижодида “Ё, Рамазон” кўшиғи**

“Ёрамазон” ёки “Ё раббиман” кўшиқлари шўх, қувноқ оҳанглар билан халқ мусиқа ижодининг ўзига хос шаклини ифода этади. Ушбу кўшиқлар ўзларининг илдизлари билан қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Уларнинг тимсоли қадимий байрамона-улуғлаш характеридаги кўшиқларга яқин бўлиб, ўзининг мусиқий-шеърый услубига кўра ибтидоий янги йил туркумининг тантанаворлик воситалари сезилади (бунинг далили-мавсумий ижро муддати, айланиб чиқиш магик одати, ижронинг услуби ва тавсифи). Бойсуннинг кекса аҳли маълумотларга кўра “Ё рамазон” ёки “Ё раббиман” кўшиқлари болалар гуруҳи (ўтмишда катталар) томонидан Рамазон ойнанинг учинчи куни ўйма-ўй юриб айтилиб келинган.

Қадимий урф-одат бўлган “Ё рамазон” кўп йиллар халқ орасида четлаб кетди. Чоршанби бахши Раҳматулло ўғлининг ҳаёт хотираларидан ўрин олган эсдаликлардан; 1951–1952 йилларда биз бир гуруҳ ёшлар, яъни ҳозирги “Мустақиллик” жамоа хўжалигининг раиси Тўра Массиев, Тошкент зироат дорулфунининг профессори Норали Норбоев, ўқитувчилар Жовли Қурбонмуродов, Шерали Норбоев ва бошқа бўйинсалар бирлашиб Ангор тумани кишлоқларига чиқиб “Ё рамазон” айтар эдик. Мен айтувчиси эдим. Кейинчалик кўп миллий маросимлар қатори “Ё рамазон” ҳам қолиб кетди”, - деб ёзиб қолдирган. “Ё рамазон” матнига эътибор қилсангиз, ундаги маъно жилолар ва айтилиш усуллари куйидагича:

1.       Ўтов (Уй эгаси яхши тилаклар билдириш).
2.       Уй эгасини яхши совғалар беришга даъват этиш.

3. Ҳажв (уй эгаси уйидан чиқавермаса, уни ўткир сўзлар билан тузлаш). Уй эгалари эса “Ё рамазон” айтувчиларнинг сўзга чечанлиги ва муסיкий оҳангда айтишини кўпроқ тинглаш мақсадида уларни кўпроқ айтиб туришга ундайди.

4. Тилак (уй эгаси совға-салом бергандан кейинги тилак сўзлар).

5. Дуо (уй эгасини дуо қилиш сўзлари). Буларнинг ҳаммаси кофияли, сажли шеър билан айтилади:

Ассалому алайкум, бойлар,

Қутлуғ бўлсин улуғ сана, янги ойлар.

Ҳовлингизда тўй устига бўлсин тўйлар,

Бой акамиз бизлар учун сарка сайлар.

Бойвуччаси яхши айт деб танга тайлар,

Ё рамазон, тўлсин қозон.

Ё рамазон айтиб келдик эшигингизга,

Кўчқордай ўғил берсин бешигингизга.

Қулоқ солинг сизга айтган қўшиғимизга,

Ё рамазон, тўлсин қозон.

Ё рамазон ва бой рамазон, рўза тутилган кунлари айтилади. Ҳозирги пайтда ё рамазон рўза бошида уч кун айтилади. Ёш болалар ва йигитлар тўда-тўда бўлиб, хушовоз айтувчи билан биргаликда уйма-уй кириб чиқишади.

### **Халқ оғзаки ижодида меҳнат қўшиқлари**

Меҳнат қўшиқлари қадимий тушунчалар, бало-қазолардан асраш ҳақидаги тасаввурлар дехқонга хос соддадиллик билан ўз ифодасини топган. Буни биз чорвадорчиликдаги меҳнат қўшиқларида кузатишимиз мумкин. Уларда чорвадорлар меҳнати, турли ҳайвонларга инсон муносабати, иш фаолияти (соғиш, ип йигириш "Чарх", жунни қайта ишлаш "Урмак") тасвирланади. Сурхон воҳасида касб ва хунарга бағишланган меҳнат қўшиқлари ҳам сақланиб, турмуш ва меҳнат жараёнида, айниқса, фольклор жамоаларнинг ижросида айтилиб келинаётган Кавушим, Ошпаз қўшиғи, Новойлар қўшиғи, Хавор-хавор, Темирчи, Дўппим ва бошқалар шулар жумласидан.

**Наврўз**- Ота –боболаримиз томонидан яратилган “Наврўз”, “Сумалак” ва “Ё рамазон” сингари халқ ижоди мероси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Наврўз байрами кейинги йилларда кенг нишонланмоқда. Республикамизда, жумладан, вилоятимизда бу маросим ҳақиқий меҳнат ва баҳор байрами сифатида шодиёналик жарчиси бўлиб, ҳар бир хонадон ва қалбга бахт олиб кирмоқда. Наврўз ва сумалак ривоятлари ҳамда у билан боғлиқ кўпгина урф-одатларни кексаларимиз тилидан ёзиб олдик. Сумалак Наврўзнинг рамзий таомларидан ҳисобланади. Сумалак ҳақида кексаларимиз жуда кам шеърлар билишар экан.

Бир инсон умричалик давр халқларнинг миллий “Наврўз” байрами сунъий равишда барҳам топди. Ўткинчи сиёсатлар уни тарбиямизга ёт деб қарадилар. У ота-боболаримиз қалбида чўкиб ётди, қатланди, аммо

хотираларидан бутунлай ўчиб кетмади. “Олтин зангламас” деганларидек,, бу зиё сандиқлари аксинча ўз қимматини ва қадрини ошира борди. Энди улар дарё каби тўлғаниб оқмоқда. Ундан чанқоқ қалблар баҳра олмоқда. Борлари ҳам янги тўқилган шеърлар. Шундай бўлса-да, биз уларни ушбу китобга киритишга жазм этдик<sup>65</sup>.

**Шохмой меҳнат маросимлари** - Бу маросим халқимизнинг қадимий меҳнат маросимларидан биридир. Қўш ҳайдаш, Шохмойилар, Қўшчи; Экин экиш дон септи; хосил йиғиб теримида - Ёзи ўроқчи, Обло барака; ғалла янчилишда-Майдаёқи Галагов; донни қайта ишлашда - Ёрғучоқ, Тегирмон қўшиғи, "Ёрғучоқ" қўшиғидан ташқари ҳаммаси эркаклар томонидан ижро этилиб келинган, якка айтимида:

Галаговга қўшилиб, майда ё, майда,  
Бўйнингга арқон эшилиб, майда ё, майда.

Бундаги асосий ғоя турмушни яхшилашга интилиш, галаговга қўшилган хўкизга муносабат билдириш. Қўшиқнинг ҳар бир мисрасида ҳаяжонли нидолар такрорланиши нақарот вазифасини бажаради:

Хўп майдаё, хўп майда,  
Буғдойи менга фойда.  
Сомони сенга фойда,  
Ҳа ҳайдаё, ҳа ҳайда.

Халқ далада, йиғилиб, попуқлар билан безатилиб қўшга қўшилган хўкизларни олиб чиққанлар. Ўтган йилнинг охириги боғлам ғалласидан пиширилган нонни синдириб одамларга улашиб берганлар. Шу юртнинг покиза ва бокира қизларидан иккитаси икки косада ёғ тутганлар ва юртнинг оқсоқоли қўлларини мойга ботириб хўкизларнинг шохини мойлаган. Сўнгра энг қари кимса оқ фотиҳа бериб биринчи эгатни тортишга рухсат бурган;  
Қўшчи илдам юрмасанг,  
У учанга тортиб қўяман.  
Яхши юрсанг шохингга,  
Мойлар суртиб қўяман<sup>66</sup>.

**Обло барака-** Қадимдан туркий халқлар хирмон кўтариш “Обло барака” маросимни ҳар йили ўтказиб келишган. Бойсун ноҳиясида бу маросим охириги маротаба 1945 йили ёзда ўтказилган. Кейинчалик бу маросим ҳам “диний” маросим сифатида тамғаланиб қатағон қилинган. Хирмон кўтариладиган куни дондан умидвор кишилар қопи билан хирмон кўтариладиган жойга келганлар. Айтувчининг айтувига монанд атрофдагилар хирмонга барака тилаб “Обло барака”, дея жўр бўлиб туришган.

### **Обло барака**

Сомондан қўранг тўлсин, обло барака!  
Ғаллага ўранг тўлсин.  
Хирмонга ғайир келса,

<sup>65</sup> Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси. –Термиз:

<sup>66</sup>Мустафоқулов Р. “Халқ Педагогикаси Сарчашмаси”. Термиз



Шол бўлсин, буранг бўлсин!

Бир улуши сичқонга,  
Бир улуши қушларга.  
Бир ғалвири қайтимга,  
Бир ғалвири етимга.

Бир ғалвири мўллога,  
Бир ғалвири Оллоҳга.  
Бир ғалвири сотувга,  
Бир ғалвири айтувга.

### **Дон сепди**

Бу қўшиқлар анъанага кўра аёллар томонидан равон услубда, речитатив калта куйда, паст овозда, ритм равонлигида, чолғу жўрлигисиз айтилган:

Хўш-хўш айнагинам,  
Хўш-хўш говмишгинам.  
Одамато бокқандир, Хўш-хўш,  
Момоҳаво соққандир, Хўш-хўш.

Экиш маросимини одатда қизлар бошлаб беришган. Чунки, аёл қадимдан кўпайиш рамзи бўлган;

Дон сепдим-а, дон сепдим,  
Дон сепмадим, жон сепдим.  
Сепган донни уйғотиб,  
Ёмғирни осмон сепсин.

Дон сепдима, дон сепдим,  
Баракани тиладим.  
Ҳар бир ҳовуч донимга,  
Тилагимни уладим.

Кўнгил бўлсин кўкламдай,  
Майса бўлсин гиламдай.  
Бошоқ бўлсин қадамдай,  
Хирмон бўлсин оламдай.

### **“Суст Хотин” маросими**

“Суст хотин” маросими қадимдан бор. Бу маросим “Суст хотин” қўшиғини айтиш орқали ёмғир сўрашдир. Бу хилдаги маросим ҳозирги кунда ҳам қишлоқларда ўтказилади. “Суст хотин” қўшиғининг турли хиллари мавжуд бўлган. Бу қўшиқни кўпинча сўзга чечан, овози баланд кишилар айтишган”

Суст хотин, сузма хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.  
Ёмғир ёғдир, хўл бўлсин,  
Еру жаҳон кўл бўлсин.

Ёмғир бергин бизларга,  
Бу мусулмон элларга.  
Ҳосиллар мўл бўлсин,  
Ёмоннинг уйи куйсин<sup>67</sup>.

#### **Муборакбод кўшиқлари**

“Наврўз” байрамини бошловчи кўшиқлардан бири, табрик кўшиғи;  
Бойчечак чиқибди, бугун «Наврўз» экан,  
Оламда баробар кеча-кундуз экан.  
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,  
Бойчечак чиқибди, бугун «Наврўз» экан.

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳей бобо,  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳей ота.  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳей момо,  
Бойчечак чиқибди, бугун «Наврўз» экан.

Ҳей деҳқон бобо далангизга берсин барака,  
Ҳей чўпон бобо кўрангизга берсин барака,  
Ҳей боғбон бобо ниҳолга берсин барака,  
Бойчечак чиқибди, бугун «Наврўз» экан.

#### **Меҳнат кўшиқлари**

Ҳаводаги хулкарман,  
Бадавлатга навкарман.  
Уч кунликка ишим бор,  
Тўрт кунликда бекорман.

Майнонақда маконим,  
Таги тимда дўконим.  
Ўроқ ўргани кетди,  
Қизилсойнинг деҳқони.

Майда-майда, мой босар,  
От ўрнини той босар.  
Отадан ўғил қолса,  
Ўлмаса ўрни босар.

Майрам ўзи – яхши қиз,  
Ошга қатиқ, нонга туз.  
Пиёзвонга пиёз қиз,  
Хўжасига ниёз қиз.

---

<sup>67</sup> Мустафоқулов Р. “Халқ Педагогикаси Сарчашмаси”. Термиз.

## Ўрмак қўшиқлари

Урмагим жотир ўрилиб,  
Мен жургураман керилиб.  
Қайиннам қарамайди,  
Ўрмагимга қайрилиб.  
Ўрмагимди ура-ё,  
Мен бошига қара-ё.  
Қачон тамом бўлар деб,  
Энди сендан сўра-ё.  
Одорғим ошиб кетгин-о,  
Қиличим шошиб кетгин-о.  
Шул ўрмагим бўғинча,  
Ғайратим тошиб келгин-о.  
Ўрмагимди ура-ё,  
Мен бошига қара-ё.  
Қачон тамом бўлар деб,  
Энди сендан сўра-ё.

### Айтувчи: Ойсоат момо Мўминова.

Қўшиқларнинг кўпчилигини сигир, қўй, эчки, туяни соғиш учун эркалаш оҳангида айтиладиган соғим қўшиқлари ташкил этади, жумладан, "Хўш-хўш" (сигир соғишда), "Турай-турай" ёки "Турам" (қўйларни соққанда ва қўзиларни эмизганда), "Чирай-чирай" (эчки), "Ҳарова" ёки "Биё-биё" (туя ёки бияни соғишда). Бу қўшиқлар анъанага кўра аёллар томонидан равон услубда, речитатив калта куйда, паст овозда, ритм равонлигида, чолғу жўрлигисиз айтилган:

Хўш-хўш айнагинам,  
Хўш-хўш говмишгинам.  
Одамато боққандир, Хўш-хўш,  
Момоҳаво соққандир, Хўш-хўш.

Қўйларни, эчкиларни, сигирларни соғаётганда айтиладиган қўшиқлари бор. Агар қўшиқ айтиб соғса, сутини яхши беради ва жим тепинмасдан туради. Масалан, эчкини соғаётганда айтиладиган қўшиқ;

Молда билинар қошқанг-а, чур-ей, чур-ей,  
Борми бундан бошқанг-а, чур-ей, чур-ей.

Яна ерда ётганинда, чур-ей, чур-ей,  
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чур-ей, чур-ей.

Баъзи қўйлар боласини эмизмайди. Ёнига борса, тепиб юборади. Шунда қўйга боласини ялатиш керак ва силаб-силаб қўшиқ айтиш керак;

Болангни ол, жонивор, тур-ей, тур-ей,  
Сен болангни олмасанг, тур-ей, тур-ей.  
Ола итни ечарман, тур-ей, тур-ей,  
Оёғингни тушарман, тур-ей, тур-ей.  
Болалилар бозорда, тур-ей, тур-ей,  
Боласизлар мозорда, тур-ей, тур-ей.  
Ол болангни, жонивор тур-ей, тур-ей,

### **Айтувчи: Ойсоат момо.**

Меҳнат кўшиқларидаги сўз, ибораларнинг такрорланиши, оҳанг равлонлиги мусиқийликка, иш жараёнини сезишга ёрдам беради. "Қизиги шундаки, - деб ёзади М. Алавия, - хотинлар кўл билан соғиб айтганда, сут келишига оҳанг бойланиб, соғиш мусиқаси эшитилади. Соғиш кўшиғида баъзи товушлар такрор қўлланиб, иш-ҳаракат ва ундаги сутнинг оқиши кўз ўнгимизга келади".

#### **Чурей-пуфай кўшиғи**

Турай-пуфай, чурей-пуфай,  
Тўралайман, туриб тур.  
Кулоқлар солиб, тинглаб тур,  
Турай-пуфай, чурей-пуфай.  
Жоналар бетда жотқансан,  
Чоранангга ботқансан.  
Меҳнат қилиб тувгансан,  
Турай-пуфай, чурей-пуфай.  
Ақлинг бўлса, отлан, тур,  
Сенинг боланг ўлгандир.  
Турай-пуфай, чурей-пуфай,  
Кулоқлар солиб, тинглаб тур.  
Нима қилай жонивор,  
Жон овулда жотганда,  
Жонингда ўйнасиин боланг,  
Турай-пуфай, чурей-пуфай.  
Турай-пуфай, чурей-пуфай,  
Ариқ сувда жотгансан.  
Бола умид қилгансан,  
Турай-пуфай, чурей-пуфай.  
Сенинг боланг оққина,  
Уйқулари соққина.  
Турай-пуфай, чурей-пуфай,  
Товларда бордир гулхайр.  
Сутгинагни бизга қил хайр,  
Турай-пуфай, чурей-пуфай.  
**Бу турай-пуфай Аннамат бобо ҳаётлигида ёзиб олинган.**

#### **Чўпон кўшиғи**

Эломон-а, эломон,  
Кўй-эчки боқиб келаман.  
Ёргинамга етолмай,  
Кўз ёшларим сел омон.

Ҳаволар ёғар тов-товга,  
Йилқилар келар матовга.  
Ўн саккиз яшар қизгина,

## Халқ мақоллари, маталлари, топишмоқлар, тез айтишлар

Катта давраларда, ширин суҳбатларда кексалар томонидан сўзаро мақол ва маталлар, топишмоқларнинг ўз ўрнида ишлатилишига ва унинг нишонга бориб тегишига маҳлиё бўлиб қоламиз. “Мақол сўз кўрки” деб бежизга айтишмаган. Мақол ва маталларни ким ўз нутқида ишлатмайди, ундан кимлар баҳра олмайди, дейсиз. Ёшларимизнинг ота-боболаримиздек сўзга чечан, бийрон тилли, қироатхон бўлиб етишишини ҳисобга олиб, халқ оғизаки ижодининг мақол матал, топишмоқ ва тез айтиш каби турларига ҳам тўпладан ўрин ажратишга жазм этдик. Улар халқимизнинг ақлу фаросати ва тажрибасининг маҳсули бўлиб донишмандликнинг ноёб белгиси саналади.

Мақоллар жуда ихчам сермазмун ва таъсирчанлиги билан бошқа сўз санъатидан ажралиб туради. Мақоллар мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, у халқининг ақл-заковати, орзу ҳаваси ва руҳий ҳолатинини ўзида мужассам этади. Мақоллар давра суҳбатидан сўзловчидан сўзамоллик, ўткир зеҳнликни, топқирликни, тингловчидан эса зийраклик ва сезгирлик талаб қилади.

Топишмоқлар халқнинг тарихи ва маданияти, тили ва дилини дунёқарашини ўзида акс эттиради. Топишмоқлар яккама-якка икки гуруҳга бўлиниб мусобақа шаклида сўз баҳсига киритилади. Топишмоқнинг жавобини тополмаган тарафдан шахар ёки вилоят талаб қилинади. Ютқазган томон эса бунга осонликча рози бўлмайди. Яроқсиз, кераксиз шахарларни беришни раво кўради. Голиблар тавсия этилган шахарнинг бутун кирди-корлари ва хато камчиликларини пеш қилади. Тез айтишлар ҳам эртак ва топишмоқлар сингари жуда қадимийдир. Тез айтишлар кўпинча қофиядош сўзлар ва бир ҳарф билан бошланувчи қатор сўзлардан ташкил топган бўлади. Бу эса болаларнинг сўзларни тўйри ва чечан гапиришга ўргатади.

### Маталлар

Маталим, матик,

Эшагим жўртиқ.

Музларга минди,

Қуйруғи синди.

- Муз ака, сен нимадан зўр?
- Мен зўр бўлсам, кунлар эритармиди?
- Кун ака, сен нимадан зўр?
- Мен зўр бўлсам, бетимни булут қоплармиди?
- Булут ака, сен нимадан зўр?
- Мен зўр бўлсам, ҳаволар тешиб ўтармиди?
- Ҳаво ака, сен нимадан зўр?
- Мен зўр бўлсам, ерларга тушармидим?
- Ер ака, сен нимадан зўр?
- Мен зўр бўлсам, ўтлар туртиб чиқармиди?
- Ўт ака, сен нимадан зўр?

- Мен зўр бўлсам, бойларнинг капиги (қўйи) чертиб еярмиди?
  - Қўй ака, сен нимадан зўр?
  - Мен зўр бўлсам, жондорлар олармиди?
  - Жондор ака, сен нимадан зўр?
  - Мен зўр бўлсам, бойларнинг ити олармиди?
  - Ит ака, сен нимадан зўр?
  - Мен зўр бўлсам, ялоғимни қўнғизлар тешармиди?
  - Қўнғиз ака, сен нимадан зўр?
  - Мен зўр бўлсам, ўлигимни чумолилар таширмиди?
  - Чумоли ака, сен нимадан зўр?
  - Отангнинг олти ботмон буғдойини олти қирдан ошириб жийган мен зўр?
- Каллам нимага катта?  
 Давлатим зўр!  
 Белим нимага ингичка?  
 Меҳнатим зўр!  
 Орқам нимага катта?  
 Жийивум катта!  
 Мен зўр! Мен зўр!

#### **Топишмоқлар**

- Шу қишлоқда борми?
- Бор.
- Маҳаллада борми?
- Бор.
- Шу уйда борми?
- Бор.
- Жонинг борми, жони йўқ,
- Йўқ.
- Унда ҳозир топамиз!
- Топмасангиз шаҳар бериб,  
 Паст кўчага чопасиз.  
 Топишмоғим топ,  
 Топсанг олтин қоп.  
 Тополмасанг, шаҳар бердинг,  
 Паст кўчага чоп.  
 Паст кўчада гўнғхона,  
 Сенга жуда боп.  
 Чўкиб кет, бўкиб кет,  
 Ёпай ола қоп<sup>68</sup>.

#### **Топишмоқлар**

- Бодом каби япроғи,  
 Солланади бутоғи.

---

<sup>68</sup> Мустафоқулов Р. “Халқ Педагогикаси Сарчашмаси”. Термиз

Ўзи ширин туклигина,  
Мазаси тотлигина (шафтоли)

Сочи ўсган,  
Бели боғланган.  
Ифлосликка қарши чоғланган. (супурги)

**Айтувчи: Термизлик Искандар бобо<sup>69</sup>.**

### **Тез айтишлар**

Олти жуфт оқ чинни,  
Чойнакка тўрт жуфт.  
Кўк қопқоқ, тўрт жуфт,  
Кўк чинни чойнакка олти жуфт.  
Оқ қопқоқ ёпса бўладими?

Ўктам кўм-кўк, кўркам кўклам,  
Расмини кўм-кўк қаламда чизмоқчи.

Содиқ сочиққа сочини артадими?  
Сочиқ Содиқ сочини артадими?

Зан занжир анжир.

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,  
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Жўжа чўчиб, гўжа чўқир.

Човли симдан, човгум мисдан.

Етти юлдуз, етакан юлдуз,  
Темир қозиқ бир юлдуз.

Етти марта қайтариб айтса, савоб бўлармиш.

Олим Олимадан олма олдими?  
Олима Олимдан олма олдими?

Кўнғироқ кўғирчоқникими, кўзичоқникими?

### **Халқ оғзаки ижодида дафн-маросим айтим-қўшиқлари**

---

<sup>69</sup> Мустафоқулов Р. “Халқ Педагогикаси Сарчашмаси”. Термиз

**Йўқлов** - инсон кўз очиб дунёга келган кундан бошлаб алла билан кутиб олинса, ҳаётдан кўз юмган куни уни йўқловлар билан иззат-икромини ўз ўрнига қўйиш ҳам азалий одатлардан бири ҳисобланади. Мана шу алладан тортиб, то йўқловгача бўлган давр инсоонга бир маротаба берилувчи бебаҳо ҳаётдир.

Йўқлов шеърларда инсон қалбининг изтироблари, қайғу ва алам, дард кечинмалари ўз ифодасини топган:

Ўлтириб ерлар ўйилсин-а,

Ўйилсин, ерлар ўйилсин.

Наврўз куни онажонгинам,

Бойчечак бўлиб кўринсин-а.

Ўсмалар экким келади-ё,

Баргини тергим келади-ё.

Бугун Наврўз, меҳрибонимни,

Биргина кўргим келади-ё.

Йиғи ва йўқловлар тарихи жуда узоқларга бориб тақалади. Биз манба тўплаш жараёнида йиғи ва йўқловларни кўплаб биладиган ва юракни ларзага келтириб, айтадиган кексаларимизни ҳам учратдик. Оналар, аёллар, келинлар, опа-сингиллар йиғисида бешафқат ўлим туфайли айтилган нолишлар ўз ифодасини топган.

Уларда кўпинча аёлларимиз куйганликлари ва юрак-бағри эзилганликларини қўшиқ орқали изҳор қилишади. Баъзан йиғи вақтида оламдан ўтган ёш-ялангнинг дарди-алами устига йиғичининг ёки марҳумнинг бирор яқини кишиларидан ажралгани ҳам эсланиб кетилади: Масалан,

Отам қўйнида онам бор эди,

Мен отамнинг юрагида бор эдим.

Отам қўйнида онам йўқдур,

Мен энди отамнинг ёдида йўқман.

Айрим ҳоларда навбат билан бир киши йиғлайди, қолганлар унга жўр бўлишади. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Ҳатто айрим оғир касалманд киши, айниқса, аёлларимиз қизларига ёки яқинларига вафотидан сўнг ўзи ҳақида нима деб айтиб йиғлаш кераклигини васият қилиб ҳам қўйишади. Унда дунёга келиб яхши яшаб яхшилик кўргани, ё бўлмаса кимдандир хафалииғи, ё фарзандсиз ўтганлиги йиғидан ўрин олади.

**Айтиб йиғлаш**- "Йиғи", "Гўянда" ҳали-ҳануз Бойсунликларнинг кундалик ҳаётида кенг қўлланилиб келмоқда. Мотам оҳангидаги "Гўянда" алоҳида қўшиқ шаклига эга. Ҳаётдаги у ёки бу ҳолатни, ёки ҳодисани ҳикоя қилган ҳолда, қўшиқ ижрочининг унга боиган муносабати, ҳис-туйғуси ва кайфиятини изҳор этган. Яқин-яқингача "Гўянда" гуруҳ бўлиб ижро этилувчи "садр" (у худди қўшиқ оҳангига мос рақс ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетади) маросим ҳолатини қайта гавдалантириб, зарурий маросимий - ҳиссий оҳанг яратар эди.

Чўзиб айтиладиган ишқий қўшиқлар ҳам ўзига хос, масалан, чолғу жўрлигисиз "оғир оҳанг"да туянинг қадам ташлашини эслатувчи



карвончилар кўшиғи "Туя кадам" шулар жумласидандир. Унинг куйи ва ижро услуби мумтоз кўшиқларга яқин. Бу кўшиқлар ўтмишда катта хонандалар томонидан, маълум даражадаги саройларда ҳам айтиб келинган Хофрун, Сайроб, Айлангар, Яккатол қишлоқларидан олинган малумотларга кўра). Карвончилар кўшиқларидан бири лирик характердаги речитатив-декламатсион услубида якка-гуруҳ томонидан ижро этилган "Хавор-хавор" кўшиғидир.

Бойсун минтақасига хос бўлган ноамалий ёки сартланмаган кўшиқлар гуруҳини, улар ҳамма жойда ижро этадиган турли мавзудаги терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула каби жанрлар ташкил этади. Бу кўшиқ жанрлари ўз мавқеи, ижро услуби, мазмуни, куй тузилиши ва ривожи хусусиятлари билан ажралиб туради. Аксарият кўшиқлар якка ижрода чолғу жўрнавозлиги доира, дўмбира, дутор, айримларида чанг-кўбиз)да айтилиб олинган. Термалар содда шаклида куйланса, ашула жанри куй-оҳанг тузилиши ва нисбатан ривожланганлиги, шакли мураккаблиги, чўзиқ оҳангдорлиги, маълум даражада авж қисми мавжудлиги билан ажралиб туради;

Излаб изингиз топмасам,  
Йўқлаб тусингиз топмасам.  
Салласига термулиб,  
Онажонимга ўхшашин топмасам.

Илон бўлиб излайман,  
Қуён бўлиб ковлайман.  
Онажоним ҳидини,  
Энди кимдан ҳидлайман.

Бошимдаги рўмолни,  
Боғларимни билмайман.  
Онажоним дардини,  
Қандай айтишни билмайман.

Шоир бўлиб шеър битсам,  
Илхом бўлгин онажоним.  
Юрагимдаги дардимни,  
Айтсам билган онажон.

### **Лапар-муסיқий фольклор жанрига оид манбалар**

Лапарлар якка ижрода доира (дапп) жўрлигида, гоҳ жўрсиз (савол-жавоб тарзида), яллалар эса кўпинча рақс жўрлигида айтилиб келинган (рақслар ҳам Сурхон воҳасига хос жозибали характерида ижро этилади). Жумладан, "Якку - як" ёки "Шахала" кўшиқлари ўзининг ҳаётбахш, жозибадорлиги ва шўх-ғайратли куй-оҳангида ва услубида айтилиб, анъанавий эркак рақслари билан жўр бўлади. Сурхон воҳасида замонавий мавзу билан боғлиқ бўлган халқ кўшиқлари ҳам тарқалган, масалан, "Наврўз

келди", "Бойсунча", "Бойсунга кел" ва бошқалар маҳаллий шоирлар шеър матнлари асосида яратилган (аксарият кўшиқлар "кўшиқ" ва "ашула" жанрларида ижод этилган).

Лапар-мусиқий фольклор жанрида воқеабандлиги ва куй тузилиши жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган, тор диапазонили, нақоратсиз, чолғу жўрлигисиз айтиладиган кўшиқларга яқин. Икки тури мавжуд: 1) тўй маросими, халқ сайили, ҳашар каби йиғинларда йигит ва қизлар томонидан тарафа-тараф бўлиб диалог шаклида ижро этилади. Бунда даврадаги қизлар навбатма-навбат хоҳлаганига "Лапор солади", бунга йигит жавоб қайтариши керак. Мос жавоб қайтарилса, дастрўмол, белбоғ каби совғалар берилади. Лапарни махсус лапарчи аёллар бошқариб туради. Маросим Лапарларнинг куйлари, кўпинча, эпик тусда, нутқдош ёки куйчан оҳанларларда бўлади. Буларда, асосан, йигит ва қизнинг муҳаббат кечинмаларлари, орзу-умидлари акс этади, шунингдек, энгил ҳажв ва юмор ҳам кўшилиб кетади. Тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлган Лапарларнинг бу тури, асосан, Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоқистон ўзбеклари орасида кенг тарқалган; 2) ўйин Лапарлари Хоразим халқлари, Бухоро созандалари орасида "лабидан", "лаби учидан" айтиладиган, энгил характердаги кўшиқларга нисбатан берилган. Одатда, икки киши галма –галдан рақс тушиб ижро этади. Куйлар энгил, ўйноқи, жозибали бўлади. Якка кўшиқчи томонидан чолғу жўрлигида ҳам рақс билан айтилади. Халқ орасида "Қора соч", "Ойижон", "Қилпиллама", "Билак узук", "Наҳору нашта" каби Лапарлар оммалашиб кетган. Лапар ижрочиларидан Тамарахоним, Г.Отабоева ва бошқалар томонидан кўп айтилган. Халқ лапарлари ўзбек композиторлари томонидан қайта ишланиб, хор, вокал-симфоник, эстрада мусиқа асарларидан кенг ўрин олган. Лапар баъзан, кенг маънода, умуман кўшиқ тушунчасини ҳам ифодалайди<sup>70</sup>.

### **Сурхон воҳасининг ижодкор лапарчилари**

**Менгқобилбобо Исмоилов лапарчи**, 1927 йилда Шўрчи туман Янгибозор Қишлоқ Фуқаролар Йиғинига қарашли "Оққурғон" маҳалласида тўғилган. Менгқобилбобо ёшлигидан санъатга қизиқиб, кўпгина лапар ва рақсларни ўрганиб, маҳаллардаги тўй томошаларда ижро этган. Ижодий фаолияти даврида Республикамиздаги кўриктанловларда яхши натижаларга эришиш билан бир қаторда кўплаб ижодий сафарлар ва халқаро фестивалларда фаол иштирок этган. Жумладан: 2002 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор кўшиқ" фестивалида. 2003 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор кўшиқ" фестивалида. 2004 йил "Бойсун бахори- халқаро фольклор кўшиқ" фестивалида.

2005 йил Тожикистон Республикасида ўтказилган "Садои дилҳо" Халқаро фольклор кўшиқ фестивалида. 2007 йил 1-7 апрел кунлари Туркманистон Республикаси пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган "Халқаро фольклор ва театр санъати" фестивалида. Шунингдек,

<sup>70</sup> Ўз МЭ..5 том. 2002. Т.,226 Бет. Лапар.

Республика вилоят ва туманда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрам тантаналарида ва “Наврўз” умумхалқ байрам тантаналарида 1993 йилдан бери иштирок этиб, Республика халқи ва меҳмонлар олқишига сазовор бўлган. 2009 йил 1 май куни Тошкент вилояти Бустонлик туманида “Асрлар садоси” фестивалида, 2010 йил 9 август куни “Кухна ва боқий Бухоро” ёдгорлигининг очилиш маросимида фаол иштирок этган. Таниқли лапарчи, халқ оғзаки ижодиётининг етук намоёниси, машхур саънаткор Менгқобилбобо Исмоилов 2013 йил 2 августда вафот этди..

**Сафарова Қизларсора** момо лапарчи, Шўрчи тумани “Сауртепа” маҳалласида 1935 йил туғилган. Шўрчи тумани 1-сон Сауртепа маҳалласида фаолият кўрсатаётган “Қалдирғоч” бадиий жамоаси иштирокчиси. 2008 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18-йиллигига бағишлаб ўтказилган “Шоир ва бахшилар” анъанавий кўрик фестивали иштирокчиси. 2005 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган “Фольклор ансамбллар” кўрик – танлови иштирокчиси. 2007 йил “Бойсун баҳори” очик фестивалида ва башка вилоят ҳамда республика кўрик танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

**Бойқўчқоров Хуррам Эшқувватович** Ангор тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида 1954 йил 8 март туғилган. Бахшичилик авлодлардан қолган мерос бўлиб, устози 1980 йилдан отаси Бойқўчқоров Эшқуват. Ижод намуналари асосан халқ термаларидан иборат туман ва вилоят миқёсидаги халқ сайлларида, байрамларда, тадбирларда иштирок этиб келмоқда.

**Хўшбоқова Орзугул** Ангор тумани Ангор туман Занг ҚФЙ “Гилямбоб” маҳалласи Аллачи. Ижод намуналарида миллий ўзликни англаш, ўзликни номоён этишнинг оғзаки анъаналар ва шакиллардан ўринли фойдаланиб, туман ва вилоят маданий тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

**Туропова Мавжуда** Ангор туман “Хўжақия” маҳалласи Аллачи. Ижод намуналарида миллий ўзликни англаш, ўзликни номоён этишнинг оғзаки анъаналар ва шакллардан ўринли фойдаланиб, туман ва вилоят маданий тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

**Дўрмонова Холдона** Хўшбоқова Ангор туман Занг ҚФЙ “Гилямбоб” маҳалласи Аллачи. Ўзликни номоён этишнинг оғзаки анъаналар ва шакллар бўйича ижод қилади.

**Қоралиева Бибидур** Ангор туман “Хўжақия” маҳалласи Лапарчи. Ижод намуналарида миллий ўзликни англаш, ўзликни номоён этишнинг оғзаки анъаналар ва шакллардан ўринли фойдаланиб, туман ва вилоят маданий тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Йиғлаб кирди ўтовга.

### **2.3. Халқ оғзаки ижодида термалар**

Сурхон воҳасининг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш жараёнида бир фикрнинг тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Саксон яшар, ҳатто ундан ҳам катта ёшдаги кексалар болалар ўйинлари, терма ва кўшиқларини дарҳол ҳеч иккиланмай

янглишмасдан айтиб бера олишди. Халқ термаларининг ҳам мавзу доираси кенг қамровлидир. Уларда халқининг шоду-хуррамлиги, золимларга қаршии кураши, нафрат ва ғазаблари акс этади. Халққа жабр-зулм ўтказган ҳукмдорларга, ё халқ ёқтирмаган шахсларга қарши яратилган термалар ҳам талайгина. Меҳнаткаш халқ энг оғир кунларда бошига тушган дақиқаларни ҳам ашула қилиб куйлаганлар.

Термаларда халқ ўз дардини мисралар бағрига сингдириб юборган. Уларда кимга ва нимага шама қилинаётганлигинини тизма сатрлардан англаб олиш у қадар қийин эмас. Масалан:

Ҳоё ҳоёга тушдим,  
Шоли пояга тушдим.  
Пешонамдан айланай,  
Аммамнинг улига тушдим.

### **Бахшилар куйлаган термалардан намуналар**

#### **Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев**

##### **Ойпари термаси**

Куннинг кўзи қамашди,  
Ой йўлидан адашди.  
Қирқта сулув кейинида,  
Кўринг паривашни.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Йўл боради буралиб,  
Қир қолади қиралиб.  
Кўксидаги тугмаси,  
Кўйлагига тиралиб.  
Чирмовиқлар қикирлар,  
Оёғига ўралиб.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Суяги сирқирайди.  
Ияги зирқирайди.  
Тугмасига эргашиб,  
Жияги ялтирайди.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ канизда илгари.

Сочбовлари егилиб,  
Борар юзи очилиб  
Нилдай бели эшилиб,  
Бораяпти шошилиб.  
Бойчечаклар боради,  
Ковушига қўшилиб.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Куйиб келар кураги,  
Ийиб келар ияги.  
Тошни сийпаб ерларга,  
Тегиб келар этаги.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Қоши ойнинг ўроғи,  
Киприклари яроғи.  
Сермаб кетиб боради,  
Қиличмикан тароғи.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Тилгинанг мойлансин-да,  
Белгинанг бойлансин-да.  
Ҳа-ха деганда уйингга,  
Қирқ каниз жойлансинда.  
Инграб келар Ойпари,  
Қирқ каниздан навқари.

Бўзлаб борар Гулбадан,  
Элнинг дарди элган тан.  
Нағмадан адашдингма,  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

Дўмбирангнинг қўш тори,  
Узилиб ҳам кетдима.

Турғайнинг сайрагани,  
Бузилиб ҳам кетдима.  
Ана келар Ойпари,  
Қирқ каниздан илгари.

**Устозим**  
**Хушбоқ бахши Мардонақуловга**

Ҳали-ҳали эсимдадир,  
Дўмбирамнинг созлари.  
Нағмасига нола қилар,  
Кулга қўнган ғозлари.

Икки торда жўр овоз,  
Сайхун билан Жайхундай.  
Кўз олдимга келар эди,  
Бепоён чўл пайма-пай.

Номошомда бошлар эди,  
Кўзин юмуб дostonни.  
Калит солиб очар эди,  
Гўёки бир бўстонни.

Кўрар эдим Алпомишни,  
Бойчиборни қисташин.  
Кўрар эдим Ойбарчинни,  
Сулув қизлар устасин.

Нор билакли полвонларга  
Кийса ярашар чопонлар.  
Кўйни ҳайдаб келар эди,  
Савлат тўкиб чўпонлар.

Достон айтса ғамли кунга,  
Кўшма тор бор эшилиб.  
Эл йиғларди бахши йиғлар,  
Достонига қўшилиб.

Овозига қойил қилиб,

Биз кўзлардан толардик.  
Кетмас эди кўп одамлар,  
Созига қойил қолардик.

Бошини тўлғаб айтар эди,  
Қўлда сози гул бўлиб.  
Чини билан айтгандан сўнг,  
Усти боши хўл бўлиб.

### Темир йўлга аталган

Бу кўхна Сурхонга ҳар куни,  
Жайхун дарёсининг ҳавоси келур.  
Тоғлар орасидан бўкириб,  
Юк тортган поезднинг овози келур.  
Эл қувонмай ким қувонсин юртбошим,  
Бу йўлни кўрганнинг ҳаваси келура.

Дўмбира чертиб тирноқлардан сўтилдик,  
Ватан учун доим хизматга отилдик.  
Узоқ йўлни яқин қилиб бердингиз,  
Ҳар бир вагон ташвишидан қутилдик.

Мустақиллик шамоллари эсиб ўтди,  
Техникалар бу тоғларни кесиб ўтди.  
Ўзбекистон 23 баҳорни босиб ўтди,  
Сурхон элга яқин йўллар насиб этди.

Яхши отни қанча чопсак дами бор,  
Ёмон отни қанча чопсак ками бор.  
Ахир ўзбекнинг ўзиб бек деган номи бор,  
Жаҳон таниди Ўзбекистонни.  
Энди ўзбекнинг нима ғами бор.

Достон айтсам ҳолсираб лаб қотган йўқ,  
Ёмон созни бахши қўлга тутган йўқ.  
Эгри айтмай тўғри айтай юртбошим,  
Ўзбек элда сиздай подшо ўтган йўқ.

Достон айтсам кўнгли яримга ғам келади,  
Куйиб айтсам бу кўзларга нам келади.  
Жаҳон тан берди убуғи Ўзбекистонга,  
Осмон остида ер устида сиздай подшо кам келади.

Шукур айтсам куруқ қайтмасак овиимиз бор,  
Ўтов тиксак маҳкам тутган бовумиз бор.  
Сиздан умидимиз ҳали каттадир.  
Ҳали бизнинг сиздай орқа товумиз бор!

90 қирса қор босади тоғлар бетини,  
Босган қор тинмай берар элга сутини.  
Ватан учун, юрт учун, эл учун,  
Сурхондарё, Қашқадарё доим қамчилади отини.

#### **Дўмбирам. Абдиназар Поёнов бахши.**

Ўзинг ёғоч икки торинг ичакдан,  
Қиз-келинлар сулуводир тақинчокдан.  
Шода-маржон дуру-гавҳар мунчокдан,  
Тўй-йиғинда сира тушма кучокдан.  
Дилга ором роҳат бўлган дўмбирам,  
Сени чертсам сўзим селдай куйилар.  
Олтмиш икки оқ томирим суйилар,  
Давраимизга эли-улус жийилар.  
Сен сайрасанг бошқа гаплартийилар,  
Хаста дилнинг кири кетиб чойилар.  
Кўшиғимга қанот бўлган дўмбирам,  
Тулпордай чопарсан ҳайда-ҳайларга.  
Йўл оласан қанча нағма куйларга,  
Меҳмон бўлдик салтанатли жойларга.  
Сўзи ширин саховатли бойларга,  
Хизмат қилдик гурғумали тўйларга.  
Хўш халоват роҳат бўлган дўмбирам,  
Сознинг сеҳри даволайди хастани.  
Савдога тўлдириб неча растанни,  
Шўрчи элда кўрдим улуғ устанни.  
Ул излайди қари ўрик, пистани,  
Оти Ҳусан айтсам кўпдир достони.  
Сўм ёғочдан сулув бўлган дўмбирам,  
Уста Ҳусан сени жўнди наққошлаб.  
Бахшиларга тортиқ қилди бағишлаб,



### **Келдим (терма)**

Бургутдай парвозли бўлиб қаноти,  
Хур озодлик оромижон раҳати.  
Олам кезиб бошланди дўстлик суҳбат,  
Завқ-кувончли ўтсин ҳар бир соати.  
Довруғи дoston Францияга келдим,  
Узатса юлдузга етди қўллари.  
Орзу севинчга тўлиб кўнгил-диллари,  
Дўст биродар бўлиб жаҳон эллари.  
Яна мавжланди ипак йўллари,  
Гўзал шаҳар нурли зиёга келдим.  
Бағишлайин қўшиғим яхшисини,  
Қизиқ қилиб ўтказсин намоишини.  
Ҳурмат айлаб барча кишисини,  
Чақирбди ўзбекнинг бахшисини.  
Кучоқ очиб меҳригиёга келдим,  
Баралла ошди қалбим севинч ҳаваслари.  
Нур таратиб ёғдули баланд-пастлари,  
Қуюқлашиб урфи-одат мерослари.  
Жаҳонда чемпион фуболистлари.  
Оламда ягона бир дунёга келдим.  
Ойимиз бир туну-кун қуёшимиз,  
Севинчлардан тоғдай бўб бардошимиз.  
Алпомишдай хайрли юришимиз,  
Авжлансин тобора бориш-келишимиз.

### **Қизирик**

Тўлқинланиб бугун айтайин баёт,  
Яхшилар бор экан гўзалдир ҳаёт.  
Тупроқларинг олтин элимга тўё,  
Боғу-бўстонимсан юртим қизирик.  
Навқирон ўттиз ёшинг, тўйинг муборак,  
Сенда бордир қанча валий бузурук.  
Инсонлар ҳамиша меҳнатдан улуғ,  
Халқи орасида юзлари ёруғ.  
Мева, гиёҳларинг танларга фориғ,  
Тилда дostonимсан юртим Қизирик.  
Навқирон ўттиз ёшинг, тўйинг муборак,  
Асли номинг Қизирик чўл дараси.  
Шеробод ҳам занг каналнинг ораси,  
Қорасуву истаранинг ўраси.  
Жаннат маконимсан юртим Қизирик,  
Навқирон ўттиз ёшинг тўйинг муборак.  
Кўксимда сайрайди мероси созим,  
Кўкларга етди учсам парвозим.

Жаҳонга таралди қўшиқ овозим,  
Баланд нарвонимсан юртим Қизириқ.  
Навқирон ўттиз ёшинг тўйинг муборак,

### **Чорша бахши ўтдими?**

Баҳор келиб куртак туйган ғунчалар  
Тоғ бағрида ускан яшил арчалар  
Мактабидан уйга қайтган бачалар  
Тандирда нон ёпаётган чечалар  
Ангордаги одам тўла кўчалар  
Шу ерлардан Чорша устоз ўтдима?  
Алпомишдай от елдириб кетдима?  
Қадимда қурилган қўрғон қалъалар  
Шу замонда қад ростлаган бинолар  
Бир-бирига қичқиришган болалар  
Адирларда ускан гули-лолалар  
Эй беҳисоб қумли дашту далалар  
Шу ерларда Чорша устоз ўтдима?  
Қумларингда из қолдириб кетдима?

### **Ўзбек кураши**

Йўл очди қодир худойим  
Чор тарафга қулай қойим  
Нурга тўлди адир сойим  
Кенг жаҳонга доврўқ солиб  
Мустақиллик байрами тўйим  
Барча қишлоқ даҳаларда  
Губирлаб дўмбира куйим

Муродга етсин ҳар киши  
Омон бўлсин марднинг боши  
Ватанга нурын таратиб  
Истиқлолимиз қуёши  
Кенг жаҳонга манзур бўлди  
Халқимизнинг намоиши  
Бутун дунёга юз тутди  
Ўзбекнинг мардлик кураши  
Даври келиб ушалмоқда  
Ўтган Алиларнинг хоҳиши

Ўзбекнинг минган тулпори  
Бўшалиб занжирин узди  
Алпомишнинг чиборидай

Пойгада отлардан ўзди  
Гўрўғлининг кўк ғиридай  
Душманнинг қалъасин бузди  
Майдонда мардлар кураши  
Бутун жаҳон бўйлаб кезди  
Даври келиб полвонларнинг  
Орзулари қанот ёзди.

### **Она сени ҳар кун кўргим келади**

#### **Мамарасул Эшимов**

Ўн ёшимда она мени гангитин,  
Шундан бери дойим кўргим келади.  
Кўрарман деб қабир йўлин чангитим,  
Она сени ҳар кун кўргим келади.

Мен учун дананг ёйда ийилган,  
Икки йиллаб оқ сутинг тоглаймдан қуйилган.  
Бемаҳалда бошинга кўпчилик қаб жийилган  
Она сени ҳар кун кўргим келади.

Кўзи сукдеб кўкрагимга тумор остирган,  
Кўнглинг чўкиб кетмасин деб кўтариб кучлим ўстирган.  
Энди ўзинг юргин деб той-той қилиб қадам бостирган,  
Она сени ҳар кун кўргим келади.

Юзларимга кўзи тушса опоғим деб қувонган,  
Мени учун тол бешига қўл ошириб суйанган.  
Ширин-ширин уйқулардан неча марта уйнаган,  
Она сени ҳар кун кўргим келади.

Саҳар саҳар номоз ўқисин деб уйқудан турган,  
Молга бор деб менга пийалаб қаймоқ берган.  
Мендан ҳозир қандай халоватлар қурган,  
Она сени ҳар кун кўргим келади.

### **Бойсун (терма)**

Саҳар саҳар шилдираб овоз берар булоғи,

Баҳор келса тов бетида мачирашар кўзи улоғи.  
Шу довушди тусайди дойим одамнинг қулоғи,  
Шундай овозлар бордир Бойсуннинг.

Кўй эчкининг сути қатиқ чалоби,  
Еганларнинг ҳосил бўлар тилаги.  
Макон қурғон келиб домула кулаби,  
Шундай улуғлари бордир Бойсуннинг.

Белги қилғон келиб ҳазрати Али,  
Ҳар келганда кишнар экан дулдули.  
Бир томонида бордур султон вали,  
Шундай дардга давоси бор Бойсуннинг

Ризқи учун осмондан бўлар томиш,  
Тома-тома кул бўлиб ўсади хамиш.  
Ўн асирлик дoston бўлган Алпомиш,  
Алпомишдай дostonи бодур Бойсуннинг.

Элати бор сурувлар боғлар чарвани,  
Тоғаралаб давиш қил келди карвони.  
Жаҳон бўйлаб сайил қилган полвони,  
Сайил қилган полвони бор Бойсуннинг.

Элати бор ҳар ҳил тузни тотмайди,  
Тотса агар унинг куни ўтмайди.  
Таърифни қанча айтсам етмайди,  
Адо бўлмас таърифи бор Бойсуннинг.

**Сурхонданман Сурхондан**  
**Шодмон бахши. Шеробод тумани**

Айтайин сизга чиндан,  
Эмасман Чинмочиндан.  
Чирой очар кун-кундан,  
Эшилиб тингланг мендан.  
Сурхонданман Сурхондан.

Ҳеч қилмаганман миннат,  
Муҳаммадга мен уммат.

Меваси зардан қиммат,  
Кўрсанг боғлари жаннат.  
Сурхонданман Сурхондан.

Келсанг бўлмайсан хаста,  
Теринг чиқар бир паста.  
Эли тандирга уста,  
Бобо товдан тер писта.  
Сурхонданман Сурхондан.

Ҳар куни тўй базими,  
Чақирсак келасизми.  
Бол десак оласизми,  
Олтинсойнинг узуми.  
Сурхонданман Сурхондан.

Теккан Ҳизир назари,  
Меҳмонга йўқ озори.  
Кучлидир ор номус-ор,  
Тенгсиз Денов бозори.  
Сурхонданман Сурхондан.

Ой Ҳосила куйлаган,  
Булбул мисол сайраган.  
Эшитган дил яйраган,  
Қиз бўлиб от ҳайдаган.  
Сурхонданман Сурхондан.

### **Дўмбирам**

Бобо мерос соз ушласам қўлима,  
Сўз бўлоғи қайнаб келсин тилима.  
Терма, дoston айтар бўлсам элима,  
Булбулдайин сайраб чиққин дўмбирам.

Ижод қилдитм эл ичидан изланиб,  
Кўшша торинг кўшилғонда созланиб.  
Нағма қилдинг келинчакдай нозланиб,  
Чини билан яйраб чиққин дўмбирам.

Тоғларингда бўктар-бўктар қоринг бор,  
Мен билувдан чаноғингда сўринг бор.  
Алпомишдай номусинг бор оринг бор,  
Мардларингни кўйлаб чиққин, дўмбирам.

Авлодларим сени чолиб айтгандир,  
Қодир бахши дуо бериб кетгандир.  
Зўр бўлсин деб қора чори кутгандир,  
Устозлардай қайнаб чиққин дўмбирам.

### **Мустақиллик туфайли**

Юрт айланган бахши шодон хуш бўлди,  
Мустақиллик жуда атаб иш бўлди.  
Кекса келиб кўрса кўнгли хуш бўлди,  
Юртимизга Ислом ота бош бўлди.  
Бу ифтихор мустақиллик туфайли.

Термиз ота кучоқ очди элимга,  
Сайид Ваққос нур таратди йўлимга.  
Алпомиш қувват бўлди белимга,  
Бу бардамлик мустақиллик туфайли.

Шодмон айтар юрагида борини,  
Жўр қилади қўшиғига торини.  
Абдулла полвон босди жаҳон зўрини,  
Ор ..... мустақиллик туфайли.

Мустақиллик муродларга етказди,  
Ғам-аламни қалбимиздан кетказди.  
Бойсун тоғдан поезд йўлни ўтказди,  
Буюк ишлар мустақиллик туфайли.

Юртга ғаразгуйлар қолмагай омон,  
Истиқлол туфайли гуллади замон.  
Сенда яшаб сени соғинар Шодмон,  
Бор умидим мустақиллик туфайли.

### **Чанқовузни ким чалди**

**Қодир бахши:**

Боди одам юрар экан керилиб,  
Майдан кирган олишади турилиб.  
Чалаяпти чин дилидан берилиб,  
Айтгин Хушбоқ чанқовузни ким чалди.

**Хушбоқ бахши:**

Майли айтай бугун ширин сўз билан,  
Қўлимдаги қайнар сумбул соз билан.  
Чалаяпти уч юз олтмиш ноз билан,  
Чанқовузни бир келишган қиз чалди.

**Қодир бахши:**

Куй эшитган юзга кириб қарийди,  
Эл ичига Хўтай Ҳизир дорийди.  
Қулоғимга товушлари порийди,  
Қара, дўстлик чанқовузни ким чалди.

**Хушбоқ бахши:**

Наҳмалари касал танга доридай,  
Ой юзлари мисли мисқол поридай.  
Оқ тишлари жаннатларнинг хуридай,  
Чанқовузни бир тўлишган ноз чалди.

**Тўркан дарё**

Сенинг номинг Туркан дарё,  
Боболарим кўрган дарё.  
Чиндан худо берган дарё,  
Менга илхом берган дарё.

Оқаябсан йироқлардан,  
Тудаланиб булоқлардан.  
Шовқинларинг кетмас,  
Уқласамда қулоқлардан.

Қирғоқларда тоза ҳаво,  
Шамолларинг дардга даво.  
Бир кўрмасам соғинаман,

Шилдираган куйи наво.

Дийди егин Туркан дарё,  
Абадий буб турган дарё.  
Булутлари осмонда-ю,  
Ўзи сойда юрган дарё.

Ҳар жойда йигитни тўртлик барори бўлсин,  
Вада қипсузиза турари бўлсин.  
Ҳар ишда режаси қарори бўлсин,  
Данкасалик ёмон хунари бўлсин.

### **ДЎМБИРА ҲАҚИДА ТЕРМА**

Анваров Исмоилхон бахши томонидан куйланган.

Ҳеч ками йўқ оҳангда  
Тан олиниб жаҳонда.  
Устаси зўр думбирам  
Шу ҳам сенинг баҳонгда.  
Бахшиларга завқ берар  
Сени қўлга олганда деб.  
Дўмбирага баҳо берган.  
Соз ичида сардорисан дўмбирам,  
Бахшиларнинг тулпорисан дўмбирам.  
Сурхонимнинг гавҳарисан дўмбирам.  
Сени чертдим тирноқ билан,  
Икки торинг қулоқ билан.  
Дардлашасан юрак билан.  
Куйла менинг дўмбирам.  
Бахши чоринодан карсан косаси.  
Боги эрамнинг гилосидан дастаси.  
Нормуроддир сени йўнган устаси.  
Шул устада йўнилади юзтаси.  
Юзтасидан Исмоилга тушди биттаси.

### **ДЎМБИРАМ**

**Сафар бахши Шайдилов**

Сумбул созим олмуртдан жунилган.  
Товушингга мухлис меҳри конилган.  
Сени билан бахшилар Эл-юртига танилган.



Бахшиларни дoston этган думбирaм.  
Дaврaларни бустон этган думбирaм.  
Бир тaнaгa мoс жунилгaн хaр ёгинг,  
Чиройинггa чирой бергaн буёгинг.  
Шaмoл эссa сaдo берaр чaнoгинг,  
Шaббoдaдaн илхoм oлгaн думбирaм.  
Куйиб дoston aйтсaм тoвдaй куллaдинг  
Жилaб aйтсaм мeнинг билaн жилaдинг,  
Кўнгли яримгa тoвдaй кўнгил тилaдинг,  
Кўнгли ярим кўнглин oвлaб кeлгaн думбирaм  
Элим учун бeлим бoглaб кeлгaн думбирaм.

### **ЎЗБЕГИМ ПОЛВОҢЛАРИ**

Билaги тулиб тoшaр,  
Рaқибин aқли шoшaр.  
Мaйдoнгa шeрдaй тушaр,  
Ўзбeгим полвoнлaри,  
Aсл aлп ўғлoнлaри.

Юрт тинчлиги тилaги  
Сирa тoлмaс билaги.  
Ер кўрмaгaн курaги,  
Ўзбeгим полвoнлaри,  
Aсл aлп углoнлaри.

Рaқиб кучин тoлдирaр  
Элини шoд кулдирaр.  
Ор учун чил илдирaр,  
Элимнинг шункoрлaри  
Ор олиб берaр нoрлaри.

Мaйдoндa шeр юрaкли,  
Ушлaсa йўлбaрс билaкли,  
Бaри Aлпoмиш кeлбaтли  
Ўзбeгим полвoнлaри,  
Aсл aлп ўғлoнлaри.

### **Деврангелди бахшининг ижодидан намуналар.**

Дегишмa aйдим  
Бир қaришли ёвaдaн чийшaм,  
eндaн ёзгa хoвaндaрим йoқ мeниң.  
Хeр нaхaрдa ярим литр ичмeсeм,  
Ёзим aғзинг aчиб, aғзиң ёзим япмaсaм.  
Гулли кaсaң қиррaсиндaн ёпмeсeм,  
Ятиб туриб хич қaрaрим йoқ мeниң.  
Нирa гитсeм сeниң билaн гидeрин,

Сен бар ера мен хем бариб етерин.  
Сен йолдашим мақсадима етерин,  
Сенден башқа досту ярим йок мениң.  
Мен отгуз яшимда, сенем қирқиңда,  
Иченден соң қоймиярсиң эркимда.  
Бугун менем жуванлариң дестинда,  
Сенден башқа кирдикарим йок мениң.

Бахши бу термасыда хазил аралаш одамларнинг шаробга бўлган мойиллигини яққол ифодалаган. Терманинг қисқача мазмуни шундан иборатки, шаробхўр одам шаробдан бошқа нарсани ўйламаслиги уни ўзига дўст деб билиши мақсадига етишини таъкидламоқда. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки терманинг охириги куфлетиде шаробхўр ўттиз ёшидалиги уқтирилмоқда. Бу мисрадаги сўзлардан шаробхўрнинг ёлғизлигини англаш мумкин. Бахши томонидан яратилган яна бир термада ўзи туғилиб ўсган кишлоғини таърифлаганини англаш қийин эмас.

Дослар айиң начаси,  
Навшаҳаринг көчаси.  
Зухра билан Тахиринг,  
Дурмуш қуране гижеси.

Тойлариңиз мубарак болсин,  
Яшларимиз бахтлижа болсин.

Сурхан илиң марали,  
Ач юзиңи гөрели.  
Мараллиғиң чин болса,  
Комсомол курали.

Тойлариңиз мубарак болсин,  
Яшларимиз бахтлижа болсин.

Каняк билан шампани,  
Панқилдатиб ачали.  
Яшларимиз шанина,  
Юз граммдан атали.  
Тойлариңиз мубарак болсин,  
Яшларимиз бахтлижа болсин.

Хулоса қилиб шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, аждодларимиз хаётида бахшичилик санаъти анъана бўлиб келмоқда. Ўтмишдан куйланиб келаётган халқ дostonлари ва бахшиларининг ижодий меросларини, яъни қадриятларимизни имкон қадар сақлаб қолиш лозим. Ота-боболаримиздан қолган мерос бугунги кунда ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Сурхон воҳасида туркманларнинг фольклор анъаналари ҳам ўлмас мерос бўлиб бахшилар томонидан сақланиб келмоқда. Нодир санъатлар туридан жой олган бахшичилик санаъти воҳа фольклорининг равнақ топишида ўз ўрнига эга бўлиб қолмоқда.

### **Халқ термалари**

Менми ғариб, сенми ғариб,

Тоғларда гиёҳни терган.  
Икки кунлаб йўл қарайман,  
Онажонимни соғиниб.

\*\*\*

Тегирмонни тошиман,  
Қирқ йигитни бошиман.  
Агар отам ўқитсалар,  
Қирқ йигитнинг бошиман.

\*\*\*

Онаси ўлмаган ким бор,  
Отаси ўлмаган ким бор?  
Ўз юртидан чиқиб кетиб,  
Сарсонлар бўлмаган ким бор?

\*\*\*

Турон узра ёйилган,  
Ям-яшил гўзал гилам,  
Ушбу гилам устида,  
Ўғил-қизлар ўйнашган.

\*\*\*

Чаман-чаман гул лола,  
Гул лолога бор лола.  
Гул лолани теролмаган,  
Ялқов, латта, бўз бола.

\*\*\*

Тош устида ўйнадим,  
Бор овозим-ла сайрадим.  
Дўқима ҳам қарамади,  
Ўзим ҳар ён суймадим.

\*\*\*

Олма баргин тўкалур,  
Юрсам акам сўкадур.  
Кўп сўкманг акажоним,  
Беш кун умрим ўтадур.

### **Халқ термалари**

Ҳаводаги хулкарман,  
Бадавлатга навкарман.  
Уч кунликка ишим бор,  
Тўрт кунликда бекорман.

Майнонақда маконим,  
Таги тимда дўконим.  
Ўроқ ўргани кетди,  
Қизилсойнинг деҳқони.

Майда-майда, мой босар,  
От ўрнини той босар.  
Отадан ўғил қолса,  
Ўлмаса ўрни босар.

Майрам ўзи – яхши қиз,  
Ошга қатик, нонга туз.  
Пиёзвонга пиёз қиз,  
Хўжасига ниёз қиз.

**Мусурмонкулов Муроджон Махмутович.** 1990 йилда Сурхондарё вилояти Ангор тумани Қорасув қишлоғида туғилиб, тумандаги 5-мактаб ҳамда 1-сон Термиз шағри Академик лицейида ўқиб, 2014 йида Термиз давлат университетини тугатди. Ижод наъмуналари матбуот нашрларида чоп этилган. 2013 йилда Тошкентдаги “Тафаккур” нашриётидан “Бахт остонаси” номли шеърлар тўплами чоп этилиб, ушбу тўпландан намуналар тақдим этилмоқда.

### **Ўзбекистоним**

Сенсан ер-у сувим, сенсан осмоним,  
Бағрингда эканман, йўқдур армоним.  
Фидо айлай сенга тандаги жоним,  
Менинг Ватанимсан - Ўзбекистоним.

Сен эрур борлиғим, жону-жаҳоним,  
Сенсан менинг бугун, хону-султоним.  
Қалдирғоч соғиниб, келган маконим,  
Менинг Ватанимсан - Ўзбекистоним.

Гуллагин, яшнагин порлоқ диёрим,  
Барқарор тинчликдир менинг шиорим.  
Ҳамма ҳавас қилар нурли бўстоним,  
Менинг Ватанимсан - Ўзбекистоним.

Мадҳингни сўзлашга ожиздир сўзим,  
Чиройингни кўриб тўймайди кўзим.  
Сени ардоқлайман эй ёруғ юзим,  
Менинг Ватанимсан - Ўзбекистоним.

### **Сурхон воҳаси**

Алпомишнинг чин издошлари,  
Биз бўламиз Сурхон ёшлари.  
Барчинойдай гўзал беғубор.  
Воҳамизда ундайлар кўп бор.

Йигитлари бақувват даёв  
Тинч кунини бузолмайди ёв.  
Чанқобузни чалса гар биров,  
Давра қилиб олишар дарров.

Йиғилишса улар ҳар сафар,  
Қойил қилиб айтишар лапар.  
Тинчликнида куйласа хофиз,  
Боғда булбул бўлади ожиз.

### **Онамга ўхшагин**

Мен боғбон бўлайин, сен бўлгин гулим,  
Сен билан туташсин келажак йўлим,  
Биргина илтимос, сўз айтар тилим,  
Онамга ўхшагин, эй суюклигим.

Онамни суй аввал, менданда кўпроқ,  
Онам асли меҳр, тилаклари оқ,  
Орзулар қаноти ўзингсан бироқ,  
Онамга ўхшагин, эй суюклигим.

Ватанни севишни ўргатган онам,  
Ҳаромдан ҳалолни ажратган онам,  
Сендай чиройлини топганлар онам,  
Онамга ўхшагин, эй суюклигим.

## **2.4. “Бадаш” ижроси ва миллий-маънавий қадриятлар**

### **(Ўзбек миллий дostonчилигида “Бадаш” ижроси ва унинг миллий-маънавий қадриятлардаги аҳамияти)**

Ўзбек миллий мусиқаси жуда бой тарихга эга, асрлар давомида миллий мусиқамизнинг мақом, лазги, катта ашула, бахшичилик сингари турлари ривож топиб келди. Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси Икром Умаров тадқиқотларига кўра, Сурхон воҳасида миллий мусиқамизнинг *бадаш* деб номланган йўналиши қайта илмий таҳлил қилинди ва илмий асослаб берилди. Илмий тадқиқотчи Икром Умаровнинг бевосита розилиги билан ушбу тадқиқотни монографиямизнинг мазмун ва илмий моҳиятини ёритишда китобхонлар учун тўғридан-тўғри тақдим этдик. Куйида ана шу йўналиш ҳақидаги илмий таққотчи кўйидаги илмий фикрларни баён этди.

Бадаш – *оҳанг, куй, нола, наъма (наъма)* сингари тўрт усулнинг биргаликда даф (чилдирма, доира, шевада дап, дапп Б.М.) билан

ифодаланишидан ҳосил бўлади. Ҳар бир усул бир нечта компонентдан иборатдир.

**Оҳанг** – 3-7 ёшдаги болалар, мактаб ёшидаги болалар, балозат ёшига етган қизлар, катта ёшдаги аёллар, йигитлар ва ёши улуг эркакларнинг овоз чиқариб кўшиқ айтишига айтилади. Ижрочиларнинг ёши ва жинсига қараб жами 6 компонентдан ташкил топган.

**Куй** – танбур, чанг, рубоб, дутор, афгон рубоби, қонун чанги сингари чолғу асбоблари томонидан чиқарилади. Унда ишлатиладиган мусиқа асбоблари сонига қараб у ҳам олтига компонентдан ташкил топади.

**Нола** – оғизга кўйиб чалинадиган мусиқа асбоблари – чанқовуз, сибизик (сибизга), хушпуллоқ (лойдан ясалган оғизда пуфлаб чалинади) ва най томонидан чиқарилади. Баъзан уни чанқовуз ноласи ёки най ноласи деб ҳам аталади. Нолада ишлатиладиган мусиқа асбоблари сонига қараб тўртта компонентдан ташкил топган деб ҳисоблаш мумкин.

**Нағма** – дўмбира, рубоб, гижжакнинг чалинишидан ҳосил бўлади. Дўмбира нағмасидан чиққан куй ашула билан бирга янграйди. Унда учта мусиқа асбоби ишлатилади. Шу боис у учта компонентдан иборат бўлади.

Хуллас, бадаш – жами 19 та компонентдан ташкил топган. Таъкидлаш керакки, куйда ҳам, нағмада ҳам рубоб ишлатилади. Аммо бундан компонентлар сони 18 та экан деб хулоса чиқармаслик керак. Негаки, бадашнинг асосий чолғу асбоби доира ҳисобланган. Доира билан бирга бадаш 19 та қисмдан иборат бўлади.

Дала тадқиқотларимизга кўра, XX аср ўрталарига қадар бадашни Кўҳитанг хатакилари (Кўҳитанг этакларида жойлашган Хатак қишлоғи аҳолиси. Б.М.) ижро этиб келишган. Қадимда бадашнинг 50 га яқин тури мавжуд бўлган экан. Шулардан 10 га яқин тури доира билан ижро этилган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, доира бадашнинг хатакилар мусиқа санъати йўналишида асосий тур бўлган, деб ҳисобладик.

Доира бадаши бошқа жойлардаги доира усулларида анча фарқ қилиши билан ажралиб туради. Жаҳон мусиқасида *до, ре, ми, фа, со, ля, си, до* ноталари бор, Кўҳитанг хатакиларининг доира бадашида бу вазифани “*биж-дон-да, биж-дон-биж*” садолари бажаради дейиш мумкин. Бошқача айтганда, қадимий аждодларимиз Европада нота ихтиро қилинган пайтлардан илгари ёки ундан нари-берида доира бадашнинг ижро этиш учун алоҳида ўзига хос “нота” ўйлаб топгандирлар, эҳтимол! Муаллиф билан суҳбатда бўлган олий маълумотли мусиқа мутахассислари бадаш куйларини Европа нотасига туширишга уриниб кўрдилар, аммо натижа чиқмади. Бу, демак -- яна бир бор бадаш ижро этиладиган “нота” ўзига хос ноёб тузилишга эгаллигини кўрсатади.

Қизиқ бир ҳолат: доира чалишни билмаган аёл хатакиларда тузук одам ўрнида кўрилмаган, ҳатто буни кўрс-жоҳиллик аломати ёки одобсизлик кўриниши деб ҳам тушунилган. Шу сабабки, оилада нечта аёл бўлса, ўшанча доира сақланган ва қизлар болалиқдан доира чалишга ўргатиб борилган. Ҳар бир аёл тўйга ўзи билан доира олиб борган. Улар доирада 50 га яқин бадашнинг чалишни билганлар, шунга мос рақс ижро эта олганлар.

Бадаш айтадиган аёл қизил сатиндан парпар ёқали кўйлак ва лозим кийиб, қасаба деб аталадиган бош кийими устидан оқ шалпат рўмол ёпинган. Оёқларида садаф тугмали нўғай кавуш бўлган. Беш поялик исирға осилган иккала қулоқ атрофидаги соч гажакдор қилиб кўйилган. Бўйнида эса хапаванд (хапамад) мунчоқ ярашиб туради, кўйлак ёқаларига жаҳак тикиб, устидан ялтироқ тунукадан ясалган тугмалар парпар кўйлақларнинг ёқасидан кўйигача зеб беради.

Бадаш санъати Наврўз (хатакиларда *сумалак байрами* дейилган) ва ҳосил байрамларида, суннат ва никоҳ тўйларида ижро этилган. Бунинг учун катта ва текис майдон тайёрлаб кўйилган, кечкурунлари майдоннинг ўртасига катта гулхан ёқилган. Майдоннинг бир томонида эркақлар туришган, у ерда кураш мусобақаси ўтказилган, уни *олиш* дейишган. Аввал ёш болалар, сўнгра ёши катталар даврага тушиб кучини синаб кўришган. Майдоннинг бошқа томонида эса аёллар тўла айлана шаклини ҳосил қилиб бадаш ижро этишган. 20-30 ва ҳатто 50 тагача аёл доира чалади. Шунча доирадан бир такт бўлиб чиқаётган текис ва салобатли зарблар киши руҳиятига ўзгача таъсир қилиб, унинг кайфиятини кўтаради. Бармоқ ва кафтлар зарбидан доира теграсидаги саноксиз нукра ва мис халқачалар тиник жаранглаб доира бадашининг жозибасини янада оширади. Доиралардан маромли ритмда таралган жозибали ва жарангдор “биж-дон-ба, биж-дон-биж” садолари узоқ-узоқларга эшитилиб туради. Бу -- доира бадаши. Доирани умумий маромга кўшилиб чала олмаган иштирокчи даврандан чиқариб юборилган. Доира садолари остида рақсга тушган бошқа аёллар катта шолпат рўмолнинг учларини кўллари билан гоҳ сўлга, гоҳ ўннга бир маромда ташлаб ўйнаганлар. Баъзан ёғоч қошиқлар билан рақс тушишган, унда соч ўриш, ўсма кўйиш, кескан ош пишириш, ойнага қараш каби ҳаракатлар ҳам акс этган.

Никоҳ тўйларида эса бадаш бошқачароқ ўтказилган. Унда келин отга миндирилиб куёвнинг уйига олиб кетилаётган вақтда бадашчи аёллар худди парадгаддек уч қатор бўлиб туришган ва куёвнинг уйига қадар доира чалиб боришган.

Тўйлар шу тариқа ўзига хос гўзал бир суратда ўтган. Бадаш ижро этилган вақтда ҳар қандай одам унинг таъсири остида жуда катта бадий-эстетик завқ олган, маънавияти бойиган. Эл бадаш санъатида меҳр-мурувват, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, поклик, тантилиқ, яъни, ўзбек халқига хос бўлган барча инсонийлик фазилатлари ўз аксини топган деб билган. Кўшни овул ва қишлоқлардан тўй-ҳашамга келган меҳмонлар хайратланиб, «хатакиларнинг заб санъати бор экан-да», дейишган.

Доира бадашида фақат аёллар иштирок этиши асосий қоида эди. Унда кайвони аёллардан бири бошловчилик қилиб, ҳар бир бадаш турининг вужудга келиш тарихини сўзлаб берган. Шундан сўнг доира бадашлари ижро этилган. Эркақларнинг аёллар билан бирга рақсга тушишига руҳсат этилмаган. Эркақлар майдоннинг бошқа томонидан туриб бадашни кўриб, ундан завқ олишлари мумкин эди.

Хатакиларнинг байрам ва тўйларида қарсақ чалиш одати бўлмаган. Негаки, фақат мотам маросимида, яъни ўлган одамнинг майити устида аёллар қарсақ чалиб йиғлаганлар. Қарсақ мотам удуми бўлганидан бадашда ишлатилмаган.

Умуман олганда, Европа ва Осиёда *музика* деб юритиладиган санъат турини бу элда *бадаш* деб аталади дейиш мумкин. Кўҳитанг хатакиларида азалдан мавжуд бўлган ўзига хос бу мусикий маданият маҳаллий халқ ҳаётининг барча соҳаларини ўзида акс эттирган, яъни у аҳолининг кундалик турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган.

Шу ўринда бадаш санъатининг фавқулодда улкан ва таъсирчан тарбия воситаси бўлганлигини ҳам яққол кузатиш мумкин: масалан, бадаш орқали одамларга мавсумий ишлар ўргатиб борилади, меҳнат қилиш йўллари кўрсатилади, келгусида қиладиган ишлари эслатиб турилади, шунингдек, аҳоли ўртасидаги турли можаро, уриш-жанжалларни қон тўкмасдан тинч йўл билан ҳал этиш воситалари айтиб турилади ва ҳоказо...

Қуйида бадашнинг айрим турлари ҳақида маълумот берамиз.

**Кўш ҳайдаш бадаши** – Наврўз байрамида айтилади. Халқни ўз вақтида экин-тикин қилишга чорлаш вазифасини бажарган. Бошловчи даврада йиғилганларга мазкур бадаш турининг пайдо бўлиш сабабини тушунтиради. Адолат момо Қўнғиротованинг айтиб беришича, ушбу бадашнинг асосий қахрамони кўшчи йигит. Кўшчи йигит бошига қалпоқ, оёғига мўкки кийган, устига тик(чит)дан тикилган желак ва иштон, белига белбоғ боғлаган. У омочни хўкизнинг бўйнига маҳкам бойлайди, узун хивични олиб “чу, жонивор!” дейди ва қуйидаги кўшиқни қуйлайди:

**Кўш ҳайдагин йўл билан,  
Бел боғлагин қўл билан,  
Катта тошлар ағдариб,  
Чақил<sup>1</sup> томон ташланиб.  
Кўш ҳайда кўшиқ айтиб,  
Ўроқни кўшиб айтиб,  
Чақир йигит-қизларни,  
Олсин бошоқни териб.**

Кўшчи йигитнинг чорлови билан ёш йигит ва қизлар барчаси далага келишади. Узоқ қиш даврида бир-бири билан кам кўришгани сабабли хушчақчақлик қилишади, айрим йигит-қизлар ўртасида бир-бирларига нисбатан севгу-муҳаббат пайдо бўлади. Хатакилар шеvasида севги-муҳаббат, ошиқ-маъшуқлик дейилганда кўпроқ *мойил* сўзи ишлатилган.

Мазкур бадаш ота-оналарни фарзандларининг катта бўлиб қолганлиги ҳақида огоҳлантиради, ёшлар оила қуриш учун мазкур йилда яхши меҳнат қилишлари ва кўпроқ ҳосил олишлари лозимлигини эслатади.

**Катта бадаш** – Ҳосил байрамларида айтилган. Бадашнинг энг оғир тури ҳисобланади. Катта бадаш ижро этилиши олдидан бошловчи унинг пайдо



бўлиш тарихини айтади. Шулардан бири ҳақида Адолат момо куйидагича хикоя қилади:

--Бир замонлар эрта баҳорда хатакиларнинг ўттиз хўжалиги қишлоқдан овулга кўчади. Эшвой исмли довьорак бир мерганнинг оиласи шуларнинг бири эди.

Мерганнинг гўзал синглисига уйланган куёви кўшни овулдан меҳмон бўлиб келади. Бир куни Эшвой иззатли куёв ва икки қариндошини олиб овга чиқади. Тоғда улар арслон боласига дуч келиб қоладилар ва тўртовлон бир бўлиб йиртқични ўлдирадилар. Аммо Эшвой мерганнинг куёви бу олишувда ҳалок бўлган эди. Эндигина тўрт ойлик келинчак бўлган Эшвойнинг синглиси яна ўз овулига қайтиб келади.

Шу орада она арслон боласининг ўлимига чидай олмай ўч олмок ниятида кечаси овулга хужум қилади. Овулда яшовчи аҳоли арслондан кўркмай итлар ёрдамида бараварига унга ёпишадилар. Шу вақт Эшвой мерган ёстикни суруққа<sup>2</sup> маҳкам ўраб уни кунжут мойга ботиради. Кейин ёстикни ёндириб арслоннинг юз-кўзини мўлжаллаб ташлайди. Арслон куйиб ўлади. Арслонни сўйишади ва ҳар бир киши унинг гўштидан бўлиб олади. Ҳар бир оила ўз ўтовининг эшиги олдида ўра қазиб, унга арслон гўштини кўмиб қўяди. Агар шундай қилинмаса, арслон гўштини уч кун сурункасига еган ит қутуриши мумкин экан. Ўрага кўмиб қўйилган арслон гўштидан сизган қон тупроққа сўрилиб кетади. Одамлар эса то ушбу гўшт тугагунига қадар, яъни 30 кун давомида ўрадан шернинг гўштини ҳар куни оз-оз олиб итларига едиришган. Шу йўл билан итлар сақлаб қолинган.

Катта бадаш мазкур ривоят орқали одамларга куч бирликда эканлигини кўрсатиб беради, шу билан бирга аҳолини уй ҳайвонларини эҳтиёт қилишга ўргатади.

Одамлар арслонни ўлдиришда хизмати жуда катта бўлган мерганни кўлларида кўтариб, бир неча марта осмонга ирғитиб олқишлайдилар. Шундай офатдан қутулганликлари шукронасига сумалак қўйишга қарор қиладилар. Сумалак шу давргача фақат қирғин, кулфат, офат ва бошқа шу каби балолардан сақланиш учун қўйиб келинган экан. Энди эса сумалакни “аҳил ва бирдам бўлайлик, бир-биримизни ҳурмат қилайлик” деган маънода қўйишибди.

Шундай қилиб буғдой чиғилнинг<sup>3</sup> устида уч кун кўкартирилиб, униб чиққанидан сўнг сумалак пиширишга киришилади.

Ҳамал ойи бўлгани учун ҳамма экин экиш билан банд эди. Эшвой мерган ва унинг Тошвой деган ошнаси далага кўш ҳайдагани чиқишади. Адирнинг бир томонида мерган, 20 қадамча нарида ошнаси ер ҳайдар эди. Шунда Тошвой:--“Ошна, ишингизни тугатдингизми, сумалакка бормаймизми? -- деб сўрайди. Мерган: “Озроқ қолди, бироз сабр қилинг”, дейди.

Ўша давр удуми бўйича кимнинг турмушга чиқмаган ёки тул қолган қизи-синглиси бўладиган бўлса, у ҳақда ҳар хил гап-сўзлар бўлмасидан олдин тезда турмушга узатиши шарт эди. Ўшанда Тошвой гарчи оилали бўлса-да, ошнанинг тул қолган синглисига анча кўнгли кетиб турган пайти

эди. Шунданми бирпасда шайтонлиги кўзғаб, кўлларини карнайга ўхшатиб тутади ва мерганга қарата икки марта шундай дейди:

**Во лолвол, во лолвол,  
Во лолвол, во лолвол,  
Эшвойникида ҳилол бор,  
Эшбойникида ҳилол бор.**

Буни эшитган мерганнинг жаҳли чиқади ва кўш ҳайдашни такқа тўхтатади. Ўзини ҳақоратлагани учун Тошвойни майдалаб ташлагиси келади. “Синглимни кўшиққа кўшиб мени поймол қилди, кўзига кўрсатаман”, деб ғазаб отига минади. Лекин ўзини босиб уйига жўнайди. Тошвой ҳам қилиб кўйган ишидан пушаймон бўлиб уйига қайтади.

Эшвой уйига боргач, синглиси офтобани олиб чиқади. Эшвойнинг хотини сочиқ келтиради ва қайинсинглисидан офтобани олиб эрининг кўлига сув қуяди.

Эшвой хотинига қараб: “Онамни чақир”, дейди. Она келади. Аммо Эшвой онасига бирор нима деёлмайди.

Сўнг тўнини кийиб синглиси ва хотинига сумалакка бормасликни тайинлаб онаси билан бирга беш уй нарида бўлаётган сумалакка боришади. Сумалак пиширилаётган ўчоқнинг бир томонида оқсоқоллар, бир томонида аёллар, яна бир томонида болалар ўтиришган эди.

Хавотирланган Тошвой ҳам сумалакка етиб келади. Шундан сўнг Эшвой мерган Тошвойнинг онасига қарата:

**Ассалом дейман, эй, хола-хола,  
Сумалак муборак, эй, хола-хола.**

**Кўшнилар ахилу доно бўлсин,  
Экин-тикинлар расо бўлсин.  
Сумалак баҳона келинг меҳмона,  
Бу эскидан қолган асл рисола.**

**Машаққатда пишириллар сумалак,  
Нонга суртилиб ейилар сумалак.**

**Сумалак ейишга чақирай сизни,  
Кўлига узалманг ул нозли қизни.**

**Ҳа, сахий бўлинг, эй, хола-хола,  
Сахийликдан сизга мисра ҳавола.**

**Сахийлик дўппидек бошдан жой олур,  
Бахиллик ковушдек оёқда қолур.**

**Ёз кўнгилни қишдек қилур совуқ сўз,  
Тош кўнгилни эритади илиқ сўз.**

Бу билан Эшвой мерган ошнасини танқид қилаётган эди. Шундай қилиб бадаш одамларни бир-бирига хушмуомала бўлишга, кечиримлиликка чақиради, сумалак қўйилган вақтда аразлашиш яхши эмаслигини кўрсатади. Бу билан Эшвой ошнаси гарчи синглисини қўшиққа қўшиб мазах қилган бўлса-да, уни кечирганлигини, уйига меҳмон бўлиб келиши мумкинлигини, тул қолган синглиси уларга сумалак берса ҳам уялмаслигини англамоқчи бўлади.

Эшвойнинг онаси вазиятни тушунди ва Тошвойга қарата деди:

**Ана тоғда бир арча,  
Менинг болам бойвачча,  
Шикор бориб келибди,  
Ажойиб иш қилибди.  
Ана тоғлар камани<sup>4</sup>,  
Юлдузларнинг санами,  
Мунча ҳам соғинтирди,  
Тезроқ келмай бемаъни.**

Бу ерда онанинг фарзандига меҳри баён этилган. Она ўз ўғлини таъриф-тавсиф қилиш баробарида унга қарата: “Қутурган арслонни ўлдириш билан бутун қавмни қутқариб қолган қахрамонни нега ҳақорат қилдинг!” демоқчи бўлади. Бу сўзлардан сўнг тавбасига таянган Тошвой ошнасининг оёғи олдида тиз чўкиб кечирим сўраган. Хуллас, бадаш сўзлари “Таёқлашманг, пичоқлашманг, ҳар қандай низони сўз билан ҳал қилинг, аҳил ва меҳрибон бўлинг, гина-кудурат қилмай узрли бўлинг, кечирим сўранг” деган маъноларни англашга ундайди!

Бошловчи катта бадаш тарихини айтиб бўлиши билан доирачилар айлана шаклда ерга ўтириб олишади ва доираларини сизга маълум “нота” асосида чалишади.

**Ўйин бадаш** – Тўйларда ижро этилади. Ўнта ёки йигирмата бадашчи айланиб юриб доира чалади. Бир сафга тизилган доирачилар ўнг ёнбошга биргаликда ҳаммаси эгилган ҳолда доираларни жўрликда чалиб умумий ҳаракат билан секин-секин силжиб айланаверганлар. Издихом (йиғин, жам бўлиш, тўпланиш. Б.М.) пайти доира айланаси ва кийимлардаги тақинчоқлар ҳам ўзгача оҳангларда овозлар чиқаради. Бир киши қўшиқ айтган, қизлар эса ўйин тушган.

**Араз бадаш**(баъзан қудалар айтишуви ҳам дейилади).-- Бошловчи араз бадашнинг пайдо бўлиши ҳақида сўзлаб беради. Адолат момонинг айтишича, қадимда бир уламонинг қизи бўлган экан. Қиз турмушга чиқиб фарзандлик бўлади. Яна бир амалдорнинг ўғли ҳам фарзанд кўради. Икки чақалоқни ният билан кўтаришиб бешиккерт қилишади, яъни унаштиришади. Аммо, шундай бўладик, йиллар ўтиб 17 ёшга тўлган қиз билан йигит бир-бирини истамайди. Ўртада жанжал чиқади. Оқибатда бўлғуси қудалар аразлашиб қолади. Оқсоқол, кайвони, бошқа ёши улуғ инсонлар уларни яраштиришади.

Мазкур тўйда қўлланган усул кейинчалик урф бўлганлиги ҳикоя қилинади. Араз бадашда ўн киши бир томонда, яна ўнтаси бошқа томонда

туриб доира чалади. Бир киши эса кўшиқ айтиб туради. Шундай қилиб араз бадаш унаштириб кўйилган йигит ва қизни яраштиришни, бу ишда эл оқсоқоллари ва жамоатчилик бирдек масъул эканлигини ифодалайди.

**Яраш бадаш** – араз бадашдан кейин куйланадиган бадаш. Бунда икки доирачи кўлларини бир-бирларининг кўлтиғидан ўтказиб доирани чалади. Баъзан доираларини бир-бирларига худди уриштираётгандек қилиб кўрсатишади. Гоҳида ярашганликларининг белгиси сифатида бир-бирига орқа томондан елка кўйиб доира чалишган. Бир киши кўшиқ айтган. Бадашнинг мазкур турини Хатакнинг Жулга гузарида яшовчи аҳоли ижро этишган.

**Куёв келди бадаши** – одатда келиннинг уйига куёв келган вақтда чалинади. Унинг вазифаси келинни сепи билан олиб кетиш маросимини тўла ифода этишга қаратилган бўлган. Бадаш айтувчи келин-куёвнинг ота-онасига никоҳ тўйи қоида ва расм-русумларини тушунтиради. Бошқалар ҳам эшитиб ибрат олиши учун куёв томоннинг вазифалари, урф-одатларга амал қилишнинг аҳамияти, келиннинг ота-онасига эса қизининг тарбиясидан тортиб то бериладиган сепига қадар бирма-бир эслатади. Бир киши кўшиқ айтиб туради:

**Қаранг, қудалар, қаранг,  
Куёв тўра келадир.  
Юзи анор, кўзи хумор,  
Қўли гул, чевар қизга.  
Мўйловини ёй этиб,  
Куёв тўра келадир.  
Боғи чаман, боғи чаман,  
Куёвга тўн,  
Келинга тўққиз<sup>5</sup> бичаман.  
Тўшанг поёндозларни,  
Бошланг зиёфатларни,  
Куёв тўра келадир.**

**Йўл бадаш нима дейди?** – чолғусиз ижро этилган. Мазкур бадаш ўз фарзандини урушга кузатган оналар, эри жангга йўл олган аёллар томонидан айтилган. Аёл дала-даштнинг соясиз очиқ жойида бўлиб ёки меҳнат қилиб юрган вақтида кўрсаткич ва ўрта бармоқларини томоғига сокин маромда тез-тез уриб кўшиқ куйлаган:

**Ана тоғлар тоғмикан?  
Кўланкаси зоғмикан?  
Боргуч-келгуч бормикан?  
Мени болам соғмикан?**

**Чанқовуз ноласи** – бадашнинг бу турида фақат чанқовуз иштирок этади. Уни чалиш услуби бошқа жойлардагидан фарқ қилган. Бошқа туркий уруғларда фақат ўнг кўлнинг кўрсаткич бармоғи билан чанқовуз чалинган

бўлса, хатакилар ўнг қўл кўрсаткич бармоғига қўшимча чап қўл чимчилоғи ҳамда номсиз бармоқни ҳам ишлатганлар. Бошқа кўчманчилар чанқовузда фақат куй чиқаришган бўлса, хатакилар куй билан бирга оҳанг ҳам чиқарганлар. Чанқовуз бадашларида аввал қўшиқ айтилган, сўнгра эса чанқовуз чалинган.

**Чанқовуз ноласи ва она алласи** – бунда она аллани чанқовуз жўрлигида айтади. Чанқовуз ноласи она алласига ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Чанқовузда чалинган она алласи болани тинчлантириб, унинг тўйиб ухлашига олиб келган.

**Алла десам ётарму,  
Алла, жоним, алла.  
Пар ёстиққа ботарму,  
Алла, жоним, алла.**

**Дикир-дикир юрсин шул,  
Алла, жоним, алла.  
Шунга тикон урмасин,  
Алла, жоним, алла.**

**Осмондаги юлдузим.  
Алла, жоним, алла.  
Қўлда тилло узугим,  
Алла, жоним, алла.  
Сув бетида сойдиним,  
Алла, жоним, алла.  
Эл ичида ойдиним,  
Алла, жоним, алла.**

**Кўзи холли бандани,  
Шунга кўзи тегмасин.**

**Алла, жоним, алла.**

**Чанқовуз ноласи ва кўзи маъраши** – Эрта баҳор, айниқса Наврўз кунларида момолар куйлашган. Бундан кўзланган мақсад -- ўғиллари балоғат ёшига етаётган чўпонларга ўз фарзандларини уйли-жойли қилиб наслини давом эттириши, бунда ўз маҳалласи қизларини бегона қилмаслиги лозимлиги эслатилади.

**Қўй келади кўзи билан,  
Ҳай, ёр-ёр, айланай!  
Бир-бирини изи билан,  
Ёр-ёр, айланай!**

**Қўзиларни изини кўр,  
Ҳай, ёр-ёр, айланай!**

## Ҳамсоияни қизини кўр, Ёр-ёр, айланай!

Бугунги кунга келиб доира бадашини айтиш деярли тўхтаб қолди, турлари унутилиб бормоқда. Биз юқорида келтирган бадаш турлари, уларнинг “нота”си ва кўшиқлари Ангор тумани марказида яшовчи Адолат момо Қўнғиротовадан ёзиб олинди.

А. Қўнғиротова 1932-йили Сурхондарё вилояти, Шеробод туманининг сўлим гўшаси – Хатак қишлоғида туғилган. Ёшлигидан миллий мусиқага қизиққан. Тошкент маданий-оқартув техникумини тугатган. Миллий чолғу асбобларидан доира ва чанқовуз чалишни яхши ўрганган. Халқимиз қадимий удумлари ва маросимларнинг етук билимдони ҳисобланади. У Сурхондарё маданиятини ривожлантириш ва юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган эди. Масалан, 1972-йилдан 1988-йилгача Ангор-Музработ туманларида бевосита момо ташкил этган “Гўзал”, “Чашма”, “Табассум”, “Ғунча”, “Янгиариқ гуллари”, “Гулдаста”, “Парвоз”, “Баҳор”, “Ёшлик”, “Орзу”, “Юность” вокал-чолғу эстрада дасталари ҳамда “Наргиз”, “Лола”, “Пари”, “Бадаш”, “Шифокор” ансамбллари узок йиллар фаолият кўрсатган эди. Опанинг хизматлари туфайли Ангор туманидаги “Табассум”, “Ғунча”, “Орзу” дасталари халқ ансамбли унвонларига сазовор бўлишди.

Бадаш санъатининг келиб чиқиш тарихи ҳали яхши ўрганилмаган. Дастлабки тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, бадаш санъатининг илдизлари қадимги турклар давригача бориб тақалади. *Бадаш* атамаси энг қадим аждодларимизнинг сўзлашув истеъмолида бўлган *бадар* сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қадимги турк тилидаги *badar* – 1. “енгил шовқин”; 2. “урмоқ”; *badar qil*- “мушт билан урмоқ” каби маъноларни англатади<sup>6</sup>.

Шу билан бирга, бадаш санъатида иштирок этувчилар фақат аёллар бўлганлиги унинг туркий муҳитда вужудга келганига ишоратдир. Сибирда яшовчи туркий элатларда аёлларнинг доирани таёқ билан уриб рақсга тушишлари бугунги кунга қадар сақланиб қолганини ҳам эсласак бўлади. Бадашнинг кечки пайтда катта гулхан атрофини айланган ҳолда ижро этилиши ибтидоий эътиқодлар, шунингдек, зардуштий ота-боболарнинг маросимларига бориб тақалишини кўриш мумкин. Ғарбий Осиё сўфийларидаги доира чалиш ҳамда зикр тушиш (бир-бирини қўлтиқлаган ҳолда ёнбош билан доира ҳосил қилиб бир маромда айланиш) усули кўп жиҳатдан бадашни эслатади. Унда бадашдан фарқли ўлароқ фақат эркаклар иштирок этади. Бу усулни, айтиш мумкинки, мўғуллар истилоси туфайли Мовароуннаҳрдан кетишга мажбур бўлган сўфийлар олиб боришган. Дикқат билан кузатилса, бадаш билан боғлиқ айрим атамалар бевосита суфийлик билан боғлиқ. Бадашнинг асосий компоненти бўлган *назма* арабча *наъма - куй , оҳанг*<sup>7</sup> сўзидан келиб чиққан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бадаш санъатининг илк илдизлари Ўзбекистон ҳудудига ислом дини кириб келишидан кўп асрлар олдин вужудга келади ва XI-XII асрларда тўлиқ шаклланади.

## Изоҳлар

1. *чақил* – хатакилар шевасида майда тош.
2. *суруқ* – ўтовнинг туйнугидаги кигизни очиш учун ишлатиладиган икки метрлик таёқ-чўп.
3. *чигил* – буғдой ва арпани тозалаш учун ишлатиладиган элаксимон рўзғор буюми. Совурилган буғдой чигилдан ўтказилади, буғдойи тушади, хашаги эса ажралиб қолади;
4. *каман* – тоғда ўсадиган доривор ўсимлик
5. *тўққиз* – турмушга чиқаётган қиз учун тайёрланган сеп. У тўққизта турли мато ва тақинчоқлардан иборат бўлган. Унинг ичига: келин кийиб юриши учун 10 та оддий рўмол, 10 та майда рўмол, 5 та катта рўмол, 4 та ўрта рўмол, шунингдек, адрас, шойи, атлас, чит, сатин, ойна, исирға, билагузук, ҳапамад ва бошқалар кирган. Бозордан сеп учун олиб келинган мато ва тақинчоқлар *кола* деб аталган. *Кола* – хатакилар шевасида янги сотиб олинган мато, атир-упа, тақинчоқлардир. Сеп олиш учун бозорга кетган вақтда “*колага кетди*” дейилган. Бозордан қайтган вақтда:--“матолдингми?”-- дейишмаган, балки:-- “*кола олдингми?*” -- деб сўрашган.



Бадашчи  
тақинчоқлари



аёлларнинг

Адолат момо чанқовуз бадашени чалмоқда



Адолат момо  
бадаш айтмоқда



Қўнғиротова йўл



Адолат момо доира бадашини ижро этмоқда

### **Достонларда акс этган кўпқари**

Ўзбек миллий достончилигида аск этган кўпқари инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзора қўшничилик, мардлик, жасурлик, ор-номус, севги-вафо ғояларни ўзида мужассасм этган. Ушбу манбаларни таҳлил қилиш жараёнида ёш иқтидорли тарихчи-этнограф Икром Умаровнинг илмий тадқиқотларидан ўринли фойдаланилди. Илмий изланишларга асосланиб, ўзбек халқи миллий анъаналарига хос кўпқари халқни ҳушёрликка, меҳнатсеварликка ундаш билан бирга, табиатга меҳр, жозотларга инсонийлик тўйғуси билан қараш, от инсони йўлдоши, ҳайвонлари ичида вафодори, кўриқчиси, қийин вазиятларда суянчиғи, жангларда мадаткори, йигитни ору-номусини сақловчи, ҳимоячиси, душманга қарши нафрати эканлиги достонларда кўйлаб ўтилгандир. Бахшилар дўмбираси чалинган куйлар оҳангида Она заминга эътибор, оилани ризқ насибаси, севги вафо ифратини ҳимоя қилишда отни ўрни бекиёс эканлиги кўпқари туфайли ифода этилгандир. Достонларда ўзбек халқининг севимли машғулоти бўлган кўпқари Сурхон воҳаси Кўҳитанг тоғ олди қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳаётида энг қизиқарли ақлий ва жисмоний кучни синаб қуриш туфайли доимий ўтказилиб келинган. Бу мусобақа халқ орасида қадимдан ўтказилиб келинганлиги достонларда ўз аксини топган. Кўпқари Вандоб, Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Лайлагон, Эгарчи, Чиғатой, Бойбулоқ, Чарводор, Истара, Жалоир, Тўда, Чорбоғ, Бешкутон, Пошхурт, Қорабоғ, Зарабоғ, Сина, Сангардак, Боғлидара, Олатемир, Жобу, Какайди, Бандихон, Тошлинурт, Чилонли, Тангидара, Қорлуқ, Хўжамулк, Бешэркак, Занг, Бедак, Калапўшқия, Таллошқон, Катта Хатак, Калламозор, Зараутсой, Хўжа Анқо ота номли каби қишлоқларда миллий халқ ўйинлари сифатида кадрланиб келган. Кўпқари тўғрисида турили хил ривоятлар достонларда ўз ифодасини топган, масалан. тўрт ака-ука Кўчак, Шер, Баймоқ ва Хидирлар ўз от ва йилқиларини йўқотиб қўйиб, уларни излаб тоғма-тоғ ошиб келиб уларни Боғли дарадан топишади. Бу сўлим, гўзал, серўт тоғ оралиғидаги осуда, ҳар томонидан тоғлар билан ўралган оромгоҳ гўша уларга ёқиб қолиб кўчиб келишган. Уларнинг қарийб тўққизинчи пушт авлоди бу

ерларни обод қилиб, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб яшаб келишмоқда. Ҳатто, қадимий афсоналарда ҳам йилки ва отлат ҳайдаб келган икки ака-ука бўлмиш аждодлари ҳам тарихнинг суронли асрларидан бирида онасининг йўл кўрсатмалари асосида яшаб ўтишганлиги қайд қилинган.

Достонларда акс этган кўпқари халқ сайларида, “Наврўз сайли”да, суннат тўйида, ҳавасманд кишиларнинг никоҳ тўйида, биринчи фарзанд, невара кўрганида кўпқари ўтказилишини ният қилганларнинг атаган совринлари ва мақсадлари, аҳолининг ўзаро ўртага қўйган қимматли совринлари асосида ташкил қилиб ўтказилган. Ишқибоз чавандозлар ўзаро келишиб ўз совринларини ўртага қўйишиб “Гаштак кўпқари” турини ҳам ўтказиб туришган. Ҳавасманд томошабинлар ҳам бу турдаги кўпқари соврини учун ўз ҳимматлари бўйича совға-соврин қўйишиб уларни янада қизиқтиришган. Бахшилар томонида қўйланган кўпқарини ўтказишда “Халқ кенгаши”, “Тўй кенгаши”, “Гаштак кенгаши”, “Ният қилган оила кенгаши”да келишиб олишган. Аҳоли ўртасида: “Кенгашли тўй тарқамас”, дейилувчи, чуқур фалсафий мушоҳадага ундовчи халқ моқоли достонларда баён қилинган..

Юқоридаги кенгашларда, хусусан, халқ оқсоқоллик кенгашида ўтказиладиган кўпқари, унинг баковуллари, бериладиган борғу<sup>71</sup> совринлар, кўпқари ўтказилиш жойи, соврин тарқатувчилар келишиб олинган. Тўйлар учун кенгашларда ҳам халқ оқсоқоллари, қариндош-уруғлар, халқ фаоллари кенгаш ташкил қилиб келишиб олишган. “Тўй кенгаши” деган алоҳида тўй олди меҳмон чақириқ ўтказилган. Уларда бошқа қишлоқлар, ўзбекнинг бошқа уруғлари яшовчи қишлоқлардан тўйга чақирилиши лозим бўлган човоғон<sup>72</sup> чавандозларга ҳам ўтказиладиган тўй унинг санаси, ўтказиладиган кўпқариси ҳақида, кўпқари жойи ҳақида олдиндан хабар берилган, тўйга айтувчи киши махсус жўнатилган. Ўз навбатида тожик халқи вакиллари, шу атрофдаги Хомкон, Гуржак, Лайлагон, Эгарчи, Калламосор, “Лойлик”, Панжоб, Сайроб, Шерободдан Пошхўрт, Қорабоғ, Зарабоғ, Шержон яшовчи бошқа уруғ чавандоз-полвонлари ҳам бу тўйларда иштирок этишиб, ўзларида ўтказилажак тўйларга бу ҳудуд қатағон полвону чавандозларини таклиф қилиб келишган. Тўйларда доимий ўзаро борди-келди бўлиб туришган, Кентала қатағонлари билан ҳам ўзаро ўзларини амаки ҳисоблаб, борди-келди қилиб туришган.

Кенгашда кўпқари баковулини элнинг ҳурматли, ёши улуғ, собиқ чавандозлардан тайинлашган. Баковул икки соҳа бўйича тайинланган. Биринчи баковул: кўпқарига, унинг тартибли ўтишига чавандознинг ҳалол айирганини белгилаб турувчи, тартиб ўрнатувчи ҳисобланган. Иккинчи баковул: Борғу (соврин) ларни тайинловчи, тақдим қилувчи ҳисобланган. Биринчи баковул кўпқарига ташланган бузоқ, така ёки улоқни тўдадан алоҳида айириб қоча олганини, унга ёндош бўлиб тортишиб ҳеч бермаган, ҳеч ким унга ета олмаган ҳолатида тўдадан айириб қочганида “Ҳалол!”-дея

---

<sup>71</sup> Борғу-соврин

<sup>72</sup> Чавоғон-чавандоз (чопоғон, чопувчи)

хитоб қилган. Чавандознинг бир ёнида яна бир отда чавандоз бўлиб, у ушлашиб, тўдадан айрилиб иккиси тенг кетганида ноҳалол ҳисобланган.

Кенгаш ўтказиш жараёнида тўйга келадиган чавоғон-чавандозларнинг кўпқаридан бир кун олдин келиб кимнинг уйида тунаши ҳам келишиб олиниб, уй эгасини иштирок эттириб, розилигини олиб, отлиқларни меҳмон қилиш масъулияти ўша уй эгасига топширилиб, сўйиш учун бериладиган 1-2 қўй, эчки, така ёки сарканинг берилиши келишилган. Тартиб қўйидагича бўлган: 20 отлиққа 1-2 қўй, чой, нон, мева-чева сўйишли тунаш жойи қўшхонага ҳар бир отига 3 кг дан ем-арпа тўй эгаси ҳисобидан берилган. Қўшхона-сўйишли уй эгаси улоқчи отларга сомонни эса ўз ҳисобидан бериш лозимлиги келишилган. Тўй эгалари сўйишли “Қўшхона”дан тунда меҳмонларга қилинаётган хизмат ва меҳмонлар ҳолати кайфиятидан, албатта, хабар олишган.

Борғулар баковули “Ҳалол!”-деб айтилиши лозим бўлган чавандозлар учун борғулар рўйхатини кўпқари ўтказувчи баковулга бериб, айтилган борғуни ҳадя қилиб турган. Борғулар ҳақидаги хабарни кўпқари ўтказувчи баковул эълон қилиб турган совринларнинг берилишини назорат қилиб турган. Кўпқари якунида “Ахири” (улоқ, така) деб аталувчи борғу ўртага ташланган. Уни айирган чавандоз ўз уйига олиб кетиб, ёр-жўралари, қариндош уруғлари билан биргаликда сўйиб, тозлаб, пишириб тановул қилишган.

Човоғон-чавандоз ҳамда полвонлар, одатда, бирга отларда юришиб, ҳам кўпқари, ҳам полвонликда миллий ўзбек кураши мусобақаларида иштирок этишиб, томоша қилишиб юришган. Айрим полвонларда човоғон-чавандозлик қобилияти ҳам мавжуд бўлган. Айниқса, Шохмуҳаммад полвонда ана шу икки соҳа истеъдоди билан бирга устачилик қобилияти ҳам мавжуд бўлган. Ҳамон бу уруғ вакиллари ёғоч устачилиги, полвонлик ва човоғон чавандозликни бажариб келишмоқда. Асрлар давомида улардан уста Холпўлат, Норпўлат, уста Сафар, уста Одина, уста Аллахберди, уста Аминқул, уста Муродбердилар ёғоч устаси, ёғоч уймакорлиги уста, ўтов устаси, кўнчилик-пойафзал усталари яшаб ўтишди. Ҳозирги уста Эркин Абдуғофир ўғли, уста Абдунабилар тақачилик, ёғочсизлик ишида, уста Аминқул Аллахберди ўғли истеъдодини давом эттириб чавандоз-човоғонликда ҳам доврўғ тутишди. Абдуғофир Аминқулов ҳам унинг уч ўғли Тўйчи, Шомурод Эркинлар ҳам анча вақт от сақлаб кўпқариларда ХХ аср охирида фаол қатнашишди. Ўтиш даври қийинчилик йилларида қишлоқда улоқчи отлар камайиб қолган бўлса-да, кўпқарига, аждодларнинг асрий қизиқарли кўпқари мусобақаларига янада қизиқиш, иштиёқ кучаймоқда.

### **Кўпқари ўтказилиши даврида аёллар билан боғлиқ урф-одатлар**

Кўпқари бошланганлиги эълон қилинган вақтдан то кўпқарининг тугаганлиги эълон қилингунга қадар тўйхона соҳибининг умр йўлдоши, тўйбола онаси бўлган аёл отини белига боғлаган ҳолда дилида кўпқари эсон-омон, тинч ва осойишта ўтишини оёғида тик туриб, юриб, меҳмонлар билан ҳам мулоқотда бўлиб юриши шарт қилиб қўйилган. Халқ донишмандлигини

карангки, ҳеч ким тўй соҳибининг аёличалик чин юракдан бу ҳолни тилай олмайди-да, аслида. Онанинг ноласи, илтижоси қанчадан-қанча нохушликларнинг олдини олиши тарихий афсоналарда ҳам акс эттирилган.

### **Чавандозлик хислатлари**

Ўзбек халқи миллий қадриятларига хос бу ажойиб хислатлар отадан фарзандга, бободан набирага, ҳамқишлоқ чавандозлардан ёш ишқибоз чавандозларга ўтиб аجدоддан авлодларга сабоқ бўлиб қолади. Ота ёки бобо ёш болаларни ёшлигидан отдан кўркмасликка, отда эркин юришга, от афзалларини ўз ўрнида қўйиб фойдаланишга, отда чапдастлик, чаққонлик, муовзанат сақлашга, борғуни оёқ тақими остига олишга, кўпқарида фирромлик қилмасликка, рақиб чавандозга шикаст етказмасликка, қамчи тортиб юбормасликка, ҳалолликка ўргатиб борилади.

Ёшлигимизда жўраларимиз ўртасига отга минмаган ҳолатимизда ҳам мол терисидан тайёрланган пўстак<sup>73</sup>ни ташлаб бизни қизиқтириб улоқ тортиш маҳоратига қўлларимизни ўргатишни оталаримиз, овулдан ёши катта чавандозлар ўргатишарди. Бизлар шахд билан рақибимиздан улоқни тортиб олишга қизиқиб, қизишиб, қизиб кетардик, жуда қизиқарли ўйин бўларди. Томошабинлар отимизни айтиб гоҳо рағбатлантиришар, гоҳо койишар, худди кўпқари бўлаётгандек “Ҳалол!” деб қийқиришарди”,-деб эслашади кўпқари чопган човоғон-чавандозлардан Ш.Аминқулов.

Човоғон ҳаракатчан, чиниққа, отни севган ҳалол, от афзалларини, чавандоз кийим-кечаги пойафзалини қадрлайдиган, муҳими от парваришни ҳам чуқур биладиган бўлиши шарт. Тоғли ҳудудларда ҳар қандай хавфни енгишига тайёр, мард ботир бўлиш зарур. Бундай ҳудудлар қир-адир, сойлик, тошлоқ, тик энишли қияликлардан иборат бўлади.

Эртага кўпқари бўлади дейилган кечаси тонг отишини болалигимдан сабрсизлик билан кутар тунда бир неча бор туриб соатни кўрар, тонгни қувонч билан қарши олиб отни қашлаб эгарлаб ўзимни бахтиёр ҳис қилиб кўпқари бўладиган жойга ошиқардим..”,-дейди човоғонлар авлодидан бўлган ёш иштиёқманд Жасур Аминқулов – “Ана шундай қизиқишим кучайган бир пайтда шахсий отимизнинг ўлими менга каттиқ таъсир қилиб, йиғлаганман. Ҳалигача кўпқари хаёлида яшайман. Насиб қилса, қачондир от боқиб, кўпқариларда иштирок этиш ниятим бор”- дея кўзлари от соғинчида ёшланди.

Халқ оғзаки ижоди бўйича қўшиқчи Маҳмуд Намозовнинг от ҳақидаги қўшиғи ҳақиқий ҳаётий ҳақиқат эканлиги чавандозлар хислатларида акс этади.

Оқ тулпорим бор эди,  
Кўплар унга зор эди.  
Кечир ёрим, на қилай,  
Отга меҳрим бўлакча.

Ҳаммага ёд бўлиб кетган бу қўшиқ чавандозлар қалбидан отилиб чиққандек гўё. Чавандозлар авлодларининг ҳар бир гурунги, албатта, отларга

---

<sup>73</sup> Пўстак-мол терисини ишлаб жуни ёки қилини аямасдан тайёрланган иссиқ тўшак.

чавандозларга кўпқари завқига ўтган кўпқарилар завқига хотираларига, от боқмоқ нашъасига бориб етади. Ўзлари минган отлардаги улоқчилик қобилятларининг ширин хотирасига бориб тақалади, эслаб ҳузурланилади.

Ана шундай ҳолларни кузатганимда чавандозликка иштиёқманд бўлган фарзандларим отасига: “Кўпқари деса томдан ташлашга ҳам тайёрсиз-а?” деб ёшлигимда дашном берганимдан ҳижолатда қоламан, афсусланаман. Ўзи чавандозлар ўта қизиқувчан бўлишаркан. Учинчи дунёга келганда қувониб бир кўзи айирганларини эслаб туришади қариндошлар.

Мен эса чавандозга умр йўлдош бўлган аёлларга: “Чавандозни қайишришга ҳаракат қилманг, уларни рағбатлантиринг, ўз кучига ишонтиринг. Аслида ўзбекона миллий кадриятларимиз йигитларнинг чавандозлиги, полвонлиги, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ҳар томонлама маҳоратлилигида. Қалбида отга, спортга миллий кадрият, урф-одатларимизга муҳаббати чексиз бўлган инсонларнинг қалбида мустақил она Ўзбекистонга, унинг равнақи, гуллаб-яшнашига муҳаббат ҳисси кучли бўлади. Ёш авлод улардан ўрнак олади”, - дегим келади.

### **Чавандоз аёллари**

Чавандоз-човоғон аёллари ҳам ўз навбатида ҳар томонлама пухта серғайрат, уддабуррон, от афзалларини тайёрлаш санъати ва маҳоратини пухта ўрганган бўлиши зарур. Йилдан-йилга от афзаллари жумладан энг мураккаб тўқиш услубидаги от дигиллари нархи юқорилаб, уларни тайёрлай олиш маҳоратига эга бўлган аёллар сони бармоқ билан санарли ҳолга тушиб қолди. Албатта, от афзалларини тайёрлашнинг ўзига хос санъаткорона ва машаққатли ҳунармандчилигини аждодлардан авлодларга етказиш маҳоратини ўргатиш учун тадбиркорликни йўлга қўйиш зарур. Босиндуруқ, ёлпўш, дигил, тақим, чирги, тўқима айил (нақшли) кўпчикларнинг тайёрлашни йўлга қўйиш, қишлоқларда от боқиш, уни бошқариш, кўпқари мусобақаларини тиклаш иши ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Хуллас чавандознинг умр йўлдоши от боқиш, миниш ва юқорида айтилганларни бажара олиш билан бирга сабр-бардошли бўлиши бу эл урф-одатларидан.

### **Кўпқари**

Одамлар-о, одамлар,  
Боғда битган бодомлар.  
“Эшитмадим” деманглар,  
Кеча-кундуз баробар.  
Бир-биридан сарвар,  
Баҳордан келади хабар.

Тайёр бўл шаҳри барбар,  
Малик чўл деган қирда.  
Тошдек қотган тақирда,  
Бўлар экан кўпқари.  
Кимнинг бўлса тулпори,  
Ғиркўкми, ё бойчибор.

Ёрғинига ур эгар,  
Кўкан, жийрон, саман от.  
Қорабайир қирқ қанот,  
Чопқирми ёки йўрға.  
Ўйнашур ким ўзарга,  
Эй оломон, кулоқ сол.  
Қилма харгиз боса-бос.

Тўда-тўда гулдирос,  
Бўлсанг агар сен одам.  
Мардона бўл ва бардам,  
Биринг бирингга ҳамдан.  
Қисқаси, бўлур улоқ,  
Тер оқар булоқ-булоқ.

Мен одамман деганлар,  
Фақат палов еганлар.  
Кўкдан юлдуз узганлар,  
Девлар ўйин бузганлар.  
Йўлга чиқсин тезроқ,  
Яқин эмас чўл, узоқ.

**Айтувчи: Шерободлик Менгдона момо Сувондиқова<sup>74</sup>.**

### **Кўпкари ўтказилувчи жойлар**

Қатағон уруғига мансуб аҳоли энг зич яшаган қадимги “Чорбоғ” ҳозирги “Хатак” қишлоғи дарё икки соҳили тепаликлари қир-адир ён бағри бир оз текислиги бўлган жойларда кўпкари ўтказилганлиги боисидан тарихий номланган жойлар мавжуд улардан биттасида ҳамон кўпкари мусобақаси ўтказилиб туради. Унинг номи “Кўпкари тахта” деб аталади. Ҳар йилги “наврўз халқ сайли, миллий ўзбек кураши мусобақаси, санъат кўриги ҳам унинг жанубий қисми текисликларида ўтказилса, Шимолий қисми бўйлаб чўзилиб кетган жойларда “Кўпкари” мусобақаси югуриш, волейбол мусобақалари навбатма-навбат ўтказиб турилади. Бу сайил халқнинг энг севимли сайли ҳисобланади. Халқ ўз ҳисобидан соврин ташлайди. Ўзаро бирикишиб ўзбек миллий таоми ош-палов катта-катта дошқозонларда пиширилиб сайл аҳли ва меҳмонларга улашилади. Бу жой беш олти км га чўзилган қишлоқнинг ўртасида дарё соҳилининг шимолий қисми адир тепалигида жойлашган.

Қишлоқнинг юқори қисми шимолий томон қир-адирлар устида (ҳозирги 47 мактаб жойлашган ҳудуд тепалигида) ҳам кичик кўпкари тахта кўпкари ўтказилувчи жой мавжуд. “Катта қўнуш”, “Катта шайит”, “Катта

---

<sup>74</sup> Мустафоқулов Р. Халқ Педагогикаси Сарчашмаси. –Термиз:

Лалмида” ҳам кўпқари ўтказилган. Минг уйли қатағон яшаган деб ном олган бу кишлоқ аҳолиси XX аср ўрталарида чўлларни ўзлаштиришга кўчирилиши натижасида кўчирилиб, аҳоли демографик жиҳатдан 1980 йилларда жуда сийраклашиб қолган эди. Ҳозирги кунда эса янада аҳоли кўпайиши натижасида ота-боболарининг юртини обод қилишга кўчиб келувчилар кўпайиб кетди.

#### **“Катта қўнуш<sup>75</sup>” (қўниш-тўхташ)**

Бу кўпқари жойи Каттасарой шимоли - шарқий қисми Мулла Ота қабристонини шимолий қисмида жойлашган, фақат жанубий қисми очик бўлган адирлар орасидаги текислик. Баъзи тўй кўпқарилари яқин 10 йил ичида ҳам ўтказилди. Уста Абдунаби Шаҳриддин исмли ўғлидан бўлган неваралари тўйида кўпқари ўтказган эди.

#### **Чукрилик кўпқари тахтаси**

“Панжоб” кишлоғи яқинидаги Қулват тоғи этагидаги адирликлар текислигида жойлашган. У ерларда аҳоли ўтмишда кўпқари ўтказиб туришган. Катта лалми кўпқари жойида бу ҳудудларда аҳоли зич яшаган даврларда лалми экинлари ўриб олиниб, ер бўшаган вақтлардагина кўпқари ўтказиб турилган. Катта шайит кўпқари ўтказилган жойи. XX аср бошларида бу ҳудудда кўпқари ўтказилаётганда Абдуваҳҳоб исмли чавағон-чавандознинг бир қўли танасидан узилиб кетгач халқ бу ерда кўпқари ўтказишни тўхтатиб қўйган. Абдуваҳҳоб човоғон мўъжиза юз бериб бир қўл билан омон қолади. Унинг онаси ўғлининг қўлини шамолда қуритиб олиб кийим солинадиган бўҳчада авайлаб сақлаб қўяди.

Абдуваҳҳоб чавандоз вақти соати етиб оламдан ўтганида қариндош уруғлари қуритилган қўлини унинг жасадига қўшиб кафанлаб қабрга қўйишган. Жойнинг “Катта шайит” деб номланиши тарихини эса кекса Ғани бобо Қурбонов хотирлаб шундай дедилар: “Бу жойнинг Шарқий қисмида ҳам Катта газа томонида ҳам бир қанча қабрлар бор. Шарқий қисмидагисини шайит деб аташади. Шевада шайит сўзи адабий тилда шаҳид деб аталади. Жангларида ҳалок бўлган кишини шаҳид бўлиб ўлганига айтилади”.

Хуллас, халқнинг сеvimли спорт машғулоти бўлмиш кўпқари бугунги ёшлар учун ҳам сеvimли машғулот. Уни тиклаш, кўпайтириш от боқишга эътиборни кучайтириш зарур.

## **2.5. Фольклор йиғувчи бастакор ва созанда ижодкорлар**

### **( Фольклор йиғувчи ва тўпловчи, бастакор, созанда ижодкорлар)**

Халқ орасида шундай сўз иборасини учратамиз. “Устозинг кимлигини айтсанг, қандай шогирдлигингни айтиб бераман”. Устоз илми билан барчага ўрнак, бой ҳаётий тажрибасига эга бўлган бўлади. Устозларнинг шогирдлари

---

<sup>75</sup> Қўнуш-шевада, адабий тилда қўниш, тўхташ жойи

Чўкри-шевада, адабий тилда равоч

хам албатта зукко, изланувчан бўлади. Ўрни келганда узтозларидан ҳам ўзиб кетади. Халқимизнинг маънавий камолотида санъатнинг ўрни беқиёс. Мустақиллик миллий фольклор санъати тарихида янги даврни бошлаб берди. Истиқлол шарофати билан кўп асрлик тарих ва бой анъаналарга эга бўлган миллий фольклор санъатимиз мисли кўрилмаган даражада раванқ топди. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли халқаро фольклор фестивалларда иштирок этиб муносиб ўрин эгалади. Бу даврда “Бойсун” ансамбли репертуари анча кенгайиб, янги фольклор асарлар билан бойиди. Бойсун санъати ҳақиқий ижодий фольклор этнография академия мактабига айланди. Давлатимиз томонидан санъаткорларнинг самарали ижод қилишлари, янги-янги асарлар яратиш, маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

“Устоз-шогирд” мактабида ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлашга, уларни ижодий ўсиши, маҳоратини оширишига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда “Бойсун” ансамблининг етакчи лапарчи усозлари Абдунаби Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қосимова, Умид Туробов, Ҳаким Каримов, Собир Йўлдошев, Салом Ҳусанов, Жума Сайфиев, Собир Сайфиев, Исматилло Ёдгоров, Анвар Эшмуродов, Умид Сафаров, Алишер Неъматуллаевлар, шунингдек, фахрийлари Холиқ Хурсандов, Комил Кахрамонов, Али Равшанов ёш ижрочиларга амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Улар устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб ёш авлодга ўргатиб келишмоқда.

**Таниқли санъаткор устоз Қодиров Абдунаби Мамараҳимович** фольклор йиғувчи ва тўпловчи, бастакор, созанда. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари, 1963 йил 8 январ куни Бойсун туман Ш. Рашидов кўчасида туғилган. У биринчи авлод фольклор йиғувчи ва тўпловчи ва Бойсун фольклор мактабига катта ҳисса қўшган. Қодиров Абдунаби ўзбек миллий халқ анъаналарини, мусиқа ва кўшиқларини қайта тиклашни ўзига мақсад қилиб олган. У бу соҳада фаолият кўрсатиб, бугунги замон саҳнавий кўринишлари орқали янада сайқал бериб, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, билганларини ёш авлодга ўргатиб келмоқда.

А Қодировнинг шогирдларидан Эшонқулов Нормурод, Йўлдошев Собир, Йўлдошев Усмон, Абдураимов Алишер, Жабборов Фазлиддин, Эшмуродов Анвар, Эшонқулов Бунёд, Сафаров Умид, Нарзиева Гулрух, Орипова Нигина, Нарзуллаев Миркомил, Бекназаров Улуғбеклар. Ўзбекистон телевидениясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” канали орқали, “Барчиной ёр-ёри”, Ўзбекистон канали орқали “Янги авлод”, “Кўҳна замин оҳанглари”, “Форум” канали орқали “Бойсун ҳунармандлари”, Сурхондарё вилояти “Ишонч” телерадио канали орқали “Ҳунармандлар бозори” ва бошқалапр Ўзбекистон радиосининг “Яхши кайфият” эшиттириши дастурида ёритилган. Шеърлари “Бойсун ижодкорлари” номли китобда чоп этилган, “Миллий тикланиш” рўзномаси, “Сурхон тонги” рўзномаси, “Бойсун” рўзномаси орқали ижодий ва ижрочилик фаолияти ёритилган.

**Таниқли санъаткор устоз Салимова Ҳанифа** ўланчи ва аллачи, 1957 йилда Бойсун туман Олмазор маҳалласида туғилган. Ўзининг тиришқоқлиги



туфайли ҳозирги кунда кўзга кўринган ўланчи ва лапарчи ҳисобланади. 10 йилдан буён ўлан ва лапарлар ижро этиб келади.

**Таниқли санъаткор устоз Қосимова Сайёра** ўланчи ва аллачи, 1965 йилда Бойсун туман Чор чинор маҳалласида туғилган. Ўзининг тиришқоқлиги туфайли ҳозирги кунда кўзга кўринган ўланчи ва лапарчи ҳисобланади. 15 йилдан буён ўлан ва лапарлар ижро этиб келади.

**Таниқли санъаткор Жумаев Бўрикул.** Сибизғачи ва Ғажирнайчи. 1987 йилда Бойсун тумани Тўда маҳалласида туғилган. У биринчи авлод Сибизғачи ва Ғажирнайчи саналади. У 2012 йил 11-12-май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Чанковуз овози” фестивалининг очилиш ва ёпилишида намунали иштирок этади. Фестивалда “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг иштирокчиси бойсунлик Бўрикул Жумаев қамиш най, чанковуз ва сопол най чалиб, фестивал наминациялари бўйича юкори ўринни эгаллади.

**Таниқли санъаткор устоз Неъматуллаев Алишер** раққос ва хонанда, 1983 йилда Бойсун туман Кўчкак маҳалласида туғилган. У биринчи авлод идрочиси саналади. У 2012 йил 17-март куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Кўхна замин оҳанглари” фестивалининг намунали иштирокчиси бўлди. Фестивалда “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг иштирокчиси бойсунлик Неъматуллаев Алишер ўзининг рақслари билан иштирок этиб, фестивал наминациялари бўйича юкори ўринни эгаллади. Маданият ва спорт ишлари Вазирлигининг дипломи ва совғалар билан тақдирланди. Фестивал якунида Вазирлик раҳбарлари сурхондарёликларни бу фестивалдаги иштироки учун ташаккур айтишди.

## **Сурхон воҳасида мусиқа ва миллий анъаналар**

### **(Сурхон воҳаси мусиқа санъати ва унинг миллий анъаналарга содиқлиги)**

Воҳа аҳолисининг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари кўп минг йиллик тарихга эга, чунки куй ва қўшиқ авоҳа аҳолиси маънавиятининг ажралмас қисми саналади. Воҳа мусиқа санъатининг қадим тарихга эга эканлигини Айритом фризида ишланган “Дўмбирачи” ва “Уд чалаётган аёллар” ҳайкалидан ҳам билиб олиш мумкин. Сурхон воҳаси мусиқа чолғулари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг мусиқа чолғулари халқнинг турмуш тарзи маросимлари ва яшаш шароити билан боғлиқ тарзда шаклланган. Мусиқа чолғулари номланиши, шакли, тузилиши, безаги, ижро услуби ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси чолғу асбобларини пуфлама, торли, урма-зарбли чолғу турларига бўлиш мумкин. Ушбу чолғу асбоблари чақириқлар учун ёки ҳайвонларнинг овозига тақлид этишда қўлланилган. Чолғулар овда, сафарда, чорвани ҳайдашда, ибодат, шаманлик маросимларида ишлатилган. Чақириқ чалғилари пуфлама ва урма- зарбли ҳолатда ишлатилган. Аксарият қадимий чолғулар жўрнавоз соз сифатида халқ қўшиқлари ва дostonларида ишлатиб келинган. Сурхон воҳаси аҳолиси орасида турли тилсимот хилидаги чолғулар – чанковуз;

пуфлама найсимон чолғулардан – ёғочли, суякли ва лойли найлар; торли асбоблардан – дўмбира; урма-зарбли асбоблардан – даф (доира) кенг тарқалган.

Сурхон воҳаси аҳолиси мусиқа асбобларининг маълум вазифалари бўйича эстетик, амалий ва магик гуруҳларга таснифлаш мумкин. Мусиқа чолғулари бир томондан моддий мерос ашёси бўлса, иккинчи томондан маънавий мерос бойлиги саналади. Эстетик эҳтиёж юзасидан тайёрланган чолғу асбоблари (дўмбира, сурнай, най, дутор, сибизға, чанқовуз, доира ва ҳ.к.) халқ кўшиқлари, куйлари ва достонларини ижро этишда кенг қўлланилган. Магик функциялар билан боғлиқ бўлган мусиқали товуш чиқариш асбоблари (қўбиз ва дап) ёвуз руҳларни ҳайдаш билан боғлиқ шомонлик тартибларида кенг қўлланилган. Воҳа аҳолиси рақсларни ижро этишда ҳам маълум атрибутлар (масалан, қошиқ, кўнғироқча, қайроқ тош, оддий таёқ ва ҳ.к.) ни бир-бирига уриш орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига қўшишган.

Мусиқа маданияти халқ кўшиқчилиги ижодиёти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб борган, воҳада халқ мусиқаси билан бирга халқ рақс турлари ҳам анча ривожланган. “Сарбозча”, “Ёкку-якку”, “Ғажир рақси”, “Мавриги”, “Лочава”, “Лаҳча”, “Чорқарсақ”, “Қайроқ ўйини” “Уфу ўйини”, аёлларнинг “Лаби хол”, “Ғишт ўйини”, “Урчук”, “Қиз қийити”, “Жамалак” ўйинлари, болаларнинг “Бак-бака”, “Чўпон бола”, “Ўн уфу шахала” каби ўйинлари анъанавий мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Воҳа мусиқа ва рақс санъати ўзининг характери ва ўзига хослиги билан минтақанинг бошқа худудларидан ажралиб туради. Сурхон воҳасида ўзбеклар ва тожикларнинг этник гуруҳлари бўлмиш катағон, кенагас, барлас, турк, кўнғирот, қарлуқ, турк, араб, дарбанд, хардури, тоқчи, чупоқ, марка, жуз, дўрмон, чағатой ва бошқа элатлар бирликда яшаб, турли меҳнат соҳаларида фаолият кўрсатиб, ижод ҳам этишган. Кўп асрлик биргаликда яшаш жараёнида улар орасида тили, урф-одатлари, маданияти ва ҳўжалик турмушларида умумийлик содир бўлган. Булар айрим ўзига хос маросимларида сақланган бўлса ҳам, уларда умумий анъаналар мавжуд, масалан, бет очар ёки **рукишод**, ижоб тўйи, чилла хайрот, қора ош, қозон тўлди, дарвишона, садр, нақш, сиёхбардор, арпа солди ёки буғдой сепди, гула қилиш, кавзо, бўғча очар, бола қочди, безак илги, белбоғ ечар, барот келди ва бошқалар. Ўзбек маросимлари ранг-баранг бўлиб, улар халқ ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Чунки оилада фарзанд туғилишидан тортиб, унинг вафотига қадар ҳаёти турли маросимлар билан кечади. Ҳар бир маросим эса турли хилдаги айтимлар, олқиш ва дуолар, кўшиқлар билан ўтказилади. Шу жиҳатдан қаралса, маросим кўшиқлари улкан бир хазинани ташкил этади ва уларнинг ҳар бирининг хос ғоявий мазмуни, бадий шакли ҳамда тузилиши бор. Маросимлар билан боғлиқ халқ кўшиқларида инсон фаолияти, турмуш тарзи, фазилатлари ва руҳий ҳолатларининг барча қирралари намоён бўлади. Уларда лирик кечинма, макон ва замон қамрови кенг, образларнинг ташқи ва ички алоқаси ниҳоятда кўламдор ифода этилади. Ана шуларнинг маҳсули ва натижаси

ўлароқ бугунги кун Сурхон воҳаси мусиқий йўналиши шаклланишида ўз таъсирини кўрсатган.

Мусиқий-товушли қийматга эга бўлган муҳитни ташкил этувчи Бойсуннинг оҳанг маданиятига катта минтақада яшовчи ўзбек ва тожикларнинг турли-туман вербал ва шахсан мусиқий тили киради ва улар тарихий анъана сифатида катта аҳамият касб этади. Бунда мусиқий оҳанг маданияти нисбатан ижтимоий модел сифатида бўлиб, у товушли маданий муҳитнинг тимсоли каби кўринишда Бойсун этносининг турмуш жараёни, табияти ва билимдонлиги билан боғлиқдир. Шубҳасиз, Бойсуннинг катта территориясида яшовчи қишлоқ аҳолиси маданий бирликдек сақланган ва ўз вақтида ўзига хос ва ноёб фольклор дурдоналарини яратган. Унга ўзбек ва тожикларнинг мусиқа меросининг барча жанр ва хиллари, мусиқа чолғулари ва уларни яратувчи уста-созгарлар, ижрочилик услублари, фольклор анъаналарининг намояндалари – созанда, хонанда, бахши, ҳикоячилар, раққосалар, халқ томоша санъати ижрочилари ва бошқалар киритилган. Ўзбек мусиқашунослигида Сурхондарё ва Қашқадарё мусиқа услуби муҳим ўрин тутди. Сурхондарё - Қашқадарё мусиқа услуби – ўзбек анъанавий мусиқасининг маҳаллий услубларидан бири. Мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослигини белгилади. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланаётганлиги сабабли айнан шу жараёнларга боғлиқ халқ кўшиқлари салмоқли ўрин тутди. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган “соғим кўшиқлари” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни йдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқлар эса ер ҳайдаш (“Кўшчи кўшиғи”, “Шох мойлаш”, “Кўш ҳайдаш”), ҳосилни ўриш (“Ёзи”), хирмонда буғдой ёки арпани янчиш (“Майда”), баҳор келиши (“Наврўз” ва бошқалар) ва бошқа пайтларда куйланади. Айниқса, турли йиғин ва тўйларда эркалар томонидан ижро этилаётган “Қарсақ” (“Бешқарсақ”) давра ўйин кўшиқлари машҳур. Анъанавий мусиқа чолғулари эса, асосан, чўпонлар ижодига хос *сибизга*, *гажир най*, аёллар томонидан кенг қўлланиладиган чангқўбиз, бахшиларга жўр бўлган дўмбира (яқин ўтмишда – кўбиз) билан чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ бахши-шоирлар ва дўмбиракашлар асосий ўрин тутди. Дўмбирада ижро этилаётган чўпонлар меҳнати билан боғлиқ чолғу куйлар (“Чўпонча”, “Кўйларни судраш”, “Кўйларни йиғиш”, “Чўпонни чақириш” каби), дoston куй (“Бахши куй”) лар кенг тарқалган. Бахшилар ижодидаги “Алпомиш”, “Тўрўғли” каби қаҳрамонлик дostonлари ҳамда турли мавзудаги термаларнинг ижросида махсус “ички овоз” услуби қўлланилади. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услубида дostonчиликнинг икки йирик маркази – Шеробод дostonчилик мактаби ва Шаҳрисабз дostonчилик мактаби шаклланган. Сўнги даврларда бошқа маҳаллий мусиқа услубларига хос мусиқий анъаналар (масалан, мақом ижрочилиги санъати) ҳам ёйила бошлаган. Ҳозирда

Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби кўпгина фольклор-этнографик ансамбллар (“Шалола»” “Бойсун” ва бошқа), эстрада хонандалари (М. Номозов, С. Қозиева) ижодига асос бўлмоқда, бахшилар танловлари, 2002 йилдан ўтказиладиган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали орқали жаҳон сахнасига чиқмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Бойсун халқининг оҳанг маданияти ўзига хослик билан ажралиб туради ва у мусиқа шеvasи, ижро услуби ва усули, талқин шакллари ва ўзгача мавқеи билан образлар, оҳанглар ва кўринишларнинг семантик шакллантирган. Ҳозирги кунда замонавий мусиқа маданиятининг қисми бўлмиш – Бойсун мусиқаси кўпгина жанрлари ва хиллари, ўзларининг маросим-одат, бадий эстетик ва таълим-тарбия вазифаларини бажариб, тингловчи ва намояндаларга завқ-шавқ бахшида этмоқда. Бойсун маданият муҳитини “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилиши шунга далилдир. Шу туфайли Бойсун халқининг мусиқа мероси, ушбу маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, нафақат миллий ёки минтақавий, балки умуминсоний аҳамият касб этади.

Бойсун – ғоят ажойиб мусиқа маданиятига эга бўлган ҳудуд ҳисобланади, унинг анъаналарида ўтмиш замонларга хос жиҳатлар сақланиб қолган ва уларда узоқ асрлар давомида шаклланган ранг-баранг мусиқа асарлари (болалар кўшиқ айтимлари ва чолғу чақириқларидан то дастурий чолғу куйлари, йирик ашулалар ва дostonларгача), ўйин-рақслар, бекиёс оҳанглар мавжуд. Улар ҳозир ҳам равнақ топиб, кўпгина инсонларга маънавий-руҳий озуқа бермоқда, уларнинг шуурига, онгига мусаффолик ҳада этмоқда. Бойсун минтақаси аҳолиси ҳозир ҳам қадимий анъанавий ҳаёт тарзи ва хўжалик фаолияти билан яшамоқда. Бу ерда фарзанд туғилишидан тортиб, никоҳ тўйларигача, "Наврўз"дан то ҳосил байрамларигача, даволаш ва азамотам одатлари маросим, урф-удумлари, эътиқоди ва анъаналари асосида келмоқда. Аҳолисининг кийим-либослари хунармандчилиги (каштачилик, гиламдўзлик, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар) ҳам анъанавий ўзига хосдир.

Бойсун халқи ўзининг бой ва ранг-баранг бадий кўп асрлик анъаналарига эгадир. Ушбу ўзига хос халқнинг хотираси, минг йиллик маънавий тажрибаси бўлмиш кўп қатламли мерос ичида мусиқа алоҳида аҳамият ва катта ўрин эгаллаб туради. Бойсуннинг мусиқаси ўзига хос бетакрор хусусиятлари ва чуқур таъсирчан мазмуни билан ажралиб туради. Унда халқнинг турмуши, тарихи, қиёфаси, маиший тарзи, уни ўраб турган табиати ўз ифодасини топган. Бойсун мусиқа меросининг асосий хусусияти шундаки, ушбу мерос ўзида иккита йирик қатламни қамраб олади – мусиқа фольклори ёки мусиқа ижодиёти (унинг ижодкори, ижрочиси ва тингловчиси халқ) бўлган. Булар маълум вазият – маросим, меҳнат кўшиқлари қадимдан мавжуд бўлиб, ҳозирги замонда ва маконда қайта шаклланиб сайқал топиб келмоқда. Иккинчиси – мумтоз мусиқаси ёки оғзаки-профессинал мусиқаси бўлиб, (уларнинг ижодкори намояндалари - етук хонанда, созанда ва бастакорлар ҳар бири ривожланган куй, мураккаб шакл ва ранг-баранг услуб-усуллари) бошқалардан ажралиб туради.

Халқ кўшиқлари, ўз навбатида, мусиқий хусусиятлари билан ҳам умумлашган айрим жанр ва турлардан иборатки, бунда мавзу талқини ва кўшиқнинг ижро этиш муҳити, услуби асосий ўрин тутди. Умумий жанрлар таркибига маълум ҳаётий жараёнларда, масалан, меҳнатда (деҳқончилик, чорвадорчилик ва хунармандчилик кўшиқлари), болани бешикда тебратишда (алла кўшиқлари), тўй маросимларида (Бешик, Суннат, Мучал ва Никоҳ тўйлари билан боғлиқ кўшиқ- айтимлари ва чолғу куйлари), азада (дафн ва мотам айтимлари) ижро этиладиган мусиқа асарлари киради. Ўзига хос жанрларга лирик ва маиший кўшиқлар ва кўшиқ жанрлари – терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула киради, улардан ташқари, Бойсун минтақасидаги мавриги, қарсак, байтлар ва айтишувлар (ишқий-лирик ва ҳажвий мавзуда кенг тарқалган). Қишлоқларда оммабоп бўлиб кетган дoston термалари ва бахши термалари ҳам ушбу гуруҳга киради. Ягона жанр турлари ижрочилик услублари ва ифодавий воситалари билан маҳаллий анъаналарга таянган – садр, жаҳр, алас, кўшноч, ғўянда, туя қадам каби айтим-кўшиқлардан ташкил топган.

Шу билан бирга Бойсун мусиқа фольклори маълум жўғрофий ва этник минтақаларга мос ҳолда маҳаллий тафовутларга ҳам эга. Масалан, воҳанинг пастекилик қисмидаги аҳоли маданияти тоғлик аҳоли маданиятидан фарқ қилади. Мачай ва Қўрғонча каби қишлоқларда фольклор намуналарининг маросим (жумладан, диний-ибодат айтимлари ва тўй кўшиқлари); Сайроб ва Дарбандда меҳнат (асосан, сут соғувчилар ва жунга ишлов берувчилар) ва алла кўшиқлари; Бойсун шаҳрида эса мавзу ва ижро анъаналари хилма-хил бўлган халқ кўшиқлари – кўшиқ, ялла, лапар ва ашула жанрларида ижро этилади. Яккатол, Олачопон, Пулҳоким ва Кофрун қишлоқларида кўш ҳайдаш, ҳосил йиғим-терими ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ меҳнат кўшиқларини ижро этиш характерлидир, шунингдек, афсунгарлик ва бахшилик кўшиқлари учрайди. Авлод, Сариосиё, Мачай, Қўрғонча қишлоқлари ва туман марказига хос сўфийлар маросимларида урф бўлган “жаҳр”, шунингдек “алас” (“халос”) чолғу жўрлигисиз куйлаб ижро этилади. Жумладан, “жаҳр”да аксарият ҳолда куй ва айтим ижросидаги ҳаракат, расм-русум, атрибутика, тузилма (Қўрғончада кўбиз билан, Мачайда дўмбира билан) ва ўзига хос ритмик зарблар (Бойсун шаҳрида доира жўрлигида), уларнинг шаманлик билан муштараклигидан дарак беради.

Қадимги одамнинг табиатига таъсир қилувчи энг муҳим воситаларидан бири афсунгарлик кўшиқлари бўлган. Жумладан, бундай кўшиқлар тақвимий меҳнат кунлари ва тўй маросимларида ижро этилган. Афсунгарлик кўшиқларининг анъанавийлиги, уларнинг мусиқа-шеърый ва бадий шаклланишининг асоси ҳисобланади. Бойсуннинг тақвимий меҳнат кунларида айтиладиган афсунгарлик кўшиқлари “Наврўз” (“Йил боши”, “Наврўз келди”, “Наврўз ойи”, “Сумалак”), баҳорни кутиб олиш (“Бойчечак”), экин экиш чоғидаги меҳнат жараёнлари (“Шох мойлар”, “Кўш ҳайдаш”, “Дон сепди”), ҳосил йиғиш (“Майда”, “Обло барака”, “Ўзи”), молларни соғиш чоғида уларни “авраш” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”) билан боғлиқ.

Қуёш (“Офтоб чиқди”), ёмғир (“Суст хотин”), қор (“Қор келди”) ва шамол (“Чой момо”, “Шамол чақириш” ёки “Мирҳайдар”) тўғрисидаги афсунгарлик кўшиқлари алоҳида гуруҳга киради. Аксарият кўшиқлар эркаклар ва аёллар томонидан яқка ижрода чолғу жўрлигисиз оғир-речитатив услубида очик ва баланд овоз билан (эркаклар ижросида “Кўш хайдаш” ва “Майда” кўшиқлари); калта оҳангда, лекин паст овозда (аёллар ижросида соғим кўшиқлари) ижро этилади.

Бойсун халқ мусиқа ижодиётига хос фарқлар, асосан, ижрочилик санъати бу воҳада яшовчи халқлар – ўзбеклар ва тожикларни шевалик мутаносиблиги билан боғлиқдир. Тожик аҳолиси яшовчи қишлоқлар Авлод, Оқмачит, Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Дуғоба, Қўрғонча, Деҳиболо, Пасурхи ва бошқаларда тўй- маросимларида, халқ сайилларида ижро этилиб келанаётган тожик халқ кўшиқлари кенг ўрин олган. Жумладан, тўй-маросим "Келин салом" ёки "Арус барон", "Мочаи", мавсумий "Бойқандак" ёки "Бойчечак", "Ё раббиман" ва ҳоказолар. Аҳолининг этник таркиби Бойсуннинг мусиқа шеvasини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиб, бу ўз навбатида минтақанинг оҳанг маданиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аммо, ҳозирги вақтгача ўзбек халқ кўшиқлари воҳанинг мусиқа амалиётида асосий ўрин эгаллаши билан бирга, тожик ижрочиларининг репертуаридан халқ шеърияти ва замонавий шеърий матнлар асосида яратилган турли лирик кўшиқлар ҳам катта ўрин олган.

Бойсун мусиқа чолғулари орасида барча чолғу гуруҳлари – торли, пуфлама-дамли ва урма-зарбли чолғулар ва уларнинг турлари мавжуд (чолғулар ҳақида тўлиқ маъумот ушбу тўпламдаги алоҳида мақоладан жой олган, бу маъумотлар умумий мусиқа меросига бағишланган бўлиб, чолғулар мероснинг қисми сифатида берилган). Торли-чертим чолғулари ҳам бой ва ранг-баранг дўмбира (улар тут, ёнғоқ, ўрик, нок ёғочларидан турли катталиқда ясалади), дутор, калта дутор, чилтор; торли- зарбли чолғулар - темир чанг-қўбиз (илгари унинг ёғоч ва суякдан ясалган турлари ҳам бўлган) энг кенг тарқалган чолғуларидир. Пуфлама-дамли мусиқа чолғуларига сурнай, чўпон най (тўғриси мон, ёғочдан ясалган), ғажир ёки суякли най (тўғриси мон, суякдан ясалган), сибизғи (қамишдан ясалган), най -шувуллок (тўғриси мон ёки думалоқ- думалоқ чумчуқли, кушга ёки тақага ўхшаган, кўзачали лойдан ясалган) лар киради. Урма-зарбли чолғулар орасида доира ёки дапп энг оммабопидир. Бу мусиқа чолғулари Дуғоба, Омонхона, Пулҳоким, Сайроб, Кучқоқ, Сариосиё, Даштиғоз қишлоқларида, Бойсун шаҳрининг ўзида уста-созгарлар томонидан ясалади. Улар Бойсун чолғу мусиқаси анъаналари намояндалари ҳам ҳисобланадилар (чолғу оҳанглари, усуллари, чақириқлари, куйлари, туркумлари ва томоша чолғу куйлари). Чолғу мусиқаси умумбойсун оҳанг маданиятига ўз ҳиссасини кўшган ҳолда, ўзига хос жанрлар таркиби ва ижро услублари билан ажралиб туради.

Дунёдаги айрим халқларда ўзининг тарихига оид йирик ҳажмдаги катта муҳим воқеа баён этиладиган жанрлар бор. Ўзбекларда бу жанр “достон” деб аталади. Достон – бу улуғвор маданий бойлик, унинг анъаналари узоқ ўтмиш замонлари билан боғлиқ, аммо улар ҳозирги кунда ҳам халқимиз орасида

кенг тарқалган бўлиб, халқимиз томонидан ижро этилиб келмоқда. Бойсунда ҳам дostonлар мумтоз мусиқамизнинг етакчи жанри сифатида бахшичилик санъатини ривож олишига ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Бойсунда ўзбек халқининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” – қаҳрамонлик, ботирлик шаклланиб, гуллаб-яшнаб ҳозирда ҳам исъодли бахши-шоирлар томонидан дўмбира жўрлигида ижро этилиб келмоқда. Дoston мусиқий-шеърий жанр сифатида воқеа ва ҳодисаларни ифодаловчи шеърий ва насрий парчалардан иборат матндан, дўмбира жўрнавозлигида куйланиб келаётган термалардан ва чолғу куйларидан сайқал топиб, сақланиб, ривожланиб келмоқда. Бойсун ижрочилик мактабида сўз ва куй мутаносиблиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**“Бойсун”** фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Абдунаби Қодиров шундай таърифлайди; “Жаннат макон юртимининг ҳар бир гўшасида бир-биридан ажойиб ўзига хос фольклор жамоалар фаолият олиб боради. Фольклор жамоалари ичида алоҳида ажралиб турган ўз мактабига эга **“Бойсун”** фольклор-этнографик халқ ансамблидир. Ватанимизнинг қадимий ва табиати мафтункор гўшаси Бойсунни, санъаткорлар юрти сифатида кўпчилик билади”. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг миллий сахна либослари туман “Халқ ижодиёти маркази”да тайёрланади. Ансамблнинг сахна либослари бойсунлик тўқувчи хунармандлар томонидан тайёрланади, айниқса, олача, беқасам, жанда матолари фақат Бойсунда тўкилади. “Бойсун” ансамблининг сахна либосларидан эркак ва аёллар бош кийими (тўлдирма ва лолагул дўппи, каллапўш ва тоққи), қизлар соч боғи (жамалак), майда мол тери чармидан тикилган оёқ кийими – чорик, мўкки ва унинг теппасида безак сифатида боғланадиган тўқима мўккибоғлар ўзига хослик ила ажралиб туради.. Фольклор асарлари “Гаштак”, “Гажакка ўйна”, “Суйдирмажон ўйнасанг”, “Ум-уфў”, “Ум-жақала”, “Яққу-яқ”, “Ҳалинчак», “Ҳай ёр-ёр”, “Ер ҳайдасанг хўп ҳайда”, “Суст хотин”, “Майда-ё, майда” каби куй, кўшиқ ва лапарларимиз билан ҳамоҳанг ижро этилганда томошабинларга манзур бўлиши билан бирга халқимизнинг қадриятларини ўрнига қўйди.

Жамоа таркибига бадиий раҳбар Абдунаби Қодиров, мусиқа раҳбари Тоғаев Шавкат, Қосимова Сайёра, Равшанов Алижон, Ёдгоров Исматулло, Эшмуродов Анвар, Сафаров Умид, Неъмтуллаев Алишер, Жабборов Фазлиддин, Раҳмонов Комил, Эшонкулов Нормурод, Холибоев Бунёд, Дониёв Ҳамро, Мирзаев Абдулло, Тоғаев Раҳматулло, Жумаев Бўриқул, Салимова Ҳанифа, Йўлдошев Усмон, Йўлдошев Собир, Ҳусанов Салом, Туробов Умид, Сайфиев Жума, Хурсанов Улуғбек, Сайфиев Собир, Орипов Абдураим, Абдураимов Даврон, Исматова Хуршида, Собирова Шоҳиста каби йигирма-ўттизлаб талантлар жамланган бадиий ансамбли юксак чўққилар сари шахдам қадам ташламоқда. Мустақиллик шарофати билан “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли 2001-йил 18-май куни Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ўз тарихида илк маротаба инсониятнинг номоддий ва оғзаки мероси дурдоналари сифатида 60 номзод орасидан 19 маданий ёдгорликни ғолиб деб эълон қилишди. Қувонарли

жихати шундаки, ушбу маданий дурдоналар қаторидан Ўзбекистоннинг Бойсун минтақаси халқ оғзаки ижоди анъаналари ҳам ўрин олди. ЮНЕСКО Бойсун маданий масканини инсониятнинг оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этишди. Бойсун қадимий урф-одатлар, анъаналар, ўзига хос шаклда мукаммал сақланган ва сақланаётган худудлардан бири бўлиб, уни келажак авлодга муносиб тарзда қолдираётган маскан ҳамдир.

Ўзбекистон ҳукумати раҳнамолигида ва ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида “Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали ўтказилди. Бўлиб ўтган фестивалларда “Бойсун” ансамбли олий совринларни қўлга киритди. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли Республикамизда бўлиб ўтган турли маданий тадбирларда фаол қатнашиш билан бир қаторда хорижий давлатларда халқаро фольклор фестивалларда фаол иштирок этиб ўз дастурларини намойиш этиб совриндор бўлишмқда. 1992-йилнинг августи ойида “Бойсун” ансамбли Англия мамлакатада бўлиб ўтган **“BILLINGHAM INTERNATIONAL FOLKLORE FESTIVAL”** да иштирок этиб совриндор бўлди. 1998 йил Франция мамлакатада бўлиб ўтган халқаро фестивалда фаол иштирок этишиб, фестивал совриндори бўлди. 2005 йил май ойида “Бойсун” ансамбли Франция мамлакатада бўлиб ўтган халқаро фольклор фестивалда фаол иштирок этишиб, фестивал совриндорига айланди.

“Бойсун” ансамбли дастурида оилавий, мавсумий маросим, меҳнат кўшиқлари ва эркин (ялла, лапар, терма) кўшиқлар ҳамда оғзаки ижоднинг маҳсули дostonчилик ва бахшичилик санъатининг кенг тарқалганини кўриш мумкин. “Бойсун” фольклор-этнографик жамоаси айна пайтда ҳозирги тарихий-фольклор жараён тараққиётини таъминлаб турувчи жамоалардан бири ҳамдир. Жонли оғзаки ижро ва сахна кўринишлари орқали қадимий анъаналарни сақлаш, такомиллаштириш ва бадий сайкал бериш орқали фольклор анъаналари ривожининг тарихий-ворисий алоқадорлиги таъминлаб келинмоқда. Халқ орасида сақланиб қолган қадимий жанрларни тиклаш, анъанавий кўшиқ ва чолғу куйларининг янги шакллари оммалаштириш билан бир қаторда “Бойсун” ансамбли фольклор ижодкорлигининг ҳозирги ҳолатини ҳам ўзида акс эттиради.

Мустақилликка эришганидан кейин “Бойсун” ансамбли дастурида истиқлолни тараннум этувчи кўплаб кўшиқлар, терма ва лапарлар яратилди. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли репертуарида ана шундай ноёб фольклор асарларининг хилма-хил намуналари мавжуд. Бу эса “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблини энг қадимий аждодларимиз бадий тафаккури дурдоналаридан тортиб то бугунги замондошларимизнинг маънавий-эстетик дунёқарашига бўлган улкан қадриятлар силсиласини ўзида мужассамлаштирувчи бадий қадрият даражасига кўтарилганлигини кўрсатади. Шунини айтиб ўтиш керакки, Сурхондарё вилоятининг, Бойсун туманида тўй -томоша ва бошқа маданий тадбирлар миллий фольклор кўшиғи ижроси остида ўтиши фикримизнинг далилидир. Зеро, қадимда дастлаб фақат маросимлардагина ижро этилган. Бу эса “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг ижоди ўзбек фольклорининг нодир бир



намунаси эканлигини кўрсатиш билан бир қаторда, маросимларда ижро этилиши билан боғлиқ халқимизда бугунги кунгача сақланиб келинаётган анъаналар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

“Бойсун” ансамбли ўз репертуарида қадимий этник турмуш билан боғлиқ урф-одатлар, ўзига хос маросим ва удумларни бадиий ғоявийлигини сахнавий кўринишлар орқали янада тўлдириб, сайқал бериб ўз мухлисларига эга бўлиб келишмоқда. Ансамбль халқ амалий санъати анъаналарини намойиш этиши билан бир қаторда халқ кўшиқлари, лапарлар, айтишувлар, ўлан ва ёр-ёрлар, алла айтишувларининг айримлари созсиз, айримлари миллий мусиқа чолғу асбоблари жўрлигида (доира, най, ғижжак, рубоб, дутор) ёки қадимий мусиқа асбоблари (чанқовуз, сибизға, ушпуллак, қовоқноғора, лойкўза ноғора, дучўба, думбира) жўрлигида ижро этишиб келмоқда. “Бойсун” ансамбли ўзбек фольклор кўшиқ ва рақс сирларини мукамал ўрганиб, турли ҳудудларида уюштирилган қатор тадбирларда фаол иштирок этди. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги”нинг тантаналарида ва “Наврўз” умумхалқ байрамларида фаол иштирок этиш билан бир қаторда “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимларида ҳамда “Алпомиш эпосининг 1000 йиллиги”, “Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги” сингари тантаналарда фаол қатнашди.

“Бойсун” ансамблида ноёб фольклор кўшиқларининг хилма-хил намуналари мавжуддир. Бу эса қадимий аждоқларимиз дурдоналаридан тортиб то бугунги айна пайтда тарихий-фольклорий жараён тараққиётини таъминлаб турувчи эстетик қадирятлардан бири ҳамдир. Ансамбль дастурида ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бойлиги, унинг ранг-баранглиги тўй-томошаларда ижро этилганда мухлисларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Бойсунда “Наврўз-2014” умумхалқ байрами 13-март куни “Сумалак” сайли билан бошланди. Катта дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, унинг атрофида “Бойсун” жамоаси томонидан ижро этилган халқ кўшиқлари, барча-барчани рақсга чорлади. 2014 йил 14-март куни шаҳарнинг ҳар бир гўшаси байрамона ўзгача баҳорий гўзаллика бурканди. “Алпомиш” ўйингоҳи байрамона безатилди. Ранг-баранг оқ ўтовлар тикилди. Қишлоқ хўжалиги ярмаркалари ташкил этилди. Турли кўрғазмалар, кўрик-танловлар ва халқ сайиллари ташкил этилди. Бу эса бойсунликлар учун ўзгача гўзал баҳорий кайфият бағишлади. “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг ҳар бир чиқишларида миллий урф-одатлармиз, удумлармизни наврўз ва баҳор билан ҳамоҳанг тараннумда ижро қилиниши ўйингоҳда ташриф буюрган санъатсевар томошабинларни ҳам рақсга чорлади. “Бойсун” ансамблининг байрамона дастурларидан сўнг, миллий спорт ва халқ ўйинларига уланиб кетди. Шунингдек, нурунийлар, меҳмонлар учун байрам дастурхони ёзилди. “Бойсун” ансамбли байрам дастурхони атрофида ўзининг байрамона дастурини кенгроқ намойиш қилишди. Янгиланиш ва ёшариш байрами “Бойсун” ансамбли учун ҳам ўзгача келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил “Соғлом бола” йили деб эълон қилиниши муносабати билан “Бойсун” ансамблининг оилавий санъаткор жамоалар ҳам

миллий урф-одатларимизни куй-қўшиқлар орқали намойиш қилишди. Спорт мусобақалари, миллий халқ ўйинлари кечгача туманнинг барча сайилгоҳларида давом этди.

Ўйингоҳда минглаб кишилар ташриф буюришди. “Алпомиш” ўйингоҳи томошабинларнинг олқишларига “Бойсун” ансамблининг байрамона куй-қўшиқлар билан ҳам-оҳанг бўлди. Бу эса “Наврўз” умумхалқ байрамининг бизгача етиб, келган анъаналаримизнинг бугун ҳам изчиллигини таъминланаётганлигидан далолат берарди. “Бойсун” ансамбли “Наврўз-2014” умумхалқ байрамига бағишлаб Абдунаби Қодиров сценарийси асосида “Бойсунга Наврўз келди” номли янги театрлаштирилган дастур намойиш этишди. Ансамблининг 40 нафардан ортиқ иштрокчилари фаол иштирок этди. Асосий бадиий дастур томошалардан сўнг туманнинг турли майдонларида халқ сайли ва халқ миллий спорт ўйинлар кечгача давом этди. Республика марказида бўлиб ўтган “Наврўз – 2014” умумхалқ байрамига бағишланган байрам тантанасида фаол иштрок этдик. Бу қутлуғ айёмда бойсунлик санъаткорлар “Наврўз келди” қўшиғини куйлабгина қолмай, байрамга ташриф буюрган меҳмонларни рақсларга чорлаб, ҳар бир қалбни қувонч ва шодликка чорловчи қўшиқлар ва рақсларни ижро этди. Байрам дастурида чиқишлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг каналлари орқали Ватанимиз бўйлаб таралган дастурлари ҳар бир хонадоннинг қувончига янада қувонч бағишлади. “Наврўз – 2013” умумхалқ байрам тантанасида “Бойсун” фольклор этнографик халқ ансамблининг 15 нафар иштирокчиси фаол иштрок этдик. 2014 йил 21-февралдан 20-мартгача.

“Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамблининг фаолияти доимий ижодий изланишига қаратилган бўлиб, у халқ орасидан қадимий фольклор қўшиқларни излаб, йиғиб, қайта сайқал беради. Республика ва вилоят умумхалқ байрам тантаналарида “Бойсун” ансамблининг фаолиятини ҳамда фольклор йўналишида эришилган ютуғларини кенг тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча маданий тадбирларда намойиш этиб ўз дастур ва ютуғларини янада бойитиб келишмоқда. Шулардан: “Бойчечагим бойлантирай”, “Наврўзингдан ўргилай”, “Сумалагим”, “Якку-яккуга ўйна”, “Баҳор келар”, “Суйдирмажон”, “Ҳайда”, “Сизга таъзим”, “У ён қараб ўйна”, “Ишим бор” “Қашқарнинг йўли”, “Яноғи”, “Янгалар”, “Айирмасин”, “Айлагай”, “Тошкўчалар”, “Ҳамал-ҳамалли”, “Ёрижон”, “Ялласи”, “Ўлдурсин” “Ҳа, ўйна-ўйна”.

## **БАХШИ ВА ДОСТОН ИЖРОСИ ҲАМДА МУСИҚА СОЗЛАРИ**

**(Бахшилар ва достонлар ижросидаги мусиқа асбоблари ва унинг тарихий манбалари )**

**Дўмбира** – воҳа аҳолисининг торли чолғу асбобларидан бири дўмбира ёғочдан (тут, ўрик, ёнғоқ) ясалади. Дўмбира торлари эса мол ичагидан эшилган. Дўмбира бироз “бўғиқ” товуш чиқаради. Дўмбира халқ созанда ва бахшилари орасида етакчи чолғу асбобидир. Халқ достонлари дўмбира жўрлигида ижро этилади. Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев

репертуаридан “Бой келди”, “Оғажоним”, “Келиной”, “Тарки дунё”, “Куй чертиш-чўпон чертиш”, “Меҳмондир”, “Зубайда”, “Хончалак”, “Туя чўктир” нағмалари жой олган. Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёновнинг репертуаридан эса “Дўмбира нағмаси”, “Келиной нағмаси”, “Сарбоз нағмаси”, “От хайдаш нағмаси”, “Кўнғирот нағмаси”, “Қайғу нағмаси” каби куйлар ўрин олган.

Энди дўмбира хақида уста Нормурод Шойдиловнинг сўзларини эшитинг: “Дўмбира ўзбек халқининг қадимий миллий сози ҳисобланади. Дўмбира қадимдан Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Самарқанд вилоятларида усталар томонидан ясалган. Бахшилар ушбу дўмбиралар билан бахшичилик санъатини ривожлантирган. Дўмбира шундай созки, сирли оҳангга эга. Дўмбира қандай дарахатлардан ясалган.

1. Олмурид дарахтидан ясалади. Олмурид дарахти тоғда ўсади. Меваси нокка ўхшайди. Сурхондарё вилоятида Сангардакда ўсади.
2. Ўрик дарахтидан бўлади.
3. Ёнғоқ дарахтидан бўлади.
4. Тут дарахтидан бўлади.

Юқорида кўрсатилган мевали дарахтлардан ясалади. Шу дарахатлар 10-15 йил яшагандан кейин кесиб олинади. Шу дарахтларни ноябр ойининг охирлари ёки декабр ойининг бошларида кесиб олинади. Ҳар бир устанинг ўз дўмбира ясаш услуби бўлади. Менинг ҳам дўмбира яшада ўз услубим бор. Чунки мен қари боболардан, дўмбира чертадиган чўпонлардан сўраб ўз дўмбира ясаш услубини яратганман. Дарахтни кесиб олгандан сўнг 1–1,5 йил чуқур ковлаб, бир метрлар чамасида қирқилган дарахтни сув билан атала қилиб кўмиб қўяман. Кўмилган дарахтнинг устидан гоҳ-гоҳ сув қуйиб тураман. Шунда дарахтдаги шира керагича чиқиб кетади. Бир ойда битта дўмбира йўнаман.

Дўмбира йўнишни 1989 йилдан бошлаганман. Дўмбирани Музработ туманидаги Тожи Оллоёров бобонинг Шоберди бахши Болтаевга йўниб берган дўмбирасига қараб йўнганман. Оллоёров Тожи бобони ғойибона устозим деб биламан. Чунки шу киши ясаган дўмбирадан улги ва ўлчам олиб дўмбира ясаганман. Мендан дўмбира олган бахшилар:

1. Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди бахши Болтаев.
2. Шодмон бахши Хўжамбердиев.
3. Исмоилхон бахши Анваров
4. Маҳмуд бахши Чориев
5. Илҳом бахши Норов
5. Сафар бахши Шойдилов.

Ушбу бахшилар мендан олган дўмбира билан Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва тўйларида чертиб, дoston айтиб ўз халқининг кўнглини хурсанд қилиб, ижод қилиб келмоқда”.

**Кўбиз** – ўтмишда воҳада кенг тарқалган турли чолғулар орасида кўбиз алоҳида аҳамият касб этган. Рўзибой бахши ўз айтимларини кўбиз жўровозлигида ижро этган. Умир бахши ҳам дўмбира ва кўбиз чолғуларининг моҳир созандаси бўлган. Лекин ҳозирги кунда кўбиз чолғуси

воҳада йўқолиб кетган, худди шундай ҳолат урма-зарбли асбоб дапга ҳам тегишлидир.

**Дапп** – дапп доирага ўхшаш бўлиб, гардиши (кашноқ) ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган. Бир томони эчки териси билан қопланган. Гардишда халқачалар осилмаган. Товуши паст ва жарангсиз бўлган. Бойсунда касалларни даволаш мақсадида ўтказиладиган “жаҳр” маросимида асосан дапп кенг қўлланилган. Хусусан, Каромат бахши, Саид бахшилар ўз айтимларида даппдан фойдаланиб, “жаҳр” маросимини ўтказишган. Боймурод бахши эса дostonларни ҳам дапп жўровозлигида ижро этган.

**Чанқовуз** – воҳада кенг тарқалган чолғу асбобларидан яна бири чанқовуздир. Чанқовуз – торли-урма ёки тилсимон чертим чолғу асбоби. Чанқовуз аёллар томонидан кўпроқ чалинади. Баъзан чанқовуз эркаклар томонидан ҳам чалинади. Жумладан, қумқўрғонлик Жума Абрайқулов чанқовузнинг моҳир созандаси саналади. Чанқовуз айланма тақасимон шаклда бўлиб, ўртасидан пўлат тил ўтказилади. Чанқовузни ижрочи чап қўли билан тишларига босиб туриб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан чанқовузнинг тилчасини ҳаракатлантириб туради. Тил ҳаракати ҳаво ва зарба воситасида товуш ҳосил бўлади. XX аснинг иккинчи ярмигача чанқовузнинг 3 хили, темирли чанқовуз, суякли чанқовуз ва ёғочли чанқовуз турлари бўлган. Суякли чанқовуз туя қовурғасидан ясалиб, унинг ўртасидан тилча кесилади ва ип боғланади. Чалиш жараёнида ипни тортиш орқали тилча тўлқинлантирилиб товуш ҳосил қилинади. Ёғочли чанқовуз ҳам суякли чанқовузга ўхшаб ёнғоқ, тут ва арча дарахтидан ясалади. Анъанавий мусиқа чолғу асбоблари тўй маросимлари, мавсумий меҳнат жараёнлари, оммавий тантаналарни ўтказишда муҳим аҳамият касб этган.

**Сибизға** – (сибизик) чўпонлар орасида кенг тарқалган. Сибизға оддий камишдан ясалган ва пуфлаб чалинган. Бундан ташқари найнинг ғажир най тури ҳам мавжуд бўлиб, бундай найлар воҳанинг Бойсун туманида кўпроқ қўлланилган.

**Най** – воҳада кенг тарқалган мусиқа чолғуларидан бири найдир. Найлар камиш пояси ва ёғочдан ясалган, узунлиги 15-20 см атрофида бўлган. Ғажир найлар чўл бургути ғажирнинг суягидан ясалган. Найларда кўпроқ “Чўпонча” куйлар чалинган. Найнинг шувуллоқ деб аталган, лойдан чумчуқсимон, найсимон, ғўзачасимон каби турли шаклларда ясалган тури ҳам мавжуд.

**Ғижжак** – торли-камонли мусиқа чолғуси. Ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ, туркманларда ҳамда камон, кеманча номи билан озарбайжон, арман, грузин, эрон, турк ва бошқа Шарқ халқларида кенг тарқалган. Ўрта аср мусиқа рисоаларида баён этилган ривоятларга кўра уни (ғипчак номи билан) Форобий яратган, Ибн Сино дастлабки 2 торини квартага созлаган, Қулмуҳаммад Удий эса Ғижжакка 3- торни қўшган. Унгача 2 симли Ғижжакда ипақдан эшилган ёки симли акс-садо берувчи торлар сони 8-11 тагача бўлган. Ғижжакнинг юмалоқ чўмичсимон косаси олдин қовоқ, кокос ёнғоғидан, ҳозирда ёғоч (тут, ёнғоқ) ғўлачасидан ўйиб ясалади ва косаси оғзига тери ёки пуфак тортилади. Пардасиз дастасининг бир учига қулоқлар

ўрнатилади, бир учи эса косахона устига жойлашади. Даста билан косахонанинг умумий узунлиги 550-900 миллиметр атрофида<sup>76</sup>. Ҳозирда Ғижжакнинг торлар сони 3-4 бўлиб, кварта-квинтага созланади. Улар дастанинг юқори қисмида жойлашган шайтон харак ва косахона устидаги харакка ётқизилади. Умумий диапазони 4 октавадан ортиқ. Ғижжакнинг инсон овозига яқин, нозик ва дардли товуши, қочиримларга бой ижро услуби туфайли миллий мумтоз мусиқа ансамблларида асосий ўрин тутди. Навоийнинг “Мажолис ун –нафоис” асарида айтилишича, Ғижжакни чала билиш барча сарой созандалари учун шарт бўлган. Ўрта асрда *Алижон Ғижжакий*, Хўжа Ўзбек Ғижжакий каби санъаткорлар машхур бўлган. Ўзбекистонда Ғижжак ижрочилигининг ўзига хос услублари, асосан, Андижон, Бухоро ва Хоразм анъанавий мактаблари орқали намоён бўлган.

**Қиёқ** (қадимий туркийча – қия, эгри), қил қиёқ – қўбизга яқин қирғиз торли-комонли мусиқа чолғуси. Чўмичсимон косахонаси, сал эгилган дастаси, от қилидан чийратилмасдан тортилган 2 тори мавжуд. Косахонанинг пастки қисми тери билан қопланади. Умумий узунлиги 60-70 см. Қиёқда халқ кўшиқлари ва дoston куйларига асосланган асарлар ҳамда дастурли куйлар ижро этилади. У, шунингдек, қирғиз *оқин* –дostonчиларига жўрнавoз соз вазифасини ҳам бажаради<sup>77</sup>.

**Тор** – 1) баъзи мусиқа чолғу асбоблари (танбур, ғижжак, чанг, скрипка, рояль ва бошқа) да товуш манбаи сифатида ишлатиладиган таранг тортилган ип, сим ва ҳоказолар. Тор қанчалик қисқа, ингичка ва материали пишиқ (зич) бўлса, унинг тебраниш тезлиги (товуш йўғон-ингичкалиги) шунча юқори бўлади. Ҳозирги мусиқа чолғуларида металл (пўлат), баъзан ипак, шойи ва синтетик тола (капрон, нейлон) дан қилинган Торлар қўлланилади. Кўпинча паст (йўғон) товуш-қатор ҳосил қилиш учун қўлланиладиган Торларнинг устидан бир ёки икки қават сим ўралади; 2) торли-мизробли мусиқа чолғу асбоби. Қадимий Торда 4-6 сим тортилган. Ҳозирги Тор XIX аср ўртасидан Эрон, Кавказ халқлари (озарбайжон, арман ва бошқалар) орасида кенг тарқалган. Тор кенг техника имкониятлари, ёрқин ва жозибали тембр, кучли динамикаси билан ажралиб туради. Унда 11 та сим тортилган бўлиб, энг пастки (ўртада жойлашган) симдан ташқарилари жуфтланган тарзда бўлади ва кварта интервали оралиғида созланади. Торнинг замонавий тури XX аср 30-йилларидан бошлаб Ўзбекистон (Бола бахши *Абдуллаев*, кейинчалик Комилжон *Отаниёзов* ва бошқалар), сўнг Тожикистон мусиқа маданиятига ҳам сингиб кетди. Тор чаноғи (косахонаси) 8 ракам шаклида бўлиб, асосан, тут ёғочи (баъзида ёнғоқ) дан ўйиб ишланади. Чаноқнинг устки очиқ қисми тери билан қопланади. Дастаси узун (800-900 мм). Даста бўйлаб 22 асосий ва 2-3 (чаноқ билан даста уланган жойида) хас пардалар ёпиштирилади<sup>78</sup>.

<sup>76</sup> Кароматов Ф., *Узбекская инструментальная музыка*, Ташкент., 1972; Внзго Ташкент., *Музыкальные инструменты Средней Азии*, Москва., 1980; Тошмукамедов М., *Ғижжак дарслиги*, Ташкент., 2005.

<sup>77</sup> ЎзМ 2005 й 10 том 639-бет

<sup>78</sup> ЎзМ 2004 й 8 том 502-бет

**Танбур** – қадимий торли мусиқа чолғу асбоби. Форобийнинг мусиқа рисоласида Хуросон Танбурининг парда тузилиши келтирилган. Ўзбек, тожик, уйғур ва бошқа халқларда профессионал соз сифатида кенг тарқалган. Ноксимон ўйма косаси йўғон ва узун дастаси билан бирга яхлит тут ёғочидан ясалади; умумий узунлиги 110-130 см. Косасининг қопқоғи, кўпинча, юпқа ёғоч тахтадан қилинади, унда резонатор тешикчалари бор. Пай ип билан боғланган 16-19 пардаси бўлиб, олтинчиси, одатда, ижро этиладиган асарнинг лад-тоналлик хусусиятига кўра юқори ёки пастга суриб қўйилади. Коса қопқоғида чўпдан яна 4 та хас пардаси бўлади. Танбурнинг 3 та торидан биринчиси (юқоридан) асосий, 2 таси ёрдамчидир; биринчиси ва учинчиси унисонга, иккинчиси уларга нисбатан кварта, баъзан квинта ёки секунда паст соланади. Танбур кўлнинг кўрсаткич бармоғига кийиладиган *нохун* билан турли услубда (торларни юқоридан ва пастдан уриб) чалинади. Танбур Ўзбекистонда бошқа торли чертма созлардан фарқли ўлароқ, диатоник товуш-қаторга эга. Танбурнинг торлари узун ва ингичка, пардалари йўғон (диаметри 3 мм гача) бўлганлигидан торни турлича куч билан босиб, товуш баландлигини ярим тонгача ўзгартириш мумкин. Мазкур йўл билан Танбурда куйларга ўзига хос тебратма сайқал, нолалар берилади. Танбурнинг ўзига хос нозик ва таъсирчан овози, кенг диапазони туфайли Бухоро Шашмақоми ижросида асосий якканавоз ва (вокал қисмларда) жўрнавоз соз хисобланади<sup>79</sup>.

**Сурнай** – (форсча сур – тўй, байрам ва най; тўйда чалинадиган най) – пуфлама-тилчали мусиқа чолғу асбоби. Ўзбек, тожик, уйғур ва бошқа халқларда кенг тарқалган профессионал созлардан. Асосий танаси – 400-550 мм узунликдаги мевали дарахт (ўрик, тут, ёнғоқ) ёғочидан, ички томони цилиндр, баъзида конус шаклида, карнайчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади. Бармоқ билан босиладиган 8 та тешиги бор: 7 таси юза (устки), 1 таси орқа (пастки) томонида жойлашган. Сурнайнинг тилчаси (*найпачоқ*, дудик) оддий қамишдан пачоқланиб иип билан қаттиқ бўғилиб, бир-бирига қапиштириб ясалади ва мил нил)ига кийгизилади. Мил чолғу танасига ўрнатилган бачка (форсча бача – бола сўзидан; Сурнайнинг танасига нисбатан бошқача ёғочдан ишланган цилиндр)га кийгизилади. Милга эса ижрочи лабига тиралиб, унинг нафасини ташқарига чиқишидан муҳофазалаб турадиган эллипс шаклидаги (хайвон шохи, суяк, садар ёки металлдан ишланган) ҳалқа – садаф ўрнатилади. Сурхон воҳаси аҳолиси орасида кенг қўлланилган пуфлама чолғу асбобларидан яна бири сурнай саналади. Сурнай яккасоз ва ансамбль чолғуси сифатида қўлланилган. Сурнай доира чолғулари тўй маросимлари ва байрамларида кенг қўлланилади. “Бойсун мавригиси”, “Лолача”, “Оқча бола”, “Ковушим”, “Ҳамроз” кўшиқлари сурнай жўрлигида куйланади.

Сурнай, карнай, ноғора ёки доира жўрлигида оммавийлашган махсус ансамбли ташкил қилиб, миллий анъанавий томошаларда, (“Сурнай ёр-ёри”), дорбоз, кўғирчоқбоз ўйинларида (“Дучава”, “Дор ўйин”, “Уфарлар”, Хоразмда “Қум пишиғи”, “Тўрғай”, “Зувоний”, “Ротолло” ва бошқа), турли

<sup>79</sup>. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963; ЎЗМ 2004 й 8 том 252-253-бетлар.

маросим, йиғин ва сайилларда, рақсларда (“Шодиёна”, “Катта ўйин”, “Дилхирож”, “Танавор”, “МУножот”, Хоразмда “Оразибон”, “Норим-норим”, “Елпасаланди” ва айниқса, “Сурнайлазгиси”) кенг қўлланилади. Сурнай якканавоз чолғу сифатида ҳам машҳур. Ижро имкониятларининг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгаллиги туфайли унда чалинадиган куйлар алоҳида ажралиб туради. Шашмақомдаги Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомлари шўъбалари асосида яратилган сурнай йўллари “Сурнай Бузруги”, “Сурнай навоси”, “Сурнай орази”, “Сурнай Дугоҳи” (савт ва уфари билан) ғоят сеvimлидир. “Мушкилоти Сегоҳ ва Уфори”, “Сурнай Ироғи” каби куйларнинг кўпчилиги йирик тууркумли асарлардир. Айниқса, Наво мақомининг Сурнай йўллари кенг тарқалган бўлиб, асосан, никоҳ тўйларида ижро этилади<sup>80</sup>.

<sup>1</sup> ЎзМЭ. 2004 й 8 том 153-бет. *Ботир Матёқубов*. Сурнай.

---

## ХУЛОСА

Ўзбек миллий дostonчилиги ривожда ўз улушини қўшган талай етук бахшиларининг номларини доимо эҳтиром ва эъзоз билан хотирга оламиз. Уларнинг ноёб бахшичилик қобилияти, беқиёс маҳорати ҳамиша ҳар бир даврда ва ҳар бир замонда юксак баҳоланиб, эътирофини топиб, устувор мақоми таъкидлаб келинмоқда. Монографиянинг илмий ва тарихий баён этиш жараёнида, баъзи дostonлардан намуналар тақдим этиб, ушбу дostonларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрларни китобхонларга эслатма сифатида тақдим қилдик. Шунингдек, бахшичигимизнинг ёш авлоди ижоди, уларнинг ижод бисотилан намуналар, истиқлол йилларида яратилган дostonлар ҳақида ҳам маълум маълумотлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Туркий халқларда дoston айтувчиларни қадимдан ўзан, оқин, жиров, ошиқ, бахши, гўянда, шоир, соқий, юзбоши ва бошқа номлар билан таъриф-тавсифлаб келишади. Бахши шоирлар ўзларининг сўзга чечанлиги, тафаккурининг кенглиги, анъана ва удумларни мукамал билганлиги боис элда ниҳоят катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган. Дostonчилик анъаналари ва халқ оғзаки ижоди шк халқнинг тарихи билан узвийлиги туфайли ҳам бахши шоирлар ўз даврининг донишманд мураббийлари ва асл муаллимлари даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда дoston ижрочилиги ўз хусусияти жиҳатидан икки турга бўлинади:

1. Ички овоз билан шеърий шаклда қўбиз ёки дўмбира жўрлигида ижро этиш услуги.

2. Ички овоз билан шеърий шаклда қўбиз ёки дўмбира жўрлигида ижро этиш услуги.

Асосий матнни ҳикоя ва шеърий матнни кўшиқ шаклида очик овозда, кўпинча дотор ва тор жўрлигида ижро этиш услуги.



Ўзбек анъанавий дostonчилигининг ривожланиб боришида бахшичилик мактаблари ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунки ҳар бир дostonчи ёки дostonчилик гуруҳининг ўзига хос услуби ва йўналиши мавжуд бўлиб, бу ҳолат уни бошқа дostonчилардан тубдан ажратиб туради. Ўзбек халқ дostonлари қаҳрамонлик, ишқий-маиший, жангнома, саргузашт каби жанрларга бўлиниб, ижро этилган. Ўзбек дostonчилигида мусикий хусусиятларига кўра ҳам дўмбира, тор, дотор, қўбиз билан ижро қилиш фарқланган йўналишлар юзага келган. Дostonлар халқнинг тарихи, унинг маросимлар ва анъаналарини ўзида тажассум этган этномаданий қомус саналади. Халқ оғзаки ижодида бахшичилик санъати билан бир қаторда оилавий, мавсумий, маросим, диний, меҳнат қўшиқлари ва эркин мавзули қўшиқлар ҳам ниҳоятда муҳим ўрин тутган. Жумладан, “алла” қўшиқлари ўзининг бетакрорлиги, меҳр ва самимиятга йўғрилганлиги билан ажралиб турса, бешик тўй, суннат тўй ва мучал тўйларда ижро этиладиган ялла, лапар ва термалар халқ оғзаки ижодининг бетакрор намунаси ҳисобланади.

Никоҳ тўйи маросимларида куйланадиган ўланлар, ёр-ёрлар ва келин саломлар ниҳоят даражада жозибадорлиги ва кучли ритмга бойлиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида ғурур билан айтиш керакки, ўзбек халқи азалдан ижодкор, куй ва қўшиққа ошуфта, яхшиликни ўзига шиор қилиб олган халқ саналиб, ушбу туйғуларни халқ оғзаки ижодининг ҳар бир жанрида куйлаган ва кишиларни доимо яхшиликка, меҳр-оқибатга ва эзгуликка даъват этиб келади. Ушбу монография миллий дostonчилигимиз ва бахшичилигимиз ҳамда халқ оғзаки ижодининг тарихи ва маънавий-мафкуравий ҳолатлар тўғрисидаги мавжуд маълумотларни китобхонларга тақдим этади. Монография ҳақидаги китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини муаллифлар интизорлик билан кутадилар, самимият билан қабул қиладилар ва олдиндан ўз минатдорчилигини билдирадилар.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИГА ОИД АТАМАЛАР

### Халқ оғзаки ижодига оид бахшичилик ва дostonчиликка тааллуқли тарихий атамалар

#### А

АБГОР (ф-т) — ёмон аҳволга тушиб қолган; ночор, хароб.

АБДОЛ (а) — художўй, диндор.

АБЖИР (т.) — оёқ-қули тез, эпчил, чакқон.

АБЗАЛ (ф.-т.) - от-уловни эгарлаш ёки аравага кўшиш учун зарур асбоблар мажмуи.

АВБОШ (ф.-т.) - 1. Бебош, дайди, безори; 2. Тарихий манбаларда ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб кўчага чиққан меҳнаткаш халқ ҳам шу ном билан аталган.

АВЕСТО (тар.) - зардуштийлик динининг муқаддас китоби. "Авесто" жуда қадимий китоб бўлиб, унинг ибтидоий қисми милоддан аввалги, яъни қарийб икки минг йил аввал вужудга келган Ўрта Осиё Зардуштийлик динининг ватанларидан бири ҳисобланган. "Авесто"да Хоразм, Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна сингари давлатлар ва тарихий маданият ўчоқлари тўғрисида кўплаб қимматли маълумотлар мавжуд. Манбаларда айтилишича, "Авесто" 21 қисмдан иборат бўлган. Катта "Авесто"дан айрим муҳим оятлар танлаб олиниб, "Кичик Авесто" яратилган. "Авесто" Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон каби мамлакатлар табиати ва халқларининг қадимги даврларини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади.

АВЛОД (ар.) - бир аждоддан тарқалган кишилар. Авлод ота ва она авлодларига бўлинади. Ота авлодига амаки-амакиваччалар, амаваччалар,

ака-укалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради. Она авлодига эса тоғатоғаваччалар, хола-холаваччалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради. Шунингдек, ушбу атама маълум бир даврда яшаган кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. *Масалан: ёш* авлод.

АЗА (ар.)-1.Аёлларнинг марҳум уйида йиғи билан ўтказиладиган мотам маросими; 2.Мотам, таъзия.

АЙЁМ (ар.) - байрам куни.

АЙИЛ (т.) - эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш.

АЙМОҚ (т.-м.) - ўрта аср мўғулларида бир ҳудудда яшовчи, бир-бирига қариндош оилалар бирлашмаси аймақ дейилган. Ўрта асрларда туркий халқларда ҳам бир неча қабила ёки уруғ бирлашмаси аймақ деб аталган. Бу атама ҳозир ҳам ўз уруғларини яхши билган ўзбек халқи ичида кенг қўлланилади.

АЙРИТОМ (тар.) - эр. ав. II аср - эрамизнинг III асрида мавжуд бўлган манзилгоҳ. Ҳозирги Термиз шаҳридан 20 км шарқроқда, Амударёнинг ўнг тарафида жойлашган. Археолог олимлар томонидан 1932 йилдан бошлаб ўрганилиб келинмоқда. Йирик будда ибодатхонаси қазиб очилган. У ердан топилган арфа чалиб турган аёл ҳайкали айниқса машҳур.

АЙРОН (т.) - қатикқа сув қўшиб, шопириб тайёрланадиган ичимлик.

АЙҒИР (т.) - зотли эркак от.

АЛЁРЧИ (т.) - алёр айтувчи, алёр айтишга уста одам

АМУДАРЁ ХАЗИНАСИ (тарихий) – миллодан аввалги У-III асрларга оид 200 дан ортиқ олтин ва кумушдан ясалган буюмлар мажмуаси (ҳайкалчалар, идишлар, билакузуклар, тангалар, узуклар, одамлар ва ҳайвонлар расми тасвирланган пулакчалар). У баъзи манбаларда “Окс хазинаси” деб ҳам аталган. Амударё хазинаси 1877 йили Амударёнинг шимолий қисмида Қободиён (Жанубий Тожикистон) вилояти ҳудудидан эски шаҳар харобаларидан топилган. Турли саргузаштлар орқали ушбу хазина Раволпинди ҳудудига келиб қолган. Ушбу хазинанинг катта бир қисми Ҳиндистонда археология хизмати раҳбари генерал-майор Каннингхэм ва Британия музейининг қадимги давр бўлими мутахассиси О.Фрэнкс томонидан сотиб олинган. 1896 йили О.Фрэнкс васиятига биноан барча буюмлар Британия музейига топширилган.

АНЪАНА (ар.)-узоқ замонлардан бери авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб давом этиб келган урф-одатлар, ахлоқ нормалари, қарашлар ва шу қабилар.

АРҒУМОҚ (т.) - зотли чопқир от.

АСОТИР (ар.) - кисса, достон, ривоят.

АТРАБОН (?) — оташпарастрларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас оловга –“азар-хурро”га ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган диндорлар.

АҚРАБ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири. Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида сакки-зинчи ойнинг арабча номи (11 октябрь - 21 ноябрь даврига тўғри келади).

## Б

БАДИА (ар.) - кишининг диккати тортадиган, таҳсинга сазовор бадий асар.

БАЁЗ (ар.) - бир ёки бир неча шоирнинг шеърлари тўплами.

БАЗМ (ф.-т.) - 1. Тўй, зиёфат ва шу қабиладарда машшоқлар, хонандалар ва раққосалар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси; 2. Ўйин-кулгили ширин суҳбат.

БАЛЛАДА (р<фр.) -шеър билан ёзилган лирик қисса.

БАХШИ (т.+ф.-т.) - 1. Халқ достонларини куйловчи шоир, оқин; 2. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб, даволовчи табиб; 3. Бухоро хонлигида қурилиш учун белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китобини юритувчи лавозимли киши

БЕШЛИК (т.) — 1. Беш мисрадан иборат бўлган мухаммас; 2. Беш кишидан иборат бўлган гуруҳ; 3. Бешта холи бўлган карта.

БЕШКАРСАК (т.) — рақснинг қарсақ чалиб ижро этиладиган бир тури.

БИБИ СЕШАНБА (х.ф.т.) — Ислом динида аёллар сиғинадиган авлиё она. Чарх йигирувчи аёлларнинг пири, афсонавий шахс.

БИЙ (т.) — кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар ХУШ-Х1Х асрларда йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат этган. Ўрта Осиё хонлари қабила ва уруғ бошлиқларини итоатда сақлаш учун уларга унвонлар бериб мансабларга тайинлаганлар. Бий унвони авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоддирилган.

БИТИК (т.) - қадимги туркий тилларда қалам билан битилган ёзувлар, яъни хатлар, мактублар ва китоблар. Араблар истилосидан сўнг битик сўзи ўрнига хат, мактуб каби сўзлар ишлата бошланган.

БОТИР (ф.-т.) - хавф-хатардан, қийинчиликлардан кўрқмайдиган; довюрак, кўрқмас, жасур.

**БОТМОН** (ф.-т.) - Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда қадимги давр ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчови бирлиги. Ботмон турли даврларда, турли жойларда миқдори ўзгариб турган. Масалан: XIX асрда бир ботмон Хивада 20,16 кг дан 40,95 кг гача, Бухоро ва Самарқандда - 8 пуд, яъни 131,44 кг, Фарғонада - 8-10 пуд, яъни 131,44 кг дан 163,800 кггача, Тошкентда - 10,5 пуд, яъни 171,99 кгга тенг бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёда ботмон ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган, яъни бир ботмон оғирликдаги буғдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Бу тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов белгиси бўлган.

**БУДДАВИЙЛИК** (тар.)-жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда вужудга келган (милоддан аввалги У1-У асрлар). Буддизмнинг асосчиси Сиддхартха Гаутама бўлиб, у Будда (зиёланган) деб аталган. Буддизм Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлатлар бўлмиш Бактрия, Кушон ҳамда кейинроқ вужудга келган Тоҳаристон давлатлари ҳудудларида кенг тарқалган.

**БУДРАЧ** (тар.) - ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар номи. Салжуқийлар томонидан вайрон этилган.

**БУРҒУ** т.) - сурнайга ўхшаган махсус мусиқа асбоби.

## Г

**ГАЖАК** (ф.— т.) - 1. Икки чеккага ёки пешанага ҳусн учун тушириб қўйиладиган ярим ҳалқа шаклидаги соч; зулф; 2. Шу тахлитда олтин, кумуш ва шу кабилардан ясалган ва чеккага тақиладиган безак буюми (баъзи кушларнинг пат, думларидан ҳам шундай безак буюми сифатида фойдаланилган); 3. Эгилган, қайрилган.

**ГАНЧКОР** (ф.-т.) - 1. Ганчдан нақш ясовчи уста, ганч сувоқ устаси; 2. Ганч сувоқ қилинган, ганч билан нақшланган.

**ГИРЁН** (ф.-т.) - йиғлаётган, йиғловчи.

**ГИРЯ** (ф.-т.) - 1. Айнан йиғи; 2. Халқ куйларидан бирининг номи.

**ГУПШИ** (т.) - қалин пахтали калта чопон.

**ГУШАНГА** (ф.-т.) — никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги куёв кирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига тутиладиган махсус оқ парда ёки чойшаб. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг айрим туманларида, Фарғона водийсида “чимилдиқ” деб аталади. Хоразмда “кушайина” дейилади. Самарқанд, Бухоро вилоятларида гўшанга даставвал куёв келар кечаси қизнинг отаси уйда тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтказадилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, қиз куёвникига олиб келинади. Бу ерда ҳам гўшанга тутилади. Келин-куёв биринчи кечани гўшанга ортида ўтказадилар. Кўп ерларда тўйнинг эртаси куни гўшанга олиб қўйилади, айрим жойларда маълум муддат, яъни чилласи

(кирк кун) чиққунча гўшанга тутилган ҳолда тураверади. Илгари гўшанга ок матодан бўлиб, келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига говрапўш, яъни бешик устига ёпиладиган ёпқич қилишган.

ГЎЯНДА (ф.~т.) - хофиз, қўшиқчи.

## Д

ДАВУР (ар.) - отнинг устига безак учун ёпиладиган, ипак ва зар тикилган ёпинчик;

ДАЛВ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Жадий ва Хук буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь - 22 февраль даврига тўғри келади).

ДАНГАНА (?) - шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, туя ва шу кабилар) сотиб олиб, гўштини ўзаро тақсимлаш

ДАРВИШ (ДАРВЕШ) (ф.-т.) - тасаввуф маслакларидан бирига мансуб киши, сўфий. Ислолда тасаввуф йўлига кириб меҳнат қилмай дарбадарликни, гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи, тарки дунё қилган шахс. Дарвишлар турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлганлар. Дарвишларни Ўрта Осиёда қаландарлар деб ҳам аташган

ДАФ (Ф.-т.) - чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга хом тери қоплаб ясалган мусиқа асбоби; чилдирма, доира.

ДАХМА (ф.— т.) - қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара.

ДИЛХИРОЖ (ф.-т.-ар.) - ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

ДОСТОН (ф.-т.) - 1. Назм ёки наср билан ёзилган ҳикоя, поэма; 2. Халқ қаҳрамонлари ҳақидаги эпик асар.

ДУГОҲ (ф.— т.) - шашмақом тизимидаги учинчи мақом номи.

ДУЛДУЛ (ар.) - диний афсоналарга кўра пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.) Ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг лақаби.

ДУТОР (ф.—т.) - дастаси узун, икки торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

ДЎМБИРА (ф.-т.) - икки торли, пардасиз чертиб чалинадиган чолғу асбоби.

ДЎНОН (т.) - уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя (икки ёшга тўлиб уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки).

## Ё

ЁБИ (т.) — насли паст от.

ЁВ-ЯРОҚ (т.) - қурол-аслаҳа, қуроллар.

ЁР-ЁР (ф.-т.) - келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти "ер-ёр" ибораси билан тугайдиган кўшиқ.

ЁЙ (т.) - қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида ов ва жанг қуроли ҳисобланган.

## Ж

ЖАВЗО (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири. 2. Шамсия Қуёш (Хуршидий ҳам дейилади Б.М.) йили ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи. 22 май-21 июнь даврига тўғри келади

ЖАДДИЙ (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22 декабрь-21 январь ойига тўғри келади).

ЖАЙХУН (ар.) (тар.) - VIII асрдан бошлаб, ҳозирги Амударё араб манбаларида шу ном билан юритилган.

ЖАМОА (ар.) - бирор маҳалла ёки қишлоқ аҳолиси, бирор муассаса, ташкилот ёки корхона аҳди. Жамоада турли қарашдаги кишилар бўлади.

ЖАНГНОМА (ф.-т.) - тарихий ва афсонавий жанг воқеалари, урушлар, айрим афсонавий ва тарихий шахсларнинг мардлик ва қаҳрамонликларини бадиий адабиётда кўтаринки руҳ билан баён қилувчи эпик жанрнинг тури.

ЖАҲР (ар.) - баланд овоз билан зикр этиш

ЖИЛОВ(т.) - юганнинг чарм тизгини.

ЖИРОВ (т.) - бахши.

ЖИҒА (ф.— т.) - 1. Бош кийимига тақиладиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми (асосан, қиз тўйида куёвнинг, хатна тўйида тўйболанинг бош кийимига тақилади); 2. Тож.

ЖЎГИЛАР (санскр.) - лўлиларнинг айрим ўзбек шеваларида номланиши. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида лўлилар шу атама билан ифодаланади.

## З

ЗАРДУШТИЙЛИК (тар.) – милoddan аввалги VII – VI асрларда қадимги Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида пайдо бўлган дин. Унинг номи шу динга асос солган афсонавий пайғамбар Зардушт номи билан боғлиқ. Зардуштийликнинг асосий муқаддас китоби “Авесто”дир. Зардуштийликнинг асосий ғояларида дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва

коронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ деб тушунтирилади. Зардуштийлик дунёни ёруғлик ва эзгулик худоси Ахурамазда (Хурамазд – Хурмаз – Хурмуз –Хурмус. Б.М.) билан ёвузлик худоси Ангра-Маню (Аграман – Ахриман. Б.М.) ўртасидаги курашдан иборат деб таъкидлайди. Зардуштийлик кулдорлик ва илк феодализм даврида Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалган. Бу ҳудудлар араблар томонидан босиб олинган, зардуштийликка сиғинувчилар мажбуран ислом динига ўтказилган.

ЗУЛФИҚОР (ар.) - ривоятлар бўйича Ҳазрати Али қиличининг номи.

ЗУЛҚАЪДА (ар.) - қамария йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи.

ЗУЛҲИЖЖА (ар.) - қамария йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

ЗУҲАЛ (ар.) - Сатурн сайёрасининг мусулмонлар томонидан аталиши. Мусулмонлар Зухал юлдузини бахтсизлик юлдузи деб атаганлар.

ЗУҲРА (ар.) - Нохид-Венера-сайёрасининг номи. Гўзаллик, хуш кайфият, хурсандчилик ҳамда мухаббат белгиси.

## И

ИДИШҚАЙТДИ (т.) - қиз унаштиришда куёв томондан юборилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

ИЕРОГЛИФ (р<грек) - қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир тушунча, ибора, сўз, бўғин ёки товушни ифодалаган ҳайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва шу қабилар тасвиридан иборат белги; ҳозир хитой, япон ва корейс ёзувларидаги белгилар ҳам иероглифлар деб аталади.

ИЙД, ИЙД АЁМИ (ар.) - мусулмонларнинг диний байрамлари. Ийд терминининг бир оз бузилган ўзбекча талаффузи ҳайитдир. Ўтмишда етти кун давом этадиган ийд-ал-қурбон, яъни қурбон ҳайити (баъзи мамлакатларда 3 ёки 4 кун бўлган) ва уч кун давом этадиган ийд-ал-фитр, яъни рўза ҳайити кунлари омма орасида ийд айёми деб юритилган.

## Й

ЙИЛБОШИ (т.) - Наврўз байрами

ЙИЛНОМА (СОЛНОМА) (т.+ф.-т.) - ўтмишда энг муҳим тарихий воқеалар тартиб билан баён этилган тарихий асар. Ҳар бир мамлакатда яратилган йилномалар шу мамлакат тарихи тўғрисидаги энг муҳим манбалардан ҳисобланади.



ЙЎҚЛОВ (т.) - маълум бир муносабат билан қутлаш, эслаш ва ҳол-аҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст-ёрларнинг бир-бирларига бориш одати. Йўқлашнинг турлари: келин йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, муборак хаж зиёратидан, ҳарбий хизматдан, дам олишдан, саёҳатдан, ўқишдан қайтиб келганларни йўқлаш, беморни касалхона ёки уйига бориб йўқлаш ва бошқалар.

## К

КАЙВОН (ф.-т.) - Зухал (Сатурн) сайёраси.

КАЙВОНИ (ф.-т.) - 1. Айнан дастурхончи; 2. Уй бекаси; 3. Кўп нарса биладиган, билимдон.

КАМОН (ф.-т.) - 1. *Айнан*, камалак; 2. Гижжак каби чолғу асбобларини чалиш учун ишлатиладиган бир учидан иккинчисига қил тутами тортилган таёқча; камонча;

КАРНАЙ (ф. -т.) - мисдан ясалган, узун, оғзи кенг, пуфлаб чалинадиган баланд овозли мусиқа асбоби (одатда, тўй ва катта тантаналарда чалинади).

КЕЛБАТ (ф.-т.) - қоматли, бичимли.

КИШВАР (ф.—т.) - вилоят, ўлка, мамлакат

КЎПКОРИ, КЎПКАРИ (ф.-т.) - *айнан*, улоқ

## Л

ЛАВҲ (ар.) - китобни кўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама.

ЛАНГАР I (ф.-т.) - йўловчилар кўниб ўтадигая жой; хонақоҳ. Пиру-муршидлар кўмилган жой.

ЛАПАР (ф.-т.) - тўй ва йиғинларда йигитлар билан қизлар орасида тарафматараф бўлиб айтиладиган терма кўшиқ.

ЛАТИФА (ар.) - кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя.

## М

МАВЛИД (МАВЛУД) (ар.) - Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлиқ диний байрам. Раби ал-аввал ойининг 12-куни нишонланади. Мусулмон мамлакатларида мавлуд куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, диндорларнинг йиғилишлари ўтказилади.

МАДАНИЙ МЕРОС - ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуи.

МАДҲИЯ (ар.) - бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мақтовига бағишланган бадий асар. Баъзан асарнинг бир қисми ҳам мадҳиядан иборат бўлиши мумкин. Араб, форс ва ўзбек классик адабиёти тарихидаги анъаналарга кўра, ҳар бир йирик эпик асарнинг бош қисмида махсус мақтовлар берилган. Улар одатда, асар ёзилган пайтдаги ҳукмдор ва қаҳрамонларга бағишланган. Шунингдек, шоирларда ўзларидан аввал ўтган буюк шахсларга мақтовлар бағишлаш ҳам одат бўлган.

МАЖУСИЙЛИК (ар.) - зардуштийлик динининг иккинчи номи.

МАРОСИМ (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин.

МАРСИЯ (ар.) - бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган лирик шеър, мотам кўшиғи. Унда марҳумнинг яхши хислатлари.

МАСАЛ (ар.) - 1. Кишиларга ўғит бўладиган, хулосали, кичик мажозий ҳикоя; 2. Матал; мақол.

МАСЛАҲАТ ОШИ (т.) - тўй кенгаши. Ўрта Осиё халқларида тўй билан боғлиқ маросимлардан бири. Маслаҳат оши тўйдан бир неча кун олдин ўтказилади. Маслаҳат ошига маҳалла вакиллари, қариялар, қўни-қўшнилар, қариндош уруғлари чақирилади. Маслаҳатга келганлар тўйни қачон, қандай ўтказиш тартиби, харажатлар ва бошқаларни келишиб оладилар. Мабодо тўй эгасининг бирон моддий етишмовчилиги бўлса, маслаҳат ошига келганлар уни ўз зиммаларига оладилар. Маслаҳат оши ҳозир ҳам анъанавий маросим бўлиб қолмоқда.

МАСНАВИЙ (ар.) - жуфт қофияли байтлардан иборат бўлган шеър формаси

МАЪРАКА (ар.) - бирор муҳим воқеа, тўй ва бошқа муносабатлар билан ўтказиладиган маросим, йиғин. Таъзия маросимлари ҳам маърака дейилади.

МАҚОЛ (ар.) - халқ оғзаки ижоди жанри. Мақолларда авлод аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамланган. Улар асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган. М.Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида дастлабки халқ мақолларини учратамиз.

МАҚОМ I (ар.) - Мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби; 2. “Шашмақом” деб аталган олти қисмдан иборат ўзбек классик мусиқа асарининг ҳар бир қисми; 3. Тартиб, ўлчов;

МЕЗОН (ар.) - 1. Тарози, ўлчов; 2. Шамсия Қуёш йили ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь – 21 октябрь даврига тўғри келади); 3. Баъзи ўсимликларнинг кузда ҳавода сузиб юрадиган ўргимчак уясига ўхшаш спора ташувчилари; 4. Узок чўзилган ёз, иссиқ куз.

МЕҲРЖОН (тар.) - Ҳосил байрами. (Меҳргон ҳам дейилади, гавҳар – жавҳар, ангабин – анжабин, гурд – журд, Гургон – Журжон, Гузгон – Жузжон каби. Б.М.).

МЕҲРЖОН ВА НАВРЎЗ (?) - Туронзамин ва Эронзамин халкларининг байрамлари. Меҳржон Михра ойининг 6-куни.

МОТАМ (ф.-т.) - яқин ёки мўътабар кишининг ўлими му-носабати билан бўлган азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русумлар.

МУТРИБ (ар.)- созанда ва ашулачи.

МУҒАННИЙ (ф.-т.) - нағма чалувчи созанда, нағма билан кушиқ айтувчи хонанда.

МУҲАРРАМ (ар.) - қамария йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи

МЎККИ (?) - хом теридан тикиладиган, қўнжи калта оёқ кийими

## Н

НАВРЎЗ (ф.-т.) - шамсия йил ҳисобида янги йилнинг би-ринчи куни (март ойининг 21 кунига тўғри келади).

НАВРЎЗЛИК (ф.-т.) - эски мактабда Наврўз учун талаба-лардан тўпланадиган пул.

НАЙ (ф.-т.) - олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиби, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби; сибизға.

НАСАБНОМА (ар.+ф.-т.) - шажара, нажоднома, наслуна-жаб ёзилган хужжат.

НАҒАМОТ (ар.) - куй, оҳанг.

НАҒМА (ар.) - лабда юрғизиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.

НОҲИД – Ёруғ юлдуз, Зухра – Венера – Чўлпон сайёраси. Асли фалак созандаси. Созиндалар ҳомийси. Анахита Ардвисура – гўзаллик, санъат ва муҳаббат маъбудаси, яъни Анахита – Нахита – Нахит – Ноҳид (Б.М.).

## О

ОВУЛ (т.) - кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой; қишлоқ,

ОЗУРДА (ф.-т.)» - озор чеккан, ранжиган деган маънони англатган.

ОХУНД (ф.-т.) - 1. Ўқимишли, илмли киши; мулла, домла.2. Халқ ичида уйғурларга қўйилган лақаб.

ОҚСОЧ (т.) - бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл.

ОҒА (т.) - энг катта ака.

## П

ПАЛЕОГРАФИЯ (р. <грек.) - қадимги қўлёзмалар ёзувини ва уларнинг ташқи кўринишини ўрганадиган фан.

ПУШТАН (ф.-т.) - эгарнинг от қорнидан айлангириб ўтказиб боғлаб қўйиладиган тасмаси; қоринбоғ.

## Р

РАБИУЛАВВАЛ (ар.) - қамария йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи.

РАБИУССОНИЙ (ар.) - қамария йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи.

РАЖАБ (ар.) - қамария йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи.

## С

САВР (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель-21 май даврига тўғри келади).

САЖ (ар.) - қофияли проза

САЙЕРА (ар.) - 1. Қуёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи осмон жисми; 2. Муқим турар жойи йўқ, дарбадар кезувчи, дарбадар.

СОВЛИҚ (т.) - урғочи қўй.

СОВРИН (т.) - улоқ, пойга каби мусобақада ғолибларга мукофот тарзида бериладиган нарса.

СОВЧИ (т.) - уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши.

СОП (т.) - баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми, даста.

СУРУВ (т.) - қўй-эчки подаси.

СЎЗАНА (ф.-т.) - ўтмишда келинларнинг энг муҳим сепи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам сўзаналар ҳар бир хонадонда тикилган. Бадавлатроқ

хонадонларда бахмал ва шойидан, камбағалроқ оилаларда кўпинча малла, баъзан оқ бўздан сўзана тикишда фойдаланилган. Сўзана тикиш касби Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида қадимдан ривож топган бўлиб, ҳозиргача сақланиб келмоқда.

СЎНГАК (т.) - суяк, устухон.

## Т

ТАБЛ (ар.) - катта ноғора, довул.

ТАНБУР (ф.—т.) - уч ёки тўртта сим торли, нохун билан чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

ТАРМИТА АНТИОХИЯСИ (тар.) - Антиох I Сатер томонидан ҳозирги Термиз ўрнида қайтадан қурилган шаҳар (ҳозирги эски Термиз харобаси ўрнида). В.Тарн маълумотларига қараганда, Эски Термиз шаҳри дастлаб Александр Македонский томонидан қурилган. Милоддан аввалги III-II асрларда у Окс Александрияси деб аталган (Б.М).

ТАРОВИҲ (ар.) - диндорлар томонидан рамазон ойи давомида, яъни рўза тутиш кечалари ўқиладиган қўшимча намоз.

ТИР (ф.-т.) - ўқ; ёй ўқи.

ТУЛПОР (?) - наслдор, чопқир, учқур от; аргумоқ.

ТУШОВ (т.) - от-уловнинг олдинги оёқларини маташтириб боғлайдиган арқон (мослама).

ТЎЁНА(?) - тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган ёки қилинадиган совға.

ТЎЙ (т.) - кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи (никоҳ тўйи, хат-на, суннат тўйи, бешик тўйи ва ҳоказолар).

ТЎЙБОШИ (т.) - тўйга бошчилик қилувчи шахс.

ТЎЙХОНА (т.+ф.) - тўй бўлаётган уй, жой.

ТЎЙЧИҚ (т.) - кичкина тўй, тўйча.

ТЎКМА (т.) - улфатлар ўртага тўккан маблағ ва масаллиқ ҳисобига қиш бўйи ҳар куни ёки маълум кунларда ўтказиладиган ўтириш.

ТЎРИҚ (т.) - қизғиш, тўқ житаранг от.

## У

УДУМ (ар.) - ҳар бир уруғ, қабила, элат, миллат ва халққа тегишли бўлган, улар томонидан қабул қилинган тартиб; одат, расм; анъана.

УЗАНГИ (т.) - миниш ва оёқдарни тираб ўтириш учун хизмат қиладиган от абзали.

УЗЗОЛ (?) - ўзбек халқ куйларидан бири.

УКПАР (т.) - укки пати (одатда, болалар кийимлари, асосан, бош кийимини безатиш учун унга чатиб қўйилади).

УЛОВ (т.) - миниб юриладиган ҳайвон, иш ҳайвони.

УЛОҚ (т.) - 1. Эчки; 2. Кўпқари - ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашдан иборат спорт мусобақаси.

УЛТОН (т.) - қорамол терисидан тайёрланган чарм; тагчарм

УЛУС (м.) - тор маънода маълум бир уруғ, қабила яшаб турган сарҳадни ифодалаган; кенгроқ маънода эса хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар ва уларга бўйсунувчи ҳамда шу ерда истиқомат қиладиган аҳолини қамраб олган маълум бир сарҳад тушунилган. Тарихий манбаларда Жўчи улуси, Нўғой улуси, Шайбон улуси, Ўзбек улуси каби улуслар мавжуд бўлганлиги тўғрисида жуда бой маълумотлар мавжуд.

УРУҒ-АЙМОҚ (т.) - қариндошлик муносабати билан ўзаро боғланган ва бир жойда яшайдиган кишилар; қариндош-уруғ.

## Ф

ФАЛАК (ар.) - 1. Ердан гумбаз, қубба шаклида бўлиб кўринадиган ҳаво бўшлиғи, осмон гумбази; 2. Олам, коинот, дунё.

## Х

ХАПАМАТ ( ? ) - аёлларнинг ранг-баранг майда мунчок, маржон, нозик, садаф ва шу қабилардан тизиб ясаган, кўкракка тақиладиган махсус безаги.

ХАТНА (ар.) - мусулмонлар ва бачйи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш ёки кестириш.

ХИРМОН КЎТАРИШ (ф.-т.) - XIX -XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида деҳқонлар донни янчиб, тозалаб олгандан сўнг ҳосил йиғиб олиш ва уни тақсимлаш учун ўтказиладиган тантана. Далада, хирмон бошида дон йиғилган жой тўрт қисмга бўлинган. Унга Оллоҳдан барака сўраб, сўнг

тиловат қилишган. Бадавлат хонадонлар жонлиқ сўйишган. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйил-гандан сўнг солиқ йиғувчи (амилан-и хирож) ва амлоқдор келиб, хирож миқдори ва шариат қонуни асосида белгиланган солиқ ушр миқдоригиш аниқлашган. Ундан кейин ҳосил эгаси хирмон-нинг шарқий тарафига»ўтиб катта ғалвирни дон билан тўлдириб бошқа одамга берган. У олдиндан тенг 4га бўлинган чизик ичига донни тўккан. Ушбу тўрт қисмнинг бири келаси йил учун уруғликни англаган, иккинчиси йил давомида истеъмол қилиш учун, учинчиси солиқларни тўлаш, хунармандларни рози қилиш, диндорларга бериш учун ва тўртинчиси қўшчилар ҳақи ҳисобланган. Хирмон кўтариш тантанасида катта бир ғалвир донни четга олиб қўйишган ва сўнгра уни камбағалроқ оилалардан бирига беришган. Бу ҳаққи Оллоҳ ҳосил эгаси омборига олиб борилган.

ХОНУМОН (ф.-т.) - уйдаги мол-мулк, бор бисот, бойлик.

ХЎДОЙИ (ф.-т.) - марҳумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат.

## Ч

ЧАВАНДОЗ (ф.-т.) - от чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам.

ЧИЛДИРМА (т.) - ёғоч гардишга терини таранг қоплаб ясалган ва чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

ЧИЛТОР (ф.-т.) - кўп торли қадимий чолғу асбоби.

ЧИМИЛДИҚ (т.) - гўшанга.

ЧОЛҒУ (т.) - мусиқа асбоби.

ЧОРТОР (ф.-т.) - тўрт торли мусиқа асбоби

ЧЎПЧАК (ф.-т.) - 1. Топишмоқ, жумбоқ; 2. Халқ оғзаки ижодида: хикоя, эртак.

ЧЎПЧАКЧИ (ф.-т.) - 1. Топишмоқ тўқувчи, топишмоққа уста одам; 2. Эртак айтувчи, халқ эртакларини яхши биладиган ва таъсирли қилиб айтувчи одам.

## Ш

ШАВВОЛ (ар.) - ҳижрий йил ҳисобининг ўнинчи ойи.

ШАЖАРА (ар.) - кишиларнинг келиб чиқиши, аجدодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи. Уни тарих фанининг бир тармоғи - генеалогия фани ўрганади.

ШАМСИЯ I (ар.) - Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган 365 ёки 366 кундан иборат, 22 мартдан бошланадиган йил, қуёш йили (шамсия йили қуйидагилардан иборат: ҳамал – барра, савр – ҳўкиз, жавзо – эгизаклар, саратон – қисқичбақа, асад – шер, сунбула – бошоқ, мезон – тарози, акраб – чаён, қавс – ёй, камон, камалак, жаддий – эчки, далв – қавға (челак), ҳут – балиқ . Хуршидий йил ҳисоби ҳам дейилади. Б.М.).

ШАЪБОН (ар.) - қамария йилида саккизинчи ойнинг номи.

ШИРХЎРА (ф.-т.) - бир онани эмган, эмиққош; кўкалдош.

ШИШАК (ф.-т.) - бир ёки икки ёшли қўй.

ШОВВОЗ (ШАҲБОЗ) (ф.-т.) - ҳар қандай ишни эплай оладиган одам; азамат полвон.

ШУЛОН (?) - камбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат.

## Э

ЭГАР (т.) - от-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал.

ЭГАЧИ (т.) - опа.

ЭЛ(т.) - маълум юртда биргаликда яшовчи аҳоли, юрт.

ЭЛДОШ (?) - бир жойли ёки бир элга, қабилага мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан).

ЭМИҚДОШ (т.) - бир онани эмган фарзандлар, бири бегона бўлса, бир-бирига нисбатан ака-ука ҳисобланади.

ЭНА (т.) - она.

ЭНЧИ (т.) - ота томонидан фарзандга ажратиб берилган жонивор, бош мол

ЭТНИК (р. <гр.) - келиб чиқиш жиҳатидан бирор халққа ойд ёки хос бўлган.

ЭШОН (ф.-т.) - луғавий маъноси “улар”, “у киши” дегани. Улуғ авлодларнинг ва сўфийлик оқимида диний раҳнамоларнинг фахрий унвони. Эшонлар мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, мураббийси, шунингдек, дарвишларнинг ҳам диний мураббийси ҳисобланган. Исмоилийлар мазҳабига эътиқод қилувчи жамоа бошлиғи эшон деб аталган. Ўрта асрларда сўфийлик оқими раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида “эшон”, баъзан “пир” сўзлари ишлатилган.



## Я

ЯЛЛА (т.) - енгил ва шўх кўшиқ.

ЯРОҒ (т.) - хужум ва ҳимояда ишлатиладиган қурол.

## Ў

ЎЛАН (т.) - 1. Халқ оғзаки ижодида, одатда, тўй, гапгаштак ва шу кабиларда ижро этиладиган кўшиқ; 2. Ўсиб турган ўт, кўкат.

ЎТОВ (м.-т.) - кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг асосий турар жойи; чорвачилик билан шуғулланадиган аҳолининг кўчма бошпанаси.

## Қ

ҚАВС (ар.) - 1. Ўн икки буржнинг бири, Ақраб ва Жаддий буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябрь-21 декабрь орасидаги даврга тўғри келади).

ҚАЛИН (т.) - Ўрта Осиё худудида келин олиш билан боғлиқ бўлган тўлов одати.

ҚАМАРИЯ (ар.) - Ойнинг иккита бир хил фазаси, масалан, Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби (Қамария ҳисобида йил шамсия ҳисобидан деярли 11 сутка қисқа. Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, раббулаввал, раббиуссоний, жумодилаввал, жуодиссоний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа).

ҚАРТАНГ (т.) - кексая бошлаган киши.

ҚАРҚАРА (т.) - туяқуш патлари билан безатилган бош кийим.

ҚАТИРМА (т.) - оширилмаган ҳамирдан қозонда ёғсиз пишириладиган юпқа емиш.

ҚЎБИЗ (т.) - қисқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби.

ҚЎБИЗЧИ (т.) - қўбиз чалувчи созанда.

ҚУШНАЙ (т.) - бириктирилган икки найли, сурнай каби оғизга олиб пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби

ҚЎШ ОШИ (т.) - XIX асрда Сурхон воҳасида эрта баҳорда ҳар бир ер эгаси томонидан, иш бошлаш олдидан далага чиқиш муносабати билан ўз даласида

уюштириладиган меҳмондорчилик, зиёфат маросими. Одатда, кўш ошига ковоқ шўрва ёки палов қилинган.

Ғ

ҒЎНОН (?) - икки яшар айғир ёки кўчқор.

Ҳ

ҲАМАЛ (ар.) - 1. қамарий йил бўйича март-апрель ойларининг номи; 2. Фалақдаги 12 буржлардан бири.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз // Халқ сўзи. 1996 йил. 26 октябрь.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда: “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Ma’naviyat, 2008.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуназар бахши Поён ўғли. Давркул Полвон. –Тошкент: Адолат, 2003. – 168 б.
2. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри. Махсус муҳаррир А.Қаюмов. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 348 б.
3. Абдуллаев В. Сайланма: Адабий-танқидий мақолалар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 440 б.
4. Абдуллаев Р. Обрядовая музыка Центральной Азии. – Тошкен: Фан, 1994. – 136 с.
5. Abdurahmonov Abdurashid. Turkiy adabiyotning qadimgi davri.–Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – 378 b.
- 6. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. –Тошкент: 1974.**
7. Азабајчан адабијјты тарихи. Үч чилдда. I жилд. I жилдин редакторлары: h. Араслы, М. Гулузадэ., М.Ж.Жеферов. –Бакы: Елм,1960. –592 sah.
8. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. Иккинчи нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –416 б.
9. Алпомиш; Рустамхон. Сўзбоши муаллифи М.Муродов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. –448 б.
- 10. Алпомиш, Т., 1998;**
- 11. Алпамиш, Т., 1998;**
- 12. Алпомиш [Академик нашр], Т., 1999;**
- 13. Алпамыс, Нукус, 1981;**

14. **Алпамис-батир, Алма-Ата, 1961;**
15. **“Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси”. – Тошкент: 1999.**
16. “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти “ мавзуидаги Халқаро конференция материаллари. Термиз 1999 йил, 23 октябрь. – Тошкент: Фан, 1999. –164 б.
17. Асомиддинов М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981.
18. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
19. Аҳмад Муҳаммад Турсун. Ҳикматлар китоби. –Тошкент: HILOL-NASHR, 2013.–270 б.
20. Баҳодирхон А. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А. Аҳмедов. –Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.
21. Баҳодирхон, Абулғозий. Шажарайи тарокима. Нашрга тайёрловчи Қ.Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – 48 б.
22. Баҳор байрамлари. Наврўз ҳикматлари. Наврўз дастурхони. Тузувчилар: А.С.Мадраҳимов, И.Э.Хувайтов. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994.
23. Бахши. ЎЗМЭ. 1-ТОМ. –Б.653.
24. **Бекчон М., Девонзода М.Ю. Сурнай. Хоразм муסיқий тарихчаси. 2-нашри. –Тошкент: 1998.**
25. Беруний Абу Райҳон. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Абдусодиқ Ирисов. –Тошкент: Ёш гвардия, 1973.
26. Брагинский И.С. Проблемы востоковедения.–Москва: Наука, 1974. –496 с.
27. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – 150 б.
28. Взаимосвязь и взаимовлияние жанров в развитии античной литературы. – Москва: Наука, 1989. – 280 с.
29. **Дастагул. Узбекское народное творчество. Дастаны. –Ташкент, 1965. –С. 57–106.**
30. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. –676 с.
31. Ёриев Б. Бахши – шоир олами. –Тошкент: Тафаккур, 2013. – 96 б.
32. Жаббор Эшонкул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. –302 б.
33. **Жирмунский В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. – Москва: 1960.**
34. **Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: 1947.**
35. **Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. –Тошкент: 1993.**
36. **Жўраев Б, Турсунов С. Маҳалла – мустақил юрт таянчи. – Тошкент: Muharrir, 2012.**
37. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли рақамлар. –Тошкент: Фан, 1991. –153 б.
38. Жўраев М., Маматқулова Ф. Тохир ва Зухра. –Тошкент: Муҳаррир, 2011. –204 б.
39. Жўраев М. “Алпомиш” достонининг Сурхондарё талқинлари // MOZIYDAN CADO. – 2013.–№ 3. (59). –Б.14–18.

40. Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос.– Москва:1947.
41. Зарифов Х.Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.
42. Зарифов Х. Т. К изучения узбекского народного эпоса. //Вопросы изучения эпоса народов ССС – М. 1958. с – 110.
43. Зуннун Н., Зуннунов Н. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
44. Иброҳимов.О. IX-XI асрларда ўзбек мусика маданияти // MOZIYDAN CADO.– 2013.–№ 3 (59).–Б.32–33.
45. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. –Тошкент: Шарқ, 1999.
46. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –304 б.
47. Ислам энциклопедический словарь. –Москва: Наука, 1991. – 315 с.
48. История всемирной литературы. В девяти томах. Том третий. –Москва: Наука, 1985. – 816 с.
49. Историки античности: В двух томах. Том первый. Древняя Греция: Пер. с древнегреч. – Москва: Правда, 1989. –624 с.
50. Йўлдошев, Қозоқбой. “Алпомиш” талқинлари ёки дoston бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Тошкент: МАънавият, 2002. – 168 б.
51. Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 384 б.
52. Мамашукуров Каюм. Идеино-художественная особенности цикла дастанов “Нурали”. Диссертация а соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Ташкент, 1985. –152 с.
- 53. Матёкубов О., Мақомат. Т., 2004.ЎзМ 2004 й 8 том 252-бет.**
54. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
55. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа.– Москва: Наука, 1966. –320 с.
56. Минг бир ҳадис. –Тошкент: Ўзбек маскани, 1991.
- 57. Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари. –Тошкент: 1968.**
58. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. А-О. I-том. . – Тошкент: Фан, 1987.
59. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. П-Ҳ. II-том. –Тошкент: Фан, 1988.
- 60. Мирзаев Т., Халқ бахшиларининг эпик репертуари, Т., 1979;**
61. Муродов М. ,Эргашев А. Алпомишнома. 1–2- китоблар. –Тошкент: Мехнат, 1999. – 485 б.
62. Муртазаев Б. Легенды и новь древнего Сурхана // Ўзбекистон хаво йўллари. –2001. –№ 4. – С. 28 – 35.

63. Муртазов Б. Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида // Навоийга армуғон. Низомий номидаги ТошДПУ илм. тўп.–Тошкент: ТошДПУ нашриёти, 2006. – Б. 106 –109.
64. Муртазов Б. Илм – ҳақиқатдир, ҳақиқат – эса илмдир // Tafakkur. – 2009. –№ 1. – Б. 78 – 80.
65. Муртазов Б. Ҳикматлар оламида // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари.–Термиз: Университет, 2011.– Б.105 – 108.
66. Муртазов Б. Термиз – мардлар шаҳри // Сурхон тонги. – 2014. – 4 сентябрь.
- 67. Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси. –Термиз:**
68. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 14-том. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти,1967. – 272 б.
69. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 330 б.
70. Наджиб Э.Н. Исследования по истории тюркских языков XI – XIV веков. – Москва: Наука, 1989. –284 с.
- 71. Назаров А., Беков О., Ражабов И. Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.**
72. Наимов М. Сурхон кўшиқлари. I - қисм. – Термиз: Жайхун, 1997. - 31 б.
73. Наимов М. Сурхон кўшиқлари. II - қисм. – Термиз: Жайхун, 2000. -31 б.
74. Наимов М. Сурхон кўшиқлари. II - қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –28 б.
75. Норалиев Ж. Алпомиш юртга қайтди. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 96 б.
76. Норқобилов Н. Жўшқин дарё.–Тошкент: Фан, 2005. – Б.31.
77. Об эпосе “Алпамыш”. Материалы по обсуждению эпоса “Алпамыш”. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1959. –216 с.
78. Омонтурдиев А Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006.
79. Омонтурдиев, Жаббор. Маърифатнома. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. – 232.
80. Очерки по истории каракалпакского фольклора. Ответственный редактор доктор филологических наук К.М. Максетов. – Ташкент: Фан, 1977. –232 с.
81. Раззоқов.Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
82. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. . –Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
83. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.– Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.
84. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Тошкент: Фан,1978.– 152 б.
85. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. –1971. – 300 с.
86. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Тошкент:Фан, 1991. –160 б.
87. Темур, Амир. Амир Темур ўғитлари. Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. –Тошкент: Наврўз, 1992.

88. “Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи П.Равшанов. –Тошкент: Адабий-бадий нашр, 1991. –352 б.
89. Тошматов Ў. Фольклор кўшиқлари.–Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2003. – 134 б.
90. Турдимов Шомирза. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: Фан, 2011.– 239 б.
91. Турдиев Т. Ўзбек халқининг севимли дostonи. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
92. Турдиев Т. Шажара. –Тошкент: Нур, 1991. –64 б.
93. Туркмен эдебиятынын тарыхы. I том. Жогапкар редактор: филология ылымларынын докторы С.А. Гаррыев. – Ашгабат: Ылым неширяты, 1975. – 480 сах.
94. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазов Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.
95. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазов Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 608 б.
96. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Akademnashr, 2012.
- 97.Турсунов Н. Бухоро удумлари, Т., 1994.**
98. Умар Хайём. Наврўзнама. –Тошкент: Мехнат, 1990.
99. Фозил шоир: Фозил Йўлдош ҳақида. Ред.коллегия: Т.Мирзаев (масъул муҳаррир) ва бошқ. 3 к. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.
- 100. Хош Ниязов Ж., Қорақалпоқ қаҳраманлик дастаны “Алпамис”. – Нукус, 1992.**
101. Хўжамбердиев Ё.У. Сурхондарё вилояти Кўхитангтоғ ва тоғ олди микротопонимлари луғати. –Термиз: Университет нашриёти, 2012.– 108 б.
102. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Академия, 2002.
103. Шермухаммедов П. Хоразм маликаси ёхуд Амир Темурнинг келини. – Тошкент: Фан, 2006.
104. Шомаҳсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1989.
105. Шораҳмедов Д., Аминов М. Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2001.
- 106 Шомухамедов Ш, Шоҳ китоб ва унинг муаллифи,Т., 1992;**
- 107. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. –Тошкен:1971.**
108. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. 1–5- жилдлар. –Тошкент: 1971–1973.
109. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Песни Бульбуля, т., 1-3, т.,1974.
- Эргашева Ч. Ижрочилик пайравлари // MOZIYDAN CADO. – 2013.– № 3. (59.– Б. 34 – 35.
110. Эргашев А., Халилов Д. “Ёзи ва Зебо” – ишқ дostonи. – Қарши: Насаф, 2000.
111. Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonи. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.
112. ЎзМЭ.1 том. Т.,2000 .228 Бет.Алла.

113. ЎзМЭ.1 том. Т.,2000 .228 Бет.
114. ЎзМЭ. 2002 3-том.150-151 бетлар. *Ахмадjon Жабборов* Мусикали комедия
115. ЎзМЭ. 2002 3-том .145-147 бетлар.
116. ЎзМЭ. 4 том.6-бет.”Зевархон”.
117. ЎзМЭ. 5 том.138- Бет. Т.Мирзаев. “Кунтуғмиш”.
118. Ў з МЭ..5 том. 2002. Т.,226-бет. Лапар.
119. ЎзМЭ.5 том.138 Бет.
120. Ўз МЭ. 2004 й. 7-Том 655.56-Бетлар.
121. Ўз МЭ. 2004 й. 7-Том 696-Бет.
122. ЎзМЭ 2004 й 8 том 162, 164,252-253,472,502-504,608 бетлар. Ботир Матёкубов.Танбур чизиги.
123. ЎзМЭ 2005 й 9-том 466-бет
124. ЎзМЭ.2005. 10. том. 46, 76, 112, 240, 346, 639 бетлар.Тўра Мирзаев. “Ширин билан Шакар”. “Шохнома”. “Юсуф ва Зулайхо”
125. Қанотли сўзлар: Мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар. / Тўплаб, нашрга тайёрловчи Э.Сиддиқов. –Тошкент: Ёш гвардия,1986.
126. Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. –Тошкент: 1988.
127. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006.
128. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
129. Ҳаққулов, Иброҳим. “Камол эт касбким...”. – Тошкент: Чўлпон, 1990.
130. Ҳикматлар хазинаси. –Тошкент: Ёш гвардия, 1977.
131. Ҳикоят ва ривоятлар. –Тошкент: Адлабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
132. Ҳожиаҳмедов А. Дўст билан обод уйинг. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991.
133. Ҳомидий, Ҳамиджон. Кўхна Шарқ дарғалари: Бадиий-илмий лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2004.



## МУНДАРИЖА

Кириш..... 1–4.

### **БИРИНЧИ БОБ.**

**Бахшичилик санъатининг қадим илдизлари ва манзиллари**  
.....5–204.

1.1. Марказий Осиё бахшичилик мактаблари.....5–28.

1.2. Ўзбекистонда бахшичилик мактаблари.....28–39.

1.3. Сурхон бахшилари.....39–60.

1.4. Ўзбек халқининг севимли достони.....60–98.

1.5. Ўзбек миллий дostonлари қахрамонлари.....98–110.

1.6. “Рамазон чопвон” ва “Турсун мерган” дostonлари.....110–122.

1.7. “Хулкар пари” ва “Тошбосар” дostonлари.....122–137.

1.8. Дostonлар олами.....137–181.

ТУШ 181–204.

### **ИККИНЧИ БОБ. Дostonчилик тарихи анъаналари ва йўллари**

**2.1.** Дostonчилик тарихига бир назар.....205–210.

**2.2.** Халқ оғзаки ижоди турлари ҳамда мусиқа ва ижро услублари...211–236.

**2.3.** Халқ оғзаки ижодида термалар.....236–254.

**2.4.** “Бадаш” ижроси ва миллий-маънавий қадриятлар.....254–272.

**2.5.** Фольклор йиғувчи бастакор ва созанда ижодкорлар .....272–288.

Хулоса.....289–291.

Халқ оғзаки ижодига оид атамалар.....292–307.

Адабиётлар.....298–308.